

Абдуваҳоб Мадвалиев

ЎЗБЕК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбек тартифидаги
терминларни олдишларни ахс
тасдиқлаштириши.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАВИЕТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЛБДУВАҲОБ МАДВАЛИЕВ

ЎЗБЕК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ
ВА ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ
МАСАЛАЛАРИ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент-2017

111erDU ARM
№ 398211

УЎК: 811.512.133'373.46+811.512.133'374

КБК: 81.2 ўзб-4

М-14

Масъул мұхаррир

Низомиддин Маҳмудов,

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилаr:

Иброҳим Йўлдошев,

филология фанлари доктори, профессор

Дурдана Худойберганова,

филология фанлари доктори, катта илмий ходим

Тўплами нишрга тайёрловчи

Ғулом Исмоилов,

филология фанлари номзоди

Ушбу китоб икки қисмдан иборат: биринчи қисмдан муаллифнинг турли йилларда ёзган ҳамда ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиши, ўзбек лексикографияси ва унинг тарихи, ўзлаштирма сўз ва терминлар, сўз ва терминларнинг турли тип лугатларда берилishi каби назарий ва амалий масалаларга бағишиланган тадқиқотларидан намуналар, айрим лексикографик ишлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, устозлари ҳақидаги хотира ва кутлов мақолалари ўрин олган. Иккинчи қисмida эса олимнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаoliyatiga оид библиография берилган.

Китоб филолог-мутахассисларга, ўзбек тили лексикаси, терминологияси ва лексикографияси билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий кенгашининг 2017 йил 1 мартағи мажлисида (1-баённома) нашрга тавсия этилган.

УЎК: 811.512.133'373.46+811.512.133'374

КБК: 81.2 ўзб-4

ISBN: 978-9943-07-472-9

© Абдуваҳоб Мадвалиев, 2017

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти, 2017

СЎЗБОШИ

Муайян тилнинг ривожланиши жараёнида унинг луғат таркиби (лексикаси, жумладан, терминологияси) бошқа соҳаларга қараганда тез, сезиларли, жиддий ўзгаришларга учрайди. Бунинг объектив, ижтимоий-сиёсий сабаблари бор, албатта. Бу ўзгаришлар лексиканинг, терминологиянинг фақат микдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ривожланишини акс эттиради. Лексикадаги тараққиёт, ўзгаришлар янги луғавий бирликларнинг пайдо бўлиши ва маълум луғавий бирликларнинг йўқ бўлиши (истеъмолдан чиқиши), сўзларнинг янги маънолар касб этиши ва айрим маъноларининг йўқолиши каби ҳодисалардан иборат бўлади. Бу жараёнда луғавий бирликларнинг адабий меъёр (норма)га бўлган муносабатида, қўлланиши ва бошқа хусусиятларида турлича ўзгаришлар рўй беради.

XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида, мамлакатимизнинг мустақилликка эришуви арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида тил сиёсатида жиддий ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, Қонун моддаларида қайд этилган йўл-йўриқ ва вазифалар ўзбек тили тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Унда, биринчидан, тилимиз тараққиёти жараёнида унинг ўз ички имкониятлари асосида ривожланиши қонуни тўла, эркин амал қила бошлади; иккинчидан, республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган улкан ўзгаришлар, ривожланган жуда кўп мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларнинг тобора кучайиб бораётганлиги ҳам қисқа вақт мобайнида ўзбек тили, хусусан, унинг лексикаси ва терминологияси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди.

Албатта, ҳозирги глобаллашув даврида муайян тил (бу ерда – ўзбек тили) лексикаси, лугат таркибининг бойиб бориши, такомиллашуви шу тилнинг ўз ички имкониятлари доирасидагина амалга ошмайди. Юқоридаги каби экстралингвистик омиллар боис тилимизнинг кўплаб хорижий сўз ва терминлар билан бойиб боришини ҳам табиий ҳол деб қабул қилиш керак. Чунки бундай сўз ва терминлар ўзи англатаётган тушунчалар билан бирга кириб келади. Демак, бунда эҳтиёж омилини ҳам эътиборга олиш керак; содда қилиб айтганда, ўзингда бўлмаган нарсани қўшнингдан сўрашга мажбур бўласан. Тилимизда пайдо бўлган юзлаб, минглаб хорижий сўз ва терминлар ана шундай эҳтиёжнинг натижасидир. Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда иқтисодий-сиёсий соҳадаги ўзгаришлар, фан ва техниканинг тобора ривожланиши тилимизда *брифинг*, *геофонд*, *геосиёсат*, *глобаллашув*, *либераллаштириш*, *менталитет*, *парламентарий*, *рейтинг*, *саммит*, *спикер*; *авизо*, *аудитор*, *брокер*, *дилер*, *инвестиция*, *инфратузилма*, *ипотека*, *консалтинг*, *лизинг*, *маркетинг*, *мониторинг*, *санация*, *тендер*; *интернет*, *компьютер*, *ноутбук*, *пейджер*, *принтер*, *сервер*, *файл*, *факс* каби кўплаб сўзларнинг кенг қўллана бошлашига сабаб бўлди.

Юқоридаги каби ўзгаришлар маълум даражага етганда, уларни назарий ва амалий жиҳатдан акс эттирувчи тадқиқотларга эҳтиёж сезилади. Бундай тадқиқотлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Амалий ишларнинг асосийларидан бири эса турли типдаги – таржима, изоҳли, терминологик ва тарихий-этимологик луғатлар тузишдан иборатdir. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ҳам бир қатор асарларида, маъruzаларида она тилимизни асраб-авайлаш ҳақида тегишли кўрсатмалар бериш билан бирга, фан соҳалари мутахассислари, тилшунослар олдига зарур ҳолларда замонавий терминосистемаларни такомиллаштириш, йўқларини илмий асосда ишлаб чиқиш, турли типдаги луғатлар тузиш каби вазифаларни қўйган эди (Қаранг: *Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008, 86–87-бетлар*).

Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, ўзбек лексикографиясининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи узок ўтмиш-

та бориб тақалади. Буюк аллома Маҳмуд Кошғарий замонидан то ҳозиргача луғатчилигимиз тарихида бир неча ўнлаб қўлёзма ва бир неча юзлаб босма луғатлар яратилган ва бу жараён давом этмоқда. Ўзбек амалий лексикографияси соҳасида эришилган муайян муваффақиятлар билан бир қаторда кейинги йилларда луғатчиликнинг назарий муаммоларига – луғатшуносликка ҳам ўтибор қаратилди ва изоҳли ҳамда икки тилини луғатларнинг маълум лексикографик масалаларини ҳал этишда ортирилган бой тажрибани, шунингдек, бу соҳадаги мавжуд камчиликларни ёритишга бағишлиланган бир қанча илмий ишлар ҳам амалга оширилди. Бундай изланишларнинг натижа ва хулосалари тузилажак луғатларнинг сифатини яхшилашга ёрдам бериши шубҳасиз.

Хуллас, ушбу китобда ўзбек тили лексикаси ва терминологияси ҳамда лексикографиясининг юқоридаги каби муаммоларига бағишлиланган мақолалар жамланган. Мақолаларнинг аксарияти институтда 2007–11 йилларда бажарилган ФА-Ф8-034 рақамли ва 2012–16 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г041 рақамли фундаментал илмий лойиҳалар доирасида ёзилган. Мақолалар ва уларда билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар турли йилларда ёзилганига қарамай, ўз аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаган.

Китоб охирига биобиблиография илова қилинди.

Биринчи бўлим
ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ
МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ
ТАРАҚҚИЁТИ**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни кўлга киритганига 20 йил тўлди. Тарих учун бу муддат жуда қисқа бўлса ҳам, лекин ана шу давр ичидаги иқтисодий-сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётимизда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Шўроларнинг 70 йил давомида юритган миллатларни ягона социалистик миллатга бирлаштириш сиёсати туфайли унутилар даражага келиб қолган миллий қадриятларимиз, маънавий анъаналаримиз тикланди. Аждодларимиз қолдирган бой маданий меросимизни оммалаштириш, уларнинг жаҳон тамаддунининг ривожланишидаги ролидан фаҳр-иiftihor хиссини туйиш имконияти вужудга келди. Асрлар давомида онгимизга сингиб қолган мутелик психологияси ўрнини эркинлик, ижодкорлик, фидокорлик психологияси эгаллади.

Республикамизнинг суверен давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзоликка қабул қилиниши, 150 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши натижасида бу диёрнинг мұқаддас тимсоли бўлган миллий тилимизнинг ҳам дунё бўйлаб обрў-эътиборининг ошишига, унга жаҳон халқларининг дикқати қаратилишига замин яратилди. Ана шундай жараёнда мамлакатимизнинг давлат тили бўлган ўзбек тилининг ички тузилиши, тарихий тараққиёт жараёнини ўргатувчи тилшунослик фани ҳам тез суръатлар билан ривожланди.

Энг аввало, шўролар даврида хукмрон бўлган рус тилшунослиги андозалари асосида бошқа системадаги тилларни ўрганиш анъанасидан воз кечилди. Ҳинд-европа тиллари материаллари асосида майдонга келган тадқиқ методларини бошқа тилларга кўллаш мутлақо мумкин эмаслигини Америка ҳинду қабилалари тилларини ўрганишга бел боғлаган Боас ҳам бундан юз йиллар

олдин таъкидлаган эди¹. Ягона фан методологиясига айланган марксистик таълимот занжиридан қутулиш ва оламни илмий билишда қўл келадиган дунёнинг энг яхши фалсафий таълимотларидан эркин фойдаланиш имконияти майдонга келди. Шўролар томонидан «буржуа фани», «марксистик методологияга ёт таълимот» ҳисобланган² системавий-структур тилшунослик ва унинг текшириш методлари мустақиллик шарофати билан кенг кириб кела бошлади.

Умумий ва хусусий илмий-тадқиқот методологияси ва методларини ўрганиш ва ёш тадқиқотчиларга сингдиришга жиддий эътибор қаратилди. Н. Шермуҳаммедованинг фан методологиясига бағишлиган (Тошкент: Университет, 2005), Т. Бушуй, Ш. Сафаровларнинг «Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси» (Тошкент: Фан, 2007), Ҳ. Неъматов ва А. Нурмоновларнинг лингвистик тадқиқот методологияси ва методларига бағишлиган асарлари майдонга келди.

Истиқлолга эришгунга қадар ўзбек тилшунослари асосан ўзбек тилининг ички тузилишини тавсифий асосда ўрганиш билан чекланган бўлсалар, мустақиллик шароитида улар ўзбек тили материаллари негизида умумий тилшунослик муаммоларини ҳал қилиш, тилшунослик назарияси ва лингвистик таълимот тарихи масалаларини ёритиш даражасига кўтарилдилар. Бу давр мобайнида А. А. Абдуазизов, Р. Расулов, Н. Турниёзов, Ш. Искандарова (А. Нурмонов билан ҳамкорликда) ва бошقا олимларнинг тилшунослик назариясига бағишлиган китоблари, шунингдек, «Ўзбек тилшунослиги тарихи» номли асарлар майдонга келди. Фақат истиқлол туфайлигина ўзбек тилшунослиги ўзининг узоқ тарихига эга эканлиги, ўзбек тилшунослалининг Европанинг энг донгдор тилшуносларидан анча олдин қиёсий-тарихий тилшунослик, контрастив лингвистика, идеографик луғатлар яратиш каби қатор йўналишларга асос солганилиги, ҳозирги кунда лексемалар мазмуний мундарижасини узвий (компонент) таҳлил асосида ёритиш анъанага айланган бир

¹ Қаранг: Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Тошкент, 2009. – Б. 107.

² Ахманова О. С. Глоссематика Л. Ельмслева как проявление упадка современного буржуазного языкоznания // Вопросы языкоznания, 1953. №5.

пайтда, бу усул XV асрларда ёзбек тилшунослари томонидан муваффақиятли қўлланганини ёритиш ва илмий жамоатчиликка етказиш имконияти пайдо бўлди.

Энг мухими, истиқлол даврида ўзбек тилшунослигида методологик яккаҳокимлиқдан методологик плюрализмга ўтилди. Бунинг натижасида бир объектга турли томондан ёндашувлар майдонга келди. Анъанавий, структур-семантик (формал-семантик), формал-функционал сингари йўналишлар эркин фаолият кўрсата бошлади. Шунинг учун бу йўналишлар ўртасида баҳс-мунозаралар кучайди. Ш. Раҳматуллаев, А. Ҳожиев, Н. Махмудов, Ҳ. Нематов сингари олимлар бу баҳс-мунозараларнинг фаол иштирокчисига айландилар¹. Бунинг натижасида тилшуносликнинг назарий масалаларига тадқиқотчилар дикқат-эътибори кўпроқ жалб қилина бошлади.

Истиқлолга қадар назарий масалаларни фақат рус тилшунослари ҳал қилиб берган, бошқа тилшунослик вакиллари унга эргашган бўлсалар, мустақиллик шароитида ўзбек тилшунослари назарий муаммоларни ҳал қилишга дадил қўл ура бошладилар. Система, структура тушунчалари, тилнинг асосий қурилиш бирликлари бўлган фонема, морфема, лексема, сўз, конструкцияларнинг моҳиятини белгилаш сингари тилшуносликнинг энг мунозарали масалаларини ҳал қилиш бўйича баҳсга киришдилар. Юқоридаги баҳс-мунозараларда иштирок этган олимларнинг фикрлари қанчалик ҳақ ёки ноҳақлигидан қатъи назар, тилшуносликнинг долзарб назарий масалаларига тадқиқотчилар дикқати тортилганлигининг ўзи тилшунослик назарияси такомилида мухим омил бўлиб хизмат қилди.

Истиқлол даврида структур тилшуносликнинг кириб келиши ўзбек тилининг ички тузилиш бирликларини тадқиқ қилишда катта имконият яратиб берди. Ф. де Соссюрнинг тил–нутқ дихотомияси ҳақидаги қараши асосида ўзбек тилининг барча сатҳларида имконият, моҳият сифатидаги тил бирликлари билан уларнинг нутқий жараёнда бевосита моддийлашуви ўртасидаги муносабатга жиддий эътибор берила бошлади. Истиқлолга қадар тил-

¹ Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. – Тошкент, 2007; Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент, 2010 ва бошқалар.

нутқ зидланишига бефарқ қараган, структур тилшуносликнинг бош моҳияти тил бирликлари билан нутқ бирликларини фарқлаш эканлигига нописандлик билан ёндашган олимлар ҳам мустақиллик шароитида бу фарқланишни эътироф этдилар. Айни пайтда, структур тилшунослик тилни трансцендент ҳодисалардан холи равишда имманент ўрганишга асосий эътибор қаратганлиги туғайли лисоний фаолиятнинг субъектлари бўлган сўзловчи ва тингловчи шахс тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди. Ваҳланки, ҳеч бир тилни «тил эгаси»дан ажратган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Чунки ҳар бир нутқий актда сўзловчи шахснинг изи сезилиб туради. Структур тилшуносликнинг ана шу чекланган томонини бартараф қилиш учун ҳозирги кунда антрополингвистика ривожлана бошлади. Антрополингвистика жаҳон тилшунослари томонидан тилшуносликнинг янги даври деб баҳоланмоқда ва у лингвистик семантика, прагмалингвистика, когнитолингвистика сингари тилнинг ички тузилишини сўзловчи ва тингловчи шахс билан боғлаб ўрганувчи йўналишларни ўз ичига олиши эътироф этилоқда. Мустақиллик шароитида ўзбек тилшуносарининг диққат-эътибори структур тилшунослик билан бирга антрополингвистика йўналишларига қаратилганлиги таҳсинга лойиқдир. М. Миртоҗиев, Н. Маҳмудов сингари олимлар лингвистик семантика бўйича, М. Ҳакимов, Ш. Сафаровлар прагмалингвистика ва когнитив лингвистика бўйича қизиқарли тадқиқотлар олиб бордилар. Айниқса, Ш. Сафаровнинг «Когнитив лингвистика» ва «Прагмалингвистика» номли асарларининг нашр қилиниши ўзбек тилшунослигининг катта ютуғи бўлди¹.

Бундан ташқари, ўзбек тилининг турли сатҳларини шу тилнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этишга алоҳида аҳамият берилди. Ҳ. Жамолхоновнинг «Ўзбек тилининг назарий фонетикаси» (Тошкент, 2009), Азим Ҳожиев, Ё. Тожиев, Т. Мирзакуловларнинг морфемика ва сўз ясалишига бағишлиланган асарлари, Э. Бегматов, М. Миртоҷиев, Ҳ. Неъматов, Р. Расулов, Ҳ. Шамсиддинов, Ҳ. Дадабоев, Ш. Искандарова, А. Собировларнинг лексикологияга, А. Ҳожиев, Ш. Шаҳобидди-

¹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006.

нова, Ж. Элтазаровларнинг морфологияга, Н. Маҳмудов, Р. Сай-фуллаева, М. Қурбонова, Д. Лутфуллаеваларнинг синтаксисга бағишиланган асарлари ўзбек тилшунослигини янги босқичга олиб чиқди.

Мустақиллик йилларида ўзбек тили лексикологияси, айниқса, лексикографияси соҳасида ҳам муҳим ютуқларга эришилди. Ҳусусан, луғатчилик соҳасидаги назарий ва амалий изланишлар диққатга сазовордир. Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», кичик ва ўрта ҳажмли бир неча ўнлаб икки тилли таржима луғатларининг, юздан ортиқ бир, икки ёки кўп тилли терминалогик луғатларнинг айни мустақиллик йилларида яратилганилиги луғатчилик соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан, шу соҳага қизиқиши ортиб бораётганлигидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви билан тил сиёсатида жиддий ўзгаришлар юз бериб, ўзбек адабий тили ижтимоий вазифалари доирасининг мислсиз кенгайишига катта имкониятлар очилди. Айниқса, ўзбек тилининг илмий тил, расмий услугуб тили, почта, телеграф, банк-молия соҳалари тили, ижтимоий-сиёсий ва дипломатик соҳалар тили сифатидаги коммуникатив вазифаси кенг ривож топди. Республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган улкан янгиликлар, ривожланган жуда кўплаб мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларнинг кучайиб бориши қисқа вақт ичida ўзбек тили, ҳусусан, унинг лексикаси таркибининг бойишига сезиларли ижобий таъсири кўрсатди.

Зикр этилган омиллар таъсирида ўзбек тили луғат таркибидаги юз берган жиддий ўзгаришлар муносабати билан ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган изоҳли луғат яратиш заруратидан келиб чиқиб, Республика ҳукуматининг маҳсус қарори билан ўзбек тилининг янги, кўп жилдли изоҳли луғатини тузиш ва чоп этиш масаласи Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»-ги қонунини амалга ошириш Давлат дастурига киритилди ва уни амалга ошириш ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабий-ёт институти зиммасига юкланди.

Институтнинг етакчи олимларидан ташкил топган ижодий гурӯх 1998 йилдан янги изоҳли луғат устида иш бошлаб, уни

2006 йилда якунлади; 300 босма табоқдан ортиқ ҳажмдаги беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» 2006–2008 йилларда «Ўзбекистон миллый энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан тўлиғича нашр этилди. Ушбу луғат ўзбек ва жаҳон луғатчилигининг бой тажрибаларини, янги, ижобий ютуқларини, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида жамиятимиз, халқимиз ҳаётида рўй берган туб ўзгаришлар ва шу муносабат билан ўзбек тили лексикасида содир бўлган янгиликларни эътиборга олган холда яратилган луғатdir.

Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ўзбек халқи ижтимоий-маданий ҳаётида, ўзбек тили ва тилшунослиги тарихда улкан ҳодиса ҳисобланади. Ушбу луғат, аввало, республикамиизда мустақиллик йилларида олиб борилаётган тил сиёсатининг, энг асосийси, ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов, у раҳбарлик қилаётган республика ҳукуматининг зиёлиларга, филология соҳасида фаолият кўрсатаётган олимларга муттасил ғамхўрлигининг ижобий самараси сифатида юзага чиқди.

Луғатнинг илмий қиммати шундаки, у ҳозирги ўзбек адабий тили сўз бойлигини ўзида мужассам қилган, ўзбек тилининг дунёдаги энг ривожланган тиллардан бири эканини намойиш килувчи ва бу ҳолатни конкрет далиллар асосида тасдиқловчи муҳим манбадир. Ушбу изоҳли луғатнинг назарий асоси ва илмий тамойиллари, сўз маъноларини талқин қилиш усуслари ўзбек тилининг икки тилли таржима, терминологик ва бошқа хил лугатларини тузишга баракали таъсир кўрсатди.

Янги изоҳли луғат улкан амалий, маданий-маърифий қимматга эга. Унга ўз она тилига меҳр-муҳаббати бўлган, она тилининг, ундаги сўзларнинг сир-асрорлари, имловий ва услубий хусусиятлари билан қизиқсан ҳар қандай ўзбек зиёлиси, ўзбек тилини ўрганиш иштиёқида бўлган ҳар қандай ўзга тил вакили мурожаат қилиши мумкин. Шунингдек, бу луғат таълим тизимида, нашриёт ва матбуот соҳасида, адабиёт, санъат ва илм-фан соҳаларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир кишининг доимий ҳамроҳи бўлиб қолганига, ҳар бир ўзбек зиёлисининг китоб жавонидан ўрин олганига ишончимиз комил. Шунинг учун ҳам бу луғат матбуот саҳифаларида бугунги ўзбек тили лексикасининг ойнаси сифати-

да баҳоланди ва сўзлар изоҳи ўзбек лексикологияси ва лексикографиясининг сўнгти ютуқларига асосланганлиги билан илмий жамоатчиликнинг таҳсинига сазовор бўлди.

Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» чоп этилганидан кейин Ўзбекистонда луғатчилик, шу жумладан икки тилли луғатлар тузиш соҳасида амалга ошириладиган барча муҳим ва йирик ишлар, ташабbusлар миллий тилининг катта изоҳли луғати билан, В. Г. Гакнинг таъбири билан айтганда, «луғатнинг энг муҳим, асосий тури»¹ билан боғлиқ бўлади. Чунки янги изоҳли луғат ҳозирги ўзбек тилида нисбатан кенг истеъмолда бўлган бир неча ўн минглаб сўз ва сўз бирикмаларини, жумладан, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шеваларда қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни қамраб олган ва қўплаб лексикологик тадқиқотларга, янгидан-янги таржима луғатларига манба бўлиб хизмат қиласди.

Агар мустақиллик давригача Ўзбекистонда икки тилли таржима луғатларининг асосан русча-ўзбекча, ўзбекча-русча турига катта эътибор берилган бўлса, мустақиллик даврида кичик ҳажмли русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча, турли ҳажмдаги арабча-ўзбекча, форсча-ўзбекча, туркча-ўзбекча, корейчча-ўзбекча, японча-ўзбекча, хитойча-ўзбекча, урдуча-ўзбекча, инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча ва бошقا икки тилли луғатлар тузилиб, уларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Хусусан, А. Ирискулов ва Ш. Бўтаевлар ҳамкорлигига 10 дан ортиқ турли ҳажмдаги инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча луғатлар тузилиб чоп этилди ҳамда кенг китобхонлар оммасига хизмат қилмоқда.

Фан, техника, ишлаб чиқариш, ижтимоий ҳаётдаги жиддий ўзгаришлар ва бу ўзгаришларни тилда ифода этиш зарурати туфайли янгидан-янги терминлар вужудга келмоқда. Ҳар бир соҳада учрайдиган бундай терминларни илмий таҳлил қилиб бориш, уларни тартибга солиш терминологиянинг асосий вазифасидир. Бу вазифани амалга оширишнинг асосий йўлларидан бири мукаммал терминологик луғатлар тузишdir. Терминологик тизимларнинг, терминологик луғатларнинг мукаммал бўлиши эса кўп

¹ Гак В. Г. О некоторых закономерностях развития лексикографии (учебная и общая лексикография в историческом аспекте) // Актуальные проблемы учебной лексикографии. – Москва, 1977. – С. 12.

жихатдан турли соҳа мутахассисларининг тилшунослар билан илмий ҳамкорлигига боғлиқдир.

Бирмунча муддат фаолият кўрсатган ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика Атамашунослик қўмитасининг (1989–2004) саъй-харакатлари билан республикада терминологик тадқиқотлар олиб бориш ва терминологик луғатлар тузиш иши бир қадар жонланиб, бевосита мазкур Атамашунослик қўмитаси томонидан нашр этилган 30 дан ортиқ ёки Атамашунослик қўмитасининг турли бўлимларида муҳокама қилиниб тасдиқланган ва нашр этилган ҳар хил ҳажмли терминологик луғатларнинг яратилишида баъзан юқоридагидек илмий ҳамкорликка тўлиқ риоя қилинмаганлиги боис уларда озми-кўпми номувофик (дублет, полисемантик, ноаник) терминлар учрайди. Бундай ҳолатни фалсафа, хукуқшунослик, педагогика, биология ва бошқа бир қанча фан соҳалари бўйича тузилган терминологик луғатларда кузатиш мумкин. Президентимиз И. Каримовнинг қуидаги сўзларини айни мазкур ҳолатни бартараф этишга қаратилган фикр деб қабул қилиш мумкин: «... Айниқса фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонла мағнитириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз»¹.

Айни шу нуқтаи назардан кейинги йилларда ҳам янги-янги фан соҳалари бўйича терминологик тадқиқотлар олиб бориш ва терминологик луғатлар тузиш ишлари давом этмоқда. Масалан, фалсафа, иқтисодиёт, физика, техника, тиббиёт, биология, экология, геология, тилшунослик, иш юритиш соҳалари бўйича бир эмас, икки, уч, тўртталаб янги терминологик луғатларнинг тузилиши ва нашр этилиши Президентимизнинг мазкур кўрсатмаларининг амалдаги ижроси деб қабул қилиш мумкин. Шунингдек, М. М. Мухиддинов иштироки ва таҳрири остида яратилган телевидение, мобил алоқа тизимлари, ахборот технологияси опера-

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, 2007. – Б. 87.

цион тизимларига, ахборот хавфсизлигига оид икки ва уч тилли терминологик луғатлар мустақиллик даври ўзбек лексикографиясининг тараққиёт маҳсулидир.

Хуллас, замонавий ўзбек лексикографияси тарихида шу кунга-ча илм-фан ва техниканинг 50 дан ортиқ турли соҳалари ва тар-моқлари бўйича 300 дан ортиқ хилма-хил терминологик луғат яратилган бўлса, уларнинг ярмидан кўпроғи республикамиз мус-тақииллиги йилларида нашр этилган.

Мустақиллик даврида ўзбек тилшунослиги, ўзбек лексико-графияси эришган катта ютуқлардан яна бири ўзбек тили эти-мологик луғатининг яратилиши бўлди. Гарчи Е. Д. Поливанов 1926 йилда нашр қилинган қисқача ўзбекча-руска луғатида «Ўз-бек тилининг этимологик луғати»ни нашрга тайёрлаб қўйганини ёзган бўлса-да, лекин бу луғат хаёт юзини кўрмай қолган эди. Айюб Гуломовнинг «Ўзбек тилининг сўз ясалиш муаммолари» мавзуидаги докторлик диссертациясида (1955 йил) ўзбек тили этимологияси бўйича анчагина материаллар берилган, лекин у ҳам нашр қилинмаган эди. Ўзбек тилининг ilk этимологик луға-ти Ш. Раҳматуллаев томонидан мустақиллик даврида яратилди ва нашр этилди. Уч қисмдан иборат (1-китоб: ўзбекча сўзлар, 2000; 2-китоб: арабча сўзлар, 2003; 3-китоб: форсча сўзлар, 2009) ушбу луғатнинг нашр этилиши, ундаги айрим нуқсон ва етиш-мовчиликларга қарамай, ўзбек лексикографияси тарихида катта воқеа бўлди.

Ўзбек тилшунослиги тарихида мустақиллик давридагина тилшуносликнинг янги йўналиши – тилшунослик ютуқларини ва тилимиз имкониятларини содда ва ширали тил билан оммага сингдиришга қаратилган лингвопублицистика майдонга келди. Ўзбек тилшунослигининг бу йўналишини шакллантиришда Н. Маҳмудовнинг хизмати катта бўлди. Унинг «Ўзимиз ва сўзимиз» (1997), «Маърифат манзиллари» (1999) сингари рисолалари ва қатор илмий-оммабоп мақолалари ёшларни инсоннинг қиличдан ўткир, атомдан кучли куроли бўлган тилига меҳр-муҳаббат уйго-тишда улкан роль ўйнади.

Тил фақат кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлибгина қол-масдан, уларнинг олам ҳақидаги билимларини келажак авлодга

стказувчи, кишиларда эстетик-эмоционал ҳис уйғотувчи құдрат-ли воситадир. Демак, маълум бир тилни билиш учун луғат таркибини, сўзларни бир-бирига боғлаш қоидаларини ўзлаштиришгина кифоя қилмайди. Бундан ташқари, нутқий жараёнда улардан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш ҳам зарурдир. Бундай кўникма нутқ маданияти саналади ва у «Нутқ маданияти» курси орқали шакллантирилади. Нутқ маданияти жамият маданий-маърифий тараққиётининг, миллат анъанавий камолотининг муҳим белгисидир. Мустакиллик шароитида ёшларни баркамол авлод сифатида тарбиялаш бош мақсадга айланган бир пайтда уларда маданий нутқ кўникмасини шакллантириш хар қачонгидан ҳам долзарбрөқ бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам нутқ маданиятига бағишлиланган бир қатор асарлар яратилди. Улар орасида Н. Маҳмудовнинг «Ўқитувчи нутқи маданияти» китоби алоҳида аҳамият қасб этади. Бу китобда нутқ маданиятига бугунги кунда тилшунослик назариясида эътироф этилган лисоний фаолиятнинг таркибий қисми сифатида ёндашилади.

Лингвистика билан поэтика узвий алоқада, бир томирдан ўсиб чиқкан икки шохча эканлиги, лингвистика бадиий матнни тушуниши, шарҳлаш эҳтиёжи билан ғерменевтика талаби асосида филология бағрида шаклланганлиги барчага аён. Лекин кейинчалик қиёсий-тарихий тилшуносликнинг ривожланиши, айниқса, В. Гумбольдт томонидан тилшунослик назариясига асос солиниши билан тилшуносликнинг адабиётдан узоқлашишига, ҳар иккиси мустақил ҳаёт йўлига эга бўлишига олиб келди. Айниқса, Австрия тилшуноси Г. Шухардт тилшуносликни ўзининг текшириш методи билан филологиядан тамомила фарқ қилишини, тилшуносликни филология таркибидан айро ҳолда ўрганишини кўтариб чиқди¹.

Ана шунинг натижасида, айниқса, структур тилшуносликнинг гlossenматика йўналишида тилшунослик билан адабиёт ўртасида жарлик пайдо бўлди. Бу эса сўзнинг бадиий-эстетик вазифасини илмий асосда объектив тушунтириб беришга халақит беради. Ана шундай ҳолатни сезган Прага структуралистлари сўзнинг

¹ Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. – Москва, 1950. – С. 52.

сехри, бадиий-эстетик вазифасини ёритишни лингвистика объекти доирасига қайтардилар. Ўзбек тилшунослигига ҳам истиқлол даврида лингвистик поэтикага бағишланган бир қанча асарлар яратилди. Бу соҳада И. Мирзаев, М. Йўлдошев, Г. Рихсиева, Г. Муҳаммаджонова, Д. Неъматова, Л. Жалолова сингари бир қатор тадқиқотчилар самарали фаолият олиб бордилар.

Шўроларнинг 70 йил давомида юритган рус тилини «ягона умумхалқ тилига» айлантириш сиёсати бу империя таркибидаги бошқа халқларнинг тилларини эркин ривожланишига тўсқинлик қилди. Хусусан, қадимий ёзув маданиятига эга бўлган ўзбек тилининг илмий, расмий услубларининг ривожига тўсиқ қўйилди. Фундаментал тадқиқотлар рус тилида олиб бориладиган, барча турдаги бошқарув ва хўжалик идораларининг хужжатлари шу тилда юритиладиган бўлиб қолди. Натижада ўзбек тилининг илмий ва расмий услуби ночор ахволга тушди. Икки муҳим услубнинг «касалланиши» бутун бир миллий тилнинг бир маромда ривожланишига рахна солди.

Аввало, «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинishi ва истиқлолдан сўнг унинг янги таҳрири корхона ва муассасаларда давлат тилида иш юритишни Қонун билан мустаҳкамлаб кўйди. «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 19-моддасида «Муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари муҳрлари, тамгалари, иш қоғозларининг матнлари давлат тилида бўлади», – деб белгилаб қўйилган.

Лекин узок йиллар хужжатчилик ишлари асосан рус тилида юритилгани натижасида кўпчилик хужжат юритишни унугтган ёки рус тилидаги хужжатлардан нусха кўчиришга ўтган, бунинг оқибатида ўзбек тилининг расмий услуби тамомила ўсишдан тўхтаган эди. Шунинг учун ўзбек тилида иш юритишнинг асослари ишлаб чиқилиши, қонун-коидаларини ўзида намоён этган намуналарини тўплам ҳолида нашр этиш тарихий заруратга айланди. Ана шу заруратдан келиб чиқиб, мустақиллик берган имконият туфайлигина ўзбек тилшунослиги тарихида илк марта М. Аминов, А. Мадвалиев, Н. Маҳкамов ва Н. Маҳмудовлар томонидан «Иш юритиш» (Тошкент, 2000; кейинги нашрлари – 2003, 2009, 2010) китоби дунёга келди. Бу асар ҳар бир корхона, муассасанинг хужжатлар юритиш бўйича дастуруламалига

айланди. Расмий иш юритиши услубининг меъёрлашишига асос бўлиб хизмат қилди.

Мустақиллик шароитида Республика изда ахборот технологиялари жадал суръатлар билан ривожланди. Ахборот-коммуникация воситаларининг глобаллашуви вужудга келди. Ҳозирги кунда ҳаётимизни компььютерсиз тасаввур қилиш қийин. Ахборот технологияларининг ҳаётимизга кириб келиши бир тилдан иккинчи тилга автоматик таржима қилиш имкониятини яратди. Бу эса ахборот технологияси билан тилшунослик ҳамкорлигини кучайтирди ва бу фанлар оралиғида компььютер лингвистикаси майдонга келди.

Компьютер лингвистикаси жаҳон тилшунослигига XX асрнинг катта ютуғи, назария билан амалиёт ҳамкорлигининг улкан натижаси ҳисобланади. Бугунги кунда компьютер лингвистикасининг мавқеи тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам мустақиллик даврида компьютер лингвистикасига бағищланган А. Пўлатов ва С. Мұхаммедова (Тошкент, 2007), Б. Йўлдошев (Самарқанд, 2009), А. Раҳимов (Тошкент, 2010)ларнинг асарлари нашр қилинди. Бундай асарларнинг дунёга келиши ўзбек тилшунослигини янги йўналиш билан бойитди. Бугунги куннинг энг долзарб масаласи бўлган автоматик таржима, компьютер лексикографияси, тил ўргатиш жараёнини автоматлаштириш, матнларни автоматик таҳрир қилиш сингари муаммолар юзасидан маълумотлар берилди.

Мустақиллик қўлга киритилиши билан ҳукуматимиз томонидан жаҳон андозаларига мос келадиган юқори савияли илмий кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг ташкил этилиши, шу муносабат билан бу муассаса томонидан докторлик ва номзодлик диссертациялари олдига қўйиладиган талабларнинг кучайтирилиши, ёқланган ҳар бир докторлик ва номзодлик диссертацияларининг юксак талаблар асосида «чириқ»дан ўтказилиши олиб бориладиган илмий тадқиқотлар савиясининг ортишига замин яратди. Бу давр мабойнида хорижий тилларда bemalol мулоқот қила оладиган ва дунёning энг ривожланган мамалакатларида эришилган фан ютуқларидан шу мамлакат тили орқали эркин фойдалана оладиган, ўзбек фанини дунёга танита оладиган илмий тадқиқотчилар етишиб чиқди. Улар орасида тилшуносликнинг турли муаммолари бўйича хориждаги олимпгар

билинг бемалол беллаша оладиган Ж. Элтазаров, А. Раҳимов сингари олимлар алоҳида ажралиб туради.

Мустақиллик кўлга киритилиши билан Республикаизда таълим тизимини тубдан ислоҳ килишга жиддий эътибор қаратилди. «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» қонунларининг қабул қилиниши фикримизнинг далилидир. Юртбошимиз мустабид тузумдан қолган дарслик ва қўлланмаларнинг таълим тизими олдига қўйилаётган талабларга жавоб бермаслигини таъкидлагани ҳолда, Республикаиз олимлари олдига замона талабларига жавоб берадиган дарслик ва қўлланмалар яратишни долзарб вазифа қилиб қўйди.

Мамлакатимизнинг етакчи олимлари ана шу вазифани бажаришга киришдилар. Таълимнинг барча бўғинлари учун турли ижодий гурухлар томонидан бир неча вариантда янги типдаги дарсликлар яратилди ва ўрта умумий таълим ҳамда ўрта маҳсус таълим тизимлари учун яратилган дарсликлар танловида Н. Маҳмудов бошчилигидаги муаллифлар гурухи томонидан 5-, 6-, 7-, 9-синфлар учун ёзилган «Она тили» дарсликлари, М. Қодиров раҳбарлигига ёзилган 8-синф учун «Она тили» дарслиги, А. Нурмонов раҳбарлигига академик лицейлар учун ёзилган З жилдли «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслиги, А. Рафиев етакчилигидаги касб-хунар коллажлари учун ёзилган «Ўзбек тили ва адабиёти» дарслиги ғолиб деб топилди ва шу кунгача бир неча марта нашр этилди. Олий таълимнинг филология факультетлари учун ҳам Ш. Раҳматуллаев, М. Миртоҷиев, Ҳ. Жамолхонов томонидан, шунингдек, Р. Сайфуллаева етакчилигидаги муаллифлар жамоаси томонидан бир неча вариантда «Ҳозирги ўзбек тили» дарслиги яратилди.

Хуллас, ўзбек тилшунослиги йигирма йил ичидаги ўзбек тилининг барча сатҳ бирликларини шу тилнинг ўз ички хусусиятларини эътиборга олган ҳолда илмий жиҳатдан чуқур ўрганишда катта муваффакиятларга эришди. Шўролар даврида юритилган тил сиёсати туфайли оқсоқланиб қолган расмий ва илмий услубларни меъёрлаштиришга жиддий эътибор қаратилди.

Айни пайтда, ўзбек тилининг жони бўлган маҳаллий шеваларнинг атласини тузиш, олий ўкув юртларининг филология факультетлари учун ўзбек тилшунослигининг сўнгги ютуқларини

тиборма олган, илмий-услубий жиҳатдан дарслик талаблари-ги жавоб берувчи, истиқлол руҳини ўзида акс эттирувчи, ҳамма учун мақбул келадиган «Ҳозирги ўзбек тили» дарслигини яратиш навбатдаги вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу кунга қадар лингвопоэтика асосан лексик бирликлар поэтикасини ўрганишга эътибор қаратди. Юқорида таъкидлангани каби, ҳар бир сатҳ бирлиги бадиий-эстетик вазифа ҳам бажаради. Шундай экан, фонопоэтика, морфопоэтика, синтактик поэтика масалалари жиддий тадқиқ обьекти бўлмоғи лозим.

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
йигирма йиллигига бағишилаб А. Нурмонов ва
Н. Маҳкамовлар билан ҳамкорликда ёзилган.*

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига 25 йил тўлди. Неча минг йиллик кўхна тарих учун қисқа бўлган бу даврда юртимизда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, ҳалқ ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди. Айниқса, 70 йиллик шўролар истибоди натижасида қарийб унтулиш даражасига келиб қолган миллий анъана ва қадриятларимиз тикланди, ўзининг ҳақиқий баҳосини олди. Энг муҳими, истиқлол йилларида ватандошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгариб, юртдошларимизнда яратувчаник, бунёдкорлик кўникмаси шаклланди, ўзининг ўзбек ҳалқи фарзанди эканлигидан ғурурланиш, миллий ифтихор туйғуси пайдо бўлди. Ана шундай мақсадли ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг жорий йилнинг май ойида «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонининг эълон қилиниши ўзбек ҳалқи тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган кутлуғ сана бўлиб кирди, она тили ва адабиётимизнинг кейинги камоли ва бардавомлигининг хукуқий асосини таъминлади.

Маълумки, дунё тажрибасида алоҳида тилшунослик институтлари ёки адабиётшунослик марказлари мавжуд бўлса-да, бироқ миллий тил ва миллий адабиётни бир бутунликда тадқиқ этадиган, ютуқларини тўғридан-тўғри таълим билан баҳам кўрадиган маҳсус муассаса йўқ хисоби. Фармоннинг оригиналлиги, профессионаллиги шундаки, унда она тилини миллий адабиётсиз, миллий адабиётни эса она тилисиз ўрганиб бўлмаслигидек ойдин ҳақиқат, йиллар синовидан ўтган тажриба ўз тасдиfinи топган.

Ўзбекистоннинг мустақил мамлакат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиниши, дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан тенглик тамойилига асосланган дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши натижасида она тилимиз бўлган ўзбек тилини ҳам Ўзбекистон отлиғ диёрнинг давлат тили сифатида дунё ҳамжамияти тан ола бошлади, ўзбек тилида сўзлашни ўзига шараф деб биладиган ўрганувчилар, жаҳоннинг нуфузли илмий даргоҳларида бу тилни маҳсус ўрганувчи илмий марказлар пайдо бўлди.

Мустақилликдан аввал ўзбек тилшунослиги кўп ҳолларда тавсифий характерда иш кўрган бўлса, истиқлол йилларида умумтилшуносликнинг муҳим назарий муаммолари, универсал лингвистик таълимотлар ўзбек тили материаллари асосида ўрганила бошланди, бир сўз билан айтганда, турли тилшунослик назарияларининг тўғридан-тўғри татбиқидан воз кечилди. Тил системаси ва унинг шаклланиш жараёнида юз берадиган лисоний ҳодисаларнинг моҳиятини белгилаш билан боғлиқ назарий масалаларни тўла ва тўғри ҳал қилмасдан янги давр талабларига жавоб берадиган ўкув қўлланмалари ва дарсликларни яратиш мумкин эмаслигини тушунган илғор тилшуносларимиз асосий эътиборларини тил бирликлари ва улар билан боғлиқ лексик-синтактик ҳодисаларнинг назарий жиҳатларини асослашга қаратдилар. Натижада тилшуносликнинг назарий томонларини ўрганишга бағишлиланган М. Миртозиев, А. Ҳожиев, А. Нурмонов, Н. Маҳмудов, Ё. Тоҷиев, Ш. Сафаров, А. Собиров, Д. Лутфуллаева каби тилшуносларнинг асарлари пайдо бўлди¹.

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент, 2010; Нурмонов А., Маҳмудов Н., Акбаров А., Солихўжаева С.

Хусусан, сўзниңг семантикасига бағишланган «Ўзбек тили семионологияси»да лексик маъно ва унинг тараққиёт тамойиллари, сўз семантик структураси билан боғлиқ лексик ҳодисаларни назарий асослари бевосита она тилимизнинг табиатидан келиб чиқиб баҳоланди. А. Нурмонов ва Н. Маҳмудовларнинг лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари, лингвистик белги назарияси, тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси, ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси, синтактик семантика, ўзбек тилининг назарий морфологияси ва синтаксиси каби масалаларга бағишланган тадқиқотларининг яратилиши ўзбек назарий тилшунослигининг пойдеворини мустаҳкамлади, кейинги тадқиқотларнинг таянч тушунчаларини белгилаб берди, тилимизнинг ички тузилишини ўзбек халқининг миллый-рухий дунёси, оламни лисоний идрок этиш тарзи билан яхлитлиқда қарашга олиб келди. Шунингдек, тил ва нутқ ҳодисалари изчил фарқланган ҳолда морфема, лексема, сўз, сўз ясалиши ва бошқа бир қатор лисоний ҳодисаларнинг моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида қимматли назарий фикрлар илгари сурилган, лингвистик белги назарияси, паралингвистика, морфо-синтактик бирликлар, уларнинг субординатив ва координатив бирикиш йўллари, семантика ва у билан боғлиқ маъно назарияси, референт, сигнификат каби масалаларга дикқат қаратилди.

Бу давр тилшунослигининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, тилни ўрганишнинг анъанавий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик тадқиқ тамойиллари ёнма-ён иш олиб борди, бир қатор тадқиқотлар юзага келди¹. Масалан, Ҳ. Неъматов, Р. Расулов, О. Бозоров, Ш. Искандарова, Ш. Шаҳобиддинова, М. Қурбонова, Б. Менглиев каби тилшуносларнинг тадқиқотла-

Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент, 1992; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент, 2001; Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент, 1995; Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент, 2013.

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент, 2010; Раҳматуллаев Ш. Систем лексикология асослари. – Тошкент, 2007; Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент, 1995; Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). ДД. – Тошкент, 1999; Ҳудойберганова Д. Ўзбек тилида матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент, 2013.

рида тил систем-структур планда ўрганилди, мазкур тадқиқотлар натижаси бўлган бир қатор дарслик ва ўкув қўлланмалари нашр этилди¹.

XX асрнинг сўнгги чорагида тилшуносликда тил ва маданият масаласининг кун тартибига чиқиши, аслида, халқларнинг миллий ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурни янгилашга бўлган эҳтиёжи натижасидир. Шунинг учун ҳам «... ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир», – деб таъкидланади². Дарҳақиқат, ўзида миллат рухини, унинг ўтмиши, бугуни ва эртасини акс эттирган она тилимизнинг ҳадсиз ифода ва истифода имкониятларини очиб бериш бугун ҳар қачонгидан кўра долзарб. Шу маънода кейинги йилларда тилни унинг эгаси билан ўрганишга қаратилган янги лингвистик йўналиш – антропоцентризм асосидаги тадқиқотлар юзага келаётгани кувонарли ҳолдир. Тил ҳодисаларига миллат маданияти, миллий менталитети, билиш фаолияти каби омиллар билан бир бутунликда ўрганиладиган мазкур тадқиқ тамоилии ҳозирги кунда дунё тилшунослигининг асосий йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Ўзбек тилшунослигига ҳам ўзбек тилини ўзбек халқининг миллий-маданий омиллари асосида ўрганишга интилиш тобора кучайиб бормоқда. Бунинг натижасида ўзбек тилшунослигига В. фон Гумбольдт, Б. Л. Уорф, Э. Сепир, И. Вайсгербер, В. Телия, В. Маслова каби машҳур тилшуносларнинг карашлари кириб келди. Антропоцентризмнинг прагмалингвистика, психолингвистика, социолингвистика, когнитив тилшунослик, лингвокультурология³ соҳаларига оид монография ва ўкув қўлланмалари

¹ Курбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили (Содда гап синтаксиси учун материаллар). – Тошкент, 2002.

² Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, 2008. – Б. 83.

³ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008; Усмонова Ш. Психолингвистика (ўкув-услубий мажмуя). – Тошкент, 2011; Усманова Ш., Бекмуҳамедова Н., Исандарова Г. Социолингвистика. Ўкув қўлланма. – Тошкент, 2014; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006; Худойберганова Д. Матнинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент, 2013.

яратилди. Бунда Н. Маҳмудовнинг «Тилнинг мукаммал тадқиқи ўгуларини излаб...» мақоласи тилни шахс омили асосида ўрганишни мақсад қилган тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбек тилининг давлат тили мақоми остида жадал ривожлашиши натижасида бу тилнинг луғат таркибида ҳам бир қатор ўзгаришлар юз берди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Масалан, аввал фақат рус тили орқали ўзлашган сўзлар энди тилнинг табиий қонуниятига мос равишда инглиз, француз каби тиллардан бевосита ўзлаштирила бошланди. Айни пайтда ўзбек тилига миллий рух бағиашлаш ҳаракати билан олиб борилган тадбирлар натижасида ўзбек тилидан бир қатор сўзлар (*справка, характеристика, район, область, министр* кабилар)нинг тил архаик фондидан жой олишига сабаб бўлди. Табиийки, бу ва бошқа кўплаб лисоний жараёнлар туфайли ўзбек тилининг адабий меъёрларида ўзгаришлар юз бердики, буларни аниқлаш, маълум меъёрларга бўйсундириш зарурати кун тартибига қўйилди. Э. Бегматов, А. Маматов, Н. Маҳкамов каби тилшуносларнинг ҳозирги ўзбек адабий тили ва унинг меъёрларини белгилашга қаратилган асарлари ана шу зарурат натижаси сифатида юзага келди¹.

Ўзбек тилининг қонуний муҳофазаси 1989 йилда таъминланган бўлса ҳам, узоқ йиллар расмий иш юритиш тизими рус тилида олиб борилгани сабабли, ўзбек тилидаги ҳужжатчилик тизими ишдан чиққан ёки камида ачинарли аҳволга келиб қолган эди. Янги давр эса ўзбек тилида иш юритишнинг янги тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишини тақозо этар эди. Ана шу ижтимоий заруратни тўғри англаган бир гуруҳ тилшунослар томонидан «Иш юритиш» китоби яратилиб, қайта-қайта нашр этилди. Бунинг натижасида расмий иш қоғозлари услуби маълум меъёрларга солинди.

Истиқлол йилларида янги тадқиқ соҳаси сифатида дунёга келган ва қисқа мuddатда ўзининг тадқиқот қонуниятларини белгилаб олган соҳалардан бири лингвопоэтикадир. Назарий тилшуносликнинг кейинги такомили, систем-структур тилшу-

¹ Қаранг: Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. I–III жиллар. – Тошкент: Наврӯз, 1997; Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. – Тошкент, 1988.

носликнинг «ўзида ва ўзи учун» тамойтили асосида иш кўриши натижасида асли филология бағрида шаклланган лингвистика узоқ йиллар адабиётдан узоқлашди. Бу, айниқса, структур тил-шуносликнинг глоссематика йўналишида яққол сезилиб қолди, лисоний бирликларнинг бадиий-эстетик вазифасини тушунтириб беришнинг иложи бўлмай қолди. Тилнинг ана шу эстетик қимматини англаған Прага структуралистлари сўзнинг бадиий-эстетик вазифаларини ёритишни тилшунослик обьекти доира-сига қайтардилар. Ўзбек тилшунослигига бу соҳа И. Мирзаев, С. Каримов, М. Йўлдошев, Г. Рихсиева, Г. Муҳаммаджонова, Д. Неъматова, Л. Жалолова, Ф. Ибрагимова ва бошқа кўплаб тилшунослар томонидан янада ривожлантирилди. Жумладан, Б. Йўлдошевнинг куни кеча нашр этилган «Бадиий асар тили масалалари» асари лингвопоэтикага бағишлиланган энг янги тадқиқотдир. Айни пайтда ёш тилшунослар томонидан исмлар поэтикасига бағишлиланган илмий изланишлар ҳам олиб борилмоқда.

Ўзбек тилшунослигининг чорак асрлик тараққиёт даврида милллий лексикографиямиз ҳам сон жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан такомиллашиб, катта ютуқларга эришди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли қарори талаблари асосида ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг илмий ходимлари томонидан яратилган 5 жилдли янги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни ана шундай ишларнинг намунаси сифатида кўрсатиш мумкин. Ўзбек тилининг улкан ифода имконларини ўзида жамлаган мазкур луғатнинг юзага келиши республикамиизда олиб борилган тил сиёсатининг, энг асосийси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги республика хукуматининг зиёлиларга, айниқса, филолог-мутахассисларга кўрсатган ғамхўрлигининг натижасидир.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада кўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни

ўз ичига олган мазкур лугатда берилган сўзларнинг амалда қўл-ланиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далиллангани унинг ўзбек тили, тилшунослиги, туркайшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талabalари, шунингдек, кенг ўкувчилар оммаси учун мўлжалланганлигини кўрсатади.

Маълумки, 1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонун, 1995 йил 24 августда «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» маҳсус қарор қабул қилинган эди. Имло масаласига ҳуқумат даражасида эътибор берилишининг сабаби шунда эдик, имло нафақат тўғри ёзиш қонун-қоидаларини белгилайди, шунингдек, миллатни, ҳалқни бирлаштиришдек ижтимоий-сиёсий вазифани ҳам бажаради. Шу сабабли саводхонлик масаласини ошириш ҳамда имло борасидаги ишларни мунтазам такомиллаштириб бориш мақсадида жорий йилги Фармонда ўзбек тилининг товушлар тизими ва уни ҳисобга олган ҳолда нутқ товушларининг ёзувда акс этиши, жорий имло қоидаларини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда илмий асосланган таклифларни тайёрлаш, ишлаб чиқиши лозимлиги алоҳида таъкидланган. Ана шу эзгу мақсадга мутлақо мувофиқ тарзда мустақиллик йилларида Тил ва адабиёт институтида тилшунослигимиз тарихидаги энг катта (85 000 дан ортиқ сўз) имло лугати яратилиб, 2013 йилда ҳам лотин, ҳам кирилл ёзувида нашр этилди. Мазкур лугатнинг эътиборли томонларидан бири шундаки, унда ҳозирга қадар турлича талқин қилиниб келаётган ёлашган унлиларнинг имлосини имкон қадар бирхиллаштиришга ҳаракат қилинган. Масалан, буни *budget*, *sujet*, *sentabr*, *oktabr*, *rejissor*, *ventilator* каби сўзларни *byudjet*, *syujet*, *sentyabr*, *oktyabr*, *rejissyor*, *ventilyator* тарзида ёзиш лозимлиги қоидалаштирилганида кўриш мумкин. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ҳали имло борасида амалга оширилиши, ишлаб чиқилиши зарур бўлган муйян ишлар ўз ечимини кутмоқда.

Ўзбек тили дунё тиллари тизимида уч лаҳжадан куч олиб ривожланадиган тил сифатида бой ифода имкониятларига эга. Та-

бийики, мазкур лаҳжа ва шевалардаги сўзларни тўплаш, уларни йиғиши этимологик луғатлар учун муҳим манба ҳисобланади ҳамда бу тип луғатларнинг мукаммалашувига ёрдам беради. Шу манъода заҳматкаш тилшунос Ш. Раҳматуллаевнинг уч жилдли «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да тилимизнинг турли даврларида қўлланган туркий, арабий ва форсий сўзларнинг келиб чиқиши тарихи бой фактик мисоллар орқали очиб берилган. Мазкур тадқиқот таҳлилларнинг ишончлилиги, лексикографик изоҳларнинг пухталиги билан ажралиб турса-да, бу борадаги изланишларни яна ва яна давом эттириш лозим.

Мустақиллик даври ўзбек лексикографиясида луғатчиликнинг янги-янги тажрибаларига қўл урилмоқда, луғатларнинг янги турлари яратила бошланди. Масалан, «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати» (2013), «Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати» (2014), «Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати» (2015), «Сўз сандиқчаси: ўзбек тилининг изоҳли луғатчаси» (2016) каби асарлар бугун фан ва таълим тизимида ўқувчи ва талабаларнинг филологик сезгисини оширишга хизмат қилмоқда, филолог-мутахассислар учун муҳим манба вазифасини ўтамоқда.

Истиқлол даври лексикографиясида бир қатор икки тилли луғатлар яратилдики, мустақилликка қадар бу тур луғатлар, асосан, русча-ўзбекча ёки ўзбекча-русча бўлар эди. Ҳозирги кунда эса бундай таржима луғатларининг инглизча-ўзбекча ёки ўзбекча-инглизча, немисча-ўзбекча ёки ўзбекча-немисча, корейсча-ўзбекча ёки ўзбекча-корейсча тарзидаги намуналари вужудга келди. Ҳусусан, сўнгги йилларда сермаҳсул лексикограф Ш. Бўтаевнинг бир қатор инглизча-ўзбекча ёки ўзбекча-инглизча таржима луғатлари таълимнинг турли бўғинларига кириб борди.

Эришилган ютуқлар билан бирга, ўзбек лексикографиясининг олдида бир қатор долзарб масалалар ҳам турибди. Масалан, мавжуд синонимлар, омонимлар, антонимлар луғатларининг янги нашрларини амалга ошириш, ўқувчилар учун алоҳида филологик луғатлар яратиш, мавжуд тилшунослик терминлари луғатига таянган ҳолда тилшунослик энциклопедиясини тайёрлаш лексикографиямизнинг энг муҳим вазифаларидандир.

Хуллас, ўзбек тилшунослиги тарихан қисқа даврда миллат маънавиятига дахлдор йирик ишларни бажаришга улгурди. Аммо бутун жадал ривожланиш йўлида бўлган ўзбек тилшунослигининг олдидা ўз тадқиқини кутаётган масалалар борки, бу борадаги тадқиқотлар биринчи галда «Алишер Навоийномидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонда белгиланганидек, «... она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш»га йўналтирилган бўлиши керак.

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
йигирма беш йиллигига багишлаб Ё. Одилов билан
ҳамкорликда ёзилган.*

Иккинчи бўлим
ТЕРМИНОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

ТЕРМИН ВА ТЕРМИНОГРАФИЯ ХУСУСИДА

Тилшуносликка оид тадқиқотларда маҳсус соҳаларда қўлланувчи сўз ва сўз бирикмалари термин сифатида талқин қилинади. Аксар тилшунослар тўлиқ асос билан термин, энг аввало, тил луғавий тизимининг teng ҳуқуқли аъзоси эканлигини таъкидлайдилар¹. Терминологик тизимлар яхлит тил тизимида унинг умумий қонуниятларига бўйсунган ҳолда пайдо бўлади ва ривожланиди. Термин билан сўз ўртасида ўтиб бўлмас чегара йўқ, улар «шаклан ҳам, мазмунан ҳам» жиддий тафовутга эга эмас². Термин ҳам моҳият эътибори билан сўздир, фақат сўзниң алоҳида туридир.³

Терминология муайян фаннинг тушунчалар тизими билан боғлиқ бўлган терминлар тизими сифатида таърифланиши мумкин. Ҳар қандай тушунчалар тизимига муайян терминлар тизими мувофиқ келади. Терминологик тизимларнинг ривожланиши бевосита фан тараққиёти билан бирга кечади. Бундан ташқари, умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли равишда, терминлар илмий ва амалий муомалага онгли равишда олиб кирилади. «Терминлар «пайдо бўлмайди», балки уларга зарурат сезилганда «ўйлаб топилади», «ижод қилинади»⁴.

Шу ўринда ўзбек тилида *термин* сўзининг қўлланиши, *термин – атама – истилоҳ* синонимик муносабати ҳақида айтилган

¹ Бу ҳақда қаранг: Виноградов В. В. Вступительное слово на Всесоюзном терминологическом совещании. // Вопросы терминологии. – Москва, 1961. – С. 3–10; Винокур Г. О. О некоторых явлениях словаобразования в русской технической терминологии. // Труды МИФЛИ. Т. 5. Сборник статей по языковедению. – Москва, 1939. – С. 3–54; Реформатский А. А. Что такое термин и терминология? / Вопросы терминологии. – Москва, 1961. – С. 46–54; Даниленко В. П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – Москва, 1977 ва б.

² Кузькин Н. П. К вопросу о сущности термина // Вестник ЛГУ, №20. Серия истории, языка и литературы, Вып. 4. – Л., 1962. – С. 145.

³ Винокур Г. О. Кўрсатилган асар. – Б. З.

⁴ Винокур Г. О. Кўрсатилган асар. – Б. 24.

ва айтилаётган фикрларга яна қайтишни лозим кўрдик. Кейинги 10–15 йил ичидаги айрим субъектив нуқтаи назарлар боис *термин* сўзи ўрнида *атама* сўзининг қўлланиши сунъий равишда фоллашди. Ҳатто *терминология* сўзи ҳам расмий тарзда *атамашунослик* сўзи билан алмаштирилди. Бу сўзлар ўтган вақт мобайнида нашр этилган қўлланма ва рисолаларда, 50 дан ортиқ терминологик лугатларда муҳрланиб қолди. Тўғри, ўз тилимизда муайян байнамилад сўзга ҳар томонлама мақбул бўлган муқобил (эквивалент) топилса, уни албатта алмаштириш зарур, бунга ҳеч қандай эътиroz туғилмайди. Лекин юқоридаги ҳолатда эса, яъни *термин* сўзи ўрнида *атама* сўзини қўлланашда *термин* сўзининг таърифи билан *атама* сўзининг қамровини таққослашнинг ўзи бундай алмаштиришнинг номақбул эканлигини кўрсатади. Академик А. Ҳожиев ҳам бундай алмаштиришнинг нотўғри эканлиги, унинг сабаб ва оқибатлари ҳақида асосли фикрлар билдирган эди¹. Шундан келиб чиқсан ҳолда, *термин* сўзини илм-фанинг бирор соҳаси ёки тармоғида қўлланувчи сўз ва сўз биримларига нисбатан, *атама* сўзини эса шартли равишда қўйилган номларга, жумладан, географик обьектлар номларига, топонимларга нисбатан кенг маънода қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Термин маъносидаги *истилоҳ* сўзини эса тобора ривожланиб бораётган замонавий фан ва техника тушунчаларининг номи сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Лекин бу сўзни тарихий мавзулардаги матнларда қўллаш ҳеч қандай эътиroz туғдирмаса керак.

Термин чегараланган лексик қатламга мансуб луғавий бирлик сифатида терминологик тадқиқотларнинг асосий обьекти, терминологик луғатлар яратишининг муҳим манбаи ҳисобланади. Лексикология умумадабий тил луғавий бирликларини ўрганиш билан шуғулланса, лексикография ана шу луғавий бирликларни тўплаш, тартибга солиш ва тавсифлаш орқали луғатлар яратиш назарияси ва амалиёти билан шуғулланади. Шунга ўхшаб, терминология маҳсус луғавий бирликларни – терминларни тадқиқ этувчи фан соҳаси ҳисобланади. Терминлар асосида луғатлар яратиш ҳамда яратилган луғатлар мажмуи кўпчилик тилшу-

¹ Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. – Тошкент, 1996. – Б. 22–25.

нослар ва мутахассислар томонидан «терминологик лексикография», «килмий-техник лексикография» деб номланиб келади. Тилшунослар А. А. Реформатский ва А. Д. Хаютиналардан сўнг С. В. Гринёв мазкур бирикма терминлар ўрнига, *лексикография* терминига оҳангдош ва вазифадош бўлган *терминография* терминини қўллашни таклиф этади ва унга маҳсус ёки терминологик луғатлар тузиш назарияси ва амалиёти сифатида таъриф беради¹. «Терминография» сўзини қўллаш, биринчидан, ихчамликни таъминлайди; иккинчидан, бу сўз *терминология* сўзининг маъноларидан бирини бажара бошлайди ва маълум даражада омонимияни бартараф этади. Биз ҳам, «терминография» терминининг зикр қилинган ижобий томонларини эътиборга олган ҳолда, уни амалиётда қўллашни мақсадга мувофик, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан кўринадики, терминография терминологик луғатлар тузиш, яъни терминографик фаолиятнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатлари билан шуғулланар экан. Ҳозирги кунда терминографияда терминологик ёки маҳсус луғат деганда, энциклопедик луғатларнинг бирон-бир ихтисослик терминларини – алоҳида билим соҳаси ва фан-техника тармоқларидаги тушунча ва предметларнинг номларини қамраб олувчи, уларни тушунтириб, изоҳлаб берувчи тури тушунилади².

Терминологик луғат фақат бир тор соҳа терминларини тушунтириб бериши (масалан, ботаника терминлари луғати) ёки билимнинг турли хил, одатда ёндош соҳалари терминларини қамраб олиши мумкин (масалан, политехник терминлар луғати). Шу билан бирга, терминологик луғат бир тилли бўлиши (бир тилдаги муайян соҳа терминологияси жамланиб, унинг изоҳи айни шу тилда берилади) ёки икки, уч ва кўп тилли бўлиши (бир тилнинг терминлари бошқа тил ёки бошқа тиллар терминлари билан изоҳланади) ҳам мумкин.

Терминологик луғатлар, одатда, синхрон материални қамраб олади, лекин улар эскира борган сари нафақат тегишли терминология тарихини, балки ўша терминологик луғатлар яратилган

¹ Гринёв С. В. Введение в терминологическую лексикографию (учебное пособие). – Москва, 1986. – С. 5.

² Гринёв С. В. Кўрсатилган асар. – Б. 11.

тилнинг тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бирига айланниб қолади.

Терминологик луғатлар яратиш, яъни терминография умумий лексикографиянинг ажралмас қисми бўлиб, улардаги жараёнларнинг аксарияти бир-бирига ўхшаса-да, лекин уларнинг ўзаро фарқли томонлари ҳам анчагина. Хусусан, терминларнинг таснифи ва таърифи умумадабий тилдаги сўзларнинг таснифи ва таърифидан анча фарқланади. Ўтган асрнинг турли йилларида нашр этилган рисола ва қўлланмаларда, йўриқномаларда терминографик фаолият, яъни терминологик луғатлар тузиш иши бир неча босқичдан иборат бўлиши, ҳар бир босқичда қандай ишлар амалга оширилиши кераклиги ҳақида аниқ қўрсатмалар берилади. Луғатшунос С. Акобиров ўз вақтида Москвадаги Техника терминологияси комитетининг «Илмий-техникавий терминологияни тартибга солиш бўйича ишловчилар учун эслатма хат»идан келиб чиқиб, терминологик тадқиқотлар олиб бориш ва терминологик луғат тузиш ишлари б босқичда олиб борилишини тавсия этади ва ҳар бир босқични тавсифлаб чиқади¹. С. В. Гринёв эса бир қанча терминшунос мутахассисларнинг терминологик луғат яратиш ишидаги изчиллик (кетма-кетлик)ни ифодаловчи босқичлар қанча ва қандай бўлиши ҳақидаги нуқтаи назарларини ўрганиб, уларни тўртта қилиб белгилайди².

Биринчи босқичда бўлажак луғатнинг типи ва унинг асосий характеристикалари – тавсифланиши керак бўлган лексик қатлам, луғатнинг мақсади ва вазифаси, луғатдан фойдаланувчилар доираси, лексикани қамраб олиш ва тавсифлаш жиҳатлари, луғатнинг тахминий ҳажми, луғатга жалб этиладиган маҳсус лексикани танлаб олиш мезонлари, луғат мақолаларининг ва, умуман, луғатнинг тузилиши ва бошқалар белгилаб олинади.

Ишнинг иккинчи босқичида лексик материал (сўз ва сўз биримлари) тўпланади ва сўзлик – луғатда тавсифланиши керак бўлган маҳсус луғавий бирликлар рўйхати тузилади. Маҳсус луғавий бирликлар луғат тузувчилар томонидан аввалдан белгилаб қўйилган манбалардан (илмий-техникавий адабиётлар, меъ-

¹ Акобиров С. Ф. Тил ва терминология. – Тошкент, 1968. – Б. 13–14.

² Гринёв С. В. Кўрсатилган асар. – Б. 11–13.

ёрий-техникавий ҳужжатлар, луғатлар ва бошқалардан) мақбул, расмий мезонларга мос ҳолда танлаб олинади. Аксар ҳолларда сўзликка факат терминлар, яъни маҳсус (илмий-техникавий) тилда маҳсус тушунчаларни аниқ акс эттириш, маҳсус предметларни ифодалаш учун яратиладиган сўз ва сўз бирикмалари танлаб олинади, лекин баъзан сўзликка номенклатуравий бирликлар – якка тушунчалар ёки конкрет оммавий маҳсулотлар номлари, шартли номлар ҳам киритилади¹. Маҳсус лексикани танлаб олишда ҳар бир луғавий бирлик алоҳида карточкага кўчириб ёзилади ва улар алифбо тартибида жойлаштирилади (Ҳозирги кунда компьютер техникасининг юқори даражада ривожланганлиги ушбу жараённи анча осонлаштирган).

Луғат тузишнинг учинчи босқичида сўзликка кирган маҳсус лексика бевосита таҳлил ва тавсиф қилинади. Луғатнинг мақсад-вазифасига кўра, танлаб олинган луғавий бирликлар ўртасида синонимик, иерархик (поғонавий) ва ассоциатив (боғлиқлик, алоқадорлик) муносабатлар аниқланади ва қайд этилади, уларга таъриф берилади ёки чет тил материалларидан эквивалент танланади, зарур ўринларда тавсифланётган луғавий бирликлар грамматик характеристика билан таъминланади. Мақолалар таркиби ва структураси белгиланади, асосий ва қўшимча кўрсаткичлар шакллантирилади.

Тўртинчи босқичда терминографик ишларнинг натижалари конкрет луғатлар кўринишида шаклланади, тайёрланган материал таҳрир қилинади, луғатнинг айрим мақолалари орасидаги ўзаро ҳаволалар аниқланиб текшириб чиқилади, Кириш қисми тайёрланади, луғатни нашрга топшириш билан боғлиқ бошқа ишлар бажарилади.

С. Ф. Акобиров 1968 йилдаёқ афсус билан ҳозир ўзбек тилида фан ва техниканинг турли соҳалари бўйича кўпгина илмий мувассаса, олий ўқув юртлари, нашриётларда, шунингдек, айрим та-

¹ Номенклатура (номенлар) ва унинг хусусиятлари ҳақида қаранг: Ҳаютин А. Д. Термин, терминология, номенклатура. – Самарканд, 1971; Маматов Н. Терминология ва номенклатура / Тошкент давлат пединститутининг илмий ишлари. 98-том. Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги масалалари. – Тошкент, 1972. – Б. 131–143; Суперанская А. В., Подольская Н. В., Васильева Н. В. Общая терминология. Вопросы теории. – Москва, 1989 ва б.

шаббускорлар томонидан терминологик луғатлар тузилаётгани, аммо бу луғатлар юқоридагидек йўлланмаларда кўрсатиб ўтилган босқичларда дикқат ва матонат билан олиб борилган ишнинг маҳсули бўлган тақдирдагина терминологияни тартибга солиш ишига яхши хизмат қила олиши мумкинлигини таъкидлаб ёзган эди¹.

Тўғри, бирмунча муддат фаолият кўрсатган ЎзР ФА ҳузуридаги Республика муассасаларо терминология комиссияси (1984–1988) ва ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитаси (1989–2004)нинг саъй-ҳаракатлари билан республикада терминологик тадқиқотлар олиб бориш ва терминологик луғатлар тузиш иши бир қадар жонланган бўлса-да, бу соҳадаги ишлар босқичдан босқичга ўтиб олиб борилмасдан, тўғридан-тўғри терминологик луғатлар тузишдан бошланган. «Лекин ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, маълум илмий ва амалий тайёргарлик кўрмасдан, истеъмолдаги терминларни тўпламасдан (картотека тузмасдан) ва уларнинг камчиликларини ўрганмасдан, шунингдек, ҳар бир соҳа тушунчалари чегарасини аниқлаб олмасдан, терминология луғатлари тузиш қутилган натижаларни бермайди»². Ҳақиқатан ҳам бевосита мазкур Атамашунослик қўмитаси томонидан нашр этилган 30 дан ортиқ кичик ҳажмли ёки Атамашунослик қўмитасининг турли бўлимларида муҳокама қилиниб тасдиқланган ва нашр этилган ҳар хил ҳажмли 20 дан ортиқ терминологик луғатлар яратишда юқоридагидек босқичларга тўлиқ риоя қилинмаганлиги боис уларда озми-кўпми номувофиқ (дублет, полисемантик, ноаник) терминлар учрайди.

Замонавий ўзбек терминографияси XX асрнинг 20-йилларидан бошланган. Дастрлабки терминологик луғат Н. Тўрақуловнинг 1922 йилда чоп этилган «Рус-ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий луғати»дир. Шундан сўнг ўзбек терминографияси тарихида ҳозирги кунгача илм-фан ва техниканинг 50 дан ортиқ турли соҳалари ва тармоқлари бўйича 300 дан ортиқ терминологик луғат яратилди. Бу луғатлар қаторига фалсафа, ижтимоий-сиёсий

¹ Акобиров С. Ф. Кўрсатилган асар. – Б. 14.

² Акобиров С. Ф. Кўрсатилган асар. – Б. 14.

соҳа, иқтисодиёт, адлия, этика, эстетика, математика, политехника, география каби соҳалар бўйича Москвада нашр қилинган ва ўзбек тилига таржима қилиниб, Тошкентда чоп этилган ўнлаб терминологик луғатлар, касб-хунар лексикаси асосида тузилган луғатлар, «Уй-рўзғор», «Пахтачилик», «Саломатлик», «Ислом», «Фалсафа» энциклопедияларини ҳам киритиш мумкин.

Ўзбек терминографиясида қарийб бир асрлик даврда яратилган терминологик луғатлар нафакат ўзбек илмий тилининг ривожи ва терминологик тизимларида рўй берган тадрижий ўзгаришларни, терминографик фаолият соҳасидаги ютуқлар ва камчиликларни аниклаш, балки ўзбек тили лексикасининг ривожланишига туртки бўлган асосий омиллардан бирини белгилашга имкон туғдиради.

ХАЛҚАРО ПРЕПОЗИТИВ ТЕРМИНЭЛЕМЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА ИФОДАЛАНИШИ

Тиллараро ўзаро таъсир натижасида ўзбек тилининг лексикаси бекиёс даражада бойиди ва бойиб бормоқда. Масалан, ўзбек тилига рус тили орқали русча сўзлар билан бир қаторда Европа тилларига оид, хусусан, юонон ва лотин тиллари материаллари асосида тузилган сўз ва терминлар ҳам кириб келмоқда. Шунингдек, ўзбек тили, унинг терминологиясининг икки томонлама бойиб бориши дастлаб 1929 йилда, Самарқандда бўлиб ўтган Тил-имло конференциясида белгилаб берилган эди. Ушбу конференция қарорларида, жумладан, шундай дейилган эди: «Ўзбек тилининг бутун хусусиятларини сақлаган ҳолда, уни янги терминлар билан бойитмоқ ва кенгайтирмоқ керак. Бу бойитиш, бир томондан, ўзбек тилининг ўз сўзлари ҳисобига бўлиб, иккинчи томондан интернационал сўзлар ҳисобига бўладир. Ўзбек тилида сўз топилмаса ва ясалипи ҳам мумкин бўлмаса, ортиқча сунъийликка бормасдан, тўғридан-тўғри интернационал терминларни олув керак»¹. Ана шу даврдан то ҳо-

¹ Тил-имло конференцияси материаллари. – Тошкент, 1932. – Б. 90.

шарында кунга қадар рус тилидан ўзбек тилига минглаб байналмилал таржиктердаги сўз ва терминлар кириб келди.

Рус тили орқали ўзбек тилига Фарбий Европа тилларидан фиқат ўзак-негизлардан иборат лексик бирликларгина эмас, билки улар таркибидаги сўз ясовчи элементлар ҳам бирга кириб келган. Бундай элементлар аслида турли тилларга мансубдир. Чупончи, *a-*, *ана-*, *анти-*, *архи-*, *гипер-*, *орт-*, *теле-*, *-граф*, *-лог*, *оид*, *-фил*, *-эдр* каби элементлар юонон тилига, *би-*, *де(з)-*, *штер-*, *ре-*, *ультра-*; *-бус*, *-ор*, *-ура* каби элементлар лотин тилига тегишилдири. Шунингдек, инглиз ва француз тилларидан кириб келган терминларда ҳам бир қатор постпозитив ясовчи элементларни ажратиш мумкин.

Юкоридаги сингари халқаро терминэлементлар ўзлари бириккан ўзак-негизларга маҳкам боғлиқ бўлади. Бундай терминэлементларнинг кўпчилиги (препозитив ва постпозитив элементлар) рус тилида ҳам унумли ясовчилар ҳисобланиб, улар иштирокида кўплаб терминлар ясалган. Бироқ туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ва унинг илмий терминологиясида халқаро постпозитив терминэлементлар иштирокида умуман янгидан сўз ясалмайди, бироқ илмий-техникавий терминологияда препозитив терминэлементлар билан ўзбекча ўзаклар кўшилиб, янги сўзлар – гибрид терминлар ясалади.

Халқаро терминэлементлар, асосан, классик тиллар ҳисобланган юонон ва лотин тилларига оид ўзак, префикс ва суффикслардан иборатдир. Маълумки, юонон ва лотин тиллари қадимги ҳинд-европа тиллари таркибига киради. Уларнинг қардош тилларга, яъни мазкур оиласидаги тилларга кўрсатган таъсири катта. Демак, ҳозирги тилларда юзага келган байналмилал лексиканинг асосий манбаи, арсенали ана шу қўхна классик тиллар, яъни юонон ва лотин тилларидир.

Ҳозирги замондаги барча асосий фанларда, яъни тиббиёт, кимё, биология, зоология, археология, геология, математика, физика фанларида, шунингдек, сиёсат, санъат ва техника соҳаларида юонон ва лотин тилларига мансуб бўлган терминлар, сўз ҳосил қилувчи ранг-баранг элементлар кўплаб учрайди. Масалан, тиббиётда: *абиогенез*, *авитаминоз*, *анальгин*, *аритмия*, *бронхоскопия*, *гипертония*, *кардиография*, *микрооперация*, *моноартрит*, *полиартрит*,

психиатр каби; *кимёда*: *адсорбция*, *азобензол*, *аквокислота*, *антикатализатор*, *галоген*, *гексадекан*, *гидропероксид*, *нитроцеллюлоза*, *полимер*, *псевдокислота*, *тиокарбонат*, *хромоген* каби; *физикада*: *автотрансформатор*, *антинейтрино*, *барометр*, *гидромеханика*, *диэлектрик*, *квазинейтрал*, *макрофизика*, *микрофара*да, *монохроматор*, *радиосигнал*, *синхрофазотрон*, *электрод* каби; *математикада*: *антиквадрат*, *бином*, *гексагон*, *геометрия*, *гипернормаль*, *интерполятор*, *квазигруппа*, *ортонормал*, *полином*, *тетраэдр* каби; *ботаникада*: *автогамия*, *аллогамия*, *биоморфология*, *геофилия*, *гетероспория*, *дендрология*, *изоспория*, *микрофлора*, *моногибрид*, *неодарвинизм* каби; *спорт соҳасида*: *авиамодель*, *велодром*, *ипподром*, *мотобол* каби; *ижтимоий-сиёсий терминологияда*: *автономия*, *анахия*, *геноцид*, *демократия*, *интернационализм*, *неореализм*, *патриархат* каби; *тилшунослиқда*: *антоним*, *антропонимика*, *билингвизм*, *диахрония*, *омоним*, *полисемия*, *сингармонизм*, *транслитерация*, *фонология* ва бошқалар.

Юқоридаги халқаро терминлар, бинобарин, улар таркибидаги терминэлементлар ҳам ўзбек тилида ўзлаштирма ҳисобланади. Бироқ рус тилида бундай эмас. Мазкур типдаги терминлар, яъни юонон ва лотин тиллари материалларидан шаклланган терминлар иккига бўлинади: ўзлаштирилган халқаро терминлар ва юонон-лотин тиллари материаллари асосида рус тили базасида яратилган терминлар. Ўзбек тилида ушбу терминларнинг рус тили восита-сида ўзлаштирилганлиги ёки рус тили базасида яратилганлиги аниқ сезилмайди. Чунки юқоридагидай терминларни ташкил этган компонентлар халқаро терминэлементлардир, шунинг учун улар ўзбек тили учун умуман байналмилал термин ҳисобланади.

Байналмилал деб ҳисобланган бундай терминлар ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир, улар таркибидаги терминэлементлар муайян маънони конкрет, доимо бир хил ифодалаганлигидан (*анти-*, *-лог*, *макро-*, *-дром*), улар полисемиядан йироқ туради¹.

¹ Тўғри, ҳозирги кунларда фан ва техника тараққиёти натижаси ўлароқ тушунчаларнинг, бинобарин, терминларнинг кўпайиб бориши туфайли айrim терминэлементлар полисемантик элементларга айланмоқда. Чунончи, *билиограф*, *кардиограф*, *автограф* терминларида *-граф* компонентининг ҳар учала ҳолатдаги маъноси ҳар хилдир. Постпозитив халқаро терминэлементларнинг кўпмаянолилиги ҳакида қаранг: Григорьев В. П. Так называемые интернациональные слова в современном русском языке // Вопросы языкоznания, 1959, №1.

Бундай терминлар қисқа, бироқ маънони нисбатан тўлиқ ифодалайди. «Халқаро сўз ясовчилар фондидан фойдаланиш, – деб синди терминшунос В. П. Даниленко, – фақат анъана туфайлиги на эмас (бусиз қам аҳамиятлидир), балки катта мақсадга мувофиқлиги учун ҳам қўллаб-кувватланади. Бундай сўзлар аксарий ҳолларда бир маънолидир (стандарт семантикага эга бўлганлиги сабабли), дурустгина классификациялаш хусусиятига эгадир...»¹

Юкорида айтилганидек, классик тиллар доирасида оқилона шакллантирилган терминлар қисқа, аниқ, ифодали бўлганликларидан ҳар бир тилга, жумладан, ўзбек тилига ҳам таржимасиз қабул қилинаверади. Масалан, *телефон* ёки *электрод* сўзларини бир қатор тилларда учратиш мумкин. Бу терминларни бошқа тилларга бир сўзли термин сифатида таржима қилишнинг имконияти йўқ. Агар уларни таржима қилиш ёки тушунтириш зарурияти туғилган тақдирда, «телефон – муайян масофага товуш узатувчи асбоб», «электрод – суюқлик ёки газга электр ўтказувчи ўтказгич» каби бир неча сўздан иборат тавсифларга эга бўлар эдик.

Халқаро терминэлементлар префиксал (препозитив) ва постфиксал (постпозитив) кўринишга эгадир. *Авто-*, *азо-*, *макро-*, *микро-*, *поли-*, *ультра-* сингари ўзаклар; сонларни ифодаловчи *моно-*, *би-*, *ди-*, *тетра-*, *три-* каби элементлар фақат препозитив қўлланишга эга бўлса, *-бус*, *-дром*, *-навт*, *-фоб*, *-фор*, *-скоп* кабилар асосан постпозитив ҳолда қўлланади. Юонон ва лотин тилларига мансуб шундай терминэлементлар ҳам борки, улар ўрнига қараб ё препозитив ҳолатда, ё постпозитив ҳолатда кела олади. Ҳар икки ҳолатда ҳам терминэлементнинг асл, дастлабки маъноси сақланиб қолади ёки сезилиб туради. Бунга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин: *андр* – юононча эркак маъносидаги сўз: *Ихтиандр* (китоб қаҳрамони) – балиқ-одам демакдир. Бу ўринда мазкур *-андр* терминэлементи постпозитив ҳолатда, *андрогенлар* ва *андрофобия* каби тиббий терминларда эса препозитив қўлланган.

Шунингдек, юононча *anthropos* сўзи *питекантроп*, *синантроп*, *филантроп* каби терминларда постпозитив терминэлемент си-

¹ Даниленко В. П. Об особенностях морфологического словаобразования в языке науки // Русский язык. Вопросы его истории и современного состояния. – Москва, 1978. – С. 59.

фатида кузатилса, *антропофобия*, *антропология*, *антропоним*, *антропогенез* каби терминларда препозитив ҳолатда келади. Яна қуйидаги терминэлементларни қиёслаб күриш мумкин:

ген < юн. *genos* (маъноси: авлод, туғилиш; пайдо бўлиш): *гидроген*, *оксиген*; *генератор*, *генетика*, *геноцид* ва бошқалар;

гон < юн. *gonia* (маъноси: бурчак): *гексагон*, *Пентагон*, *полигон*: *гониометр*;

грамма < юн. *gramma* (маъноси: ёзув, ёзиш): *кардиограмма*, *радиограмма*, *телеграмма*; *грамматика*, *граммограф*;

иатр < юн. *iatros* (маъноси: врач): *педиатр*, *иатрокимё* каби.

Терминологик системаларда қўлланадиган *глот* // *глосс* (тил), *граф* (ёзмок, босмоқ, нашр қилмоқ), *дерма* (тери), (г) *емат* (кон), *кард* (юрак), *лит* (тош), *лог(ия)* – сўз, тушунча, таълимот, *пед* (бода; оёқ), *терм* (иссиқлик), *фил* (севмок), *фон* (товуш), *пам* (азоб, азоб чекиш) каби жуда кўплаб терминэлементлар ҳам юқоридагидай икки хил позицияда бўла олади.

Препозитив терминэлементлар постпозитив терминэлементлар билан, шунингдек, байналмилал терминлар билан бирликда янги-янги терминлар ҳосил қиласди. Худди шу хусусият постпозитив элементларга ҳам тегишилидир. Уларнинг фарқли томони шундаки, бир қатор миллий тилларда, хусусан, ўзбек тилида препозитив элементлар ўзбекча сўзлар билан қўшилиб кела олади, лекин постпозитив элементлар бу жиҳатдан анча чеклангандир.

Халқаро терминэлементлар иштирокида тузилган терминларнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигининг сабаби шундаки, «бундай маҳсуслашган терминэлементлардан тузилган терминлар нисбатан тўла аниқликка эга бўлади. Улар... ўзлари билдириган тушунчаларнинг белгилари ҳакида кўпроқ маълумот бера олади. Бундай терминларнинг маъновий тушунарлилиги ва нисбатан аниқлиги уларнинг қиёсан қисқалиги билан бирга уйғунлашиб кетадики, бу нарса кўпинча у ёки бу терминнинг яшовчанилиги ни олдиндан белгилаб беради. Юонча ва лотинча қисқа ўзаклар кўпчилик ҳолатларда рус тилида хийла чўзиқ сўз ва сўз бирикмалари орқали ифодаланган белгиларни билдириб келади»¹.

¹ К а р а н г : Юшманов Н. В. Элементы международной терминологии. Словарь-справочник. – Москва, 1968. – С. 6–7.

Халқаро терминэлементларнинг характерли хусусиятлари-дан бири уларнинг умумлаштириш қобилиятидир. Бу хусусият, пініңкеса, постпозитив терминэлементларда яққол күзга ташла-пади. Чунки *-гамия*, *-граф*, *-графия*, *-дром*, *-емия*, *-лог*, *-логия*, *скоп*, *-стат*, *-tron* каби терминэлементлар иштирокида мун-гавам, бир маңноли терминлар ҳосил қилинади. Бунда мазкур терминэлементлар ўзлари иштирок этган терминларнинг умум-лаштирувчи-туркумловчи қисми сифатида намоён бўлади. Масалан, *-лог* терминэлементи иштирокида таркиб топган терминлар доимо бир хил маънони, яъни бирор фан соҳасининг мутахасси-си деган маънони билдириб келади: *дерматолог*, *ихтиолог*, *не-вролог*, *лексиколог*, *сейсмолог*, *фармаколог*, *уролог* каби.

Кўриниб турибдики, постпозитив, яъни суффиксал характерда-ги терминэлементлар тўла абстрактлик натижасини намоён қилиб, турдош ва туркумдош маъноларни, тасаввурларни терминларда конкретглаштиради. Худди шунга ўхшаш препозитив терминэлементлар ҳам умумлаштириш хусусиятига эга, бироқ уларнинг умумлашти-рувчилик ҳоссаси аввалгиларга нисбатан камроқ, пастрок даражада бўлади, яъни уларнинг умумлаштириш хусусияти кичик тур ва тур-кумлар ичida янада аникроқ белгилар доирасида бўлади.

Маълумки, суффиксация усули билан сўз ясаш адабий тилда ҳам, терминологияда ҳам кенг кўлланади. Префиксация орқали сўз ясаш эса адабий тилда унча ривожланмаган, бироқ фан ва техника соҳасида препозитив терминэлементлар билан ҳосил қилинган терминларни кўплаб учратиш мумкин. Бу ерда ўзбек тилига ўзлаштирилган халқаро терминларни префикс, ўзак, суффикс деб терминэлементларга ажратишнинг ҳожати борми деган эътиroz бўлиши мумкин. Бироқ мазкур типдаги терминларга фақат адабий тилда сўзлашувчи оддий бир шахс нуқтаи назари билангина эмас, мутахассислар нуқтаи назари билан ҳам ёнда-шиш зарур. Адабий тилда англашилиши қийин бўлган термин-лар бир қатор фан соҳаларида изоҳсиз ҳам тушунарли бўлади. Масалан, *ихтиолог* термини адабий тилнинг оддий вакили ёки зоологиядан узокроқ бўлган соҳа мутахассиси учун тушунарсиз бўлиши мумкин, бироқ зоологлар, умуман, биологлар мазкур терминдаги «ихти» терминэлементининг юонча «балиқ» экан-

лигини ва термин «балиқларни ўрганувчи мутахассис» деган маънони ифодалашини жуда яхши билишади.

Байналмилал терминларни ташкил этувчи препозитив терминэлементларни асосан уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) манба тилларда, яъни юонон ва лотин тилларида мустақил маъноли сўзлар ҳисобланган ва терминологик системаларда семантикаси тушинарли бўлган терминэлементлар: *авто-, алло-, агро-, антропо-, астро-, аэро-, библио-, био-, гастро-, гео-, гетеро-, гигро-, гидро-, гомо-, зоо-, ихтио-, карбо-, кардио-, космо-, крипто-, лито-, макро-, мезо-, микро-, невро-, нео-, нитро-, поли-, радио-, сульфо-, тио-, электро-, эритро-* ва бошқалар; 2) лотин ва юонон тилларида саноқ ҳамда тартиб сонларни ифодаловчи терминэлементлар: *уни-, би-, ди-, три-, тетра-, пента-, гекса-, гепта-, нона-, деци-, милли-, прото-* каби; 3) лотин ва юонон тилларига мансуб юклама ҳамда приставка (олд кўшимишча ва олд кўмакчилар) характеридаги терминэлементлар: *а-, ан-, ана-, apo-, де-, дис-, ин-, интер-, инфра-, контр-, мета-, пара-, пер-, пре-, про-, ре-, син-, сим-, суб-, транс-, ультра-, экс-, эн-, эпи-* каби.

Тишлинос С. А. Алиев фақат префикс характеридаги ва кўп кўлланувчи терминэлементларни назарда тутган ҳолда, уларнинг сонини 75 та деб кўрсатади¹. Бошқа маҳсус нашрларда ва лингвистик адабиётларда бундай терминэлементларнинг миқдори 150 та, 180 та ва ундан ортиқ деб кўрсатилади. Ҳолбуки, ушбу терминэлементлар рўйхатини, айниқса, биринчи турдаги мустақил маъноли сўзлар ҳисобига чексиз давом эттириш мумкин. Чунки юононча ва лотинча ўзакларнинг интерфикс кўшилган ҳолда бошқа сўзлар билан қўшилиш қобилияти кучаяди. Н. В. Юшмановнинг юқорида зикр этилган рисоласида 1100 дан ортиқ препозитив ва постпозитив халқаро (acosan юонон ва лотин тилларига мансуб) терминэлементлар рўйхати берилиб, илмий-техникавий тараққиёт ва янги тушунчалар миқдорининг орта бориши муносабати билан бу рўйхат янада тўлдирилиши мумкинлиги таъкидланган².

¹ Алиев С. А. Интернациональные префиксы в русских подъязыках науки и техники. АКД. – Москва, 1973. – С. 8.

² Список элементов международной терминологии / Краткое методическое пособие по разработке и упорядочению научно-технической терминологии. – Москва, 1979. – С. 99–125.

Ана шундай катта миқдордаги халқаро препозитив терминэлементлардан 75 таси янги 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га (2006–2008) киритилиб, улар бош сўз мақомидаги бошқа терминлар сингари расмийлаштирилди, яъни бош сўз, унинг этиологияси берилиб, маъноси (ёки маънолари) изоҳланди ва шу элемент иштирокида шакллантирилган терминлардан намуналар келтирилди. Масалан:

ВИДЕО- [лат. video – кўряпман] Ўзлашма байналмилал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, сўзнинг тасвирни электрон сигналлар асосида етказиб беришга алоқадорлигини билдиради: *видеомагнитофон, видеотелефон*.

ГЕМО-, ГЕМАТО- [юн. haima, haimatos – қон] Ўзлашма байналмилал сўзлар таркибида келиб, қонга алоқадорликни билдиради: *гемодез, гематология*.

ПОЛИ- [юн. poli – кўп, анча, кўпгина] Байналмилал ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми: бирор нарсанинг кўплигини, хилма-хил, мураккаб таркибли эканини кўрсатади (мас., *полиартрит, полигон*).

ТЕТР-, ТЕТРА- [юн. tetra – тўрт] Байналмилал ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, муайян сўз (тушунчага)нинг «4» рақами билан боғлиқлигини билдиради, мас., *тетрапод, тетрод* ва ҳоказо.

Мазкур терминэлементлар бевосита ёки интерфикс (асосан, бириктирувчи о унлиси) ёрдамида бошқа сўзлар билан осонгина бирика олади. «Бу сўзларнинг ўта агтлютинативлик хусусияти уларнинг турли-туман сўзлар билан фавқулодда кенг равища қўшила олишига имкон берадики, бунда ҳосил бўлган бирикмаларнинг турли қисмлари орасида қатъий бирмаънолилик муносабатлари пайдо бўлади. Айни маҳалда улар ихчам ҳамда қўлланишда жуда қулайдир»¹.

Юқоридаги сингари халқаро препозитив терминэлементлар лингвистик адабиётда, хусусан, лексикология ва терминологияга оид асарларда турлича номланиб келади. Масалан, «сифат морфема» (В. В. Виноградов), «префикс», «приставка», «префикссоид» (В. П. Даниленко), «препозитив блоклар» ёки «аналитик

¹ Русский язык и советское общество. Лексика современного русского литературного языка. – Москва, 1968. – С. 155–156.

аниқловчилар» (В. В. Акуленко), «аналитик сифатлар» ва «препозицион юкламалар» (Л. А. Капанадзе) каби турлича номланнишини¹ мазкур терминэлементларнинг турли хил маъноларни ифодалай олиши билан изоҳлаш мумкин. Бизнингча, уларнинг агглютинатив характери ва, умуман, белгига алоқадор маъноларни ифодалашини назарда тутиб, В. В. Акуленко термини билан «аналитик аниқловчилар» деб аташ анча маъқулдир.

Препозитив терминэлементларнинг бошқача айтганда, аналитик аниқловчиларнинг аксарияти қўлланиши доирасига кўра анча маҳсуслашгандир, яъни улар муайян фан соҳасидагина ишлатилади. Масалан, *азо-*, *аҷет-*, *карб(он)*, *нитро-*, *сульфо-*, *тио-* каби элементлар асосан кимёда ишлатилса, *ангидо-*, *гемо-*, *кардио-*, *ларинго-*, *лейко-*, *мио-*, *тромбо-* кабилар кўпинча тиббий терминларнинг шаклланишига хизмат қиласи. Сонларнинг маъносини ифодаловчи элементлар (*уни-*, *би-*, *ди-*, *тетра-*, *гекса-*, *дека-*) ҳамда *а-*, *анти-*, *гео-*, *изо-*, *макро-*, *микро-*, *моно-*, *поли-*, *теле-* каби терминэлементлар қўлланишда универсал бўлиб, бир неча фан соҳаларини қамраб олади. Масалан, **поли-** (кўп) терминэлементи деярли барча терминологик системаларда фаол термин ясовчи сифатида кўзга ташланади ва барча ўринларда қатъий бир маънода («кўп, бир қанча» маъносида) қўлланади:

	<i>полином, полиэдр</i> (математикада),
	<i>полимер, полисахаридалар</i> (кимёда),
	<i>полиартрит, полиурия</i> (тиббиётда),
	<i>полигамия, политеизм</i> (тарих фанида),
поли-	<i>полифония, политонал</i> (музиқашуносликда),
	<i>полисемия, полиглот</i> (тилшуносликда),
	<i>полиморфизм, полипод</i> (биологияда),
	<i>полиграфия</i> (матбаага оид сўз),
	<i>полигон</i> (ҳарбий термин) ва бошқалар.

¹ Виноградов В. В. Современный русский язык. – Москва, 1938. – С. 45; Даниленко В. П. Кўрсатилган асар; Акуленко В. В. Вопросы интернационализации словарного состава языка. – Харьков, 1972. – С. 36; Капанадзе Л. А. Взаимодействие терминологической и общеупотребительной лексики / Развитие лексики современного русского языка. – Москва, 1965. – С. 98.

Шунингдек, *микро-* терминэлементини ҳам деярли барча фан соҳаларида учратиш мумкин. *макро-* га нисбатан анча фаоллашган ушбу терминэлемент¹ *поли-* билан қиёслангандага кўп маънолидир (жуда кичик; кичик предметларни ўрганишга алоқадорлик; муайян ўлчов бирлигининг миллиондан бир улуши):

микрокардия, микрококклар, микрохирургия,
микроцефал (тибиётда),
микрокюри, микрофарада, микрозарра,
микрометр, микропроекция (физикада),
микро- *микроусул // микрометод, микроанализ,*
микрокристалик (кимёда),
микрореле, микропрограммалаш (математикада),
микроўгитлар, микрофлора, микрогамета,
микроспора, микрофильтр (ботаникада),
микроиқлим, микроэлемент, микроскоп,
микрофон, микрорайон, микроавтобус,
микрофильм.

Бундай терминларнинг кўпчилиги жонли тилда кенг қўлланадиган, ҳамма учун тушунарли бўлиб қолган терминлардир.

Халқаро препозитив терминэлементлар англатган маъноларига қараб айрим гуруҳларни ташкил этиши мумкин. Масалан, *архи-, гипер-, инфра-, супер-, ультра-, экстра-* каби терминэлементлар сифатлар таркибида белгини ошириб кўрсатади, от туркумига оид терминларда эса ўзлари қўшилган ўзакдан англашилган маънонинг юқори даражасини билдиради (*архиконсерватор, супермода, супертанкер, архиреакцион* каби). *Ана-, интер-, ката-, пери-, пост-, пре-, транс-, экзо-, эндо-, эпи-* каби элементлар эса фазо ва маконда жойлашиш, оралиқ, масофа маъноларини ифодаловчи гуруҳни ташкил қиласади (*анод, интеркосмос, катод, периартрит, постпозиция, постфикс, пременоцит, трансуранлар, экзодерма, эндодерма, эпикард, эпилог* каби).

¹ *микро-* терминэлементи ҳақида қаранг: Капанадзе Л. А. Кўрсатилган мақола. – Б. 99.

Шунингдек, препозитив терминэлементлар антонимик, қара-ма-қарши маъноларни ифодалаб келади. Бунда антонимик муносабатлар икки усул билан ҳосил бўлади: а) мустақил маънода қўлланувчи муайян ўзакка приватив (инкор килувчи) термин-элемент қўшиш орқали; б) мустақил маъноли муайян ўзакка ёки постпозитив терминэлементга ўзаро қарама-қарши, қутбий маъноли препозитив терминэлементларни қўшиш орқали.

Биринчи ҳолатда приватив терминэлемент бевосита муайян сўзга қўшилади, натижада шу ўзакдан англашилган маънонинг қарама-қархиси, мухолифи (антиноди) пайдо бўлади. Масалан, *дунё – антидунё, тана – антитана, оксидловчи – антиоксидловчи, нейтрон – антинейтрон, радикал – антирадикал; атака – контратака, революция – контрреволюция, ҳужум – контрҳужум; милитаризация – демилитаризация, мобилизация – демобилизация, монтаж – демонтаж, инфекция – дезинфекция, ориентировка – дезориентировка, информация – дезинформация, квалификация – деквалификация, дисквалификация, гармония – дисгармония, функция – дисфункция* ва бошқалар.

Иккинчи ҳолатда бирор ўзакка (шунингдек, постпозитив терминэлементга) ўзаро қарама-қарши маъноли икки ёки уч препозитив терминэлементнинг қўшилиши натижасида бир неча антоним терминлар ҳосил булади. Масалан:

а ↔ гипер: *анемия – гиперемия, амнезия – гипермнезия;*

гипер ↔ а, гипо: *гипертония – атония – гипотония, гиперфункция – гипофункция, гипергалактия – агалактия – гипогалактия, гипервитаминоз – авитаминоз – гиповитаминоз;*

апо ↔ пери: *апогей – перигей, апоастрон – периастрон;*

пер ↔ суб, гипо: *пероксид – субоксид, перхлорат – гипохлорит;*

гетеро ↔ гомо: *гетероген – гомоген, гетеродонтизм – гомодонтизм, гетероклин – гомоклин;*

микро ↔ макро: *микроиқлим – макроиқлим, микроцит – макроцит, микродунё – макродунё, микрофилл – макрофилл, микроиқтисадиёт – макроиқтисадиёт;*

пиро ↔ крио: *пиростат – криостат, пироген – криоген;*

ПОЛИ ↔ МОНО: *полиартрит – моноартрит, полимер – мономер, полисахарид – моносахарид, полином – мононом, полисемантик – моносемантик;*

СИМ ↔ АНТИ: *симпатия – антипатия;*

ЭНДО ↔ ЭКЗО: *эндоген – экзоген, эндотермик – экзотермик* (кимёвий реакцияларнинг номи) ва бошқалар.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, препозитив терминэлементларнинг ифодалаган маънолари, бинобарин, улар иштироқида тузилган терминлар ҳам турлича. Структура ва маъно жиҳатидан турлича бўлган байналмилал терминларнинг ўзбек тилида ифодаланиши ҳам турличадир.

Соф префикс характеристидаги *a-*, *де-/дез-*, *дис-*, *ре-* каби терминэлементларнинг маъноси мустакил сўз маъносига тенг эмас, балки ушбу терминэлементлар ўзлари бириккан муайян сўзга қўшимча маъною юклайди. Масалан, юононча *a-* (унлилар олдидан *ан-*) юкламаси асосан юононча сўзлар олдида келиб, инкор маъносини ҳамда бирор белги-хусусиятнинг йўқлигини билдиради. Ушбу *a-* (*ан-*) элементи иштирок этган терминлар ўзбек тилида қуидаги йўллар билан ифода қилинади:

1) *a-* терминэлементи бўлган байналмилал термин ўзбек тилига айнан, худди рус тилида қўлланганидай қабул қилинади: *ангидрид, анизотропия, азот, атом, асимметрия, анаэроб, аритмия* ва бошқалар;

2) термин таркибидағи *a-* терминэлементи ўзбек тилида қўлланувчи форсча *но-* префикси билан алмаштирилади: *анормальность – нонормалик, асинхронность – носинхронлик*. Бу ерда жуфт келтирилган терминлар ҳозирда параллел қўлланиб келмоқда;

3) термин, бинобарин, терминэлемент ҳам ўзбек тилига калька қилинади, яъни ўзбекча сўз ва қўшимчалар орқали ифодаланади. Бунда терминэлемент *но-* префиксига ёки *-сиз* суффикси билан алмашади: *алогичность – мантиқсизлик, апериодичность – нодаврийлик, аполярность – нокутбийлик* каби;

4) термин ўзбек тилига тавсифий таржима қилинади. Бундай таржималарни изоҳли терминологик луғатларда ҳамда дарс-

ликларда учратиш мумкин. Бироқ бу усул билан эквивалент термин яратиб бўлмайди.

de-, disc-, re- сингари терминэлементлар ўзбек тилида асосан икки хил усул билан, яъни айнан ўзгаришсиз ва таржима қилиш билан ифодаланмокда. Таржима, худди юқоридагидек, калька усулида ва тавсифий таржима билан амалга оширилади. Масалан: *деаэрация, дезактиватор, деструкция, депигментация, деформация; деполяризатор – қутбсизлагич, репатриация – ватанга қайт(ar)иш* ва ҳоказо.

анти-, контр-, гипер-, супер-, ультра- каби терминэлементлар маъно ва шакл томондан мустақил маъноли сўзга яқин ёки тенг эканликлари билан юқоридагилардан фарқланади. *анти-* терминэлементи юнонча бўлиб, «қарши» деган маънони билдиради. Ушбу элемент муайян ўзакларга қўшилган ҳолда ўша сўзларнинг англатган маъносига нисбатан қаршилиқ, душманлик (*антифашизм, антифеодализм*), бирор воқеа, ҳодиса ёки предметнинг акси (*антиподи*) каби маъноларни ифодалайди. XX асрнинг 30-йилларигача ўзбек тилида *анти-* элементи иштирок этган сўз ёки терминлар деярли бўлмаган. Ҳозирги кунларда эса *анти-* терминэлементи рус ва ўзбек тили терминологик системаларида, шунингдек, умумадабий тилда ҳам фаол қўлланувчи элемент бўлиб қолди¹.

анти- элементининг ҳатто ўзбекча сўзлар билан қўшилиб, гибрид терминлар ҳосил қилаётгани фикримизнинг далилидир: *антидунё, антимодда, антимослашув, антизарра* каби. «Русча-интернацонал сўзлар изоҳли луғати»да² *анти-* билан ҳосил қилинган юқоридагидай гибрид терминлар ва айнан ёки қисман ўзгартириб ўзлаштирилган 40 га яқин терминга изоҳ берилган. Физика ва тиббиёт соҳалари бўйича тузилган луғатларда эса *анти-* терминэлементи иштирок этган терминлар 40 дан ортиқдир.

Умуман олганда, *анти-* элементли терминлар ўзбек тилида 4 хил усул билан ифодаланади: 1) термин айнан ўзлаштирилади:

¹ Русский язык и советское общество. Словообразование современного русского литературного языка. – Москва, 1968. – С. 160–164.

² Усмонов О., Дониёров Р. Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати. 2-нашри. – Тошкент, 1972.

антикоммунизм, антифашист, антициклон, антибиотиклар, антикатод каби; 2) гибрид шаклида, бошқача айтганда, яримкалька усулида ўзлаштирилади: *антитаналар* (антитела), *антитасаввур* (антипредставление) ва бошқалар; 3) түлиқ таржима қилинади, бунда *анти-* элементининг маъноси *акс, гайри, қарши*, *зидди*, *тескари* сингари сўзлар орқали ифодаланади: *қарши тасаввур* (антипредставление), *зидди заҳар* (антитоксин), *тескари занжир* (антицепь), *қарши ҳаракат* (антидвижение) каби; 4) «ўзак + га қарши» типида ўзлаштирилади: *коммунизмга қарши* (антикоммунизм) каби. Агар рус тилида *анти-* элементи бириккан ўзак ўзбек тилида ўз эквивалентига эга бўлса, мазкур модель билан тўла таржима қилинаверади: *динга қарши* (антирелигиозный), *тарихга зид* (антиисторический), *халқга қарши* (антинародный) каби. Айрим тадқиқотчилар бу ўринда *анти-* элементини сақлаб, гибрид термин кўллашни маъқуллайдилар¹.

Шунингдек, ўзбек тилида *радио-* ва *электр(o)-* каби халқаро терминэлементлар билан ҳосил қилинган терминлар ҳам кўплаб учрайди². Бу элементларни ўзбек тилида ифодалашнинг юқорида кўриб ўтилганлардан фарқи шундаки, улар фақат икки хил усул билан: айнан ва яримкалька йўли билан ўзлаштирилади: *радиостанция, радиозонд, радиоалоқа, радиосадо, радиотұлқин*; *электрокардиограф, электромагнит, электрокимё* ва *электрманфийлик, электрарра, электрасбоб, электрпүлат* (сўнгги ҳолатда гибридлар интерфиксиз ҳосил қилинган) каби.

Айрим *радио-, кино-, фото-* сингари терминэлементлар аслида *радиотелеграф, кинематограф, фотография* терминларининг қисқарган шакли бўлиб, айни пайтда улар мустақил маъноли сўз сифатида ҳам қўлланади; *авиа-, авто-, микро-, фото-* каби терминэлементлар эса бир неча маънони ифодалаб келади. Масалан, *авто-* элементи 1) автомобилга оид; 2) ўз-ўзидан, автоматик ҳаракатланувчи; 3) ўз-ўзи томонидан бажариш каби маъноларга эга: *автобаза, автоназорат, автотранспорт; автовагон,*

¹ Сафаров Ф. Русча-интернационал префиксларнинг ўзбек тилида ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974, 2-сон.

² Мадалиев Б. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Тошкент, 1966. – Б. 26.

автостоп, автосугоргич; автобиография, автопортрет, автограферат ва ҳоказо. *фото-* терминэлементи ҳам худди шундай хусусиятга эга, яъни икки маънода: а) фотографияга оидлик; б) ёруғлик таъсири билан алоқадорлик маъноларида қўлланади: *фотоаппарат, фотосурат, фотокопия (фотонусха), фотокатод, фотометр, фотосинтез, фотоэлемент* каби. Албатта, бу элементларнинг ўзбек тилидаги маънолари уларнинг рус тилидаги маъноларини айнан ўзлаштириш натижасида келиб чиқсан.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзбек тилига кириб келган байналилар терминлар иккига бўлинади: а) Фарбий Европа тилларидан тайёр ҳолда рус тилига ва ундан ўзбек тилига кириб келган байналилар терминлар ва б) халқаро терминэлементлар асосида, бироқ рус тили базасида яратилган терминлар. Ана шу кейинги типдаги терминларни яратиш ёки айрим интернационализмларни ярим калькалаб қабул қилиш жараёнида препозитив халқаро терминэлементлар билан русча сўзлар бирикиб, алоҳида типдаги сўзлар – гибрид сўзлар гурухини ташкил қилган. Бундай сўзлар турли тил элементларидан таркиб топган «чатишма» сўзлардир¹.

Рус тилидаги гибрид терминларни яримкалька усулида ўзлаштириш ўзбек тилида ва унинг терминологиясида ҳам худди шу типдаги сўз ва терминларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Масалан, физика термини бўлмиш *термоқаршилик* юононча *терм* (иссиқлик) ва ўзбекча *қаршилик* сўзларининг интерфикс ёрдамида бирикувидан ҳосил бўлган гибрид терминдир. Бу термин ўз навбатида рус физика терминологиясидаги «термосопротивление» терминининг яримкалькасидир. Худди шунингдек, *аэро-чана, авиасаноат, аэрофотосурат, микроқлим, гидротуз, ультратовуш* сингари гибрид терминлар ҳам *аэро-, авиа-, фото-, микро-, гидро-, ультра-* каби юон ва лотин тилларига мансуб ўзакларнинг ўзбекча (шунингдек, ўзбек тилида қўлланадиган арабча, форсча) *чана, саноат, сурат, иқлим, туз, товуш* сўзлари билан қўшилувидан ҳосил бўлган.

Ҳозирги кунда ҳар бир соҳа терминологиясида кўплаб гибрид терминларни учратиш мумкин. Масалан, физикада: *автомебришишлар* (автоколебания), *инфратовуш* (инфразвук),

¹ Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1968. – С. 98.

микротұлқын (микроволна), *антизарра* (античастица), *видео-кучайтгич* (видеоусилитель), *фотомасвир* (фотоизображение), *термојожуфт* (термопара), *ультратез* (ультрабыстрый) каби; математикада: *автохосила* (автопроизводная), *гипердоира* (гиперкруг), *квазибирлик* (квазиединица), *метамарказ* (метацентр), *параиз* (параслед) каби; кимёда: *азобүёклар* (азокраски), *аквотузлар* (аквосоли), *диоксикахрабо* (диоксиянтарная), *диметилсимоб* (диметилртуть), *изотузилиш* (изостроение), *нитротуркүм* (нитрогруппа), *ортожолат* (ортоположение), *тиотузлар* (тиосоли) каби; тиббиётда: *метазахм* (метасифилис), *сенсофалааж* (сенсориальный) каби; астрономияда: *квазиулдуз* (квазизвезда), *протосайёра* (протопланета), *радиопортлаш* (радиовзрыв) каби; қишлоқ хўжалигида: *агроқоидалар* (агроправила), *аэропуркагич* (аэроопрыскыватель), *микроўегитлар* (микроудобрения) каби юзлаб гибрид терминлар кўлланмоқда.

Бу ўринда иккинчи тартибдаги, яъни биринчи компоненти ўзбекча, иккинчи компоненти байналмилад сўздан иборат бўлган гибрид терминларни ҳам кўрсатиш мумкин. Бироқ терминологик системаларда эндиғина ривожланиб бораётган *устфункция* (надфункция), *қисмалгебра* (подалгебра), *олдгруппа* (предгруппа), *яримпролетар* (полупролетарий), *ўздиффузия* (самодиффузия), *нинатерапия* (иглотерапия), *яримишарлар* (полушария) каби гибридлар нисбатан озчиликни ташкил этади.

Ўзбек илмий терминологиясининг турли соҳаларида қўлланётган гибрид терминлар ўзларининг пайдо бўлиши жиҳатидан рус тилидаги худди шундай сўзлар моделига боғлиқ эканлиги, ана шу моделлар асосида вужудга келганлиги юқоридаги мисоллардан яққол кўриниб турибди¹. Гибрид терминлар ўзбек илмий терминологиясида дастлаб кимё терминлари соҳасида шаклланган. Ҳозирги кунда кимё терминологиясида муайян бир қатлами ташкил этган гибрид терминлар ўтган асрнинг 20–30-йилларида рус кимё адабиётини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида пайдо бўла бошлаган. Масалан: *azobirikmalar* (азосоединения), *allodarcin aciliq* (аллокоричная кислота), *aminoturkum*

¹ Ниязбаев А. С. О русских композитах с первым иноязычным компонентом и их соответствиях в узбекском языке / Исследования по языку. – Саратов, 1973. – С. 22–25.

(аминогруппа), *atsetosirkə aciliq* (ацетоуксусная кислота), *geteroqutub* (гетерополярный), *gidrogugurt* (гидросернистый), *diazoaminobirikmalar* (диазоаминосоединения), *tiokotur aciliq* (тиоугольная кислота) ва бошқалар¹.

Гибрид терминлар структурасидан кўриниб турибдики, уларнинг пайдо бўлишида иккинчи компонент асосий роль ўйнайди. Агар русча гибрид терминнинг иккинчи компоненти ўзбек тилида ўз эквивалентига эга бўлса ёки шу иккинчи компонент аввалдан ўзбек тилига таржима қилиб қўлланаётган бўлса, ўзбек тилида ҳам тегишли модель асосида гибрид термин ҳосил бўлади. Акс ҳолда, яъни русча гибрид терминнинг иккинчи компоненти – русча сўз ўзбек тилига аввалдан айнан қабул қилинган бўлса, бундай пайтда ўзбек тили нуқтаи назаридан гибрид термин ёки сўз ҳосил бўлмайди. Масалан, *автоблокировка*, *автомок*, *аэросъёмка*, *гиперзаряд*, *термоток*, *электрпечь*, *термодвигатель*, *термодатчик*, *аквокислоталар*, *галогенводородлар*, *радиопостановка*, *радиоочерк* сингари сўз ва терминларнинг иккинчи компонентлари русча бўлиб, улар ўзбек тилида айнан ишлатилади.

Ўзбек илмий терминологиясидаги гибрид терминлар таркибига, яъни уларни ташкил этувчи маъноли компонентларнинг миқдорига кўра учга бўлинади. Бунда гибридларни ташкил этувчи компонентларнинг маъно англатиши, гибриднинг қисмларга ажralиши муайян терминологиялар нуқтаи назаридан бўлади, компонентларнинг сони эса доимо халқаро терминэлементлар ҳисобига ортиб боради:

- 1) икки компонентли гибридлар – бунда бир халқаро терминэлемент ва ўзбекча сўз иштирок этади. Масалан: *оксибираикма*, *радионурланиш*, *аэропуркагич*, *псевдоҳосила* ва ҳоказо;
- 2) уч компонентли гибридлар – бунда халқаро терминэлементлар сони иккита бўлади, ўзбекча сўз битталигicha қолади: *аэрофотосурат*, *гидрокситузлар*, *полинитробирикмалар* ва бошқалар;

¹ Колосовский Н. А., Сайдносирова З. Кимё терминологик лугати. – Тошкент–Самарқанд, 1935. Бу даврда *кислота* термини ўрнида *ачилиқ*, *углерод / карбон* ўрнида *қўмур*, *олтингугурт* ўрнида *гугурт* терминлари ишлатилган.

3) тўрт компонентли гибридлар – бунда ҳам дастлабки уч компонент ҳалқаро терминэлементдан иборат. Тўрт компонентли гибрид терминлар ҳозирги пайтда фақат кимё соҳасидагина учрийди ва икки, уч компонентли гибридларга нисбатан анча ознип. Масалан, *фенилизонитробирикмалар*, *диазоаминобирикмалар*, *фосфоенолпироузум* (кислота) каби.

Сўнгги пайтларда гибрид терминларнинг кўплаб ҳосил бўлиб, терминологик системаларда фаол қўлланиши натижасида айrim гибрид терминлар умумадабий тил доирасида ҳамма учун тушунарли сўзлар сифатида қўлланмоқда¹, айниқса, матбуот тилида кўплаб учраб туради. Масалан, О. Усмон ва Р. Дониёровларнинг юқорида номи зикр этилган луғатида 100 га яқин ҳамда 1976 йилда нашр этилган «Ўзбек тилининг имло луғати»да 200 га яқин гибрид терминларнинг (сўзларнинг) берилиши, шунингдек, газета сахифаларида тез-тез учраб турадиган *велопойга*, *микроиқлим*, *киносаёҳатчи*, *кинотомошабин*, *фотолавҳа*, *радиоалоҳа*, *радиоэшиштириши*, *автобошқарув*, *фотосурат*, *фотомухбир*, *кинокўрсатув*, *киноюлдуз*, *радиотингловчи*, *авиакорхона*, *кинокўзгу*, *теглетомошабин*, *радиоҳикоя* сингари гибрид сўзлар фикримизнинг далилидир.

Гибрид терминларнинг амал қилишини алоҳида олинган терминологик система – ўзбек кимё терминологияси мисолида кўриб чиқиши бундай терминларнинг ўзига хос жиҳатларини яна-да тўлиқроқ очиб беради.

Ўзбек кимё терминологиясида гибрид терминлар бошқа фан соҳаларига қараганда анча эрта вужудга келган. Ҳозирги кунда кимёда муайян бир қатламни ташкил этган гибрид терминлар ўтган асрнинг 20–30-йилларида рус кимё адабиётини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида пайдо бўла бошлаган. Бинобарин, ўзбек кимё адабиётидаги гибрид терминлар ҳам, юқорида айтиб ўтганимиздек, рус тилидаги моделларга асосан юзага келган. Бунда рус тилидаги гибридларнинг байналмилал компоненти ўз ҳолича қолдирилиб, уларнинг русча қисми ўзбек тилига таржима қилинган. Натижада ўзбек тилида ҳам русча модель айнан сақла-

¹ Дониёров Р. Гибрид сўзлар ҳақида / Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологияси масалалари. – Тошкент, 1966. – Б. 144–152.

нади. Масалан, гидразосоединения – *гидразобирикмалар*, тетраэтилсвинац – *тетраэтилқұргошин¹* кабилар.

Ўзбек кимё терминологиясидаги гибридлар, асосан, номенклатура характеристидаги сўзлар бўлиб, улар қўпроқ куйидаги кимёвий тушунчаларни ифодалайди: 1) турли хил бирикмаларнинг номлари: *нитробирикмалар* – нитросоединения, *лейкобирикмалар* – лейкосоединения каби; 2) асослар, кислоталар ва тузларнинг номлари: *аквоасослар* – аквооснования, *гидротузлар* – гидросоли, *тиотузлар* – тиосоли, *кетоачилиқлар²* – кетокислоты, *оксиачилиқлар* – оксикислоты, *пирогурут ачилик* – пиросерная кислота каби; 3) ҳар хил кимёвий моддалар ва тушунчаларнинг номлари: *азобўёқлар* – азокраски, *микроўгит*, *карбонсувлар* – углеводы, *оксиҳосила* – оксипроизводная, *радиоолтингурут* – радиосера, *изотузилиш* – изостроение ва бошқалар.

Кимёдаги гибрид терминларни ясаш учун асос бўлган халқаро элементлар икки хил кўринишга эга бўлади ва шунга кўра гибрид терминлар иккига бўлинади:

1. Гибрид терминнинг ҳар икки қисми, яъни халқаро термин-элемент ҳам, ўзбекча қисми ҳам мустақил маъно билдирувчи сўзлардан ифодаланган бўлади. Масалан, *галогеналмашган бирикма* – галогензамещенное соединение, *йодмой кислота* – йод-масляная кислота, *карбонсув* – углеводы каби терминлардаги *галоген, йод, карбон* сўзлари айрим мустақил термин сифатида ҳам қўлланаверади.

2. Байналмилал элементи *азо, гидро, окси, тио* каби аналитик аникловчилардан ифодаланган гибрид терминлар. Кимёда бундай элементлар (аналитик аникловчилар) нинг сони 30 дан ортиқ бўлиб, улар иштирокида хилма-хил гибрид терминлар ҳосил қилинган. Кимёда гибрид терминлар ҳосил қилувчи аналитик аникловчиларнинг энг фаоллари куйидагилардир:

¹ Келтирилган мисоллар куйидаги лугат ва дарслклардан олинган: *Колосовский Н. А., Сайдносирова З. Кимё терминологик лугати. – Тошкент–Самарқанд, 1935; Сайдносирова З. Н., Деркунская Т. В. Химиядан русча-ўзбекча қисқача изохли лугат. – Тошкент, 1954; Сайдносирова З. Аморганик химия. – Тошкент, 1970; Содиков О. С., Йўлдошев О. Й., Султонов К. С. Органик химия. – Тошкент, 1971.*

² Амалдаги бир қатор кимёвий терминлар 1930–1940 йилларда бошқача номлар билан юритилган. Чунончи: *кислород – ачил, кислота – ачилик, оксид – ачим, углерод – кўмир // кўмирчил, олтингурут – гугурт* каби.

а з о (юончa азот сўзининг қисқарган шакли) – азобирикмалар – азосоединения, азокүшилии – азосоединение (реакция); а к в о¹ [лотинча аква (сув) сўзидан] – аквоасосчар – аквооснования, аквотузлар – аквосоли, аквополибираикмалар – аквополисоединения; г е т е р о [юончa ҳетер (ҳар хил сўзидан)] – гетерозанжирли полимерлар – гетероцепные полимеры, гетерополибираикмалар; г и д р (о) [юончa ҳидр – сув] – гидротузлар – гидросоли, гидродолчин кислота – гидрокоричная кислота, гидразобираикмалар; и з о [юончa из (тeng, бир хил, ўхшаш) сўзидан] – изотузилии – изостроение, изонитробираикмалар, изоксантотузлар – изоксантосоли; м о н о [юончa мон (якка, ягона) сўзидан] – моноазобираикмалар, моноазобўёклар, монобромсирка ва монооксикарабо кислотали; н и т р о [юончa азот дегани] – нитробираикмалар, нитроҳосила – нитропроизводная; о к с и [юончa нордон, аччиқ маъноларида] – оксибираикмалар, окситиотузлар, оксиҳосила: о р т о [юончa орт // орф (тик, тўғри) сўзидан] – ортоҳолат – ортоположие, орточумоли кислота – ортомуравъиная кислота; п и р о [юончa тир (олов, иссиқлик) сўзидан] – пирогурут ва пироузум кислотали – пиросерная и пировиноградная кислоты; с у л ь ф о [лотинча сульф (олтингугурт) сўзидан] – сульфоҳосила – сульфопроизводная; т и о [юончa ти (олтингугурт) сўзидан] – тиобираикмалар, тиотузлар ва ҳоказо.

Юқоридагилардан ташқари, кимёвий гибрид терминлар ҳосил қилишда яна юончa алло, ксанто, лейко, мета, микро, псевдо, родо, стерео, термо, тетра, фосфо, фото, электро, эритро, ятро каби ҳамда лотинча ацето, инфра, карбо, ультра, флаво каби элементлар ҳам иштирок этади.

Барча фан соҳаларида мавжуд бўлган ва фаол қўлланаётган гибрид терминларнинг, умуман, халқаро терминэлементлар иштирокида ҳосил қилинган терминларнинг афзаллик томони шундаки, улар терминга қўйилган асосий талабларга (аниқлик, қисқалик, бирмаънолилик) нисбатан тўлароқ жавоб беради. Бун-

¹ Ушбу акво ҳамда гетеро, гидро, изо, моно, микро, нитро, орто, пиро, сульфо, тио, электро каби бир қатор терминэлементлардаги о товуши ўзаро боғловчи воситаидир.

да, албатта, халқаро терминэлементларнинг агглютинатив характери муҳим аҳамиятга эга. Терминэлементларнинг ана шу хусусияти терминлар имлосида катта роль ўйнайди, яъни терминлар ёзилишидаги ҳархилликни бартараф этишни осонлаштиради. Хуллас, халқаро препозитив терминэлементлар, яъни аналитик аникловчилар иштирокида шаклланган терминлар ҳамда уларнинг бир кўриниши бўлмиш гибриидлар ўзбек илмий терминалогиясини бойитувчи омиллардан бири сифатида йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

ҚЎШМА ТЕРМИНЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

I. Қўшма сўзлар ва қўшма терминларнинг умумий ҳамда фарқли жиҳатлари ҳақида

Ўзбек тили лексикасида илмий-техникавий тушунчаларни ифодаловчи қўшма терминлар салмоқли ўрин эгаллайди. Терминшунос Г. О. Винокурнинг: «... ҳар қандай сўз, у қанчалик тривиал бўлмасин, термин функциясида кела олади»¹, деган фикрига асосланган ҳолда, умумтилшуносликдаги «қўшма сўзлар» (собственносложные слова) терминига қиёсан терминологик системалардаги ҳудди шу типдаги, яъни икки ёки ундан ортиқ мустақил термин ёки терминэлементларнинг ўзаро қўшиб ҳосил қилинган янги лексик бирлик – янги яхлит терминга «қўшма термин» бирикмасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

«Сўз ясаш соҳасида тилнинг ички ривожланиши қонунлари, айниқса, якъкол кўринади. Янги сўзларнинг (терминларнинг ҳам. – M. A.) ясалиши тилда аллақачон барқарорлашган ёки янги ўзакларнинг ажralиши ва янги аффиксал элементларнинг қўллашиши билан, шунингдек, сўз ясаш системасининг ривожланиши ва такомиллашуви билан боғлиқ ҳолда янгидан вужудга келаёт-

¹ Винокур Г. О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии / Труды МИФЛИ. Т. V. 1939. – С. 5.

дан моделлар ҳамда сўз ясаш типлари бўйича амалга ошади»¹, – деб сўзган эди В. В. Виноградов.

Модомики шундай экан, терминологиянинг ўзигагина хос айрим хусусиятларни ҳисобга олмагандан, қўшма терминлар умумадабий тилдаги қўшма сўзларга қиёсан тузилади. Маълумки, умумтил лексикаси билан унинг бир қисми ҳисобланган терминологик лексика орасида доимий алоқа мавжуд, улар донмо бир-бирини бойитиб туради. Қўшма сўзлар ва қўшма терминлар орасида ҳам шундай алоқани кўрамиз. Чунончи, қўшма терминларнинг ясалиш моделлари, типлари айнан, тилда аввалдан мавжуд бўлган қўшма сўзлар асосида юзага келади; шу билан бирга, терминологик системаларда юзага келган қўшма терминларнинг маҳсус моделлари ва типлари, ўз навбатида, умумистеъмол доирасига ўтиб, бу ерда кенг қўлланишда бўлади. Масалан, русча-байналмилал ўзаклар билан ўзбекча сўзларнинг ўзаро қўшилиб ҳосил қилган янгича гибрид терминлар типи дастлаб терминология соҳаларида пайдо бўлиб, кейин умумистеъмолга кирган.

Шуни айтиш керакки, қўшма терминлар айрим жиҳатлари билан қўшма сўзлардан маълум даражада фарқ қиласди. Масалан, қўшма сўзлар барча мустақил сўз туркumlари доирасида амал қилиши мумкин. Қўшма терминлар эса, асосан, от туркуми доирасида амал қиласди, қўшма сифатлар фақат терминэлемент, яъни бирикма терминнинг аниқловчи компоненти сифатидагина қаралади. Бу ерда шуни қайд этиш керакки, отдан бошқа сўз туркumlарининг термин бўла олиши потенциал бўлиб, улар айрим олинган ҳолда термин бўла олмайди. Уларнинг терминологик характеристери матнда аниқланади, масалан, феъллар бирикмалар таркибида ҳам термин бўла олмайди, улар «фақат терминларнинг нутқий субститутлариdir, фикрни ифодалаш воситалариdir, бироқ воқеа-ходисаларнинг номи бўла олмайди»². Сифатлар эса, от-

¹ Виноградов В. В. Вопросы современного русского словообразования / Виноградов В. В. Избранные труды. Исследования по русской грамматике. – Москва, 1975. – С. 155.

² Моисеев А. И. О языковой природе термина // Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. – Москва, 1970. – С. 135.

лашиш (субстантивация) холатидан ташқари, түлиқ термин эм фақат тавсифий терминлар таркибидаги аниқловчи компоненттерминэлемент бўлиб қолаверади. Улар ўзларининг термини характерини фақат тегишли от ҳамда отглашган феъл шакли билан бириккан ҳолда намоён этади. Терминнинг нутқий иф шакли фақат от бўла олиши ҳақидаги фикрларни Г. О. Винокур О. С. Ахманова, Р. Дониёров ишларида ҳам учратамиз¹. Демек, қўшима терминлар деганда фақат қўшма отлар ва қўшма сифатларни тушунамиз. Шунингдек, янгидан пайдо бўлаётган қўшма терминларнинг компонентлари ўзларининг мустакил маънолагани сақлаб қолади. Аксари анъанавий қўшма сўзларда, ҳатто унинг термини сифатида қўлланганида ҳам, бу ҳолни кўрмаймиз (*оид қозон; бўри + калла*). Қўшма терминлар асосан қўшиб ёзилиш майил бўлади.

Юкоридаги айрим фарқланувчи томонларидан кўра, қўшма сўзлар ва қўшма терминларнинг умумий томонлари кўпроғи бўлгандигидан биз қўшма терминлар масаласини қўшма сўзларнинг табиати, қўшма сўзларнинг ўрганилиши каби масалалар билан боғлиқ ҳолда қисқача кўриб чиқамиз.

Қўшма сўзлар масаласи яқин йилларгача ўзбек тилшунослиги ва умуман туркйшчуносликда кам ўрганилган масалалардан бўлди. Кейинги йилларда бу масалани ўрганиш анча жонланди².

Ўзбек тилшунослигига қўшма сўзларга оид дастлабки муфассал маълумот А. Фуломовга тегишилдидир³. Адабиётларни ўрганишуни кўрсатадики, ўзбек тилшунослигига кейинги даврда қўшма сўзлар (табиийки, қўшма терминлар ҳам) масаласига эътиоб сезиларли даражада кучайган, бу масала нашр этилаётган: бир ўзбек тили грамматикасидагина эмас, балки маҳсус ишлар ҳам атрофлича ўрганилмоқда.

¹ Винокур Г. О. Ўша асар. – Б. 13; Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1969. – С. 11–12; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясини айрим масалалари. – Тошкент, 1977. – Б. 18–21.

² Мадалиев Б. Сложные слова в современном узбекском языке. АКД. – Ташкент, 1956; Раҳматуллаев Ш., Ҳожиев А. Қўшма сўзларнинг имло қоидалари ва лугати. – Тошкент, 1961; Ҳожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такорий сўзлар. – Тошкент, 1963; Мадалиев Б. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Тошкент, 1966; Маматов А. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Тошкент, 1982.

³ Гуломов А. Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида // А. С. Пушкин номидаги ва адабиёт институти асарлари. Биринчи китоб. – Тошкент, 1949.

Қўшма сўзларга бағишлиланган маҳсус ишларда компонентларнинг лексик-грамматик характеристикаси нуқтаи назаридан ҳамда структура жиҳатидан қўшма сўзлар анча чуқур ўрганилган, айрим ҳолларда компонентларнинг ўзаро алоқалари ҳам очиб берилган. Шунга қарамасдан айтиш мумкинки, қўшма сўзларни ўрганиш ҳали ниҳоясига етмаган, бу жараёнда чалкашлик ва нуқсонларга йўл қўйилган ва йўл қўйилмоқда. Қўшма сўзларга бағишлиланган ишларда уларнинг содда сўзлардан ва сўз бирикмаларидан фарқи ҳали етарлича очиб берилмаган – бу масалада турли муаллифларнинг қарашлари турличадир. Бундай ҳархилликлар, чалкашликлар айни «қўшма сўз» терминини турлича тушуниш натижасида келиб чиқсан бўлиши ҳам мумкин¹.

Ўзбек тилида қўшма сўзлар масаласини тўла ва тўғри ҳал этиш фақат назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ўзбек тилида ҳам, бошқа бир қатор тилларда бўлганидек, қўшма сўзлар микдор жиҳатдан салмоқли ўрин эгаллади. Айниқса, кейинги йилларда фан ва техника ютуқлари турмушимизга кириб келиши натижасида кўплаб терминлар, жумладан, қўшма терминлар умумадабий тилга, жонли сўзлашув тилига ўзлашиб, уни бойитмоқда. Бироқ ана шу қўшма сўз ва терминларнинг имлоси меъёрий тус олган деб бўлмайди. Умумадабий тилнинг ўзида қўшма сўзларнинг имлоси, уларнинг ёзилишида келишмовчиликлар мавжудлиги туфайли, қўшма сўзларнинг мавжуд тайёр моделлари асосида юзага келган айни қўшма терминларнинг ёзилишида ҳам ҳархилликлар мавжуд.

Қўшма сўзлар ва қўшма терминлар имлосини тўғри ҳал этиш, уларни тартибга солиш учун биринчи галда қўшма сўзлар назарий жиҳатдан тўла ва тўғри ўрганилиши керак, яъни қўшма сўзларнинг содда сўзлардан ва, айниқса, сўз бирикмаларидан фарқи, уларнинг чегараси аниқ белгилаб олиниши керак². Турли муаллифларнинг мазкур масаладаги фикрлари ўрганилиб, муштарак ҳолга келтирилмоғи зарур.

Шуни айтиш керакки, қўшма сўзларга оид юқоридагидек мубоҳасали, тортишувли масалаларни ҳал этиш ушбу мақола дои-

¹ Раҳматулаев Ш., Ҳожиев А. Ўша асар. – Б. 5.

² Ҳожиев А. Ўша асар. – Б. 3–4.

расига кирмайди. Чунки бундай масалалар устида ҳануз тортишувлар давом этмоқда. Ҳатто Н. Маматовнинг кейинги даврда нашр этилган «Ўзбек тилида қўшма сўзлар» номли монографияси ҳам бу масалаларни узил-кесил ҳал эта олгани йўқ. Шунингдек, 1983 йилда матбуотда эълон қилиниб, бир йил давомида қизғин муҳокама этилган ўзбек тили имло қоидаларининг янги лойиҳасидаги қўшма сўзларнинг имлоси масаласи ҳам анча тортишувларга сабаб бўлди.

Умумадабий тил доирасида қўшма сўзлар, уларнинг табиати, структураси ва асосан имлоси масалаларига доир бир қатор ишлар бажарилган бўлса-да, бироқ қўшма сўзлар масаласи билан узвий боғлиқ бўлган қўшма терминлар масаласи ҳали ўзбек терминологиясида яхлит ўрганилмаган. Тўғри, айрим соҳа терминологик системаларини лингвистик тадқиқ этиш жараёнида тегишли ўринларда қўшма терминларга қисқача тўхтаб ўтилади. Бироқ бу тадқиқотларда муайян фан соҳаларида учровчи қўшма терминларнинг ясалиши, уларнинг структураси ва материал томони умумий асосларда, қўшма сўзга қиёсан ўрганилган. Айниқса, қўшма терминлар имлосининг қўшма сўзлар имлоси асосида ҳал этилиши терминлар мазмунига зарар келтиради, яъни муайян қўшма термин ифодалаши лозим бўлган тушунчани нотўғри идрок этишга олиб келади. Шу билан бирга, қайд этиш керакки, кейинги даврда пайдо бўлаётган қўшма терминлар имлоси анча барқарорлашиб бормоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олганда, қўшма терминларни маҳсус ўрганиш, уларнинг имлоси ва қўлланишидаги чалкашликларни бартараф этиш, ҳеч бўлмагандан, минимум ҳолга келтириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ишда қўшма терминларнинг ясалиш манбалари ва типлари, уларнинг айрим семантик хусусиятлари ҳамда уларнинг имлоси ва қўлланишини тартибга солиши тамойиллари қисқача баён этилади. Бироқ қўшма терминларнинг қўшма сўзлар билан бўлган умумий томонларига муфассал тўхтатмадик, чунки, юқорида айтиб ўтганимиздек, қўшма сўзлар ўзбек тилида анча яхши ўрганилган. Биз кўпроқ қўшма терминларнинг ўзига хос хусусиятларига, уларнинг янги типларига (қўшма сўзга нисбатан) кўпроқ эътибор бердик.

II. Қўшма терминлар ҳосил бўлишининг манбалари

Маълумки, қўшма сўзлар тилда муайян эҳтиёж, зарурат туфайли түғилади. Чунки предмет, воқеа ва ҳодисалар, уларнинг конкрет ёки тўлиқ белгиларини доим ҳам бир сўз (мустақил маъноли бир ўзакли сўз) билан ифодалаш имкони бўлавермайди. Шунинг учун ҳам маълум тушунчани икки ёки ундан ортиқ сўз бирикувидан ҳосил бўлган янги яхлит сўз орқали ифодалашга эҳтиёж сезилади. Масалан, ҳозирги кунда икки планда тенг қўлланувчи, яъни ҳам умумистеъмолдаги сўз, ҳам ботаника термини (номени) ҳисобланган *отқулоқ, қўзиқорин* сингари қўшма сўзлар муайян ўсимликларни, уларнинг ташки қўринишини конкрет, кишиларга олдиндан маълум бўлган предметларга ўхшатиш орқали номлаш натижасида юзага келган.

«Қўшма сўзлар, – деб ёзган эди Г. О. Винокур, – фақат янги сўзларга бўлган эҳтиёжни қондириш учунгина эмас, балки кўпроқ ҳақиқатан ҳам, икки тушунчани бир сўз орқали ифода этиш зарурати бўлгани учун ҳам зарурдир»¹. Ҳозирги кунда фан ва техниканинг турли соҳаларида юзага келаётган кўплаб қўшма терминлар айни ана шу мақсад – бир сўзда икки тушунчани ифодалаш учун хизмат қўлмоқда.

Ўзбек тилида аввалдан қўллаб келинган анъанавий қўшма сўзларнинг кўпгина қисми тилимизнинг асосий луғат фонди базасида ўз сўзларимиздан, қисман, ўзбек тилига сингишиб кетган араб ва форс сўзларидан ясалгандир. Кейинги даврда рус тилининг ўзбек тилига, унинг лексикасига таъсири натижасида тилимиз қўшма сўзларнинг янги тип ва моделларига эга бўлиб, кўплаб қўшма сўзлар билан бойиди. Булар, асосан, янги-янги тушунчаларни ифодаловчи қўшма терминлардир.

Қўшма терминлар ҳам қўшма сўзлар каби ўз сўзларимиздан, бошқа тил материалларидан ҳамда ҳар иккала манбанинг ўзаро қўшилишидан тугилади. Ўзбек тили материаллари асосида юзага келган қўшма терминлар асосан умумистеъмолдаги тайёр қўшма сўзларнинг илмий термин ёки номен сифатида терминологик системаларга қабул қилиниши маҳсулидир. Бундай икки план-

¹ Винокур Г. О. Ўша асар. – Б. 46.

да қўлланувчи лексик бирликлар кўпроқ халқ тили билан боғлиқ ҳолда ривожланган терминологик системаларда (масалан, ботаника, зоология каби) тез-тез учрайди. Шунингдек, ўз тилимиз материалларидан тузилган қўшма терминлар айни русча терминларни тўлиқ калькалаш жараёнида ҳам юзага келади.

Маълумки, ўзбек халқи қадимдан бошқа халқлар билан ҳамкорликда, қўшничиликда яшаб келган. Шунга кўра, тилимизда айрим компонентлари арабча, форсча ёки русча-байнамилал бўлган, ҳатто ҳар иккала қисми ҳам муайян (ўзбек тилидан бошқа) тил материалидан ясалган қўшма сўзлар ва терминлар учрайди. Шу билан бирга, ўзбек терминологиясига, умуман, ўзбек тили луғат таркибига айнан кириб келган ва кириб келаётган русча-байнамилал қўшма терминлар ҳам анчагина.

Демак, қўшма терминларнинг компонентлари генетик материалига кўра турлича экан. Шунга кўра, яъни қўшма терминларни уларни ташкил этган компонентларининг келиб чиқиш материалига кўра икки гурухга ажратиш мумкин: бир тилдаги қатламга мансуб сўз бирликларидан ҳосил этилган қўшма терминлар; турли тилларга мансуб сўз бирликларидан ҳосил этилган қўшма терминлар. Шуни айтиш керакки, ушбу ишда қўшма терминларнинг генетик структурасига кўра гурухларга ажратишида арабча ва форсча сўзларга ўзбекча сўзлар деб қаралди, чунки бундай сўзлар ўзбек тилида асрлар давомида қўлланиб, тилга сингишиб, уларнинг ўзлашмалиги ҳатто сезилмай қолган. Хуллас, қўшма терминларнинг генетик жиҳати деганда, ўзбекча ва ўзбек тилига сингишиб кетган арабча ва форсча сўзлар ҳамда русча-байнамилал термин ва терминэлементлар тушунилади.

1. Компонентлари бир лексик қатламга мансуб сўзлардан ясалган қўшма терминлар. Бундай қўшма терминлар ҳам, ўз навбатида, иккига бўлинади: а) ўзбек тилида аввалдан қўллаб келинган ўзбекча, арабча, форсча сўзларнинг ўзаро қўшилишидан юзага келган қўшма терминлар; б) компонентлари русча-байнамилал термин ёки терминэлементлардан иборат, рус тилидан тайёр ҳолда ўзлаштирилган қўшма терминлар.

А) Ўзбек тилида аввалдан қўлланиб келган ўзбекча, арабча ва фарсча сўзларнинг ўзаро қўшилишидаи ҳосил бўлган қўшма терминлар уларни ташкил этган лексик-морфологик материал (сўз туркумлари)га кўра қўйидаги кўринишларга эга:

а) от + от моделида ясалган қўшма терминлар: Бу модель яқингача ботаника, зоология сингари табиий фанларда, уларнинг терминологик системаларида маҳсулдор ҳисобланар эди: *айиқтоворон*, *бақатерак*, *итузум*, *тошибақа*, *туяқуш*, *бойўғли* каби. Кейинги даврда техниканинг бир қатор терминологик системаларида ҳам шу типдаги қўшма терминлар микдори ортиб бормоқда: *чархтош*, *шамолларрак*, *қўларавача*, *белбог* (техник маъноси), *оҳактош*, *темиртош*, *созтупроқ*, *олтингугурт*, *тошсовун* (бентонит), *қисмфазо*, *тагмахраж*, *тоштуз*, *шоҳпарда*, *устмайдон*, *усткўйма*, *илдизмева*, *илдизтуганак*, *тошкўмир*, *қумтупроқ*, *зарқоғоз*, *гилтупроқ*, *шакарқамиши*, *сувўтлар*, *оловбардошлиқ* ва б.;

б) сифат + от моделида ясалган қўшма терминлар ҳам кўпроқ табиий фанлар терминологик системаларида учрайди: *қизилўнгач*, *кўричак*, *қоражигар*, *кўкқарға*, *оққуши*, *кўксултон*, *оқжўхори* каби. Техникавий терминлар орасида ҳам шу типдаги қўшма терминлар анчагина: *тўғри бурчак*, *ўтқир бурчак*, *оқбўёқ*, *қўшибог*, *қорамой*, *аҷчиқтош*, *қийшиқбурчаклик* (мат.), *иссиқбардошлиқ*, *сувукбардошлиқ*, *қўшинуқта* ва б.;

в) сон + от моделида қўшма термин ясаш барча терминологик системаларда учрайди, бу модель билан, айниқса, математикада кўплаб қўшма терминлар ясалган. Масалан, *яримўқ*, *ярим айлана*, *ярим доира*, *бешёқ*, *учҳад*, *тўртбурчак*, *бештомонлик*, *үнёқ*, *кўпҳад*, *үн икки бурчак*, *бирҳад*, *бешучлик*, *яримтказгич*, *яримиғинди*, *яримфазо*, *яримтўлқин* сингари;

г) от + феъл (феъл шакли) модели ҳам терминологик системаларда анча кенг тарқалган бўлиб, бунда, асосан, иккинчи компонент -ар шаклини сифатдош билан ясалади: *тошёрап*, *сувийгар*, *эчкиэмар*, *музёрап*, *чимқирқар*, *ўринбосар* (хим.), *ўгитсенар*, *нишонтортар* (маркер), *жўяқочар*, *гўнгсочар*, *марказтопар* каби. Аммо кейинги вақтларда ана шу қолипда қўшма сўз ва термин ясаш камая бошлади ва унинг ўрнини структураси ва ифодала-

ниши деярли бир хил бўлган бошқа тип эгаллай бошлади. Бу – биринчи компоненти от, иккинчи компоненти феъл ўзагига **-гич** (-кич, -қич, -гич вариантлари билан) аффикси қўшиб ясалган сўзлардир. Буларни мазкур типга киритса ҳам бўлади, шаклан эса **от + от** типига киритса ҳам бўлади: ҳаво қиздиргич, ҳаво ҳайдагич, ёнилги қуйгич, гўнг сепкич, сув ташигич, уруг ўтказгич, оқим кескич, кўчат тутқич, тупкўтаргич, сувиситкич, хамиркескич, гўштқиймалагич, яшинқайтаргич, юк туширгич, уюмташигич, бурчакўлчагич, тўлқинўлчагич, чангсўргич ва б. Физика ва техника соҳаларида кўплаб учрайдиган қўшма терминларнинг бу тури, афсуски, қўшма сўзларга бағишлиланган ишларда ёки ўзбек тили грамматикаларида ўз аксини топганича йўқ;

д) **равиш + от ёки ҳаракат номи** модели техника терминологиясида нисбатан кам учрайди: ўта тўйиниши (хим.), ўтақучланиши, ўтақизитиши, ўтауйгониниши (физ.), ўтасовииши, ўтаўтказгич, ўтабосим, ўта ўтказувчанлик, ўта оқувчанлик, ўта структура, чала ўтказгич, ўта қизиши ва б.

Булардан ташқари, қўшма терминларнинг яна бир қатор типлари борки, улар жуда каммаҳсул бўлиб, саноқли терминлар ҳосил қилинган (ярим емирилиши, қисқа туташув, яриммаҳсулот, ўзи ёзгич, ўзисозланиши каби).

Қўшма терминэлементлар (яъни бирикма терминларнинг аниқловчи компонентлари) лексик-морфологик жиҳатдан қуидаги, маҳсулдор типларга эга:

а) **от + от** (шунингдек, қўмакчи от) типида ясалган аниқловчи қўшма терминэлементлар: ишишаранг (модда), қулранг (чўян), жигарранг (кукун), кумушранг (металл); *ер ости* (ёқилғилар), *тоз олди* (зонаси), *томорқа* (хўжалик), *оловбардоши* (материал);

б) **равиш + сифат** типида ясалган қўшма терминэлементлар: ўтаингичка (сим), ўтаюқори (частота), ўтаогир (металлар), ўтасезгир (асбоб), ўтақаттиқ (қотишма) ва б.;

в) **равиш + феъл** (феълнинг сифатдош шакли) типида ясалган қўшма терминэлементлар: узоқотар (яқинотар, ўртачаотар) ёмғирлатиш аппарати, ўтатўйинган (эритма), тезкесар (пўлат), тезпиншар (мева), тезучар (самолёт), ўта совиган (суюқлик), ўта қизиган (газ), ўта тезлатилган (нейтрон) каби;

г) олмош + феъл шакли типи: *ўзиорар* (машина), *ўзи ўрнапир* (подшипник), *ўзиёзар* (асбоб), *ўзи учувчи* (мослама), *ўзи суруччи* (агрегат), *ўзи ағдарар* (ковш);

д) «ярим» + ясама сифат типи: *яримўрнатма* (аппарат), *яримсуюқ* (емлар), *яримўтказгич* (тўғрилагич), *яримишаффоғ* (пластиинка) каби. Шуни ҳам айтиш керакки, юқорида келтирилган мисолларда *ярим* сўзи бирор нарсанинг ярми маъносидаги каср сон сифатида эмас, ҳаракат ёки ҳолат, белгининг чалалигиши, тўла эмаслигини англатади.

Юқоридагилардан ташқари, қўшма терминэлементларнинг «сифат + сифат» (*қўшелкали ричаг*, *қўшикуракли шамолпаррак*), «сифат + феъль» (*иссиқсевар ўсимлик*, *ёргусевар*, *совуқсевар ўсимлик*), «сон + сифат» (*икки валентли элемент*, *бир жинсли миқдор*, *кўпёқли бурчак*, *тўрт хонали жадвал*) сингари типлари ҳам бор. Шуни айтиш керакки, сўнгти типда ясалган терминэлементларни, яъни иккинчи қисми -ли олган қўшма сифатларнинг қўшма эмас, балки бирикмали сифатлар экани ҳақида фикрлар ҳам бор¹.

Қўшма термин ва терминэлементларнинг ўзбек тилида аввалдан қўллаб келинган сўзлар асосида шаклланишига кўп жихатдан русча қўшма терминларнинг ўзбек тилига тўлиқ калькалаш жараёни ҳам катта таъсир этмоқда. Маълумки, калькалаш, асан, ўтган асрнинг 20–30-йилларидан бошлаб кучайган сўз ҳосил қилиш усувларидан бўлиб, ҳозирда у ўзбек тили лугат таркибини, унинг терминологик системаларини бойитувчи муҳим омиллардан бирига айланди. Қайси бир фан соҳасини олмайлик, унда русча сўзларга андоза, ўхшатма қилиб, ўз тилимиз материалларидан ясалган қўшма терминларни учратамиз. Масалан, *темир йўл* < железная дорога, *музёрап* < ледокол, *устқурма* < надстройка, *бешийлиқ* < пятилетка, *чангсўргич* < пылесос, *сувўлчагич* < водомер, *товориштутқич* < звукоуловитель, *яримўтказгич* < полупроводник, *гўшиштқиймалагич* < мясорубка, *гилтупроқ* < глинозём, *оитош* < лунный камень, лунит; *ўрдақбурун* < утконос, *учбурчак* < треугольник ва бошқалар.

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Б. 23–30.

Юқорида келтирилган қўшма терминлар тегишли русча қўшма терминларни айнан, сўзма-сўз калькалаш орқали ҳосил қилинган.

Б) Компонентлари русча-байналмилал ўзаклардан иборат, ўзбек тилига тайёр ҳолда ўзлаштирилган қўшма терминлар. Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, русча ва байналмилал ўзакларнинг хилма-хил комбинацияси асосида юзага келган ва рус тилида қўшма термин деб қараладиган композитларнинг барчаси ҳам ўзбек тилида қўшма термин бўла олмайди. Бу ерда уч ҳолатга эътибор бериш керак: а) агар русча-байналмилал қўшма терминнинг ҳар иккала (ёки уч) компоненти ўзбек тилида мустақил термин ёки терминэлемент сифатида қўлланса, бундай терминлар ўзбек тилида ҳам қўшма саналади. Масалан: *карбонводород*, *электростанция*, *электрлампа*, *радиостанция*, *фотосинтез*, *кинофильм*, *электромотор*, *вакуумметр*, *бутилкаучук*, *томасилак*, *кристаллгидрат*, *кварцгенератор*, *радиолампа*, *кинокомедия* кабиларнинг ҳар иккала компоненти ҳам ўзбек терминологик системаларида мустақил термин бўла олади, шунинг учун бу типдагилар ўзбек тилида қўшма терминлар саналади;

б) биринчи компоненти мунтазам такрорланувчи, қатор-қатор блоклар ҳосил қилувчи терминэлементдан ёки мустақил қўлланувчи атрибутив элементнинг қисқартмасидан иборат, иккинчи қисми эса мустақил терминдан тузилган русча қўшма терминлар ўзбек тилида ҳам қўшма ҳисобланмоғи керак. Масалан, **антитерминэлементи** билан математикада *антиоктава*, *антисинус*, *антитараллель*, *антисимметрия*, *антрадикал*, *антисимвол* сингари ўндан ортиқ қўшма терминлар ҳосил қилинган. Техникада *автомобиль*, *автоматик сўзларининг қисқартмаси* бўлган **автоиштироқида** бир неча ўнлаб қўшма терминлар ясалган: *автобаза*, *автобензин*, *автоприцеп*, *автогрейдер*, *автокатализ*, *автокран*, *автомашина*, *авторентген* ва бошқалар. Бу типдаги қўшма терминларнинг яслиши ва материали, компонентларининг маъненини тегишли соҳаларнинг мутахассислари учун тушунарлидир. Юқоридаги ҳар икки тип қўшма терминлар ўзбек тилида ўзлаштирилган қўшма терминлар дейилади. Шу типдаги айрим русча қўшма терминларнинг иккинчи қисмидаги ясовчи қўшимчалар-

ни тегишли ўзбекча аффиксларга алмаштириш билан қайтадан қўшма термин ҳосил қилинади: *автозаправитель – автозаправкалагич, автоморфность – автоморфлик, антиокислитель – антиоксидловчи* ва бошқалар;

в) бошқа ҳолатларда эса, яъни кисмларга ажралувчи русча терминларнинг муайян қисми мустақил терминдан ва де-, пер-, ре-, со-, суб- каби префикслардан иборат бўлганда (*деполяризатор, пероксид, реэкстракция, рекристаллизация, со-полимер, субоксид* каби) ёки иккинчи компоненти мустақил қўлланмайдиган суффиксоид орқали ифодаланганда (*биология, радиология, гидролиз, полимер, изомер, изомерия, рентгенография* каби), ўзбек тилида ўзлаштирма қўшма терминлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Н. Маматов *биология, гидролиз, полимер* типидаги терминларни тўла этимологик қўшма сўзлар деб, юқоридагиларни эса ярим этимологик қўшма сўзлар деб атайди¹.

2. Турли тилларга мансуб сўз бирликларидан ҳосил бўлган (гибрид) қўшма терминлар. Бунда, юқорида айтиб ўтганимиздек, иккита бошқа-бошқа қатламларга оид сўзларнинг ўзаро композициясидан қўшма терминлар ясалади. Бу усулда ҳосил қилинган янги терминлар кейинги пайтларда «дурагай қўшма сўзлар»² ёки *гибрид терминлар* номи билан юритилмоқда. Бироқ «гибрид терминлар» атамаси ўзбек тилидаги таркибида русча-байналмилал терминэлементлар бўлган қўшма терминларга нисбатангина қўлланмоқда. Гибридликнинг бошқа, яъни туркйча + форсча, арабча + форсча, арабча + туркйча ва бошқа типларига нисбатан мазкур термин кўпчилик ҳолларда қўлланмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, туркй (ўзбекча) сўзлар билан арабча ёки форсча лексемалар қўшилишидан юзага келган гибрид қўшма терминлар терминологик системаларга, асосан, тайёр ҳолда умумадабий тилдан ўзлаштирилган. Русча-байналмилал терминэлементлар билан туркй (ўзбекча), арабча ёки форсча лексемаларнинг бирикувидай ясалган гибрид қўшма терминлар,

¹ Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. – Б. 33.

² Маматов Н. Ўша асар. – Б. 33.

аксинча, терминологик системалардан умумадабий тилга ўзлашиб, уни бойитиб бораётган, умумадабий тил учун неологизм ҳисобланган лексик базадир. Бундай қўшма терминлар рус тилидаги айни шу типдаги терминларнинг яримкалькасиdir. Қўшма терминларнинг ушбу кўриниши нисбатан янгилиги, ясалишидаги ўзига хослиги жиҳатидан қизиқарлидири. Шунинг учун уни алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдири.

III. Гибрид терминлар – қўшма терминларнинг янги типи сифатида

Гибрид терминлар ўзбек илмий-техникавий терминологиясида кейинги йилларда пайдо бўлган янги типдаги қўшма терминлардир. Гибрид сўз кенг маънода «турли тил элементларидан тузилган «дурагай» сўздир»¹. Масалан, физикадаги *квазизаррапалар* термини гибрид сўз бўлиб, у лотинча *quasi* (сохта, ёлғон) сўз шакли ҳамда ўзбек тилидаги *зарра* сўзининг қўшилишидан ясалган. Демак, ўзбек терминологиясидаги гибрид қўшма терминлар асосан байналмилал терминэлементлар деб аталувчи сўз-ўзаклар билан ўзбекча сўзларнинг қўшилишидан ясалиб, бунда байналмилал терминэлементлар сифатида юонча ва лотинча префиксал характердаги боғлиқ морфемалар иштирок этади. Масалан, *авиасаноат*, *аэрофотосурат*, *гидротузлар*, *ультратовуш* сингари гибрид қўшма терминларнинг биринчи компонентлари (*авиа-*, *аэро-*, *гидро-*, *ультра-*) ана шундай байналмилал терминэлементлар, иккинчи компонентлари эса ўзбекча сўзлардир.

Тилшуносликка оид русча адабиётларда ушбу байналмилал терминэлементлар турлича номлаб келинмоқда. Бизнингча, В. В. Акуленко таклиф этган «аналитик аниқловчилар» термини² мазкур терминэлементларнинг характеристерини ҳар томонлама акс эттиради ва биз ҳам ишда ушбу терминдан фойдаланамиз.

Бир вақтлар А. Н. Кононов гибрид қўшма терминларни ўзбек адабий тилининг мислсиз тараққиёти жараёнида юзага келган

¹ Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – С. 98.

² Акуленко В. В. Вопросы интернационализации словарного состава языка. – Харьков, 1972. – С. 36.

шити ясалмалар (қўшма отлар) деб саноқли мисоллар келтирган ўни¹. Ҳозирги даврда эса ўзбек тилининг барча терминологик системаларида гибрид қўшма терминлар анча кўпайганлигига кўриш мумкин. Масалан, физикада: *инфратовуш, изошам, микротўлқин, видеокучайтиргич, ультратовуш, фотомасвир* каби; математикада: *автоҳосила, гипердоира, инфракўпҳад, квантимайдон, псевдокўпайтма*; тиббиётда: *микроусул, сенсофалажс*; кимёда: *азобўёқ, азобирикма, тиотузлар, сульфоҳосила* каби; қишлоқ хўжалигига: *агроқоидалар, авиапуркагич, микроўғит*; техникада: *сервобошиқарии, автоўрнаткич, пневмотуширгич* ва бошқа кўплаб гибрид терминларни учратиш мумкин (фактлар тегишли русча-ўзбекча терминологик луғатлардан келтирилмоқда). Баъзан биргина аналитик аникловчи билан ҳосил қилинган бундай гибридларнинг ўзи бутун бир терминологик майдонни ташкил этади. Чунончи, физика луғатида келтирилган, *радио-элементи иштирокида ясалган 140 қўшма терминдан 20 таси гибрид қўшма терминдир*. Буларга кундалик ҳаётдаги *радиосуҳбат, радиоэшиштириши, радиоҳикоя, радиомунозара, радиотингловчи, радиоустахона, радиокўлоқ, радиоҳаваскор* сингари қўшма сўз-терминларни киритиш мумкин.

Гибрид терминларнинг дастлабки нусхалари ўзбек тилида, аввало, ҳалқ орасида *лампамой, лампашиша* тарзида юзага келган бўлса-да, чин терминологик маънодаги гибрид қўшма терминлар ўтган асрнинг 30-йилларида физика ва кимё терминосистемаларида юзага кела бошлади. Бундай гибрид терминлар русча илмий-техникавий адабиётни таржима қилиш жараёнида ҳосил бўлади. Табиийки, юқорида айтганимиздек, ўзбек тилидаги гибрид қўшма терминлар айни русча терминлардан андоза, нусха олиш асосида ясалган. Бунда русча гибрид терминларнинг байналмилал компоненти таржимасиз олиниб, иккинчи, русча компоненти ўзбеклаштирилган.

Ўзбек терминологиясидаги гибрид қўшма терминлар: а) умумлаштирувчи характердаги, ҳолат, сифат, хусусият билдирувчи предмет ёки моддаларнинг синфларини англатувчи композит-

¹ Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – Москва–Ленинград, 1960. – С. 135.

лардан иборат бўлади. Ушбу маъноларни англатишида, албатта, гибридларнинг ўзбекча қисмидаги ясовчи қўшимчаларнинг роли каттадир; *псевдоузунлик, вибротургунлик, аквоасослар, карбонсувлар, биоёғилгилар, лейкобирикмалар, сульфотузлар* каби; б) дифференцияловчи, фарқловчи характердаги, конкрет предмет, нарса-қурол ёки моддаларни ифодаловчи композитлардан иборат. Баъзан бундай гибрид композитлар бирикма терминларнинг туранглатувчи, аниқловчи компоненти бўлиб, яъни термин-элемент сифатида намоён бўлади: *псевдокўпайтма, прессқолип, газўлчагич, автоохур, картошкаэккич, тетраэтилкўргошин, радиоолтингугурт; оксидолчин* (кислота), *фенилсирка* (кислота) ва ҳоказо.

Гибрид терминларнинг биринчи компоненти ҳар доим ҳам аналитик аниқловчи бўлавермаслиги, баъзан байналмилал компонент мустақил ҳолдаги терминдан ифодаланган бўлиши ҳам мумкин. Байналмилал терминэлементларнинг мустақил ёки боғлиқлиги нуқтаи назардан гибрид қўшма терминлар икки хил бўлади: а) гибридларнинг ҳар иккала, ҳам русча-байналмилал, ҳам ўзбекча компоненти мустақил маъно ва қўлланишга эга бўлган сўз-терминлардан иборат бўлади: *карбонсувлар, электрарра, электрасбоб, лимиткўрсаткич, частотаулчагич; галогеналмашган* (бирикмалар), *йодмой* (кислота), *хлорсирка* (кислота) ва б.; б) байналмилал компоненти *авто-, азо-, нитро-, псевдо-* сингари аналитик аниқловчилар билан ифодаланган гибрид терминлар. Ушбу компонентлар муайян терминологик системалар нуқтаи назаридан мустақил маъноли морфемалар ҳисобланса ҳам, ўзларининг боғланганлик хусусиятига кўра термин сифатида алоҳида қўллана олмайди. Ўзбек тили терминологик системаларида гибрид қўшма терминлар ҳосил қилувчи бундай аналитик аниқловчиларнинг микдори 70 тадан ортиқ. Шуни ҳам айтиш керакки, айрим аналитик аниқловчилар фақат бир терминологик система мада амал қиласа, айримлари бир неча фан соҳаларида учрайди. Уларнинг энг фаол қўлланадиганлари сифатида юончча *авто* (автосуфоргич), *агр(о)*¹ (агроқоидалар), *азо* (азокўшилма), *алло*

¹ *агро, акво, гидро, электро* сингари терминэлементлардаги о ҳарфи ва товуши шу элементларни ўзидан кейинги компонентларга боғловчи интерфиксдир.

(аллодолчин кислота), *анти* (антихосса), *аэро* (аэропуркагич), *гетеро* (гетерокутбийлик), *гидр(о)* (гидрокурилма), *гипер* (гипертовуш), *изо* (изотузилиш), *ксанто* (ксантотузлар), *лейко* (лейкобирикмалар), *макро* (макродунё), *мета* (метаҳолат), *микро* (микротүлқинлар), *нитро* (нитробирикмалар), *окси* (оксихосила), *орт(о)* (ортомарказ), *пневмо* (пневмоғилдирак), *прото* (протоюлдуз), *псевдо* (псевдокўпайтма), *родо* (родотузлар), *стерео* (стереочизма), *теле* (телебошқариш), *термо* (термопайванд), *тио* (тиотузлар), *фото* (фотоқоғоз), *электр(о)* (электрманфийлик), *эритро* (эритротузлар) ва лотинча *авиа* (авиасаноат), *акво* (аквасослар), *ацето* (ацетосирка кислота), *вибро* (вибротурғунлик), *видео* (видеоёзув), *инфра* (инфракизил), *карбо* (карбозанжирли), *квази* (квазиайланиш), *мульти* (мультитурғунлик), *сульфо* (сульфоҳосила), *ультра* (ультракўпайтма), *флаво* (флавотузлар) каби терминэлементларни кўрсатиш мумкин.

Бундай гибрид терминларнинг кисқалиги ва семантик ҳажмдорлиги терминга бўлган асосий талабларга (аниқлик, қисқалик ва бирмаънолилик) айни мос келади. Гибрид терминларнинг бу хусусиятлари уларнинг тегишли бирикма терминлардан ва тавсифий терминлардан афзаллигини белгилайди.

Юқорида гибрид қўшма терминларнинг муайян кўринишини, яъни биринчи компоненти байналмилал терминэлемент бўлган гибрид терминларни кўриб ўтдик. Шу жиҳатдан, тескари структурага эга бўлган, яъни ўзбекча сўз биринчи компонент, русча-байналмилал сўз иккинчи компонент тарзида тузилган гибрид қўшма терминлар ҳам рус тилидаги илмий адабиётларни таржима қилиш жараёнида ўзбек тилида шакллана бормоқда. Бунда биринчи компонент сифатида саноқ сонлар (бирикма терминнинг қўшма атрибутив компоненти ясалганда), қўмакчи отлар ва чала, ярим каби сўзлар қатнашади, иккинчи компонент эса мустақил қўлланувчи русча-байналмилал терминдан иборат бўлади: *бирачастотавий*, *биратомли*, *иккиатомли*, *учвалентли*, *учфазали*, *қўшиярусли*, *қўшоксид*, *чалаоксид*, *яримавтоматик* (машина), *устрама*, *қўштавр* (пўлат), *қўшибарабанли* (аппарат), *яримсфера*, *яримишар*, *яримтензор*, *устфункция*, *қисмбазис*, *қисмкомплекс*, *қисммодуль*, *ўзиндукия*, *шамолнасос*, *қайтамагнитланиш* син-

гари янги гибрид қўшма терминлар ўзбек тили терминологик системаларида фаоллашиб бормоқда. Бироқ буларнинг имлоси юкорида кўриб ўтилган гибридлар сингари қатъий тус олмаган.

IV. Компонентларининг муносабатига кўра қўшма терминларнинг турлари

Маълумки, қўшма сўзлар ва қўшма терминларнинг аксарияти тегишли грамматик муносабатдаги хилма-хил сўз бирикмаларининг муайян маъно ва структура жиҳатидан ўзгаришга учраши орқали юзага келади. Адабий тилда грамматик муносабатларнинг тўрт тури кўрсатилади (атрибутив, объектив, релятив, предикатив). Демак, сўз бирикмаларининг компонентлари ана шу алоқалардан бири асосида ўзаро бирикади. Қўшма сўзлар у ёки бу моделда вужудга келган сўз бирикмалари асосида яратиласа ҳам, муайян сўз бирикмаларига шаклан ўхшаса ҳам, бу икки тил ҳодисаси айни бир нарса эмас. Қўшма сўзлар ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан тамоман янги, яхлит бир ажralmas маъно англатувчи сўз бирлигидир. Қўшма сўз компонентлари орасида сўз бирикмаларидаги каби аниқ грамматик муносабат бўлмайди, улар фақат шаклий жиҳатдангина сезилади.

Қўшма сўзлардаги бу хусусият қўшма терминларда янада яққол намоён бўлади. Агар терминнинг муайян, конкрет тушунча англатиши, ўзига хос дефиницияга эга бўлишини ҳисобга олсан, қўшма терминларнинг яхлит лексик бирлик экани шубҳасизdir. Шундай бўлса-да, қўшма терминлар компонентлари орасида туюлма грамматик алоқа сезилиб туради. Ана шу нуқтаи назардан қўшма терминларни асосан икки гурӯхга ажратиш мумкин: «аниқловчи + аниқланмиш» типидаги қўшма терминлар (атрибутив муносабат), «тўлдирувчи + тўлдирилмиш» типидаги қўшма терминлар (объектив муносабат). Бошқа типдаги муносабатларни эслатувчи қўшма бирликлар ҳам терминологик системаларда учраб туради, бироқ улар қўшма терминлар эмас, кўпроқ қўшма терминэлементлар (бирикма терминнинг аниқловчи қисми) ҳисобланади.

1. «Аниқловчи + аниқланмиш» муносабатини эслатувчи қўшма терминлар кўпинча икки ёки ундан ортиқ

от туркумидаги сўзларнинг ўзаро қўшилишидан ҳосил бўлиб, ихлит маъно билдириш учун хизмат қиласди. Қўшма терминларнинг бу тури терминологик системаларда кенг қўлланиб келмоқда. Айниқса, бу ҳолни техника терминологиясида яққол кузатиш мумкин. Чунки «фан, техника, ишлаб чиқариш ва инсон ижтимоий фаолиятидаги янги воқеа-ҳодисаларни аникроқ ва тўлароқ ифодалаш ва уларнинг энг муҳим белгиларини акс ўтириш зарурати жуда кўплаб қўшма сўзларни вужудга келтирди»¹. Масалан, техника соҳасида қўшма терминларнинг биринчи компоненти сифатида ишлатилувчи «қўл» сўзи иштирокида ўнилаб «қўлда бажариладиган», «қўлга мўлжалланган, қўл кучига асосланган» маъноларидағи қўшма сўз-терминлар юзага келган: қўлбоз, қўлкучи, қўлтегирмон, қўлчироқ, қўлуроқ, қўлларра, қўломбир². Бундай қўшма терминларнинг компонентлари ҳеч қандай қўшимчасиз бир-бирига қўшилган, яъни битишув муносабатига асосланган сўз бирикмасини эслатади ва бу усулда ясалган қўшма терминлар техник терминология талабларига тўла жавоб беради.

«Аниқловчи + аниқланмиш» типидаги қўшма терминларнинг биринчи компоненти математика соҳасида кўпинча саноқ сонлардан ифодаланади ва иккинчи компонентнинг микдорини билдиради: учбурчак, бешёқ, кўпҳад, тўртучлик каби. Бу типдаги терминларнинг биринчи компоненти техника ва аниқ фанлар терминологик системаларидан бошқа соҳаларда хилма-хил маъноларни ифодалаши мумкин. Масалан, ғаллачилик терминологиясида, умуман, биология терминосистемаларида муайян ўсимликнинг келиб чиқиши жойи биринчи компонент орқали ифодаланади: *маккажўхори* < Макка – шаҳар номи; *қўёнжўхори* < Қўкон – шаҳар номи; *амиркониоли* < Америка – қитъа номининг фонетик ўзгарган шакли; *суданқўноқ* < Судан – мамлакат номи³.

¹ Потиха З. А. Современное русское словообразование. – Москва, 1970. – С. 161–162.

² Бу ҳақда қаранг: Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент, 1977. – Б. 102–105.

³ Курбанов А. Термины зерновых культур и зернового хозяйства узбекского языка. АКД. – Ташкент, 1974. – С. 10.

Шунингдек, ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясида ҳам қўшма термин сифатида қараладиган бир қанча русча-байналмилал қўшма терминлар ҳамда уларнинг яримкалькалари (юқорида кўриб ўтганимиз гибрид терминлар) таркибидаги компонентлар муносабати ҳам умумий характерига кўра «аниқловчи + аниқланмиш» муносабатини англатувчи қўшма терминлар қаторига киради. Буларнинг ҳам биринчи компоненти иккинчи компонентни, худди ўзбек тили материалидан ҳосил қилинган қўшма сўз ва терминлардагидек, ҳар томонлама аниқлайди, иккичи компонентнинг характерини, қўлланишидаги мўлжалланганликни, ишлаш ва ишлатиш усулини, миқдорини аниқлайди.

«Аниқловчи + аниқланмиш» типидаги, I тип изофа асосида (яъни «от + от») ҳосил қилинган қўшма сўзларнинг биринчи қисми ҳослик, материал, ҳажм, ўлчам, миқдор, сифат каби маъноларни ифодалар экан, ушбу шакл (қолип) умуман терминология учун, айниқса, техникавий терминология учун жуда қулай ҳисобланади. Чунончи, бирикма терминларнинг аниқловчи қисми сифатида нисбий сифатлар яратишга имкон етмай қолиб, натижада термин тушунчани нотўғри, ноаниқ ифодалаган ўринларда мазкур тип асосида қўшма термин яратиш терминология соҳасидаги нуқсонлардан бирини бартараф этган бўлур эди. Ҳақиқатан ҳам, физик олимларимиз шундай йўл тутиб, ўзбек тили қонун-қоидаларига таянган ҳолда, «ўқувчида аниқ, бир қийматли тасаввурлар вужудга келтирувчи» қисқа ва маънони тўғри ифодаловчи *атомкема*, *бурчактезлик*, *тўлқинтенглама*, *магнитмайдон*, *квантсон*, *иссиқликсигим*, *ёргулуквектор* каби қўшма терминларни тавсия этмоқдалар¹. Албатта, юқоридагидек қўшма терминларнинг пайдо бўлишини терминнинг қисқа, талаффузи қулай ва маънони тўғри акс эттириш зарурлиги нуқтаи назаридан маъқуллаш керак. Бироқ бу усулда ясалган терминлар дарҳол тўла ҳукуқли қўшма терминга айлана олмайди, чунки сўз бирикмасининг соддалашуви натижасида қўшма терминга айланishi учун у анча муддат амалда қўлланиши ва маъқулланиши керак.

¹ Бекжонов Р., Аҳмаджонов О. Физикадан русча-ўзбекча қисқача лугат. – Тошкент, 1984. – Б. 10–12.

2. «Тұлдирувчи + тұлдиримиш» типидаги, яни тұлдирувчили сөз бирикмаларидан ясалған күшма терминдар ҳозирги ўзбек тилида сүнгги йилларда юзага келған янги типдаги күшма терминлардир: *бетонқоргич*, *газұтказгич*, *үгит-сепкіч*, *донюклагич*, *гүнгюклагич* каби. Мисоллардан күриниб турибдики, мазкур типдаги күшма терминларнинг пайдо бўлишида ҳам сўз бирикмалари катта роль ўйнайди: улар гўё тўлдирувчили сўз бирикмаларидан келишик кўшимчасини тушириб қолдириш йўли билан ҳамда кесим қисмининг -гич (-кич, -ғич, -қич) кўшимчасини олиши билан ясалади. Лекин бу фақат шаклий жиҳатдангина шундай туюлади. Аслида эса бундай күшма терминларнинг аксарияти тегишли уч элементли бирикма терминларнинг муайян маъновий ўзгаришлар билан эллипсистга учраши натижасида пайдо бўлади: *бетонқоргич* (аппарат), *арикқазгич* (машина), *ертекислагич* (машина). Кўриниб турибдики, бундай терминлар сўз бирикмаси таркибидаёк -ни кўшимчасига эга эмас, лекин -гич кўшимчасини олган. Баъзан уруг *сақланадиган хона*, *газ ўтказувчи най* сингари бирикмаларнинг ихчамлашуви натижасида янгидан күшма термин ясашда -гич аффиксидан фойдаланилади. Тушум келишиги кўшимчаси эса доим тасаввурда қолаверади: *арик(ни) қазгич*, *бетон(ни) қоргич*, *муз(ни) ёрап* каби.

Кўшма терминларнинг бу типи адабий тилда (яни кўшма сўз сифатида) нисбатан кам учрайди. Бироқ техника терминологиясида бу типдаги кўшма терминлар анча кенг тарқалган. Айниқса, «от + ўзак + -гич» моделидаги терминлар ўзининг қисқалиги, оҳангдорлиги, қўшилиб ёзилишга мойиллиги ва, энг асосийси, техникавий тушунчаларни тўғри ифодалай олиш имконияти билан кенг қўлланаётганлиги бежиз эмас. Пахтачилик, физика ва қишлоқ хўжалик техникасига оид кейинги йилларда нашр этилган терминологик лугатларда бундай кўшма терминларнинг миқдори борган сари ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Н. Маматов бу типдаги кўшма терминларнинг 500 дан ортиқ эканини билдиради¹.

Демак, кейинги йилларда миқдор жиҳатдан ўсиб бораётган мазкур типдаги кўшма терминлар ўзбек техника терминология-

¹ Маматов Н. Кўрсатилган асар. – Б. 184.

сини бойитувчи манбалардан бирига айланди. Бундай терминлар биринчи компонентда ифодаланган объект, предмет юзасидан муайян ҳаракатларни бажариш учун мўлжалланган мослама, қурол, механизм ва бошқа техника воситаларини ифодалайди: *сув ташигич, уруг ўтказгич, тупкўтаргич, контейнер ташигич, кесак эзгич, гўзапоя юлгич, сут ўлчагич* ва б.

Бу типдаги қўшма терминларнинг муайян тил фактига айланганлиги, ўта маҳсулдорлиги ва кенг қўлланиши натижасида бундай терминлардан анчалик «Ўзбек тилининг имло луғати»га (1976, 2013) киритилди, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» жилдларида, «Ўй-рўзгор энциклопедияси»да қўшма терминлар ҳосил қилишнинг асосий модели сифатида қабул қилинди. Бироқ ушбу типдаги терминларнинг имлоси ҳам юқоридагидай ҳали қатъийлашмаган: бундай терминлар гоҳ қўшиб, гоҳ ажратиб ёзилмоқда.

V. Қўшма терминлар имлоси ва уни тартибға келтириш хақида

Маълумки, ўзбек терминологияси амалиётида кўплаб камчиликлар, хато ва чалкашликлар бор. Айниқса, қўшма терминлар ва уларнинг имлоси масаласида келишмовчиликлар мавжуд. Бу, албатта, умумадабий тилда қўшма сўзларнинг имлоси тўлиқ ҳал этилмаганлигидандир. Қўшма терминлар соҳасидаги камчиликларнинг асосийси иккита: а) бир тушунчани турли хил варианtlар билан ифодалаш, яъни терминлар дублетлиги; б) бир типдаги қўшма терминларнинг хилма-хил ёзилиши. Оригинал ҳамда таржима асарларда учрайдиган фактлар фикримизни тасдиқлайди.

Масалан, рус тилидаги «огнестойкий – огнеупорный», «огнестойкость – огнеупорность» термин ва терминэлементлари ўзбек тилидаги луғат ва дарсликларда ҳам лексик, ҳам имловий варианtlарда ифодаланмоқда. Масалан, биргина «Ўзбек энциклопедияси» томларида оловга бардош берадиган (I–277), олов бардош (ўша ерда), ўтга чидами (II–196), оловбардош (VIII–27), оташбардош (XIV–49) шаклларини учратамиз. Бунга оловга бардошли, ўтга бардошли, оловга чидайдиган сингари дублетларни ҳам қўшсак, ягона бир терминэлемент билан ифода-

ланиши мумкин бўлган ифоданинг 8 хил кўринишда берилгани маълум бўлади. Русча «морозостойкий», «жароупорный», «коррозиестойкий» сингари термин ва терминэлементларни таржима қилишда ҳам юқоридагидек дублетликка йўл қўйилган.

Шунингдек, «полупроводник»: ярим ўтказгич – яримўтказгич – ҷала ўтказгич тарзида, «электрополировка»: электросилиқлаш – электролитик силлиқлаш – электрополировка тарзида, «заместитель»: ўринбосар – ўрин олувчи – ўриндош каби, диэтилцинк – диэтилрух, сиртфаол – юзафаол сингари юзлаб мисолларни келтириш мумкинки, бу тегишли муаллиф ва таржимонларнинг термин мазмуни ва унинг шакллантирилиши орасидаги мутаносибликка бепарво қараганлигидан бошқа нарса эмас.

Илмий терминологияда дублетлик жиддий нуқсон саналар экан, терминларни таржима қилиш ва уларни қўллаш жараёнида ҳар бир терминнинг мазмуни ва уни лисоний шакллантиришга конкрет ёндашиш, терминнинг ихчам ва оптималь вариантини танлаш зарур.

«Терминлар имлоси, – деб ёзган эди В. П. Даниленко, – стандартланувчи терминологияларни лисоний шакллантиришнинг муҳим томонидир»¹. Шунинг учун ҳам терминлар, айниқса, қўшма терминларнинг имлосига етарли эътибор бериш керак. Ҳолбуки, техник адабиётларда русча-байналмилал қўшма терминлар ҳамда уларнинг калькалари сифатида ўзбек тили материалларидан ясалган қўшма терминлар имлоси ниҳоят даражада чалкаштириб юборилган. Масалан, Р. Дониёров ўз вақтида бир туркум дарсликлар қатори С. Мажидовнинг 1970 йилда чиккан «Электр машиналари ва электрик юритмалар» номли дарслигини ҳам бир типдаги русча-байналмилал қўшма терминларни ифодалашда ноизчил йўл тутганини танқид қилган эди². Лекин мазкур китобнинг иккинчи нашрида ҳам (1979) танқид қилинган терминлар бирон-бир тузатишсиз қўлланаверган. Бу ҳолни Л. Жданов ва В. А. Маранжанларнинг «Физика курси, II қисм» дарслиги таржимасида ҳам, А. Ҳамидовнинг «Қишлоқ хўжалик

¹ Даниленко В. П. Лингвистические требования к стандартизируемой терминологии // Терминология и норма. – Москва, 1972. – С. 28.

² Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Б. 147.

техникасига оид луғат-справочник» (1981) китобида ҳам кўплаб учратамиз. Масалан, «Физика курси» таржимасидаги мисолларга эътибор беринг: *радиопередатчик* (341) – *радио передатчик* (331) – *радиоузаткич* (338) – *радио узаткич* (338); *электродвигатель* (123) – *электрик двигатель* (275) – *электродвигатель* (117); *ярим ўтказгичли* (82) – *яримўтказгичли* (305) ва бошқалар.

А. Ҳамидовнинг луғат-справочнигида ҳам тўлдирувчили бирикма типидаги қўшма терминлар имлосида бирхиллик йўқ: *тупкўтаргич* – *тош тергич* (185), *ариқазгич* – *ариқ тозалагич* (189), *пологич* (188) – *кунда суғургич* (237), *қамишургич* (188) – *пиёз саралагич* (257), *зовурқазгич* (187) – *ёнилги қуйгич*, *сарфўлчагич* (162) – *дон қуриткич* (176), *шалтоқсанкич* (169) – *дон юклагич* ва б.

Бунга ўхшаш мисолларни техникага оид кейинги йилларда нашр этилган исталган дарслик ёки қўлланмадан исталганча келтириш мумкин. Лекин юқоридагиларнинг ўзи ҳам қўшма сўз ва терминлар имлосининг ҳозирда қай ахволда эканини кўрсатиб турибди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, қўшма терминлар имлосида ги чалкашликларни минимумга келтириш нуқтаи назаридан айрим амалий таклифларни ўртага ташлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1. Кўшма терминларни қўллашда дублетликка йўл қўймаслик керак. Ҳар бир конкрет ҳолатга алоҳида эътибор бериб, терминлар дублетлигидан энг қисқа, оптималь ва тушунча мазмунини тўғри ифодаловчи вариантни танлаб олиб, қолганларини истеъмолдан чиқариш лозим.

2. Рус тилидан айнан ўзлаштирилган *электростанция*, *электродвигатель*, *автогидроподъёмник* типидаги қўшма терминларни, биринчи қисми *авто*, *гидро* сингари аналитик аниқловчилярдан иборат, шунингдек, байнамилал терминдан ифодаланган (*тетраэтилкўргошин*, *диэтилрух* каби) барча гибрид терминларни қўшиб ёзиш керак.

3. Муайян русча сифат шаклини ўзбек тилида ифодалаш имконияти бўлмаганлигидан ўзбек тилида бош келишикдаги икки отнинг қўшилишини, яъни I тип изофали бирикмаларни қўшма сўз (термин) деб ҳисоблаш, бинобарин, уларни қўшиб ёзиш зарур¹.

¹ Дониёрор Р. Кўрсатилган асар. – Б. 114.

4. Компонентлари объектив муносабатни ифодаловчи *донюклагич, бензинүлчагич, ўринбосар* сингари кўшма терминлар доимо кўшиб ёзилиши шарт. Бу, биринчидан, уларни кўшма терминлик ҳукуқини аниқ ифодалайди, иккинчидан, адабий тилдаги тегишли эркин феъл бирикмаларидан фарқини кўрсатиб туради.

5. Биринчи компоненти саноқ сонлардан (*ўниккибуручак, учхонали, учфазали*), ярим, чала, *қўши* (*яримўтказгич, чалаоксид, кўштаврли*) сингари сўзлардан ифодаланган, яхлит бир маънони ифодаловчи кўшма термин ва терминэлементлар кўшиб ёзилиши керак.

Албатта, бизнинг юқоридаги таклифларимиз тавсия тариқасида бўлиб, буларнинг терминологлар ва мутахассислар биргаликда ҳал этадиган жиҳатлари кўп. Ҳар ҳолда, кўшма терминнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ҳар вақт кўшиб ёзиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Мақола 1991 йилда ёзилган.

ЎЗБЕК КИМЁ ТЕРМИНОЛОГИЯСИННИНГ ИЛК РИВОЖЛАНИШ ДАВРИ ҲАҚИДА (XX асрнинг 20-йиллари)

Ўзбек тили терминологияси тараққиётидаги биринчи, дастлабки босқич 1920 – 1930 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда тил ва терминология масалалари бир-бирига зид фикрли турли гурухларнинг мунозара ва тортишувлари натижасида кескин мафкуравий кураш майдонига айланади. Бу мунозара ва тортишувлар¹ 1929 йил май ойида Самарқандда бўлиб ўтган тил-имло конференциясида асосан ҳал этилди. Конференция қарорларида ўзбек тили ва терминологиясининг бундан кейинги бойиш манбани иккита, яъни ўзбек тилининг ўз имкониятлари ва русча-байналмилад фонд деб кўрсатилди². 1934 йилда чакирилган I Республика имло ва терминология қуултойи эса ушбу конференция қарорларини янада мустаҳкамлади.

¹ Қаранг: Тил-имло масъалалари. – Самарқанд–Тошкент, 1929.

² Истилоҳ тўғрисида конференция қарори // «Маориф ва ўқитгучи», 1929. – 7-, 8-сон. – Б. 29.

Ўзбек илмий терминологиясининг шаклланиши ва ривожланишида Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги ҳузуридаги Тил ва терминология комитети (1929 – 1933), Ўзбекистон Марказий Ижрокоми қошидаги Марказий янги алифбо ва терминология комитети (1933 – 1938) ва айрим мутахассислар катта роль ўйнадилар.

Маълумки, Ўрта Осиё ҳудудида кимё фани ўрта асрларда ҳам анча тараққий қилган эди. Айниқса, Абу Бакр ар-Розий, Беруний, Ибн Сино яшаган даврларда кимёнинг тиббиёт, фармацевтика ва минералогия билан боғлиқ томонлари анчагина ривожланди. Бу даврларда бир қатор кимёвий элементлар ва бирикмалар аниқланган бўлиб, улар маҳсус номлар – терминларга эга бўлганлар. Бироқ ўша давр тақозоси билан олимлар араб, қисман форс тилларида ижод қилганликлари сабабли кимё терминлари асосан арабча ва форсча бўлган. Масалан, Ибн Сино ўз асрларида қўллаган *кибрит* (олтингугурт), *филизз* (металл, руда), *нушодир* (навшадил), *зирних* (маргимуш сульфид), *зожс/зок* (купорос), *тинкор* (танакор), *талқ* (тальк), *нухос* (мис), *натрун* (сода), *калий* (калий карбонат, поташ), *тўтийо* (галмей, рух карбонат), *иксир* (эликсир), *лазвард* (лазурь, ложувард), *арақ* (дистиллят), *бухор* (буғ), *зальфарон* (шафран), *тақтиир* (хайдаш, дистилляция), *ҳалл* (эритиш) каби юзлаб терминларнинг¹ айримлари ҳатто ҳозирги терминологияда баъзи маъновий ва фонетик ўзгаликлар билан қўлланиб келмоқда.

Демак, XX асрнинг 20-йилларигача ўзбек тилида кимё терминологияси бўлмаган, чунки бу даврдаги ўқув юргларида (мактаб ва мадрасаларда) кимё фани ўқитилмас эди. Шуни ҳам қайд этиш керакки, оммавий рус ўрта мактабларида ҳам кимё ўқув предмети сифатида фақат XX аср биринчи чорагидан пайдо бўлди².

¹ Ибн Сино қўллаган терминлар ҳақида қаранг: Садыков А. С. К вопросу о возникновении химии в Средней Азии // Материалы по истории отечественной химии. – М. – Л., 1950. – С. 180; Каримов У. И. К вопросу о взглядах Ибн Сины на химию // Труды Института востоковедения. Вып. 1. Ибн Сина. – Ташкент, 1957. – С. 41–45 (Араб ва лотин алифболарига асосланган ўзбек ёзувларида бўлган материаллар ва манбалар барча ўринларда нашр қулайлиги ва ҳамманинг ўқиши имконияти нуқтаи назаридан ҳозирги (кириллча) ёзувода берилди. Бунда ўша давр имлоси ва талаффузини мумкин қадар аникроқ ифодалашга ҳаракат қилинди).

² Парменов К. Я. Химия как учебный предмет в дореволюционной и советской школе. – Москва, 1963. – С. 210.

Айни даврларда очилган шўро мактаблари бутунлай янгича тамойиллар асосида бўлиб, ўқитишда ҳам янгича режа ва дастурлар талаб қилинар эди. Ўзбекистонда кимёдан дастлабки ўкув дастури 1918 йилда Туркистон ўлка Маориф комиссарлиги томонидан эълон қилинади¹. Етти йиллик таълимнинг биринчи босқичига мўлжалланган бу дастур ўзида кимёдан бошлангич маълумотларни акс эттиради.

Ушбу дастурда ҳамда унга илова қилинган йўриқномада кимё терминологиясининг ниҳоятда оқсоқ эканлиги кўриниб туради, чунки унда термин қўллашда бирон-бир тамойилга амал қилинмаган. Масалан, дастурнинг терминологик жиҳатдан айрим камчиликлари қўйидагилардан иборат:

1. Турли тилларга мансуб терминларни параллел қўллаш (лексик дублетлик): *ҳомиз* – *кислўта* (кислота), *муваллидилҳамуз* – *кисларӯд* (кислород), *окис* – *ачитқи* – *аччиғ* (оксид).
2. Арабча терминларга катта ўрин берилган.
3. Бир термин бир неча маънода қўлланган. Масалан: *ҳомиз фаҳм* термини ҳам карбонат кислота, ҳам карбонат ангидрид маъноларини англашган.
4. Айрим терминлар маънони тўғри англашмайди, масалан, *ширач* сўзи крахмал маъносида, акс *ҳаракат* бирикмаси эса реакция маъносида ишлатилган. Аслида, *ширач* сўзи ундан тайёрланган елим турини, акс *ҳаракат* эса тескари ишлаш маъносини ифодалайди.
5. Айрим русча бирикма терминлар таржимасиз, ўз ҳолиша қўлланган: *медни кислўта*, *йўдни кислўта* ва бошқалар. Бундай терминологик камчиликларига қарамай, дастурнинг ўша даврда таълим ишлари учун аҳамияти катта эди.

Дастур мавжуд бўлса-да, ҳали ўзбек тилида дарсликлар яратилмаган эди. 1922 йилда маҳаллий педагог ва олим Ҳусайнхон Ниёзийнинг «Ҳикмат ва кимё дарслиги» босилиб чиқди². Бу дарслик асосан физикадан бошлангич маълумот бериш билан чекланади, бироқ унда кимёга алоқадор терминлар ҳам қўлланган. Лекин буларнинг кўпин арабча терминлар эди: *мойиъ* (суюклик),

¹ Маориф, 1918. 3-сон. – Б. 67; 1919, 4-сон. – Б. 7, 8.

² Ҳусайнхон Ниёзий. Ҳикмат ва кимё дарслиги. – Тошкент, 1922.

имтизож (бирикма; бирикиш реакцияси), *махлут* (аралашма), *табаҳхур* (буғлаш, бугланиш), *тақтири* (ҳайдаш, дистиллаш), *тўтийо* (рух), *ҳомиз қлўрмоъ* (хлорид кислота), *кибрит ҳадид* (темир сульфид) ва бошқалар. Дарслик муаллифининг тан олишича, дарсликнинг камчиликларидан бири «... ўзбек тилининг ҳозирда илмий бўлмоғонлиғидур, чунки турмушимизда йўқ нарсаларнинг ва табиатдаги ўрганилмаган ҳодисаларнинг отлари ҳамон ўзбек тилида йўқ, бу атамаларни китобларимиз учун чет тиллардан муваққатий қилиб олишга мажбурмиз»¹.

Ҳ. Иноятий томонидан таржима килинган Е. Росконинг «Кимйо» китобчаси кимё бўйича рус тилидан қилинган дастлабки таржима эди². Китоб таржимаси ниҳоятда бўш чиққан, саводсизларча таҳрир этилган, терминлар маъноси бузилган, баъзан матн нотўғри таржима қилинган. Бу ҳол таржимон ва муҳаррирларнинг мутахассис эмасликларини, бунинг устига рус тилини яхши билмасликларини кўрсатади. Айрим фактларга эътибор қилинг:

1. Дарслик таржимасида кўзга яққол ташланиб турадиган камчиликлардан бири шуки, таржимон рус тилидаги якка ёки икки компонентли («азотнокислое серебро» типидаги) терминларни ўзбек тилида қандай ифодалашни билмаган. Натижада бундай терминлар ҳеч қандай ўзгаришсиз, транслитерация йўли билан ўзбек тилига кўчирилган ёки сунъий равишда калька (яримкалька) қилинган. Масалан, русча биргина *хлористоводородная кислота* термини таржимада *хлўристоводорўдной кислота*, *хлўристий муваллидуло ҳомзи*, *тузли ачитқи* каби ёки русча углекислий калий бирикмаси ўзбекчада углекисли кали, *кўмирли аччиғ кали*, *кўмир ҳомизланган кали* сингари ифодаланганки, улар терминга қўйиладиган бирорта талабга ҳам жавоб бера олмайди. Бундай терминлар қайтадан рус тилига таржима қилинадиган бўлса, тушунарсиз, ноаниқ ибораларга айланиб қолади. Чунончи, *кўмирли аччиғ кали* рус тилига ўгирилса, «угольный горький калий» каби бирикма келиб чиқадики, бу бирикма ҳатто русларнинг ўзига ҳам тушунарсиз бўлиб қолади.

¹ Хикмат ва кимё дарслиги, 2-бет.

² Роско Е. Кимё. 1-босма. – Тошкент, 1924. (Роско Е. Химия. 2-е изд. – Берлин, 1921)

Русча «сифат + от» типидаги бирикма терминларни ўзбек ти-лида ўзгаришсиз қўллашнинг айрим объектив сабаблари ҳақи-да проф. А. К. Боровков шундай ёзади: «Рус тилидан жуда кўп миқдорда «руссизмлар» ва «европеизмлар»ни ўзлаштириш фақат лексик элементларни ўзлаштиришдангина иборат бўлиб қолма-ди, балки «штамплар», сўзлар гурухлари, муассасалар, газета-ларнинг номлари ва шу кабилар ҳам ўзлаштирилган. От турку-мидаги сўзлар билан бирга сифатлар, айниқса, штамп ҳолатидаги сифатлар ҳам ўзлаштирилган эди»¹. Бундай штамп ҳолидаги би-рикмаларнинг пайдо бўлиши ўзбек тилица янгича сифат шаклла-рига бўлган эҳтиёжнинг ва мазкур шаклларнинг кўпинча оғзаки нутқ орқали кириб келишининг натижасидир².

2. Дарсликдаги айрим терминлар таржимаси ёки изоҳи нотўгри берилган. Масалан, русча *неметаллы, руда, осадок, перегнанная вода* сингари терминлар *чала маъданлар, кулча, ўтиргучи, томчилонгон сув* каби таржима қилинганки, булар русча терминларнинг маъносини мутлақо акс эттира олмайди ёки русча *реакция* термини *моддаларни қўшив амали* деб ифодаланган. Ҳолбуки, реакция фақат моддаларнинг бирикишини эмас, уларнинг ажралиши, бир-бири билан ўрин алмаштириши сингари жараёнларни ҳам ифодалайди.

3. Баъзи қийин туюлган терминлар ва жумлалар ўзбекчага тар-жима қилинмаган.

4. Айрим русча терминларнинг ўзбек тилица эквивалентлари бўла туриб, улар таржимада ўзгаришсиз қолдирилган. Масалан, таржимада қўлланган *олово* ва *ишолуч* терминларига ўзбекча *қа-лайи* ва *ишқор* сўзлари мос келади, бу ҳатто ўша давр луғатла-рида ҳам ўз аксини топган³. Шунга қарамай, мазкур терминлар таржимасиз қўлланган.

5. Баъзи ҳолларда жумлалар нотўгри таржима қилинган: *графит состоит из чистого углерода* жумласи *графит тоза муваллид*улхумузадан иборатdir тарзида таржима қилинган. *Мувалли-д*улхумуза углерод эмас, балки кислороддир.

¹ Боровков А. К. Узбекский литературный язык в период 1905 – 1917 гг. – Ташкент, 1940. – С. 39.

² Боровков А. К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит // «Из-вестия Узбекистанского филиала АН СССР», 1940. № 7. – С. 28.

³ Мукаммал русча-ўзбекча луғат. – Самарқанд. 1927. – Б. 10.

Кўриниб турибдики, бу дарслик таржима жараёнида деярли яроқсиз бўлиб қолган. Таржимадаги хато ва камчиликлардан шу нарса сезиладики, ўша даврда кимё терминологияси билан жиддий шуғулланилмаган. Бу даврдаги кимё ўқитувчилари ҳам ўзлари етарли тайёргарликка эга бўлмаганликлари туфайли амалдаги терминологияга танқидий ёндаша олмаганлар.

Термин қўллашдаги бундай чалкашликларни ва ўзбек тилида барқарор кимё дарсликлари йўклигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги қошидаги Илмий марказ физика мутахассиси Ҳусайнхон Ниёзий ва Зиё Мужовирларга мукаммал кимё дарслиги яратишни таклиф этади. Бу ерда шуни қайд этиш керакки, Ҳ. Ниёзийнинг илмий-педагогик фаолияти мисолида ўзбек кимё терминологиясининг арабчилик давридан байналмиллаллашув давригача бўлган (1920–1938 йиллар) мураккаб ривожланиш йўлини кузатиш мумкин. Шу билан бирга, Ҳ. Ниёзий ўзбек физика терминологиясининг ҳам яратувчиларидан бири бўлган.

Шундай қилиб, ўзбек тилида умумий кимёдан биринчи марта мукаммалроқ дарслик яратилди¹. Муаллифлар дарсликни яратишда русча, инглизча ва туркча энг сўнгги кимё дарсликларидан фойдаланганлар. Китобда қўлланган терминология ҳақида Ҳ. Ниёзий шундай ёзади: «Ишланмаган тилимиздан атамалар тузиш, дарс ва бобларни тартибга солиш машаққати тамом менинг устимда бўлди. Атамалар тўғрисида бу кунга қадар туркий тилларда нашр этилган кимё дарсликларидан кўпда узоклашмаслик кўзда тутилди. Тутилган йўл шундок бўлса ҳам, жонли ва ихотали бўлмоқ шарти ила баъзи бир атамалар ясалди»².

Ҳусайнхон бу ерда бир-бирига зид келадиган икки фикрни илгари суради: а) термин қўллашда бошқа туркий тиллар билан яқинлик; б) бошқалардан ажralиб туриш ва жонли тилга яқин бўлиш максадида ўз тилимиздан янги терминлар яратиш. Айтилган ҳар икки фикр ҳам дарсликда қисман амалга оширилган. Чунки айрим туркий тиллар терминологияларида бу даврда арабча, форсча терминлар миқдорини камайтириш хи-

¹ Ҳусайнхон Ниёзий, Зиё Мужовир. Кимё дарслиги. – Тошкент, 1926.

² Кимё дарслиги, 3-бет.

собига кўплаб русча-байналмилал ва миллий тил асосида яратилган терминлар қўллана бошлаган эди. Ҳолбуки, бу жараён ўзбек кимё терминологиясида эндиғина бошлангани ва унда арабча, форсча терминларнинг салмоғи катта эканлигини дарслик сахифаларидан билиш мумкин. Масалан, мазкур дарсликда қўлланган ҳомиз (кислота), ҳумз (оксид), имтизоғс (бирикма), муъййана (анализ), табхир (буғланиш), мойин муқаттар (дистилланган сув), таъомул (реакция), муваллидулмөв (водород), муваллидулҳамуз (кислород), дустур (формула) сингари арабча терминлар озарбайжон тилида аллақачон туршу, оксид, бирлашидирма, анализ, дистила эдилмиши су, реаксийон, ҳидроҗсен, оксижен, формул каби миллий ёки байналмилал шаклларда қўллана бошлаган эди¹.

Дарсликда ҳатто русча-байналмилал терминларга арабча аффикслар қўшиб, техникавий, қорбунийат (карбонат), озутийат (нитрат), бурийат (борат) тарзида ҳам қўлланганки, бу ҳолат айрим тадқиқотларда «ўша давр тилига хос хусусиятлардан бири» сифатида кўрсатилади².

Арабча терминларни кўплаб қўллаш билан бирга ўзбек тилининг ўз материаллари асосида яратилган янги терминлар (неологизмлар) ҳам дарсликка киритилган. Масалан, эритма, терплатма сув (дистилланган сув), чўкма, тарқалма (диффузия), солишидирма оғирлик, совутқич, қайтарғучи, туз тугдирувчи (галоген), сувтугдиргич (водород), сувсиз (ангидрид), шаклсиз (аморф), айрилиши (ажралиш, парчаланиш), қўшимоқ туз (қўшалоқ туз), қизил иссиқлик (қизил рангда чўғланиш) ва бошқалар.

Ўзбек тили материаллари асосида яратилган бундай терминларнинг баъзилари кейинчалик, мунтазам қўлланиши туфайли, терминологияда мустаҳкам ўрнашиб қолди, баъзилари эса маъновий ва лингвистик жиҳатдан талабга жавоб бермаганлигидан истеъмолдан тушиб, ҳозир уларнинг ўрнида асосан русча-байналмилал терминлар қўлланмокда.

Арабча терминларнинг қўлланиши, кислота, туз ва оксидларнинг номланишида уйғунликнинг йўқлиги сингари айрим кам-

¹ Кимия истилаҳлари (Русча-озарбайжонча кимё терминлари лугати). – Боку, 1927.

² Каримов Г. Некоторые вопросы развития узбекского литературного языка 20 – 30-х годов. АКД. – Ташкент, 1972. – С. 15.

чиликлариға қарамай, ушбу дарслик факат кимё ўқитишидагина эмас, балки ўзбек кимё терминологияси тараққиётида ҳам муҳим бир босқич бўлди.

1929 йилда П. П. Лебедевнинг «Кимё» дарслиги Ҳусайнхон Ниёзий таржимасида босилиб чиқади ва бу дарслик рус тилидаги барқарор кимё дарсликларини таржима қилиш даврини бошлаб берди. Дарслик эркин таржима қилингани, айрим материаллар билан тўлдирилганлиги учун Ҳусайнхон номи билан нашр қилинади¹. Бу китобдаги термин қўллаш тамойиллари, асосан, 1929 йилдаги Тил-имло конференциясининг терминлар хақидаги қарорига, яъни терминологияни бундан кейинги бойитиш она тилининг ички имкониятлари ҳамда байналмилал терминлар хисобига бўлмоғи керак, деган қарорига асосланган. Таржимада аввалги дарсликлардаги айрим нуқсонлар (арабча терминларнинг қўлланиши, сунъий терминлар яратиш) қисман сақланган. Бироқ унда оксиген, ҳидроген, натрий, калий, галоген, ангидрид, тсиан, испирт, селитра, сулфат, нитрат, силикат, крахмал, элемент, формула, металлоид, диссомсиатсийа, кристаллизатсийа, эластиклик, филтираш, кинетик, техникавий сингари байналмилал ва ўзбек тили материаллари асосида яратилган қўплаб терминларнинг қўлланиши ўзбек кимё терминологияси тараққиётида янги давр бошланганини кўрсатади.

Ўзбек кимё терминологиясининг бундан кейинги ривожи ва барқарорлашуви профессор Саттор Жаббор, Зарифа Сайдносирова ва бошқа олим-педагогларнинг фаолияти билан боғлиқ. Лекин уларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш ушбу мақола доирасига кирмаслиги сабабли бу ерда улар ҳақида тўхталиб ўтирадик.

Хулоса қилиб айтганда, XX асрнинг 20-йиллари ўзбек кимё терминологиясининг шаклланиши ва ривожланишида биринчи, муҳим босқич ҳисобланади.

Мақола 1983 йилда ёзилган.

¹ Ҳусайнхон. Кимиё. – Тошкент – Самарқанд. 1929.

КИМЁГА ОИД БАЪЗИ АТАМАЛАР ҲАҚИДА

Ҳар бир халқ тилида атамаларнинг аниқ ва ихчам бўлиши та-лаб этилади. Шу билан бирга, атамалар тизимида миллийлик ва байналмилаллик бир-бирини кескин рад этмаган уйғун ҳолда мавжуд бўлиши ҳам ижобий ҳодиса саналади.

Ўрта Осиёда минг йиллар муқаддам юксак даражада ривож топган фан соҳаларидан бири кимё бўлиб, у ўша даврлардаёқ маҳсус атамалар билан иш кўрган. Бу атамалар ўша замон анъа-наларига кўра араб, форс ва туркий тилларига мансуб сўз ва сўз қисмларидан таркиб топган ҳамда кенг илм аҳлига, қисман ом-мага ҳам тушунарли бўлган. Айрим кимё атамалари жузъий то-вуш ўзгаришлари билан ҳозирги кунларгача тилимида сақланиб келаётган бўлса, баъзилари Яқин ва Ўрта Шарқда ривожланган табобат, кимё, илми нужум, ҳикмат, риёзиёт сингари фанларнинг Ғарб олимлари томонидан атрофлича ўрганилиши натижасида Европа тилларига мослашиб ўзлашган ва рус тили орқали яна Ўрта Осиё халқлари тилларига, жумладан, ўзбек тилига кириб келган.

Ана шундай атамалардан бири мазкур фаннинг, табиатшунос-лик соҳаларидан бирининг номини англатувчи *кимё* ҳамда унинг Европа мамлакатларини айланиб, «янги либос»да қайтиб келган эгизи – *химия* атамаларидир. *Кимё* – *химия* сўзларининг келиб чиқиши, қайси тилга мансублиги ҳақида бир қанча фаразлар мав-жуд. Ҳар ҳолда, мазкур икки сўз ҳам дастлабки келиб чиқиши жиҳатидан бир тилга мансубдир. Бу «эгизак» сўзлар вақт ўтиши билан бир тилда (ўзбек тилида) турлича талаффуз билан учраш-дилар. Уларнинг биринчиси – *кимё* Абу Бакр Розий ва Ибн Сино-лар давридан то XX асрнинг 50-йилларигача ҳам илмий атама, ҳам адабий тил бойлиги сифатида халқимизга таниш ва тушунар-ли бўлиб келгани ҳолда, кейинги даврда (40-йиллар охирлари ва 50-йилларнинг бошида) тил бойлигимизга, лисоний анъаналари-мизга бефарқ қаровчи ёки уларни тушунмовчи айрим зиёлилари-мизнинг қўпол хатоси туфайли *химия* шакли билан алмаштирил-ди. Гўё бу билан биз қолоқ ўрта аср кимёсидан замонавий химия даврига қадам қўйган бўлдик. Натижада *кимё*, *кимёвий*, *кимёгар*,

кимёлаштириши, кимё саноати каби ўнлаб содда ва биринча атамалар химия сўзи иштирокидаги атамалар билан ўзгартирилди. Шунингдек, рус кимё атамаларига мослаштиришга аҳамият кучайиб, асрлар давомида тилимизда кўлланиб келган *сурма, маргимуш, танакор, қатрон, новшадил, кофур, билур* сингари кимёвий элемент ва моддаларнинг номлари русча шаклдаги *сурма, мишияк, бура, смола, нашатирь, камфора, хрусталь* атамалари билан алмаштирилди. Ҳолбуки, *сурма* сўзи машхур шоирларимиз Муқимий ва Фурқат ғазалларида ъ (юштиши) белгиси билан ёзилмаган-ку. *Мишияк* сўзини эса руслар айни маънодаги («сичқон ўлдирувчи») форсча *маргимуш* сўзидан нусха олиб ясаналар.

Юқоридагидек алмаштиришлар факат анъанавий атамаларга нисбатан бўлмай, балки 50-йилларгача ўзбек кимё атамалари доирасига сингиб, унда фаол кўлланаётган бир қатор халқаро атамаларга ҳам кўлланиб, улар русча муқобиллари билан алмаштирилди. Натижада атамалар мунтазамлиги бузилди. Масалан, *гидроген* атамаси *водород* атамасига алмаштирилди. Аслида, ўзбек ўкувчиси учун ҳар иккала атама ҳам барibir, ҳар иккаласи ҳам дастлабки маъно билдириш жиҳатидан «сув ҳосил қилувчи унсур» деган мазмундадир. Бироқ кимё атамалари доирасида *гидроген* ўзининг бир қанча муносабатдошларига (*гидразин, гидратлар, гидратланиши, гидридлар, гидрогенланиши, гидросульфид, гидроксил, гидролиз ва бошқалар*) эга. *Водород* сўзининг эса бундай сўз ясаш хусусияти йўқ. Қолаверса, ўзининг байналмиллиги билан *гидроген* атамаси собиқ иттифоқдан ташқарида-ги деярли барча мамлакатлар олимлари билан илмий муносабатларда тушунарлидир. *Оксиген, карбон, нитроген, силиций, арсен* сингари ўзбекча кимё адабиётларида аввалдан кўлланишда бўлган бир қатор байналмилал атамалар хусусида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. Демак, ўзбек кимё атамалари тизими ўтган асрнинг 50-йиллари бошланишида кимларнингдир хатоси билан ҳам баъзи миллий анъанавий атамалардан, ҳам бир қатор байналмилал атамалардан маҳрум этилди, ундаги миллийлик ва байналмилаллик уйғунлиги бузилди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган, бу ҳақдаги қонунни амалга оширишга киришилган шу кунларда фан соҳаласи

рида атамаларни қўллашда бир пайтлар йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўрганиб, умуман, илмий атамаларимизни қайта қўриб чиқиб, уларни давр талабига, қонун талабига уйғунлаштириб, тартибга солиш энг зарурий вазифалардан биридир. Бунинг учун атамаларни тўғри қўллашни тартибга солувчи давлат идораси бўлиши керак. Бир пайтлар бундай давлат идораси мавжуд эди. XX асрнинг 30-йилларида иш кўрган Ўзбекистон Шўролар Жумҳурияти Халқ Маориф Комиссарлиги қошидаги Тил-термин давлат қўмитаси (кейинчалик Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиуми қошидаги Янги алифбе ва терминология марказий комитети) анча-мунча ижобий ишларни амалга оширган эди. Рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосига ўтишга тайёргарлик кучайгач, мазкур идора ўз ишини бажариб бўлди деган баҳона билан у 1937 йил охирларида тутатилди. Шундан кейин атамачилик ишлари бошқарувсиз қолди, шу иш учун жон куйдирган айрим кишиларнинг фаолияти орқалигина бу соҳа яшаб келмоқда. Ҳатто зўр уринишлар билан 1984 йил ўрталарида ташкил топган Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми ҳузуридаги Республика муассасалараро терминология комиссияси ҳам бу ишда сезиларли туртки бўла олмади. Чунки бу комиссиянинг ҳуқуқлари ниҳоятда чекланган бўлиб, унинг кўрсатма ва фармойишлари фақат Ўзбекистон Фанлар академияси муассасалари доирасидагина амал қилиши мумкин эди, холос. Шунинг учун бундай идора ҳукумат қошида – Ўзбекистон Министрлар Кенгаши қошида ташкил этилмоғи мақсадга мувофиқдир. Бизнингча, уни **Имло ва атамашунослик давлат комитети** деб аташ лозим.

Куйида биз кимё фанидаги айрим атамаларни тўғри қўллаш юзасидан баъзи таклиф ва тавсияларимизни келтирамиз. Бунда миллий анъанавий атамалардан тўғри фойдаланиш, байнамилалликни таъминлаш ҳамда атама ҳосил қилишда мунтазамликка эришиш каби талаблар эътиборга олинган. Албатта, бу таклиф ва тавсиялар жамоатчилик, айниқса, мазкур соҳа мутахассислари ҳукмига ҳавола. Улар ўз фикларини айтарлар деган умиддамиз (биринчи устунда ҳозир қўлланишда бўлган, иккинчи устунда эса қўлланиши таклиф этилаётган атамалар келтирилган):

химия – кимё
химиявий – кимёвий
химиялаштириш – кимёлаштириш
химик – кимёгар
водород – гидроген
кислород – оксиген
углерод – карбон
кремний – силиций, силис
сурьма – сурма
мишьяк – маргимуш
бура – танакор
камфора – кофур
нашатир – новшадил
лазурь – ложувард
смола – қатрон
порошок – кукун
структура – тузилиш
гранулаланган – донадор
циклик – ҳалқали, ҳалқавий
полярланиш – қутбланиш
полярлик – кутбийлик
поляр – кутбий
полярланган – қутбланган
клетчатка – целлюлоза
мочевина – карбамид
углеводлар – карбонсувлар

Мақола 1989 йилда ёзилган.

ЎЗБЕК КИМЁ ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА ДУБЛЕТЛИК ВА УНИ МИНИМУМГА КЕЛТИРИШ МАСАЛАСИ

Узоқ тарихий давр мобайнида шаклланган ва ишлаб чиқаришга бевосита алоқадор бўлган фанлар турли дублет терминларга бойдир. Ушбу ҳолат муайян фанларнинг тўхтовсиз ривожланиши, янги-янги тушунчаларнинг, бинобарин, янги терминларнинг пайдо бўлиши

маҳсулидир. Бироқ илмий услубда, фанда терминларнинг аниклигига эҳтиёж кучли бўлгани сабабли. терминлар дублетлигидан қочиш учун табиий интилиш сезилиб туради. Шунга кўра, терминологияга бағишланган барча адабиётларда дублетлик илмий-техникавий терминологиянинг жиддий нуқсони деб кўрсатилади¹.

Аксар илмий адабиётларда дублетлик, бошқача қилиб айтганда, абсолют синонимия терминологик системаларнинг дастлабки ривожланиш босқичига хос белги сифатида кўрсатилади. Масалан, рус терминологияси тарихи билан маҳсус шуғулланган Л. Л. Кутина шундай деб ёзади: «Илмий терминология соҳасида кенг тарқалган синонимия ҳодисаси терминологик системалар амал қилишининг ilk даври, уларнинг шаклланиш даври учун характерлидир»². Бироқ дублетлик фақат терминологик системаларнинг дастлабки ривожланиш босқичигагина хос бўлиб, ҳозирда бу ҳолат терминологияда йўқ экан деб ўйламаслик керак. Терминологик системалар янги-янги терминлар билан бойиб борар экан ёки янги терминологик системалар вужудга келар экан, дублетлик анъана сифатида ҳамон сақланиб келмоқда. Айниқса, дублетлик туркий халқлар миллий терминологик системаларида яққол кўзга ташланади.

Куйида биз ана шу ҳолатни, яъни терминологиядаги дублетликни ўзбек кимё терминологияси мисолида кўриб чиқамиз. Ўзбек кимё терминологиясида дублетларнинг пайдо бўлиши бир қатор сабаблар билан, биринчи навбатда, мазкур илм соҳасининг шаклланиш хусусиятлари билан боғлиқdir.

Маълумки, кимё фани Ўрта Осиё ҳудудида қадим вақтларда ёқ ривожланган. Бу, айниқса, Беруний, Ибн Сино яшаган даврдан яққол сезилади. Бироқ бу даврдаги кимё терминлари араб ва форс тилларига асосланган эди. Шу билан бирга, кейинги даврларда, яъни эски ўзбек тили муайян миллат тили сифатида араб тили таъсиридан чиққан пайтларда ҳам кимё фани билан жиддий

¹ Лотте Д. С. Основы построения научно-технической терминологии. – Москва, 1961. – С. 7; Коршунов И. С. Синонимы в научно-технической терминологии // Изв. АН СССР, ОТИ, 1952, № 10. – С. 1520; Как работать над терминологией. Основы и методы. – Москва, 1968. – С. 9.

² Кутина Л. Л. Формирование языка русской науки. – Москва–Ленинград, 1962. – С. 194.

шуғулланилмаган, бинобарин, ўзбек тилида XX асргача кимё терминологияси бўлмаган.

Ўзбекистон худудида кимёни фан сифатида ўқитиш, кимё фани билан жиддий шуғуланиш ўтган асрнинг 20-йилларида гина бошланди. Бироқ кимё фанини ўзбек тилида ўқитиш учун, юқорида айтганимиздек, тайёр, тартиблашган терминология йўқ эди. Дарслик ва қўлланмаларнинг бевосита рус тилидан таржима қилиниши натижасида рус кимё терминологиясидан қўплаб терминлар ўзбек тилига ўзгаришсиз кириб келди. Шунингдек, араб тилига асосланган кимё терминологиясидан ҳам фойдаланилган ва, ниҳоят, ана шу икки тил материалларини калькалаш, уларга ўзбек тилида эквивалент терминлар яратишга интилиш ҳам кузатилади. Буларнинг ҳаммаси терминологиянинг асосий нуқсонларидан бири – дублетликни келтириб чиқардики, бу ҳол фанни ўқитишида ва терминологияни тартиблаштиришдаги асосий қийинчиликлардан ҳисобланади. Калькалаш, умуман, рус тилидан терминлар ўзлаштириш жараёнида рус кимё терминологиясига гина хос бўлган дублетлар ҳам ўзбек тилига кириб қолган. Натижада ўзбек кимё терминологиясининг дастлабки ривожланиш босқичида айни бир кимёвий тушунча учун икки-уч термин, агар унинг фонетик вариантларини ҳам (сингармонистик ёзув муносабати билан) ҳисобга олсак, ундан ҳам ортиқ термин мавжуд бўлган. Масалан, ўтган асрнинг 20- ва 30-йилларида ҳозирги *водород* термини *муваллидулмо* – *сувтуғдиргич* – *сувчил* – *водород* – *ҳидроген* // *гидроген* атамалари билан юритилган. Ёки *кислота* ўрнида *ҳом(и)з* – *кислата* // *кислота* – *ачитқи* // *ачилиқ* – *тезоб* терминлари қўлланган.

Йиллар ўтиши билан ўзбек кимё терминологияси ривожланиб, силлиқлашиб, мавжуд терминологик дублетлар йўқола борди ёки минимум ҳолга келди. Бироқ фан ривожланган сари, янги тушунчалар пайдо бўлди, аввалдан мавжуд бўлган тушунчалар ҳақидағи фикрлар ўзгарди; бу нарса, ўз навбатида, тилда янги терминлар пайдо бўлишини тақозо этди. Шунга ўхшаш сабабларга кўра, ўзбек кимё терминологиясида ҳамон дублет терминлар қўлланниб келмоқда.

Ҳозирги ўзбек кимё терминологиясидаги дублетлар, асан, лексик ва грамматик дублетлардан иборат бўлиб (фонетик

дублетлар ёки варианлар ўзбек илмий терминологиясининг дастлабки ривожланиш даврига хос бўлиб, ҳозир жуда кам учрайди: *иод* – *йод*, *иатрокимё* – *ятрокимё* сингари варианлардан бирини мейёр сифатида танлаб олиш қийин эмас), улар турли хил объектив ва субъектив сабабларга кўра юзага келган. Бундай сабабларга куйидагиларни кўрсатиш мумкин:


1. Кимё терминологиясида бир неча номенклатура системаларининг қўлланиши. Бу нарса асосан органик ва қисман анорганик кимёга тааллуклидир. Узоқ йиллар давомида кимёгарлар органик ва анорганик бирикмаларни уларнинг тасодифий белгилари асосида номлаб келганлар. Бунда кўпинча бирикма ёки моддага қўйилган ном шу модданинг табиий олиниш манбаига, олиниш усулига, ранги ёки ҳидига, шунингдек, олинган жойнинг, уни қашф этган шахснинг номига асосланган. Масалан, олма кислотаси (яблочная кислота), қўргошин шакари (свинцовый сахар), Париж яшили (парижская зелень), қалдироқ кислота (гремучая кислота), борнеол, ёғоч спирти (древесный спирт) ва ҳоказо. Моддаларнинг бундай номланиши тарихий (тривиал) номенклатура дейилади. Бироқ XIX аср бошларида ўрганилган органик моддалар сони ниҳоятда кўпайиб, уларни номлаш ҳам мураккаб масалага айланди. Натижада рационал номенклатура вужудга келди. Ушбу номенклатура системаси моддаларни номлашни анча-мунча қулайлаштирган бўлса-да, тўхтовсиз ўсиб бораётган органик кимё эҳтиёжларини қондира олмади. Бу талабни қондирувчи номенклатура Женева номенклатурасидир. Женева номенклатураси, бошқача айтганда, систематик номенклатура кимёгарларнинг 1892 йилда Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кенгашида қабул қилинган. Бу номенклатура халқаро характерга эга бўлиб, 1957 йилда Парижда қайта ишлаб чиқилган ва унга ўзгартишлар киритилган¹.

Лекин шуни айтиш керакки, янги номенклатура қабул қилинган бўлса-да, амалда бўлган тривиал номлардан воз кечилгани йўқ. Органик кимё ҳозирги кунда уч турли, яъни тривиал, рационал ва систематик (халқаро) номенклатуралар билан иш кўриб

¹ Терентьев А. П., Кост А. П., Цукерман А. М., Потапов В. М. Номенклатура органических соединений. – Москва, 1955. – С. 9–23; Содиқов О. С. Йўлдошев О. И., Султонов Қ. С. Органик кимё. – Тошкент, 1971. – С. 28–30.

келмоқда. Демак, биргина кимёвий бирикманииг ўзи икки ёки уч хил номга эга. Органик кимё номенклатураси рус тилида қандай бўлса, ўзбек тилига ҳам шундайлигича қабул қилинган.

Масалан,



тузилишига эга икки атомли спирт рационал номенклатура бўйича «пропиленгликоль» деб, систематик номенклатура бўйича эса «пропандиоль» деб аталади. Ёки дигалогенли тўйинган карбонводородларнинг дастлабки вакили рационал номенклатурада «метилен хлорид» (CH_2Cl_2) дейилса, систематик номенклатурада «дихлорметан» деб номланади.

2. Ўзбек тилида мавжуд бўлган терминлар¹ билан ўзлашма ёки халқаро терминнинг параллел қўлланиши. Дублетликнинг бу кўриниши кўпроқ кимёга оид адабиётни таржима қилиш натижасида юзага келди. Масалан: *кимё – химия, тузилиши – структура, маъдан – минерал, танакор – бура, ўрта – нормал, олтингурут* (кислотаси) – *сульфат* (кислота) ва бошқалар.

3. Моддалар ёки бирикмаларнинг кимёвий (илмий), техникавий ёки турмушдаги номларининг параллел қўлланиши. Ўзбек кимё терминологиясидаги дублет терминларнинг кўпичи шунинг натижасида юзага келган. Масалан, *натрий бикарбонат* (NaHCO_3) нинг яна бир илмий номи *натрий гидрокарбонат* билан бир қаторда унинг техникавий номи *чой содаси* ҳам илмий адабиётларда қўлланади. Шунингдек, кимёдаги илмий номлар: *калий карбонат, натрий хлорид, аммоний хлорид, магний сульфат, натрий тетраборат, кальций оксид* кабилар техникада «поташ», «ош тузи», «новшадил», «инглиз тузи», «танакор» // «бура», «сўндирилган оҳак» тарзида номланган. Бироқ кимё адабиётида улар баб-баравар ишлатилиб келмоқда.

4. Муайян кимёвий терминни ифодаловчи бир неча ўзлашма терминнинг параллел қўлланиши. Масалан, байналмилал *карбон, карбамид, целялюз* терминлари билан бир қаторда улар-

¹ Бу ерда ўзбекча терминлар деганимиз маълум маънода шартлидир, чунки ўзбек тилида ўзлашган, аввалдан ишлатилиб келаётган арабча ва форсча сўзлар ҳам бор.

нинг русча углерод, мочевина, клетчатка каби дублетлари ҳам ўзбек тилига қабул қилинган ва қўлланиб келмоқда.

5. Муайян терминнинг ўзини ва унинг тўлиқ ёки қисман ҳарфий қисқартмасини баравар қўллаш. Масалан, *аденозинтрифосфат кислота* – АТФ кислота, динитрофенол – ДНФ, карбоксиметил-целлюлоза – КМ-целлюлоза, альфанурлар – а-нурлар, бета-емириши – β -емириши кабилар. Шунингдек, биологик кимё, агрономик кимё, азогурухли бирикмалар, спирт лампаси сингари тўлиқ терминларни айрим терминэлементларнинг қисқариши хисобига биокимё, агрокимё, азобирикмалар, спиртовка сингари шакллар ҳосил қилиши ҳам дублет терминларни вужудга келтиради.

6. Муайян кимёвий элемент ёки бирикманинг номи билан ёнма-ён унинг символик ифодасини қўллаш. Масалан, *алиюминий* (*Aluminium*)нинг символи *Al*, *нитрат кислота* терминининг символи *HNO₃* деярли барча ҳолларда бир-бирларини алмаштириб кела оладилар.

7. Лугатларда, баъзан дарслкларда муайян элемент ёки модданинг аввалги, ҳозир истеъмолда бўлмаган номи билан амалдаги терминни ёнма-ён қўллаш. Масалан: *симоб* – меркурий, *эйнштейний* – афиний, *технеций* – мазурий, *тўйинган* – чекланган (эритма) дублетларидағи биринчи келтирилган терминлар амалдаги, иккинчилари эса истеъмолдан чиққан терминлар ҳисобланади.

8. Кимёвий бирикмаларни формуляр ва валент тамойиллар асосида номлаш ва ёзиш натижасида юзага келган дублет терминлар. Масалан: *Na₂S* таркибли бирикма формуляр тамойил бўйича *динатрий сульфиид* деб номланса, валент тамойили бўйича *натрий сульфиид* дейилади. Ёки валент тамойилига кўра *алиюминий сульфат* номига эга бўлган бирикма формуляр тамойилда *диалиюминий трисульфат* деган номга эга.

9. Префикс ва суффикслар ҳамда шу характердаги терминэлементларни (уларнинг қайси тилга мансублигидан қатъи назар) аралаш қўллаш натижасида юзага келган дублетлар. Бу ҳолат муаллиф ва таржимонларнинг термин қўллашдаги субъектив мулоҳазаларига ҳам боғлик. Масалан, русча *неэлектролиты* термини З. Сайдносированинг «Анорганик химия» асарида элек-

тролитмаслар, таржимада (Хомченко) эса *ноэлектролитлар* деб берилган. Шунингдек, *полярмас* // *қутбсиз* // *қутбланмаган*, *қутбли* // *қутбланган* // *қутбий*, *ион* // *ионий* (боғланиш), *атомли* // *атомий* (боғланиш), *нишонли* // *нишонланган* (атом), *кислотавий* // *кислотали* (оксид), *гидратация* // *гидратланиш*, *моляризация* // *молярланиш* каби морфологияи дублетлар ҳам юқоридаги сабаб асосида пайдо бўлган.

10. Модданинг (анорганик кимёда) илмий номи билан унинг бирор характерли томонини акс эттирувчи тривиал номини параллел қўллаш. Масалан, N_2O нинг илмий номи *азот(I)-оксид* нерв системасига қўзғатувчи таъсир этгани туфайли *кулдирувчи газ* («Лугат»да: *хурсанд құлувчи газ*) деб аталган. Ёки илмий тилда *калий феррицианид* деб номланган бирикма ўз рангига кўра қизил қон тузи деб ҳам юритилади.

11. Кўшма терминлар имлоси яхши шаклланмаганлиги туфайли, уларнинг хилма-хил имловий вариантлари (бу ҳам маълум маънода дублетлик) юзага келади. Масалан: *электрманфийлик* // *электроманфийлик* // *электр манфийлик*, *гидрокситуз* // *гидрокси туз*, *ортосиликат* // *ортосиликат*, *кремнийорганик* // *кремний-органик* // *кремний органик* (бирикма), *тетраэтилқўргошин* // *тетраэтил қўргошин* // *тетраэтил-қўргошин*, *қўшибоз* // *қўшибоз* каби.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кимё терминологиясида дублет терминларнинг юзага келиш сабаблари турлича экан, бино-барин, дублет терминларнинг микдори ҳам мазкур соҳада бошқа терминологик системаларга нисбатан кўпчиликни ташкил қиласди.

Кимё терминологиясидаги дублет терминларни, уларни келтириб чиқарган сабабларга кўра, бир неча турларга ажратиш мумкин. Масалан, дублет терминлар қайси тил материали эканлигига қараб этимологик дублетларга ва ишлатилиш соҳасига кўра соҳалараро дублетларга (асосан, кимё ва техника) бўлинади. Дублетларнинг бу турлари, асосан, лексик дублетлардир. Синонимик характердаги ясовчи қўшимчаларни қўллаш эса морфологик дублетларни келтириб чиқаради.

Маълумки, терминологик системалардаги дублетлар умумадабий тилдаги синонимлар сингари семантик ёки услубий гу-

рухларга ажратилмайди, чунки дублет терминларда хилма-хил эмоционал-экспрессив, услугий ёки маъновий оттенкалар сезилмайди, балки «уларнинг ҳар бири муайян англашилувчи маънога бевосита муносабатда бўлиб, бир-биридан этимологик ёки тузилиш жиҳатдан фарқланиши мумкин»¹.

Юқоридаги фикрга асосланган ҳолда ўзбек кимё терминологиясидаги дублет терминларни этимологик ишлатилиш соҳаси ва тузилиши жиҳатидан кўриб чиқамиз ва шу жараёнда уларни минимум ҳолга келтириш хусусида айрим мuloҳазаларимизни ўртага ташлаймиз (чунки дублетликдан тамомила кутулиш ҳозирча реал бўлмаган фикрдир).

Этимологик дублетлар

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзбек кимё терминологияси, аввало, араб, форс, кейинчалик рус тилларидаги кимё терминлари таъсирида шаклланган ва ривожланган. Дастребки даврда таъсири кучли бўлган арабча терминларнинг ўзбек тилига сингишмаган, илмий тушунчаларни яққол ифодалай олмаганлари кейинги даврларда истеъмолдан тушиб қолди. Лекин ўзбек тилида қадимдан адабий тил доирасида ишлатилиб келган бир қатор арабча ва форсча терминлар борки, уларни ўзбек тилининг ўз сўзлари деб бемалол айта оламиз. 30-йиллардан ўзбек тилига кўплаб кириб кела бошлаган русча ва байналмилал сўзлар ўзбек илмий терминологиясининг, хусусан, кимё терминологиясининг бундан кейинги асосий бойиш манбаларидан бирига айланди. Бинобарин, ўзбек кимё терминологиясида дублетликни юзага келтирувчи терминэлементлар ҳам этимологик жиҳатдан турли тилларга мансубдир. Масалан, тўплаган материалларимиз ичida «ўзбекча-ўзбекча», «русча-ўзбекча», «байналмилал-ўзбекча», «байналмилал-русча» ва «байналмилал-байналмилал» типидаги терминологик дублетларни учратиш мумкин.

1. Ўзбекча сўзлар дублетлиги. Дублетликни юзага келтирувчи ўзбекча сўзлар айрим сўз-терминлар бўлиши ҳам, бирикма

¹ Толикина Е. Н. Некоторые лингвистические проблемы изучения термина // Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. – Москва, 1970. – С. 61.

терминнинг муайян компоненти бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *тилла* ва *олтин* дублетлигини айрим олинган терминларгина юзага чиқарган; *бир асосли кислота* – *бир негизли кислота* дублетларини мазкур бирикма терминлар таркибидаги *асосли, негизли* терминэлементлари юзага келтирган.

Шунингдек, *дала шпати* – *қир шпати*, узум *шакари* – узум *шарбати*, *қалдироқ кислота* – *ҳайқирувчи кислота*, *кулдирувчи газ* – *хурсанд қилувчи газ* каби дублетларнинг ҳосил бўлишида ҳам бирикма терминларнинг бир компонентигина иштирок этган. Ўзбекча сўзлар юзага келтирган дублет терминлар нисбатан озчиликни ташкил этади ва улар кўпинча мувофиқ русча терминларни турли муаллифлар томонидан индивидуал таржима қилиш натижасида келиб чиқсан. Шунинг учун уларни бартараф этишда илмий таҳлилнинг ҳожати йўқ. Масалан, *тилла* сўзини илмий термин сифатида ишлатиш учун ҳеч қандай асос йўқ, чунки туркӣ тилларда қадимдан *олтин*¹ сўзи ишлатилиб келган ва илмий термин сифатида ҳам шу сўзниң ўзи қабул қилинган. Форсча *тилла* сўзи эса тилимизда нисбатан кейинроқ пайдо бўлган, жонли нутқда кўпроқ олтингдан ишланган буюмларнинг атрибути сифатида қўлланади. Масалан, *олтин* узук бирикмасига нисбатан *тилла* узук кўпроқ қўлланади.

Бир негизли – бир асосли дублетларидан ҳам фақат бирини, яъни *бир негизли* (кислота) терминини қолдириш керак. Чунки *бир асосли* термини кўлланганда, ўқувчи онгода анорганик кимёдаги асослар синфи ҳам гавдаланиши ва нотўғри тасаввур уйғотиши мумкин. Акс ҳолда, бир сўзниң ўзи икки маъно учун хизмат қилган бўлади.

Шунингдек, *қир шпати* – *дала шпати* жуфтидан асосан *дала шпатини* қабул қилиб, *қир шпати* терминини номақбул термин сифатида истеъмолда қўлламаслик керак. Аслини олганда, ҳар иккала термин ҳам русча «полевой шпат» терминининг яримкалькасиdir. Ёки бўлмаса, *азот* (1)-оксид илмий терминининг дублет шакллари ҳисобланган *хурсанд қилувчи газ*, *кулдирувчи газ* бирикмалари мазкур газнинг фақат муайян характеристерини, яъни унинг оз миқдори инсон нерв системасига кўрсатган қитиқловчи

¹ *Махмуд Кошгари*. Девону луготит турк. 1-том. – Тошкент, 1960. – Б. 142. (*алтун* – *олтин*, *тилла*).

таъсирини англатиб, бошқа хусусиятларини анча хиралаштиради. Шунинг учун ҳам иккала бирикмани истеъмолдан чиқариб, нейтрал азот (I)-оксид терминини қўллайвериш маъқулроқдир.

2. Ўзбекча ва байналмилал сўзлар дублетлиги. Дублет терминлар ҳосил бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳамда уларнинг асосий кўриниши – илмий терминологияда бир вақтнинг ўзида миллий ва байналмилал терминларнинг муайян бир тушунча учун хизмат қилишидир. Дублетлик муносабатининг бу тури барча тиллардаги терминологик системаларнинг ўзига хос белгиси сифатида юзага чиқади. Бу ҳолат, айниқса, кўплаб миллий терминологияларда яққол ўз аксини топган. «Истеъмолда бир хил маъноли ўз ва ўзлашма сўзлар мавжудлигидан ҳосил бўлган терминологик синонимия кенг тарқалгандир. Амалда ундан тўла кутулиш мумкин эмас. Айниқса, миллий тилларда терминологик синонимия муқаррар ҳолдир»¹.

Бироқ бу фикр, миллий терминологик системаларда дублетлик муносабатига йўл қўйиш мумкин, деган маънони англатмайди, албатта. Дублет терминларни ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг вужудга келиш сабабларини аниқлаб, дублетларни мумкин қадар минимум ҳолга келтирмоқ керак. Бундай пайтда, яъни «терминологик системаларни тартибга солиш ва уйғунлаштириш жараёнидаги «ўз» ёки «ўзга» дилеммасида ҳар бир конкрет ҳолатга танқидий ёндашмоқ зарур. Бунда конкрет терминнинг сўз ясаш мазхусулдорлиги тамойили, қисқалик, аниқлик, бирмаънолилик тамойиллари, шунингдек, терминлашган жуфтларнинг маъновий эквивалентлиги ҳисобга олинмоғи зарур»².

Маълумки, ҳозирги ўзбек тили терминологияси, хусусан, кимё терминологиясининг шаклланиши ва бойишидаги асосий омил рус тили ҳисобланади. Рус тилидан ўзбек тилига минг-минглаб русча ва байналмилал терминлар кириб келди. Ушбу терминларнинг аксарияти, янгидан пайдо бўлган тушунча ва ҳодисаларнинг атамаси сифатида қабул қилингани туфайли, ҳеч қандай

¹ Огузбаева Б. О состоянии и задачах сбора, разработки и упорядочения киргизской научно-технической терминологии // Научно-техническая терминология. – Москва, 1973, № 3. – С. 15.

² Базаркулова Т. О национальной и интернациональной основах киргизской научно-технической терминологии // Научно-техническая терминология. – Москва, 1973, № 3. – С. 20.

қаршиликсиз ўзбек миллий терминологиясига узвий равища сингишиб, уни бойитди. Русча-ўзбекча кимё лугати, ўрта ва олий мактаблар учун чиқарилган дарслик ва қўлланмаларни кўздан кечириш ўзбек кимё терминологиясининг асосий ядроси рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларидан ўзлаштирилган ва юонон-лотин тил элементлари асосида вужудга келган байналмилал терминлардан иборат эканлигини кўрсатиб турибди.

Бироқ ўзбек тилида қадимдан ишлатилиб келган, муайян тушунчани англатувчи бир қатор терминлар ва термин характеридаги сўзлар мавжуд эдики, уларнинг тилга янгидан кириб келаётган русча ва байналмилал эквивалентлари қандай маънони англатса, ушбу терминлар ҳам мувофиқ, айни маънони ифодалаган. Ана шундай ҳолларда, яъни «агар муайян миллий тилда аник эквивалент мавжуд бўлса, шу тилнинг ички лексик имкониятларидан фойдаланиш ва терминларни таржима қилиш тўғри йўл ҳисобланади»¹.

Бошқа тиллардан сўз (термин) қабул қилишда қадимий тил анъаналарига эга бўлган тилларнинг хусусиятини, уларда аввалдан ишлатилиб келган сўз ва терминларни ҳисобга олиш зарурлиги ҳақида ўз вактида Москвада бўлиб ўтган терминология кенгаши материалларида ҳам юкоридаги сингари фикрлар айтилган².

Ўзбек илмий терминологиясидаги, жумладан кимё терминологиясидаги «миллий // байналмилал» типидаги бир қатор дублет шаклларнинг мавжуд бўлиши маълум даврларда юкоридагидек йўналтирувчи кўрсатмаларнинг бўлмаганлиги ёки ана шундай кўрсатмаларга риоя қилинмаганлигининг маҳсулидир.

Тўғри, байналмилал характердаги терминлар ҳар томонлама терминологик талабларга жавоб бера олади. Терминологияга оид бир қатор адабиётларда ўзлаштирма байналмилал терминларнинг афзалликлари кўрсатиб ўтилган: «Ўзлашма терминларнинг байналмилал характери, одатда, уларнинг афзаллигини белгилайди. Яна бошқа бир сабаб – ўзлашма терминларнинг муайян тил системасидан алоҳида ажralиб туриши, у билан боғлан-

¹ Кенесбаев С. К. Прогрессивное влияние русского языка на казахский / В кн.: Прогрессивное влияние русского языка на казахский. – Алма-ата, 1965. – С. 21.

² Вопросы терминологии (Материалы Всесоюзного терминологического совещания). – Москва, 1961. – С. 44, 70.

маслиги, иккинчи қўшимча маъноларга бўлиниш эҳтимолининг шўклиги ҳам уларнинг афзалигини кўрсатади. Она тилидаги сўз ҳали термин сифатида шаклланиши керак, четдан ўзлашган сўз оса тайёр термин ҳисобланади...»¹ Яна: «... ўзлашмаларнинг бегона тил лексикасида алоҳида ажralиб туриши уларни гўё лексик-семантик система таъсиридан «кўриқлаб туради», терминологияк майдон чегарасидан ташқари чиқишини қийинлаштиради ва бу билан унинг аниқлигини сақлашга хизмат қиласди. Бундай ҳолларда (кўпинч стихияли равишда) ўзлашма термин маъкул деб топилади»².

Албатта, мазкур фикрларни тасдиқламай, уларга қўшилмай бўлмайди. Лекин шунга қарамасдан, байналмилал терминологияни қўллаш билан бирга, ўзбек тилининг тарихий анъаналари ни ҳам ҳисобга олган ҳолда иш кўриш керак, яъни муайян бир тушунчани англатишда миллий ва байналмилал терминнинг ҳар иккаласи ҳам терминга бўлган талабларга тенг равишида жавоб бера олса, бундай ўринларда дублетлик муносабатидаги миллий терминнинг ўзини қўллаган маъкул. Аксинча, дублетлик муносабатидаги миллий (ўзбек тилига оид) термин бир неча сўздан иборат бўлса ёки тушунча тўғрисида нотўгри, чалғитувчи фикр туғдирса, бундай ҳолларда, албатта, байналмилал термин афзаликларга эга бўлади ва уни истеъмолда сақламоқ зарур бўлади.

Ўзбекча, русча ва байналмилал сўзлар иштирокида юзага келган дублет шаклларни шартли разишида тўрт гурухга бўлиш мумкин: 1) «ўзбекча // русча» типидаги дублетлар; 2) «ўзбекча // байналмилал» типидаги дублетлар; 3) «русча // байналмилал» ва 4) «байналмилал // байналмилал» типидаги дублетлар.

Биринчи гурух, яъни «ўзбекча // русча» типидаги дублетларни *кислота –жавҳар, мишияқ – маргимуши, бура –танакор, нашатир³ – новшадил ва белила – оқбўёқ* жуфтлари мисолида кўриб чиқамиз.

¹ Кутина Л. Л. Языковые процессы, возникающие при становлении научных терминологических систем / Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. – Москва, 1970. – С. 89.

² Квятко И. С. Термин в научном документе. – Львов, 1976. – С. 69.

³ *Бура ва нашатир* сўзлари аслида рус тили учун ҳам ўзлаштирма ҳисоблансанда (каранг: Словарь иностранных слов. – Москва, 1954. – С. 124, 474), улар айрим товуш ўзгаришларига учраб, асосан, рус тилининг ўзида кўлланганни учун биз ушбу терминларга русча сўзлар сифатида қараймиз.

Кислота // жавҳар. Маълумки, *кислота* термини рус кимё терминологиясиға М. В. Ломоносов томонидан киритилган¹. Ушбу термин то ўзбек тилига кириб келгунча, ўзбек кимё терминологияси мазкур тушунчани арабча ҳомиз, жавҳар, форсча тезоб, ўзбекча ачитқи, ўзбекча-татарча ачилиқ (acılıq) сингари терминлар орқали ифодалаб келди. Бироқ бу терминлар тушунарсизлиги ёки маънони тўғри ифода эта олмаганлигидан уларнинг бирортаси ҳам барқарор термин бўла олмади. Натижада 1937 йилдан русча *кислота* термини ўзбек кимё терминологиясида қатъйилашди ва ҳозиргача қўлланиб келмоқда. Бироқ *жавҳар* сўзининг сўнгги (1950 – 1959) русча-ўзбекча, ўзбекча-руска луғатларда *жавҳарлиму* (цитрат кислота) тарзида сақланиб қолгани ва матбуотда ҳам *кислота* маъносида қўлланиши натижасида дублетлик келиб чиқкан: *олтингугурт жавҳари* (кислотаси) – *сульфат кислота* каби. Лекин *жавҳар* сўзи ҳозирда ҳатто араб тилида ҳам *кислота* маъносида ишлатилмайди. Тўғри, форсларда *кислота*, эссенция маъноларида *жўуҳар* сўзи қўлланиб келган². Аммо кейинчалик нашр этилган маҳсус луғатда форсларда ҳам мазкур маъно учун *жавҳар* эмас, балки байналмилал *асид* (acide – кислота) термини қабул қилинган³. Демак, ўзбек тилида ҳам (матбуот тилида ҳам) *жавҳар* сўзини *кислота* маъносида ишлатишга ҳеч қандай асос йўқ. Бу сўзни фақат ўзининг асосий маъносида (қимматбаҳо тош) ишлатиш ўринлидир.

Мишияк // маргимуши дублет шаклларини бартараф этишда юқоридагидек йўл тутиб бўлмайди. Чунки ушбу дублетлик муносабатидаги *маргимуши* сўзи ўзбек тилида қадимдан ишлатилиб келган, рус тилидаги «мышияк» сўзи ҳам ана шу аслида форсча *маргимуши* сўзининг мазмуни ва структурасини ўзлаштириш, яъни тўла калькалаш асосида яратилган⁴. XVIII аср рус кимё терминологиясида мазкур тушунча учун *арсеник*, *арсен* термин-

¹ Бурдин С. М. Роль М. В. Ломоносова в создании русской естественно-научной терминологии // Ученые записки Ташкентского госединститута. Филологический сборник. Вып. II. – Ташкент, 1954. – С. 135.

² Персидско-русский словарь. – Москва, 1960. – С. 157.

³ Русско-персидский политехнический словарь. – Москва, 1973. – С. 324.

⁴ Фигуровский Н. А. Открытие химических элементов и происхождение их названий. – Москва, 1970. – С. 93; Химиядан ўқиши китоби (биринчи қисм). – Тошкент, 1965. – Б. 333.

лари ишлатилган, мышьяк термини эса ҳозирги *арсенит ангиридрид* (As_2O_3) маъносида қўлланган¹. Кейинчалик мышьяк сўзи Л. Л. Лавузазье фанга киритган *арсеник* (Arsenik) терминининг русча эквиваленти сифатида мустаҳкамланиб қолди. Демак, ўзбек тилидаги *маргимуш* термини русча «мышьяк» ва байналмилал «арсеник» сўzlари ифодалаган маънони ифодалай олар экан.

Ўзбек кимё терминологиясининг дастлабки яратувчиларидан бири Ҳусайнхон Ниёзий 1926 йилда ўзининг «Кимё дарслиги»да *маргимуш* ўрнида байналмилал *арсаник* терминини қўллаган эди (56-, 108-, 173-бетлар). Худди шу муаллифнинг ўзи 1929 йилда «Кимё» дарслигига *арсеник* билан бир қаторда русча «мышьяк» терминини *mışejək* (мишаяк) тарзида қўллайди (57-, 76-, 88-бетлар). 30-йилларда русчадан таржима қилинган барча дарсликларда фақат *арсен(ик)* термини қўлланганини кўрамиз. 40-йиллардан то ҳозирги кунга қадар эса мазкур тушунча учун ҳар учала термин аралаш ҳолда (гоҳ *маргимуш*, гоҳ *мышьяк*, баъзан *арсен* тарзида) ишлатилаётир. Масалан: Хлорелла хужайраси таркибида... мишьяк... ва бошқа кўпгина элементлар борлиги маълум («Фан ва турмуш»). Хлореллада йод... маргимуш... ва бошқа элементлар бор («Фан ва турмуш»).

Шуни ҳам айтиш керакки, бир қатор маргимушли бирикмалар, яъни унинг кислоталари ва тузлари ҳамда жуда кўп доривор препаратлар номида фақат ҳалқаро *арсен* терминэлементи қўлланган (*арсенат кислота, натрий гидроарсенит, арсин, сальварсан, арсенопирит* каби).

Айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, ўзбек кимё терминологиясида система нуқтаи назаридан асосий илмий термин сифатида байналмилал *арсен* сўзини қолдириб, унинг *маргимуш* шаклидан услубий мақсад учун умумадабий тил бойлиги ҳамда техникавий термин сифатида фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Юқорида келтириб ўтганимиз *танакор* // *бура, новшадил* // *нашатир* дублетлари масаласини ҳам худди шу тарзда ҳал этиш керак. Бунда *танакор* ва *новшадил* сўzlари умумадабий тил бойлиги ва техникавий (турмушдаги) термин сифатида қўлланади

¹ Фигуровский Н. А. Ўша китоб, ўша бет.

(бу терминлар ҳозирда ҳам маҳаллий темирчи ва чилангарлар лексикасидаги фаол сўзлардандир), илмий термин сифатида эса тегишли равишда фақат *натрий тетраборат* ($\text{Na}_2\text{B}_4\text{O}_7$) ва *аммоний хлорид* (NH_4Cl) бирикма терминлари ишлатилиши керак.

Белила // оқбўёқ. Бу иккала термин ҳам деярли 50 йилдан бери аралаш қўлланиб келмоқда. Масалан, бир томли «Русча-ўзбекча лугат»нинг ўзида оқ бўёқ (43), *белила // оқ бўёқ* (767), оқбўёқ // *белила* (994), *белила* (864) сингари ҳархилликка дуч келамиз; «Луғат»да ҳам *белила* ва *оқ бўёқ* терминларини аралаш ишлатилганини кўрамиз. Бизнингча, биринчидан, *белила* терминини оқбўёқ деб таржима қилиб олингани тўғри, чунки бел (оқ) ўзаги бўлган барча русча сўзлар ўзбек тилига таржима қилингган (*белить* – оқартмоқ, *белильная известь* – оқартгич оҳак, *белок* – оқ-сил). Иккинчидан, ушбу сўзни ажратиб (*оқ бўёқ*) эмас, балки кўшиб (*оқбўёқ*) ёзиш маъно бутунлигини таъминлайди.

Энди иккинчи гуруҳни, яъни «ўзбекча – байналмилал» типидаги дублетлардан айримларини кўриб ўтамиз. Бу ерда ҳам, юқорида кўриб ўтганимиздек, дублетлик муносабати айрим сўзлар иштирокида ёки бирикма терминларнинг муайян компонентлари орқали юзага келади. Шунингдек, дублетлик байналмилал сўз-термин билан ўзбекча бирикма терминнинг параллел қўлла нишидан келиб чиқади.

Химия // кимё. Бу дублет терминларнинг қўлланиши ҳақида бир қатор қизиқарли баҳслар бўлиб ўтган. Айрим тилшунослар *кимё* сўзининг ўзбек тилида қадимдан қўлланиб келгани, ёзма адабиётда шоир ва ёзувчилар томонидан ишлатилганига ишора қилиб, ана шу шаклни асосий термин сифатида ишлатишни таклиф этсалар, бошқалари, аксинча, *химия* терминининг жуда кўп тилларда қўлланишини, унинг байналмилал характеристини на зарда тутиб, асосий термин сифатида *химия* сўзини ишлатишни тавсия этадилар¹.

Аслини олганда, кимёга оид дастлабки асарлар, кимёгарларнинг дастлабки тажрибалари Ўрта ва Яқин Шарқда кузатилган ҳамда кимёга оид асарлар араб тилидан лотин ва юонон тилларига таржима қилинган. Ана шу таржима жараёнида *алкимиё*

¹ Нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент, 1973.

сўзи *alkimia* (*kimia*) тарзида лотин тилига ўтган. Демак, рус тили орқали кириб келган химия термини Шарқда қадимдан ишлатилиб келган кимё терминининг айнан ўзи бўлиб, айрим товуш ўзгаришларига учраган.

Бир қатор Шарқ мамлакатларида бўлгани сингари Ўрта Осиё ҳудудидаги ҳалқлар, шу жумладан, ўзбеклар қадимдан кимё терминини қўллаб келганлар. Ҳатто кейинги даврда рус тили орқали химия сўзи кириб келса-да, 50-йилларнинг биринчи ярмигача кимё асосий термин сифатида қўлланган эди. Кейинчалик дарсликларда химия, мақола ва рисола, таржима луғатларида эса гоҳ химия, гоҳ кимё тарзида аралаш ишлатила бошлади: *электрохимия, анорганик химия, полимерлар кимёси институти, электрокимё, химиялашириш, кимёвий тузилиши назарияси, химиявий элементлар, кимёвий реакция, органик кимё, химиявий энергия* каби.

Ана шундай аралаш қўлланишлар натижасида бўлса керак, «Фан ва турмуш» журнали шарқшунос олим У. И. Каримовнинг «Кимёми, химия?» мақоласини эълон қилди. Олим ушбу мақолада кимё ва химия сўзларининг этимологиясига оид бир қатор қизиқ фактларни келтиради ва ҳар иккала сўзнинг тарқалиш манбай битта эканини айтади. Ушбу мақолани эълон қилган журнал таҳририяти мазкур дублетларга қўйидагича муносабат билдиради: «Хўш, шундай қилиб, ўзбекча «кимё» сўзини ишлатган маъқулми ёки «химия»ними? Бунга узил-кесил жавоб бериш – терминологларнинг вазифаси. Бизга қолса, «кимё»ни ишлатиш тарафдоримиз, чунки мақоладаги далиллар ўзбекчада «кимё»ни ишлатиш макбулроқ эканлигини кўрсатиб турибди»¹. Таҳририят журналнинг шу сонида барча ўринларда (50 марта) кимё, кимёвий, кимёгар сўзларини қўллайди. Бироқ журнал ўзи бошлаган ташаббусни кейинги йилларда давом эттира олмади, яъни дублетлар ҳамон аралаш ҳолда қўлланмоқда.

Химия // кимё дублет шаклларининг ишлатилишига дикқат билан қаралса, қандайдир чегараланиш борлигини, яъни илмий адабиётларда, дарслик ва қўлланмаларда илмий термин сифатида химия сўзи, умумадабий тилда, илмий-оммабоп мақола ва

¹ «Фан ва турмуш», 1964, 2-сон. – Б. 30–31.

рисолаларда *кимё* қўлланганини сезиш мумкин. «Ўзбек совет энциклопедия»сининг барча томларига *кимё* термини асос қилиб олинган. Шу ўринда энциклопедияни яратиш жараёнидаги қийинчиликлар ҳақида академик И. М. Мўминовнинг айтган фикрлари характерлидир:

«... ҳозирги тилимизда, бир томондан, араб, форс ва эски ўзбек тили базасида вужудга келган сўзлар бўлса, иккинчи томондан, тилимизга кейинчалик кириб келган ва кириб келаётган рус-интернацонал сўзлар бор. Масалан, тилимизда *кимё* сўзи ҳам, *химия* сўзи ҳам мавжуд. Хўш, сўзликка уларнинг қайси бирини олиш керак?.. Хуллас, биз ҳар иккала сўздан энциклопедияда фойдаланишга қарор қилдик. Чунки, биринчидан, бу ҳар иккала сўз ўзбек тилининг луғат фондидан мустаҳкам ўрин олган. Улардан бирини олиб, иккинчисини чиқитга чиқариш тилимизнинг бойлигига путур етказиш бўлади. Иккинчидан, бу ҳар иккала сўз фанимизнинг тараққиёт йўлини ўзида ифода қиласди, қадимги асрларга оид илмий тажрибаларимиз ва анъаналаримизни ҳамда ҳозирги даврдаги илмий ютуқларимизни гўё бир кўзгудек акс этиради»¹.

Юқорида айтилганларга асосланган ҳолда *химия* // *кимё* дублетлик муносабатидаги ҳар иккала терминни ҳам тилда сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Бунда қисман чегараланиш бўлади, яъни *химия* асосий илмий термин бўлиб қолади, *кимё* термини эса, илмий-оммабоп, публицистик нутқда услугуб тақозоси билан қўлланиши мумкин.

Ушбу дублетларнинг муносабатдошлари бўлмиш *химиявий* // *кимёвий*, *химик* // *кимёгар*, *алхимия* // *алкимё* дублетларини қўллашда ҳам юқоридаги тамойилдан фойдаланиш мумкин бўлади.

Яна шу характердаги бир қанча дублетларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Масалан, бир қатор кислоталарнинг халқаро номи билан уларнинг рус тилидаги шаклини ярим калькалаш орқали ҳосил қилинган ўзбекча вариантларининг параллел қўлланишига эътибор қилинг: *сульфат кислота* // *олтингугурт кислотаси*, *хlorид кислота* // *туз кислотаси*, *лактат кислота* // *сут кислотаси*, *ацетат кислота* // *сирка кислотаси*. Ёки тузлар таснифи-

¹ Нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент, 1973. – Б. 10.

даги нормал туз // ўрта туз, биокимёдаги ассимиляцион фактор // ўзлаштирувчи фактор, металлургия саноатидаги Томасилак // Томас чиқити дублетлари, шунингдек, глюкоза // узум шакари, лактоза // сут шакари, протеинлар // оддий оқсиллар, структура формуласи // тузилиши формуласи каби дублетлар ана шулар жумласидандир.

Маълумки, ўзбек кимё терминологиясини тузишда туз ва кислоталарни ифодаловчи номлар байналмилал шаклда олинган. Бу ўзбек кимё терминологиясини тузишдаги асосий тамойиллардан биридир. Бироқ ана шу тамойилга амал қымаслиқ натижасида, айрим таржимон ва муаллифларнинг индивидуал иш тутишлари туфайли ўзбек тилига қабул қилинган байналмилал терминларга дублет сифатида уларнинг калька ёки яримкалькалари ҳам қўлланиб келмоқда. Масалан, водород хлорид газининг сувдаги эритмаси ўзбек кимё терминологиясида хлорид кислота номи билан юритилади. Рус тилида эса бу кислота «соляная кислота» деб аталиб, 30-йилларда ўзбек кимё терминологиясида ушбу терминнинг тўлиқ калькаси *tuz acılıq* (туз ачилик) қўлланган эди (Верховский В. Н. Анерганик кимё, 1936). Лекин ҳозирда ҳам ўзбек тилидаги барқарор терминни қўлламасдан, русча терминни кисман калькалаб, *туз кислотаси* тарзида ишлатиш ҳоллари учрайди. Бундай ўринларда, яъни кислоталарни номлашда асосий илмий термин сифатида уларнинг байналмилал номлари олиниши керак, зоро барча кислоталарнинг тегишли тузлари ҳам байналмилал номга эга.

Томас шлак // Томас чиқити дублетидаги *Томас чиқити* термини муваффақиятсиз чиқкан. Биринчидан, матндан ташкарида ушбу терминдан «Томаснинг чиқити» деган ғайритабиий маъно ҳам келиб чиқади; иккинчидан, *чиқит* деганда асосан кераксиз нарса англшилади, ҳолбуки, мазкур модда қишлоқ хўжалигида ўғит сифатида ишлатилади. Шу нуқтаи назардан, *шлак* термин-элементини таржимасиз қолдириб, *томасилак* тарзида қўлланиши ва ёзилишини тавсия этамиз.

Этимологик дублетларнинг яна бир гурухини ўзбек кимё терминологиясида параллел ёки даврий жиҳатдан ўзаро алмашиниб қўлланаётган «русча // байналмилал» типидаги дублетлар ташкил қиласиди. Бундай дублетлар ҳам асосан субъектив омиллар

натижасида вужудга келган. Улардан айримларининг пайдо бўлиши ва амал қилишини кўриб чиқамиз.

Карбон // углерод. Кузатишлардан маълум бўлишича, ҳар иккала сўз (термин) ҳам аввало матбуот орқали XX аср бошларида ёзбек тилига кириб келган. Ўтган асрнинг 10–20-йилларида углерод (углирўд) сўзи кўпроқ матбуот тилида учраса-да, дастлабки яратилган ёки таржима этилган дарсликларда, масалан, Росконнинг таржима қилинган «Кимё» (1924) ва Ҳ. Ниёзийнинг «Кимё дарслиги»да (1926) асосий илмий термин сифатида қорбун сўзи ишлатилган. Баъзан арабча *фаҳм* (*кўмир*) сўзини ҳам карбон маъносида қўлланганини кўрамиз. Шунингдек, миллий терминология яратишга интилиш муносабати билан (буни баъзилар туризм деб ҳам қоралайди) юзага келган *кўмир* (*kəmür* энгидриди (Хусайнхон, Кимиё, 1929), *кўмурчил* (*komurcıl* асім – Лебедев П. Кимё, 1935) сўзларини ҳам ҳисобга олсак, муайян 5–10 йил ичida *carboneum* тушунчасини ифодаловчи бешта кимёвий термин аРАЛАШ қўлланган.

Кимёвий терминологияни (умуман, илмий-техникавий терминологияни) тартибга солиш жараённида 30-йиллар давомида арабча *фаҳм* ва ўзбекча *кўмир*, *кўмурчил* сўзлари терминологик истеъмолдан тушиб қолди ва 50-йилларгача байналмилал *карбон* сўзи асосий термин вазифасини бажариб келди. Бу вақт мобайнида углерод термини деярли қўлланмаган. Лекин 50-йиллар бошидан бир қатор муҳим кимёвий терминлар: *кимё*, *гидроген*, *оксиген*, *силис* (*силиций*), *арсен*, *стибий*, шу жумладан *карбон* ҳам асоссиз (система ва сўз ясалиш нуқтаи назаридан) равишда ўзларининг русча варианлари билан алмаштирилади.

Дарсликларда бирданига рўй берган бундай ўзгариш аввалги *карбон* терминига ўрганиб қолган ўрта ва олий мактаб ўқитувчилариiga дарров сингишиб кетмади, термин қўллашда бирхиллик йўқолди. Бу ҳол «Совет мактаби» журнали сахифаларида кўзга ташланади. Масалан: *карбон* (IV)-оксид (1953, 1, 76), *карбон* (II)-оксид (1955, 9, 48), *углерод ионлари* (1958, 2, 56), *углерод аллотропияси* (1964, 1, 58) ва бошқалар.

Кимё фанлари номзоди F. Ҳакимов журнал сахифаларида эълон қилган бир мақоласида шу муносабат билан қуидагиларни ёзади: «Аслида углерод бирикмаларини *карбонатлар*... деб атал-

Ганлигидан русча терминларга тақлид қилиб (*углерод, угольная кислота, окись углерода*) углерод деб номлашдан кўра, *карбон* деб аташлик анча кулайлик туғдиради. Бундан ташқари, органик кислоталар русчада ҳам «карбоновые» деб юритилади. Шунинг учун ҳам карбоннинг водород билан берган бирикмаларини *карбонводородлар*, сахаридларни *карбонсувлар* (биологияда ҳам шундай) деб аташлик мақсадга мувофиқдир¹.

Юқоридагидек фикрларга ва *карбон* терминининг афзаликларига қарамай, *углерод* // *карбон* дублетлиги ҳануз давом этиб келмоқда: *карбон гидрогенлар*, *карбон оксида*, *углерод оксиди* каби.

«Химиядан русча-ўзбекча қисқача изоҳли луғат»нинг муаллифлари ҳам *карбон* терминининг афзаликларини англаған ҳолда, луғатнинг иккинчи нашрида *углерод* термини ўрнида *карбон* терминини қўллаганларки², бу ҳол системалик нұктай назаридан муҳимдир (маълумки, луғатнинг биринчи нашрида *углерод* термини асос қилиб олинган эди).

Бизнингча, ушбу дублетлик муносабатини бартараф этиб, илмий термин сифатида факат *карбон* термининигина қолдириш ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир. Чунки, биринчидан, *карбон* бирикмаларининг деярли барчасини номлашда терминэлемент сифатида *карбон* сўзи иштирок этади (*углерод эмас!*). Масалан: *карбон (II)-оксид*, *карбонат ангидрид*, *гидрокарбонат*, *бикарбонат*, *карбонат кислота*, *карбидлар*, *карболен* ва бошқалар. Иккинчидан, ўқувчида нотўғри тасаввур уйғотмайди, яъни *карбон* ўзбек тили учун мотивлашган (ясама) термин ҳисобланмайди; учинчидан, *карбон* терминини қўллаш умуман ўзбек кимё терминологиясининг байналмилал характеристини белгилайди (тожик ва озарбайжон кимё терминологияларида ҳам *карбон* қўлланади).

Карбон терминини қўллаш натижасида углеводород // *карбонводород*, *углеводолар* // *карбонсувлар* дублетлари ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлади, яъни улардан *карбонводород* ва *карбонсувлар* шакллари асосий илмий терминга айланади.

¹ Ҳакимов F. Химия ўқитишида баъзи мулоҳазалар. // Совет мактаби, 1964, 7-сон. – Б. 64.

² Сайдносирова З. Н., Деркунская Т. В. Химиядан русча-ўзбекча қисқача изоҳли луғат. – Тошкент, 1975.

Хозирги кимё терминологиясида қўлланаётган *водород*, *кислород* ва *кремний* терминларининг тараққиёт йўли ҳам *карбон* термини сингари бўлган. Булар ҳам тарихан уч-тўрт, ҳатто беш номга эга бўлган, хозирги кунда ушбу тушунчаларнинг русча ва байналмилал номлари ҳақидагина гапириш мумкин. Лекин мазкур терминларни ишлатишда *карбон* терминини қўллашдагидек иккиланишлар, ўрин алмашишлар деярли рўй бергани йўқ. Шундай булса-да, терминологияда системалик ҳамда байналмилаллик нуқтаи назаридан (чунки мазкур терминларнинг муносабатдошлари байналмилал шаклдадир) уларни қайта кўриб чиқиш зарурдай кўринади.

Карбамид // *мочевина*, *целлюлоза* // *клетчатка*, *водород сульфид* // *сероводород* дублетлари ҳам «руска // байналмилал» типидаги дублет терминлардан бўлиб, улар ҳам узоқ вақт мобайнида параллел ёки даврий алмашиниб қўлланиб келмокда. Мълумки, *карбамид* номи шу модданинг карбонат кислота амиди эканлигидан келиб чиқкан (карбонат + амид) ва систематик термин хисобланади. Рус тилидан кириб келган *мочевина* термини эса лотинча *urea* сўзининг калькаси бўлиб, худди шунга ўхшаш калька 30-йилларда ўзбек тилида ҳам синаб кўрилган: *sijdikcil* – сийдикчили (Kimja lug'ati, 138). Лекин маънони тўғри англата олмагани туфайли тезда истеъмолдаи тушиб қолган.

Бироқ *мочевина* термини ҳам муайян модда ҳақида тўлиқ тасаввур уйғота олмайди. Дастребки изланишлар натижасида ушбу модда инсон ва ҳайвонлар сийдиги таркибида учраши аниқланган ва унга *мочевина* номи берилган. Демак, *мочевина* тривиал, тасодифий ном бўлиб, систематик термин эмас, шунингдек, рус тилини мукаммалроқ билмаган ўқувчи фикрини чалғитади, яъни *мочевина* тилга олинганда, сийдик ҳақида тасаввур уйғониши мумкин. Шунга қарамасдан, *карбамид* ва *мочевина* терминлари дублетлар сифатида аралаш қўлланиб келмокда: *Карбамид* ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди (Совет мактаби). *Мочевина...* *Мочевина*, бошқача айтганда, *карбамид...* (Хомченко, 424). Амидлар ичida *карбамид*, бошқача айтганда *мочевина...* (Рустамов X. Умумий кимё, 268). *Карбамид* – *мочевина* – сийдик дурдаси («Фан ва турмуш») каби. Юқорида айтилганлар асосида

мазкур дублетлик муносабатини бартараф этиб, *карбамид* термини нигина асосий илмий термин сифатида тавсия этиш мумкин.

Целлюлоза // клетчатка дублетлиги деярли ҳал бўлган масаладир. Чунки бу ҳар иккала термин ҳам бир қанча вақт давомида параллел қўлланиб келган бўлса-да, кейинги йилларда айрим индивидуал қўллашларни ҳисобга олмагандан асосан *целлюлоза* термини қўлланмоқда. Ҳатто рус тилининг ўзида ҳам, ўқувчилар учун чиқарилган кимё лугатида ҳам *целлюлоза* асосий термин сифатида ишлатилган, *клетчатка* термини эса унга ҳавола қилинган¹.

Этимологик-лексик дублетларнинг сўнгги тури «байналмилал // байналмилал» типидаги дублет терминлардир. Бу типдаги дублетлик ҳам ўзбек кимё терминологиясида кенг тарқалган. Бу гурӯхнинг катта қисми, юқорида айтганимиздек, органик кимёда бир неча номенклатура системаларининг қўлланиши ёки моддалар номини икки хил типда ҳосил қилишдан юзага келган. Масалан, мураккаб эфирларнинг номи, кўпинча қолдиги шу эфир таркибиға кирган кислота ва спиртларнинг номига *эфир* сўзини қўшиб ҳосил қилинади. Формиат кислота билан метил спиртнинг қўшилишидан *формиат-метил эфир* олинади. Худди шу эфирнинг номи иккинчи хил усулда, яъни тузларнинг номига ўхшаш типда (асосий тип) ҳам ҳосил қилинади: *метилформиат* каби. Натижада бир эфирнинг иккита байналмилал номи юзага келади. Бундай дублетлар, асосан, органик кимёда, шунингдек, анорганик кимёда ҳам кўплаб учрайди ва фақат ўзбек кимё терминологиясига эмас, балки барча тиллардаги кимё терминологияларига ҳам хос хусусиятдир. Бинобарин, уларнинг бартараф этилиши ҳам фақат ҳалқаро миқёсда, кимёгарларнинг ўзаро келишувига мувофиқ амалга ошиши мумкин.

Юқорида айтилганларга қарамасдан, мазкур типдаги дублетларнинг айримларини (кўпроқ анорганик кимё терминларини) минимум ҳолга келтириш, чегаралаб қўллаш мумкин. Масалан, *нитрат кислота // азот кислота, цитрат кислота // лимон кислота* каби дублетларни осонгина ҳал этиш мумкин, яъни дастлаб

¹ Бусев И. А., Ефимов И. П. Определения, понятия, термины в химии. – Москва, 1977.

келтирилган *нитрат кислота*, *цитрат кислота* терминларини асосий термин деб ҳисоблаш мумкин, чунки ушбу кислоталар нинг тегишли тузлари ҳам *нитратлар*, *цитратлар* деб юритилади. Бу эса терминологияда системаликни таъминлайди.

Анорганик кимёда Ag_2C_2 таркибли модда *кумуш карбид* деб аталади. Худди шу модда органик кимёда *кумуш ацетиленид* номи билан юритилади. Бунга *кумуш карбиднинг тузилиши* ацетилен тузилишига ўхшашиблиги ва *кумуш карбидга* сув таъсир эттириб, ацетилен олиниши сабаб бўлган бўлиши мумкин. Бунда ҳам асосий термин сифатида дастлабки *кумуш карбид* қабул қилинади.

Карбон (IV)-оксид // карбонат ангидрид. Системали термин ҳисобланган *карбон (IV)-оксид* ўзининг *карбонат ангидрид*, *карбонат гази* каби дублетларига эга, ҳатто айрим илмий-оммабоп мақолаларда *углекислий газ*, *углекислота* каби терминларни ҳам учратамиз. Булар маълум маънода русча адабиётлардан фойдаланиш, уларни ўзбек тилига таржима қилиш таъсирида юзага келгандир. Чунки рус тилида мана шу газ «углерода (IV) оксид», «угольный ангидрид», «углерода двоокись», «углекислый газ», баъзан «углекислота» каби 4 – 5 хил номланиб келади. Таржи-ма жараёнида ана шу дублет терминлар оригиналдаги шаклга мослангани учун ўзбек тилида ҳам дублет терминлар юзага келган. Айрим таржимон ёки мутахассисларнинг укувсизлиги туфайли ўзбек тилида *углекислий газ* сингари терминлар пайдо бўлиб, терминологияни ғализлаштирумоқда. Бундай қўлланышларни ўтган асрнинг 20-йиллари бошларида кўплаб учратиш мумкин¹. Лекин у пайтлар шаклланган терминология бўлмаган эди, ҳозирда эса ўзбек кимё терминологияси шаклланган, унинг термин ясаш ва термин қўллашда ўзига хос, хусусий тамойиллари бор-ку!

Бизнингча, *карбон (IV)-оксид* термини билан бир қаторда *карбонат ангидрид* терминини ҳам сақлаб қолиб, *карбонат гази*, *углекислий газ* каби носистематик номлардан воз кечиши керак. Чунки *карбон (IV)-оксид* системали илмий термин сифатида, *кар-*

¹ Роско Е. Кимё. 1-босма. Русчадан Ҳабиб Иноятий таржимаси. – Тошкент, 1924 (углекислота, ўзеки калий, озунокислове сиребро каби 100 га яқин терминлар бор).

бонат ангирид термини эса ушбу оксид (газ)нинг ангириидлар¹ түрухига мансублигини англатаётгани, бундай номланиш барча миллий терминологияларга хослиги ва биологик кимёда ушбу тушунчани ифодаловчи асосий термин эканлиги боисидан сакланаб қолади. Натижада түртта дублет термин ўрнида барча томонидан тан олинган иккита термин қолади. Бу билан биз түртёқлама дублетликдан қутулиб, уни минимум ҳолга келтирган бўламиз.

Карбон (II)-оксид // ис гази дублетлигига ҳам юқоридагидек йўлдан бориб, *карбон (II)-оксид* терминини системали илмий термин сифатида сақлаб қолиб, унинг ҳалқ тилидаги *ис гази* дублетидан воз кечсак, дублетликни бартараф этган бўламиз. Чунки ҳалқ тилидаги *ис гази* атамаси ушбу газнинг фақат бир хусусиятингина (унинг инсон ҳаёти учун заҳарли эканини) англатади, бироқ ҳақиқий илмий термин талабларига жавоб берга олмайди.

Соҳалараро дублет терминлар

Терминлар дублетлигининг бу тури характер жиҳатидан юқорида кўриб ўтганимиз лексик дублетлардан деярли фарқ қилмайди. Бу ерда дублетлик муносабатидаги терминларнинг бири соғ кимёвий термин эканлиги, иккинчиси эса кўпроқ техникада ёки турмушда, кимёга яқин бўлган фан соҳаларида қўлланиши билан фарқланади, лекин тушунчани ифодалашда тафовут сезилмайди.

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бир қатор техникавий ва турмушда қўлланадиган терминлар дастлаб муайян кимёвий модда ёки бирикманинг ягона номи бўлиб ҳисобланган. Кейинчалик кимё фанининг юксалиши ва ундаги терминологияни тартибга келтириш жараённада муайян модда унинг таркибини аниқроқ кўрсатадиган (бу нарса шу модданинг таркиби синчиклаб ўрганилиб аниқлангандан кейингина амалга ошади) системали номга эга бўлган. Модданинг янги системали номи билан унинг аввалдан истеъмолда мавжуд бўлган, технологияга

¹ Баъзи кислоталардан сув ажратиб олинса, кислотали оксидлар ҳосил бўлади, шу сабабли бундай оксидлар *ангирид* («ан» – инкор, «гидр» – сув, яъни «ангидрид» – сувсиз) деб ҳам аталади.

асосланган номи параллел қўлланаверган. Натижада жуда кўп-лаб дублет терминлар пайдо бўлган.

Бундай дублетлар сиртдан бири кимёвий термин, иккинчиси техникавий ёки яқинроқ бошқа соҳага оид термин деб фарқланса ҳам, лекин улардан қутулиш, уларни луғат ёки дарсликлардан «кувиб чиқариш» мумкин эмас; чунки, юқорида айтганимиздек, терминларнинг шаклан фарқи бўлса ҳам, соф илмий тажрибалар билан кенг миқёсдаги технологик жараёнлар ўртасида узвий боғлиқлик бор. Шунинг учун ҳам бир тушунчани англатувчи, бироқ икки ёки уч соҳага тааллукли терминлар матнда бир-бирини алмаштириб кела олади. Лекин бундай ҳолатларни ўта суистеъмол қилиш ярамайди.

Кимё фани қадимдан ишлаб чиқариш, минералогия ва доришунослик билан боғлиқ ҳолда ривожлангани учун соҳалараро дублетлик ҳам кимёвий терминлар билан техника, минералогия ва фармацевтика терминларининг параллел қўлланиши натижасида келиб чиқсан. Масалан: Бу нарса минералогияда – *галит*, кимёда – *натрий хлорид*, техникада – *оиш тузи* деб аталади («Фан ва турмуш»). Ушбу мисолдаги уч соҳага оид учта терминнинг пайдо бўлиш хронологиясини изоҳсиз ҳам англаш мумкин, чунки минералогия ва кимё фани ҳамда улардаги тегишли терминлар пайдо бўлмасдан олдин ҳам инсон овқатга маза киритувчи моддадан фойдаланган. Албатта, ушбу модда айнан *оиш тузи* деб номланмаган бўлиши ҳам мумкин, ҳар ҳолда, шунга ўхшаш бирор номга эга бўлган. Кейинчалик минералогияда *галит* термины, кимёда унинг таркиби ўрганилгач, *натрий хлорид* термини пайдо бўлади. Лекин шунга қарамасдан, *натрий хлорид* // *оиш тузи* ўзбек тилидаги барча кимё дарсликларида тенг хуқуқда қўлланмоқда. Бу нарса фақат ўзбек тилидагина эмас, бошқа тилларда ҳам учрайди. Масалан, рус тилида «хлорид натрия // натрий хлористый // поваренная соль», тожик тилида «хлориди натрий // намаки хуроки» ёки немис тилида «Natriumchlorid (Kochsalz)»¹. Демак, дублетликнинг бу тури ҳам халқаро характерга эга бўлиб, улардан тўла қутулиб бўлмас экан, бундай терминларни қўл-

¹Каранг: Русско-немецкий терминологический словарь по химии и химической терминологии. – Берлин, 1967; Ражсабов Л. Ш., Раҳмонов А. Р. Луғати руси-тожики терминологии кимё. – Душанбе, 1967.

лашда, уларни дарсликларга киритишда ортиқча сүиистеъмолга йўл қўймай, асосан, соф кимёвий терминларни қўллаш зарур. Агар муайян терминнинг соҳавий дублетини қўллаш эҳтиёжи туғилса, уни қавс ичидаги келтириш (шунда ҳам ўқувчига ахборот тариқасида бир марта) кифоя қиласди.

Системали термин билан атоқли отлар асосида юзага келган (фамилиявий) терминлар дублетлиги ҳам соҳавий дублетликка яқин туради. Масалан, бир қанча тузларнинг номи дастлаб уларни кашф этган олимлар ёки кашф этилган жойнинг номи билан аталган. Кейинчалик уларнинг илмий асосланган, системали номлари пайдо бўлади. Жумладан, KClO_3 таркибли туз дастлаб француз олими К. Л. Бертолле томонидан ёки $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ таркибли туз эса И. Глаубер томонидан аниқлангани учун улар *Бертоле тузи*, *Глаубер тузи* (баъзан *бертоле тузи*, *глаубер тузи*) номини оладилар. Шунинг билан бирга, уларнинг таркибини кўрсатувчи *калий хлорат*, *натрий сульфат* номлари ҳам пайдо бўлиб, улар параллел қўллана бошлади. Фамилиявий терминлар ҳақида бундан икки аср олдиноқ (1780) француз кимёгари Гитон де Морво қўйидаги фикрни билдирган эди: «Кимёвий атама... глаубер тузи типида бўлмаслиги керак, чунки (бундай номлар) модданинг таркиби ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди; термин муайян бирикмадаги моддалар ҳақида тасаввур уйғотиши зарур»¹. Тўғри, кўпинча тузларнинг фамилиявий номларини чегаралаб, улар техникавий терминлар деб қаралади. Лекин уларнинг қисқалиги ва кенг тарқалганлиги бу чегара-лашга қарши туради, айрим ўринларда ҳатто фамилиявий терминлар системали терминларга нисбатан фаолроқ қўлланади. Масалан, *Мор тузи*, *Сегнет тузи* терминлари (булар ҳам шахс номлари асосида юзага келган) ўзларнинг системали дублетлари (*темир (II)-аммоний сульфат*, *калий-натрий тартрат*)га нисбатан фаолроқ ишлатилади. Бироқ, шунга қарамасдан, фамилиявий терминларни иккинчи даражали терминлар сифатида караб, системали терминларни биринчи даражали терминлар деб ҳисобламоқ зарур.

¹ Қаранг: Соловьев И. М. Нормализация научно-технической терминологии // Особенности языка научной литературы (Романо-германская филология). – Москва, 1965. – С. 129.

Юқорида кўриб ўтилганларнинг барчаси лексик дублетлардир, чунки бу дублетлар якка олинган сўзлар орқали юзага келган. Лексик дублетларга яна тўлиқ термин билан унинг қисқа вариантини параллел қўллаш, термин билан унинг символик ифодасини ёнмаён келтириш каби ҳолларни ҳам қўшиш мумкин. Биз бу ерда дублетликнинг мазкур кўринишлари ҳакида тўхталиб ўтирмаймиз. Чунки булар ҳам соҳалараро дублет терминлар сингари «рухсат этилган», бартараф этиб бўлмайдиган дублетлар қаторига киради. Энди морфологик дублетлар ҳақида бир-икки оғиз сўз.

Морфологик дублетлар

Бунда биз бинар бирикма терминларнинг аниқловчи компоненти ўзагига ёки содда терминга маъноси бир-бирига ўхшаш суффикс, префикс ва шу характердаги терминэлементларни кўшиб, янгидан термин ясаш натижасида юзага келган грамматик дублетларни тушунамиз. Морфологик дублетларни ҳосил қилувчи терминэлементлар ҳам турли тилларга мансуб қўшимча ва морфемалар бўлиши мумкин. Морфологик дублетлар қуйидаги сабабларга кўра юзага келган:

а) -ли аффикси ва -ган сифатдош шаклиниңг муайян бир ўзакка қўшилиши натижасида: *нишонли* – *нишонланган* (атом), *қутбли* – *қутбланган* (молекула), *қалайли* – *қалайлланган* (темир), *рухли* – *рухланган* (темир) ва бошқалар;

б) ўзакка туркий -ли аффикси ҳамда арабча -ий (-вий) аффиксини қўшиш натижасида: *ионли* – *ионий* (боғланиш, тенглама), *қутбли* – *қутбий* (атом), *атомли* – *атомий* (боғланиш), *асосли* – *асосий* (оксид), *кислотали* – *кислотавий* (оксид), *ишиқорли* – *ишиқорий* (муҳит), *ядроли* – *ядровий* (тузилиш) каби;

в) муайян ўзакка форсча но- префикси ҳамда ўзбекча -мас инкор шаклини қўшиш натижасида: *нометаллар* – *металлмаслар*, *ноэлектролитлар* – *электролитмаслар*, *ноактив* – *активмас* (металл) каби;

г) ўзбекча, форсча, арабча, русча-байнамилад терминэлементларни муайян ўзакка қўшиш натижасида *ациклик* – *циклсиз* (карбон-водородлар), *анорганик* – *ноорганик* (кимё), *график* – *графикавий* (тасвир), *оптик* – *оптикавий* (фаоллик), *типик* – *типавий* (масала),

перванадат – надванадат (кислота), *бихроматлар – дихроматлар*, *бикарбонатлар – дикарбонатлар*, *диполимер – қүшполимер*, *диоксид – қўшоксид*, *триоксиглутар – учоксиглутар* (кислота), *семиполяр – яримполяр* (богланиш), *трансаминланиш – қайта аминланиш* каби хилма-хил морфологик дублетлар юзага келган.

Морфологик дублетликнинг бир қисми мавжуд термин ясаш системасига эътиборсизликдан, амалдаги терминларни тўғри баҳолай олмасликдан келиб чиқади. Масалан, *нометаллар, ноэлектролитлар, ноактив* (металл), *дихромат, надванадат* (кислота) терминларини истеъмолга киритиш ортиқча морфологик дублетликка олиб келган. Чунки амалдаги *металлмаслар, электролитмаслар, активмас, бихромат, перванадат* шакллари маънени тўғри ифодалаб, муваффақиятли қўлланиб келган.

Бироқ шу пайтгача қўлланиб келган *ионли боғланиши, кислотали оксид, атом боғланиши, ядроли тузилиши* каби бирикма терминларга танқидий ёндашиб, уларни *ионий боғланиши, кислотавий оксид, атомий боғланиши, ядровый тузилиши* тарзида ифодалашни ортиқча деб айта олмаймиз. Бу ерда ҳам морфологик дублетлар юзага келган бўлса-да, кейин пайдо бўлган шакллар аввалгиларига нисбатан маънени тўғри ва аниқ ифодалайди ва шу жиҳати билан улар келгусида терминологияда мустаҳкамланаб қолиши мумкин. Зоро, дарслекларда *кислотавий оксид, матбуотда ядровый қуролсизланиши, ядровый уруши* бирикмаларининг қўлланаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Шу ўринда *-ий (-вий)* аффиксининг қўлланиши ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Келиб чиқиши жиҳатидан араб тилига мансуб бўлган ушбу аффикс ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталаригача каммаҳсул, камфаол аффикс ҳисобланган, у факат ўзлашма арабча, форсча сўзларда ҳамда *партиявий, физикавий, кимёвий* сўзларидагина қўлланган. Кейинги даврда бу аффикснинг қўлланиш доираси кенгайиб, унинг иштирокида бир неча юзлаб бирикма терминлар (уларнинг аниқловчи компоненти) қайта шаклланди. 70-йилларда физика, математика ва илм-техниканинг бошқа соҳалари бўйича нашр қилинган русча-ўзбекча терминология луғатлар ва дарслекларни кузатиш буни тасдиқлайди. Ҳатто «Ўзбек тили грамматикаси»да (1975) ҳам ушбу аффикс маҳсулдор, фаол аффикслар қаторига киритилган. Бироқ бу аффиксни қўллашда баъзи ўринларда

ортиқча суиистеъмолга йўл қўйилиб, ҳатто *-ли*, *-ик*, *-ион* сифат белгиларига эга бўлган сўз-терминлар ҳам *-ий*, *-вий* иштирокида қайтадан шакллантирилдики, бу стихияли ҳаракат айрим тилшунос ва мутахассисларнинг ўринли эътирозига сабаб бўлди.

-ий, *-вий* аффикси билан термин ясашда кимё дарслкларида ҳам айрим нуқсонларга йўл қўйилди. Масалан, амалдаги *математик ифода*, *график тасвир*, *типик масала*, *энергетик погона*, *мувозанатли концентрация* сингари терминлар маънони тўғри ифодалаб келгани ҳолда бу терминларни янгидан *математикавий ифода*, *графикавий тасвир*, *типавий масала*, *энергетикавий погона*, *мувозанатий концентрация* тарзида ифодалаш нотўғри ҳисобланади. Шунга қарамай, амалдаги бошқа сифат шакллари қўл келмай қолганда, у ёки бу кимёвий тушунчани ифодалашда айни шу *-ий* (*-вий*) аффиксидан бемалол фойдаланиш мумкин.

Кимёвий иш-ҳаракат, жараён номларини билдирувчи русча терминларни ўзбек тилида ифодалашда ҳам морфологик дублетлар келиб чиқади. Айниқса, *-ация* (*-изация*) суффикси билан тугалланган терминларни ифодалашда хилма-хиллик кўзга ташланади. Биз уларни уч хил усулда ифодаланганини кўрамиз: а) жараён номларини билдирувчи терминлар ўзбек тилига ўзгаришсиз қабул қилинган: *гидрогенизация*, *коагуляция*, *гидратация*, *вулканизация*, *ионизация*; б) ўзгаришсиз қабул қилинган термин таркибида жараён англатувчи суффикс бўлишига қарамай, унга яна шундай маъно билдирувчи ўзбекча аффикс қўшиб қўлланган: *коагуляциялаш*, *гидратациялаш*, *ионизациялаш*, *вулканизациялаш*; в) бундай терминлар таркибидаги аффикслар ўзбекча муқобил аффикслар билан алмаштирилган: *коагуллаш*, *гидратацииш*, *вулканлаш*, *ионланиш*, *полимерланиш* ва ҳоказо. Кўриниб турибдики, муайян бир тушунчани ифодалашда уйғунликнинг йўқлиги морфологик дублетликни келтириб чиқарган: *гидратация* – *гидратациялаш*, *гидратлаш* (-*ланиш*) каби.

Биз ушбу соҳада қўйидаги фикрга тўла қўшиламиз: «Агар сўз мустақил маъноли негиз ва осон ажralувчан маҳсулдор сўз ясовчи аффиксдан иборат бўлса, бу ҳолда фақат негизгина ўзлаштирилиб, унга сўз ясаш жараёнида она тили аффиксларн қўшилади»¹.

¹ Басқаков Н. А. Современное состояние терминологии в языках народов СССР // Вопросы терминологии. – Москва, 1961. – С. 63.

Оқорида кўриб ўтганимиз лексик ва морфологик дублетлар ўзбек кимё терминологияси соҳасидаги нуқсонлардан биридир. Бу эса терминология соҳасида илмий-текшириш ишларининг қали етарли эмаслиги, кимё мутахассислари билан тилшунослар ўргасида алоқанинг камлиги, кимёга оид терминологик луғатларнинг озлиги ва, энг муҳими, терминларни яратиш ҳамда қўллаш, кимёга оид илмий ва оммавий адабиётларни қабул қилинган терминлар асосида таржима қилиш бўйича назоратнинг сустлиги билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам ўзбек кимё терминологиясини тартибга солиш ҳамон долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мақола 1986 йилда ёзилган.

КИМЁ ТЕРМИНЛАРИНИНГ СЕМАНТИК УСУЛ БИЛАН ЯСАЛИШИ

Ўзбек кимё терминларининг семантик усул билан ҳосил қилиниши соф ўзбекча ёки ўзбек тилида аввалдан ишлатиб келинган арабча ва форсча, шунингдек, айрим русча-байналмилал сўзларни янги, кимёвий маънода қўллашдан иборат. Бу янги маъно муайян умумистеъмолдаги сўзнинг аввалги маъноларидан бири асосида юзага келади. Бунда икки ҳолатга эътибор бериш лозим:

1. Кимёвий терминларнинг оддий, умумистеъмолдаги сўзларнинг бевосита терминлашуви, маъно хосланиши орқали ясалиши.

2. Кимёвий терминларнинг билвосита, яъни бошқа терминология системаларда қўлланувчи терминларнинг кимё терминологиясига хосланиши орқали ясалиши.

I. Баъзан умумтилда аввалдан мавжуд бўлган, одатий сўзлар ўзларининг товуш таркибини ва шаклини ўзгартмаган ҳолда кимёвий термин сифатида қўлланиши мумкин. Оддий сўзнинг терминга айланиши натижасида бу сўз муайян терминологик системада янги мазмун касб этадики, бу мазмун унинг аввал қайд этилган маъноларига қўшимча бўлади.

Маълумки, кўплаб соф терминларни, яъни фақат термин функциясига эга бўлган бир планли луғавий бирликларни

кўллаш фан-техника тилининг фарқланувчи белгиларидан биридир. Илмий тилнинг иккинчи, аввалгидан кам аҳамиятли бўлмаган белгиси – умумадабий тилдаги сўзларни систематик танлаш, ўзлаштириш, шунингдек, терминологияга мослаш, уларни маҳсус терминологик маъноларда кўллашдир.

Тилшунослар қайд этганидек, «энг оддий сўзлар» ҳам терминлаша олиши мумкин¹. Бундай ҳолларда «ҳам терминлик, ҳам нотерминлик функциясини бажарувчи икки планли луғавий бирликлар»² кўзда тутилади.

Кимё терминологияси соҳасида семантик усулда термин ясаш эндиғина бошланиб, у қадар ривож топмаган жараёндир. Бироқ бошқа баъзи терминологик системаларда, хусусан, ботаника, ижтимоий-сиёсий ва техникавий терминологияларда бу усулдан кенг фойдаланилади, айтиш мумкинки, у термин ҳосил қилишнинг доминант усулига айланган. Бунинг сабаби шундаки, ботаника, зоология, ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳаларининг терминосистемалари ўтмиш даврларда ҳалқ тили асосида юзага келган ва жонли сўзлашув тили билан мустаҳкам алоқада ривожланган. Шунинг учун ҳалқ тилига хос бўлган кўпдан-кўп метафорик кўлланишлар уларда ўз аксини топган. Умумтил луғат бойлигидан тайёр ҳолда ўзлаштириш асосида ҳосил бўлган терминлар кимё соҳасида соф илмий терминларга нисбатан озчиликни ташкил этса ҳам, шунингдек, баъзан улар янги маъноларида ғайриодатий кўринса ҳам, янгидан ясалган терминлар илмий матнда кўлланиш мобайнода семантик жиҳатдан маҳсуслашиб, хосланиб боради. Бинобарин, «терминлаштирилган сўзлар билан соф терминлар орасидаги фарқ ҳам уларнинг хосланганлик даражасида, холос»³.

Умумистеъмолдаги сўзларнинг терминлашуви натижасида уларнинг умумтилдаги хилма-хил синонимик, антонимик ва бошқа коннотатив муносабатлари терминологик кўлланишда тамоман бошқача тус олади. Сўз терминга айланар экан, у экс-

¹ Будагов Р. А. Что же такое научный стиль? / Язык, история и современность. – М. 1971. – С. 144.

² Гак В. Г. Асимметрия лингвистического знака и некоторые общие проблемы терминологии. // Научный симпозиум «Семиотические проблемы языков науки, терминологии и информатики». Ч. I. – Москва, 1971. – С. 68.

³ Митрофанова О. Д. Язык научно-технической литературы. – М., 1973. – С. 39–40.

пресив ва коннотатив жиҳатдан нейтрал сўзга айланади, унинг умумтилдаги ўзига хос синонимик ва антонимик муносабатлари бузилиб, бу муносабатлар ўрнига шу типдаги янгича муносабатлар юзага келиши мумкин. Масалан, терминологик маънодаги *сувни ҳайдаш*¹ бирикма термини ўрнига *сувни қувлаш* бирикмасини қўллаб бўлмайди. Ҳолбуки, умумадабий тилда *қувлаш* ва *ҳайдаш* феъл шаклларининг ўзаро синонимлиги маълум. Ёки *тирик полимерлар* бирикмаси кимё терминологиясида *ўлик полимерлар* сингари антонимик бирикмага эга бўлолмайди. Худди юқорида гидек, умумадабий тилда бунга ўхшаш антонимлик мумкин бўлган ҳолатдир: *ўлик табиат* – *тирик табиат*, *тирик (ўлик) қурт*. Ушбу мисолларда умумистеъмол сўзларининг терминга айланиб, ўзларининг аввалги синонимик ва антонимик муносабатларидан узоклашгани кўриниб турибди. Чунки мазкур сўзлар энди тегишли терминологик маъноларга эга бўлиб, кимё терминологиясида маҳсус тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қиласи.

Худди шу фикрларни *кристалларни ўстириши*, қуруқ *ҳайдаш*, *полимерларнинг эскириши*, *сувни юмишатиш*, *ядронинг ялангочланиши*, *полимерларни пайвандлаши*, *сувнинг қаттиқлиги*, *қўргошин шакари*, *қалай вабоси*, *кислород кўприги* сингари қатор бирикма терминлар ҳамда учиши, *ҳаяжонланиши* ёки *галаёнланиши* каби терминлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Мазкур бирикмалар таркибидаги *ўстириши*, *ҳайдаш*, *эскириши*, *юмишатиш*, *ялангочланиши*, *пайвандлаши*, *қаттиқлик*, *шакар*, *вабо*, *кўприк* каби умумистеъмол сўзлари, бирикма терминлар хосил қилинча иштирок этиб, маҳсус кимёвий тушунчаларни англатар экан, ўзларининг дастлабки, умумистеъмолий маъносидан узоклашади. Масалан, адабий тилда *қаттиқ сув*, *юмишоқ сув* каби бирикмалар умуман қўлланмайди, улар файритабиий бирикмалар тарзида тушунилади, чунки мутахассис бўлмаган киши учун *сув* бу оддий суюқлик ҳисобланади. Бироқ кимё соҳасида пайдо бўлган ушбу антонимик бирикмалар маҳсус терминологик маънога эгадир. Кимё тилида *қаттиқ сув* дейилгандан, таркибида эриган ҳолдаги кальций ва магний тузлари

¹ Мисоллар қуйидаги манбалардан олинди: Сайдносирова З. Н., Деркунская Т. В. Химиядан русча-ўзбекча қисқача изоҳли луғат. – Тошкент, 1975; Рустамов Ҳ. Умумий химия. – Тошкент, 1969; Сайдносирова З. Анерганик химия. – Тошкент, 1970; Ўзбек энциклопедияси. II том. – Тошкент, 1978 ва бошқалар.

бўлган табиий сув тушунилади. Агар сувда бу тузлар бўлмаса ёки жуда оз миқдорда бўлса, у юмиюқ сув дейилади.

Илмий-техникавий терминологиянинг бошқа соҳаларида бўлгани сингари, ўзбек кимё терминологиясида ҳам метафорик ўхшатиш асосида ясалган юқоридагидек терминлар кўплаб учрайди. Бунда умумадабий ёки жонли тилдаги муайян сўз орқали ифодаланган предмет ёки ҳодисанинг бирор хусусияти, шаклан ўхшашлиги, ранг-тус ёки мазасидаги бир хиллик янги термин ясалиши учун асос бўлади. Ушбу жараёнда оддий сўз ва терминнинг англатган маънолари ва функционал жиҳатлари орасида яқин боғланиш бўлиши ҳам ёки муайян сўзининг оддий ва терминологик маънолари орасида анча узоклашиш рўй бериши ҳам мумкин.

Кислород кўприги бирикма термини таркибидаги кўприк сўзи умумадабий тилда ҳаракатнинг давомийлигини таъминлайдиган, анхор, дарё ёки жарликларнинг икки қирғоғини бирлаштирадиган иншоотни ифодалайди. Сўзининг маъноси, яъни кўприкнинг икки қирғоғни бирлаштириш функцияси ва шакли кимё терминологиясидаги янги *кислород* кўприги бирикмасини келтириб чиқаради. Маълумки, пероксид гурухларда кислороднинг икки атоми ўзаро O–O шаклида боғланганки, бу ҳолат ҳам функционал, ҳам шакл жиҳатдан кўприкни эслатади. *Ялангоч* сўзининг терминологик доирага киритилишида ҳам худди шундай ҳолни кузатиш мумкин. Ушбу сифат умумтилда *ялангоч* бола, *ялангоч ер* сингари бирикмаларда «бирор нарса билан ёпилмаган, ўралмаган, бирор нарса ўсмаган» деган маъноларни ифодалайди. Кимёда *ялангоч ядролар* деганда, асосан, ўз электронини бошқа бир электрманфийроқ элементга берган водород ёки бошқа бир элемент ядроси тушунилади. Маълумки, электронлар ядрони ўраб турувчи, унинг атрофида қобиқ ҳосил қилувчи заррачалардир. Улар бир элементдан иккинчи элементга интилганда, биринчи элемент ядроси электронсизлашади, яъни «яланғочланади».

Бироқ *эскирии* сўзининг термин сифатида кўулланишида бошқачароқ ҳолни кузатамиз. Эскириш умумадабий тилда «ишлатилиб, тутилиб эски бўлиш, тўзиш ёки яроқсиз ҳолга келиш; вақт ўтиши билан айниш, бузилиш» каби маъноларни ифодалайди. Терминологик маънодаги *коллоидларнинг* *эскирии* бирикмаси

«коллоидлар ички ҳолатининг секин-аста ўзгариши билан физик-кимёвий хоссаларининг ҳам секин-аста ўзгариши» деган маънони, полимерларнинг эскириши биримаси эса «полимерларни сақлаш, қайта ишлаш ва қўллашда рўй берадиган ва хоссаларининг ўзгаришига сабаб бўлувчи кимёвий ва физикавий жараёнлар мажмую» маъносини ифодалайди. Агар умумадабий тилда эскириши аксари ташки қўринишдан ўзгаришни белгилаётган бўлса, терминологик маънода у модданинг физик-кимёвий хоссалари ҳамда ички ҳолатининг ўзгаришини ифодалаб келмоқда.

Қалай вабоси, қўргошин шакари сингари терминологик бирималар таркибидаги *вабо, шакар* каби сўзлар ўзларининг умумистеъмолдаги маънолари билан яқин боғланишда бўлгани ҳолда терминологик қўлланишда ўзгача маъно касб этади. Маълумки, вабо ўта хавфли ва юқумли касаллик бўлиб, кўп ҳолларда ўлим билан тугаши мумкин. Вабонинг тирикни ўлдириш маъноси мазкур *қалай вабоси* терминологик биримасини ҳосил қилишда асосга олинган: қалайнинг аллотропик шакл ўзгаришларидан бири оқ қалай 14° дан 113° гача бўлган ҳароратда мўрт, тўртбурчак кристаллардан иборат юмшоқ металлдир; 14° дан куйи температурада, айниқса -40° — -45° да у кубик кристаллардан иборат кукунсимон кулранг қалайга айланади. Ана шу жараён *қалай вабоси* номини олган. Қалайнинг ташки ва ички белгиларининг ўзгариши (ранги ва кристалланиш системаси) вабо касаллигида кечадиган ташки ва ички ўзгаришларга қиёсланган. *Шакар* деганда оппоқ кристаллардан иборат ширин модда тушунилади. Шакарнинг ранг ва маза жиҳатдан белгилари худди шундай белгиларга эга бўлган кимёвий моддани номлашда асос қилиб олинган. Ҳақиқатдан ҳам илмий, систематик қўргошин (*II*) аҳетат номенига дублет бўлган қўргошин шакари номли модда оппоқ, ширин ва кристалл структурага эга, бироқ у ўта заҳарлидир. Бу модданинг ширинлиги сабаби аниқланмаган. Кўриниб турибдики, бу ерда сўз ва термин ифода этган моддалар ранг ва маза жиҳатдан ўхшашибўлса ҳам, функционал ва таъсир жиҳатлари асло мос келмайди (қўргошин шакари 75° да эрийди, заҳарсизланади ва тиббиётда қўллланади).

Терминларнинг семантик ясалиш жараёнида умумистеъмол сўзларининг маъносида торайиш ва кенгайиш ҳам рўй беради.

Масалан, икки планда қўлланувчи *сув* ва туз лексемаларини олиб кўрайлик. *Сув* сўзи умумадабий тилда кенг маънода тушунилади; *сув* термини эса хусусий илмий маънога эга бўлгандан кейин, яъни «сув – H₂O дир» деган таърифни олган 1790 йилдан кейин асосан кимёвий тоза, дистилланган сув маъносида тушунилади ва у умумадабий тилдаги маъносига нисбатан чекланган қўлланиш характерига эга бўлади. Шунингдек, умумадабий тилда ва илмий терминологияда *сув* сўзи иштироқида ҳосил қилинган бирикмалар характеристи ҳам бир-бирига ўхшамайди. Солишириинг: *оғир сув, енгил сув, қаттиқ сув, юмшоқ сув, сувни юмшатиш, сув аномалиялари, сув гази; илиқ сув, совуқ сув, шўр сув, тиник сув, сувни оқизиш, сув ҳавзалари, сув оқими.*

Туз сўзи ва туз термини маънолари орасидаги муносабат юқоридагига нисбатан аксинчадир, яъни умумадабий тилдаги *туз* сўзининг асосий маъноси (ош тузи, овқатга муайян таъм берувчи модда) шу лексеманинг термин сифатидаги маъносига қараганда тордир. Кимё терминологиясида *туз* фақат ош тузи (натрий хлорид) нигина англатмайди, балки «кислотадаги водород атомининг металлга ёки асосдаги гидроксил гурухни кислота қолдигига алмашинишидан юзага келган ҳосилалар» деган умумий таъриф билан бирлаштирилган моддаларнинг бутун бир синфини англатади ва шу маънода кўплик қўшимчаси билан (*тузлар*) қўлланади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, икки планли лексемалар термин сифатида қўлланганда, ўзларининг умумадабий тилдаги изоҳидан кескин фарқланувчи қатъий дефиницияга эга бўлади,

II. Маълумки, муайян фан соҳасида пайдо бўлган ва қўлланаётган терминлар ҳам метафорик тарзда кўчма маънода иккинчи бир соҳа доирасига олиб кирилади. Бу жараён кейинги фан соҳасининг янги термин билан бойишига сабаб бўлади, яъни семантик усулда янги термин ҳосил қилинади. Масалан, ўзбек кимё терминологиясида бошқа бир қатор терминологик системаларга доир терминлар янги кимёвий маъноларда қўлланмоқда. Чунончи, *тенглама, кўпайтма, эгри (чизик), ҳосила* каби математик терминлар, *тўлдирувчи, боғловчи, қўшимча* сингари тилшунослик терминлари, ижтимоий-сиёсий терминологияга оид *ўринбосар, инициатор, ташаббускор*, физикага оид *стабилизато*, тиббиётга таалпуқли *донор* ва бошқа терминлар шулар жумласидандир. Агар булардан

фақат кўпайтма (эрувчанлик кўпайтмаси), тенглама (кимёвий тенглама), эгри чизик (эрувчанлик эгриси ёки эгри чизиги) каби математик терминлар ўзларининг асосий математик маъноларига деярли тенг кўлланса, юқорида келтирилган бошқа терминлар кимё фани соҳасида семантик жиҳатдан белгили ўзгаришларга учраб, янги терминологик маънода, фақат кимё терминологияси майдонида ишлатилади. Улар кимё терминологиясига асосан вазифаси ва жараён ўхшашлигига кўра кўчирилади. Ўзбек тилидаги айрим терминларнинг улар дастлаб мансуб бўлган терминологик система даги ва кимё терминологиясидаги таърифларини қиёслашниң ўзи ушбу метафорик кўчиш жараёнида рўй берган семантик ўзгаришлар ҳақида яққол тасаввур уйғотади:

ТЎЛДИРУВЧИ: *тилишуносликда*: ҳаракатнинг обьекти бўлган предметни ифодалаб, гапнинг бирор бўллагига бошқарув йўли билан боғланадиган иккинчи даражали бўлак; *кимёда*: пластмассалар, резина, елим, лак, бўёқларга уларнинг ишланишини осонлаштириш, эксплуатациян (пухталик, электр ва фрикцион) хусусиятларини яхшилаш ва арzonлаштириш мақсадида кўшиладиган моддалар.

ПАЙВАНДЛАШ: *биология ва қишлоқ хўжалигида*: бирор ўсимликнинг новда ёки куртагини бошқа ўсимлик танасига ўтқазиш ва бу билан янги хоссали ўсимлик ҳосил қилиш; *кимёда*: юқори молекуляр полимернинг асосий занжирига бошқа полимер ён занжирларининг кўшилиши ва аксар ҳолларда кўшилувчиларнинг хоссалари асосида уларнига ўхшамаган янги хоссаларнинг юзага келиши.

ЎРИНБОСАР: *ижтимоий-сиёсий терминологияда*: бирор кимсанинг ишини давом эттирадиган, мавқеини эгаллайдиган шахс, муносиб шогирд; *кимёда*: ҳалқали углеводородлар, мас., бензол ҳалқасидаги муайян водород атоми ўрнини олувчи ўзгармас атомлар гурухи.

Умуман олганда, оддий сўзлар маъносининг ўзгариши ёки мавжуд терминлар маъносининг торайиши ёхуд кенгайиши, шунингдек, бошқа терминологик системалардаги тайёр лексемалардан фойдаланиш орқали янги терминлар яратиш илмий терминлар ясашниң бошқа усууларига қараганда бир қатор афзалликларга эга, яъни бу усуулда ясалган терминлар содда, қисқа бўлиб,

осон эсда қолади ва у ёки бу тушунчани аниқ, конкрет тасаввур этишга ёрдам беради. Семантик усул билан термин ясаш кимё терминологияси соҳасида эндиғина ривожланиб келаётган жараён бўлиб, сўнгти йилларда юзага келган *тиклиган полимерлар*, *молекулани кесии ва тикиши, иссиқ атомлар*, она *ядро, қиз ядро* сингари метафорага асосланган янги терминларнинг юзага келиши бу усулининг мазкур соҳада янада ривожланиши мумкинлиги ни кўрсатади.

ЎЗБЕК ТИЛИ ИШ ЮРИТИШ АТАМАЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲАҚИДА

Ўзбек хужжатчилиги бой ва узоқ тарихимизнинг илк босқичларидаёқ пайдо бўлиб, ўзига хос анъаналар асосида, ўзига хос услугуб ва шакллар воситасида ривожланиб келган бўлса-да, XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида ва ундан кейин жумхуриятимизда хужжатчилик бевосита ўзбек тили негизида ривожлантирилмади – бу соҳадаги асосий йўналиш рус тилидан нусха кўчиришдан иборат бўлиб қолди. Ана шунинг ва бошқа бир қанча омилларнинг оқибати ўлароқ ўзбек тилининг расмий иш услуби деярли такомил топмади. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган бугунги кунда ўзбек тилида мукаммал ҳужжатчиликни яратиш, унинг атамаларини ишлаб чиқиш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Маълумки, ҳар қандай ҳужжат муайян ахборотни у ёки бу тарзда ифодалаш учун хизмат қиласи, демак, ҳужжатлардаги бирламчи ва асосий унсур ҳужжатнинг тили ҳисобланади. Ҳужжатларда сўз ва гап тартиби билан алоқадор, сўз қўллаш билан боғлиқ жуда кўп муаммолар борки, уларни фақат айни тил (бу ўринда – ўзбек тили) табиатидан келиб чиқиб ҳал этмоқ лозим.

«Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 7-моддасида «Ўзбекистон ССРда муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда иш республика давлат тилида юритилади» деб ёзилган ва 22-моддасида иш қоғозларининг матнлари давлат (ўзбек) тилида бўлиши талаби қўйилган экан, бу вазифаларни амалга ошириш қандайдир ўзбошимчалик ва ўзибўларчилик тарзida

бориши керак эмас. Иш бу тарзда амалга ошириладигап бўлса, ҳужжатларда хилма-хиллик ҳамда идораларо тушунмовчиликлар келиб чиқади. Шу сабабли ҳам жумҳурият архив бошқармаси ёки жумҳурият Давлат андоза (стандарт) лар кўмитаси қошида иш юритишнинг ягона давлат тизимини яратиш, ҳужжатларни тайёрлашнинг умумий қоидалари ва уларнинг ягона андозаларини ишлаб чиқувчи алоҳида ташкилот бўлиши керак, чунки шу пайтгача бу ишлар билан собиқ Бутуниттифоқ ҳужжатшунослик ва архив ишлари илмий-тадқикот институти шуғулланар эди.

Жумҳуриятимизда, институт даражасида бўлмаса-да, кичикроқ бир гурӯҳ ташкил этилиб, бу муассаса, масалага ўзбек тили нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда, ягона ҳужжат нусхаларини ишлаб чиқиши лозим. Афсуски, бу иш ҳалигача хукumat доирасида ва даражасида ҳал қилинмай келмоқда. Тўғри, кўплаб муассаса ва ташкилотларимиз бугунги кунда ўзбек тилида иш юритишга ўтиб, ўзбек тилининг бой материаллари ва қонуниятларидан кенг фойдаланмоқдалар. Бироқ бу ишлар марказлашган ҳолда амалга оширилмас экан, ундан самарали натижалар кутиш қийин. Ҳужжатчилик (иш юритиш) атамалари ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

Атамаларни тартибга солиш биринчи галда давлат тилида иш юритишни жорий қилишга қаратилиши керак, зеро, бу соҳадаги бир қатор атамалар ўзининг ўзбекча муқобилини кутмоқда. Айрим ҳолларда тушунчаларнинг моҳиятини мукаммал, чуқур англамай туриб, даврий матбуот саҳифаларида уларга ноўрин атамалар, муқобиллар таклиф қилинмоқда. Масалан, бир қатор газеталарнинг «Атамалар бурчаги» рукнида заявка ўрнида *талашибнома* атамасини қўллаш таклиф қилинди. Ҳолбуки, ҳатто 30-йилларда ҳам *талашибнома* атамаси русча «требование» маъносида қўлланган. Худди шунингдек, русча «ценность» сўзи муқобили сифатида қадрият атамаси таклиф қилинди, бу атама фалсафий нуқтаи назардан, яъни *ахлоқий қадрият* сифатида тўғри бўлиши мумкин. Бироқ тушунча моҳиятини бир томонлама ўйлаб топилган муқобиллар жамоатчиликни чалғитиши мумкин. Чунончи, бир қатор корхоналардаги баъзи бир ҳужжатларда «инвентаризация ценностей» атамаси қадриятларни инвентар-

лаш тарзидা берилди. Кўриниб турибдики, русча «ценность» атамасининг иш юритиш соҳасидаги муқобили қадрият эмас экан. Бу ўринда қимматдор ёки қимматбаҳо буюллар биримасини кўллаш мақсадга мувофиқдир.

Яқинда нашр этилган «Ўзбек тилида иш юритиш» китобимизда *характеристика* сўзининг муқобили сифатида *тавсифнома* атамасини кўллаган эдик. Бироқ айрим газета мақолаларида бу атама ўрнига *руҳиятнома* сўзини кўллаш лозимлиги ҳақида таклифлар ҳам бўлди. Бу таклиф тушунча моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди, чунки *характеристикада* фақат шахснинг руҳияти, хулқ-автори эмас, балки мутахассислик бўйича маҳорати, ишга муносабати, хизмат вазифасидаги ўзгаришлар, лавозими, жамоат ишларидаги иштироки, қандай мукофот ва рағбатлантиришларга сазовор бўлганлиги, ҳатто айрим ҳолларда берилган маъмурний жазолар ҳам ўз аксини топади. Шу сабабли ҳам биз юқоридагиларнинг барчасини қамраб олувчи *тавсифнома* атамасини кўллаган эдик. Бизнинг фикримизча, *руҳиятнома* сўзи *характеристика* атамасининг муқобили бўла олмайди.

Иш юритиш атамаларини ҳосил қилишда **-нома** кўшимчалининг қўлланаётганлиги ҳақида ҳам эътиrozлар билдирилди. Маълумки, сўз ясовчи кўшимчаларни маҳsusлаштириш, одатда, мутахассислар томонидан онгли ва режали равишда амалга оширилади. Ўзбек атамашунослигига техника ва ботаника атамаларини ҳосил қилишда бундай маҳsusлаштиришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Бинобарин, иш юритишда, ҳужжатчиликда ҳужжат номларини тартибга солиш, уларни муйян қолип бўйича ҳосил қилишда ҳам баъзи кўшмчаларни маҳsusлаштириш мақсадга мувофиқдир. Масалан, *баённома*, *далолатнома*, *йўриқнома*, *маълумотнома*, *мурожсаатнома*, *тавсифнома*, *тавсиянома*, *шартнома* каби ҳужжат номларидаги **-нома** кўшимчаси, биринчидан, ҳужжатнинг ёзма шаклда эканлигига ишора қилса, иккинчидан, ҳужжатчилик соҳасига оид атамаларни тартибга солишда қўл келиб, атамаларга қўйилган қатор талабларга мос тушади.

Мазкур «Ўзбек тилида иш юритиш» китобини яратишда бир қатор қийинчиликларга дуч келинди. Бу қийинчиликлардан бири мана шундай қўлланмаларнинг ўзбек тилида деярли яратилмаган-

лиги, яъни тажрибанинг йўклиги бўлса, иккинчиси, энг асосийси, ўзбек тили иш юритиш атамаларининг умуман ўрганилмаганигидир. Ҳақақатан ҳам 1933 йилда нашр этилган Я. Булатов ва Б. Илёзовларнинг «Русча-ўзбекча ишюрутиш терминлари сўзлиги» ҳамда 1934 йилда нашр қилинган Б. Илёзовнинг «Ўзбекча-русча ишюрутиш терминлари сўзлиги»ни ҳисобга олмаганда, бу соҳа атамаларини ўрганишида ҳеч қандай илмий ёки амалий:иш қилинмаган эди. Натижада ўзбекча ёки ўзбек тили қонун-қоидалари асосида ҳосил қилинган атамалар билан алмаштириш имкони бўлган юзлаб русча-байнамилал атамалар йиллар давомида ўзбек тилида кўлланиб келди, ҳатто уларни тартибга келтириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмади. *Адрес, акт, анкета, бланк, виза, канцелярия, протокол, рапорт, резолюция, справка* каби атамалар шулар жумласидандир. Хужжатчилик асосан рус тилида олиб борилганилиги туфайли ҳатто оғзаки нутқда ўзбек тилида мавжуд бўлган ёки ҳосил қилиниши мумкин бўлган *бўйруқ, ишончнома, кўчирма, фармон, хабарнома, чақирувнома* каби бир қанча атамалар *приказ, доверенность, витиска, указ, извещение, повестка* сингари кўлланиб келинди ва ҳануз бундан кутулганимиз йўқ.

«Ўзбек тилида иш юритиш» кўлланмасининг муаллифлари иш юритиш атамалари соҳасидаги юқоридагидек камчилик ва нуқсонларни имкон даражасида камайтиришга ҳаракат қилдилар, хусусан, бир қатор атамаларнинг таржимаси берилди, айрим атамалар янгидан ҳосил қилинди. Бироқ муаллифлар бу янги атамалар мутлақ тўғри ва бенуқсон деб даъво қилмайдилар. Бунинг исботи сифатида китобда тавсия этилган *мажслис баёни* (протокол) атамасини кўрсатиш мумкин. Кейинги кузатишлар ва амалиёт ушбу атаманинг нуқсонли эканини, унинг ўрнида *баённома* (*мажслис баённомаси, тергов баённомаси* каби) сўзини қўллаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

Эндиликда иш юритиш атамалари соҳасидаги нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш вақти келди. Бу иш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатларни қамраб олмоғи ва фақат саноқли кишиларнинг иши бўлиб қолмай, барча соҳа мутахассислари ва кенг жамоатчиликнинг изчил фаолиятидан иборат бўлмоғи керак.

Мақола 1992 йилда Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда ёзилган.

Учинчи бўлим
ЛУГАТЛАР ВА ЛУГАТЧИЛИК ТАРИХИ

ЛУГАТ ВА ЛУГАТ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА

«Луғат» арабча сўз бўлиб, тил, шева, лаҳжа, сўз, ибора каби маъноларни билдиради. Ҳозирги кунда ушбу сўз икки маънода: 1) муайян тилда, унинг ҳудудий ёки ижтимоий лаҳжасида мавжуд бўлган, шунингдек, у ёки бу ёзувчи асарларида учрайдиган сўзлар йиғиндиси, яъни лексика; 2) сўзлар (ёки морфемалар, сўз бирикмалари, иборалар ва ш. к.) муайян тартибда (алифболи, уяли, мавзули) жойлаштирилган, тавсифланувчи бирликлар, уларнинг келиб чиқиши, маънолари, ёзилиши (имлоси), талаффузи, услубий мансублиги, бошқа тилларга таржимаси ҳақида маълумотлар жамланган китоб маъноларида қўлланади. Ана шу иккинчи маънодаги луғатлар маънавий маданият соҳасида муҳим ўрин эгаллайди, чунки уларда жамиятнинг маълум даврда эришган билимлари акс этади¹.

Луғатлар, шунингдек, бир қатор ижтимоий вазифаларни баъжаради: муайян воқеа-ходиса ҳақида ўқувчига маълумот беради; уни ўз она тилидаги ва ўзга тиллардаги сўзлар билан таништиради; тилни, унинг луғат таркибини такомиллаштириш, меъёрлаштириш ва тартибга солишга ёрдам беради. Луғатлар жуда қадимги даврларда пайдо бўлган. Ушбу фикрнинг исботи сифатида Маҳмуд Кошфарийнинг «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони», XI аср), Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддиматул адаб» («Адаб илми муқаддимаси», XII аср) асарларини эслатиб ўтиш кифоя қиласа керак. Бу ўринда шуни айтиш керакки, Европада, хусусан, Россияда луғатларга, луғатлар тузишга бўлган жиддий муносабат XVII асрдан бошланиб, Россиядаги дастлабки ҳақиқий изоҳли луғат ҳам ана шу даврда пайдо бўлган². Ҳозирги

¹ Гак В. Г. Словарь // Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва, 1990. – С. 462.

² Будагов Р. А. Толковые словари в национальной культуре народов. – Москва, 1989. – С. 8 и 149.

кунда луғатлар маълумот-аҳборот тўплаш ва уни ўқувчига етка-зиша янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўз қамрови, мақсади, вазифаси ва тавсиф усулига кўра луғатларнинг турлари ранг-барамандир. Сўзни тавсифлашдаги бир қанча фарқли хусусиятларига кўра, луғатларни асосан икки турга: энциклопедик ва лингвистик (филологик) луғатларга ажратиш мумкин. Ўз навбатида, ҳар бир турдаги луғат, ҳажмига кўра катта, ўртача, кичик; қамраб олган материалининг оз-қўплиги ва ишланишига қараб тўлиқ ва қисқа бўлиши мумкин¹.

Энциклопедик луғат сўзларнинг ўзини эмас, балки улар орқали билдириладиган предмет ва тушунчаларни изоҳлайди, тушунтиради. Лингвистик луғатларнинг асосий мақсади эса тил бирлиги ҳисобланган сўзнинг маъноларини, турли лисоний хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Лингвистик луғатлар лексикографик тавсиф мазмуни, вазифаси ва усуслари нуқтаи назаридан бир қанча турларга бўлинади:

1. Сўзларнинг маънолари, қўлланиш соҳаси ва даражаси, фонетик ва грамматик хусусиятларини кўрсатиб берувчи изоҳли луғат (В. И. Даль. Толковый словарь живого великорусского языка. Ч. 1 – 4. – СПб., 1863 – 1866; С. И. Ожегов. Словарь русского языка. 22-изд. – Москва, 1990). Ўзбек лексикографияси тарихида дастлабки бир тилли катта луғат – икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» устида катта тажрибага эга бўлган луғатчилар гурухи 20 йил давомида жонбозлик билан иш олиб борди ва бу луғат 1981 йилда З. Маъруфов таҳрири остида нашр этилди. Нихоят, 2006 – 2008 йилларда беш жилдан иборат «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ҳам нашр этилди.. Эндиликда Ўзбекистонда луғатчилик, шу жумладан, икки тилли луғатлар тузиш соҳасида амалга ошириладиган барча муҳим ва йирик ишлар, ташабbusлар миллий тилнинг катта изоҳли луғати билан, В. Г. Гакнинг тъбири билан айтганда, «луғатнинг энг муҳим, асосий тури»² билан боғлиқ бўлади. Чунки янги изоҳли луғат ҳозирги ўзбек адабий

¹ Қаранг: Акобиров С. Нутқ маданияти ва норматив луғат. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б. 23–24.

² Гак В. Г. О некоторых закономерностях развития лексикографии (учебная и общая лексикография в историческом аспекте) // Актуальные проблемы учебной лексикографии. – Москва, 1977. – С. 12.

тилида нисбатан кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, жумладан, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шеваларда қўлланадиган сўзларни, бაъзи тарихий ва эскирган атамаларни қамраб олган, улар талаб даражасида изоҳланган.

2. Муайян тилга ўзлашган, лекин ўзлашмалиги сезилиб турган бошқа тил сўз ва терминларини тушунтириб берувчи **хорижий сўзлар луғати** (Большой иллюстрированный словарь иностранных слов. – М.: Астрель. АСТ, 2004; Новейший словарь иностранных слов и выражений. – Минск: Современный литератор, 2003; О. Усмон ва Р. Дониёров, Русча- интернационал сўзлар изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1965; 2-нашри: – Тошкент: Ўзбекистон, 1972).

3. Бир тилга оид лугавий бирликларни бошқа тилга ўгириб, изоҳлаб берувчи **таржима луғатлари** – ўзбек лексикографиясида кенг тарқалган, қадимдан маълум луғат тури. XIX асрдагача араб-ўзбек, форс-ўзбек, турк-ўзбек иккитиллилигига асосланиб ёки аксинча тартибда тузилган таржима луғатлари мавжуд бўлган бўлса [«Девону луғотит турк», «Муқаддиматул адаб», «Абушқа» ўзбекча-туркча изоҳли луғати (XVI аср, Туркия), Толи Имони Хиравийнинг «Бадоевл луғат» ўзбекча-форсча луғати (XVI аср боши, Хирот), Хоксорнинг «Мунтахабул луғат» форсча-ўзбекча (XVIII аср охири, Хива), Мирзо Маҳдийхоннинг «Санглоҳ» ўзбекча-форсча луғати (XVIII аср, Эрон), Сулаймон Бухорийнинг «Луғати чифатоий ва турки усмоний» (XIX аср, Туркия) асари ва б.], XX асрда улар қаторига мазкур тиллар билан бирга инглиз, немис, француз, испан, хинд, япон тиллари иштирокида тузилган икки тилли луғатлар ҳам қўшилди [Немисча-ўзбекча луғат, 1964; Ўзбекча-немисча луғат, 1967; Инглизча-ўзбекча луғат, 1968; Ўзбекча-инглизча луғат, 1969; Арабча-ўзбекча луғат, 1986; Хиндийча-ўзбекча луғат, 1987; Испанча-ўзбекча луғат, 1977; Ўзбекча-форсча ўқув луғати, 1975, 1984; Forscha-o‘zbekcha lug‘at, 2006; Inglizcha-o‘zbekcha, o‘zbekcha-inglizcha lug‘at, 2006, 2007, 2013; Русча-ўзбекча мукаммал луғат (А. Зоҳирий, 1927), Қисқача ўзбекча-русча луғат (К. Юдахин, 1927), бир жилдли Русча-ўзбекча луғат, 1954; беш жилдли Русча-ўзбекча луғат, 1950 – 1955; бир жилдли Ўзбекча-русча луғат, 1959, 1988; икки жилдли Русча-ўз-

бескни луғат, 1983 – 1984; шу луғатнинг тузатилган, тўлдирилган нашири, 2013 ва б.].

4. Сўзларнинг қачондан эътиборан шу тилда қўллана бошлагани, унинг фонетик, грамматик, семантик белгилари тараққиётини кўрсатиб берувчи тарихий луғат (Древнетюркский словарь.

— Л., 1969; А. К. Боровков. Лексика среднеазиатского тифсира XII–XIII веков. — М. — Л., 1963; Э. И. Фазылов. Староузбекский язык: Хорезмийские памятники XVI века, ч. 1 – 2. — 1966, 1971 ва б.).

5. Тилнинг лаҳжа ва шеваларига хос бўлган, фонетик ёки семантик жиҳатдан адабий тилдаги сўзлардан фарқ қиласидиган сўзларни кўрсатувчи диалектал (шева) луғат (Ф. Абдуллаев. Хоразм шевалари. 1-кисм. Луғат, 1961; Ўзбек халқ шевалари луғати, 1971; С. Иброхимов. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. 1-китоб, 1956; 2 – 3-китоблар, 1959; Т. Нафасов. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари, 2011; Б. Тўйчибоев, Қ. Қашқирли. Зомин тил қомуси, 2012).

6. Сўзнинг келиб чиқишини, манба тилдаги маъносини, таркибий тузилишини, товуш ёки маъно жиҳатдан ўзгаришини кўрсатиб берувчи этиологик луғат [Э. В. Севорян. Этимологический словарь тюркских языков. тт. 1 – 4. – Москва, 1974 – 1984; М. Фасмер. Этимологический словарь русского языка, тт. 1 – 4. – Москва, 1964 – 1973; Ш. Раҳматуллаев, Ўзбек тилининг этиологик луғати (1-китоб: туркий сўзлар, 2000; 2-китоб: араб сўзлари, 2003; 3-китоб: форсча-тожикча бирликлар, 2009)].

7. Бир оиласга мансуб тиллардаги сўз бойлигини солиштириб, тақослаб, улардаги тафовут конуниятларини ўрганиши мақсадида тузиладиган қиёсий луғатлар (Бундай луғатнинг дастлабки намунаси М. Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари хисобланади; Л. Будагов, Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. ч. 1 – 2. – СПб., 1869; В. В. Радлов. Опыт словаря тюркских наречий. тт. 1 – 4. – СПб., 1888 – 1911).

8. Сўзларнинг мавжуд имло қоидаларига биноан тўғри ёзилиш шаклларини қайд этувчи имло луғати (1929 йилдан ҳозирги кунгача кирилл ва лотин алифболарига асосланган ўзбек ёзувида ўзбек тилининг турли ҳажмдаги 20 дан ортиқ имло луғати тузил-

ган; 65 мингдан ортиқ сўз ва сўзшаклларни қамраб олган катта ҳажмли ўзбек тилининг имло луғати 1975 йилда, 85 000 дан ортиқ сўз ва сўзшаклларни қамраб олувчи энг мукаммал имло луғати 2013 йилда нашр этилган. Бундан ташқари, ўзбек имлосидаги баъзи кийин ҳолатларга оид, хусусан X ва X ҳарфлари иштирик этган сўзлар бўйича тузилган имло луғатлари ҳам мавжуд.

9. Сўзларнинг адабий талаффузи қайд этиладиган **талаффуз** (орфоэпик) луғати (М. Содикова, Ў. Усмонова. Ўзбек тилининг орфоэпик луғати, 1977; Э. Бегматов ва б. Ўзбек адабий талаффузи луғати, 1984).

10. Муайян тилдаги сўзларнинг морфем тузилишини кўрсатувчи **морфем луғат** (А. Ғуломов ва б. Ўзбек тилининг морфем луғати, 1977).

11. Сўзлиги фразеологик бирликлардан, барқарор иборалардан ташкил топадиган **фразеологик луғат** (Фразеологический словарь русского языка. – Москва, 1967; М. Содикова. Русча-ўзбекча фразеологик луғат, 1972; Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати, 1978; М. Абдураҳимов. Қисқача ўзбекча-русча фразеологик луғат, 1980; Э. Умаров. Фразеологический словарь «Хазойинул маоний» Алишер Навои, 1971; М. Умархўжаев, Н. Назаров. Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат, 1994 ва б.).

12. Сўзларнинг қўлланиш миқдори ва фоизи ҳақида маълумот берувчи **частотали луғат** (И. А. Киссен. Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка, 1972; С. Ризаев. Ўзбек болалар адабиёти тили лексикасининг частотали луғати, 1980; С. Ризаев, Н. Бўронов. Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» повести тили лексикасининг частотали луғати, 1980 ва б.).

13. Сўзлар уларнинг тескари (сўнг) томонидан ўқилиши бўйича алифбо тартибида жойлаштирилган **терс (чаппа) луғат** (Р. Қўнғуров, А. Тихонов. Ўзбек тилининг чаппа луғати, 1968; B. Yusuf. Turk tilining ters lug‘ati, 2006).

14. Сўзликни таркиб топтирувчи сўзлар рўйхати маълум мавзуларга бўлиб берилган **тематик (мавзули) луғат** (А. Тихонов ва б. Русско-узбекский тематический словарь, 1975 ва б.).

15. Сўзликлари омоним, синоним, пароним сингари лугавий бирликлардан иборат бўлган **омонимлар луғати, синонимлар луғати, антонимлар луғати, паронимлар луғати** (Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати, 1984; А. Ҳожиев. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати, 1974; Ш. Раҳматуллаев, Н. Маматов, Р. Шукуров. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати, 1980; А. Маъруфов. Паронимлар луғати, 1974 ва б.); кейинги пайтларда нашр этилган Р. Расулов ва И. Умировларнинг «Ўзбек тили тасвирий ифодаларининг изоҳли луғати», А. Омонтурдиевнинг «Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати», Н. Маҳмудов ва Д. Худойбергановаларнинг «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати» (2013) каби луғатларни ҳам услубга алоқадорлиги жиҳатига кўра, шу гурухга киритиш мумкин.

16. Сўзлиги атоқли отлар ёки жой номларидан иборат бўлган **антропонимик ва топонимик луғатлар** [Э. Бегматов. Ўзбек исмлари, 1991; Э. Бегматов. Ўзбек исмлари маъноси. 14600 исм изоҳи, 1998, 2006; С. Қораев. Географик номлар маъносини биласизми? 1970; З. Дўсимов, Х. Эгамов. Жой номларининг изоҳли луғати, 1977; Б. Ўринбоев. Асрлардек барҳаёт номлар (Самарқанд вилояти топонимлари изоҳли луғати), 2003; С. Қораев. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари, 2005; Т. Нафасов. Қашқадарё қишлоқномаси, 2009 ва б.].

17. Маълум бир ёзувчи ёки асар тилида қўлланган сўзларни изоҳловчи луғатлар. Бундай луғатлар тузиш ўзбек лексикографияси тарихида XVI асрдан («Абушқа») Алишер Навоий асарлари тилини ўрганиш мақсадида бошланган ва XVI–XIX асрлар мобайнида турли ҳажмдаги 10 га яқин луғат яратилган. Ушбу луғатлар олимларимиз томонидан батафсил ўрганилган ва тегишли илмий баҳосини олган¹. Шундай турдаги луғатлар XX асрда ҳам кўплаб яратилди ва яратилмоқда: Алишер Навоий асарлари луғати, 1972; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1–4-жиллар, 1983 – 1984; Б. Ҳасанов. «Куръони карим» сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати, 1995; Т. Мирзаев ва б. «Алпомиши» достонининг изоҳли луғати, 2007 ва б.).

¹ Ҳасанов Б. Жавоҳир хазиналари. – Тошкент, 1989; Умаров Э. А. Эски ўзбек луғатлари. – Тошкент, 1992 ва б.

18. Сўзлиги маълум бир фан ва техника тармоғи, ижтимоий ёки хўжалик ҳаётининг бирор соҳасига оид сўз-терминлардан иборат бўладиган **терминологик луғатлар**. Бундай луғатлар сўзликнинг берилиши ва изоҳланишга кўра, энциклопедик луғатлар билан лингвистик луғатлар белгиларига эга бўлади. Улар бир, икки ва ундан ортиқ тилли, изоҳсиз (эквивалент луғавий бирликларни ёнма-ён келтиришдан иборат), изоҳли ҳамда энциклопедик характерда бўлиши мумкин. Терминлар ва уларнинг изоҳи қадимги луғатлар – «Девону луғотит турк», «Муқаддиматул адаб» да, Муҳаммад Ёкуб Чингийнинг «Келурнома», Исҳоқхон Ибратнинг «Луғоти сittа алсина» асарларида учраса-да, улар универсал луғатлар ҳисобланиб, маҳсус соҳани кўзлаб тузилмаган. XX асрдаги дастлабки терминологик луғат – Назир Гўракуловнинг «Рус-ўзбек тилларининг ижтимоий-сиёсий атамалари луғати» 1922 йилда нашр этилган. Шундан кейинги 95 йил ичida Ўзбекистонда фан ва техниканинг деярли барча соҳа ва бўлимлари бўйича 300 дан ортиқ турли ҳажм ва турли характердаги терминологик луғатлар нашр этилди, улар маълум даражада соҳа терминологияларини тартибга солишга хизмат қилди ва хизмат қилиб келмоқда.

Луғат турлари юқоридагилар билан чегараланмайди. Юқорида, асосан, ўзбек луғатчилигига мавжуд бўлган ёки бевосита ўзбек тилига, ўзбек луғатчилигига алоқадор бўлган ва аксарияти амалда фойдаланиб келинаётган луғат турлариғина кўрсатилди. Бу нарса луғатларнинг вазифа доираси нақадар кенглигини ва уларнинг ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

ЎЗБЕК ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ ТАРИХИДАН

«Лексикография» юононча *lexikos* (сўзга оид, алокадор) ва *grapho* (ёзман) сўзларининг қўшилмаси бўлиб, «сўзларни ёзиб чиқиши, таърифлаш, тасвирлаш» маъносидаги терминидир. Сўзларни тўплаш ва тавсифлаш фақатгина амалий жараён бўлмай, бунда бир қанча илмий изланишлар, таҳлиллар ҳам тақозо этилиши сабабли, лексикография, ўз навбатида, амалий лексикография (луғатчилик) ҳамда назарий лексикография (луғатшунослик)га бўлинади.

В. Г. Гакнинг ёзишича, тишишунослиникнинг лугатчилик назариясига оид соҳаси, яъни назарий лексикография лугат турлари ва уларни тузишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиши билан шуғулланади ва бир қанча муаммоларни қамраб олади. Чунончи: лугатларнинг умумий типологиясини ва янги турдаги лугатларни ишлаб чиқиши; лугат макроструктурасини ишлаб чиқиши (сўзларни танлаб олиш, сўз ва лугат мақолаларини жойлаштириш тартиби, омонимларни белгилаш, лугат таркибига ҳавола материалларни киритиши); лугат микроструктурасини, яъни ҳар бир лугат мақоласини ишлаб чиқиши (сўзга грамматик ва фонетик изоҳ бериш, сўз маъноларини ажратиш ва таснифлаш, далил сифатидаги иллюстрациялар турлари, таърифлаш турлари, белгилар тизими, сўз этиологияси ҳақидаги маълумотлар) ва б.¹. Лугат тузишнинг умумий ва хусусий назарий жиҳатлари, тамойиллари ўз вақтида туркийшуносликда, жумладан, ўзбек тишишунослигига ҳам ишлаб чиқилган².

Амалий лексикография (лугатчилик) ҳам лугатлар тузиш баробарида бир қатор ижтимоий муҳим вазифаларни бажаради: ўз ва ўзга тилларни ўрганиш; она тилини тавсифлаш ва меъёrlаштириш (изоҳли, имло ва бошқа турдаги лугатлар ёрдамида); тиллараро алоқа-муносабатни таъминлаш (икки ва кўп тилли лугатлар, сўзлашгичлар); муайян тил лексикасини илмий ўрганиш (этимологик, тарихий лугатлар) кабилар.

Лексикография лугат тузиш иши сифатида турли халқларда ёзув тараққиётининг илк босқичларида у ёки бу тушунарсиз (эскирган, лаҳжавий, маҳсус ёки чет тилга мансуб) сўзнинг қандай маъно Англишишини билиш эҳтиёжи натижасида пайдо бўлган.

Лексикография ҳам амалий, ҳам назарий соҳа сифатида лексикология, услубшунослик, фонетикага ҳамда тил тарихи, тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги таълимотга суянган ҳолда иш кўради. Юқорида айтганимиздек, замонавий лекси-

¹ Гак В. Г. Лексикография // Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва, 1990. – С. 258–259.

² Юлдашев А. А. Принципы составления тюркско-русских словарей. – Москва, 1972; Ўзбек тилининг изоҳли лугатини тузиш учун кўлланма. – Тошкент, 1964; Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли лугатини тузувчилар учун кўлланма (гузувчи: А. Ҳожиев). – Тошкент, 2000; Оружов Э. Эзэрбайжан дили филологи изаҳлы лугатинин нэзёри эсаслары. – Бакы, 1965 ва б.

кография луғатларнинг муҳим ижтимоий вазифасини алоҳида қайд этиб, луғатлар типологиясини ишлаб чиқади. Шу жиҳатдан бир тилли лексикография (изоҳли ва бошқа луғатлар), икки тилли лексикография (тил ўрганишга махсусланган луғатлар), илмий-техник лексикография (терминологик луғатлар) ўзаро фарқланади.

Ўзбек лексикографияси тарихи Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридан бошланган, деб айтиш мумкин. Барча туркий халқларнинг умумий, муштарак обидаси бўлмиш ушбу луғат 1074 йилда яратилган бўлса, шундан кейин ўтган салкам 950 йиллик вақт мобайнида ўзбек тили лексикасининг турли даврлардаги ҳолатини акс эттирувчи ўнлаб, йигирмалаб қўлёзма луғатлар ва бир неча юзлаб босма (литографик, типографик) луғатлар яратилди. Турли ҳажм ва турли характердаги, турли мақсадларни кўзлаб тузилган бу луғатларнинг барчасини биргина мақола доирасида хронологик тарзда тавсифлаб ўтишнинг имкони бўлмайди. Шу туфайли уларнинг энг муҳим ва дикқатга сазоворлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Қўлёзма луғатлар. Ўзбек лексикографиясига бевосита алоқадор қўлёзма луғатлар тузиш XI асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни қамраб олади ва қўлёзма луғатларнинг ибтидоси, албатта, «Девону луғотит турк» ҳисобланади¹. Ушбу асар туркий халқлар тарихидаги диалектологик, изоҳли, этнографик, тарихий-этимологик ва бошқа хил луғатларнинг барча унсурларини қамраб оловчичи дастлабки универсал луғат бўлиб, ўз муаллифини дунёга, бутун туркий оламга улуғ адабиётчи, тарихчи, географ ва бошқа қўп фанлардан яхши хабардор бўлган йирик фан арбоби, қомусий олим сифатида танитди². Мазкур асарда муаллиф туркий қабила ва уруғлар (халқлар) тилларидағи сўзлар мъиносини араб тилида изоҳлаб беради. Мисол сифатида эса мақоллардан фойдаланади ва бадиий адабиётдан парча-

¹ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. З жилдлик (таржимон ва напрга тайёрловчи – С. М. Муталибов). – Тошкент, 1960–1963; Девону луғотит турк. Индекс-луғат (F. Абдураҳмонов ва С. Муталибовлар иштироки ва таҳрири остида). – Тошкент, 1967.

² Бу ҳақда қаранг: Муталибов С. XI аср филологи Маҳмуд Кошғарий ва унинг «Девону луғотит турк» асари. – Тошкент, 1958; Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Кошғарий. – Тошкент, 1963; Абдураҳмонов F. «Девону луғотит турк» // «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 3-жилд. – Тошкент, 2002. – Б. 230–231.

лар келтиради. Бу ҳақда Кошғарийнинг ўзи шундай ёзади: «Мен бу китобни маҳсус алифбе тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим... Мен истеъмолдаги сўзларнигина бердим, истеъмолдан чиққанларини ташладим... Сўнгра мен ҳар бир қабилага мансуб сўзларнинг ясалиш хусусиятларини ва қандай қўлланишини қисқача изоҳлаб кўрсатиш учун алоҳида йўл тутдим. Бу ишда мисол тариқасида турк(ий)ларнинг тилида қўлланиб келган шеърларидан, шодлик ва мотам кунларида қўлланадиган ҳикматли сўзларидан, мақолларидан келтирдим»¹.

Шуни айтиш керакки, луғатда келтирилган адабий парчалар, тил фактлари фақат XI аср адабиётининг намуналари бўлмай, уларнинг аксар қисми жуда узок ўтмиш даврларнинг маҳсулидир. Шу жиҳатдан бундай парчалар туркий тилларнинг келиб чиқиши тарихини, ривожланишини белгилашга хизмат қилувчи энг муҳим ҳужжатдир. Асаддаги бир қанча географик, астрономик, этнографик ва бошқа маълумотлар ҳам тегишли соҳалар нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Умуман олганда, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари Марказий Осиёда ҳамда унга ёндош бўлган ҳудудларда истиқомат қилган туркий қабилалар ва уларнинг тил хусусиятларини ўрганишда ҳамда ҳозирги айrim туркий халқларнинг шаклланиши ва тараққиётини аниқлашда муҳим манба вазифасини ўтаб келмоқда.

Шарқ халқлари лексикографиялари, жумладан, ўзбек лексикографияси тарихида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган луғатлардан яна бири буюк қомусий аллома Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддиматул адаб» асаридир. 1137 йилда яратилган ушбу асар исмлар (от, сифат, сон ва олмошлар) феъллар, ҳарфлар (ёрдамчи сўзлар), исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланиши каби 5 қисмдан иборат бўлиб, у ўша даврдаги араб тилида истеъмолда бўлган деярли барча сўзларни, ибораларни қамраб олган; унда сўзлар этимологиясига алоҳида эътибор берилган. «Муқаддиматул адаб» форс, чигатой (ўзбек), мӯғул, турк тилларига таржима қилинган; асарнинг ўзбек тилига таржимаси муаллифнинг ўзи томонидан бажарилган, деган фикрлар мавжуд. Луғатдаги арабча

¹ Девону луғотит турк. 1-жилд. – Тошкент, 1960. – Б. 44–47.

сўзлар остида форсий ва туркий таржималарнинг берилиши ўзбек тарихий лексикологияси учун қимматли манба ҳисобланади¹. Афсуски, ушбу луғат бир қатор мутахассислар томонидан ўрганилган бўлса ҳам, «Девону луғотит турк» каби кенг ўқувчилар оммаси учун нашр этилмаган.

Туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек лексикографиясининг ривожида ҳанузгача муаллифи ноаниқ бўлган «Аттухфатуз закияту филлугатит туркия» («Туркий тил ҳақида ноёб тухфа») асари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. XIV асрда Мисрда яратилган бу асар кўпроқ қипчоқлар тили материалларига асосланиб ёзилган, баъзи ўринларида унинг материаллари туркман тили билан солиширилган. Бугунги қипчоқ гуруҳига мансуб бўлган тилларнинг тарихини, шунингдек, ўзбек халқининг шаклланишида катта этник гуруҳ бўлиб қўшилган қипчоқ шевалари тарихини ўрганишда мазкур асар энг мўътабар манба бўлиб хизмат қиласди. Асарнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда туркий тилларнинг фонетикаси, сўз ясалиши, морфологияси, синтаксиси бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилган².

XIII асрда Мисрда яратилган, муаллифи номаълум (баъзи манбаларда – Халил ибн Муҳаммад ал-Қунавий) «Китобу таржумони туркий ва ажамий ва мўғулий» асари ҳамда андалусиялик арабнавис олим Асируддин Абу Ҳайённинг XIV асрда Мисрда яратилган «Китобул идрок ли лисонул атрок» асарлари ҳам қипчоқ тилларини, унинг лексикаси ва грамматикасини ўрганишга бағишиланган³.

¹ Ушбу асар ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Поппе Н. Н. Монгольский словарь «Муқаддамату-л-адаб». Ч. I-III. – М. – Л., 1938 – 1939; Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Тошкент, 1971; Уватов У. Маҳмуд аз-Замахшарий. – Тошкент, 1995; Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асаридаги туркий феъллар тахлили. НД. 1994.

² Аттухфатуз закияту филлугатит туркия. Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб тухфа (Таржима ва изоҳлар муаллифи С. Муталлибов). – Тошкент, 1968; Изысканный дар тюркскому языку (Грамматический трактат XIV века на арабском языке). Введение, лексико-грамматический очерк, перевод, глоссарий, грамматический указатель Э. И. Фазылова и М. Т. Зияевой. – Ташкент, 1978.

³ Юнусов А. Таржумон – XIV аср ёзма обидаси. – Тошкент, 1980; Асилова Н. Исследование языка «Китаб ал-идрак ли-лисан ал-атрак» Абу Ҳайана. АКД. – Ташкент, 1969; Кўчқортмоев И., Исабеков Б. Туркий филологияга кириш. – Тошкент, 1984.

Адабиёт майдонида Алишер Навоийдек забардаст шоирнинг пайдо бўлиши унинг ижодига, бинобарин, ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқиши кучайтирди ва XVI–XIX асрлар мобайнида ўнга яқин икки тилли лугатларнинг тузилишига олиб келди; бошқача қилиб айтганда, ўзбек тилшунослиги ушбу даврда лугатчилик асосида ривожланди: Толи Имони Ҳиравийнинг «Бадоеъул луғат» ўзбекча-форсча изоҳли лугати (XVI аср боши, Ҳирот), «Абушқа» – «Луғатун Навоийя вал истишҳодоти чигатоийя» (XVI аср, Туркия) ўзбекча-туркча изоҳли лугати, Мухаммад Ризо Хоксорнинг «Мунтахабул луғот» (XVIII аср охири, Хива) форсча-ўзбекча лугати, Мирзо Маҳдийхоннинг «Сангло» ўзбекча-форсча изоҳли лугати (XVIII аср, Эрон), Фазлуллахон Барлоснинг «Луғати туркий» ўзбекча-форсча изоҳли лугати (XVIII аср охири, Ҳиндистон), Фатҳ Алихоннинг «Китоби луғати атрокия» ўзбекча-форсча изоҳли лугати (XIX аср, Эрон) ва бошқа бир қанча лугатлар Алишер Навоий ҳамда унинг замондошлари ва издошлари асарлари лексикасини ўрганишга бағишлиланган бўлиб, 1000 тадан 8000 тагача луғавий бирликларни, турли сўзшаклларни қамраб олган. Мазкур лугатлар мутахассислар томонидан атрофлича ўрганилган; уларнинг баъзилари тадқикот обьекти ва натижаси сифатида нашр ҳам этилган¹.

Бобурийлар даврида бадиий адабиётда ўзбек тили (туркий)нинг роли катта бўлди. Ҳиндистонда бобурийлар она тилини саклаб қолишга, уни ўз авлодларига ўргатишга ҳаракат қилдилар. Ана шундай эҳтиёж турли хил лугатларнинг яратилишини тақозо қилган. Бобурий хукмдорлардан Мухйиддин Мухаммад Аврангзеб саройида хизмат қилган Мухаммад Ёкуб Чингийнинг «Келурнома» деб номланган лугати (XVII аср охири) айни эҳтиёжнинг ҳосила-

¹ Словарь джагатайско-турецкий. Издал В. В. Вельяминов-Зернов. – СПб., 1868 (ношир «Абушқа», бошқача айтганда. «Луғатун Навоийя вал истишҳодоти чигатоийя» лугатини мазкур номда нашр этган); Боровков А. К. Лексикографическая традиция в словарях чагатайского языка. // Лексикографический сборник. Вып. IV. – Москва, 1960; Боровков А. К. Бада'и' ал-луғат. Словарь Тали Имани Гератского к сочинению Алишера Навои. – Москва, 1961; Ҳасанов Б. Жавоҳир хазиналари (Алишер Навоий асарларига тузилган кўллэзма лугатлар). – Тошкент, 1989; Умаров Э. А. Эски ўзбек лугатлари. – Тошкент, 1992; Умаров Э. А. Словари староузбекского языка и вопросы фонетики. – Ташкент, 1994.

сидир¹. Ушбу лугат 15 бобдан иборат бўлиб, унинг 1 – 14-бобла-рида 400 га яқин туркӣ (ўзбекча) феъллар араб алифбоси тарти-бида ҳар бири 15 тагача шаклда берилган. Масалан, *айтмоқ* феъли асосий шаклда берилиб, ундан кейин *айтди*, *айтибтур*, *айтур*, *айтибиди*, *айтадур*, *айтмади*, *айтмаптур*, *айтмас*, *айтмаби-ди*, *айтмайдур*, *айт*, *айтма*, *айтарбиз*, *айтмасбиз* каби замон ва майл шакллари форсча таржимаси билан берилган. Шу жиҳатдан «Келурнома» замонавий уяли лугатлар намунаси ҳисобланади. Луғатнинг сўнгги 15-боби, ўз навбатида, 9 та қисмга бўлинади: бунда исмлар (820 та сўз ва сўзшакллар) мавзу гурухларига ажра-тиб берилган. Масалан, 1-мавзу гурухида осмон ва у билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар; 2-мавзу гурухида ер ва у би-лан боғлиқ тушунчалар, ерда етиштириладиган экинлар, ундаги қурт-қумурсқаларни билдирувчи сўзлар; 3-мавзу гурухида уй ҳай-вонлари ва баъзи йиртқич ҳайвонларнинг номлари изоҳлаб берил-ган ва ҳоказо. Шу нуктаи назардан луғатнинг ушбу боби мавзуй (тематик) лугат турини намоён килади.

Мұхаммад Ёкуб Чингий «Келурнома»ни тузишда XVII асрда Хиндиистонда яшаган туркийзабон аҳолининг оғзаки нутқидаги луғавий бирликларни камраб олишга ҳаракат қилган (унда жами 6000 га яқин сўз ва сўзшакллар берилган). Бундай бирликларнинг аксарияти ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланса, айримлари (*арна*, *атан*, *ача*, *бут*, *илдирим*, *эгачи*, *энгак* ва б.) ўзбек тили шеваларида учрайди; баъзи бирлари эса архаиклашиб, ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайди.

Қўлёзма лугатлар тузиш анчагина катта даврни қамраб олган бўлса-да, кўриниб турибдики, бундай лугатлар унчалик кўп эмас. Бу ҳолнинг ўзига яраша объектив ва субъектив сабаблари бўл-ган, албатта. Лекин шунга қарамай, улар ўзбек лексикографияси, умуман олганда, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида яшаган халқлар лексикографияларининг шаклланиши ва тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган лугатлардир.

Энди XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлиб нашр этилган ва ўзбек лексикографиясининг кейинги тараққиёт йўлини акс этти-

¹ Мұхаммад Якуб Чинги. Келур-наме (староузбекско-персидский словарь XVIII века). Введение, транскрипция, перевод текста, глоссарий А. Ибрагимовой. – Ташкент, 1982.

рувчи асосий, энг характерли босма (лито-типографик) луғатлар ҳакида қисқача маълумот бериб ўтамиз.

Босма луғатлар. Ўзбек лексикографиясида қўлёзма ва босма луғатларни ўзаро боғловчи манба – юқорида зикр этилган «Абушқа» луғатидир. Бу луғат таҳминан 1560 йилда тузилган бўлиб, муаллифи номаълумлиги сабабли, уни атрофлича ўрганган Шарқ ва Фарб туркийшунослари ўртасида айни шу ном – луғатнинг бошланғич сўзи «абушқа» билан машхур бўлиб келган. Бу луғат бир неча аср давомида Алишер Навоий ва унга замондош бўлган айрим шоир ва адиллар асарлари тилини ўрганишда муҳим қўлланма вазифасини бажарган ва ўзидан кейинги даврларда яратилган луғатлар учун асосий манба бўлган. У дастлаб венгер олими Арминий (Герман) Вамбери томонидан 1862 йилда венгер тилига қисқартириб (мисолларсиз) таржима қилинган ҳолда чоп этилган¹. 1868 йилда эса филология фанлари доктори, Императорлик (Россия) Фанлар академиясининг ҳакиқий аъзоси В. В. Вельяминов-Зернов томонидан нашр қилинган².

В. В. Вельяминов-Зернов луғатни нашрга тайёрлаш жараённида унинг туркийшуносликдаги аҳамиятига, Европа туркийшунослари томонидан ўрганилишига алоҳида эътибор беради, луғатнинг бир неча қўлёзмаларини, Навоий асарлари учун тузилган бошқа қўлёзма луғатларни қиёсан ўрганади ва шу йўл билан луғатдаги камчилик ва нуқсонларни мумкин қадар бартараф этишга ҳаракат қиласди; бунинг учун эса Алишер Навоийнинг қўлёзма ва босма асарларидан ўз имконияти доирасида бўлганларини синчилаб мутолаа қиласди; луғат муаллифининг шеърий «Сабаби назми китоб...»идан келиб чиқиб, луғатга «Аллуғатун Навоийя вал истишҳодотул чигатоййя» (Навоий сўзлари ва чигатойча далилий мисоллар) деб ном қўяди. Хуллас, луғатга ёзилган 31 бетлик сўзбошида В. В. Вельяминов-Зернов луғат устида олиб борган тадқиқотларини, луғатни нашр этиш тамойилларини, ўзи ўрганган қўшимча материалларни ўқувчига батафсил тушунтириб, луғатни «энг яхши чигатой адиллари асарларини ўта аниқ

¹ Боровков А. К. Узбекское языковедение // 25 лет советской науки в Узбекистане. – Ташкент, 1942. – С. 279.

² Словарь джагатайско-турецкий. Издал В. В. Вельяминов-Зернов. – СПб, 1868. – 457 с.

тушуниб олишлари учун бой материалга эга бўлган луғат», деб баҳолайди.

Айни XIX асрнинг иккинчи ярмида яратилган ва бевосита «Абушқа»га, яна бошқа қўлёзма луғатларга алоқадор бўлган З та луғатни эслатиб ўтиш жоизки, улар ҳам ўзбек лексикографияси тарихида ўзининг алоҳида ўрнига эга. Буларнинг биринчиси А. Вамбери қаламига мансуб, грамматик очерклардан иборат чигатой (ўзбек) тили дарслиги бўлиб, муаллиф унга хрестоматия ва луғат илова қиласди¹. Хрестоматияда туркий халқлар, асосан, ўзбек халқи фольклорига оид 30 дан ортиқ асар ҳақида маълумот берган, улардан парчалар келтирган, шунингдек, Навоий, Фузулий, Насимий, Сўфи Оллоёр ғазалларидан олинган намуналарни ва 112 та ўзбек мақолини араб ва лотин ёзуvida келтириб, немисчага таржима қилиб берган. Чигатойча (ўзбекча)-немисча луғат сўзлиги эса асосан А. Вамбери ўзи нашр этган «Абушқа» сўзлиги ҳамда юқоридаги хрестоматия матнлари бўйича тузилган бўлиб, XVI–XIX асрлар ўзбек тили лексикасини ўзида акс эттирган.

«Абушқа»га алоқадор луғатларнинг иккинчиси француз олими Паве де Куртей томонидан тузилган луғат бўлиб, у шартли равишда «Шарқий туркий луғат» деб номланади ва, муаллифнинг кўрсатишича, Мир Алишер Навоий, Бобур ва Абулғозийхон асарларини ўқиши-урганишни енгиллаштириш ва қулайлаштиришни кўзда тутади ҳамда 6000 га яқин сўзни (французнача таржимаси билан) қамраб олади². Луғатни тузишда муаллиф асосан «Абушқа» материалларига, Мирзо Маҳдийхон яратган ўзбекча-форсча «Санглоҳ» луғатининг қисқача вариантига ва бошқа манбаларга таянган³.

¹ Wambery H. Čagataische Sprachstudien enthaltend grammatischen Umriß. Chrestomatie und Wörterbuch der čagataischen Sprache. – Leipzig, 1867; яна қаранг: Боровков А. К. Кўрсатилган асар. – Б. 279; Вамбери Арминий / Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2-жилд. – Тошкент, 2001. – Б. 178–179.

² A. Pavet de Courteille. Dictionnaire turk-oriental destine principalement a faciliter la lecture des ouvrages de Baber, d'Aboulgazi et de Mir-Ali-Chir Nevai. – Paris, 1870; я на қаранг: Боровков А. К. Кўрсатилган асар. – Б. 280.

³ Айрим тадқиқотчилар «Санглоҳ»нинг қисқача вариантини алоҳида муаллифнинг мустакил асари деб ҳисоблайдилар. Қаранг: Кадыров Т. Ш. Филологическое исследование словаря «Хуласайе Аббаси» Мирзы Мухаммада Хоий. АКД. – Ташкент, 1988. – 24 с.

XIX асрнинг сўнгги чорагида яратилган ва «Абушқа» материалларидан фойдаланиш нуқтаи назаридан унга алоқадор бўлган лугатлардан яна бири «Луғати чигатоий ва турки усмоний» номли луғатдир. Луғат муаллифи Шайх Сулаймон Бухорий Қудратиллоҳ ал-Қундузий (1821–1880) ҳозирги Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги Қундуз қишлоғида туғилиб, Бухоро мадрасаларида таҳсил олган, ўзбек мумтоз шоирлари ижодини ўрганиб, улардан илҳомланиб, ўзи ҳам «Нақший» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Ҳиндистон, Афғонистон, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Арабистон яримороли мамлакатлари, Миср, Туркия бўйлаб саёҳатда бўлиб, бу ҳудудларда яшовчи туркий элат ва халқлар оғзаки ижоди бўйича катта материал тўплаган. 1846 йили Бухоро амири Насруллоҳон уни Усмонли турк сultonligига элчи ва Истанбулдаги ўзбек қавмига раис этиб тайинлаган. Шайх Сулаймон кўп йиллар Истанбулда яшаб, матбаа ишлари билан шуғулланган, ўзбек адабиёти ва фольклорининг Туркиядаги тарғиботчиси сифатида «Мехрон» нашриёти билан ҳамкорлик қилган ҳолда Яссавий, Сўфи Оллоёр, Умархон ва бошқа шоирларнинг китобларини нашр эттирган. Ўзбек мумтоз адабиёти ва фольклорининг билимдони ҳамда ўзбеклар қавмининг раиси сифатида нуфузли анжуманларда иштирок этади. Ана шундай анжуманлардан бирида (Венгриянинг Сагден – Сегед шаҳрида) бир гурух олимлар ўзбек (чигатоий) тилидаги бой адабий мерос билан яқиндан танишиш учун бир мукаммал луғатга эҳтиёж борлигини билдириб, ана шу луғатни тузиб беришни Шайх Сулаймондан илтимос қиласидилар. Мазкур луғат ана шундай таклиф-илтимосларнинг сараси сифатида дунёга келади.

«Луғати чигатоий ва турки усмоний» Шайх Сулаймон Бухорийнинг кўп йиллик дақиқ мөҳнатининг натижаси бўлиб, у 1882 (хижрий 1298) йилда Истанбулда нашр этилган¹. Муаллиф аслида ушбу ном остида икки жилдли асар яратишни мақсад қилиб кўйган: 1-жилд айни луғатнинг ўзи, 2-жилд эса Ўрта Осиё туркий қавмларининг адабиёти ва фольклори намуналаридан иборат бўлиши керак эди. Унинг айтишича, ҳар икки жилд тайёр

¹ Луғати чигатоий ва турки усмоний. Асари Шайх Сулаймон афанди ўзбаки Бухорий. Жилди аввал. – Истанбул, 1298 (араб графикасида).

бўлган, лекин 2-жилднинг нашр этилгани ёки нашр этилмагани номаълум. Луғат $20 + 320 = 340$ бетдан иборат бўлиб, дастлабки алоҳида рақамланган 20 бетда усмонли туркча ва чигатойча муқаддималар (2–7-бетлар), шеърий йўлда ёзилган муқаддима – «Муаллифнинг манзу ма чигатой муқаддимаси» (8–11-бетлар) ҳамда «Қавоид» (Қоидалар – 12–20- бетлар) баён қилинган.

Луғатнинг туркча муқаддимасида муаллиф Усмонли турк элида «Абушқа» номли луғат маълум ва машҳур эканлиги, лекин у анча мухтасар, қисқа эканлигини қайд этади ва ўзининг ушбу луғати кенглиги ва мукаммаллиги жиҳатидан мутахассислар эътиборини қозонишига, уларга мақбул бўлишига ишонч билдиради.¹ Бу нарса Шайх Сулаймон Бухорийнинг «Абушқа» луғатидан яхши хабардорлигини, унинг яхши жиҳатларидан фойдаланганини кўрсатувчи далилдир. Шу билан бирга, ҳар иккала муқаддимада луғат сўзлиги ва унинг манбалари ҳақида, уларнинг қай тарзда тўплаб, саралаб, танлаб олингани тўғрисида, ўзбекларнинг 92 уруғи ва улар тилидаги лисоний тафовутлар ҳақида сўз юритади. 186 мисрадан иборат чигатойча шеърий муқаддима таржими ҳол характерида бўлиб, муаллиф унда ўзининг туркий қавмлар яшайдиган ҳудудларга қилган саёҳати, ўзининг ижтимоий мавқеи ва фаолияти, луғатнинг яратилиш сабабларини бирма-бир баён этади. Луғатнинг «Қавоид» қисмида эса ўзбек (чигатой) тилининг ўзига хос фонетик ва морфологик хусусиятлари, сўзлар имлоси ва талаффузидаги ҳархилликларни кўрсатиб беради ва айни пайтда уларни усмонли турк тили билан қиёслайди.

Асарнинг соғ луғат қисми 315 бетдан иборат бўлиб, у 28 фаслга (араб графикаси ҳарфлари бўйича) бўлиниб, 6880 лугавий бирликни қамраб олган. Бу лугавий бирликларни Яссавий ҳикматларидан бошлаб XVI–XIX асрларда Ўрта Осиёда яшаб, ўзбек (чигатой) тилида ижод қилган шоир ва адиллар асарлари тилида, ҳалқ мақоллари ва маталлари, эртак ва қўшиқлари таркибида учрайдиган сўзлар ташкил этади. Муаллиф деярли барча сўзларни матн (байтлар, тўртликлар, қўшиқдан парчалар, мақоллар) курсовида келтиради, бу усул муайян сўз маъносини тўлиқ, аниқ англаш ва англатишга хизмат қилган. Ушбу луғат география ага-

¹ Луғати чигатоий ва турки усмоний. – Б. 2.

малари ва жой номлари жиҳатидан ҳам мұхим манба ҳисобланади. Үнда Яқин ва Ўрта Шарқдаги шаҳарлар ва бошқа ахоли масканлари ҳақида нодир маълумотлар бор. Луғат сўнгидаги 100 дан ортиқ такрор, жуфт ва айrim тақлидий сўзлар берилиб, уларнинг ишлатилишига бадиий адабиётдан парчалар келтирилган.

Ушбу луғат, ўзи яратилган вақтдан 60 йил ўтган кун нуқтаи назаридан А. К. Боровков томонидан бетакаллуфона «бирмунча системасиз ва муайян манбаларга, хусусан, Паве де Куртей луғатига кўпроқ боғланиб қолган»¹, деб баҳолангандаги бўлса-да, у ўз даври учун, аввало, анъанавий Шарқ луғатчилиги билан замона-вий Европа луғатчилигининг туташув нуқтасида яратилган ўзига хос луғат сифатида, иккинчидан, ўзбек тили ва адабиётини ҳамда фольклорини Туркия ва Европада тарғиб қилувчи, ўзидан кейин тузилган луғатларга материал берувчи манба сифатида баҳоланмоғи керак.

Кўплаб туркий тилларнинг, жумладан, ўзбек тилининг XIX асрдаги бўлган манбаларда ва фольклор, диалектология экспедициялари вақтида туркий халқлар вакиллари оғзаки нутқидан ёзиб олинган материалларда ўз аксини топган лексикасини қамраб олган, теран илмий изланишлар натижасида яратилган, Махмуд Кошғарийнинг лексикография соҳасидаги анъаналарини давом эттирган ҳамда ўзбек лексикографиясининг кейинги шаклланиши ва тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатган умумтуркий луғатлардан Л. З. Будаговнинг «Сравнительный словарь турецко-татарских наречий» («Туркий лаҗжаларнинг қиёсий луғати») ҳамда В. В. Радловнинг «Опыт словаря тюркских наречий» («Туркий лаҗжалар луғати тажрибаси») асарларини алоҳида қайд этиш лозим.

Санктпетербург университети доценти, Осиё департаменти таржимони Лазарь Захарович Будагов (1812–1878)нинг «Туркий лаҗжаларнинг қиёсий луғати»² умумтуркий луғатлар орасида, туркийшунослик тарихида алоҳида, шарафли ўрин эгаллайди.

¹ Боровков А. К. Кўрсатилган асар. – Б. 279.

² Будагов Л. З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий со включением употребительнейших слов арабских и персидских и с переводом на русский язык. Т. I – II. – Санкт-Петербург, 1869 – 1871. (Луғатнинг ҳар иккала жилда фотомеханик усулда қайта нашар этилган)

Унда муаллиф, луғат сўзбошисида кўрсатишича, ўз илмий изланишлари ва амалий фаолияти натижасида тўплаган материаларини ўзаро қўшиб, шундай бир изчил қўлланма яратганки, у талабалар ҳамда Шарқ тилларини ўрганувчи шахслар учун бадиий асарларни ўқиш-ўрганишда ҳам, мусулмонлар билан ёзма ва оғзаки мулоқотда ҳам бирдек хизмат қилиши мумкин. Бундай қўшалоқ вазифани бажариш учун у туркий тилларда кенг қўлла-нишда бўлган арабча ва форсча сўзларни ҳам луғатга киритади, шунингдек, туркий халқлар турмуш тарзи, урф-одатлари, шариат қонун-қоидаларини ифодаловчи сўзларни оддийгина таржима қилиб қўймай, уларни қисқача изоҳлар билан таъминлаган¹.

Луғатда сўзлар уларнинг асосларига қараб жойлаштирилган, яъни барча ясама сўзлар ёки сўз шакллари ўз ясалиш асоси ҳи-собланган сўз уясида берилган. Бу ҳол айниқса от ва феъл асосларида якқол кўринади. Масалан, қисмоқ луғат мақоласида у билан алоқадор қисар, қисқич, қистир(ил)моқ, қистамоқ, қиста-ланг, қисилмоқ, қисиқ каби сўзларни ёки ичмак луғат мақоласи-да ичув, ичку, ичкулик, ичкучи, ичим (*ютум*), ичими, ичилмак, ичишмак ва б. сўзларни топиш мумкин. Луғатда келтирилган аксар луғавий бирликларнинг қайси манбадан олингани аниқ кўрсатилган. Манбаларни асосан Шарқда ва Европада тузилган туркий луғатлар, форс ва араб тиллари материаллари асосида яратилган луғатлар, Алишер Навоий, Бобур, Абулғозийхон ва бошқа шоиру адилларнинг айрим асарлари, туркий халқлар оғ-заки ижодидан ёзиб олинган намуналар ташкил этади. Сўзлар-нинг этимологиялари ҳақидаги Л. З. Будаговнинг фикрлари, маъ-лумотлари унинг туркий тилларни нақадар чукур ўрганганидан далолат беради. Будаговнинг ушбу луғати ҳозир ҳам ўз аҳами-ятини йўқотмаган, у қадимги туркий матнлар ўқишида, хусусан, «чиғатойча» матнларни ўқишида ажойиб, тенги йўқ қўлланма бў-либ келмоқда².

Таниқли олим, рус туркийшунослик мактабининг асосчиси, Императорлик (Россия) ФАНИНГ ҳақиқий аъзоси Василий Васи-льевич Радлов (1837–1918) ўзининг 60 йиллик фаолияти давоми-

¹ Будагов Л. З. Сравнительный словарь... Т. I. – С. VI.

² Кононов А. Н. История изучения тюркских языков в России. Дооктябрьский пе-риод. – Л., 1972. – С. 199–200.

да ўз илмий қизиқишлари доирасига аста-секин туркийшуносликнинг барча соҳаларини қамраб олган ва мазкур соҳаларда рус ва немис тилларида яратган ишлари билан туркийшуносликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган¹. Олимнинг жаҳон тилшунослигида, хусусан, туркийшуносликда ягона деб эътироф этилган «Туркий лаҗжалар луғати тажрибаси» асари² салкам ярим асрлик машаққатли, теран илмий изланишлар самараси бўлиб, унда кўп сонли қадимги ва жонли туркий тилларнинг бой лексикаси ва фразеологияси жамланган: тўрт жилдли, 24 китобчадан иборат ушбу фундаментал асар 40 дан ортиқ туркий тил ва лаҗжаларда учрайдиган 70 000 дан зиёд луғавий бирликни камраб олган. Ҳар бир луғат мақоласи иллюстрациялари билан тўлигича рус ва немис тилларига таржима қилиб берилган.

В. В. Радлов ушбу луғатни тузишда жуда кўп манбалардан, хусусан, Л. З. Будагов луғатида кўрсатилган барча манбалардан, Паве де Куртей, А. Вамбери материалларидан, ҳатто луғатни нашр этиш арафасида Шайх Сулаймон Бухорий луғатидан, энг асосийси, экспедициялар вақтида шахсан ўзи тўплаган фольклор материалларидан унумли фойдаланган. У луғатга сўзларни жойлаштиришда Л. З. Будагов қўллаган ва қиёсий луғатларга хос бўлган уяли-алифбо тартибидан воз кечиб, ҳар бир сўзни – у хоҳ туб сўз, хоҳ ясама сўз, хоҳ сўзнинг бирор шакли ёки фонетик варианти бўлсин – алоҳида луғат мақоласи сифатида факат алифбо тартибида берган. Лекин бу ерда ҳам одатий рус алифбосидаги ҳарфлар тартибига эмас, балки академик А. А. Шифнер таклиф этган тартибга риоя қилинган, яъни аввал унли ҳарф (товуш)лар билан бошланувчи, сўнг ундошлар билан бошланувчи сўзлар берилган. Луғат муқаддимасида ҳар бир товушнинг мумкин қадар аник талаффузи қандай бўлишилиги кўрсатиб ўтилган. Умуман, В. В. Радловнинг ушбу луғати, унда жамланган материал туркий

¹ В. В. Радловнинг илмий-ижодий фаолияти ҳақида қаранг: Кононов А. Н. Кўрсатилган асар. – Б. 103–114, 222–227 ва 233–246; Умаров Э., Мадвалиев А. Радлов Василий Васильевич // Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 7-жилд. – Тошкент, 2004. – Б. 237.

² Радлов В. В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. 1–4. – Санкт-Петербург, 1893–1911. Ушбу луғат гуманитар фанлар олимларининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, 1963–1964 йилларда фотомеханик усулда чоп қилинган, факат техник шарт-шароитга кўра ҳар бир жилд иккитадан, жами саккизта китоб ҳолида нашр этилган.

тилларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг ифода қудратини кўрсатувчи манба сифатида ҳануз ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Туркистон ўлкаси чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин, яъни XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ўзбек тилини ўрганиш ва лугатлар тузиш ишлари ҳам маълум мақсадларга бўйсундирилган ҳолда – чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлаш ва шу соҳадаги фаолиятини кенгайтириш мақсадларини кўзлаган ҳолда олиб борилди. XIX асрнинг 70-йилларидан XX асрнинг 20-йилларигача тузилган лугатлар ва сўзлашгичларнинг барчаси ҳарбий ва маъмурий-бошқарув ходимларининг тезроқ маҳаллий тилни ўрганиб, маҳаллий ахолини тезроқ жиловлаб, бўйсундириб олиб, улар устидан ҳукмронлик қилишларига ёрдам беришни кўзлаган ва уларни айни ўша ҳарбий ва маъмурий-бошқарув соҳасидаги ходимлар – ўзбек тили фонетикаси ва грамматикасидан яхши хабардор бўлмаган, факат оғзаки нутқ орқали тил ўрганган офицерлар, тилмочлар, баъзи амалдорлар тузганлар.¹ Шунинг натижасида бўлса керак, тузилган лугатларнинг аксарияти тил ўрганувчилар учун фойдадан кўра кўпроқ зарап келтирган. Бу лугатларнинг аксарияти илмий адабиётларда тегишли (салбий) баҳосини олган². Хуллас, чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик даврига оид ўз-

¹ Уларнинг асосийлари қуидагила: Старчевский А. В. Спутник русского человека в Средней Азии, заключающий в себе словари языков: тюркского (джагатайского узбекского), киргизского, татарского, сартского (городского узбекского), таджикского (бухарского) с грамматическими очерками. – С.-Петербург, 1878; Старчевский А. В. Переводчик с русского на сартовский. – С.-Петербург, 1886; Наливкин В. П., Наливкина М. Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общеупотребительных слов, с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда. – Казан, 1884; Алексеев З. А. Фразы на сартовском языке, с русским переводом и транскрипцией. – Ташкент, 1884; Наливкин В. П. Руководство к практическому изучению сартовского языка с приложением русско-сартовского и сартовско-русского словарей. – Самарканд, 1898; Лапин С. А. Карманный русско-узбекский словарь. – Самарканд, 1895, 1899, 1908, 1915; Афанасьев Л. Словарь сартовских слов с главнейшими грамматическими правилами. – Скобелев, 1908; Самарканд, 1909; Ефимов А. Спутник русского врача в Средней Азии. – Ташкент, 1909; Будзинский Н. Краткая грамматика сартовского языка и русско-сартовский собеседник. – Ташкент, 1910; Смоленский Н. Полный карманный русско-сартовский словарь. – Ташкент, 1912; Преображенский Н. Карманный русско-сартовский словарь. – Ташкент, 1917 ба б.

² Лыкошин Н. С. Знание туземных языков // Сборник материалов по вопросу об изучении туземных языков служащими по военно-народному управлению Туркестанского края. – Ташкент, 1905. – С. 86–87; Боровков А. К. Кўрсатилган асар. – Б. 282–283.

бек икки тилли лексикографияси бир қатор камчилик ва нуқсоншардан ҳоли бўлмаса-да, бу давр луғатлари мумтоз Шарқ луғатчилигидан замонавий Европа луғатчилигига ўтишда бир босқич ҳисобланиб, замонавий ўзбек лексикографиясининг шаклланиши ва ривожланишига сабаб бўлди, деб айта оламиз.

ИСҲОҚХОН ИБРАТНИНГ ОЛТИ ТИЛЛИ ЛУҒАТИ

Таниқли ўзбек маърифатпарвари, шоир ва олим Исҳоқхон тўра бинни Жунайдулла эшон Ибрат (1860–1937) Наманганда туғилиб, Кўқондаги Муҳаммад Сиддик Тунқотар мадрасасида таҳсил олган. 1887–1892 йилларда саёҳатга чиқиб, Арабистон, Истанбул, София, Афина, Рим, Кобул ва бошқа шаҳарларда бўлган, узоқ муддат Хиндистоннинг Бомбай ва Калькутта шаҳарларида яшаган (1892–1896). Сафардан қайтгач, 15 йил мобайнида Тўракўрғон, Наманган ва Хонободда қозилик қилган. Тўракўрғонда янги усул мактабини очган, ўз қишлоғида «Матбааи Исҳоқия» номли литография ташкил қилган. У ўзининг «Илми Ибрат» шеърий тўплами (1909), «Луғоти ситта алсина» (1901), «Жомиъул хутут» – «Хатларни тўпловчи» (1912) илмий асарлари, «Тарихи Фарғона» (1916), «Тарихи маданият» (1925) каби илмий-тарихий асарлари ва кўплаб публицистик мақолаларида, ўзининг кенг ижтимоий фаолиятида ўзбек халқига илм-маърифатни, маданиятни тарғиб қилган, халқни ўз тарихини билишга, ўзга тиллар ва ёзувларни ўрганишга даъват этган¹.

Ушбу мақолада Исҳоқхон Ибратнинг ўзбек илм-фани, маданияти соҳаларидаги, маърифатпарварлик йўлидаги фаолиятини чукур эътироф этган ҳолда, унинг «Луғоти ситта алсина» («Олти тил сўзлари» ёки «Олти тилли луғат») асари² ҳақида тўхталиб

¹ Ибратнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсилрок қаранг: Усмон О. Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари. – Тошкент, 1962; Қосимов Б., Долимов У. Маърифат даргалари. – Тошкент, 1990; Ибрат. // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. 4-жилд. – Тошкент, 2002. – Б. 62 ва бошқалар.

² Исҳоқхон бинни Жунайдулла Тўракўрғоний. Луғоти ситта алсина. – Тошканд, 1901 [Исхакхан тюра Джунайдулла Ишанов. Словарь на сартовском языке с объяснением русских, арабских, персидских, тюркских и индийских слов в мусульманской транскрипции], 53 бет.

ўтмоқчимиз. Муаллиф, яъни ҳожи Исҳоқхон бинни Жунайдулла эшон, асарга ёзган муқаддимасида ёши йигирма бещда эканида равзан мухтарама орзусида сафарга чиқиб, Афғонистон, Хиндистон ва Форсистон (Эрон) шаҳарларида саёҳатда юрганида, мусоғирлар (сафар аҳли) учун ўзга бир тилни билмоқ, тушунмок юз олтин баробарида эканлигига шоҳид бўлганини, шу муносабат билан ана шу ҳудудлардаги ҳалқдар тилларини ўрганишга зўр саъй-ҳаракат қилганини ёзди. Ўзининг кўп йиллик тил ўрганиш тажрибасидан «даҳр аҳлина (авлодларга) бир нишон қолдирмоқ фикри-ла» бир қанча муддат ушбу китобни яратишга ҳаракат қилиб, бир китоб ҳолатида ҳалққа намудор этганини ҳамда «олти лисондан мураккаб ўлдиги-чун **Луғоти сittta алсина** тасмия эдуб (ном қўйиб)¹, икки жилд ила тартиб этдум», деб таъкидлайди.

Муаллифнинг таъкидидан кўриниб турибдики, луғат икки жилдан (қисмдан) иборат. Биз бу жилларни шартли равиша «Феъллар» ва «Исмлар» деб номлашимиз мумкин. Биринчи жилда 156 феълнинг масдар (инфенитив) ҳамда ҳозирги-келаси замон шакллари, 12 та феълнинг ўтган замон ва буйруқ майли шакллари ҳамда 5 та олмош – жами 341 та сўз 6 та устунга бўлиниб, форсча-арабча-туркча-сартча-ҳиндча-русча луғат шаклида араб алифбоси тартибида берилган; барча тилларга оид сўзлар араб графикасида ёзилган. Бу ерда шуни айтиш керакки, Ибрат хинд ва кирилл ёзувларини билмаганликдан бу усулни қўлламаган (юқорида зикр этилган «Жомиъул хутут» сингари хат турлари ва уларнинг тарихи баён этилган асар ёзган, Ҳиндистонда 4–5 йил истиқомат қилган ва Н. П. Остроумов билан ёзишмалар олиб борган Исҳоқхоннинг ҳинд ва кирилл ёзувларини билмаслиги мумкин эмас), балки мазкур ёзувларни чала ёки умуман билмайдиган мусулмон аҳлининг манфаатларини назарда тутган ҳолда ушбу

¹ Луғатнинг номи Ибратнинг ҳаёти ва ижодий фаoliyatiга бағишланган асар ва мақолаларда gox «Луғат сittta ас-сина», gox «Луғоти сittta ал сина» тарзида ёзилган. Бу номлардан луғатнинг моҳиятини англатувчи маъно чиқмайди. Ибратнинг китоби жорий (кириллча) ёзувда «Луғоти сittta алсина» тарзида берилиши лозим. Бунда арабча **луғот** – сўзлар, **ситта** – олти, **алсина** – «лисон» сўзининг кўплиги (яъни «тиллар») бўлиб, «олтига тилга тааллуқли сўзлар», содда қилиб айтганда, «олти тилли луғат» маъносини беради.

тиллар материалларини ҳам араб графикасида акс эттиришга ҳаралат қилган ва асосан бу вазифанинг уддасидан чиққан.

Лугатнинг иккинчи жилди жами 694 та исмни (от, сифат ва сон туркумидаги сўзларни) қамраб олган бўлиб, улар 37 та мавзу гурухига ажратилиб, арабча-форсча-туркча-ҳиндча-сартча-русча лугат шаклида олти устун қилиб берилган. Масалан, биринчи мавзу «Аъзойи ҳайвонот» («Жонзотларнинг аъзолари») деб номланиб, унда 61 та аъзо номи келтирилган. Иккинчи мавзуда 8 та ном келтирилиб, улар мазкур аъзолардан чиқадиган ҳосилалар (хилтлар)ни атайди. Худди шунингдек, тўққизинчи мавзу касб эгалари номларини (40 та), ўн саккизинчи мавзу уй-жой, курилишга оид атамаларни (47 та), йигирма олтинчи мавзу касаллик номларини (15 та), йигирма саккизинчи ва йигирма тўққизинчи мавзулар саноқ ва тартиб сонлар номларини (40 та), ўттиз биринчи мавзу рангларнинг номларини (8 та), ўттиз тўртингчи мавзу кун, ой, вақтни ифодаловчи номларни (26 та), ўттиз олтинчи ва ўттиз еттинчи мавзулар яхши ахлоқ ва гўзалликни (9 та) ҳамда ёмон хулқ ва хунукликни (14 та) ифодаловчи от ва сифатларни ўз ичига олади. Хуллас, ушбу лугат феъл, от, сифат, сон ва олмош туркумларига оид 1035 та сўзнинг олти тилдаги ифодасини қамраб олган, ўзбек лексикографияси тарихида алоҳида ўрин эгаллаган ноёб луғатлардан ҳисобланади.

Дарҳақиқат, «Луготи ситта алсина» ўзига хос оригинал луғат бўлиб, ўзбек лексикографиясида Ибратгача ҳам, Ибратдан кейин ҳам айни шу хилдаги луғат тузилган эмас. Лекин луғатчилик тарихида унга баъзи бир жиҳатлари билан ўхшаб кетадиган луғатлар яратилган. Структураси томонидан «Луготи ситта алсина»га жуда яқин бўлган луғатлардан бири Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг XVIII асрда тузилган «Келурнома» асаридир¹. Айтиш мумкини, бир неча муддат Бомбай ва Калькутта шаҳарларида яшаган Исҳоқхон Ибрат «Келурнома» билан яқиндан таниш бўлгани, ундан унумли фойдалангани эҳтимолдан узоқ эмас. Мазкур ҳар иккала луғат материалнинг берилиши, яъни аввал феъллар бар-

¹ Муҳаммад Яқуб Чинги. Келур-намс (староузбекско-персидский словарь XVIII в.). Введение, транскрипция, перевод текста, глоссарий А. Ибрагимовой. – Ташкент, 1982; Муҳаммад Ёқуб Чингий. // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. 6-жилд. – Тошкент, 2003. – Б. 188.

ча замон ва майл шакллари билан, кейин исмлар мавзуларга бўлинган ҳолда берилиши жиҳатдан ўхшашдир. «Келурнома»нинг 15-боби ва «Луғоти сittа алсина»нинг 2-жилдидаги материаллар исмлардан иборат бўлиб, улар ҳозирги мавзуий (идеографик) луғатларнинг илк намуналари ҳисобланади. Ушбу луғатларнинг асосий фарқи материалнинг ҳажми ҳамда тилларнинг миқдоридадир («Келурнома» икки тилли луғат бўлиб, 6000 дан ортиқ сўз ва сўзшаклларни қамраб олган бўлса, «Луғоти сittа алсина» олти тилли луғат бўлиб, 1035 сўздан иборатдир).

Ўзбек, умуман, туркий лексикографияда Ибратдан сўнг деярли бир аср мобайнида кўп тиллар материалини қамраб олган луғат тузилмаган. Фақат 1991 йилда Анқарада асосий туркий тилларнинг қиёсий луғати¹ тузилган. Ушбу луғат ўн тилли, яъни туркча-озарбайжонча-бошқирдча-қозоқча-қирғизча-ўзбекча-татарча-туркманча-уйғурча-русча луғат бўлиб, уни тузишда бошқа туркийзабон халқлар вакиллари қаторида ўзбекистонлик олим Бердақ Юсуфов ҳам иштирок этган.

Туркистонда матбаа ишлари эндиғина оёққа туриб келаётган бир шароитда чоп этилган ва олти тил материалини қамраб олган ушбу луғат анча-мунча лексикографик ва техник нуқсонлардан холи бўлмаган. Чунончи, Ибратнинг ўзи сўзлар алифбо тартибига риоя қилган ҳолда жойлаштирилди, деб ёзган бўлса-да, бир қанча ўринларда бунинг аксини кўрамиз; бир ҳарфнинг ўрнига бошқа ҳарф терилган ҳолатлар ҳам кузатилади. Албагта, луғатга тартиб беришда, сўзларнинг муайян тилдаги аниқ эквивалентини белгилашда муаллиф йўл қўйган хатолар ҳам йўқ эмас. Ибрат ёзганидек, шундай кишилар ҳам борки, ҳатто ўз (мамлакати) тилини ҳам тоза (яхши) билмайдилар, шундай экан, ўзга тиллар луғатини тузишда хато ва камчиликлар бўлиши табиийдир. Ибрат ана шундай хато ва камчиликлар содир бўлишини аввалдан сезгандай, зийрак китобхондан (ахли нозирдан) узр сўрайди, улардан илтифот, афв кутади.

Исҳоқхон Ибратнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини батафсил ўрганган Олим Усмон ўз асарларида Исҳоқхон ушбу луғатни

¹ Karşılaştırmalı turk lehceleri sözlüğü (Ўн тилли қиёсий луғат). – Ankara, 1991. – 1183 бет.

тузишда биринчи галда рус тилини назарда тутган, ушбу луғати билан рус тилини ўрганишга даъват этган, деган фикрни олға суради¹. Бу қисман тўғри. Чунки Исҳоқхоннинг ушбу луғатни тузишдан асосий мақсади рус тилини ўрганишга даъват қилиш бўлганда эди, у олти тилли луғат эмас, балки икки тилли (русча-ўзбекча ёки ўзбекча-руссча) луғат тузган бўлар эди. Ибратнинг ўзи ёзганидек, ушбу луғат «сафар аҳли» (саёҳатчилар) манфаатини кўзлаган ҳолда тузилган бўлиб, унда барча тиллар материаллари тенг даражада изоҳланган.

Юқорида айтганимиздек, Исҳоқхон Ибратнинг «Луготи ситта алсина» асари баъзи жузъий нуқсонлари бўлишига қарамай, ўз даври учун ва ўзбек лексикографиясининг кейинги ривожи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган оригинал луғатлардан биридир.

ФОРСЧА-ЎЗБЕКЧА ВА ЎЗБЕКЧА-ФОРСЧА ЛУҒАТЛАР ТУЗИШ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ МУАММОЛАРИ

Ўзбек лексикографияси тарихи бошқа туркий тиллар лексикографиялари сингари Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридан бошланган, деб айтиш мумкин. Барча туркий халқларнинг умумий, муштарак обидаси бўлган ушбу луғат 1074 йилда яратилган бўлса, шундан кейин ўтган салқам 950 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзбек тили лексикасининг турли даврлардаги ҳолатини акс эттирувчи 40–50 та кўлёзма луғатлар яратилди.

Ўзбек лексикографиясига бевосита алоқадор кўлёзма луғатлар тузиш XI асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни қамраб олади ва кўлёзма луғатларнинг ибтидоси, албатта, «Девону луғотит турк» хисобланади². Ушбу асар туркий халқлар тарихидаги икки тилли (туркийча-арабча), диалектологик, изоҳли, этнографик, тарихий-этимологик ва бошқа хил луғатларнинг барча унсурларини қамраб олувчи дастлабки универсал луғат бўлиб, у Марказий Осиёда ҳамда унга ёндош ҳудудларда истиқомат қилган туркий қабилалар ва уларнинг тил хусусиятларини

¹ Усмон О. Кўрсатилган асар. – Б. 48–50.

² Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. З жилдлик (таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталибов). – Тошкент: ЎзФАН, 1960–1963.

Үрганишда ҳамда ҳозирги айрим туркий халқларнинг шаклланиши ва тараққиётини аниқлашда муҳим манба вазифасини ўтаб келмоқда¹.

Айни шу даврда, яъни «Девону луготит турк» яратилган йилларда форс тилининг ҳам дастлабки мукаммал луғати яратилган эди. Бу Асадий Тусийнинг 1060 йилда яратилган «Луғати фурс» асаридир. Демак, туркий лексикографиянинг ҳам, форсий лексикографиянинг ҳам ибтидоси, бошланиш тарихи бир даврга тўғри келади, деб айтиш мумкин².

Шарқ халқлари лексикографиялари, жумладан, ўзбек лексикографияси тарихида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган қадимий луғатлардан яна бири – буюк қомусий аллома Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддиматул адаб» асари форсча-ўзбекча луғатлар тарихидаги дастлабки асар ҳисобланади. 1137 йилда яратилган ушбу асар форс, ўзбек («чиғатой»), мӯғул, турк тилларига таржима қилинган; асарнинг ўзбек тилига таржимаси муаллифнинг ўзи томонидан амалга оширилган, деган фикрлар мавжуд. Луғатдаги арабча сўзлар остида уларнинг форсий ва туркий (ўзбекча) таржималарининг берилиши ўзбек тарихий лексикологияси учун ҳам қимматли манба ҳисобланади³. Афсуски, ушбу луғат бир қатор мутахассислар томонидан анча батағсил ўрганилган бўлса ҳам, «Девону луготит турк» сингари кенг ўқувчилар оммаси учун нашр этилмаган эди. Яқинда Ўзбекистон ва Япония олим-

¹ Бу ҳақда қаранг: Муталибов С. XI аср филологи Маҳмуд Кошғарий ва унинг «Девону луготит турк» асари. – Тошкент, 1958; Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Кошғарий. – Тошкент, 1963; Абдураҳмонов F. «Девону луготит турк» // Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси. 3-жилд. – Тошкент, 2002. – Б. 230–231; Мадвалиев А. Кошғарий Маҳмуд // Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси. 5-жилд. – Тошкент, 2003. – Б. 77–78 ва бошқалар.

² Форсча-ўзбекча ва ўзбекча-форсча луғатчилик тарихига доир материалларни ёритиш ва тақдим этишда куйидаги асарлардан фойдаландик: Ҳасанов Б. Жавоҳир ҳазиналари (Алишер Навоий асарларига тузилган қўлёзма луғатлар). – Тошкент, 1989; Умаров Э. А. Эски ўзбек луғатлари. – Тошкент, 1992; Умаров Э. А. Словари староузбекского языка и вопросы фонетики. – Тошкент, 1994; Ёрқин М. Ҳ., Ёрқин Ш. Дар борайи забони, ҳатти, фарҳангнависи туркий-ўзбакий (дарий тилида). – Кобул, 2005 (1385 ҳ.) ва бошқалар.

³ Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ва ижоди, унинг мазкур луғати ҳақида қаранг: Поппе Н. Н. Монгольский словарь Муқаддимату-л-адаб. Ч. I–III. – М. –Л., 1938 – 1939; Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Тошкент, 1971; Уватов У. Маҳмуд аз-Замахшарий. – Тошкент, 1995; Исломов З. Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Муқаддиматул адаб» асаридаги туркий феъллар таҳлили. НД, 1994.

ларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳосиласи сифатида «Муқаддиматул адаб»нинг ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи кўлёзмалар фондида сакланаётган тўрт тилли [арабча-форсча-туркий (ўзбекча)-мўғулча] ноёб нусхаси факсимиле ҳолда Токиода нашр этилди¹. Ушбу нашрга филология фанлари докторлари С. Ҳасанов ва З. Исломовлар қисқача сўзбоши ва изоҳотлар ёзиди, ушбу лугатнинг мазмун-моҳияти, тузилиши ҳақида ўқувчиларни муайян даражада хабардор қилгандар.

XII–XIII асрлардаги араб, форс, туркий-хоразмий, мўғул тилларига оид маълумотларни қамраб олган (биргина «Исмлар» қисмида 6250 та луғавий бирлик берилган) «Муқаддиматул адаб» асари бевосита соф форсча-ўзбекча луғат бўлмаса ҳам, кўп ҳолатларда форсча ва туркийча лексиканинг берилиши арабча луғавий бирликлар таркиби ва маъноларига боғлик бўлиб қолган бўлса ҳам, аксари арабча сўзларга мос форсийча ёки туркийча эквивалентлар келтирилмаган бўлса ҳам, у ўз даври учун ҳам, кейинги XIV асрдан то XX аср бошларигача бўлган давр учун ҳам ягона тўрт тилли луғат бўлиб қолади. Шу билан бирга, у дастлабки мавзуий, идеографик луғат ҳисобланади, ҳолбуки, Европа тишишнослигида идеографик луғатлар ҳақидаги дастлабки фикрлар XIX–XX асрлардагина пайдо бўлган.

«Муқаддиматул адаб»нинг тузилиши, яъни унда сўзларнинг жойлаштирилиши ҳам оригинал, ўзига хосдир. Унда сўзлар муайян мавзулар асосида вертикал ҳолда жойлаштирилган: биринчи қаторда арабча сўзлар, уларнинг кўплик шакли ва синонимлари берилиб, кейинги иккинчи, учинчи, тўртинчи қаторларда тегишли арабча сўз остидан унинг форсча, туркийча, мўғулча таржималари берилган. Агар арабча сўз кейинги тилларда ёки уларнинг бирида айнан қўллансанса (ёки тегишли эквивалент то-пилмаган тақдирда), бу ҳолатлар алоҳида белгилар, қисқартмалар орқали кўрсатилган. Масалан, вақт, замон ифодаловчи сўзлар гуруҳи («вақт» мавзу гуруҳи)даги айрим сўзларнинг берилишига эътибор қилинг².

¹ The Muqaddimat al-Adab: A Facsimile Reproduction of the Quadrilingual Manuscript (Arabic, Persian, Chagatay and Mongol). – Tokyo, 2008.

² Ушбу ва кейинги ўринларда барча ўқувчиларга кулайлик туғдириш мақсадида манбаларнинг номлари ва улардан олинган мисоллар кирилл ёзувида берилди.

A.	вақт	сана	қарн	рабиъ	сайф	шахр	ғуррат
Ф.	хангом	сол	хаштод сол	баҳор	тобестон	моҳ	аввали моҳ
Ў.	чоқ (чоғи)	йил	саксон йил	йоз	йой	ой	ой боши
M.	чоқ	хун	нойон хун	қобур	жўн	соро	йэкин соро

Юқорида биз бир мавзу доирасидаги 7 тагина луғат мақоласини келтириб, хабардор бўлмаган ўқувчида луғат ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилишга ҳаракат қилдик. Худди шунинг сингари, бошқа боб ва фаслларда ҳам осмон жисмлари, ер, сув, ўсимлик дунёси, одам, ҳайвонот дунёси, одам анатомияси, кундалик турмуш ва оила шароитида қўлланувчи ашёларга алоқадор номлар, уларнинг саноқ-микдорини ифодаловчи сўзлар, атамалар ўзлари мансуб бўлган мавзулар асосида гурухлаштирилиб, юқорида зикр этилган тўрт тилда акс эттирилган. Луғатнинг иккинчи қисмида эса феъллар араб тилидаги боблар асосида гурухлаштирилиб, форс, туркий ва мўгул тилларига таржима қилинган.

Махмуд Замахшарийнинг «Муқаддиматул адаб» асарини, ундаги тиллар кетма-кетлиги эътиборга олинганда, дастлабки форсча-туркийча луғат деб айтиш мумкин ва у ўзидан кейинги даврларда шу типдаги луғатларнинг тузилишига катта туртки бўлган. Ҳақиқатан ҳам XII–XIV асрларда Мисрда яратилган, муаллифи номаълум «Аттухфатуз закияту филлуғатит туркия», Халил ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Қунавийнинг «Китобу таржумони туркий ва ажамий ва мўғулий», Асируддин Абу Ҳайённинг «Китобул идрок ли лисонул атрок» луғатлари фикримизнинг далилидир. Айниқса, «Китобу таржумони туркий ва ажамий ва мўғулий» луғати туркий ва форсий тиллар лексикаси қиёсини ҳам қамраб олганлиги билан характерлидир.

XV асрдан адабиёт майдонида Алишер Навоийдек забардаст шоирнинг пайдо бўлиши, унинг оламшумул асарлар яратиши унинг ижодига, бинобарин, ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқиши кучайтирди ва XVI–XIX асрлар мобайнида ўндан ортиқ икки тилли луғатларнинг тузилишига олиб келди; бошқача қилиб айтганда, ўзбек тилшунослиги ушбу даврда луғатчилик асо-

сида ривожланди. Тузилган икки тилли луғатларнинг айримлари туркий-туркий кўринишида бўлиб, булар – анча вақтгача муаллифи номаълум бўлиб келган, кейинчалик муаллифи Румий деб эътироф этилган, «Абушқа» номи билан машҳур бўлган ўзбекчатуркча луғат (XVI аср, Туркия – 2054 сўз ва сўзшакл), Ражаб ибн Мухиб Али Шомлунинг «Луғати Навоий» (XVI аср) ўзбекчатуркча луғати ва бошқалар.

Навоий асарлари бўйича тузилган луғатларнинг аксарияти ўзбекча-форсча (туркий-форсий) кўринишида бўлиб, буларнинг асосийлари қуидагилардир: Толи Имони Ҳиравийнинг «Бадоеъул луғат» (XVI аср боши, Ҳирот – 854 сўз), Фазлуллахон Барлоснинг «Луғати туркий» (XVIII аср ўртаси, Ҳиндистон; 1825 йилда Калькуттада нашр этилган), Мирзо Маҳдийхонинг «Санглоҳ» (XVIII аср, Эрон – 6081 та сўз ва сўзшакл), Нодир Алининг «Луғоти Нодир Али» (XVIII аср), Фатҳали Қожорнинг «Луғоти атрокийа» (1858, Эрон – 7694 сўз ва сўзшакл) асарлари, Муҳаммад Ризо Хоксорнинг «Мунтахабул луғот» ва «Зубдатул луғат» форсча-ўзбекча луғатлари (биринчиси – 1799, иккинчиси – 1840, Хоразм) ва бошқалар. Шу билан бирга, баъзилар «Таржиматул луғотит туркийа билфорсий» луғатини Навоийнинг ўзига мансуб деб ҳисоблайдилар. Яқинда тилшунос Э. Умаров Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир нашрлар бўлимида XVI–XVII асрларда кўчирилган ва Нодир Али Сайид қаламига мансуб «Навоий асарлари луғати» сақланаётгани ҳақида мақола эълон қилди¹.

Навоий асарларидаги тушунилиши қийин туркий, арабий ва форсий сўз ва иборалар учун тузилган юқоридаги сингари луғатларнинг баъзилари алоҳида китоб тарзида бўлмай, тўғридан-тўғри қўлёзма бадиий асарнинг бош ёки охир қисмида ёки қўлёзма ҳошияларида илова тарзида берилган. «Луғати Амир Навоий», «Дар баёни луғати Хамсаи Навоий», «Халли луғати Хамсаи Навоий», «Хамса бо ҳалли луғат», «Фарҳанги ҳазрат Мир Алишер муллақаби би Навоий» каби катта-кичик луғатлар шу жумладандир. Мазкур луғатларнинг сўнгиси Охунд бин Мир Ҳасан Чахоржўйи томонидан 1849 йилда «Хазойинул маоний»ни кўчириш чоғида қўлёзмага қўшимча қилинган.

¹ Умаров Э. Янги аниқланган Навоий луғати // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, 1-сон. – Б. 94–95.

Навоий асарларига тааллуқан тузилган икки тилли луғатлардан ташқари XIV–XIX асрларда яна Марказий Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Миср, Туркия, Озарбайжон ва бошқа худудларда яна ўнлаб, йигирмалаб форсча- ўзбекча (туркийча), ўзбекча (туркийча)-форсча луғатлар тузилган. Уларнинг асосийлари: Ҳиндушоҳ ибн Санжар Соҳиб Нахичевонийнинг «Сиҳоҳул фурс» («Сиҳоҳул ажам») форсча-туркийча луғати (XIV аср биринчи ярми – 6000 сўз), Аҳад Темурий Аҳмад бин Абдуллоҳнинг «Таржумони мутаржим bemuntaхийул ирб фи луғатит турк вал-фурс вал-араб» уч тилли луғати (XV аср охири), Шамсиддин Аҳмад Мунирийнинг «Шарафномайи Мунирий» арабча-форсча-туркий луғати, Неъматуллоҳ бин Аҳмад бин Қози Муборак Румийнинг «Луғати Неъматуллоҳ» (1540, Кичик Осиё – 15 000 га яқин сўз ва сўзшакл), Мурод Шуурийнинг «Фарҳанги Шуурий» («Лисонул ажам») форсий-туркий луғати (XVII аср, Туркия; анчагина луғатлардан фойдаланиб тузилган ушбу луғат XIX аср бошларида Истанбулда чоп этилган), Ҳожа Табиб Бухорий Нақшбандийнинг «Алфози жаллия фи баёни луготи туркийя» туркий-форсий луғати (XVII аср), Аҳмад ибн Сулаймоннинг «Дақойиқул ҳақоийик» форсий-туркий луғати (XVI аср), Ҳисомиддин Хўйининг «Тұхфаи Ҳейсом» назмда ёзилган форсий-туркий луғати, Шайх Мұхаммад Солихнинг «Санглоҳ»дан фойдаланиб тузган «Аттамоғойи Носирий» туркий-форсий луғати (XIX аср), Мұхаммад Ёқуб Чингийнинг «Келурнома» туркий-форсий луғати (XVII аср охири, Ҳиндистон) ва бошқалар. Сўнгги луғат ҳақида бироз тўхталашибиз.

Бобурийлар даврида бадиий адабиётда ўзбек (туркий) тилининг роли катта бўлди. Ҳиндистонда бобурийлар ўз она тилларини сақлаб қолишга, уни ўз авлодларига ўргатишга ҳаракат қилдилар. Ана шундай эҳтиёж турли хил луғатларнинг яратилишини тақозо қилган. Бобурий ҳукмдорлардан Мұхайддин Мұхаммад Аврангзеб саройида хизмат қилган Мұхаммад Ёқуб Чингийнинг «Келурнома» деб номланган луғати айни шу эҳтиёжнинг ҳосила-сидир¹. Ушбу луғат 15 боб дан иборат бўлиб, унинг 1–14-бобла-

¹ Мұхаммад Якуб Чинги. Келурнаме (староузбекско-персидский словарь XVIII века). Введение, транскрипция, перевод текста, глоссарий А. Ибрагимовой. – Ташкент, 1982.

рида 400 га яқин туркий (ўзбекча) феъллар араб алифбоси тартибида ҳар бири 15 тагача шаклда берилган. Масалан, *айтмоқ* феъли асосий шакл сифатида берилиб, ундан кейин *айтди*, *айтибдур*, *айтур*, *айтибиди*, *айтадур*, *айтмади*, *айтмабдур*, *айтмас*, *айтмабиди*, *айтмайдур*, *айт*, *айтма*, *айтарбиз*, *айтмасбиз* каби замон ва майл шакллари форсча таржимаси билан берилган. Шу жиҳатдан «Келурнома» замонавий уяли луғатлар намунаси ҳисобланади. Луғатнинг сўнгти 15-боби, ўз навбатида, 9 та қисмга бўлинади: бунда исмлар (820 та сўз ва сўзшакл) мавзу гурухлари га ажратиб берилган. Масалан, 1-мавзу гурухида осмон ва у билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар; 2-мавзу гурухида ер ва у билан боғлиқ тушунчалар, ерда етишириладиган экинлар, ердаги қурт-қумурсқаларни билдирувчи сўзлар; 3-мавзу гурухида уй ҳайвонлари ва баъзи йиртқич ҳайвонларнинг номлари изоҳлаб берилган ва ҳоказо. Шу нуқтаи назардан луғатнинг ушбу боби мавзуй (тематик) луғат – идеографик луғат турини намоён этади.

Муҳаммад Ёқуб Чингий «Келурнома»ни тузишда XVII асрда Ҳиндистонда яшаган туркийзабон аҳолининг оғзаки нутқидаги луғавий бирликларни қамраб олишга ҳаракат қилган (унда жами 6000 га яқин сўз ва сўзшакл берилган). Луғатда келтирилган сўзларнинг аксарияти ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўллансанса, айримлари архаиклашиб, ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайди, баъзи бирлари эса ўзбек тили шеваларида учрайди.

Қўлёзма луғатлар, хусусан, форсча-туркий ёки туркий-форсча луғатлар тузиш анчагина даврни қамраб олган бўлса-да, кўриниб турибдики, бундай луғатлар унчалик кўп эмас. Бу ҳолнинг ўзига яраша объектив ва субъектив сабаблари бўлган, албатта. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда ҳам литографик ва типографик усулларда китоб босишнинг йўлга қўйилиши билан барча китоблар, матбуот органлари қатори луғатлар ҳам кўп тиражларда чоп этила бошлади ва ўқувчиларнинг улардан фойдаланиш имконияти ниҳоятда кенгайди.

Айтиш керакки, айни ўша даврда – чор Россияси мустамлакачилиги даврида тузилган ва Туркистонни ўзлаштириш ишига ҳисса қўшган русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатлар билан бир қаторда маҳаллий муаллифларнинг – янгича фикр-

ловчи ўқимишли зиёлилар вакилларининг таълимий-маърифий мақсадларни кўзлаб яратган, ушбу соҳадаги азалий анъаналарни давом эттирган икки тилли ва кўп тилли луғатлари ҳам дунёга келади. Ана шундай луғатлардан бизнинг мавзуумизга мос кела-диган иккитаси ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Тўхтамоқчи бўлганимиз луғатларнинг биринчиси таникли ўзбек маърифатпарвари, шоир ва олим Исҳокхон тўра бинни Жунайдулла эшон Ибратнинг 1901 йилда Тошкентда чоп этилган «Луғоти сittta алсина» (олти тилли луғат) асаридир¹. Муаллиф асарга ёзган Муқаддимасида йигитлик чоғида Афғонистон, Ҳиндистон, Форсистон (Эрон) шаҳарларида саёҳатда юрганида, мусофирилар (сафар аҳли) учун ўзга бир тилни билмоқ, тушунмоқ юз олтин баробарида эканлигига шоҳид бўлганини, шу муносабат билан ана шу худудлардаги ҳалқлар тилларини ўрганишга зўр саъй-ҳаракат қилганини, ушбу луғат ана шу ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ майдонга келганини ёzáди.

Луғатнинг номи Ибратнинг хаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган асар ва мақолаларда гоҳ «Луғати сittta алсина», гоҳ «Луғати сittta-ал-сина», гоҳ «Луғат сittta ас-сина» тарзида ёзилган. Бу номлардан луғатнинг моҳиятини англатувчи маъно чиқмайди. Ибратнинг китоби жорий (кириллча) ёзувда «Луғоти сittta алсина» тарзида берилиши лозим. Бунда арабча *lugot* – сўзлар, *sittta* – олти, *алсина* – «лисон» сўзининг кўплиги (яъни «тиллар») бўлиб, олти тилга тааллуқли сўзлар, содда қилиб айтганда, «олти тилли луғат» маъносини беради.

Муаллифнинг таъкидлашича, луғат икки жилдан (қисмдан) иборат. Биз жилларни шартли равишда «Феъллар» ва «Ислар» деб номлашимиз мумкин. Биринчи жилдда 156 феълнинг масдар (инфinitiv) ҳамда ҳозирги-келаси замон шакллари, 12 та феълнинг ўтган замон ва буйруқ майли шакллари ҳамда 5 та олмош – жами 341 та сўз 6 та устунга бўлиниб, форсча-арабча-туркча-сартча-ҳиндча-русча луғат шаклида араб алифбоси тартибида берилган; барча тилларга оид сўзлар араб графикасида ёзилган.

¹ Исҳокхон бинни Жунайдулла Тўракўргоний. Луғоти сittta алсина. – Тошкент, 1901 (Исхакхан тюра Джунайдулла Ишанов. Словарь на сартовском языке с объяснением русских, арабских, персидских, тюркских и индийских слов в мусульманской транскрипции). – 53 бет.

Луғатнинг иккинчи жилди жами 694 та исмни (от, сифат ва сон туркумидаги сўзларни) қамраб олган бўлиб, улар 37 та мавзу гуруҳларига ажратилиб, арабча-форсча-туркча-сартча-хиндча-русча луғат шаклида олти устун қилиб берилган. Масалан, биринчи мавзу «Аъзойи ҳайвонот» («Жонзотларнинг аъзолари») деб номланиб, унда 61 та аъзо номи келтирилган. Хуллас, ушбу луғат феъл, от, сифат, сон ва олмош туркумларига оид 1035 та сўзнинг олти тилдаги ифодасини қамраб олган, ўзбек лексикографияси тарихида алоҳида ўрин эгаллаган ноёб луғатлардан ҳисобланади.

Анъанавий луғатчилик тартиб-қоидалари асосида тузилган ва бевосита форс-ўзбек луғатчилигига алокадор бўлган луғатлардан яна бири Салоҳиддин Тошкандий (Сайид Салоҳиддинхўжа ибн Алоуддинхўжа ибн Норхўжа эшон)нинг 1909 йилда тошбосма усулида чоп этилган «Луғоти салос» (уч тилли луғат) асаридир¹. Асар муаллифи ўз даврининг ўқимишли, зиёли, бир қанча шарқ тилларини мукаммал билган тилшунос олимни бўлиши билан бирга, шеърий санъат сирларидан воқиф бўлган шоир ҳамдир. Буни «Луғоти салос» ва унинг қисқача варианти бўлмиш «Нисобус сибёни туркий» асарларининг назмий (шеърий) йўл билан ёзилганлигидан ҳам билса бўлади.

«Луғоти салос» маснавий жанрида ёзилган бўлиб, ҳар бир байт ўзаро қофияланган ва арузнинг *фаилотун*, *фаилотун*, *фаилот* вазнида ёзилган. Луғат 6 боб ва 33 фаслга бўлинган, ҳар бир боб ва унинг ичидаги фасллар муайян мавзу ва мавзучалардан иборат. Масалан, 1-боб одам, унинг ҳаёти, турмуши, атроф-мухити, қариндош-уруглари билан боғлиқ тушунчаларнинг номлари ни қамраб олган ва бу номлар кичик-кичик мавзуларга бўлиниб, тегишли фаслларда баён қилинган; 2-боб эса ҳайвонот дунёси ва у билан боғлиқ тушунчалар номларига бағишиланган ва ҳоказо. Шундай қилиб, «Луғоти салос» 51 саҳифадан иборат бўлиб, жами 492 байт ёки 984 мисрани ташкил этади. Юқорида айтганимиздек, «Луғоти салос» уч тилли луғатдир: арабча-форсча-туркийча.

¹ Салоҳиддин Тошкандий ва унинг «Луғоти салос» асари ҳакида қаранг: Аҳмедов А., Муродов С. Уч тилли луғат // Ўзбек тили ва адабиёти, 1968, 1-сон. – Б. 11–12; Гофурова С. Салоҳиддин Тошкандий ва унинг «Луғоти салос» асари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, 2-сон. – Б. 84–86.

Муаллиф ҳар бир сўзнинг қайси тилга мансублигини кўрсатиш учун унинг устига маҳсус белги қўйган; арабча – α (а), форсча – ف (ϕ), туркйча (ўзбекча) – $\dot{\text{c}}$ (т) ҳарфларини қизил рангдаги сиёҳ билан ёзиб қўйган:

$\alpha \quad \alpha \quad m \quad \phi$
Расул ила набий элчи пайғамбар,

$\alpha \quad \alpha \quad m \quad m \quad \phi$
Далил ҳодий қуловуз йўлчи раҳбар.

Муаллиф ўз асарини мактаб ўқитувчиларига ва ўқувчиларига, талабаларга мўлжаллаб ёзганлиги сабабли, уни шеърий усулда яратган. Дарҳақиқат, ёдлаб олинган ҳар қандай матн хотирада узоқ сақланади ва тил ўрганишни осонлаштиради. Шу жиҳатдан асарни илк ўқув луғатларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Луғатда келтирилган сўзлар маълум мавзуй гурухларга ажратилганлиги сабабли, у идеографик луғат ҳам саналади¹. Луғат ҳақида янада аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун яна бир-икки байтни ўқувчилар ҳукмига ҳавола қиласми:

$\alpha \quad \phi$
Дегил аррух яъни жон, эй дўст,

$\alpha \quad \phi \quad m \quad \alpha \quad m \quad \phi$
Арақ хуми тер дахи жилд ул тери пўст.

$\alpha \quad \phi \quad m$
Музаккар нар ҳам эркак, эй киши бил.

$\alpha \quad \phi \quad m \quad m$
Чу унса мода урғочи тиши, бил.

$\alpha \quad \phi \quad m \quad m \quad m$
Дегил аҳмарни сурх, қирмиз, қизилдор,

$\alpha \quad \phi \quad m$
Дахи асвад сиёҳу қора, эй хур.

$\alpha \quad \phi \quad m$
Бўлур дохил даруни ичкари бил,

$\alpha \quad \phi \quad m$
Дахи хориж бируни ташқари бил.

¹ Гофурова С. Кўрсатилган мақола. – Б. 86.

Юқорида таҳдил қилинган иккита луғатдан сўнг, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижаси ўлароқ форсча-ўзбекча ва ўзбекча- форсча луғатлар тузиш соҳасида узоқ вақт турғунлик хукм суради. Ҳатто Тошкент давлат университетидаги (хозирги Ўзбекистон миллий университети) алоҳида шарқ филологияси факультетидаги, педагогика институтларининг филология факультетларида форс тили асосий ёки кўшимча фан сифатида ўқитилишига қарамай, ўқитувчиларнинг ёки талабаларнинг эҳтиёжини қондирувчи биронта форсча-ўзбекча ёки ўзбекча-форсча луғат мавжуд бўлмаган. Ўқитувчи ва талабалар ҳам кўпинча ўз эҳтиёжларини қондириш учун русча-форсча ёки форсча-русча луғатлардан фойдаланишга мажбур бўлганлар. Фақат 1975 йилдагина форс тилини ўрганувчилар учун «байрам» бўлди: шу иили бирданига икки қўлланма-луғат нашр этилди. Булар Алибек Рустамов, Қаюм Каримов, Зикрилла Умаровларнинг «Форсча-ўзбекча ўкув луғати» ҳамда Малик Абдусаматовнинг «Сиз форсча сўзлашасизми?» деб номланган ўзбекча-форсча сўзлашгичидир.

«Форсча-ўзбекча ўкув луғати»¹ шу соҳада XX асрда қилинган биринчи тажриба бўлиб, муаллифлар томонидан кўп йиллар давомида олиб борилган кузатишлар натижасида йигилган материаллар асосида яратилган. Луғатга ҳозирги форс адабий тилида, матбуот ва радиода ишлатиладиган 9200 дан ортиқ сўз, деярли яна шунча ибора ва қўшма феъллар киритилган ва шу сўзларнинг ўзбек тилида кўп истеъмол қилинадиган асосий маъноларигина берилган. Университетлар ва педагогика институтларининг талабаларига мўлжалланган ушбу луғат форс тилини ўрганувчилар, форс тили муҳлислари узоқ йиллар кутган маданий ходиса бўлди, деб айтиш мумкин.

Университетларнинг шарқ ва филология факультетлари ҳамда педагогика институтларининг филология факультетлари учун қўлланма сифатида нашр этилган «Сиз форсча сўзлашасизми?» форсча-ўзбекча сўзлашгичи² ҳам аҳамияти жиҳатидан аввалги

¹ Форсча-ўзбекча ўкув луғати [тузувчилар: А. Рустамов, Қ. Каримов, З. Умаров]. – Тошкент, 1975 [2-нашр: Тошкент, 1983].

² Абдусаматов М. Сиз форсча сўзлашасизми? [Ойо шўмо бэ форси ҳарф мизанид?]. – Тошкент, 1975.

лугатдан қолишимайды. Сўзлашгич тузилиши жиҳатидан 60 та мавзуга бўлинган. Ҳар бир мавзу ўзаро сұхбат (диалог) характеристида бўлиб, мавзулар охирида талабалар нутқ малакасини ошириш учун мавзуга алоқадор ва ўрни билан ишлатиладиган сўз ва иборалар рўйхати берилган. Шунингдек, форсча сўз ва иборалар кирилл ёзувидағи транскрипция билан таъминланган. Китоб охирида сўзлашувда фаол қўлланадиган бир қанча феъллар рўйхати ва грамматик жадваллар келтирилган.

Мазкур луғат ва сўзлашгич нашр этилгандан 20 йил ўтгач, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида форс-ўзбек луғатчилиги соҳасида бир қадар жонланиш кузатилади. Бирмунча танаффуслар билан бирин-кетин «Ўзбек тилидаги арабча ва форсча сўзлар лугати», «Ўзбек тилига ўзлашган форсча сўзлар», «Форсча-ўзбекча луғат» кабилар нашр этилди ва бу соҳадаги бўшлиқни мурайян даражада тўлдирди, деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ва ўрта мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари ва кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган «Ўзбек тилидаги арабча ва форсча сўзлар лугати»да¹ жами 3820 та сўз берилган бўлиб, уларнинг 2415 таси арабча, 1220 таси форсча, 185 таси аралаш (форсча-арабча, арабча-форсча каби) сўзлардан иборат. Ушбу луғатда биринчи ўринда сўзнинг араб ёки форс тилидаги ёзишиши, қавс ичиди оддий ўқилиши, иккинчи ўринда эса унинг ўзбек тилидаги маъноси кўрсатилган.

Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчиҳонаси маданият ишлари бўйича ваколатхонасининг ташаббуси ва кўмаги билан нашр этилган «Ўзбек тилига ўзлашган форсча сўзлар» («Вожехои форси дар ўзбаки»)² луғати тузилиши жиҳатидан аввалги луғатга бирмунча ўхшайди. Бироқ луғатнинг лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида яратилганлиги унинг асосий жиҳати ва ютуғидир. Бунда аввал форсча сўзлар лотин ёзувида, ундан кейин сўзнинг араб ёзувидаги шакли, сўнг форсча сўзнинг ўзбек тилидаги асосий маънолари келтирилади. Луғатда жами 3700 дан

¹ Ўзбек тилидаги арабча ва форсча сўзлар лугати. [тузувчилар: Р. Сапоев, Ш. Авезметов]. – Тошкент, 1996.

² Vafoiy A., Avezmetov Sh. O'zbek tiliga o'zlashgan forscha so'zlar. – Tehron–Toshkent, 2005.

ортиқрөс сўз берилган бўлиб, уларнинг 1100 дан ортиғи арабча + форсча, форсча + арабча, форсча + ўзбекча шаклидаги ясама ёки кўшма сўзлардан иборат.

Муаллифлар жамоаси томонидан яратилган ва Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчиҳонаси хузуридаги маданият ишлари ваколатхонаси кўмагида нашр этилган «Форсча-ўзбекча лугат» («Фарҳангे форси-ўзбаки»)¹, аввало, лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида нашр этилгани, иккинчидан, XX асрда Ўзбекистонда яратилган шу типдаги лугатлар ичидаги энг катта ҳажмли эканлиги билан ажралиб туради. Унда жами 13 900 га яқин сўз ҳамда 370 та географик номлар берилган, шунингдек, бош сўзни мумкин қадар кўпроқ иборалар, кўшма феъллар билан таъминлашга ҳаракат қилинган. Ушбу лугат ундаги сўзлар миқдори ва бош сўзларга берилган иллюстратив материал нуқтаи назаридан талабалар ва форс тили мутахассислари эҳтиёжини маълум даражада қондиради, деб ўйлаймиз.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўтган асрнинг 70-йилларигача форс ва ўзбек тилларини ўрганишга мўлжаллаб лугатлар тузишда турғунлик ҳукм сурган бўлса-да, Эронда ва бошқа баъзи мамлакатларда ушбу соҳада муайян ишлар амалга оширилди. Масалан, эронлик олим Одил Иршодий Фарднинг «Фарҳангे вожегони туркий дар забони ва адабийоти форсий» (Ардабил, 1960), Азиз Давлатободийнинг «Фарҳанге вожегони туркий ва мўғулий дар мутуни форсий» (1960), Мухаммад Содик Ноибийнинг «Вожегони забони туркий дар порсий» (1960, бу китобда 1000 та асл туркий сўз этимологияси кўрсатилган ҳолда форс тилида изоҳланган) асарлари, шунингдек, немис олими Герхард Дёрфернинг тўрт жилдли «Аносирি туркий ва мўғулий дар забони форсий» (Висбаден, 1963 – 1967) асарлари шу жумладандир. Ва, ниҳоят, афғонистонлик юртдошларимиз Мухаммад Ҳалим Ёрқин ва Шафиқа Ёрқинларнинг республика мустақиллиги йилларида Тошкентда яшаб тузган «Фарҳанге жомиъи ўзбакий-форсий» («Муқаммал ўзбекча-форсча лугат») ҳақида. Бу лугат 2005

¹ Abdusamatov M., Vafotiy A., Bahromiy H., Olimov Sh., Avazmetov Sh., Beknazarov T., Ziyoroyeva T., Hodiyeva N. Forscha-o'zbekcha lug'at. – Toshkent: FAN, 2006.

йилгача тузилган ва Эрон Ислом Республикасида чоп қилишга тақдим этилган. Бу асар ҳозирги ўзбек адабий тили (Ўзбекистон) асосидаги материални ҳозирги форс адабий тилига (Эрон) таржима қилиш асосида яратилган икки тилли изохли лугат бўлиб, 38000 сўз, термин, ибораларни ўз ичига олади.

Юқоридаги умумлашма баёндан кўринадики, ўзбек-форс, форс-ўзбек лугатчилиги соҳасида турли даврларда юксалиш ва пасайишлар, изчиллик ва узилишлар, ютуқлар ва камчиликлар бўлган. Бу соҳада шу пайтгача амалга оширилган ишлар, тадқиқотлар салмоқли миқдорни ташкил этса-да, улар ҳозирги синчков китобхонни, ҳар икки тилни ҳам мукаммал эгаллаш иштиёқида бўлган талабаларни, ҳар иккала халқ тили ва мумтоз адабиётининг муҳлисларини тўлиқ қониқтиради, деб бўлмайди. Бунинг учун барчани бирдай қониқтирадиган, ҳар иккала тилнинг асосий лугат бойлигини яққол намоён эта биладиган, камида М. Фаффоров, Б. В. Миллер, В. С. Растворгуева, Ю. А. Рубинчиклар ишлаб чиққан лугатлар даражасидаги катта ҳажмли лугатлар яратиш зарур бўладики, бу нарса, аввало, шу соҳада етук, билимдон мутахассислар тайёрлашни, қолаверса, катта куч ва меҳнатни, ташаббускорликни талаб қиласди. Шунингдек, форсча-ўзбекча лугатларда форсча сўзларнинг ўзбек тилидаги аниқ талафузини акс эттирувчи алоҳида транскрипция тизими ни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Мазкур муаммолар ҳозирги форс ва ўзбек лексикографиялари олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУГАТЛАР ТУЗИШ ТАРИХИДАН

Лугатлар маънавий маданият соҳасида муҳим ўрин эгаллайди, уларда жамиятнинг маълум даврда эришган билимлари акс этади. Лугатлар бир қатор ижтимоий вазифаларни бажаради: ўкувчига муайян ҳодиса ҳақида маълумот беради; уни ўз ва ўзга тиллардаги сўзлар билан таниширади; тилни, унинг лугат таркибини такомиллаштириш ва тартибга солишга ёрдам беради. Лугатлар жуда қадимги даврларда пайдо бўлган.

Энциклопедик луғатлардан фарқли равища, ҳозирги кунда кенг тарқалган лингвистик (филологик) луғатларнинг асосий мақсади тил бирлиги ҳисобланган сўзнинг маъноларини, турли лисоний хусусиятларини очиб беришдан иборат. Лингвистик луғатлар лексикографик тавсиф мазмуни, вазифаси ва усуллари нуқтаи назаридан бир қанча турларга бўлинади. Лингвистик луғат турларидан бири – бир тилга оид луғавий бирликларни бошқа тилга ўтириб берувчи таржима луғатлари – ўзбек лексикографиясида кенг тарқалган, қадимдан ривожланиб келаётган луғат туридир. Айтиш мумкинки, ўзбек луғатчилиги тарихи, то ўзбек тилининг изоҳли луғати тузилгунга қадар, асосан икки тилли луғатлар тарихидан иборат бўлган.

Ўзбек луғатчилиги тарихи, шунингдек, бошқа туркийзабон халқлар лексикографияси ҳам машҳур аллома Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридан бошланган, деб айтиш мумкин. Ушбу луғат асосан сўзлар ва уларнинг маъноларини тавсифлаб қолмасдан, туркий халқлар тарихи, урф-одатлари, географик жойлашуви каби кенг маълумотлар манбаи ҳам ҳисобланади. Шу билан бирга, у туркий халқлар луғатчилигидаги дастлабки икки тилли (туркийча-арабча) луғатлардандир.

XIX асрнинг сўнгги чорагигача туркий (ўзбек)-араб, туркий (ўзбек)-форс, ўзбек-турк иккитиллилигига асосланиб ёки аксинча тартибда тузилган таржима луғатлари мавжуд бўлган бўлса, XIX аср охири ва XX асрда улар қаторига рус, инглиз, немис, француз, испан, хинд, хитой, япон, корейс тиллари иштироқида тузилган икки тилли луғатлар ҳам қўшилди.

Ўзбек луғатчилиги тарихида яратилган юқоридаги каби икки тилли луғатлар ичida рус-ўзбек ёки ўзбек-рус иккитиллилигига асосланиб яратилган таржима луғатлари кўпчиликни ташкил этади. Уларни шартли равища уч гурухга бўлиш мумкин:

1. Чор (подшоҳ) Россияси даврида тузилган русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлар.
2. Шўролар даврида яратилган русча-ўзбекча таржима луғатлари.
3. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида яратилган русча-ўзбекча луғатлар.

XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX асрнинг дастлабки йигирма иили мобайнида, яъни Туркистон чор Россияси мустамлакасига айлантирилган йилларда турли сабаб ва эҳтиёжлар, давр тако-зоси билан ўзбек-рус, рус-ўзбек иккитилилиги асосида ўнлаб русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатлар, сўзлашгичлар тузилиб нашр этилди (бу даврдаги луғатларда кўпинча «ўзбек» сўзи ўрнида «сарт» сўзи, «ўзбек тили» ибораси ўрнида «сарт тили» ибораси ишлатилган эди)¹.

Ҳаволада кўрсатиб ўтилган луғат ва сўзлашгичлар, асосан, тузувчиларнинг маҳаллий аҳоли билан бевосита алоқаси жараёнида, жонли сўзлашув ва талаффузга асосланиб тузилган ва чор амалдорларининг ўз ҳокимиятини, мустамлакачилик сиёсатини

¹ Старчевский А. Спутник русского человека в Средней Азии, заключающий в себе словари (написанные русскими буквами) языков: I. Тюркского (джагатайского) или узбекского; II. Киргизского (казахского); III. Татарского (казанского и оренбургского); IV. Сартского (городского узбекского) и V. Таджикского. – СПб., 1878. – VI, 64 с., 804 столб.; Ишаев Ш. Краткий русско-сартовский и сартовско-русский словарь для практического изучения языка местным населением Туркестанского края (В книге только русско-узбекский словарь). – Ташкент, 1880. – 184 с.; Наливкин В., Наливкина М. Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общеупотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганскоого уезда. Казан, 1884. – 480 с.; Алексеев З. А. Фразы на сартовском языке, с русским переводом и транскрипцией, необходимые для всякого живущего в Туркестанском крае при сношениях с сартами. Полезное пособие для хозяев и хозяек, купцов и земледельцев... – Ташкент, 1884. – 323 с.; Старчевский А. Переводчик с русского языка на сартовский. – СПб., 1896. – 204 с.; Старчевский А. Русский средне- и южно-азиатский проводник-переводчик, заключающий в себе языки: I. Тюркский (кашгарский); II. Джагатайский; III. Узбекский; IV. Таджикский; V. Бутанский; VI. Невари; VII. Непальский... – СПб., 1896. – 376 с.; Лапин С. А. Карманный русско-узбекский словарь. 4000 слов для обыденного разговора с оседлыми туземцами Туркестанского края, с приложением краткой грамматики узбекского языка. – Самарканд, 1895. – VIII, 106, 56, 2 с. (Изд. 2. – Самарканд, 1899. V, 109, 63, II с.; Изд. 3. – Самарканд, 1907. – V, 114, 63 с.; Изд. 4. – Самарканд, 1914); Наливкин В. П. Руководство к практическому изучению сартовского языка с приложением русско-сартовского и сартовско-русского словарей. – Самарканд, 1898. – 333 с. (Изд. 2. Ташкент, 1911. – 332 с.) Афанасьев Л. Словарь сартовских слов с главнейшими грамматическими правилами. – Скobelев, 1908. – 207 с. (Изд. 2., дополненное и исправленное. – Самарканд, 1909. – 214 с.); Сартовский переводчик. Среднеазиатские наречия. Ч. I. Русско-сартовские разговоры и слова. Составил М. П. Басалов. Исправил В. П. Наливкин. – Ташкент, 1908. – 27 с.; Ефимов А. Спутник русского врача по Средней Азии (Средне-азиатские наречия на русском, персидском, сартовском и текинском). – Ташкент, 1909. – 65 с.; Будзинский Н. С. Краткая грамматика сартовского языка и русско-сартовский собеседник. – Ташкент, 1910. – 2, 320, 5 с.; Смоленский Н. Полный карманный русско-сартовский словарь. – Ташкент, 1912. – 179 с.; Преображенский М. Карманный русско-сартовский словарь. Изд. 2. – Ташкент, 1917. – 147 с. ва бошқалар.

янада мустаҳкамлаш, маҳаллий аҳолини тобеликда сақлаб туриш каби тор амалиётчилик мақсадларини амалга ошириш учун мўлжалланган эди. Масалан, дастлабки русча-ўзбекча сўзлашгични яратган З. Алексеев ўз китоби сарлавҳасини қуидагича белгилаган: «Туркистон ўлкасида яшовчи ҳар қандай киши (бу ўринда – рус кишиси) учун сартлар билан мулоқотда зарур бўладиган **сарт тили иборалари**. Хўжайнинлар ва бойвучча хонимлар, савдогарлар ва заминдорлар учун... фойдали қўлланма». Мазкур луғат ва сўзлашгичларнинг аксар ҳолларда чор офицерлари, миссионерлар томонидан тузилганлиги ҳам фикримизни маълум даражада тасдиқлайди. Лекин ўз мақсад ва вазифаларига, оғзаки тил ва талаффуз асосида тузилганлиги ва ҳозирги кун нуқтаи назаридан ўта соддалигига қарамай, ушбу даврда тузилган луғат ва сўзлашгичлар кейинги, замонавий русча-ўзбекча луғатлар ва сўзлашгичлар тузиш учун муайян замин яратиб берди. Бу жиҳатдан В. Наливкин ва М. Наливкиналарнинг, С. Лапиннинг бир неча марталаб нашр этилган русча-ўзбекча луғатлари диққатга сазовордир.

Шўро даври рус-ўзбек луғатчилиги катта даврни – XX асрнинг 20-йилларидан то 90-йилларигача бўлган даврни қамраб олади. Бу йиллар мобайнида турли мақсадларни кўзлаган кичик ҳажмли русча-ўзбекча луғатлар билан бирга, катта ҳажмли, фундаментал характердаги академик русча-ўзбекча луғатлар ҳам яратилди. Айни шу нуқтаи назардан ушбу давр луғатларини шартли равища икки гурухга ажратиш мумкин: а) 1920–1950 йиллар ичida яратилган русча-ўзбекча таржима луғатлари; б) 1950–1990 йиллар ичida яратилган русча-ўзбекча таржима луғатлари.

1920–1950 йиллар мобайнида тузилган русча-ўзбекча луғатлар, сўзлашгичлар¹ кичик ҳажмлилиги, қисқалиги, нисбатан сод-

¹ Поливанов Е. Д. Краткий русско-узбекский словарь / Қисқача рус-ўзбек луғати (ўзбекча қисми араб алифосида). – Ташкент, 1926. – 218, XII с.; Полный русско-узбекский словарь / Русча-ўзбекча мукаммал луғат. Ҳар калиманинг турли маънолари ва рус тилида ишлатилиб турган чет сўзлар тамом кўрсатилган [С. Раҳмонкулий ва А. Карамнинг «Русско-татарский словарь» китобининг тузатилган ва тўлдирилган 2-нашридан (Козон, 1922) ўзбекчалаштирувчи: Ашурали Зохирий]. 2 жилдли. – Тошкент, 1927. – 685, IV б.; Громатович К. Д. Русско-узбекский словарь для европейцев, служащих госаппарата УзССР. – Самарканд – Ташкент, 1930. – 240 с.; Антонов-Саратовский В. П., Раджабаев С. Русско-узбекский речевой справочник. – М. – Л., 1931. – 56 с.; Полный

далиги, иллюстратив материаларининг камлиги билан ажралиб туради. Булар ичида Е. Д. Поливановнинг «Қисқача рус-ўзбек луғат»и, Ашурали Зоҳирий нашр эттирган «Русча-ўзбекча мукаммал луғат», Т. Н. Қори-Ниёзий ва Н. К. Боровковлар таҳрири остида нашр этилган «Русча-ўзбекча луғат» ўз замонаси талабларига жавоб бера оладиган, бир қадар мукаммал луғатлар ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон уруши муносабати билан анчагина сустлашиб қолган луғатчилик ишлари 1950 йиллардан яна жонланниб, қисқа вақт ичида бу соҳада улкан ишлар амалга оширилди, катта ҳажмли русча-ўзбекча таржима луғатлари яратилди. Булар: ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг етакчи ходимлари томонидан яратилган беш жилдли «Русча-ўзбекча луғат»¹ ҳамда шу институт ходимлари иштирокида яратилган бир жилдли «Русча-ўзбекча луғат» дир.² Ушбу луғатлар ҳажм жиҳатидан ўзигача яратилган барча русча-ўзбекча луғатлардан устун туради. Масалан, беш жилдли луғатдан 71500 дан ортиқ сўз ўрин олган бўлса, бир жилдли луғат 50 000 сўзни қамраб олган. Ўзбек луғатчилигининг муайян босқичида кенг қамровли вазифалар юклangan бир жилдли ва беш жилдли русча-ўзбекча луғатларнинг нашр этилиши қо-

русско-узбекский словарь / Русча-ўзбекча тўла сўзлиқ. II жилд. П – Я (Тузувчилар: Сахи Раҳматий, Абдулла Қодирий ва Абдулла Саидов). – Тошкент – Қозон, 1934. – 548 б. (Луғатнинг биринчи жилди номаълум сабабларга кўра нашр этилмай қолган); Русча-ўзбекча луғат. Ҳарбий хизматга чакирилувчилар учун (Русско-узбекский словарь для призываников). – Тошкент, 1940. – 36 б. (2-нашри. – Тошкент, 1941. – 236 б.); Русча-ўзбекча луғат (Русско-узбекский словарь). Проф. Т. Н. Қори-Ниёзий ва проф. А. К. Боровков таҳрири остида. – Тошкент, 1942. – 536 б.; Русча-ўзбекча луғат (Русско-узбекский словарь). Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар учун (Тузувчилар: В. В. Решетов, Н. Е. Шатого, Б. А. Ильязов, А. Г. Иванов, Г. А. Амирев). – Тошкент, 1942. – 540 б.; Қисқача русча-ўзбекча луғат (Краткий русско-узбекский словарь). Проф. А. К. Боровков таҳрири остида. – Тошкент, 1942. – 443 б.

¹ Русча-ўзбекча луғат (Русско-узбекский словарь). Беш жилдли (Бош муҳаррир: А. К. Боровков). I жилд. А–Ж. Мухаррирлар: О. У. Усмонов, Р. А. Абдураҳмонов. – Тошкент, 1950. – 519 б.; II жилд. З – Л. Мухаррирлар: О. У. Усмонов, С. А. Акобиров. – Тошкент, 1953. – 480 б.; III жилд. М – О. Мухаррирлар: С. А. Акобиров, С. И. Иброҳимов, З. М. Маъруфов, О. У. Усмонов, Ш. Ш. Шоабдураҳмонов. – Тошкент, 1953. – 583 б.; IV жилд. П – Р. Мухаррирлар: С. А. Акобиров, З. М. Маъруфов, А. Т. Хўжахонов, Ш. Ш. Шоабдураҳмонов. – Тошкент, 1954. – 720 б.; V жилд. С – Я. Мухаррирлар: С. А. Акобиров, З. М. Маъруфов, А. Т. Хўжахонов, Ш. Ш. Шоабдураҳмонов. – Тошкент, 1955. – 735 б.

² Русско-узбекский словарь /Русча-ўзбекча луғат. Под редакцией Р. Абдурахманова (Составители: А. Азизов, С. Акабиров, Ф. Алиева, З. Аминов, К. Мухамедов, О. Раҳимий, В. Раҳимов). – М.: ГИИНС, 1954. – 1046 с.

нуний ва муҳим бир ҳол ҳисобланади. Бу луғатлар Ўзбекистонда рус тилини ўрганишда, таржималарнинг сифатини оширишда катта роль ўйнади ва қарийб ўттиз йил мобайнида шу мақсадлар учун хизмат қилиб келди. Шу билан бирга, ушбу луғатлар ўзбек луғатчилигини янги, юқори поғонага кўтарди.

Кейинги ўйнилликларда ўзбек китобхонларининг рус тили соҳасидаги билими янада ошди, рус ва ўзбек тиллари луғат таркибида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Лексикадаги ўзгаришларни акс эттириш зарурати туфайли, таржимонлар учун амалий, рус тилини ўрганувчилар учун ёрдамчи қўлланма бўла оладиган янги, мукаммал русча-ўзбекча луғатга эҳтиёж сезила бошлади. Натижада 1983–1984 йилларда янги, аввалгиларига қарагандা анча мукаммал икки жилдли «Русча-ўзбекча луғат» майдонга келди¹. Ушбу янги луғатни тузишда беш жилдли ва бир жилдли русча-ўзбекча луғатлар тузиш жараёнида тўплланган бой тажрибадан смарали фойдаланилган. Аммо бу икки жилдли луғат аввалги беш жилдли ёки бир жилдли луғатнинг қайта нашри бўлмай, балки ўз вазифаси, тузилиши, таркиби (унда 67 000 га яқин сўз берилган), манбаларига кўра илгариги луғатлардан катта фарқ қиласди.

1950–1990 йиллар оралиғида юқоридаги каби катта ҳажмли русча-ўзбекча таржима луғатлари билан бир қаторда турли (асосан, ўқув-таълимий характердаги) мақсадларни кўзлаган бир неча ўнлаб кичик ҳажмли русча-ўзбекча луғатлар ҳам яратилди. Уларнинг асосийлари ҳаволада санаб ўтилади².

¹ Русча-ўзбекча луғат. 2 жилдли / Русско-узбекский словарь в двух томах. I жилд. А–О. – Тошкент, 1983. – 808 б.; II жилд. П–Я. – Тошкент, 1984. – 800 б.

² Кисқача русча-ўзбекча луғат / Карманный русско-узбекский словарь. Тузувчилик: О. А Азизов, О. У. Усмонов. – Тошкент, 1956. – 504 б.; Азизов О. А., Усмонов О. У. Русча-ўзбекча ён луғат / Карманный русско-узбекский словарь. Қайтадан ишланган 2-нашри. – Тошкент, 1961. – 504 б.; Азизов О. А., Усмонов О. У. Русча-ўзбекча ён луғат / Карманный русско-узбекский словарь. Қайтадан ишланган 3-нашри. – Тошкент, 1964. – 528 б.; Русча-ўзбекча луғат. Етти йиллик ва ўрга мактаблар учун / Русско-узбекский словарь для семилетней и средней школы. Тузувчилик: В. В. Решетов, Н. Е. Шатого, Б. А. Ильязов, А. Г. Иванов, Г. А. Амиров. – Тошкент, 1957. – 624 б. (Изд. 2, переработанное и дополненное. – Ташкент, 1972. – 623 с.); Частотный русско-узбекский словарь-минимум (Составители: Р. И. Бигаев, Э. Р. Гукасянц, Г. Н. Михайлов и др.). – Ташкент, 1967. – 260 с.; Русско-узбекский разговорник / Русча-ўзбекча сўзлашгич (Составители: З. М. Марьбуров, Г. Н. Михайлов). – Ташкент, 1969. – 80 с. (Изд. 2. – Ташкент, 1987. – 184 с.); Словарь-минимум по русскому языку для 2 – 8 классов узбекской школы (Составители: В. И. Андриянова, М. А. Батырова, М. Х. Тоҳтадоджаева, Т. К.

Ўзбекистон мустақиллiği йилларида ҳам ўзбек луғатчилиги соҳасидаги ишлар асло сусайгани йўқ, балки янада авж олди. Лекин мустақиллик йилларида манзара бироз бошқача тус олди. Рус тилини ўрганиш, русча-ўзбекча филологик луғатлар тузиш ишлари бир қадар эътибордан четда қолиши ҳисобига кўплаб шарқ тиллари ва, айниқса, инглиз тили иштироқидаги икки тилли луғатлар тузиш анча ривожланди. Масалан, сўнгги 20 йил ичида турли ҳажмдаги, турли мақсадларга мўлжалланган йигирмадан ортиқ инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча луғатлар тузилди. Шунга қарамай, рус тилини ўрганиш, русча-ўзбекча луғатлар тузиш масаласи кун тартибидан тушиб қолгани йўқ, ҳам кичик ҳажмли, ҳам катта ҳажмли русча-ўзбекча луғатларга бўлган эҳтиёж доим сезилиб турди, чунки 1950–1990 йиллар оралиғида яратилган русча-ўзбекча таржима ва ўкув луғатлари хозирги кунда топилиши қийин, улар кутубхоналардагина сақланади. Мустақиллик йилларида Т. Алиқулов ҳамда М. Абдураҳимовларнинг бир неча қайта турли варианtlарда нашр этилган русча-ўзбекча луғатларини¹ ҳисобга олмагандан, бу соҳада бирон-бир салмоқли луғат яратилгани йўқ. Шу муносабат билан, мавжуд талаб

Петрова, М. А. Хегай). – Ташкент, 1971. – 144 с. (Изд. 2. Ташкент, 1972. – 160 с.); Русско-узбекский тематический словарь (Составители: А. Н. Тихонов, Н. Т. Хатамов, С. А. Емельянова, М. Ю. Тихонова). – Ташкент, 1975. – 519 с. (Изд. 2. – Ташкент, 1979. – 519 с.); Русско-узбекский учебный словарь. 4000 наиболее употребительных слов русского языка. Под редакцией Н. М. Шансского. – Ташкент, 1980. – 304 с.; Ўзбекча-русча, русча-ўзбекча мактаб луғати. Рус мактабларининг 3–10 синфлари учун (Узбекско-русский, русско-узбекский школьный словарь). Тузувчилар: Х. Асалов, Р. Йўлдошев. – Тошкент, 1981. – 208 бет; Коблов К. С., Далимов А. К. Мы разговариваем по-русски. Краткий русско-узбекский разговорник для младшего школьного возраста. – Ташкент, 1982. – 110 с.; Русско-узбекский учебный словарь / Русча-ўзбекча ўкув луғати (Составители: С. М. Халдарова, Р. Данияров, А. А. Усманова). – Ташкент, 1984. – 326 с.; Азизов А. Русско-узбекский краткий словарь / Русча-ўзбекча қисқа луғат. – Тошкент, 1989. – 512 бет (Ушбу луғат аслида О. А. Азизов ва О. У. Усмоновларнинг «Русча-ўзбекча ён луғат»ининг қайта ишланган 4-нашри бўлиши керак эди, лекин негадир иккинчи тузувчининг номи кўрсатилмай нашр этилган).

¹ Алиқулов Т. Русча-ўзбекча луғат / Русско-узбекский словарь. – Тошкент, 1993. – 304 б. (2-нашр. – Тошкент, 2007. – 352 б.); Абдураҳимов М. Узбекский-русский и русско-узбекский словарь / Ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғат. – Тошкент, 2008. – 644 б.; Абдураҳимов М. Узбекский-русский и русско-узбекский словарь / O'zbekcha-ruscha va ruscha-o'zbekcha lug'at. Toshkent. 2008. – 636 б.; Абдураҳимов М. Русско-узбекский и узбекско-русский словарь / Ruscha-o'zbekcha va o'zbekcha-ruscha lug'at. – Toshkent. 2008. – 408 б.

ва эҳтиёжларни ҳисобга олиб, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти 1983–1984 йилларда чоп этилган икки жилдли «Русча-ўзбекча лугат»ни қайта ишлаб нашр этиш бўйича ҳамкорлик олиб бордилар. Ниҳоят, 2013 йилда лугат тўлдирилган ва тузатилган, шўро мафкурасидан «тозаланган» ҳолда тўлиқ таҳрир қилиниб нашр этилди ва бу соҳадаги бўшлиқ бир қадар тўлдирилди.

Янгидан нашр этиш режалаштирилган икки жилдли лугатнинг таҳрири учун масъул муҳаррир этиб ЎзР Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди А. П. Мадвалиев белгиланди. А. П. Мадвалиев икки йил мобайнида масъул муҳаррир ва тузувчи сифатида катта илмий-таҳририй ишларни амалга оширди. Чунончи:

- лугатнинг биринчи нашри «Сўзбоши»сидан фойдаланган ҳолда янги нашр учун «Сўзбоши» ёзилди;
- лугатдан фойдаланиш қисмига, таҳрир жараёнида амалга оширилган ишлардан келиб чиқсан ҳолда айрим ўзгартиришлар киритилди;
- шўро даврида тузум тақозоси билан ва шўро мафкураси нуқтаи назаридан бир томонлама, нохолис изоҳланган бир қанча сўзлар, хусусан, ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий, тарихий, иқтисодий терминлар энг сўнгги манбаларга таянган, уларга қиёслangan ҳолда қайтадан холисона изоҳланди;
- лугатни шўро мафкурасини акс эттирувчи сўз ва иллюстратив материаллардан «тозалаш» зарурати муносабати билан (зеро, лугатни мафкурасизлантириш ушбу нашрнинг асосий мақсадларидан бири эди) лугатдан кўплаб лугат мақолалари ва уларга берилиган мисоллар чиқарилди, уларнинг ўрнига сўнгти йилларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда пайдо бўлган янги тушунчаларни номловчи, рус тили лугатларидан барқарор ўрин олган тил бирликлари киритилди, шунингдек, мавжуд сўз ва терминлар янги маънолар билан бойитилди;
- ҳозирги ўзбек тилида аниқ муқобили бўла туриб ўринсиз қўлланиб келаётган бир қатор русча ва байналмилал сўзлар мам-

лакатимиздаги ҳозирги тил сиёсати талаблари ва тил амалиётидан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилида аввалдан мавжуд бўлган тегишли тил бирликлари билан алмаштирилди (мас., *автор* > *муаллиф, группа* > *гурӯҳ, каникул, отпуск* > *таътил, коллектив, команда* > *жамоа, музыка* > *музыка, область* > *вилоят, процесс* > *жараён, ревизия* > *тағтиши, экономика* > *иқтисодиёт* каби 50 дан ортиқ сўз).

– ҳозирги имло амалиётидан келиб чиққан ҳолда айрим сўзларнинг ёзилишига аниқликлар киритилди.

Умуман, янги нашрда қуидагича миқдорий ўзгартишлар амалга оширилди: аввалги нашрдаги 8800 дан ортиқ луғат маколалари (айрим эскирган сўзлар; миллат, халқ, элатларга мансуб ҳар иккала жинсдаги шахслар номлари; эркак жинсини англатувчи шахс номларидан ҳосил қилинган, аёл жинсдаги шахсларни англатадиган номлар; тугалланмаган феъл шаклларини ифодаловчи сўзлар ва б.) янги луғатда алоҳида луғат мақоласи сифатида берилмади, шунингдек, 1330 та иллюстратив мисол ҳам чиқариб ташланди. Бунинг эвазига луғатта янгидан 3460 та луғат мақоласи ҳамда 4000 дан ортиқ иллюстратив мисол киритилди. Бундан ташқари, мавжуд сўзларнинг 1060 та янги маъноси қайд этилди, 1070 та сўз янгидан изоҳланди, 7000 га яқин луғат мақоласи жиддий таҳрир қилинди; шунингдек, иллюстратив мисоллар ҳам анча кўпайтирилди, аввалги нашрдаги 92516 та ўрнига янги нашрда 95 236 та иллюстратив мисол берилди.

Хуллас, ушбу икки жилдли «Русча-ўзбекча луғат»дан 59 140 сўз ўрин олган (1-жилдда 31 146, 2-жилдда 27 994 сўз берилган).

Луғатни замонавийлаштиришда, асосан, қуидаги манбалардан фойдаланилди: Словарь русского языка в четырех томах (2-е издание, исправленное и дополненное). – Москва, 1981–1984; Ожегов С. И. и Шведова Н. Ю. Толковый словарь русского языка (4-е издание, дополненное). – Москва, 1999, 2008; Новые слова и значения. Словарь-справочник. Под редакцией Н. З. Котеловой. – Москва, 1984; Толковый словарь русского языка конца XX века. – СПб., 1998; Новейший словарь иностранных слов и выражений. – Минск, 2003; Большой иллюстрированный словарь иностранных слов. – Москва, 2004; Словарь правильной русской речи. – Москва, 2004; Новый словарь иностранных слов (2-е из-

дание). – Ростов-на-Дону, 2006; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1–12-жиллар. – Тошкент, 2000 – 2006; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1–5-жиллар.

Шундай қилиб, 2013 йилда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашириётида чоп этилган янги икки жилдли луғат кенг китобхонлар оммасига ва, аввало, рус тилини ўрга-нувчиларга мўлжалланган. У таржимонлар ва нашириётларнинг муҳаррирлари, матбуот, радио ва телевидение ходимлари учун ҳам муҳим қўлланма бўлиб қолади.

Ўзбек луғатчилиги тарихида яратилган барча русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатларни батафсил, чукур тахдил ва тадқиқ этиш бир мақола доирасида ҳал қилинадиган масала эмас, бу нарса теран тадқиқотларни талаб қиласди. Шунинг учун ҳам биз бу мақолада фақат русча-ўзбекча луғатларнинг яратилиш тарихига бир назар ташладик, холос.

ЎЗБЕКЧА-РУСЧА ЛУҒАТЧИЛИК ТАРИХИ

Луғатлар маънавий маданият соҳасида муҳим ўрин эгаллаб, жамиятнинг маълум даврда эришган билимларини акс эттиради. Улар ўқувчига муайян ҳодиса ҳақида маълумот бериш, уни ўз ва ўзга тиллардаги сўзлар билан танишириш, тилни, унинг луғат таркибини такомиллаштириш ва тартибга солиш каби бир қатор ижтимоий вазифаларни бажаради.

Луғат тузиш ишлари жуда қадимги даврлардан бошланган. Дастлаб универсал характерга эга бўлган луғатлар тарихий тараққиёт давомида ўз мақсад ва вазифаларининг ўзгара ва такомиллаша бориши натижасида бугунги кунга келиб бир неча ўн турга бўлинади¹. Ҳозирги кунда кенг тарқалган лингвистик (филологик) луғатларнинг асосий мақсади тил бирлиги ҳисобланган

¹ Луғатлар ва уларнинг турлари ҳақида қаранг: Акобиров С. Нутқ маданияти ва норматив луғат. – Тошкент, 1977; Миртоҷиев М. Лексикография // Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент, 1981. – Б. 293–312; Мадвалиев А. Луғат ва луғат турлари хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. 1-сон. – Б. 60–64; Мадвалиев А. Ўзбек лексикографияси тарихидан (қўллэзма луғатлар) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 2-сон. – Б. 37–41; Мадвалиев А. Ўзбек лексикографияси тарихидан (босма луғатлар) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 3-сон. – Б. 31–36.

сўзнинг маъноларини, турли лисоний хусусиятларини очиб беришдан иборат. Лингвистик луғат турларидан бири – бир тилга мансуб луғавий бирликларни бошқа тилга ўгириб берувчи таржима луғатлари ўзбек лексикографиясида кенг тарқалган, қадимдан ривожланиб келаётган луғат туридир.

Ўзбек луғатчилиги тарихи, шунингдек, бошқа туркийзабон халқлар лексикографияси ҳам машхур аллома Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридан бошланган, деб айтиш мумкин. Агар ўзбек луғатчилиги ибтидосини «Девону луғотит турк» асаридан ҳисобласак, унинг 950 йилга яқин тарихга эга эканлиги маълум бўлади. XI асрдан то XX асрнинг 80-йилларигача (2 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» тузилгунча) бўлган бутун давр мобайнида асосан икки тилли луғатчилик танҳо устунлик қилиб келганини кўрамиз. Маҳмуд Кошғарийнинг зикр этилган асари ҳам туркий сўзларни араб тилида изоҳлаш асосида юзага келган умумтуркийча-арабча луғатdir. Алишер Навоий замонаси ва ундан кейинги асрларда яратилган аксар эски ўзбек тили луғатлари ҳам икки тилли луғатлар бўлиб, ўзбекча (ўтмиш даврлар атамаси бўйича «туркий», «чиғатой») тил бирликларини араб, форс ҳамда усмонли турк тилларига таржима қилиш ва изоҳлаш асосида тузилган. Туркистонни чор Россияси босиб олгандан кейин ҳамда шўролар даврида яратилган деярли барча луғатлар ҳам икки ва кўп тилли луғатлардир.

XIX аср охири ва XX асрда рус, инглиз, немис, француз, испан, хитой, япон, корейс тиллари иштирокида тузилган икки тилли луғатлар ҳам пайдо бўлди.

Ўзбек луғатчилиги тарихида яратилган юқоридаги каби икки тилли луғатлар ичida рус-ўзбек ёки ўзбек-рус иккитилилигига асосланиб яратилган таржима луғатлари кўпчиликни ташкил этади. Чунончи, яратилган ўзбекча-русча луғатларни шартли равища уч даврга бўлиш мумкин:

1. Чор Россияси даврида яратилган ўзбекча-русча луғатлар.
2. Шўролар даврида яратилган ўзбекча-русча таржима луғатлари.
3. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида яратилган ўзбекча-русча луғатлар.

XIX асрнинг сўнгти чораги ва XX асрнинг дастлабки йигирма иили мобайнида, яъни Туркистон чор Россияси мустамлакасига айлантирилган йилларда турли сабаб ва эҳтиёжлар, давр тақозоси билан ўзбек-рус иккитиллилиги асосида ўнлаб русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатлар, сўзлашгичлар тузилиб нашр этилган бўлса-да, улар ичидаги ўзбекча-русча луғатлар у қадар кўп эмас. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бу даврдаги луғатларда кўпинча «ўзбек» сўзи ўрнида «сарт» сўзи, «ўзбек тили» ибораси ўрнида «сарт тили» ибораси ишлатилган. Тарихнавис Б. В. Луниннинг ёзишича, «Туркистон Россияга қўшиб олинганидан сўнг чор маъмурияти томонидан расмий равишда ўтрок шаҳар ахолисига нисбатан «сарт» номи, яrim кўчманчи ўзбек уруғларига нисбатан «ўзбек» атамаси қабул қилинган эди. Лекин амалда бу номларнинг бири ўрнига иккинчиси кўлланаверган»¹.

Бу даврда қуйидаги ўзбекча-русча луғатлар яратилган:

1. 1873 йилда нашр этилган «Туркистон ўлкаси статистикаси учун материаллар» китобига илова қилинган «Матбуотда учровчи айрим ўзбекча ва тожикча сўзларнинг изоҳи»ни, гарчи кичик ҳажмда бўлса ҳам, дастлабки ўзбекча-русча луғат деб хисоблаш мумкин². Бу рўйхатда ўзбек ва тожик тилларида тенг даражада кўлланувчи, асосан ижтимоий-сиёсий соҳага оид 336 та сўз рус графикасида (шакли, бинобарин, талаффузи ниҳоятда бузилган ҳолда) берилиб, рус тилида изоҳланган.

2. А. Старчевский томонидан 1878 йилда нашр этилган ва 5 та мустақил икки тилли луғатни қамраб олган «Рус кишисининг Ўрга Осиёдаги ҳамроҳи» деб номланган китоб ўзбекча-русча луғатчилик соҳасидаги дастлабки йирик ишдир³. Муаллиф китобда ўзбеклар тилини сунъий равишда иккига ажратиб, қипчоқ элементли яrim кўчманчи ўзбеклар учун туркийча (чигатой-

¹ Лунин Б. В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. – Ташкент, 1958. – С. 262.

² Объяснение некоторых, встречающихся в печати, слов из языков узбекского и таджикского // Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. вып. 2. – С.-Петербург, 1893. – С. 565–573.

³ Старчевский А. Спутник русского человека в Средней Азии, заключающий в себе словари (написанные русскими буквами) языков: I Тюркского (джагатайского) или узбекского; II. Киргизского (казахского); III. Татарского (казанского и оренбургского); IV. Сартского (городского узбекского) и V. Таджикского. – Санкт-Петербург, 1878. – VI, 64 с., 804 столбцов.

ча)-русча луғат, шаҳар аҳолисидан иборат ўзбеклар учун сартча-русча луғат тузган. Китобнинг «Туркийча-русча луғат» қисмida 8455 та луғавий бирлик ва 980 та қўшимча иллюстрация рус тилига таржима қилинган. «Сартча-русча луғат»да эса бу нисбат 2745 ва 28 тани ташкил этади. Бу луғатларнинг асосий мақсади Туркистонда истило ва мустамлакачилик сиёсати туфайли тобора кўпайиб бораётган русийзабон аҳолининг маҳаллий миллатлар тилини тезроқ ўзлаштириши ва шу йўл билан мустамлакачиликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишдир.

3. 1884 йилда нашр этилган, 480 бетдан иборат «Русча-сартча ва сартча-русча луғат» ўзбек тилининг Намангандеги шевалари оғзаки материаллари асосида тузилган бўлиб, унинг русча-сартча қисми В. Наливкин томонидан, сартча-русча қисми эса унинг турмуш ўртоғи М. Наливкина томонидан тузилган¹. Ҳар иккала луғатнинг сартча (ўзбекча) қисми араб алифбосида берилган. Ушбу луғатда асосан Намангандеги шеваларига оид энг кўп қўлланувчи ўзбекча сўзлар келтирилган. Чунончи, унинг русча-сартча қисмida 8400 дан ортиқ сўз, сартча-русча қисми сўзлигига эса 4200 дан ортиқ сўз қамраб орлинган.

4. Наливкин мазкур луғат ва унга илова қилинган Андижон лаҳжаси грамматикаси тажрибаларидан келиб чиқиб, ўзбек тилини мустақил ўрганувчилар учун «Сарт тилини амалий ўрганиш учун қўлланма» яратади (1898) ва унга қисқача русча-сартча ва сартча-русча луғатлар илова қиласди². Қўлланманинг 193–258-бетларида келтирилган «Русча-сартча луғат» 2200 тага яқин бош сўзни, 261–331-бетларида келтирган «Сартча-русча луғат» эса 800 тадан ортиқ сўзни қамраб олган. Ушбу қўлланманинг 1911 йилдаги нашри деярли ўзгаришсиз чоп этилган.

5. 1912 йили В. Наливкиннинг яна бир «Русча-сартча ва сартча-русча луғат»и нашр этилди³. 145 бетдан иборат, алоҳида нашр

¹ Наливкин В., Наливкина М. Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общеупотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Намангандского уезда. – Казань, 1884. 480 с.

² Наливкин В. П. Руководство к практическому изучению сартовского языка с приложением русско-сартовского и сартовско-русского словарей. – Самарканда, 1898. 330 с. (2-е издание, – Ташкент, 1911. – 332 с.)

³ Наливкин В. П. Русско-сартовский и сартовско-русский словарь. – Ташкент, 1912. – 145 с.

үтилган ушбу луғат юқорида зикр этилган қўлланмага илова қи-
лингандан луғатнинг айни ўзи бўлиб, сўзлар миқдори ҳам айнан бир
хилдир.

Кўриб ўтилган луғатлар, асосан, тузувчиларнинг маҳаллий
аҳоли билан бевосита алоқаси жараёнида, жонли сўзлашув ва
талаффузга асосланиб тузилган ва чор амалдорларининг ўз ҳо-
кимиятини, мустамлакачилик сиёсатини янада мустаҳкамлаш,
маҳаллий аҳолини тобеликда сақлаб туриш каби тор амалиёт-
чилик мақсадларини амалга ошириш учун мўлжалланган эди.
Масалан, дастлабки сартча (ўзбекча)-русча, туркийча-русча
луғатларни яратган А. Старчевский ўз китобининг мақсад ва
мўлжалини куйидагича изоҳлади: «Биз Ўрта Осиёнинг ғарбий
қисмини эгаллаганимизга деярли 12 йил бўлганига ва мутта-
сил олға ҳаракат қилаётганимизга ҳамда у ердаги бир неча мил-
латдан иборат мусулмон аҳолиси орасида аллақачон минглаб
рус кишилари борлиги, Туркистон ўлкасига ҳар йили маҳаллий
тилларни билмайдиган кўплаб ҳарбий амалдорлар, руҳоний-
лар, савдогарлар, фабрикант ва саноатчилар юборилаётганига
қарамай, бизда ҳозиргacha бу ўлкага келаётганлар учун биронта
сўзлашув китоби, биронта қўлланма мавжуд эмас. Ерли халқ
орасида яшаб туриб, атрофингдаги одамлар нима ҳақда гапира-
ётгани ҳақида биронта ҳам сўзни тушунмаслик ачинарли ҳол-
дир... Рус кишисига, у ким ва қандай амалда бўлмасин, бизнинг
Туркистонимизда ва унга қўшни мамлакатларда амалда бўлган
тиллар билан танишиш имконини яратиш мақсадида ҳижжа-
лаб материал тўпладик ва шу тилларнинг бир қадар тўликроқ
луғатларини туздик»¹.

Мазкур луғатларнинг аксар ҳолларда чор офицерлари,
миссионерлар томонидан тузилганлиги ҳам фикримизни маълум
даражада тасдиқлади. Лекин ўз мақсад ва вазифаларига, оғза-
ки тил ва талаффуз асосида тузилганлиги ва ҳозирги кун нуқтаи
назаридан ўта соддалигига қарамай, ушбу даврда тузилган луғат
ва сўзлашгичлар кейинги, замонавий ўзбекча-русча луғатлар ва
сўзлашгичлар тузиш учун муайян замин яратиб берди. Бу жиҳат-
дан В. Наливкин ва М. Наливкиналарнинг бир неча марталаб

¹ Старчевский А. Спутник русского человека в Средней Азии... С. 1–2.

нашр этилган ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғатлари дикқатга сазовордир.

Шўро даври ўзбекча-русча луғатчилиги катта даврни – XX асрнинг 20-йилларидан то 90-йилларигача бўлган даврни қамраб олади. Бу йиллар мобайнида турли мақсадларни кўзлаган кичик ҳажмли ўзбекча-русча луғатлар билан бирга, катта ҳажмли, фундаментал характердаги академик ўзбекча-русча луғатлар ҳам яратилди.

1920–1950 йиллар мобайнида тузилган ўзбекча-русча луғатлар кичик ҳажмлилиги, қисқалиги, нисбатан соддалиги, иллюстратив материалларининг камлиги билан ажралиб туради. Масалан, бу даврда яратилган дастлабки ўзбекча-русча луғат Н. Г. Брилев-нинг 1925 йилда нашр этилган «Ўзбекча-русча луғат»и бўлиб, у ўша даврда мактабларда ўқитиладиган Шокиржон Раҳимийнинг «Катталар йўлдоши» дарслиги материаллари асосида, унга илова тарзida тузилган¹. Луғат муаллифи ўша даврда янги имло (ислоҳ қилинган ўзбек-араб алифбоси) асосида тузилган бирон-бир ўзбекча-русча луғатнинг йўқлиги европаликларнинг ўзбек тилини ўрганишини ниҳоятда қийинлаштирганини, шу боис бу жараённи енгиллаштириш учун ушбу луғатни тузишни ўз зиммасига олганлигини таъкидлайди. Демак, луғатнинг ўзбекча қисми ислоҳ қилинган араб алифбосида бўлиб, унда 1350 та сўз араб алифбоси бўйича эмас, балки мазкур дарсликнинг бўлим ва бобларига мувофиқ тарзда жойлаштирилган.

1924–1925 йиллар даврий матбуоти ва 1924–1926 йилларда нашр этилган бадиий адабиёт материалларига, яъни ўзбек адабий тилига асосланиб тузилган дастлабки ўзбекча-русча луғат К. Юдахиннинг «Қисқача ўзбек-рус луғати»дир². Луғат 10620 сўз ва 3000 дан ортиқ иллюстратив материалдан иборат бўлиб, унинг ўзбекча қисми ислоҳ қилинган араб алифбосида берилган. Луғатда ўзбекча ва умумтуркий сўзлардан ташқари барча ўзлашма сўзларнинг қайси тилга мансублиги а (арабча), п (форсча), р

¹ Брилев Н. Г. Узбекско-русский словарь. К учебнику Шакирджана Раҳими «Катталар юлдаши» // Шокиржон Раҳимийнинг «Катталарга ўқиш дарслиги» учун: Русча-ўзбекча луғат. – Москва, 1925. – 64 с.

² Юдахин К. Қисқача ўзбек-рус луғати // Краткий узбекско-русский словарь. – Ташкент: Средазкнига, 1927. – 816 бет.

(русча ва рус тили орқали кириб келган) ҳарфлари билан, шу тиллар материаллари қўшилишидан ҳосил бўлган ясама сўзлар апу (арабча + форсча + ўзбекча), ру (русча + ўзбекча), пу (форсча + ўзбекча), уп (ўзбекча + форсча) тарзида кўрсатилган.

1930 йили М. Богданованинг «Ўзбекча-русча чўнтак лугати» нашр этилди¹. Сахифалари 12–9 см бўлган бу жажжи лугатда газета ва бадиий адабиёт материалларидан танлаб олинган 3915 та лугавий бирлик (сўз, қўшма ёки жуфт сўз, баъзан сўзнинг фонетик варианти) ва уларнинг русча муқобил маънолари келтирилган. Лугат олдидан мустақил сўз туркумларининг ясалишини акс эттирувчи 5 та жадвал берилган. Лугатнинг ўзбекча қисми ўзбек-лотин алифбосида бўлиб, унда К. К. Юдахин ва Е. Д. Половиновлар лугатларидан унумли фойдаланилган.

Шу йили К. Д. Громатовичнинг «Асосий ўзбек тили дарслиги»нинг 2-нашри босмадан чиқди². Дарсликка «Русча-ўзбекча лугат» (353–399-бетлар) ва «Ўзбекча-русча лугат» (400–434-бетлар) илова қилинган. Русча-ўзбекча лугатда 2090 та сўз ва 710 та сўз бирикмаси, ўзбекча-русча лугатда эса 2475 та сўз ва 170 та сўз бирикмаси берилган. Ушбу дарслик ва лугатлар европалик амалдорларнинг ўзбек тилини осон ўзлаштиришларига ёрдам бериш мақсадида тузилган.

1931 йилда Умар Аҳмаджонов ва Бурҳон Илёзовларнинг «Ўзбекча-русча лугат»и нашрдан чиқди³. Ушбу лугат асосан К. Юдахиннинг «Қисқача ўзбек-рус лугати»дан кенг фойдаланган ҳолда тузилган бўлиб, ўша давр маданий ҳаётининг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади. Унинг муҳимлигини ўша давр ўлчами билангина белгилаш мумкин. Лугат нашр қилинган пайтда лотин ёзувига эндиғина ўтилган, бунинг устига бу соҳада етук миллий мутахассислар ҳам кам эди. Бу ҳолат лугат имлосига кучли таъсир кўрсатган: унинг ўзбекча қисми имло хатоларига тўлиб кетган, буни лугат сўнгидаги 9 бет қилиб берилган энг муҳим матбаа хатолари рўйхати ҳам тасдиқлайди. Лугатда 10052 лугат мақола-

¹ Богданова М. Карманный узбекско-русский словарь. – Ташкент, 1930. – 246 с.

² Громатович К. Д. Основной учебник узбекского языка. Для курсов взрослых европейцев, служащих в госаппарate УзССР. 2-изд. – Ташкент-Самарканد, 1930. – 448 с.

³ Ahmadçanov U. İljażov B. Ozbekça-rusça lug'at // Ахмеджанов У., Ильязов Б., Узбекско-русский словарь. – Taşkent: Oznaşr, 1931. – 430 bet.

си берилиб, улар орасида 80 тага яқин атоқли отлар (асосан, то-понимлар ва антропонимлар) ҳам бор. Луғат мақолаларига 2312 та иллюстратив материал (сўз бирикмалари, баъзан гап тарзида) берилган. Ўзлашма сўзларнинг қайси тилга мансублиги қавс ичидаги кўрсатилган.

В. В. Решетовнинг «Қисқача ўзбекча-русча луғат»¹ 1936 йилда нашр этилган бўлиб, ўша давр газета лексикасини ўзида акс эттиради. Ушбу китобда асосий луғат қисмидан (5–112-бетлар) ташқари бир қатор грамматик маълумотлар: турланиш, тусланиш жадваллари, ёрдамчи феъллар, ясовчи қўшимчалар, синтаксис ҳақида маълумотлар ҳам (113–176-бетлар) берилган. Муаллиф газета тилида қандай сўз учраса, ҳаммасини луғатга киритаверган. Луғатдаги 7250 тадан ортиқ луғавий бирлик ичидаги шахслар, ташкилотлар, мамлакатлар номлари, турли типдаги қисқартмалар ҳам берилган (улар 170 тадан ортиқ). Бундан ташқари, рус тилидан бевосита ўзбек тилига кириб келган ва таржима этилмаган, шу билан бирга ҳали ўзлашиб улгурмаган бир қатор сўзлар учрайдики, бу ҳол, биринчидан, луғат ҳажмини сунъий равишда оширишга хизмат қилган, иккинчидан, уларнинг мавжудлиги луғат номига мос келмайди ва, табиийки, луғатнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади. В. В. Решетовнинг бу луғати К. К. Юдахиннинг юқорида кўриб ўтилган луғатига баъзи жиҳатлардан ўхшаса-да, сифат жиҳатдан ер билан осмонча фарқ қиласиди. Ундан қарийб 10 йил олдин нашр этилган К. Юдахин луғати ўз номи ва мақсадига тўлиқ мувофиқ келади.

Иттифоқ Фанлар академияси Ўзбекистон филиали Тил, адабиёт ва тарих институтининг бир гурӯҳ ходимлари (асосан И. А. Киссен, К. С. Коблов ва бошқалар) 1941 йилда проф. А. К. Боровков раҳбарлигига аввал нашр этилган ўзбекча-русча луғатлар ҳамда Институт картотекасидан фойдаланиб, «Ўзбекча-русча луғат» тузиб нашр эттирадилар². Ушбу луғат ҳозирги ўзбек адабий ва сўзлашув тилидаги 17000 га яқин сўз, шунингдек, кенг тарқалган ибораларни қамраб олган. Луғат янгидан жорий

¹ Reşetov V. Qisqaca ozbekca-ruscha lug'at // Решетов В. Краткий узбекско-русский словарь. – Taşkent: Ozdavnaşr, 1936. – 176 bet.

² Узбекско-русский словарь // Ўзбекча-русча луғат (проф. Т. Н. Қориниёзов ва проф. А. К. Боровков таҳрири остида). – Тошкент, 1941. – VIII, 736 устун.

Этилган ўзбек-кирилл ёзуvida тайёрланган бўлиб, у биринчи навбатда ўзбек тилини ўрганувчилар учун мўлжалланган бўлса-да, ундан рус тилини ўрганиш истагида бўлганлар ҳам фойдаланишлари учун у ёки бу русча сўзниг маъносини аниқлаштирувчи айрим тушунтиришлар ва шартли белгилар ҳам қўлланган. Умуман, лугатда 16500дан ортиқ сўз ва 9250 га яқин иллюстратив материал берилган. Улар ҳар бетда икки устундан жойлаштирилган, устунлар эса алоҳида-алоҳида рақамланган.

Тил, адабиёт ва тарих институтининг илмий ходимлари И. А. Киссен ва К. С. Кобловлар Р. С. Бадалов билан ҳамкорликда ва проф. А. К. Боровков таҳрири остида «Қисқача ўзбекча-русча лугат» яратдилар ва 1942 йилда нашр эттиридилар¹. Даврий матбуот лексикасидан кенг фойдаланилган ушбу лугатда 9000 дан ортиқ сўз ва 2400 га яқин иллюстратив материал (сўз бирикмалири, фразеологизмлар, мақоллар) қамраб олинган. Лугат ҳам рус тилини ўрганувчилар, ҳам ўзбек тилини ўрганувчилар учун мўлжалланган.

Ўтган асрнинг 50-йилларида ўрта мактаб ўқитувчилари ва ўкувчилари учун бир неча кичик ҳажмли ўзбекча-русча лугатлар яратилган бўлиб, улардан ҳажман салмоқлироғи А. А. Клименконинг «Ўзбек тилидан лугат-минимум» қўлланмасидир². Бу лугат-минимум Ўзбекистондаги рус мактаблари учун ўзбек тили дастурининг сифатини ошириш, камчилигини тўлдириш мақсадида тузилган ва унда ҳозирги ўзбек адабий ва сўзлашув тилидаги 5600 тага яқин фаол сўз қамраб олинган. Бу китобда ўзбекча-русча лугатдан (6–158-бетлар) ташқари ундаги сўзлар доирасида тузилган қисқача русча-ўзбекча лугат ҳам (159–220-бетлар) берилган.

50-йилларгача тузилган икки тилли лугатлар, хусусан, ўзбекча-русча лугатлар, уларни тузиш бўйича орттирилган бой тажриба, беш жилдли ва бир жилдли катта русча-ўзбекча лугатларнинг нашр этилиши ҳамда ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли лугатини, Алишер Навоий асарлари тилининг катта ҳажмли изоҳли лугатини тузишга киришиш муносабати билан Институтда тўпланган салмоқли картотека фонди катта ҳажмдаги ўзбекча-русча лугат

¹ Қисқача ўзбекча-русча лугат // Краткий узбекско-русский словарь. – Тошкент, 1942. – 472 бет.

² Клименко А. А. Словарь-минимум по узбекскому языку. – Ташкент, 1950. – 220 с.

яратиш учун замин яратди. Б. Илёзовнинг хабар беришича, катта ҳажмли ўзбекча-русча луғат яратиш бўйича ишлар 1940 йилдаёк бошланган¹. Луғат тузиш ишлари анча давом этиб, ниҳоят, 1959 йилда Москвадаги Хорижий ва миллый луғатлар давлат нацириётида (ГИИНС) 40 000 дан ортиқ сўзни қамраб олган катта «Ўзбекча-русча луғат» нашр этилди². Ушбу луғат ўзидан олдин чоп этилган луғатлардан луғавий материалининг ҳажми, шунингдек, ҳар бир сўзга берилган изоҳнинг мукаммаллиги билан катта фарқ қиласди. Луғатда ўша йиллар ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини, унинг бой фразеологияси, иборалари, мақол ва маталларини мумкин қадар тўлиқ акс эттиришга ҳаракат қилинган.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу луғатда ва, умуман, Шўро даврида яратилган барча русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатларда «шўровий лексика» биринчи ўринда туради. Муаллифлар коммунистик ғоя ва шўро мафкурасини акс эттирувчи сўз, сўз бирикмаси, ҳатто гапларни (албаттаги муайян сўз учун далилловчи мисол сифатида) имкон қадар луғатга киритишга ҳаракат қилишган ёки шундай қилишга мажбур бўлишган. Дарвоҷе, ўша даврдаги катта луғатларнинг сўзликлари Москва билан келишилган ҳолда тасдиқланган. Шундай бўлса-да, ўша даврларнинг таниқли луғатчилари бўлган С. Акобиров. З. Маъруфов, А. Хўжахоновлар таҳрири остида нашр этилган ушбу луғат ўзидан кейин яратилган ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғатлар, 2 жилдли ва 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» учун муҳим манба бўлди, ҳалигача мутахассислар ва таржимонлар учун хизмат қилиб келмоқда.

Ушбу луғатга проф. А. К. Боровков томонидан ёзилган «Краткий очерк грамматики узбекского языка» («Ўзбек тили грамматикасининг қисқача очерки») ҳамда луғатдаги ўзбекча сўзларнинг араб ёзувидаги рўйхатидан иборат «Арабча очқич» илова қилинган.

Ушбу луғат 1988 йилда тузатилган, тўлдирилган ҳолда қайта нашр этилади³. Унга С. Акобиров ва Г. Михайловлар мухаррирлик қилишган. Луғатда 50 000 га яқин сўз ва ибора берилган.

¹ Ильязов Б. Новые словари // Известия УзФАН СССР, 1940, № 11. – С. 70–71.

² Узбекско-русский словарь (Ўзбекча-русча луғат). – М.: ГИИНС, 1959. – 840 с.

³ Ўзбекча-русча луғат. (С. Ф. Акобиров ва Г. Н. Михайлов таҳрири остида). – Тошкент: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1988. – 726 бет.

Луғат сўзбошисида унинг 1959 йилги луғатдан фарқлари қўйи-дагича кўрсатилади: «Мазкур луғат 1981–1985 йиллар мобайнида аввалги «Ўзбекча-русча луғат» асосида яратилди. Луғат устида олиб борилган ишлар асосан аввалги луғатни янги мақолалар, янги сўз ва маънолар, фразеологик бирликлар ва иллюстратив мисоллар ҳисобига бойитишдан иборат бўлди. Эскирган, истеъмолдан чиққан ёки ўз зарурлигини йўқотган сўзлар аввалги луғат кўллёзмасидан тушириб қолдирилди, улар эвазига эса луғат янги сўзлар билан тўлдирилди, кўп ўринларда текстларга аниқлик киритилди, янги маънолар, мисоллар билан бойитилди. Натижада янги луғат ҳажми 38 % га ошди»¹. Луғат ҳажмининг 38 % га ошгани у қадар ишончли эмас. Чунки ҳар иккала луғатнинг биргина «А» ҳарфи бўйича сўзлиги солиштирилгандан, 1959 йилги луғатда бош сўзлар 1480 та, иллюстратив мисоллар эса 1850 та эканлиги маълум бўлди. Кейинги луғатда эса бу нисбат 1510/1790 тани ташкил этади, холос. Шунингдек, шўро мафкурасини акс эттирувчи сўз ва иллюстратив мисоллар кейинги нашрда ҳам тўлалигича сақланиб қолган. Масалан, «апрель» сўзига берилган *Совет иттифоқининг давлат гимни*, «партия» сўзига берилган *партия тавсияномаси*, «эстетика» сўзига берилган *марксча-ленинча эстетика* каби ва бошқа шу каби бирикмалар ҳар иккала луғатда ҳам бир хил акс эттирилган. 1959 йилги луғатда берилган «Ўзбек тили грамматикасининг қисқача очерки» ва «Арабча очқич» кейинги нашрга киритилмаган. Аббревиатуралар рўйхати эса анчагина кенгайтирилган.

Мазкур катта ҳажмли ўзбекча-русча луғатлар нашрлари оралиғида бир қанча кичик ҳажмли, асосан, ўқув-таълимий характердаги ўзбекча-русча ўқув луғатлари яратилди². 2000 тадан 10 000 тагача сўзни қамраб олган бу ўқув луғатлари ўз вақтида

¹ Кўрсатилган луғат. – Б. 7.

² Краткий узбекско-русский словарь / Қисқача ўзбекча-русча луғат (Составители: А. А. Азизов, М. А. Акбаров, З. Азларов, М. А. Рогожина). – Ташкент, 1969. – 264 с. (2-е издание. – Ташкент, 1974; 3-е издание. – Ташкент, 1977); Киссен И. А. Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка. – Ташкент, Ўқитувчи, 1972. – 112 с.; Ўзбекча-русча, русча-ўзбекча мактаб луғати (Тузувчилар: Х. Асалов, Р. Йўлдошев). – Тошкент, 1981. – 208 бет; Азизов О., Ризаева З. Ўзбекча-русча луғат. – Тошкент, 1989. – 288 бет ва бошқалар.

ўрта ва олий мактаблардаги таълим сифатини оширишга, русий-забон ўқувчиларнинг ўзбек тилини, ўзбек ўқувчиларининг рус тилини пухта эгаллашларига маълум даражада ёрдам берди.

Юқоридагилардан ташқари З. М. Маъруфов ва Г. Н. Михайловларнинг «Қисқача ўзбекча-русча сўзлашув китоби» Тошкентда, В. И. Красных ва С. И. Гаюповларнинг «Ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча сўзлашув китоби» Москвада бир неча қайта нашр этилди. Бу сўзлашгичлар ҳам ўқувчилар оғзаки нутқини оширишга ёрдам бергани шубҳасиз.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида ҳам ўзбек луғатчилиги соҳасидаги ишлар асло сусайганий йўқ, балки янада авж олади. Лекин мустақиллик йилларида манзара бироз бошқача тус олди. Рус тилини ўрганиш, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча филологик луғатлар тузиш ишлари бир қадар эътибордан четда қолиши ҳисобига кўплаб шарқ тиллари ва, айниқса, инглиз тили иштироқидаги икки тилли луғатлар тузиш анча ривожланди. Шунга қарамай, рус тилини ўрганиш, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатлар тузиш масаласи кун тартибидан тушиб қолганий йўқ, ҳам кичик ҳажмли, ҳам катта ҳажмли русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатларга бўлган эҳтиёж доим сезилиб туради, чунки 1950–1990 йиллар оралиғида яратилган русча-ўзбекча, ўзбекча-русча таржима ва ўқув луғатлари ҳозирги кунда топилиши қийин, бунинг устига улар маънавий жиҳатдан эскирган. Мустақиллик йилларида М. Абдураҳимовнинг бир неча марта турли варианatlарда нашр этилган ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғатларини ҳисобга олмагандан, бу соҳада бирон-бир салмоқли луғат яратилганий йўқ. М. Абдураҳимовнинг ўзбек-кирилл ва ўзбек-лотин алифболарида чоп этилган луғатлари¹ ўзбек ёки рус тилини ўрганувчи кенг оммага, бадиий адабиёт таржимонларига мўлжалланган. Уларда фольклор материаллари – мақол ва маталлар, топишмоқлардан ҳамда фразеологик бирликлардан кенг фойдаланилган. Ушбу луғатларда, уларнинг кичик ва

¹ Абдураҳимов М. Узбекско-русский и русско-узбекский словарь / Ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғат. – Тошкент, 2008. – 640 бет; Абдураҳимов М. Узбекско-русский и русско-узбекский словарь / O'zbekcha-ruscha va ruscha-o'zbekcha lug'at. – Toshkent: Fan, 2008. – 635 bet; Abdurahimov M. Ruscha-o'zbekcha va o'zbekcha-ruscha lug'at / Русско-узбекский и узбекско-русский словарь. – Toshkent: Fan, 2008. – 406 бет. (Бу луғатлар 2009 йили «Фан» ва «Akademnashr» нашриётларида қайта нашр этилган).

ўрта ҳажмда бўлишига қараб, 6–7 мингтадан то 18–20 мингтагача сўз ва иборалар қамраб олинган. Бу луғатларнинг нашр этилиши мустақиллик йилларида ўзбекча-русча луғатларга бўлган эҳтиёжни муайян даражада қондира олди, дейиш мумкин.

Ўзбекча-русча луғатлар тарихи бўйича амалга оширилган таҳлил шуни кўрсатадики, катта ҳажмли ўзбекча-русча луғат нашр этилганига чорак асрдан ошди. Бу давр ичида Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришди, ҳаётимизнинг ҳар бир жабхасида туб ўзгаришлар, янгиланишлар рўй берди. Табиийки, мустақиллик йилларида ўзбек тили луғат таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди: тилимиз қатор янги сўзлар билан бойиди, айrim сўзлар янги маъно (лар) касб этди, айримлари эскириб, истеъмолдан чиқди, кўлланиши бир пайтлар ноҳақ тақиқланган кўплаб сўзлар ўз мақомида қайта тикланди ва ҳоказо. Албатта, лексикадаги бундай ўзгаришлар луғатларда ўз аксини топиши зарур. Бинобарин, ўзбек тили луғат таркибидаги янгиланишларни акс эттира оладиган, шўровий мафкурадан холи, ҳозирги тил сиёсатимиз талабларига жавоб бера оладиган замонавий ўзбекча-русча луғат яратиш кун тартибига қўйилиши керак. Янги ўзбекча-русча луғатни яратишда тузувчилар 1988 йилги луғатнинг камчиликларига, ҳозирги кун талабларига жавоб бера олмайдиган жиҳатларига эътибор қаратсалар, фойдадан холи бўлмас эди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзбекча-русча луғатчилик ўз тарихий тараққиёти давомида ўзига хос анъаналарга, бой тажрибага эга бўла бориб, халқимизга турли ҳажм ва йўналишдаги кўплаб ўзбекча-русча луғатлар тақдим этди. Ҳозирги кунда эса халқимиз эҳтиёжини қондириш учун янги, катта ҳажмли ўзбекча-русча луғат яратиш ўзбек лексикографияси олдида турган навбатдаги муҳим вазифадир.

Tўртинчи бўлим
**СЎЗ ВА ТЕРМИНЛАРНИНГ
ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ**

**ИЗОҲЛИ ЛУГАТДА ТЕРМИНЛАРНИНГ
ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИГА ДОИР**

Бир қатор мақолаларимизда умумистеъмолдаги сўз ва термин, терминология ва номенклатура ўртасидаги муносабат, уларнинг умумий ва фарқли томонлари, умумфилологик (таржима, изоҳли) лугатлар билан терминологик лугатларнинг ўзига хос хусусиятлари, айрим соҳа терминларининг изоҳли лугатда берилиши каби масалалар ҳақида қисқача мулоҳазалар айтиб ўтилган эди¹. Ушбу мақолада эса изоҳли лугатда терминларнинг лексикографик талқинига доир айрим умумий жиҳатлар ҳақида сўз боради.

Терминлар ёки, умумий қилиб айтганда, терминологик лексика, аввало, терминологик лугатларнинг, шу билан бирга, умумтил лексикасининг таркибий қисмларидан бири сифатида филологик лугатларнинг, жумладан, изоҳли лугатларнинг семантик тавсиф обьекти ҳисобланади. Лекин турли типдаги лугатларда терминларга муносабат, уларнинг дефиницияси (изоҳи) масаласи моҳијатан бир хил эмас. Изоҳли терминологик лугатларда терминлар муайян соҳада мавжуд бўлган тушунчаларнинг ифодаловчиси сифатида қаралиб, улар кўпинча энциклопедизм нуқтаи назаридан изоҳланади, яъни термин дефинициясида тушунчага хос барча асосий белгиларни кўрсатиш ҳаракати кузатилади. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, терминологик лугатлар аксар ҳолларда тегишли соҳа мутахассислари томонидан тузилади ва бу мутахассислар энг аввало тушунчанинг барча белгиларини термин изоҳида акс эттиришга уринадилар, лекин сўзга хос лисоний белгиларни деярли эътибордан четда қолдирадилар.

¹ Қаранг: Мадвалиев А. Ўзбек тилида кимё терминлари ва уларнинг изоҳли лугатда берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 5-сон. – Б. 53–62; Мадвалиев А. Термин – терминологик лугат – изоҳли лугат // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 6-сон. – Б. 54–67.

Умумфилологик – таржима ва изоҳли луғатларни тузувчи лексикографлар эса терминга биринчи навбатда сўз сифатида қараб, уни сўзга хос умумий лисоний белгиларни ҳисобга олган ҳолда изоҳлайдилар ва изоҳда терминнинг мутахассис томонидан тайин қилинган барча белгиларини эмас, балки унинг энг муҳим, энг асосий 1–2 белгисини акс эттириш билан кифояланадилар. Демак, «терминологик луғатда муайян бир соҳа терминологиясини имкони борича қамраб олиш ва шу соҳада шаклланган илмий тушунчалар тизимини мантиқан изчил тавсифлаш мақсадга мувофиқ бўлса, изоҳли луғатнинг вазифаси умумхалқ тилининг лексик-семантик тизимини муайян тил жамоасида қандай мавжуд бўлса, шундайлигича тавсифлашдан иборат»¹.

Адабий тилга кириб ўзлашган муайян илмий-техник терминнинг умумфилологик луғатларда ва соҳавий терминологик луғатларда ёки энциклопедияларда изоҳланиши бир хил бўлмаслигини ва бунинг сабабларини ўз вақтида Л. В. Шчерба ҳам кўрсатиб ўтган ва ўз фикрини аниқ мисоллар билан далиллаган эди².

Изоҳли луғатлар у ёки бу адабий тилнинг маълум давридаги ҳолатини белгилаш, уни меъёрлаштириш ёки меъёрларини аниқлаш, энг асосийси, муайян тилнинг луғавий бойлигини кўрсатиш ва бу бойликни шу тилда сўзлашувчиларнинг яхши ўзлаштириб олишига ёрдам бериш каби мақсадларни қўзлаган ҳолда тузилади. Шунинг учун ҳам унда илм-фаннинг турли соҳаларида шаклланган барча терминларни акс эттириш мақсадга мувофиқ эмас, зеро, бундай вазифани маҳсус тузилган терминологик луғатлар бажаради.

«Изоҳли луғатга фақат муайян тил вакили нутқий мулоқотидаги мавжуд (ёки потенциал) фонд таркибидаги сўзлар киритилиши ва улар амалда умумтилда қандай фойдаланилаётган бўлса, айни шу маънода изоҳланиши керак»³. Ушбу фикр бундан аввалроқ Л. В. Шчерба асарларида бошқачароқ ифодаланган эди: «Ҳарқа-

¹ Малаховский Л. В. Специальные термины в общем словаре: принципы отбора и толкования // Проблематика определений терминов в словарях разных типов. – Л., 1976. – С. 226.

² Щерба Л. В. Опыт общей теории лексикографии // Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. – Л., 1974. – С. 280.

³ Малаховский Л. В. Кўрсатилган асар. – Б. 226.

лай, шуни эсда тутиш керакки, умумтилга умуман хос бўлмаган ва, энг муҳими, нутқий мулоқот жараёнининг бирон-бир омили ҳисобланмайдиган тушунчаларни умумтилга мажбуран олиб ўтишга ҳеч қандай асос йўқ»¹.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, изоҳли луғатга у ёки бу терминологик луғатда мавжуд бўлган сўзларнинг барчasi эмас, балки муайян тор соҳа доирасидан чиқиб, у ёки бу даражада умумхалқ тилининг мулкига айланганларигина киритилиши мумкин. Лекин изоҳли луғатта у ёки бу терминологик тизимдан қайси тартибда, қанча миқдорда, қандай луғавий бирликлар киритилишининг умум томонидан қабул қилинган, барча тилларнинг изоҳли луғатлари учун мос, тўғри келадиган ягона меъёри, мезони мавжуд эмас. Бундай мезон ҳар бир тилнинг ривожланганлик даражасидан, тузилажак изоҳли луғат ҳажмидан (кичик, ўртacha, катта) келиб чиқиб белгиланади. Ҳар бир тил изоҳли луғатини тузишда терминнинг табиатини ва унинг умумтилга мансублик мақомини аниқлашга имкон берувчи мезонларни ишлаб чиқиши эса тор соҳа мутахассисининг эмас, балки муайян тилининг лексик-семантик тизимини яхши биладиган, ундаги «ўз» ва «ўзга» унсурларни зийраклик билан фарқлай оладиган тилшунос-лексикографнинг вазифаси ҳисобланади.

Ҳар қандай луғатчилик жамоаси фаолиятидаги энг оғир, энг мураккаб босқич у ёки бу луғат учун луғавий бирликлар миқдорини тўғри белгилаш бўлиб, бу нарса айни луғат типини, унинг йўналиши ва мақсадини ҳам ҳисобга олади. Ўзбек лексикографлари ҳам ўз фаолиятлари давомида, яъни икки тилли ва изоҳли луғатлар тузиш жараёнида олдиндан белгилаб олинган режалар, тузилган қўлланма ва йўриқномаларга риоя қилган ҳолда иш олиб борганлар. Дастлаб «Ўзбекча-русча луғат» тузиш бўйича қўлланма», кейинчалик С. Ф. Акобировнинг «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг чегаралари ва манбалари ҳақида»ги мақоласи, «Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма», «Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини тузувчилар учун йўриқнома» тегишли луғатларни тузиш учун ана шундай

¹ Шчерба Л. В. Кўрсатилган асар. – Б. 281.

дастуруламал манба, асос бўлиб хизмат қилди¹. Жўмладан, академик А. Ҳожиев томонидан тузилган йўриқномада изоҳли луғатга «кўпчилик қўллайдиган ва тушунадиган, дарслик, илмий-оммабоп асар ва даврий матбуотда кўп қўлланадиган терминлар» киритилиши алоҳида таъкидланган².

Ўзбек тилининг ҳар иккала изоҳли луғатига термин танлашда, уларнинг чегара ва микдорини белгилашда юқоридагидек қўлланма ва йўриқномаларга имкон борича риоя қилинган, бошқа тиллардаги изоҳли луғат тузиш тажрибаларидан унумли фойдаланилган. Масалан, ўзбек тилининг беш жилдли изоҳли луғатига 60 га яқин фан, техника, санъат ва маданият соҳалари, уларнинг тармоқларидан 17–18 мингдан ортиқроқ термин (бунда соф терминлар ҳам, умумадабий тилда қўлланувчи кўп маъноли сўзларнинг терминологик маънолари ҳам ҳисобга олинган) танлаб олинган ва тегишли даражада изоҳланган, зарур ҳолларда далилий мисоллар (иллюстрациялар) билан таъминланган.

Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, барча терминологик тизимлардан бир хилда, teng микдорда термин киритишнинг имкони ҳам, зарурати ҳам йўқ. Чунки барча тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам барча терминологик тизимлар бир пайтда шаклланмаган ва бирдай ривожланмаган, терминлар микдори ҳам бир хил эмас. Масалан, математика (алжабр, илми ҳисоб), физика (илми ҳикмат), астрономия (илми нужум, илми ҳайъат), кимё (алкимё, илми кимё) каби табиий фанлар ва бир қатор гуманитар фанларнинг шаклланиши ва ривожи анча қадимий даврлардан бошланган. Лекин бу соҳаларнинг терминлари асосан араб тили, қисман форс ва туркий (ўзбек) тиллари материалларидан ташкил топган бўлиб, кейинчалик (XX аср давомида) уларнинг деярли барчasi рус тилидан ва у орқали европа тилларидан ўзлашган сўз-терминлар билан алмаштирилган, бошқача айтганда, мазкур фан соҳаларининг терминологик тизимлари қайта шаклланган.

¹ Руководство для составления «Узбекско-русского словаря». – Ташкент, 1960; Акабиров С. Ф. О границах и источниках толкового словаря узбекского языка // Тюркская лексикология и лексикография. – Москва, 1971. – С. 130–152; Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланмана. – Тошкент, 1965; Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини тузувчилар учун йўриқнома (тузувчи: А. Ҳожиев). – Тошкент, 2000.

² Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини тузувчилар учун йўриқнома. – Тошкент, 2000. – Б. 6.

Ботаника, зоология, тиббиёт соҳаларида бироз бошқачароқ манзарага дуч келамиз. Бу фанларнинг терминологик тизимлари дастлаб туркй тил материалларига асосланган бўлса, бу соҳалардаги соф, замонавий терминлар кейинги даврларнинг маҳсулидир. Мазкур соҳалар бўйича танлаб олинган материал нисбатан катта миқдорни ташкил этса-да, уларнинг кўпчилиги термин эмас, балки номенлардир, яъни шу соҳалардаги конкрет предметлар – халқ тилида кенг қўлланадиган дараҳт, бута, ўсимликларнинг; ҳайвон, парранда, ҳашаротларнинг; касалликлар, доривор моддалар, одам ва ҳайвон аъзоларининг номларидир. Буларнинг аксарияти, бир томондан, умумхалқ лексикасининг тенг хуқукли аъзоси ҳисобланса, иккинчи томондан, тегишли терминологик тизимларда ўзига хос дефиницияга эга бўлган маҳсус сўзлар саналади. Қишлоқ ҳўжалигига оид терминлар ҳақида ҳам айни шундай фикрни айтиш мумкин.

Икки тилли (русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча) луғатларда терминологиянинг лексикографик талқини масалалари билан маҳсус шуғулланган С. Ф. Акабиров терминлар ва терминологик тизимлар ижтимоий аҳамиятига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилишини, шу нуқтаи назардан ижтимоий-сиёсий терминология барча миллий тиллар учун бирдай аҳамиятли бўлганлигидан барча икки тилли луғатларга ҳам бир хил ва тўлиқ ҳажмда киритилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Фан, техника ва маданиятнинг бошқа соҳаларига оид терминларни умумий характеристидаги луғатларга киритмасдан, маҳсус соҳавий терминологик луғатларга киритишни тавсия этади. Лекин шундай бўлса-да, у икки тилли луғатларга маъно кўлами ва тарқалиш доирасига қараб қанча ва қандай терминларни киритишнинг тахминий мезонини таклиф қиласди¹. Бу мезондан кейинчалик икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни тузишда барча тузувчилар унумли фойдаланишди ва натижада унда ижтимоий-сиёсий терминология катта миқдорни ташкил этди, бошқа соҳа терминлари эса луғатга чегаралangan ҳолда киритилди. Беш жилдли изоҳли

¹ Акабиров С. Ф. Лексикографическая разработка терминологии в двуязычных словарях (на материале русско-узбекских и узбекско-русских словарей). АКД. – Ташкент, 1969. – С. 7–8.

лугатда ҳам ижтимоий- сиёсий терминларнинг бошқа терминларга нисбатан микдорий устунлиги сақланиб қолган, лекин ушбу беш жилдликка янгидан термин танлашда муайян мөъёрларга риоя қилиниб, ижтимоий-сиёсий терминлардан энг аҳамиятлилари, халқка тушунарли бўлғанларига эътибор қаратилди; бунинг устига, илм-фан тараққиёти ва ғоявий-мафкуравий қарашларнинг алмашинуви оқибатида эскирган, пассивлашган 140 дан ортиқ термин истеъмолдан чиқарилди, шуро мафкураси билан боғлиқ жуда кўплаб терминларга эск., тар. белгилари кўйилди. Шу билан бирга, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, дин ва диншуносликка оид терминларнинг беш жилдли изоҳли лугатга ҳам кўплаб киритилганлиги ушбу соҳаларнинг ҳозирги кунда долзарб, муҳим соҳалар эканлигини кўрсатади.

Куйидаги жадвалда 60 га яқин фан соҳаси ва тармоқларидан энг асосий деб ҳисобланган 21 соҳа бўйича танлама йўл билан изоҳли лугатларга киритилган терминлар ва терминологик маънолар микдори ўз аксини топган:

№	Терминологик тизимлар	ЎТИЛ-2 да берилган терминлар микдори	ЎТИЛ-5 да янгидан киритилган терминлар микдори	ЎТИЛ-2 да берилган, лекин ЎТИЛ-5га кирмаган терминлар микдори	ЎТИЛ-5 даги терминларнинг умумий микдори
1	Ижтимоий-сиёсий	1120	369	144	1345
2	Тиббиёт	410	448	15	843
3	Ботаника	495	233	20	708
4	Дин	431	184	9	606
5	Тарих	407	211	28	590
6	Зоология	483	104	4	583
7	Тилшунослик	365	210	16	559
8	Кимё	446	113	14	545
9	Қишлоқ хўжалиги	350	190	30	510
10	Педагогика	343	162	10	495

11	Иқтисодиёт	249	225	11	463
12	Санъат	294	170	7	457
13	Харбий	371	92	15	448
14	Хуқук	236	155	14	377
15	Техника	248	131	18	361
16	Адабиётшунослик	245	114	4	355
17	Физика	229	89	8	310
18	Математика	198	55	3	250
19	Биология	120	132	7	245
20	Фалсафа	123	44	13	154
21	Астрономия	86	42	—	128
	Жами	7249	3473	390	10332

Ушбу жадвалда терминлар миқдори ва халқ хўжалигидағи аҳамияти жиҳатидан асосий ҳисобланган география, геология, радиоэлектроника, транспорт, физкультура ва спорт, электротехника, этнография ва бошқа соҳаларнинг терминлари ҳисобга олинмаган. Жадвалда кўриниб турибдики, унда фақат 21 та фан соҳаси танлаб олинган. Лекин уларнинг баъзилари ўзига яқин бўлган соҳалар билан умумлаштирилган ҳолда берилган. Масалан, тиббиётга оид терминлар гуруҳида анчагина анатомик, физиологик ва қисман фармацевтик терминлар ҳам санаб ўтилган. Ёки иқтисодиётга оид терминлар гуруҳига иқтисодиёт соҳасига яқин бўлган соҳа ва тармоқлар – банк, молия, бухгалтерия каби соҳалар терминлари ҳам киритилган. Мазкур 21 та фан соҳалари ва тармоқларига мансуб терминлар бўйича амалга оширилган статистик таҳлил луғатдаги 10 000 дан ортиқ термин ҳамда полисемантик сўзларнинг терминологик маъноси умумий терминлар миқдорига (18 000 дан ортиқ) нисбатан тахминан 58 % ни ташкил этганлигини кўрамиз.

Беш жилдли изоҳли луғатда терминларнинг фан соҳалари бўйича тақсимланишини ўрганиш билан бирга, қизиқиш учун уларнинг бош ҳарфлар бўйича тақсимланишини ҳам танлама усулда таҳлил қилиб чиқдик ва қуидаги манзарага эга бўлдик (ҳарфлар сўзларнинг камайиб бориш тартибида жойлаштирилди):

Ҳарфлар	ЎТИЛ-2 да берилган терминлар миқдори	ЎТИЛ-5 да берилган янги терминлар миқдори	Жами терминлар миқдори
Т	610	233	843
Б	446	312	758
С	502	254	756
М	515	231	746
Қ	485	223	708
П	431	235	666
А	439	207	646
Д	322	185	507
Қ	373	114	487
Р	256	178	434
И	267	142	409
Жами	4646	2314	6960

Мазкур 21 фан соҳасидан ҳар иккала изоҳли лугатга киритилган 10 000 дан ортиқ термин бошланғич ҳарфлари бўйича тақсимланганда, уларнинг аксарияти, яъни 6960 таси ёки 69 % и ҳозирги ўзбек-кирилл алифбосидаги 33 ҳарфдан 11 тасига тўғри келиши маълум бўлди. Лекин бундай статистик манзара беш жилдли изоҳли лугатдаги умумий сўзликнинг бош ҳарфлар бўйича тақсимланишига мувофиқ келмайди. Чунки А, М, П, Р, С ҳарфларида терминлар миқдори нисбатан кўп бўлса ҳам, шу ҳарфлар бўйича умумий сўзликдаги сўзлар миқдори унчалик кўп эмас. Аксинча, Б, Т, Қ ҳарфларининг умумий сўзлиги катта миқдорни ташкил этишига қарамай, улардаги терминлар кутилганидан кам миқдорни кўрсатмокда.

С. Ризаев ҳам ўзбек тилидаги илмий матнларда мавжуд бўлган сўзларнинг бош ҳарфлар бўйича тақсимланишини статистик таҳлил қилган¹. Лекин бу таҳлилда фақат терминлар эмас, балки танлаб олинган 6300 сўзли илмий матндаги барча сўзлар хисоблаб чиқилган. Мазкур миқдордаги сўзларнинг 3700 дан ортиғи ёки 60 % и юқоридаги жадвалда кўрсатилган 11 ҳарф билан бошланган. Кўринадики, лугатлардаги алоҳида олинган сўзлар билан яхлит танланма матндаги сўзларнинг статистик таҳлили

¹ Ризаев С. Ўзбек тиљшунослигида лингвостатистика методлари. – Тошкент, 2005. – Б. 38.

бир хил натижа бермас экан. Лекин шундай бўлса-да, юқорида гидек статистик таҳлиллар келажакда нафақат изоҳли луғатлардаги, балки илмий матнлардаги терминларнинг қўлланиш дарајасини, частотасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Юқорида умумий луғатларга, жумладан, изоҳли луғатларга термин танлашда унинг маҳсус қўлланиш доирасидан чиққанлиги, умумистеъмолда кенг тарқалганлиги ва тушунарлилиги асосий мезон бўлиши кераклиги айтиб ўтилган эди. Бироқ республикамизнинг ҳозирги мустақиллик шароитида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида, таълим тизимида рўй берган ва рўй бераётган улкан ўзгаришлар ҳамда фан ва техника тараққиёти туфайли янгидан пайдо бўлган тушунчаларни, бинобарин, уларни ифодаловчи терминларни, неологизмларни эътибордан қочирмаслик керак. Бундай терминлар ва неологизмларнинг баъзилари ҳозирча умумистеъмолга кенг кириб бормаган бўлса-да, мамлакатимиз Президенти ва хукумат қарорлари, расмий ҳужжатлар ва даврий матбуот саҳифалари орқали кенг жамоатчиликка маълум ва уларнинг маъносини билиб олиш ҳар бир ўқимишли кишини қизиқтириши шубҳасиз. Янги беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан авизо, адъюнктура, аккредитив, анонс, аудитор, бакалавр, бартер, бағрикенглик, бенефис, биоиқлимишуюнослик, биомайдон, бозор иқтисодиёти, бонус, брифинг, брокер, валюта бозори, вернисаж, видеофильм, генофонд, геосиёсат, геронтология, глобаллашув, деноминация, депозитарий, дизайнер, дилер, дисплей, инвестиция, инвестор, интернет, информатика, ипотека банки, конвертация, консалтинг, легитимация, логистика, магистратура, макроиқтисодиёт, маркетинг, маънавият, менежсер, менеджмент, ментальитет, мониторинг, мультимедиа, муҳаддис, нострификация, ноутбук, ноу-хау, опцион, очиқ бозор, пейжер, принтер, провайдер, реинвестиция, рейтинг, репетитор, сайт, санация, сервер, сертификат(лаш), сканер, супермаркет, телебошқарув, телефакс, терминал, трансплантация, трепанация, универсиада, унитар давлат, уфология, уяли телефон, файл, факс, фитотерапия, шоу-бизнес, эвтаназия, қадрият, ҳадисиунослик каби

ва яна бошқа бир неча юзлаб терминлар ва терминологик бирикмаларнинг жой олиши, биринчидан, юқоридаги зикр этилган омилларнинг таъсири натижаси бўлса, иккинчидан, луғат тузувчиларнинг ўзбек тили лексикасида рўй бераетган энг сўнгги янгиликлардан яхши хабардор бўлиб, бу янгиликларни ўз вақтида луғатда қайд этганликларидан далолат беради. Демак, изоҳли луғатларга «термин танлашда терминнинг муайян фан тушунчалари тизимидағи аҳамияти эмас, балки унинг ижтимоий роли (хизмати) ҳал қилувчи омил бўлмоғи керак»¹.

Изоҳли луғатга сифат ва миқдор жиҳатидан зарурий терминлар танлаб олингандан кейинги жараён улар асосида мустақил луғат мақолаларини шакллантиришдан иборат. А. Ҳожиев томонидан тайёрланган ва юқорида эслатиб ўтилган «Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини тузувчилар учун йўриқнома»да белгиланганидек, бош сўз ва унга оид материаллар луғат мақоласини ташкил этади². Луғат мақоласини ташкил этувчи компонентлар қуйидагилардан иборат бўлади: 1. Луғатнинг бирликлари: а) бош сўз; б) турғун иборалар. 2. Этимологик маълумот. 3. Грамматик ва услубий характеристика (уни қайд этувчи белгилар). 4. Луғат бирликлари маъносини белгилаш ва қайд этиш. 5. Изоҳ. 6. Тасдиқдовчи мисол, иллюстратив цитаталар.

Бош сўз ва унинг маъноси (маънолари)га бериладиган изоҳ ҳар қандай луғат мақоласининг доимий компоненти ҳисобланади ва у албатта бўлиши шарт. Қолган компонентлар эса луғат мақоласида бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, терминларда грамматик характеристикани қайд этувчи белгининг бўлиши шарт эмас, чунки терминлар асосан номинатив характеристда бўлади, яъни улар фақат от туркумидаги ёки отлашган сўзлар билан ифодаланади. Шунинг учун терминлар учун тузилган луғат мақоласида грамматик характеристика белгиларини қайд этишга эҳтиёж йўқ.

¹ Ожегов С. И. О трех типах толковых словарей современного русского языка // Ожегов С. И. Лексикология. Лексикография. Культура речи. – Москва, 1974. – С. 178.

² Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини тузувчилар учун йўриқнома (тузувчи: А. Ҳожиев). – Тошкент, 2000. – Б. 9. Луғат мақоласи ва унинг баъзи компонентлари хакида билдирган муроҳазаларимизда ана шу «Йўриқнома»дан фойдаландик.

«Йўриқнома» талаблари асосида луғатга киритилган терминлар бошқа сўзлар қатори алифбо тартибида берилди ва улар луғатнинг умумий сўзлигини шакллантиришда иштирок этди. Бош сўз сифатидаги термин ноль шаклда (бош келишик шаклида) берилди, фақат халқ, қабила, элат, уруғ, сулола номлари (*аборигенлар, албанлар, араблар, курдлар, нўйойлар, турклар, ўзбеклар, хакаслар, қорачойлар; аббосийлар, аштархонийлар, жунгортлар, оромийлар, сүгдлар; мангитлар, хазарлар, қарлуқлар, қипчоқлар*), шунингдек, ботаника, зоология, кимё ва бошқа фан соҳаларида дараҳт ва ўсимликлар, ҳайвон ва паррандалар, алоҳида модда ва бирикмаларнинг тур, туркум, оила ва синфларини умумлашган ҳолда ифодаловчи терминлар (*айиқтовондошлилар, бифидобактериялар, ботқалдоқлар, галофитлар, дельфинсизмонлар, дефолиантлар, дуккакдошлилар, лианалар, медиаторлар, микроўғитлар, мушиуксимонлар, нитратлар, пайнаслагичилар, пигментлар, реквизитлар, рецепторлар, синантроплар, ферроқотишмалар, фитофаглар, қандлар*) кўплик шаклида берилди.

Терминологияда омонимлик ҳодисаси мақбул, меъёрий ҳолат ҳисобланмайди. Лекин терминологиялараро омонимияга йўл кўйилади, чунки бундаги омонимларнинг ҳар бири ўз терминологик тизимида ўзига хос дефиницияга, луғатда эса ўзига хос изоҳга эга бўлади. Масалан, луғатда берилган **пилла I** (қ. х.) ва **пилла II** (тиб.) омонимиясини ёки **реакция I** (псхл., тиб.) ва **реакция II** (сиёс.) омонимиясини ҳамда уларнинг изоҳларини қиёслаб кўриш мумкин. Омограф терминлар ҳам бошқа-бошқа сўз сифатида бош сўз килиб берилди, фақат уларнинг талаффуздаги фарқи урғу ёрдамида кўрсатилди.

Турғун иборалар умумистеъмолдаги сўзларга нисбатан терминларга тузилган луғат мақолалари таркибида жуда озчиликни ташкил қиласди. Улар асосан зоология, анатомия терминологик тизимларидағи бирликлар, анъанавий кимё терминлари (*кумуши, мис, олтин, темир, қўргозин* каби), қисман бошқа терминологик тизимлардан танлаб олинган терминлар учун хос. Улар ҳам терминларнинг асосий маъноларидан сўнг ички алифбо асосида берилди.

Луғат бирликлари (бу ўринда: терминлар) маъносини аниқ, тўғри ва тўла белгилаш, луғат бирликлари маъноларини изоҳлаш,

уларни ўзаро боғлиқлик асосида тартиблаш, изчиллик билан қайд этиш изоҳли луғат тузиш ишининг энг қийин ва асосий жараён-наридан ҳисобланади ва лексикографдан чуқур билим ва катта маҳорат талаб қиласди. Луғатнинг қиймати, муваффақияти ана шу вазифани қай даражада бажарилиши билан ҳам белгиланади. Бу масалалар мазкур «Йўриқнома»нинг 17–27-бетларида батафсил баён этилган ва луғат тузувчилар ўз фаолиятларида ундаги кўрсатмаларга тўлиқ амал қилганлар. Бунинг устига беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ҳақида, унда сўзларнинг, жумладан, терминларнинг берилиши, изоҳланиши ва этимологияси ҳақида республика матбуотида эълон қилинган ўнга яқин мақолада бу соҳада эришилган муваффақиятлар ва йўл қўйилган айrim камчиликлар анчайин батафсил таҳлил этилган. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ва ушбу мақоланинг ҳажми кўтармаслиги сабабли мазкур масалаларни алоҳида мақолада ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Изоҳли ва икки тилли луғатларда терминларнинг берилиши билан боғлиқ масалалардан яна бири бош сўз ҳисобланган терминларда маҳсус белгилар (пометалар)нинг қўлланиши масаласидир. Т. Л. Берковичнинг қайд этишича, «турли типдаги умумий луғатларда терминологик лексиканинг лексикографик тавсифи учун хизмат қилувчи белги (ишора)лар тизими хусусий белгиларни ва умумий белгиларни ўз ичига олади»¹. Хусусий белгилар «сўзнинг хўжалиқ, техника, фаннинг муайян соҳасига тааллуқли эканлигини» кўрсатади (*тиб, ҳарб. ва ш. к.*)².

Терминлар билан боғлиқ бундай хусусий белгилар рус лексикографиясида XVIII аср охиридан қўллана бошлаган, ўзбек лексикографиясида эса асосан ўтган асрнинг 40-йилларидан қўллана бошлаган. Хусусий белгиларнинг мазмун-мундарижаси ўзбек лексикографиясида яратилган турли типдаги луғатларда турличадир. Масалан, К. Юдахиннинг 1927 йилда чоп этилган «Ўзбек-рус луғати»да 18 та, У. Аҳмажонов ва Б. Илёзовларнинг

¹ Беркович Т. Л. Содержание и функции помет для терминологической лексики в общих словарях разных типов // Словарные категории. Сборник статей. – Москва, 1988. – С. 206.

² Инструкция для составления «Словаря современного русского литературного языка». – Москва, 1958. – С. 43.

1931 йилда чоп этилган «Ўзбекча-русча луғати»да 22 та шартли белги берилган бўлса-да, терминга алоқадор бирорта хусусий белги кўрсатилмаган. Белгиларнинг деярли барчаси сўзнинг бирор-бир тилга мансублигини кўрсатувчи белгилар бўлган. Бундай хусусий белгилар дастлаб 1942 йилда чоп этилган «Русча-ўзбекча луғат»да берилган бўлиб, умумий 65 та белгидан 38 тасини ташкил этган. Бу нисбат беш жилдли «Русча-ўзбекча луғат»да 103/58 тани, 1959 йилда нашр этилган «Ўзбекча-русча луғат»да 177/62 тани, сўнгги икки жилдли «Русча-ўзбекча луғат»ларда эса 178/64 тани ташкил этган¹.

Икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да умуман 187 та белги рўйхати берилган бўлса, беш жилдли изоҳли луғатда уларнинг микдори 210 тагача кўпайтирилган. Кейинги луғатда келтирилган 210 та белгидан 56 таси сўзнинг грамматик характеристикаси учун, 100 тага яқини сўзнинг услубий характеристикаси учун қўлланган. Услубий характеристикани таъминловчи белгилардан 66 таси бевосита терминларга алоқадор маҳсус белги бўлиб, улар муайян терминнинг ёки бу терминологик тизимга ёки ҳалқ ҳўжалигининг бирор тармоғига мансублигини билдиради. Яна 34 та белги сўз ёки терминнинг этимологиясини белгилашда, айни сўз ёки терминнинг қайси тилга мансублигини билдиради. Қолганлари эса *ва б.*, *ва ш. к.*, *й.*, *кг*, *км* каби умумий характеристердаги белгилардир.

Хусусий белгилар (*мас.*, *дин.*, *ким.*, *мат.*, *физ.*, *ҳарб.*, *ҳук.* каби) муайян термин изоҳида шу терминнинг бирор фан соҳасига мансублигига ишора қилувчи сўз ёки сўз бирикмаси бўлмаган ҳолларда қўлланади ва изоҳда етишмаётган қисмни тўлдириш, изоҳни янада конкретлаштириш учун хизмат қиласи. Агар термин изоҳида унинг бирор соҳага мансублигига ишора қилувчи луғавий бирликлар қўлланган бўлса, бундай луғавий бирликлар тегишли хусусий белгининг ўрнини боса олади ва хусусий белгини қўллашнинг зарурати бўлмайди. Масалан, *тимогоч* ва *тим-*

¹ Қаранг: Юдахин К. Қисқача ўзбек-рус луғати (ўзбекча қисми арабча шрифта). – Тошкент, 1927; Аҳмаджонов У., Илёзов Б. Ўзбекча-русча луғат. – Тошкент. 1931; Русча-ўзбекча луғат (Т. Н. Кориниёзий ва А. К. Боровков таҳрири остида). – Тошкент, 1942; Русча-ўзбекча луғат. I–V жилдлар. – Тошкент, 1950–1955; Узбекско-русский словарь. – Москва, 1959; Русча-ўзбекча луғат. 1–2-жилдлар. – Тошкент, 1983–1984; Русча-ўзбекча луғат. 2 жилдли. – Тошкент, 2013.

соҳ сўзлари, бир томондан, умумхалқ лексикасида қўлланувчи сўзлар, иккинчи томондан, тегишли равишда ботаника ва зоология терминологияларига мансуб атамалар эканлигига қарамай, уларга *бот.*, зоол. сингари хусусий белгилар қўйилмади, чунки уларнинг изоҳларида айни терминлар қайси соҳага тегишли эканлиги сезилиб туради. Қиёсланг:

ТИЛОФОЧ Ёғочи жуда қаттиқ, узун, **игнабаргли дараҳт**.

ТИМСОҲ [этимологик маълумот] Иссиқ мамлакатлардаги сув ҳавзаларида яшайдиган, териси қалқонсимон қаттиқ ва қалин, танаси қалтакесакка ўхшаш **судралувчи йирик сув ҳайвони**.

Худди шунингдек, кўпчилик ботаника ва зоология терминларига, кимёвий элементларни билдирувчи барча терминларга хусусий белги қўйилмади, чунки бундай терминлар (номенлар) изоҳида қўлланган *дараҳт, бута, ўт, ўсимлик; ҳайвон, парранда, қуши, ҳашарот; кимёвий элемент* каби луғавий бирликлар терминларнинг қайси соҳага мансублигини кўрсатиб туради.

Агар умумистеъмолдаги кўп маъноли сўз бирор маъноси билан терминлик хусусиятини намоён этадиган бўлса, унинг айни шу маъноси учун хусусий белги қўлланиши зарур бўлади ва луғатда шундай йўл тутилган. Масалан:

ПАЙПОҚ 1... 2 зоол. Панжа устини, тўпиқни қоплаб турувчи пат (паррандаларда).

ТЕЗЛИК 1... 2... 3 физ., тех. Жисм босиб ўтган масофанинг шу масофани босиб ўтиш учун кетган вақтга нисбати.

ТИЛЧА 1 Тил 1 с. кичр.

2 анат. Оғиз бўшлиғида юмшоқ танглайнинг орқа чеккасидан пастга осилиб турадиган юмшоқ ўсимта.

ҚОЛДИК 1... 2... 3... 4... 5 мат. Бўлув амалида ортиб қолган сон, миқдор.

Баъзи терминлар бир неча маънога эга бўлиб, бу маънолар бошқа-бошқа терминологик тизимларга мансуб терминларни ифодаласа ҳам, улар омоним терминлар сифатида ажратилмади, чунки бу маънолар ўзининг келиб чиқишига кўра бир манбага,

бир сўзга бориб тақалади. Шу сабабли бундай сўзлар кўп маъноли термин сифатида қарабиб, уларнинг ҳар бир маъноси тегишли хусусий белги билан таъминланди ёки изоҳда терминнинг қайси соҳага оидлиги маълум сўзлар орқали таъкидланди. Масалан, *пентагон* сўзи ҳар иккала маъноси билан *пента* (беш) сўзига, *ташхис* сўзи эса ҳар иккала маъноси билан *шахс* (одам) сўзига алоқадордир. Қиёсланг:

ПЕНТАГОН [юн. *pentagon* < *penta* – беш + *gonia* – бурчак] 1 *мат.* Беш бурчакли геометрик жисм; бешбурчак.

2 (Я – катта) АҚШнинг ҳарбий вазирлиги жойлашган, Вашингтондан унча узоқда бўлмаган беш бурчакли бино; АҚШнинг ҳарбий маҳкамаси.

ТАШХИС [этимологик маълумот] 1 *тиб.* Касаллик характери ва беморнинг аҳволи ҳақидаги қисқача хулоса, касаллик номи.

2 *ад.* Одамдан бошқа жонли ва жонсиз нарсаларга инсоний хусусиятларни кўчиришдан иборат бадиий санъат тури.

Лутатда айни бир терминнинг аниқ бир соҳага мансублигини белгилаш қийин бўлган ҳолларда ёки муайян термин бир неча соҳада ва қасб-хунарда тенг даражада қўлланиши мумкин бўлган ҳолларда хусусий белгилар ўрнида умумий белги – *маҳс.* (махсус соҳага оид сўз) белгиси қўлланди. Масалан, *тезоб* сўзининг 1-, 2-, 3-маънолари умумистеъмолга, 4-маъноси эса терминологияга алоқадордир. Қиёсланг:

ТЕЗОБ [этимологик маълумот] 1... 2... 3... 4 *маҳс.* Турли технологик жараёнларда эритиш, тозалаш, оқлаш, ошлаш ва ш. к. мақсадларда ишлатиладиган моддаларнинг умумий номи.

Маълум соҳага мансуб бўлган термин ўзининг асосий терминологик маъносидан ташқари бошқа маъноларида детерминлашиб, умумистеъмолда кўчма маъноларда қўлланган ҳолларда ҳам, бу маънолар тегишли хусусий ва умумий белгилар билан таъминланди. Масалан:

ОЛТИН 1 Менделеев даврий системасининг I гурухига мансуб кимёвий элемент; сарик-қизғиши тусли қимматбаҳо нодир металл; зар; тилла.

2 кўчма Хар қандай қимматбаҳо ёки азиз нарса ҳақида.

3 сфт. кўчма Қимматли, бебаҳо (фикр, гап, сўз, иш, вақт ва ш. к. ҳақида).

ЧАЁН 1 зоол. Ўргимчаксимонлар синфиға мансуб бўлган бўғимо-ёқлилар туркумига кирувчи заҳарли ҳашарот.

2 кўчма Тили ачниқ, бамисоли чаёндек чакувчи, газанда (одам ҳақида).

Изоҳли луғатда терминларни бериш ва изоҳлашда қўлланадиган юқоридагидек хусусий ва умумий белгилар терминлар изоҳининг янада аникроқ ва мукаммалроқ бўлишига, терминлар табиатини тўлароқ очишга хизмат қиласди.

Хуллас, ўзбек тилининг изоҳли луғатларида терминларнинг берилиши, уларнинг маъноси (ёки маънолари)ни белгилаш, маъно(лар)ни изоҳлашнинг жуда кўп нозик қирралари бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқотни тақозо этади. Ушбу мақолада изоҳли луғатда терминларнинг лексикографик талқинига доир айрим умумий жиҳатлар ҳақида фикр юритилди. Луғат мақоласининг асосий ташкил этувчи компонентларидан бири – луғатда сўзларга, хусусан, терминларга этиологик маълумот бериш масаласи бундан кейинги мақолада ёритилган.

ЎЗБЕК ТИЛИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА СЎЗЛАРГА ЭТИМОЛОГИК МАЪЛУМОТ БЕРИШ МАСАЛАСИ

Ўзбек тилининг янги, беш жилдли изоҳли луғатининг аввалги, икки жилдли изоҳли луғатга нисбатан бир қатор янгиликлар, устуворликларга эга эканлигини изоҳли луғат ҳақида эълон қилинган бир қатор мақолаларда алоҳида таъкидлаб ўтган эдик. Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг энг муҳим янгиликларидан, афзалликларидан бири унда ўзбек тилига бошқа тиллардан кириб келган сўз ва терминларга этиологик маълумот берилганилигидир. Қандай сўзларга қай йўсунда ва қай даражада этиологик маълумот бериш ҳар иккала луғатни тузиш олдидан

лугат тузувчилар учун яратилган йўриқномаларда¹ маҳсус белгилаб берилган ва тузувчилар шу асосда иш олиб борганлар.

«Этимология» термини турли манбаларда бир-биридан у ёки бу даражада фарқланувчи, лекин ўзаро яқин мазмундаги таърифларга эга: «Этимонларни ва уларни ифодаловчи сўзларни ўрганувчи тилшунослик соҳаси этимология дейилади... Баъзан этимологияни сўзларнинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимот дейилиши унчалик тўғри эмас»². «Сўзларнинг «биографияси»ни, келиб чиқиши тарихини ўрганувчи соҳа этимология дейилади»³. «Этимология сўзларнинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимот (**этимология** – юн. *etymologia*<*etymon* – ҳақиқат ва *logos* – сўз, таълимот; рус тилида **этимология** сўзи икки маънога эга: «асли сўзниң келиб чиқиши» ва «сўзниң келиб чиқишини ўрганиш»)⁴. А. Ҳожиев луғатида бу сўзга қуйидагича таъриф берилган: «1. Тилшуносликнинг сўз ва морфемаларнинг келиб чиқиши ва тарихини ўрганувчи бўлими. 2. Сўз ёки морфемаларнинг келиб чиқиши ва тарихи»⁵. Икки ва беш жилдли изоҳли луғатларнинг ўзида «этимология» термини бир хил изоҳланган: «1. Тилшуносликнинг сўзларнинг келиб чиқишини, манбани ўрганадиган бўлими. 2. Сўзниң манбаи, келиб чиқиши»⁶. Бизнингча, қуйидаги таъриф «этимология» терминининг мазмунини тўлиқ акс эттиради ва биз ҳам ана шу таърифга қўшиламиз: «ЭТИМОЛОГИЯ (юн. *etymologia* < *etymon* – ҳақиқат ва *logos* – сўз, таълимот) – 1) тилшуносликнинг сўзниң келиб чиқишини ўрганувчи бўлими; 2) сўзниң келиб чиқишини аниқлаш, тушунтириб беришга қаратилган тадқиқот усуслари мажмуи, шунингдек, ана шу аниқлашдан келиб чиққан натижа; 3) сўзниң келиб чиқиши»⁷.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма. – Тошкент, 1964. – Б. 57–61; Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини тузувчилар учун йўриқнома (тузувчи А. Ҳожиев). – Тошкент, 2000. – Б. 12.

² Головин Б. Н. Введение в языкознание. – Москва, 1966. – С. 87.

³ Содиков А., Абдуазизов А., Ирискүлов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, 1981. – Б. 110.

⁴ Реформатский А. А. Введение в языкоковедение. – Москва, 1998. – С. 107.

⁵ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – Б. 136.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. 1-том. – Москва, 1981. – Б. 456; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 5-жилд. – Тошкент, 2008. – Б. 61.

⁷ Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва, 1990. – С. 596.

Қайд этилган сўнгги манбада ёзилишича, тиљшунослик бўлими ҳисобланган этимологиянинг асосий вазифаси муайян тил луғат таркибининг шаклланиш манбалари ва жараёнини ўрганиш ҳамда тилнинг қадимги давр (одатда, ёзув давригача бўлган) луғат таркибини қайта тиклашдан иборат. Ҳар бир тил лексикасида муайян миқдордаги сўзлар борки, уларнинг шакли билан маъноси ўртасидаги боғлиқлик шу тил эгалари учун тушунарсиз бўлиб қолган, чунки сўзларнинг тарихан ўзгара бориши уларнинг дастлабки шакл ва маъноларини хиралаштириб, ноаниқ қилиб қўйган; бундай сўзлар структураси (таркиби)ни ҳозирги тилдаги сўз ясалиш қолиплари орқали изоҳлаб бўлмайди»¹.

Сўзларни этимологик таҳлил қилишдан мақсад муайян сўзнинг қачон, қайси тилда, қандай сўз ясалиш қолипи бўйича, қайси тил материали асосида, қандай шаклда ва қандай маъно билан пайдо бўлганлигини аниқлашdir. Этимология билан боғлик бундай масалалар – муайян сўзнинг нега шундай шаклда эканлиги, унинг қандай юзага келганлиги ёки қайси тилга мансублиги, манба тилдаги маъносининг ўзлаштирувчи тилда кенгайиши ва торайиши ёки, умуман, бошқа маънога ўтиши каби масалалар нафақат филологларни, балки филологиядан анча йироқ бўлган кишиларни ҳам қизиқтириб, ўйлантириб келади. Уларни ҳал қилиш учун эса чуқур илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб бориш зарур бўлади. Этимологик таҳлил билан шуғулланувчи олим ўз тили ва унинг тарихини, тилларнинг ўзаро қариндошлигини, тилдаги тарихий-фонетик, тарихий-морфологик ўзгаришлар ва бундаги қонуниятларни, фанлар тарихини ва кишилар турмуш тарзини яхши билмоғи керак. Ана шундай комплекс ҳарактердаги тадқиқотлар натижасидагина кўзланган мақсадга эришилади. Этимологик таҳлил ва тадқиқотларнинг натижалари тил тизими ва структурасидаги ўзгаришларни кузатишда ҳамда янгидан-янги сўзларнинг этимонини – сўзнинг дастлабки маъноси ва шаклини аниқлашда ва, ниҳоят, этимологик луғатлар тузишда асосий манба бўлиб хизмат қиласди.

Сўзлар этимологиясини белгилашнинг нисбатан қийин ва нисбатан осон жиҳатлари бор. Масалан, Маҳмуд Кошғарий дав-

¹ Кўрсатилган луғат. – Б. 596.

рида «бир турли мис» маъносида қўлланган чозин (чўзин) сўзининг қачон ва қандай қилиб ҳозирги «чўян» ҳолатига келганини ёки қарғанинг турларини англатувчи чумуқ, чумчуқ, чумгуқ¹ сўзларининг қачондан бошлаб ҳозирги «чумчуқ» маъносига эга бўлганини аниқлаш учун бир қанча шева материалларига, кўплаб ёзма манбаларга мурожаат қилиш, тарихан рўй берган фонетик ва семантик ўзгаришларни қиёслаш ва чуқур таҳлил қилиш керак бўлади. Масалан, оддий овқат сўзини олиб кўрайлик. Бу сўзнинг араб тилидаги ва ўзбек тилидаги маънолари деярли бир хил бўлса-да, унинг мазкур тиллардаги фонетик киёфаси ва талаффузи бир-биридан анчагина фарқ қиласди. *Овқат* сўзи араб тилидаги *ақвот* сўзининг ўзлашиш жараёнида метатезага ва товуш ўзгаришига учраган кўринишидир. *Ақвот* сўзи эса, ўз навбатида, арабча қут «озиқ-овқат, егулик; озуқа, ем» сўзининг синиқ кўплик шакли бўлиб, «озиқ-овқатлар, озиқ-овқат маҳсулотлари» маъносини билдиради². *Ақвот* сўзининг *овқат* шаклига келиб қолиши ва шу ҳолатда оммавий қўлланишига, биринчидан, унинг талаффузда нокулайлиги сабаб бўлса, иккинчидан, талаффуз жиҳатидан унга яқин *авқот* (арабча *вақт* сўзининг кўплик шакли) сўзининг анча аввалдан ёзма манбаларда қўлланиб келганлиги таъсир қиласди бўлса ажаб эмас. Ана шу тасаввурлардан келиб чиқиб, бир қатор лугатларда, энциклопедик нашрларда, изоҳли лугатларда янгидан ўзлашган, барчага тенг даражада тушунарли бўлмаган терминларга изоҳ билан бирга этимологик маълумотлар ҳам берилади.

Муайян тил (бу ўринда ўзбек тили) учун ўзлашма ҳисобланган сўзларнинг дастлабки, бирламчи этимологиясини аниқлаш уччалик қийин эмас. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида қўлланаётган *дафтар*, қалам, қандил ва иқлим сўзларининг ўзбек тилига араб тилидан, араб тилига эса, ўз навбатида, юонон тилидан кириб келганлигини, уларнинг юонон тилидаги дастлабки маъноси ва шаклини аниқлаш учун араб ва юонон тилларига оид лугатларни ўзаро солиштириш, мазкур сўзларнинг тиллароро «саёҳати»ни кузатиш кифоя қиласди. Шунинг ўзиёқ ушбу сўзларнинг ўзбек

¹ Қаранг: Девону луготит турк. Индекс-лугат. – Тошкент, 1967.

² Баранов Х. К. Арабско-русский словарь. – Москва, 1977. – С. 663.

тилига қандай шакл ва маъно ўзгаришлари билан ўзлашганини яққол кўрсатади.

Худди юқоридаги каби, тилимизда кенг истеъмолда бўлган ва «жуда қадимий, эски замонлардан бери» маъносида қўлланадиган *дақёнус* (*даққионус*)дан қолган, алмисоқдан бери, алмисоқдан қолган каби иборалар таркибидаги *дақёнус* (*даққионус*), мисоқ (*алмисоқ*) сўзлари этимологиясини, яъни уларнинг қайси тилга мансублиги ва манба тилда қандай маъно англатишини осонгина аниқлаш мумкин. Бироқ мазкур ибораларнинг нега айнан шу шаклларда қўлланишини, нега қадимиийликни англашишини, яъни ибораларнинг этимологиясини аниқлаш учун динлар тарихидан, Куръони каримнинг ўнлаб сураларидан, жумладан, «Каҳф» (*«Fop»*) сурасидан, Рим империяси тарихидан яхши хабардор бўлиш тақозо этилади.

Биринчи ибора ҳақида шуни айтиш мумкинки, Куръони каримнинг «Каҳф» сурасида золим император Дақёнус (қадимги Рим императори Диоклетианнинг Шарқ халқлари орасидаги номи)нинг зулмидан қочиб, Оллоҳга бўлган имон-эътиқодларини сақлаб қолиш мақсадида форга яширинган ёш йигитлар (уларнинг нечта эканлиги – 3 та, 5 та ёки 7 та эканлиги ёлғиз Оллоҳга маълум) ва уларга эргашган бир итнинг Оллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан ғорда 309 йил ухлаб ётгани ва уйқудан уйғонган йигитлар учун бу муддат куннинг бир қисмидай туюлгани, оч қолган йигитлардан бири таом келтириш учун ўз замонасининг пули билан шаҳарга боргани хикоя килинади. Йигитнинг қўлидаги пулни қўрган шаҳарликлар (вақт ўтиши билан улар ҳам имонга келган эдилар): «Ие, бу пул Дақёнус (замони)дан қолган пул-ку!» деб ҳайратга тушганлар¹. Демак, иборанинг келиб чиқиш тарихи ҳам, ўзи англатган маъно сингари, қадимий даврларга бориб тақалар экан.

Юқоридаги сингари, беш жилдли изоҳли луғатда *алмисоқ* сўзи берилиб, унинг манба тил (араб тили)даги асл маъноси – «аҳд, қасам, шартнома, битим» кабилар этимологик маълумот сифатида қайд этилган. Шундан кейин *алмисоқдан бери* (ёки *буён*) ва *алмисоқдан қолган* иборалари келтирилган ва

¹ Яна қаранг: Ислом. Энциклопедия. – Тошкент, 2004. – Б. 32.

уларга «жуда қадим замонлардан бері», «қадимги замондан, дақёнусдан қолган» каби изоҳлар берилған. Иккінчи изоҳдаги «дақёнусдан қолган» бирикмаси иборалар этимологиясига бир қадар ойдинлик киритса-да, айни ибора нега шу шаклда ва маңнода құлланishi құшымча далил талаб қиласы. Бунинг учун яна Қуръони карим сураларига мурожаат қилишга түгри келади. «Бақара», «Ол-Имрон», «Нисо», «Моида», «Аъроф», «Анфол», «Раъд» каби ўндан ортиқ сурада турли грамматик шаклларда 30 мартаға яқын құлланған алмисоқ (мисоқ) сүзи мазкур сураларда тегишли равищда «аҳұд, битим, келишув, шартнома; иттифоқ, онт, қасам» каби маңноларни ифодалаған¹. Булар Оллох билан Бани Исроил қавми ўртасидаги, Оллох билан насоролар ўртасидаги, Оллох билан пайғамбарлар: Нуҳ алайхиссалом, Иброҳим алайхиссалом, Мусо алайхиссалом ва Исо алайхиссалом ўртасидаги аҳдлашув ва битимлар, қавмлараро, халқлараро шартномалар, ўзаро иттифоқлар ва бошқалардир. Кўриниб турибдики, бу аҳдлашув, битим, шартнома, иттифоқ ва онтлар, яъни мисоқлар жуда қадим замонларда, Исломгача бўлган даврларда бўлган ва Куръони карим сураларида батағсил баён қилинганд. Шунинг оқибатида бўлса керак, жуда қадимдан мавжуд бўлган, ниҳоятда эскирган нарса-буюмлар ва воқеа-ҳодисаларга нисбатан уларнинг ҳолатини ифодалаш учун халқимиз орасида алмисоқдан бері, алмисоқдан қолган иборалари құлланади.

Мазкур иборалар ҳақида ҳикоя тарзидаги юқоридагидек маълумотлар, албатта, изоҳли луғатда берилмаган, фақат уларнинг мазмунини етарли тарзда тушунтириб берадиган қисқача изоҳлар келтирилған. Бошка иборалар ҳақида ҳам айни гапларни айтиш мумкин.

Энди бевосита изоҳли луғатларда сўзларга этимологик маълумот бериш масаласига қайтамиз. Изоҳли луғатга киритилған ҳар бир сўз ёки термин бош сўз ҳисобланиб, бош сўз ва унга оид материаллар алоҳида луғат мақоласини ташкил этади. Бош сўзга оид этимологик маълумот луғат мақоласининг бош сўздан ке-

¹ Йўналтирувчи манба: Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати (тузувчи Ботирбек Ҳасан). – Тошкент, 1995. – Б. 456.

йинги компоненти ҳисобланади ва ўқувчидагатта қизиқиш уйғотади. Юқорида зикр этилган йўриқномада белгиланганидек, этимологик маълумот ўзбек ва туркий тиллардан бошқа чет тиллар сўзларига берилган. Икки жилдли изохли луғатда ҳам бош сўзларга этимологик маълумот берилган бўлиб, унда муайян чет сўз (термин)нинг қайси тилга мансублигини шартли қисқартма орқали кўрсатиш билангина чекланилган. Масалан: **а** – арабча, **ф-т** – форс-тожикча, **р** – русча ва ҳоказо. Янги изохли луғатда эса муайян сўз асли мансуб бўлган тил (шартли қисқартма билан), сўзнинг шу тилдаги ёзилиши ва дастлабки маъноси қайд этилган. Масалан:

АБСОРБЦИЯ [лом. *absorbtio* – ютиш, ютилиш, шимилиш, сингиш]...

БОТАНИКА [юн. *botanikos* – ўсимликка тааллукли < *botane* – ўт, гиёҳ, ўсимлик]...

ВЕЛОСИПЕД [*фр. velocipe de* < лом. *velox* – тез + *pedis* – оёқ]...

ТАЭКВОНДО [корейсча: таэ – оёқ + квон – қўл + до – йўл: оёқ ва қўлларнинг ҳаракат йўли, усули]...

ТИЛОВАТ [*a.* تَلَّوْتَ (овоз чиқариб) ўқиш; ўқиб чиқиш]...

ФАЛСАФА [*a.* فلسفه < юн. *philosophia* < *phileo* – севаман + *sophia* – донишмандлик]...

ХУДБИН [*ф.* حُو د بِن – манман, эгоист; ўзинигина кўзловчи]...

ҚАНДИЛ [*a.* قَدْبَل – чирок, чилчирок, люстра < юн. *kandela* – шам < лом. *candela* – шам]...

ҒАЗАЛ [*a.* جَرْجَ – хотин-қизларнинг кўнглини олиш, эркалаш; лирик шеър]...

ХАДИС [*a.* حَدِيْث – сўз; сухбат; ҳикоя, ривоят]...

Агар ўзлашма сўз таркибий қисмлардан, жумладан, мустақил маъноли сўзлардан ташкил топган бўлса, янги луғатда бу ҳолат ҳам қайд этилган. Масалан:

АНТОЛОГИЯ [юн. *anthologia* < *anthos* – гул + *lego* – териш: гуллар дастаси]...

БИБЛИОГРАФИЯ [юн. *biblion* – китоб + *grapho* – ёзаман]...

МОРФОЛОГИЯ [юн. *morphe* – шакл + *logos* – таълимот]...

Агар сўзнинг таркибий қисмларидан бири (масалан, препозитив терминэлемент) ёки ҳар иккала қисмига алоҳида луғат мақоласи тарзида этиологик маълумот берилган бўлса, бу ҳолат ҳам луғатда тегишлича акс эттирилган. Масалан:

АСТРОЛОГИЯ [астро.. + юн. logos – билим, тушунча]...

БАДБИН [бад.. + ф. бад кўрувчи, қаровчи]...

БАРОТЕРАПИЯ [баро.. + терапия]...

ГИПЕРИНФЛЯЦИЯ [гипер.. + инфляция]...

ГУЛИСУМБУЛ [гул + сумбул]...

Бир сўз ясалиш асосидан ҳосил қилинган ясама сўзларга этиологик маълумот берилмади. Фақат сўз ясалишига асос бўлган сўзгагина этиологик маълумот берилди. Масалан, *анаархия*, *анаархизм*, *анаархист*, *анаархистик*, *анаархиячи* сўзларидан фақат *анаархия* сўзига ёки *дидактизм*, *дидактик*, *дидактика* сўзларидан фақат *дидактика* сўзига этиологик маълумот берилди. Шунингдек, *дистилламоқ*, *дистиллят*, *дистиллятор*, *дистилляция* сўзларидан фақат *дистилляция* сўзи этиологик маълумот билан таъминланди.

Маълумки, европа тилларига оид жуда кўп сўзлар ўзбек тилига рус тили орқали ўтган. Ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғатида муайян ўзлашма сўзга этиология белгилашда у сўз қайси тилга мансуб бўлишидан қатъи назар, уни рус тили орқали ўзлашганлигига, охирги манба рус тили эканлигига ишора қилинган эди (*p < грек*, *p < лат*, *p < ингл*, *p < фр* тарзида). Масалан:

АМПУЛА [*p < лат*]...

АМФИТЕАТР [*p < грек*]...

ЗЕНИТ [*p < фр < a.*]...

Янги, беш жилдли изоҳли луғатда бундай усул қўлланмай, сўзнинг асли қайси тилга мансублиги кўрсатилиди. Чунки этиологик маълумотда сўзнинг қайси тил орқали ўзлашгани эмас, балки бу сўзнинг қайси тилга оидлиги қайд этилади. Шу нуқтаи назардан мазкур сўзларнинг этиологияси янги луғатда қуйидагича белгиланди:

АМПУЛА [лат. ampulla – бүгзи тор, қорни катта, құшқулоқлы шиша ёки сопол идиш]...

АМФИТЕАТР [юн. amphitheatron – икки томонлама томоша]...

ЗЕНИТ [*фр. zenith < a. سمت* – йўл, мақсад; азимут]...

Этимологик маълумотларда европа тилларига, жумладан, юонон, лотин, инглиз, француз, немис, испан, итальян, голланд, поляк тилларига мансуб сўзлар лотин графикасида, араб, форс ва бошқа эроний тилларга мансуб сўзлар араб графикасида, бошқа тиллар (рус, хитой, ҳинд, мӯғул)га оид сўзлар эса кирилл графикасида акс эттирилди. Сўзларнинг келиб чишини белгилашда ўтган асрнинг иккинчи ярмидан то ҳозирги кунгача нашр этилган икки тилли луғатлардан (арабча-русча, русча-арабча, арабча-ўзбекча, форсча-русча, русча-форсча, форсча-ўзбекча, лотинча-русча, инглизча-русча, французча-русча, немисча-русча, ҳиндча-русча, мӯғулча-русча ва б.), хорижий сўзлар луғатларидан,¹ тожик тилининг изоҳли луғатидан,² зарур ҳолларда эса эски ўзбек адабий тили бўйича турли даврларда тузилган луғатлардан³ фойдаланилди ва барча ўзлашма сўзларга имкон қадар этимологик маълумот берилди. Ўзлашма сўзнинг аслида қайси тилга мансублиги аниқ бўлмаса, шунингдек, уни ҳозирги ёзув ёки ёзувлардан бири билан ифодалаш мумкин бўлмаса, этимологик маълумот берилмади.

Беш жилдли изоҳли луғатда сўз ва терминларга берилган этимологик маълумотларда манба тиллардаги сўзларнинг бошқа тилларга ўзлашишида кишини ҳайрон қолдирадиган даражада

¹ Словарь иностранных слов. Изд. 4. – Москва, 1954; Словарь иностранных слов. Изд. 18. – Москва, 1989; Новейший словарь иностранных слов и выражений. – Минск, 2003; Большой иллюстрированный словарь иностранных слов. – Москва, 2004; Воронков А. И., Поняева Л. П., Попова Л. М. Латинское наследие в русском языке. Словарь-справочник. – Москва, 2002.

² Фарҳанги забони токики. Иборат аз ду жилд. – Москва, 1969.

³ «Абушка» – «Луғати Навоийя...» (В. Вельяминов-Зернов нашри). – СПб., 1868; Бухорий Шайх Сулаймон. Луғати чигатоий ва турки усмоний (араб графикасида). – Истанбул, 1882; Будагов Л. Справительный словарь турецко-татарских наречий в 2-х томах. – СПб., 1869; Навоий асарлари луғати (тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброхимов). – Тошкент, 1972; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт жилдли. – Тошкент, 1983–1985; Мирзо Маҳдиийхон Астрободий. Санглах (араб графикасида). – Техрон, 2002 ва б.

маъно ўзгаришларига учраганини кузатиш мумкин. Масалан, юонон тилидаги аптека (apotheker) сўзи дастлаб «омбор, қазноқ» маъносини ифодалаган. Кейинчалик бу сўз тилдан тилга ўтиш жараёнида (юонон >лотин >поляк >рус >ўзбек) янги – «дори омбори, дорихона» маъносига эга бўлган. Француз тилидан рус тили орқали ўзбек тилига ўзлашган арсенал сўзи эса аслида арабча сўз бўлиб, манба тилда *دوروسانو* (دارالسناعه) шаклида ва «ишхона, корхона» маъносида қўлланган. Ёки «ҳарбийлар ётиб давола-надиган жой» маъносидаги лотинча *гостпиталь* (hospitalis) сўзи дастлаб «меҳмондўст» маъносида қўлланган. Луғатни варакла-ган ўқувчилар *банан*, *банк*, *банкрот*, *велосипед*, *вермишель*, *врач*, *газета*, *галактика*, *гимн*, *гимназия*, *граната*, *дэжур*, *зенит*, *ка-федра*, *магазин* каби юзлаб байнамилал сўзларнинг тилдан тил-га кўчишда қанчалик маъно ўзгаришларига учраганини уларга берилган этимологик маълумотлардан билиб оладилар.

Янги изоҳли луғатни мутолаа қилган, ундан фойдаланган ки-тобхонлар бир неча ўнлаб сўз ва терминларнинг атоқли отлар (антропоним ва топонимлар)дан ҳосил қилинганини билиб олади-лар. Агар мактаб ўқувчилари мактаб дастурига кирган фанларни ўрганиш жараёнида *ампер*, *бессемер*, *ватт*, *вольт*, *гальвани*(*к*), *дальтонизм*, *дарвинизм*, *пастерлаши*, *рентген*, *цельсий* каби тер-минлар ва ўнлаб кимёвий элементлар номларининг келиб чиқиш манбай атоқли отлар эканлигини яхши билсалар ҳам, ўқувчилар билан бир қаторда кенг китобхонлар оммаси луғатни мутолаа қилиш орқалигина *академия*, *баббит*, *бадминтон*, *банорас*, *ба-тист*, *бойком*, *браунинг*, *брүцеллэз*, *ватман*, *венерология*, *вок-зал*, *вулкан*, *габбро*, *гайморит*, *галифе*, *гобелен*, *дизель*, *доломит*, *ироқи* (совун), *канифоль*, *коњяк*, *лимузин*, *лўттибоз*, *макинтош*, *маузер*, *мельхиор*, *никотин*, *олимпиада*, *патефон*, *пломбир*, *рег-би*, *реглан*, *тоифи* (узум) каби сўз ва терминларнинг ҳам атоқли отлар асосида юзага келганига гувоҳ бўладилар.

Араб тилидан ўзлашган кўплаб сўзлар маъносида ҳам гаройиб ўзгаришлар содир бўлганини кузатиш мумкин. Масалан, *басир* (بصیر) сўзи манба тилда, яъни араб тилида «кўриш қобилияти яхши, нарсаларни яхши фарқловчи, ўткир зеҳнли» каби маъно-

ларни ифодаласа,¹ ҳозирги ўзбек тилида умумистеъмолда «яхши кўра олмайдиган, кўр» маъноларини ифодалайди (ҳозирги кунда ҳам баъзи ота-оналарнинг ўз фарзандларига «Басир», «Басира» деб ном қўйишлари уларнинг араб тилидан, шу сўзнинг маъносидан яхши хабардорлигини кўрсатади). Ёки яна бир арабча сўз – *касал* (كسال) сўзи манба тилда «дангасалик; дангаса, ишёқ-мас» маъноларида кўлланса, ҳозирги ўзбек тилида «бемор, бетоб, хаста» маъноларида ишлатилади.

Шунингдек, икки жилдли изоҳли луғатда эҳром сўзи кўп маъноли битта лексема сифатида изоҳланган:

ЭҲРОМ [a.] 1 эск. айн. пирамида 1,2.

2 Пирамида шаклидаги бино, иншоот.

3 дин. Ҳажга боришдан олдин маълум давр давомида атир сепиш, соқол-мўйлов олиш каби дунёвий ишлардан воз кечиши ва Миср, Ирок каби мусулмон давлатлари чегараларига етгандан сўнг оқ кийимга, одатда, тикилмаган оқ матога ўралиш ва шундай матонинг ўзи.

Ушбу сўзнинг этимологияси бўйича кузатишлар эса унинг кўп маъноли битта сўз эмас, балки ўзаро омоним бўлган иккита сўз эканлигини кўрсатди: араб тилида сўз таркибидаги ҳ товуши (ҳарфи)нинг икки хил ёзилиши (ح – ҳои ҳутти ва ئ – ҳои ҳавваз) ушбу сўзнинг манба тилда шаклан ва талаффуз жиҳатидан тамоман бир-бирига ўхшамаган иккита сўз эканлигидан далолат беради ва бу ҳолат янги изоҳли луғатда тегишли равища акс этирилди:

ЭҲРОМ I [a. احرام] – мусулмонларнинг ҳаж даврида муқаддас ҳудудга кириши ва эҳром кийиши] **1** Маккага ҳаж сафарига отланган кишиларнинг маълум вакт давомида баъзи нарсалардан фойдаланишдан (мас., атир сепиш, соқол-мўйлов, тирноқ олиш ва б. дан) ўзини тийиши.

2 Ҳажга борувчиларнинг маҳсус кийими: нина тегизилмаган икки парча қалинроқ газлама (мас., бўз)дан иборат бўлиб, бири бўйин ва чап елкага, иккинчиси белдан пастга ўралади.

¹ Араб тилидан ўзлашган сўзларнинг этимологиясини белгилашда асосан куйидаги манбадан фойдаланилди: *Баранов X. К. Арабско-русский словарь. Изд. 5. – Москва, 1977*

ЭХРОМ II [а. اهرام «пирамида» (هرم) с. нинг кўпл.] 1 айн. пирамида

1. 2.

2 Пирамида шаклидаги бино, иштоот, масжид, мақбара.

Ўзбек тилига ўзлашиш жараёнида маъноси кескин ёки сезиларли даражада ўзгарган ёки янги маънолар касб этган арабча сўзлар қаторига яна *аёл*, *азамат*, *азон*, *айюҳаннос*, *авра*, *ароқ*, *аския*, *асфаласофилин*, *ашаддий*, *ақалли*, *ақида*, *баёз*, *башара*, *бақбақа*, *бидъат*, *бисом*, *важоҳат*, *ирқ*, *касоғат*, *кунпаякун*, *лаҳм*, *нафосат*, *пийсабилло*, *тиловат* каби, форсча сўзлар қаторига эса *абгор*, *абзал*, *астойдил*, *бадбин*, *боқимонда*, *дарбадар*, *дардисар*, *зимиston*, *худбин* каби жуда кўп луғавий бирликларни қўшиш мумкин.

Шунингдек, араб тилида кўплик шаклида бўлган бир қанча сўзларнинг ҳозирги ўзбек тилида кўплик маъносида эмас, балки бирлик маъносида қўлланадиганини ҳам изоҳли луғатдаги этиологияк маълумотлардан билиб олиш мумкин. Биргина А ҳарфи билан бошланадиган бундай сўзлар 20 тадан ортиқдир. Айниқса, *авлиё* (бирлиги – *валий*), *авлод* (бирлиги – *валад*), *ажсадод* (бирлиги – *жадд*), *айём* (бирлиги – *йавм*), *алвон* (бирлиги – *лавн*), *анҳор* (бирлиги – *наҳр*), *арбоб* (бирлиги – *рабб*), *арвоҳ* (бирлиги – *руҳ*), *асбоб* (бирлиги – *сабаб*), *аския* < *азкиё* (бирлиги – *закий*), *ахлат* < *ахлот* (бирлиги – *хилт*), *ашё* (бирлиги – *шайъ*), *аъзо* (бирлиги – *узв*) каби сўзлар ҳозирги ўзбек тилида факат бирлик сондаги сўз сифатида тушунилади ва айни маънода қўлланади, уларнинг бирлик шакллари эса ҳозирги ўзбек тилида жуда кам қўлланади ёки умуман қўлланмайди.

Хуллас, ўзбек тилида шарқ ва ғарб тилларидан ўзлашган, ўзлашиш жараёнида маъноси кескин ўзгарган юқоридагидек сўзлар янги изоҳли луғатда анчагина ва улар тегишли равишда зарурый этиологияк маълумотлар билан таъминланган.

Муайян тилда мавжуд бўлган сўзларга, жумладан, ўзлашма сўз ва терминларга этиологияк маълумот бериш ниҳоятда мушкул ва мураккаб иш бўлганлигидан, аввало, бу соҳада ғоят синчковлик, теран изланишлар олиб бориш талаб этилади, шу билан бирга, бу жараёнда маълум камчилик, ноаниқликлар ҳам бўлиши табиий. Беш жилдли изоҳли луғатнинг тузувчилари бу ишни имкон қадар

төксек савиядада бажаришга ҳаракат қилган бўлсалар-да, луғатда бапъзи сўзларга берилган этиологик маълумотлар ўқувчида иккичаниш, шубҳа пайдо қилиши мумкин. Буни биз кўшик ва ош сўзларинга берилган этиологик маълумотлар мисолида кўриб ўтамиз.

Форс ва тожик тиллари бўйича тузилган луғатларда кўшик сўзи шу тилларнинг ўз сўзи сифатида қайд этилган, яъни мазкур луғатларда кўшик сўзининг бошқа бирор тилга мансублиги, бирор тилдан кириб келганилиги ҳақида ҳеч кандай ишора йўқ. Юқорида зикр этилган хорижий сўзлар лугатларида ҳам бу сўз форсча деб берилган. Шуларнинг таъсирида бўлса керак, икки жилдли изоҳли луғатда ҳам кўшик форсча-тожикча сўз сифатида белгиланган, беш жилдли изоҳли луғатда эса бу сўз иккичаниш билан туркий-форсий деб кўрсатилган. Лекин М. Фасмернинг «Рус тилининг этиологик луғати»да киоск сўзига берилган этиологик маълумотда у турк(ий)ча сўз сифатида изоҳланган: «**Киоск** тўғридан-тўғри туркча *kōšk* «павильон»дан эмас, балки немисча *Kiosk* ёки французча *kiosque* сўзидан ўзлаштирилган»¹. Турк тили бўйича тузилган луғатларда ҳам бу сўз форсча деб кўрсатилмаган. Шу билан бирга, Маҳмуд Кошгарий луғатида *kowik* (ёпиш, бекитиш; ёпинчик) сўзи ва у билан боғлиқ *kowiklik jep* (соя ер, кўланкали ер) бирикмаси ҳам мавжудки², бу ҳолат, бинингча, кўшик сўзининг этиологиясини белгилашда шошилмасликни, ушбу сўз тарихини ўтмишда яратилган ёзма ёдгорликлар асосида хронологик тарзда синчилаб ўрганишни тақозо этади.

Айни юқоридаги ҳолат сингари, ош сўзининг этиологияси, келиб чиқиши ҳам мунозара га сабаб бўлиши мумкин. Бу сўз ҳам форс ва тожик тиллари бўйича тузилган луғатларда шу тилларнинг ўз сўзи сифатида қайд этилиб, унинг ўзга тилга мансуб эканлигига бирон-бир ишора қилинмаган.

Шу билан бирга, ўша луғатларда ушбу сўзниң муносабатдошлари – *oispaz*, *oispazxona*, *oishxona* сўзлари ҳам берилган. Шунинг таъсири остида аввал икки жилдли, сўнг беш жилдли изоҳли луғатда ош сўзи форсча сўз сифатида кўрсатилган. Ле-

¹ Фасмер М. Этимологический словарь русского языка в 4-х томах. Т. II. – Москва, 1967. – С. 235.

² Кошгариј Маҳмуд. Девону луғотит турк. Уч томлик. I том. – Тошкент, 1960. – Б. 387 ва 466.

кин туркий манбаларга мурожаат қилинганда, бунинг акси бўлиб чиқади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида *оиш* сўзи ва у билан муносабатдош бошқа бир қанча сўзлар берилганини кўрамиз. Чунончи, *оиш* // *a:ish* – озиқ-овқат, ош, таом, овқат; *ашаттi* – ош егизди, ошатди; *ашлiқ* II – ошхона; *ашлақ* – дастурхон; *ашiч* – қозон; *аисадi* – (овқат, ош) ейишни истади; *аисаттi* – ош ейишга иштача қўзгатди¹. Шунингдек, К. К. Юдахиннинг қирғизча-русча лугатида (М., 1965), катта ҳажмли туркча-русча лугатда (М., 1977) ҳам *оиш* сўзининг форсча эканлигига ҳеч қандай ишора мавжуд эмас, яъни мазкур лугатларда *оиш* сўзи туркий сўз сифатида берилган.

Демак, изоҳли лугатда юқорида таҳлил қилинган *кушк*, *оиш* сўзлари ва бошқа уларга ўхшаш айрим сўзларга берилган шубҳали этиологик маълумотларга аниқлик киритиш учун тегишли манбаларни диққат билан ҳар томонлама ўрганиш зарур бўлади. Ўйлаймизки, изоҳли лугатнинг кейинги нашрларида бундай ноа-ниқликлар бартараф этилиб, ишонарли этиологик маълумотлар берилади.

КИМЁ ТЕРМИНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТДА БЕРИЛИШИ

Чегараланган лексиканинг бир қисми ҳисобланган терминларнинг умумфилологик, таржима ва изоҳли луғатларда берилishi – уларнинг чегараси ва миқдори, танлаб олиш тамойиллари, маъноси (маънолари)нинг изоҳланиши, этиологик маълумотлар ва грамматик белгилар билан таъминланиши ҳақида илмий адабиётларда, қўлланма ва йўриқномаларда мунозара-муҳокамалар олиб борилган, зарур даражада фикрлар билдирилган, кўрсатмалар берилган².

¹ Қаранг: Девону луготит турк. Индекс-луғат. – Тошкент, 1967. – Б. 29–30 ва 35.

² Руководство для составления узбекско-русского словаря. – Ташкент, 1960; Акабиров С. Ф. Лексикографическая разработка терминологии в двуязычных словарях (на материале русско-узбекских и узбекско-русских словарей). АКД. – Ташкент, 1969; Акабиров С. Ф. О границах и источниках толкового словаря узбекского языка. // Тюркская лексикология и лексикография. – Москва, 1971. – С. 130–152; Толикина Е. Н. Термин в толковом словаре (к проблеме определения) // Проблематика определения терминов в

Фан ва техникага доир термин маҳсус яратилган, яъни сунъий тарзда ўйлаб топилган ёки табиий (жонли) тилдан олинган сўз-дир. Бундай сўзнинг кўлланиш соҳаси у ёки бу илмий мактабнинг вакиллари томонидан белгиланади ва чегараланади. Умумтил терминларидан, яъни умумкўлланишдаги сўзлардан фарқли ра-вишда илм-фан соҳаларига мансуб терминлар иерархик (поғо-навий, босқичма-босқич) тартиба солинган бирликларнинг терминологик тизимларига бирлашган бўладилар ва фақат ана шу тизимлар, уларга мувофиқ келувчи мантикий (тушунчавий) терминологик майдонлар ичида гина ўз маъносига эга бўладилар. Илм-фан тараққиётидаги ҳар бир қадам илмий терминлар яра-тиш ёки уларга (мавжудларига) аниқлик киритишга олиб келади¹.

Фан ва техника тушунчаларини терминлаштириш муайян соҳалар мутахассисларининг тилшунослар билан ҳамкорлик киладиган алоҳида фаолият соҳасидир. Иерархик тартибли тушунчаларнинг ҳар бир қисми учун мос келувчи белгиларни из-лаб топиш анча мураккаб вазифадир. Бундай белгиларни онгли ва режали равища излаб топиш ва жорий этиш бошланганига кўп вақт бўлгани йўқ. Масалан, тавсифий ботаника тушунчалари Карл Линней томонидан 1751 йилда тартибига солинган бўлса, систематик таснифнинг ҳайвонот оламига нисбатан ягона тамо-йиллари 1758 йилдан қўллана бошлаган. Кимё фани мутахас-сислари эса ўз фан соҳаларига оид тушунчаларни, бинобарин, кимё терминологияси ва номенклатурасини тартибига солишини XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаганлар ва бу жараён ҳануз давом этмоқда. Чунки бошқа терминологик тизимларга нисбатан энг байналмилал характерга эга бўлган, муттасил бойиб, кўпа-йиб бораётган кимё терминологияси минглаб терминлар (тушун-чалар номлари) ва миллионлаб номенлар (конкрет предметлар номлари) билан иш кўради. Ушбу ҳолатни ўзбек кимё термино-логияси мисолида ҳам кузатиш мумкин.

словарях разных типов. – Л., 1976. – С. 45–57; Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун кўлланмана. – Тошкент, 1965; Ўзбек тилининг кўп жилди изоҳли луғатини тузувчилик учун ўйрикнома (тузувчи А. Ҳожиев). – Тошкент, 2000 ва б.

¹ Суперанская А. В. Терминология и номенклатура // Проблематика определения терминов в словарях разных типов. – Л., 1976.

Ўзбек тилининг умумтерминологик тизимида ўзига хос ўринга эга бўлган ўзбек кимё терминологияси, ўз навбатида, маълум луғавий-мавзуй гуруҳларга бўлинади. А. А. Реформатский қайд этганидек, «терминология – муайян тилнинг умумлуғавий тизими доирасида аниқ ажралиб турувчи кичик бир тизимдир... шу билан бирга, ўз навбатида, мавзуй белгиларга кўра янада кичик тизимларга ажралади»¹.

Ўзбек кимё терминологиясининг асосий мавзуй гуруҳлари қўйидагилардан иборат:

1. Кимё фани тармоқларини билдирувчи терминлар. Энг кадимги фанлардан ҳисобланган кимё фани дастлабки даврларда жуда тор маънода, яъни оддий металларни олтин ёки кумушга айлантириш санъати маъносида тушунилган ва ҳозиргидек кўп тармоқли бўлмаган. Моддалар ва уларнинг ўзгаришларини тартибга солувчи қонунлар ҳақидаги фан сифатида кимёнинг аста-секин ривожланиши оқибатида у бир қанча тармоқларга ажралиб кетади, шунга мувофиқ равишда бу тармоқларни ифодаловчи янги терминлар пайдо бўлади. Ҳозирги кунда кимёни асосий 5 бўлимга ажратиш жорий қилинган ва улар *анорганик кимё, органик кимё, физикавий кимё, аналитик кимё, юқори молекуляр бирикмалар кимёси* деб аталади. Кимёнинг бу беш асосий тармоғи ҳам, ўз навбатида, янада кичик соҳаларга бўлиниб кетиши натижасида уларни номловчи янги терминлар пайдо бўла бошлади. Биргина физикавий кимё тез ривожланиб бораётган *кимёвий термодинамика, кимёвий генетика, фотокимё, плазмалар кимёси, радиация кимёси, электрокимё, лазер кимёси* каби соҳаларга бўлиниб кетган. Бундай терминлар кимёнинг бошқа фанлар билан интеграцияси натижасида ҳам пайдо бўлмокда. Масалан, *биокимё / биологик кимё, геокимё, космокимё, суд-экспертиза кимёси, фармацевтик кимё* каби. Шу кунларда кимё ёки кимёвий сўzlари билан ҳосил бўлган ва кимёнинг турли тармоқларини ифодаловчи терминлар (ёки бирикма терминлар) сони 40 тадан ошади.

¹ Реформатский А. А. Что такое термин и терминология? // Вопросы терминологии. – Москва, 1961. – С. 121–122.

Кимё терминининг ўзи, унинг келиб чиқиши ва этимологияси ҳақида кўплаб баҳсталаб, мунозарали фикрлар мавжуд. Кўпинча уни қадимги Мисрнинг номи – *Хем* «қора, қорамтири» сўзи билан боғлайдилар ва унинг маъносини «Миср фани» тарзида изоҳлайдилар. Айрим тарихчи ва филологлар ушбу сўз юончча *chemia* «металларни эритиш санъати» сўзидан келиб чиқкан, деб ҳисоблайдилар. Ҳар ҳолда, кўпчилик маълумот ва кузатувлар шуни кўрсатадики, ушбу термин юонон (лотин тили орқали) ва араб тилларининг ўзаро алоқаси натижаси ўлароқ пайдо бўлган¹.

2. Кимёвий элементларни билдирувчи терминлар. Ушбу гурухга мансуб терминлар лингвоэтимологик нуқтаи назардан катта қизиқиш туғдиради, шу сабабли бу терминларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида куйида тўхталамиз.

3. Умумкимёвий тушунчалар, кимёвий таҳлил методларини билдирувчи терминлар: *атом, молекула, валентлик, реакция, даврий қонун, кимёвий мувозанат, анализ, синтез, титрлаш, ацидиметрия, колориметрия* каби.

4. Кимёвий қонунлар, назариялар, ҳодисалар, шунингдек, реакцияларни билдирувчи терминлар. Бундай терминларнинг аксарияти ўз таркибида муайян кимёвий, шунингдек, физик-кимёвий қонунлар ва ҳодисаларни кашф қилган, тавсифлаб, изоҳлаб берган буюк олимлар ва кашфиётчиларнинг исм ва фамилияларини қамраб олган. Масалан: *Авогадро қонуни, Генри қонуни, Менделеев жадвали, Бутлеров назарияси, ионлаш назарияси, ҳажмий нисбатлар қонуни, қайтар реакция*.

¹ Ушбу мақолада ва «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да берилган кимё терминларининг этимологиясини белгилашда куйидаги манбалардан фойдаланилди: *Фигуровский Н. А. Открытие химических элементов и происхождение их названий. – Москва, 1970; Ҳакимов И. Кимёвий элементларнинг пайдо бўлиши. – Тошкент, 1974; Трифонов Д. Н., Трифонов В. Д. Как были открыты химические элементы. – Москва, 1980; Бусев А. И., Ефимов И. П. Определения, понятия, термины в химии. – Москва, 1981; Соловьев Ю. И. История химии. Развитие химии с древнейших времен до конца XIX века. – Москва, 1983; Химический энциклопедический словарь. – М., 1983; Воронков А. И., Поняева Л. П., Попова Л. М. Латинское наследие в русском языке. Словарь-справочник. – Москва, 2002; Новейший словарь иностранных слов и выражений. – Минск, 2003; Большой иллюстрированный словарь иностранных слов. – Москва, 2004. Булардан ташқари терминлар этимологиясини белгилашда 20 дан ортиқ икки тилли таржима лугатларидан фойдаланилди..*

5. Кимёвий жараёнлар, амаллар ҳамда уларнинг натижаларини, ҳосилаларини ифодаловчи терминлар. Бундай терминлар қаторига тўғридан-тўғри ёки калька йўли билан ўзлаштирилган, шунингдек, ярим калькаланган («гибрид») байналмилал луғавий бирликларни киритиш мумкин (уларнинг кўпчилиги рус тили орқали ўзлашган): *абсорбция, адсорбция, гидролиз, коагуляция; ярим емирилиши, алкиллаш, ионлаш // ионланиш, кристалланиши, бессемерлаш, хлорлаш; чўкма, эритма, қотиши* ва б.

6. Физик-кимёвий хоссаларни ифодаловчи терминлар. Масалан: *амфотерлик, буферлик, изоморфизм, полиморфизм, радиоактивлик, тўйинганлик, электрманфийлик, электр-үтказувчанлик, эрувчанлик, қаттиқлик* ва б.

7. Кимёвий асбоб-ускуна, аппаратлар ва уларнинг қисмларини билдирувчи терминлар. Бундай терминлар сирасига оддий лаборатория ускуналаридан тортиб улкан технологик курилмалар, аппаратларгача бўлган тушунчаларнинг номлари киради: *колба, мензурка, пробирка, реторта, склянка, тигель, штатив, мўрили шкаф, поляризатор, ультрамикроскоп, кимёвий стакан, Кипп аппарати, Бессемер конвертори, Мартен печи* ва б.

8. Моддаларнинг синфларини ифодалочи терминлар, шунингдек, сон-саноқсиз номенлар. Ўзбек кимё терминологиясидаги ушбу мавзуй гурух энг катта гурух ҳисобланади, чунки кимё терминологиясининг асосий қисмини ҳозирги кунда миқдори 3 миллион бирликдан ортиб кетган ўзлашма байналмилал номенлар ташкил этади: *асослар, кислоталар, оксидлар, тузлар; оксиллар, спиртлар, углеводлар // карбонсувлар, эфирлар; нитробирикмалар; ацетон, бензол, изобутан, карбонат ангирид, натрий хлорид, сульфат кислота* ва б.

Ягона ўзбек кимё терминологияси тизимини ташкил этувчи терминларнинг мазкур мавзуй гурухларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Юқорида айтилганидек, **кимёвий элементларни билдирувчи терминлар мавзуй гурухи** уларнинг келиб чиқиши ва номланиш тамойилларига кўра алоҳида қизикиш ўйғотади.

Кимё терминларининг номланиши, бошқа тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам термин ҳосил қилишнинг алоҳида

усули бўлиб, ўзида ҳам семантик, ҳам аффиксал термин ясаш усулларини намоён қилади. Ҳозирги кунда кимё фани 105 та элемент билан иш кўради, демак, ўзбек кимё терминологиясида ҳам ана шу элементларни билдирувчи 105 та термин мавжуд. Ушбу ном-терминларнинг келиб чиқиши жуда хилма-хил бўлиб, уларнинг баъзилари тарих билан, хусусан, у ёки бу элементнинг кашф этилиш усули билан боғлиқ ҳолда вужудга келган бўлса, кўпчилик элементларнинг номлари ушбу элемент мавжуд бўлган бирикманинг хосса ва хусусиятлари асосида юзага келган. Айрим терминларда атоқли отларни – исм-фамилиялар, осмон жисмлари ва муайян жойларнинг номларини абдийлаштириш анъаналари ўз аксини топган. Кейинги даврларда бу анъана кучайиб, 30 га яқин элементнинг номи атоқли отлар асосида шакланган.

Кимё фани тарихини чуқур ўрганган Н. А. Фигуровский ўзининг бир қатор ишларида кимёвий элементлар номларининг келиб чиқишини кенг изоҳлаган, лекин у мазкур номларни маъновий грухлар асосида эмас, балки уларнинг кашф этилиш хронологияси нуқтаи назаридан изоҳлаган. Кимёвий элементлар номларини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида шундай ёзади: «Бунда, шубҳасиз, элементлар номларининг келиб чиқишини изоҳлайдиган рўйхатнинг ўзи турли даврлардаги номенклатура яратиш анъаналарини акс эттирибгина қолмайди, балки кимёвий ва техникавий терминологияни ҳамда рационал номенклатурани ишлаб чиқиша айниқса катта аҳамиятга эга»¹.

Кимёвий элементлар номини билдирувчи терминлар грухи, ўз навбатида, яна бир қанча грухларга бўлинib кетади. Улар куйидагилардир:

1. Кимёвий элементларнинг қадимдан ўзбек тилида ва ўзбек кимё терминологиясида қўлланиб келаётган анъанавий номлари. Маълумки, барча кимёвий элементлар лотин тили асосидаги байналмилал номларига эга. Шу билан бир қаторда, дунёнинг деярли барча тилларидаги кимё терминологик тизимларида энг қадимги даврлардан маълум бўлган кимёвий элементларни ифодаловчи муайян миқдордаги анъанавий терминлар мавжуд

¹ Фигуровский Н. А. Кўрсатилган асар. – Б. 36.

бўлган. Бундай терминлар рус кимё терминологиясида золото, серебро, медь, железо, олово, свинец, ртуть, мышьяк, сурьма, сера ва кейинги даврларда лотин тилидан калькаланган водород, кислород, углерод ва кремний сўзлари бўлса, ўзбек кимё терминологиясида олтин, кумуш, мис, темир, қалай, қўргошин, симоб, сурма, рух, маргимуш, олтингугурт ҳамда бевосита рус тилидан ўзлаштирилган водород, кислород, кремний, углерод терминлари дид. Бундай ҳолатни қозоқ ва тожик кимё терминологик тизимларида ҳам кузатиш мумкин¹.

Ўзбек кимё терминологиясида фаол қўлланувчи мазкур 15 та термин ўзбек (олтин, кумуш, темир, қўргошин, сурма, олтингугурт), араб (қалай), форс (мис, симоб, рух, маргимуш) ва рус тилларига мансуб бўлиб, улар (олтингугурт сўзидан ташқари) ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан содда, туб терминлар ҳисобланади. Лекин манба тил нуқтаи назаридан форсча симоб (сийм + об = кумуши сув), маргимуш (марг + муш = сичқон ўлдирувчи) ва русча водород (вода + род = сув туғдирувчи), кислород (кислый + род = аччиқлик туғдирувчи), углерод (уголь + род = кўмир туғдирувчи) сўзлари қўшма термин саналади. Мазкур 15 та термин кимёга доир матнларда айни ҳолатда қўлланса ҳам, кимёвий реакциялар формууларини ўқишида уларнинг лотинча дублетларидан фойдаланилади. Масалан, олтин – аурум, кумуш – аргентум, темир – феррум, маргимуш – арсен, олтингугурт – сульфур, водород – гидроген (иум), углерод – карбон ва ҳоказо.

2. Кимёвий элементлар номларининг кейинги гуруҳчасини атоқли отлар асосида ҳосил килинган терминлар ташкил этади. Маълумки, бундай терминлар, шунингдек, таркибида атоқли отлар бўлган бирикма терминлар лингвистик адабиётларда «фамилиявий терминлар» деб ҳам аталади². «Фамилиявий терминлар»

¹ Беремжанов В. А., Омаров С. Т. Русско-казахский словарь химических терминов. – Алма-ата, 1969; Оспанова К. Т. Лексико-грамматические способы образования химических терминов в современном казахском языке. АКД. – Алма-ата, 1987; Раджабов Л. Ш. Основные принципы химической терминологии на таджикском языке. – Душанбе, 1967.

² Лотте Д. С. Основы построения научно-технической терминологии. – М.. 1961. – С. 427; Даниленко В. П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – Москва, 1977.

терминологик лексиканинг алоҳида, маҳсус қатлами бўлиб, маҳсус тушунчалар, турли ҳодисалар, предметлар, меҳнат қуроллари ва маҳсуллари номларини билдиради. Бундай терминларни фан ва техниканинг деярли барча соҳаларида учратиш мумкин. Масалан, физикада *ампер*, *ватт*, *генри*, *жоуль*, *кюри*, *рентген*; математикада *чевиана*, *якобиан*; тибиёт-биология соҳасида *дарвинизм*, *пастерлаш*, *гайморит* ва бошқалар фамилиявий терминлар ҳисобланади.

Ўзбек кимё терминологиясида ҳам кўплаб фамилиявий терминлар мавжуд бўлиб, улар олимлар ва ихтирочиларнинг исм-фамилиялари, географик номлар, сайёralар ва бошқа осмон жисмларининг номлари, шунингдек, мифологик ва сехрли образлар номлари орқали ифодаланади. Уларнинг аксарияти тўғридан-тўғри рус тилидан ўзлаштирилган. Кимё соҳасидаги фамилиявий терминларни тузилиши жиҳатдан бир неча турга бўлиш мумкин. Лекин биз бу ўринда фақат кимёвий элементларни билдирувчи монолексемали фамилиявий терминлар устида тўхталашиб; улар Д. С. Лоттенинг фамилиявий терминларнинг ҳосил бўлиш шарт-шароитлари ҳақидаги тавсиялари ва талабларига жавоб берса олади¹.

а) дунёнинг энг машҳур химик ва физик олимларининг фамилиялари билан аталган кимёвий элементларнинг номлари. Масалан, муайян элемент номи *нобелий* швед кимёгари А. В. Нобель ва Нобель физика институти шарафига шундай аталган; *курчатовий* ва *менделевий* номлари эса машҳур рус олимлари И. В. Курчатов ва Д. И. Менделеевларнинг фамилияларидан ҳосил қилинган; *кюрий*, *лоуренский*, *нильсборий*, *фермий*, *эйнштейний* каби кимёвий элементларнинг номлари эса мувофиқ равишда дунёнинг турли мамлакатларида яшаган машҳур олимлар – эр-хотин Мария ва Жолио Кюрилар, Э. Лоуренс, Э. Ферми, Нильс Бор ва А. Эйнштейнларнинг исм ва фамилияларидан яратилган. Ушбу терминлар кейинги даврларда пайдо бўлган янгича номлаш таомойилининг кенг қўлланиши маҳсулидир;

б) мамлакат (давлат)лар, шаҳарлар ва бошқа географик жойларнинг номи билан аталган кимёвий элементларнинг номлари.

¹ Фамилиявий терминларга қўйилган талаблар ҳақида қаранг: *Лотте* Д. С. Кўрса-тилган асар. – Б. 28.

Америций, германий, европий, калифорний, франций каби элемент номлари шубҳасиз аник, ҳаммага маълум географик жойларни кўрсатиб турибди. *Рутений* (Россиянинг лотинча номи – Ruthenia), *полоний* (Польшанинг лотинча номи – Polonia), *гольмий* (Стокгольмнинг лотинча номи – Holmia), *берклий* (АҚШдаги Беркли – Berkeley шахри номидан), *иттербий*, *иттрий*, *эрбий* (хар учала термин Швециядаги Иттербю – Ytterby қишлоғи номидан), *гафний* (Копенгагеннинг лотинча номи – Hafnia), *лютеций* (Парижнинг лотинча номи – Lutecia) каби терминлар, шунингдек, миснинг лотинча номи *Cyprum* (Кипрнинг юононча номи – Kypros) ва б. номлар ана шу элементлар ихтиро қилинган, ишлаб чиқарилган ёки топилган жой номлари билан аталган;

в) осмон жисмлари ёки сайёralар номлари билан аталган кимёвий элементлар: *гелий* (Қүёшнинг юононча номи – Helios) дастлаб Қуёш спектрида спектрал таҳлил усули билан топилгани сабабли шундай аталган; *селен* (Ойнинг юононча номи – Selena) бошқа бир элемент – *теллур* (Ернинг лотинча номи – Tellus)ни ўрганиш чоғида тасодифан топилган; ушбу ном «Ой – Ернинг йўлдоши» ўхшашлиги асосида пайдо бўлган, бунинг устига, *селен* ўз хоссаларига кўра *теллурга* жуда ўхшаш бўлган; *палладий* ва *церий* терминлари эса Паллада (юононча Palladion), Церера (лотинча Cereris) кичик сайёralарни номидан олинган; ушбу кичик сайёralарнинг номлари эса, ўз навбатида, юон ва рим мифологияларидаги маъбудалар номларига бориб тақалади. *Нептуний*, *плутоний*, *уран* каби элементлар номи ҳақида ҳам айни фикрларни айтиш мумкин;

г) мифологик қаҳрамонлар ва маъбудалар номлари билан аталган кимёвий элементлар. Бундай ҳолларда номланиш, ном бериш янги кашф этилган, топилган кимёвий элементнинг муайян хоссалари билан мифологик ёки сехрли образнинг хоссалари ўртасидаги ўхшашликка асосланади. Масалан, *прометий* элементининг кашф этилиши узоқ вақт, қийинчиликлар билан кечади (Зевсдан олов ўғирлаб, уни одамларга бергани учун бениҳоя, оғир азобга дучор этилган афсонавий қаҳрамон Прометей номидан). *Тантал* ва *ниобий* терминлари ҳам мифологик қаҳрамонлар – маъбудалар томонидан оғир қийноқ ва синовларга дучор қилинган Тантал ва унинг қизи Ниоба номи билан аталган, чунки мазкур ҳар иккала

элемент бирин-кетин, айни бир минерал таркибидан топилган, шунингдек, уларнинг номланишида элементлар билан мифологик қаҳрамонларнинг хусусиятлари ҳисобга олинган. *Титан* термини немис олими М. Клапрот ҳоҳиши билан Ернинг ўғиллари – титанлар шарафига шундай аталган. *Ванадий* термини, тузларининг чиройли рангда бўлгани сабабли, кимёгарлар Н. Серфстрем ва И. Берцелиус уни қадимги Скандинавия мифологиясидаги гўзаллик маъбудаси Ванадис номи билан аташган. *Кобальт* (Кобольд – инглиз-саксон мифологиясида ер остида яшовчи жин), никель (немис мифологиясида мис рудаси қазувчиларга халақит берувчи, конда яшовчи жин), *торий* (кадимги Скандинавия мифологиясида момақалдироқ маъбути Тора) каби элементларнинг номлари эса салбий мифологик образлар номи билан боғлик.

3. Муайян минераллар ва мураккаб моддалар таркибидан топилгани сабабли айни минерал ва модда номи билан боғлик ҳолда пайдо бўлган кимёвий элементлар номлари гурухчаси. Масалан, *литий* элементи дастлаб қаттиқ минераллар таркибида топилганлиги сабабли юнонча *lithos* «тош» сўзи асосида номланган. *Кальций* элементи эса оҳакни ўрганиш жараёнида топилган бўлиб, унинг номи айни модданинг лотинча номи – *calx* асосида юзага келган. *Калий* ва *натрий* элементлари ўсимлик кули (арабча «ал-қали») ва табиий сода (арабча «натрун»)дан ажратиб олингани сабабли шундай номланган.

Қайд этиш керакки, кимёвий элементларнинг ушбу гурухчасида ҳам фамилиявий терминлар учрайди. Тўғри, бу ерда атоқли от билан дастлаб минерал номланган, кейинчалик ушбу минерал таркибидан топилган кимёвий элемент айни минерал номи билан аталган. Масалан, *гадолиний* < *гадолинит* < Ю. Гадолин – фин кимёгари; *самарий* < *самарским* < В. Е. Самарский – россијалик тоғ-кон муҳандиси; *стронций* < *стронцианит* < Стронциан – Шотландиядаги қишлоқ ва б. Шундай қилиб, -ит суффиксини -ий суффиксига алмаштириш йўли билан термин минераллар синифдан кимёвий элементлар синфиға ўтади.

4. Кимёвий элементлар номларининг энг катта гуруҳини элементларнинг хусусиятлари ва таркибида айни элемент бўлган бирикмаларнинг хоссалари ёки муайян элементнинг олиниш усууллари билан боғлик номлар ташкил этади. Бундай номлар

муайян элементнинг барча асосий хоссалари ёки белгилари-ни қамраб ололмайди, улар ана шундай хосса ёки белгилардан фақат биттасига асосланиши мумкин. Шунинг учун бундай номларнинг кўпчилиги содда, жўн, тасодифий характерга зга бўлади. Бироқ номлаш ҷоғида айни номга асос бўлган белги асосий, бошқаларига нисбатан ажралиб турадиган белги ҳи-собланади.

Фан-техниканинг тобора ривожланиши билан термин яратишга асос бўлган белгилар иккинчи даражали бўлиб қолиши ёки олимларнинг у ёки бу терминнинг характеристи ва ҳажмига нисбатан қарашлари ўзгариши мумкин. Масалан, юон тилида «ҳаёт, яшаш учун яроқсиз» маъносига эга бўлган *азот* (*a-* инкор қўшимчаси + *zoos* – тирик, жонли) термини 1787 йилда А. Лавуазье ва бошқа француз олимлари томонидан маълум кимёвий элемент номи сифатида таклиф қилинган эди. Кейинчалик бу терминнинг ҳақиқатга, элементнинг ҳақиқий хоссаларига тўғри келмаслиги, «азот» ўсимликлар учун ниҳоятда зарур элемент эканлиги маълум бўлади. Шунга қарамай, бу термин кўпчилик тиллар, шу жумладан, ўзбек тили кимё терминологиясида барқарорлашиб, фаол қўлланиб келмоқда.

Кимёвий элементларнинг бир қисми ранг билдирувчи сўзлар асосида номланган бўлиб, бу уларнинг спектрал таҳдил ёрдамида кашф этилганлигига ишора қиласи. Булар: *висмут* (немисча Wismut – оқ модда), *индий* (испанча *indigo* – кўк бўёқ), *иридий* (юононча *iridos* – камалак ранглари), *йод* (юононча *iodes* – бинафшаранг), *родий* (юононча *rhodon* – қизил атиргул), *рубидий* (лотинча *rubidus* – қизил), *таллий* (юононча *thallos* – ёш яшил новда), *хлор* (юононча *chloros* – яшил-сарик), *хром* (юононча *chroma* – ранг), *цезий* (лотинча *caesius* – ҳаворанг).

Бошқа бир гуруҳ кимёвий элементларнинг номи уларнинг кимёвий фаоллик даражасини ифодалайди: *аргон* (юононча *argos* – ҳаракатсиз), *астат* (юононча *astatos* – бекарор, но-турғун), *фтор* (юононча *phthoros* – ҳалокат, емирилиш, вайрон бўлиш). Яна бир гуруҳ элементларнинг номи ҳид билдирувчи сўзлар асосида пайдо бўлган: *бром* (юононча *bromos* – бадбўй), *осмий* (юононча *osme* – ҳид, ис); шунингдек, *алюминий* (лотинча *alumen* – аччиқтош) маза билдирувчи сўздан ҳосил қилинган

бўлса, *технекий* (юнонча *technetos* – табиий эмас, сунъий) шу элементнинг олиниш усулига ишора қиласи ва ҳоказо.

Маълумки, тараққий этган тилларнинг барчасида терминология лексика умумистеъмолдаги сўзлардан бир неча марта кўп бўлади. Кўп сонли терминларни умумфилологик, таржима ва изоҳли лугатларда акс эттириш, уларни қандай ва қанча танлаб олиш жуда мураккаб масала. Икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»ни тузувчиilar учун чиқарилган қўлланмада бу хақда шундай дейилган: «Терминлардан лугатга кенг қўлланила-диган, ўрта ва қисман олий мактаб дарсликлирида, илмий-оммабоп асарларда, вақтли матбуотда ва сўзлашувда кўп учрайдиганлари киритилади»¹. Академик А. Ҳожиев томонидан кўп жилдли изоҳли лугат тузувчиilar учун ёзилган йўриқномада бу ифода янада аниқ ва қисқа қилиб берилиган: (изоҳли луғатга) «Кўпчилик қўллайдиган ва тушунадиган, дарслик, илмий-оммабоп асар ва даврий матбуотда кўп қўлланадиган терминлар... киритилади»².

Ўзбек тилининг ҳар иккала изоҳли лугатига терминлар, хусусан, кимёвий терминлар танлаб олишда мазкур қўлланма ва йўриқномаларда, бошқа қўлланма ва тадқиқотларда берилиган тавсияларга қатъий амал қилинган. Сон-саноқсиз кимё терминларидан икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»га кимёга бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган 450 тага яқин термин танлаб олинган бўлса, янги беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да бу миқдор 560 тага етказилди. Кимёвий элементларнинг номлари ҳам икки жилдли изоҳли лугатдаги 79 тадан беш жилдли изоҳли лугатда 95 тагача қўпайтирилди. Бунда, албатта, фан ва техниканинг, жумладан, кимё фанининг кейинги йиллардаги тараққиёти натижасида янгидан пайдо бўлган терминларга, мавжуд терминлардан айримларининг айни фан соҳасида, чоп этилаётган дарслик ва қўлланмаларда фаол қўлланаётганига зътибор қаратилди.

Изоҳли лугатга киритилган ҳар бир сўз ёки термин бош сўз хисобланиб, бош сўз ва унга оид материаллар алоҳида лугат мақоласини ташкил этади. Бош сўзга оид материаллар эса асо-

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугатини тузиш учун қўлланма. – Тошкент, 1965. – Б. 14.

² Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли лугатини тузувчиilar учун йўриқнома. – Тошкент, 2000. – Б. 6.

сан сўзнинг ўзи, у ҳақдаги этимологик маълумот, грамматик ва услубий белгилар, унинг изоҳи (агар сўз ёки термин кўп маъноли бўлса, айни маъноларни қайд этиш ва изоҳлаш) ҳамда далилловчи мисоллардан иборат бўлади.

Бош сўзга оид этимологик маълумот луғат мақоласининг бош сўздан кейинги компоненти ҳисобланади ва у ўқувчидаги катта қизиқиши уйғотади, унинг билим савиясини оширади, дунёқарашини кенгайтиради. Йўриқномада белгиланганидек, этимологик маълумот ўзбек ва туркий тиллардан бошқа чет тил сўзларига берилади. Икки жилдли изоҳли луғатда ҳам этимологик маълумот берилган бўлиб, унда муайян чет сўз (термин)нинг қайси тилга мансублигини шартли қисқартма орқали кўрсатиш билангина чекланилган. Масалан: **а** – арабча, **ф-т** – форс-тожикча, **р** – русча ва ҳоказо. Янги изоҳли луғатда эса муайян сўз асли мансуб бўлган тил (шартли қисқартма билан), сўзнинг шу тилдаги ёзилиши ва маъноси қайд этилди. Масалан:

АБСОРБЦИЯ [лот. *absorbtio* – ютиш, ютилиш, шимилиш, сингишиш]...

ЛЮИЗИТ [ингл. – lewisite < америкалик кимёгар У. Льюис (Lewis) номидан]...

ФОСФОР [юн. *phosphorus* – нурафшон, нур сочадиган < *phos* – ёруғлик + *phorus* – олиб борувчи]...

Кимё терминлари учун тузилган луғат мақолаларида грамматик белгиларга эҳтиёж йўқлиги сабабли улар қўлланмади. Услубий белгилардан фақат биттаси – шу ҳодиса-жараён, иш-харакат, модда ёки бирикма кимёга алоқадор эканлигини таъкидлашга зарурат туғилганда – **ким.** шартли белгиси қўлланди. Агар термин изоҳида «кимё», «кимёвий» каби сўзлар ёки шу терминнинг кимёга алоқадорлигини билдирувчи бошқа сўз бўлган ҳолларда мазкур белги қўлланмаган. Лекин муайян кўп маъноли сўз ўзининг бирор маъноси билан кимёга алоқадорликни англатса, шу маънога нисбатан **ким.** шартли белгиси қўлланди. Масалан, **бирикши** сўзи 2-маъноси билан, **бирикма** сўзи 1-маъноси билан, **бирикмоқ** сўзи 4-маъноси билан, **нейтралламоқ** сўзи 2-маъноси билан, **парчаламоқ** сўзи 3-маъноси билан, **синтезламоқ** сўзи 2-

маъноси билан, ҳайдамоқ сўзи 8-маъноси билан шу сўзларнинг кимё терминологиясига мансублигини билдиради ва тегишли маънолар ким. белгиси билан таъминланди.

Терминнинг бир маъноли эканлиги ёки бу ҳолат терминологиянинг идеали бўлганлиги сабабли уни изоҳлаш умумистеъмолдаги, айниқса, кўп маъноли сўзларни изоҳлашдан кўра осонроқ кечади. Шундай бўлса-да, янги изоҳли луғатда терминнинг, хусусан, кимёвий терминнинг изоҳи тўла ва аниқ, ҳам илмий, ҳам ўқувчига тушунарли бўлиши учун унинг мавжуд дарсликлардаги, маҳсус адабиётлардаги ва хорижий сўзлар изоҳли луғатларидаги таъриф ва изоҳларидан кенг фойдаланилди. Албатта, изоҳда муайян терминнинг барча семалари (белгилари)ни қамраб олишнинг имкони бўлмайди. Акс ҳолда, луғат изоҳли луғатдан кўра энциклопедик луғатга ўхшаб қолади. Кимёвий элементлар, моддалар, бирикмалар ва кимёвий жараёнлар номларини англатувчи терминларни изоҳлашда уларнинг энг муҳим жиҳатлари, жумладан, кимёвий элементларнинг асосий физик-кимёвий белгилари – унинг кимёвий элемент эканлиги, ранги, қаттиқ-юмшоқлиги, баъзан олиниш усули кабилар асос қилиб олинди. Умуман терминлар, хусусан, кимёвий терминлар изоҳи уларнинг энг зарурый белгиларига асослангани сабабли жуда зарур ҳоллардагина далилий мисоллар ва иллюстратив материал билан таъминланди.

Хуллас, изоҳли луғатда фан соҳаларига, жумладан, кимё фанига мансуб чекланган миқдордаги терминларнинг берилиши ва изоҳланиши ўқувчининг шаклланиши шаклланиши ва ривожланиши даврларига ҳамоҳанг тарзда шаклланиб, тадрижий тараққиёт босқичларини бошдан кечирган. Ана шундай терминологик тизимлардан бири

ТИБИЁТ ТЕРМИНОЛОГИЯСИННИГ СОҲАВИЙ ВА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРДА БЕРИЛИШИГА ДОИР

Ҳозирги ривожланган аксар тилларда ўнлаб фан соҳаларининг терминологик тизимлари борки, улар муайян халқнинг, тегишли фан соҳасининг шаклланиши ва ривожланиши даврларига ҳамоҳанг тарзда шаклланиб, тадрижий тараққиёт босқичларини бошдан кечирган. Ана шундай терминологик тизимлардан бири

ўзбек тиббиёт терминологиясидир. Хар бир халқда бўлгани каби, ўзбек тиббиёт терминологиясининг шаклланиш манбалари ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Инсон қадим замонлардан бошлаб ўз ҳаёти давомида табиат билан, атроф мухит билан доимо узвий алоқада бўлади, унга таъсир ўтказади, ундан таъсиранади ва бу жараёнда турли табиий-биологик, руҳий ҳолатларни бошдан кечиради: гоҳ шодлик, гоҳ ғамгинлик, гоҳ мамнунлик, гоҳ асабийлик, гоҳ соғлик, гоҳ беморлик ҳолатларида бўлади ва бундай ҳолатларнинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қиласди, салбий ҳолатларни бартараф этиш йўлларини қидиради. Айни пайтда у ўз ҳаётида, атрофида гилар ҳаётида намоён бўлган турли хил касалликлар, уларнинг белгиларига, касалликларни бартараф этувчи воситалар – доривор моддаларга ном беради, яъни уларни маълум сўзлар билан атайди. Шу тариқа аста-секин тиббий атамалар (терминлар) тизими шакллана бошлайди. Ушбу жараёнлар билан ўта қизиққан, касалликларни даволаш, доривор моддаларни қидириб топиш ва уларни амалда кўллаш билан машғул бўлган кишилар орасидан шу соҳанинг машҳур олимлари етишиб чиққанлар. Улар ўз салафларидан ўрганганди билимларини, амалий тажрибаларини илмий рисолалар, китоблар, луғатлар саҳифаларига муҳрлаб, шогирдларга, келажак авлодга тухфа қилиб қолдирганлар.

Шарқ, жумладан, ўзбек тиббиёт фани ва халқ табобати тарихида ҳам ўзидан ёрқин из қолдирган, Шарқ тиббиёти ва табобатини бутун жаҳон миқёсига олиб чиққан маълум ва машҳур олимлар, табиблар, мутафаккирлар кўп бўлган (табобат билан қизиққан ва шуғулланганлар орасида ҳатто хонлар, подшоҳларни ҳам учратамиз). Ана шундай кишилардан бири 865–925 йилларда асосан Бағдод ва Рай шаҳарларида яшаб ўтган қомусий олим, табиб ва мутафаккир, ўз даврининг Галени (Жолинуси) деб тан олинган Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё Розийдир¹. У замона-

¹ Шу ўринда ва бошқа табобат олимлари биобиблиографиясига оид маълумотларни ёзишда куйидаги манбалардан фойдаланилди: *Ирисов А., Носиров А., Низомиддинов И. Ўртаосиёлик қирқ олим*. – Тошкент, 1961; Абу Бакр Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган касалликлар тарихи. – Тошкент, 1974; *Каримова С. У. IX–XI асрларда кимё ва доришунослик фанлари тараққиётидаги Марказий Осиё олимларининг ўрни*. – Тошкент, 2002; *Муаллифлар жамоаси*. Ўзбек халқ табобати атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2005; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. – Тошкент, 2000 – 2006 ва б.

сидаги 10 дан ортиқ фан билан мұкаммал шуғулланған, айниңса, тиб, кимә, ботаника, астрономия, мантика, фалсафа соҳаларидан шұхрат қозонған ва уларнинг ҳар бири бүйича етук асарлар ёзіб қолдирған. Хусусан, унинг табобатга оид асарларидан 36 таси ҳозирги давргача сақланиб келмоқда. Розийнинг энг муҳим асари «Китоб ул-ховий фит-тиб» («Тиббиётни қамраб оловучи китоб») да антик даврдан Розий яшаган давргача тиббиёт соҳасида мавжуд бўлған назарий ва амалий фикрлар баён қилинганд. Унинг яна бир йирик асари – «Ал-куннош ал-Мансурий» («Мансурга бағишлиланған тўплам») XVI асргача Шарқ табиблари ва Европа шифокорларининг асосий қўлланмаларидан бири бўлған. Розий табобат тарихида биринчи бўлиб чечакка қарши эмлаш зарурлигини қашф этган ва уни амалга оширган, жарроҳликда эса илк бора кетгут ишлатган.

Абу Бақр Розий билан сұхбатдош бўлған ва ундан кўп нарсалар ўрганған ўртаосиёлик (бухоролик) машҳур тиб олим Абу Мансур Ҳасан ибн Нух Қамарий (баъзи манбаларда – Кумрий) амир Мансур Сомонийнинг хос табиби бўлған. Абу Мансурнинг табобатга доир қатор асарлари, хусусан, «Китоби илал ал-алил» («Беморларнинг касалликлари ҳақидаги китоб»), оддий (сада) дорилар ҳақидаги, кўқрак касалликлари, истисқо касаллиги ҳақидаги ва бошқа бир қанча асарлари тиббиёт тарихида улкан аҳамиятта эга бўлиб, Ибн Синодек йирик алломанинг етишиб чиқишига замин ҳозирлади.

Ҳақиқатан ҳам жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса кўшган буюк қомусий олим **Абу Али ибн Сино** тиб илмини дастлаб Абу Мансур Қамарий раҳбарлигига ўрганади. У тинмай мутолаа қилиб, ўндан ортиқ турли илм соҳаларини ўзлаштириш билан бир қаторда табобатни қунт билан ўрганиб, бу соҳада юксак камолотга эришади, 17 ёшидаёқ Бухоро ҳалқи орасида моҳир табиб сифатида танилади. Бухоро ҳукмдори Нух ибн Мансурни даволаб оёққа тургазиши эвазига сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади, натижада Ибн Сино ўз даврининг энг ўқимишли, билим доираси кенг кишиларидан бирига айланади.

Ибн Синонинг табобат соҳасидаги илмий-амалий фаолияти, биринчидан, унинг номини бир неча асрларга шу фан соҳаси би-

лан чамбарчас боғлади, иккинчидан, ўша давр табобатини бир неча асрларга илгарилатди, айрим соҳаларда ҳатто ҳозирги замон тиббиётiga яқинлаштириди. Ибн Сино ўз тиббий фаолиятида антик олимлар (Гиппократ, Гален ва б.)нинг назарий қарашлари ва амалий кўрсатмаларига таянган бўлса-да, уларни бир канча Шарқ мамлакатлари олимларининг ҳамда ўзининг тажрибалари ва билимлари асосида ривожлантириди ва бойитди. Турли манбалардаги маълумотларга кўра, Ибн Синонинг тиббиётга оид асарлари 50 тача бўлиб, улардан 30 тага якини сақланиб қолган. Абу Али ибн Синонинг номини бутун жаҳонга маълум ва машхур қилган, абадийлаштирган асарларидан бири беш жилдли «Китоб ул-Қонун фит-тиб» («Тиб қонунлари») китобидир. Бу асар Ибн Сино давридаги (XI асрдаги) табобатнинг мукаммал қомуси, олимнинг кўп йиллар олиб борган илмий ва амалий ишларининг самараси бўлиб, унинг ҳар бир жилдидага инсон соғлиги ва касалликларига оид деярли барча масалалар изчиллик билан, алоҳида-алоҳида батафсил баён қилинган.

«Тиб қонунлари»нинг биринчи китоби тиббиётнинг назарий асослари ҳамда амалий тиббиёт (табобат)нинг умумий қоидаларига бағишлиланган. Иккинчи жилд ўша давр тиббиёти амалиётида кўлланган доривор моддалар ҳақида маълумот берувчи йирик мажмуа бўлиб, унда ўсимлик, ҳайвон ва минераллардан олинадиган 800 дан ортиқ оддий доривор моддаларнинг тавсифи берилиб, уларнинг шифобахш ҳусусиятлари ва кўлланиш усуслари кўрсатилган. «Қонун»нинг учинчи жилдидага инсоннинг бошидан товонигача бўлган аъзоларидан ҳар бири учун хос бўлган «хусусий» ёки «маҳаллий» касалликлар ҳамда уларни даволаш йўллари баён қилинган. Тўртинчи жилд эса фақат биргина аъзога эмас, балки бутун танага хос бўладиган «умумий» касалликларга, сурункали ва юқумли касалликларга, токсикология ва косметология яга оид масалалар баёнидан иборат. Асарнинг бешинчи жилдидаги турли таркибли дориларнинг турли шаклларини тайёрлаш ва уларни амалиётда кўллаш усуслари кўрсатиб берилган.

Умуман, Ибн Синонинг («Тиб қонунлари»дан ташқари) тиббиётга оид асарларини мазмунига кўра уч гурухга ажратиш мумкин: 1) тиббиётнинг у ёки бу бўлимлари ҳамда айрим назарий ма-

салалари ёритилган умумий характердаги асарлар; 2) бирон-бир айрим аъзонинг касаллуклари ёки аниқ бир касаллик (масалан, юрак касаллуклари ва уларни даволаш воситалари, йўғон ичак – қуланж касаллиги, жинсий аъзолар функциясининг бузилишлари) ҳақидаги асарлар; 3) доришуносликка оид асарлар¹. Олимнинг асарлари ҳажм жиҳатидан бир хил эмас: уларнинг баъзилари қомуслар сингари йирик ҳажмли, 1500 варақли қўлёзма бўлса, баъзилари 15–20 саҳифали рисолалардир. Ибн Синонинг «Ал-адвият ул-қалбия» («Юрак дорилари») ва тиббиётнинг умумий масалалари баён қилинган, арузнинг ражаз баҳрида ёзилган минг сатрли «Уржуза» асари ҳам Шарқ табобатида муҳим роль ўйнаган асарлардандир.

Ўрта Осиёнинг яна бир қомусий олими, ўнлаб фундаментал фанларнинг ўткир билимдони ва асосчиларидан бири Абу Райхон Беруний аниқ фанлар соҳасида қилган катта хизматлари билан ўз даври илм-фанини анча илгарилатди. Бевосита мавзу доирасида гапирадиган бўлсак, Беруний Ўрта Осиёда биринчи бўлиб доригарлик ва доришунослик – фармация ва фармакогнозия ҳақида асар ёзди². Беруний «Китоб ус-сайдана фит-тиб» деб номланган бу асарида ўсимликлар, ҳайвонлар ва минераллардан олинадиган 1116 та доривор модда, уларнинг номланиши, бу номларнинг қайси тилларга мансублиги (этимологияси) ва синонимлари, доривор моддаларнинг шифобахш хусусиятлари, қайси касалликка ва қандай қўлланиши ҳақида батафсил маълумотлар беради. Шуни таъкидлаш керакки, Абу Райхон Берунийнинг ушбу асари ҳамда Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асаридаги иккинчи ва бешинчи китоб (жилд)лар Шарқ табобатида доригарлик ва доришунослик соҳасидаги дастлабки маҳсус терминологик луғатлар ҳисобланади.

Абу Али ибн Сино ўзидан олдин ўтган антик ва Шарқ табобати намояндлари асарларини ўқиб ўрганиш, Нотилий, Абу Мансур Қамарий каби алломалардан таҳсил олиш орқали табобат соҳа-

¹ Каримов У. И. Абу Али ибн Сина и его «Канон врачебной науки» // Абу Али ибн Сина. Канон врачебной науки. Избранные разделы. – Ташкент, 1985. – С. 8.

² Абу Райхон Беруни. Избранные произведения. Т. IV. Фармакогнозия в медицине – Китоб ус-сайдана фит-тиб (Исследование, перевод, примечания и указатели У. И. Каримова). – Ташкент, 1974.

сида машхурлик даражасига эришган бўлса, ўзи ҳам бевосита ўқитиши-ургатиш билан ёки билвосита (ёзид қолдирган асарлари орқали) табобат оламида шуҳрат топган бир меча ўнлаб табибларниңг етишиб чиқишига сабаб бўлган. Ана шундай аллома табиблардан бири, бевосита Ибн Синодан таълим олган Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Юсуф **Илоқий**dir. Илоқий ўз устозининг етук шогирди сифатида тиббиётга, тиббиёт тарихига оид «Куллиёти тибби Илоқий» («Илоқий табобати куллиёти»), «Фусули Илоқий фи куллиёти тиб» («Табобатга оид куллиётда Илоқий боблари»), «Муолажоти Илоқий» («Илоқийнинг даволаш усуллари»), «Мухтасари Илоқий», «Китоб ул-асбоб вал-аломот» («Тиббиётдаги сабаблар ва белгилар ҳақида китоб») каби асарлар ёзган. Унинг ижоди ўз даври ва ўзидан кейинги даврларда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ўрта Осиёда табобат ва доришуносликнинг бинобарин, бу соҳалар терминологиясининг кейинги ривожи Зайнуддин Абу Иброҳим Исмоил ибн Ҳасан Журжоний (XII аср) ва унинг «Захирайи Хоразмшоҳий», «Зубдат ут-тиб» («Табобат қаймоги»), «Аъроз ут-тиббия» («Тиббий симптомлар») асарлари, Абдураҳмон **Марвазий** (XII аср) ва унинг «Расойил фит-тиб» («Табобатга оид рисолалар») асари, Ҳаким **Азракий** ва унинг «Алфия ва Шалфия» асари, Бадриддин Муҳаммад ибн Баҳром Қалонасий **Самарқандий** ва унинг доришуносликка оид «Қарободини Қалонасий» асари, Нажибуддин Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Али ибн Умар **Самарқандий** (XIII аср) ва унинг «Асбоб вал-аломот» («Сабаблар ва белгилар»), «Усули ат-тарокиб ул-адвия» («Дориларниңг таркиблари усуллари»), «Китоб ул-ағзия вал-ашруба» («Овқатлар ва ичимликлар») ва доришуносликка оид бир қанча асарлари, Султонали табиб **Хурсоний** (XV–XVI асрлар) ва унинг «Дастур ул-илож» («Даволаш бўйича қўлланма») асари, Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф **Юсуфий ал-Хиравий** (XV–XVI асрлар) ва унинг «Тибби Юсуфий» (бу асар форс тилида ёзилган бўлиб, кейинчалик икки марта – 1882 йилда Хоразмда ва 1898 йилда Тошкентда ўзбек тилига таржима қилиниб чоп этилган), «Баҳр ул-жавоҳир» («Гавҳарлар денгизи»), «Фавойид ул-ахёр» («Яхшиларга фойдалар»), «Далойили набз» («Томир кўрсатиш-

лари») асарлари, тиб ва доришуносликка оид арабча-форсча, ҳиндийча-форсча луғатлари, Убайдулло ибн Мұхаммад Юсуф **Қаҳдол** (XVI аср) ва унинг «Шифо ул-алил» («Касалларнинг давоси») асари, Жунайдуллох ибн Исломшайх **Хозик** (XVIII–XIX асрлар) ва унинг «Таҳқиқ ул-қавоид» («Қоидалар тадқиқи») асари, Жаъфархўжа ибн Насриддинхўжа ал-Хусайнӣ Ҳазораспий (XVIII–XIX асрлар) ва унинг ўзбек тилида ёзилган «Мултаки ут-тиб» («Тиббий маълумотлар тўплами») асари, Маҳмуд Ҳаким **Яйфоний Ҳўқандий** (XIX–XX асрлар) ва унинг «Қонун ул-илож» («Даволаш қонуни»), «Тарик ул-илож» («Даволаш усули») асарлари ва, ниҳоят, **Боситхон Зоҳидхон ўғли** (1878 – 1959) ва унинг ҳалқ табобатига оид «Қонуни Боситий» ёки «Қонун ул-мабсут» («Муқаммал қонун»), «Истилоҳот ул-атиббо фи интифоъот ул-аҳиббо» («Дўстлар фойдаланадиган тиббий атамалар») асарлари билан бөглиқдир. Сўнгги луғат асосида муаллифлар жамоаси томонидан ҳалқ табобати атамаларининг изоҳли луғати нашр этилган¹.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш керакки, аксарият машхур табиблар хукмдорлар, ҳонлар саройида уларнинг хос табиблири сифатида фаолият кўрсатганлар. Абу Мансур Қамарий, Абу Али ибн Сино, Зайнiddин Журжоний, Ҳаким Азракий, Султонали табиб Ҳурносоний, Юсуф ибн Мұхаммад Юсуфий, Убайдулло Каҳдол ва бошқалар шулар жумласидандир. Хукмдорлар ўз табибларининг илмий-амалий ишларига зарур шароит яратиб бериш билан бирга ўзлари ҳам табобат билан қизиққанлар ва табобатга оид арзирли асарлар яратганлар. Бунга мисол тариқасида биринчи марта ўзбек тилида тиббий асарлар яратган ўзбек ҳонларидан Абулғозихон ва Субҳонкулихонларни кўрсатиш мумкин. Масалан, Абулғози ибн Арабмуҳаммадхон Ҳоразмий (XVII аср) ҳон авлодидан бўлса-да, тарих, тиббиёт ва адабиёт соҳаларида анча иқтидорли, билимдон киши бўлган. Унинг тиббиётга оид «Манофиъ ул-инсон» («Инсонга фойдали нарсалар») асари ўзбек тилидаги дастлабки тиббий асар ҳисобланшиб, унда, асосан, содда, мураккаб ва умумий дорилар ҳақида сўз боради ҳамда аввал

¹ Усмонхўжаев А., Маҳмуд М., Тўрахонова М., Ҳамроев М. Ўзбек ҳалқ табобати атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2005.

ўтган ҳаким ва табибларнинг табобатга оид фикрлари, ҳикматли сўзлари баён қилинади. Бухоро амири Саидмуҳаммад Субҳонқулихон ибн Саиднадрмуҳаммадхон (XVII аср) эса табобат соҳасини ривожлантириш мақсадида Бухорода тибиёт мадрасасини бино қилган. Мадраса қошида касалхона, амбулатория, дорихона ва кутубхоналар бўлган. Субҳонқулихон даврида тибга оид кўплаб асарлар ўзбек ва форс тилларига таржима қилиниб, кўп нусхаларда кўчиртирилган. Хоннинг ўзи табобатга оид ўзбек тилида «Тибби Субҳоний», форс тилида «Иҳё ут-тибби Субҳоний» («Субҳоний табобатининг ҳаётбахшлиги») асарларии яратади. Уларни ёзишда ўзигача ўтган машхур табибларнинг асарларидан кенг фойдаланади¹.

Умуман олганда, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино даврларидан бошланиб, XX асргача давом этган табобат ва дoriшунослик тарихи, бу даврда яратилган илмий асарлар, уларда қўлланган термин(атама)лар маълум маънода ўзбек халқ табобати атамаларининг, замонавий тибиёт терминологиясининг шаклланишига асос бўлган, десак хато бўлмайди.

Замонавий ўзбек тибиёт терминологияси қисман халқ табобати атамаларини ҳам қамраб олган бўлса-да, ўта байналмилаллашган терминологик тизимдир. Масалан, муаллифлар жамоаси томонидан нашр этилган тиббий терминларнинг изоҳли луғатига² илова қилинган ўзбекча- русча очқичнинг «А» ҳарфида берилган 800 та терминологик бирлиқдан атиги 40 таси ўзбекча, холос. Шунингдек, «Б» ҳарфида 442/170, «В» ҳарфида 155/6, «Г» ҳарфида 822/13, «Н» ҳарфида 283/47, «П» ҳарфида 993/40 ва ҳоказо нисбатларни кўрамиз.

Ўзбек тибиёт терминологиясининг, умуман, барча тибиёт терминологияларининг бунчалик байналмилал терминларга бой бўлишининг сабабларидан бири XVII–XVIII асрлардан бошлаб тибиётнинг ривожланиши маркази Шарқдан Фарбга, хусусан, Европага кўчганлиги ва шу муносабат билан кўплаб тиббий тушунчалар – турли касалликлар, патологик ҳолатлар, симптом ва син-

¹ Ирисов А., Носиров А., Низомиддинов И. Ўртаоснёлик кирқ олим, 91–93-бетлар.

² Муаллифлар жамоаси. Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар изоҳли луғати (бош мухаррир: Ё. Х. Тўракулов). – Тошкент, 1996.

дромлар, сунъий дори-дармонлар, сон-саноқсиз тиббий асбоб ва аппаратлар, касаллик қўзғатувчи микроорганизмларни номлаш учун юонон ва лотин тилларига мансуб луғавий ва аффиксал (префикс ва суффикс) элементлардан фойдаланган ҳолда минглаб янги терминларнинг яратилганлигидир. Бундай терминларнинг аниқлиги, қисқалиги, бир маънолилиги уларнинг дунёдаги барча тиллар қатори ўзбек тилига ҳам осон кириб келиб, тегишли терминологик тизимда барқарорлашувини таъминлади. Ўтган асрнинг 20–30-йилларидағи ихтиёрий-мажбурийлик тамойилига асосланган шўроча бир томонлама тил сиёсати ҳам бу жараённи тезлаштирган эди. Демак, ҳозирги ўзбек тиббиёт терминологияси таркибан: а) анъанавий ҳалқ табобатида қўлланиб келган атамалардан, б) юонон ва лотин тилларига мансуб сўзлардан, в) юонон ва лотин тилларига мансуб сўз ясовчи элементлар (префикслар, суффикслар) иштироқида сунъий ҳосил қилинган терминлардан, г) оз микдорда бўлса-да, бевосита рус тилининг ўзидан ўзлаштирилган сўзлардан ташкил топган.

Ўзбек тилидаги замонавий терминологик тизимларни ўрганиш, соҳа терминларини тўплаш, саралаш, тартибга солиш ва шу асосда луғатлар тузиб нашр этиш ишлари асосан ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланган. Бу даврда тиббиётга бевосита ёки билвосита алоқадор анатомия, эмбриология, кимё, ботаника каби фан соҳалари бўйича терминологик луғатлар нашр этилган бўлса-да¹, яхлит тиббиёт терминологиясини ўрганишга 50-йилларнинг охири – 60-йилларнинг бошларидан киришилган. 1958–1970 йиллар мобайнида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўлка тиббиёт институтида академик Ё. Х. Тўрақулов раҳбарлигига тиббиётнинг барча соҳаларига оид терминларни қамраб оладиган мукаммал лугат яратиш устида жиддий иш олиб борилди ва натижада икки жилдли «Русча-ўзбекча медици-

¹ Асгар А., Нажмиддин Т. Х. Лотинча-ўзбекча-русча нормал макроскопик анатомия терминлари сўзлиги. – Тошкент, 1933; Раҳматуллин З. Русча-ўзбекча эмбриология терминлари сўзлиги. – Тошкент – Самарқанд, 1934; Колосовский Н., Сайдносирова З. Кимё терминологик лугати. – Тошкент – Самарқанд, 1935; Мурат З. Русча-ўзбекча ботаник терминлар сўзлиги. – Тошкент – Самарқанд, 1934; Саҳобиддинов С. Қисқача русча-ўзбекча ботаника терминлари. – Тошкент, 1939 (Мазкур лугатларнинг ўзбекча қисми лотин графикасида ёзилган).

на лугати» тузилиб нашр этилди¹. Луғатни яратишда ўша йилларда тиббиёт фани амалиётида катта фаоллик кўрсатиб хизмат қилган 50 дан ортиқ таниқли олимлар ва шифокорлар жамоаси иштирок этган.

Тиббиёт ходимлари, талабалар, умуман, кенг ўқувчилар оммасининг ўзбек тилида тиббиёт терминлари луғатига бўлган улкан эҳтиёжини зътиборга олиб яратилган ушбу луғат тиббиётнинг назарий, клиник бўлимлари ва гигиенага оид ҳамда тиббиётга ёндош соҳаларга тегишли терминларни ўз ичига олади. Луғатда аввало рус тилида қабул қилинган термин келтирилиб, сўнг унга мувофиқ (муқобил) ўзбекча термин ва унинг ўзбекча қисқача изоҳи берилган. Ўзбекча эквиваленти бўлмаган ва тиббиёт адабиётида мунтазам қўлланиб келаётган терминлар ўзича қолдирилиб, уларга ҳам ўзбекча изоҳ берилган. Шундай бўлса-да, унда ҳалқ табобатида, ҳалқ тилида қўлланиб келаётган табобат терминларини мумкин қадар кенгроқ қамраб олишга ҳаракат қилинган ва бунга эришилган ҳам. Луғатда жами 19 380 терминологик бирлик қамраб олинган бўлиб, уларнинг 11 445 таси асосий термин, 7935 таси ана шу асосий терминлар иштироқида ҳосил қилинган бирикма терминлардан иборат. Кўп ҳолларда асосий термин сифатида берилган бирикма терминлар такрор ҳолда, асосий терминга иллюстрация сифатида берилган бирикмалар қаторида ҳам қўлланаверган. Айни пайтда жуда кўп терминларнинг синонимлари шу термин билан ёнма-ён ёки алоҳида асосий термин тарзида берилган. Юқоридагиларга қарамай, ушбу икки жилдли тиббиёт луғати терминларни қамраб олиш жиҳатидан, уларни изоҳлаш нуқтаи назаридан энг тўлиқ, энг мукаммал луғат ҳисобланади ва кейинги даврда тиббиёт соҳасида тузилган луғатлар учун база саналади.

1978 йилда нашр этилган «Русча-латинча-ўзбекча медицина луғати»² ҳажм жиҳатидан юқорида зикр этилган икки жилдликдан анча кичик бўлса ҳам, бошқа бир қанча афзалликларга эга. Улар ўзаро куйидаги тафовутларга эга: 1) агар икки жилдликда

¹ Русча-ўзбекча медицина луғати. 1-жилд (Абазия – Мята). – Тошкент, 1962. – 366 бет; 2-жилд (Наблюдение – Ящур). – Тошкент, 1970. – 456 бет.

² Якубова С. И., Тўлаганов Ф. Ж. Русча-латинча-ўзбекча медицина луғати. – Русско-латинско-узбекский медицинский словарь. – Тошкент, 1978. – 188 бет.

19 380 та терминологик бирлик берилиб, шундан 7935 таси бирикма термин бўлса, кейинги лугатда атиги 3000 дан ортиқроқ терминологик бирлик берилиб, улардан 500 таси бирикма терминлардир; 2) агар икки жилдли лугат тиббиёт ва унга ёндош бир қанча соҳаларга тегишли русча-ўзбекча терминларни қамраб олган бўлса, кейинги лугат фақат соф тиббиётга ва унинг асосий обьекти бўлган анатомияга оид терминларни ўз ичига олади; 3) икки жилдли лугат русча-ўзбекча бўлиб, унда терминларнинг лотинча эквиваленти берилмаган, кейинги лугатда эса барча русча терминлардан кейин уларнинг лотинча эквивалентлари, ундан сўнг ўзбекча эквивалентлари берилиб, русча изоҳлар ўзбек тилига таржима қилинган. «Русча-латинча-ўзбекча медицина луғати»да ҳам байналмилал терминлар асосий ўринни эгаллайди, лекин муаллифлар имкон борича русча терминларнинг ўзбекча вариантларини топишга, халқ табобатида қўлланиб келган атамалардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар (480 дан ортиқ ўзбекча содда ва бирикма терминлар ҳамда 170 дан ортиқ ўзбекча ва байналмилал сўзлардан ташкил топган бирикма терминлар фикримизнинг далилидир).

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва республикамиз ижтимоий ҳаётидаги янгича тил сиёсати умумтил амалиёти билан бир қаторда соҳа терминологик тизимларида ҳам сўз-терминлар ва ибораларни ўз ўрнида қўллашга, бунда она тили материалларидан кенг фойдаланишга жиддий эътиборни тақозо этганлиги боис шифокорлар ва беморлар ўтрасидаги мумомаланинг қулай ва тушунарли бўлишини, тиббиёт соҳасида иш юритишнинг тўлиқ давлат тилига ўтказишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг бўлимлари ташаббуси ва қўллаб-куватлаши билан бир қанча мўъжаз (кичик ҳажмли) луғатлар¹ ҳамда «Русча-ўзбекча сўзлашгич»² нашр

¹ *Муаллифлар жамоаси.* Шифокорга кўмакдош: русча-ўзбекча тиббий атамалар сўзлиги. – Тошкент, 1990; *Муродова М.* Шифокорга ёрдамчи: иш юритиш ва иқтисодиёт атамалари ва сўз бирикмалари (русча-ўзбекча) луғати. – Тошкент, 1990; *Усмонхўжаев А., Нажмиддинов О. М., Муродова М.* Мўъжаз тиббий луғат: тиббий атамалар русча-ўзбекча луғати. – Тошкент, 1992.

² *Муаллифлар жамоаси.* Русча-ўзбекча тиббий сўзлашгич. – Русско-узбекский медицинский разговорник. – Тошкент, 1992.

этилди. Ушбу нашрлар маълум маънода юқорида зикр этилган мақсадларни амалга оширган бўлса-да (тиббиёт соҳасидаги иш юритишга оид кўплаб ҳужжатларни ўзбекчалаштиришга, тиббиёт муассасаларининг, улардаги клиник- маъмурий, клиник-хўжалик бўйланишини тўлиқ барқарорлаштири ва ҳоказо), бир қатор камчиликларга ҳам эга эди. Масалан, «Шифокорга кўмакчи», «Шифокорга ёрдамчи» луғатчалари шошмашошарлик билан, ўша даврда матбуот саҳифаларида авж олган «сўзбозлик», «терминбозлик» ҳаракати таъсирида тузилган бўлиб, айрим содда ва бирикма терминлар учун тавсия этилган ўзбекча эквивалентлар кишини умуман қониқтирмайди, айрим ҳолларда эса ғашни келтиради. Аввалдан қўлланиб келган бир қанча байналмилал ёки русча терминларнинг ўрнига гўё мақбул ва маъқул термин сифатида арабча, форсча ёки шу икки тил материалларидан шакллантирилган терминларнинг тавсия этилишини «ёмғирдан қочиб, қорга тутилиш»дек бир ҳол дейиш мумкин.

1350 та терминологик бирликни ўз ичига олган ва академик Ё. Х. Тўрақулов таҳрири билан нашр этилган «Мўъжаз тиббий луғат»да ҳам русча тиббиёт терминларининг ўзбек тилидаги эквивалент (муқобил)ларини тўғри белгилашга, ўзбек тилининг ички имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилинган. Лекин бу луғатда ҳам бир неча ўнлаб терминларнинг ўзбекча эквивалентлари нотўғри кўрсатилган ёки тегишли тушунчанинг маъноси тўлиқ акс эттирилмаган. *Хусусан, адинамия, амнезия, анамнез, артрит, бокс, больничная койка, бормашина, бронхит, ветеринар, горчичник, детское место, женщина, кухня, кушетка, лаборатория, медбрать, метастаз, мигрень, молочная кухня, операция, патронаж, пинцет, презерватив, тромб, цистит* каби терминларнинг ўзбекча муқобилларини кўздан кечириш мазкур фикримизни тўла тасдиқлади.

Тиббиёт амалиётида давлат тилининг жорий этилишини таъминлаш йўлидаги ишлардан яна бири юқорида эслатиб ўтилган «Русча-ўзбекча тиббий сўзлашгич»дир. Унда турли мутахассисликдаги врачларнинг беморлар билан, врачларнинг тиббиёт

муассасасидаги бошқа ходимлар билан, беморларнинг қариндош-уруғлари билан сұхбатлари, врачларнинг ўзаро мулокотлари алоҳида мавзуларга бўлиб берилган. Китобнинг иккинчи қисми 6 мавзуга бўлинган русча-ўзбекча лугатдан иборат бўлиб, 1800 та терминологик бирликни қамраб олган: бу бирликларнинг ярмидан кўпроғини бирикма терминлар ташкил этади. Бу ерда лугат тузиш тамойилларига деярли риоя қилинмаган бўлса-да, ҳалқ тилида қўлланишда бўлган бавосир, безгак, бод, бўгма, вабо, гиёҳванд, говмижжса, дабба, доя, жарроҳ, иситма, истисқо, куйдирги, кўкйўтал, кўричак, ришта, саратон, сил, сўзак, тахтакач, тепки, терлама, тошма, тутқаноқ, фалааж, хасмол, чечак, чиллашир, чипқон, шилтиқ, шохтомир, эшакем, ютқин, ўлат, қабзият, қадоқ, қазгоқ, қизамиқ, қичима, қоқшиол, қуёнчик, қуллоб, ҳуқна каби терминларнинг лугатдан ўрин олишига эътибор берилган. Шу билан бирга, айрим бирикма термин ҳосил қилувчи сифатлар, баъзи сўз-терминларнинг таржимасида камчилик ва нуқсонлар кузатилади. Масалан, **астма** «бўғилиш хуружи», **сиделка** эса «ўриндик» деб таржима қилинган. Улар аслида тегишли равища «зиқнафаслик, зиқнафас касаллиги» ва «беморга қаровчи, касал боқувчи аёл» тарзида таржима қилиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

1994 йилда нашр этилган «Тиббиёт қомусий лугати»¹ ҳозирги ўзбек тиббиёт амалиётида кенг қўлланаётган 6100 га яқин терминологик бирлик берилган ва батафсил изоҳланган. Баъзи терминларнинг синонимларини ҳам кўшганда, бу микдор 7000 тага этади, шундан 1210 тасини бирикма терминлар ташкил этади. Шунингдек, унда 280 дан ортиқ фамилиявий терминлар берилиб, улар асосан *Аддисон касаллиги*, *Бартолин бези*, *Блант корсети*, *Больт симптоми*, *Бриккер операцияси*, *Буйо синдроми* каби бирикма терминлардан иборат. Баъзи ҳолларда *аддисонизм*, *бартолинит*, *венерология*, *паркинсонизм*, *рентген* сингари бир сўздан иборат фамилиявий терминлар ҳам берилган. Лугатдан соф тиббий терминлар билан бир қаторда тиббиётга бевосита алоқадор, унинг таркибий бўлими бўла оладиган анатомия, микробиология,

¹ *Муаллифлар жамоаси*. Тиббиёт қомусий лугати (бош мухаррир – Ё. Х. Тўракулов). – Тошкент, 1994. – 288 бет.

фармакология, паразитология, психологияга оид терминлар ҳам ўрин олган. Масалан, унда замонавий тиббиётда, халқ табобатида муҳим аҳамиятга эга бўлган 70 дан ортиқ ўсимлик номи, шунингдек, энг асосий анатомик терминлар берилган. Асосий лугат сўнгида 800 та тиббий терминдан иборат ўзбекча-русча терминологик лугат илова қилинган. Лугат тиббиётнинг 23 соҳасида фаолият кўрсатиб, катта тажрибага эга бўлган 50 тага яқин олим ва шифокорлар томонидан тузилган.

Тиббиёт ходимлари, тиббиёт институтларининг талаба ва ўқитувчилари, ўрта тиббиёт билим юртлари ўқувчиларига, нашриётлар, газета ва журналларнинг ходимлари, таржимонлар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган «Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар изоҳли лугати»нинг нашр этилиши¹ тиббий терминларни ўрганиш ва тартибга солиш йўлидаги яна бир муҳим босқич бўлди, чунки икки жилдли «Русча-ўзбекча медицина лугати» нашр этилгандан кейин ўтган 25–30 йил мобайнида бундай катта ҳажмли лугат яратилмаган эди. Ушбу лугат тиббиёт ва унга ёндош 20 дан ортиқ соҳанинг билимдонлари бўлмиш 55 та мутахассис томонидан тузилган ва тиббиётнинг тегишли соҳаларида нисбатан фаол қўлланувчи 15000 дан ортикроқ терминологик бирликни ўз ичига олган: уларнинг 10000 таси асосий термин бўлиб, қолган 5000 тадан ортикроғи уларга иллюстрация қилинган бирикма терминлардир.

Муаллифлар лугатни тузишда тиббиётнинг назарий ва амалий соҳаларида рўй берган жиддий ўзгаришларни – аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда ва профилактика тадбирларини ўtkазиша янги йўналишлар, даволаш ва диагностика соҳаларида янги усуслар ва доривор моддалар, тиббиётнинг янги тармоқлари ва лабораториялари пайдо бўлганлигини, шу муносабат билан юзлаб, ҳатто минглаб янги терминлар юзага келиб, эскириб қолган тушунчалар, усуслар, дори-дармонларнинг, бинобарин, уларнинг тилдаги ифодачилари бўлмиш минглаб терминологик бирликларнинг истеъмолдан чиққанлигини эътиборга олганлар. Албатта, таҳrir ҳайъати ва янги лугатни тузувчилар аввалги икки

¹ Муаллифлар жамоаси. Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар изоҳли лугати (бош муҳаррир – Ё. Х. Тўракулов). – Тошкент, 1996. – 526 бет.

жилдли луғат материалларидан кенг фойдаланганлар: сўзлик, ўзбекча терминлар, муқобиллар, терминларни изоҳлаш усули деярли аввалгича қолган. Лекин терминларнинг тахминан 25 фоизи, изоҳларнинг эса 70–80 фоизи янгиланган. Луғатда, шунингдек, асосий терминлар қаторида шу терминларни ҳосил қилишда иштирок этадиган, асосан юонон ва лотин тилларига мансуб 240 тадан ортиқ халқаро препозитив терминэлемент берилган (икки жилдли луғатда бундай терминэлементлар 135 та бўлган). Луғат сўнгида 9100 га яқин терминологик бирликни ўз ичига олган ўзбекча-русча луғат илова қилинган. Бу нарса ўқувчининг луғатдан ўзига керакли ўзбекча терминнинг изоҳини тез топиб олишига ёрдам беради.

Қисқача айтганда, академик Ё. Х. Тўрақулов таҳрири остида нашр этилган ҳар учала луғат – икки жилдли «Русча-ўзбекча медицина луғати», «Тиббиёт қомусий луғати» ва «Русча-лотинча-ўзбекча тиббий терминлар изоҳли луғати» замонавий ўзбек тиббиёт терминологиясининг 50 йиллик тарихи ва ривожланишини, шу давр ичига унда рўй берган ўзгаришларни ўзида акс эттирувчи ўзига хос кўзгу ҳисобланади.

Бундан кейинги даврда яратилган А. И. Қосимовнинг «Тиббиёт ходимлари луғати», тўрт жилдли «Тиббиёт терминлари изоҳли луғати»¹ ҳам мазкур луғатлардан, ўзбек тилида нашр этилган турли хил тиббий адабиётлардан кенг фойдаланган ҳолда яратилган луғатлардир. Булардан «Тиббиёт ходимлари луғати» икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми «Русча-ўзбекча тиббий терминлар» деб номланиб, 6430 та терминологик бирликни қамраб олган бўлса, иккинчи қисми «Ўзбекча-русча тиббий терминлар» деб аталиб, 5700 та терминологик бирликдан иборат. Муаллиф луғатнинг ҳар иккала қисмida ҳам синонимларни кўпайтириб, тўғри бўлса-бўлмаса ҳам сунъий равишда омонимларни юзага чиқарган. Луғатдан термин бўлмаган, бу соҳага алоқаси йўқ сўзлар ҳам ўрин олган. Умуман олгандা, луғат тузиш тамойилларидан бир қадар четга чиқилган. А. И. Қосимовнинг тўрт жилдли

¹ Қосимов А. И. Тиббиёт ходимлари луғати (русча-ўзбекча, ўзбекча-русча тиббий терминлар). – Тошкент, 1998. – 272 бет; Қосимов А. И. Тиббий терминлар изоҳли луғати. I жилд. – Тошкент, 2003. – 472 бет; II жилд. – Тошкент, 2003. – 568 бет; III жилд. – Тошкент, 2008. – 576 бет; IV жилд. – Тошкент, 2008. – 480 бет.

«Тиббиёт терминлари изоҳли луғати» ҳозирги тиббиёт амалиётида қўлланадиган терминларни имкон қадар кўпроқ қамраб олганлиги жиҳатидан муаллифнинг аввалги луғатидан фарқ қилади. Аслида яхлит бир ёки икки жилдан иборат бўлиши мумкин бўлган луғат, муаллифнинг хоҳишига кўра, тўрт мустақил жилдга бўлиниб, якка қўлланадиган ўзбекча терминлар алоҳида, якка қўлланадиган байналмилал терминлар алоҳида, ўзбекча ва байналмилал элементлардан иборат бирикма терминлар алоҳида, ўзбекча бирикма терминлар алоҳида ажратиб берилган. Бу луғатда ҳам аввалги луғатда кузатилгани сингари нуқсонлар мавжуд.

Ўзбек тиббиёт терминологияси бўйича яратилган луғатлардан яна бири муаллифлар жамоаси томонидан тузилган «Ўзбек халқ табобати атамаларининг изоҳли луғати»дир¹. Луғат 6400 га яқин луғавий бирликни ўз ичига олади. Юқорида бир қатор аллома табибларнинг халқ табобати ва доривор моддалар атамалари бўйича луғатлар тузганликлари қайд этиб ўтилган эди. Замонавий муаллифларнинг ҳам ушбу соҳага қўл уриб, ўзбек халқ табобати атамаларини мумкин қадар тўларок жамлаб, уларни луғат ҳолида халққа танишириш йўлидаги ҳаракатларини маъқуллаш керак. Лекин муаллифларнинг (А. Усмонхўжаевдан ташқари) луғатчилик ишларидан, араб ва форс тилларидан яхши хабардор эмасликлари, ушбу иш дастлабки тажрибалардан бири эканлиги сабабли луғатда унинг сифатига таъсир кўрсатувчи бир қанча камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилган. Чунончи: 1) луғатда халқ табобатига умуман алоқаси бўлмаган луғавий бирликлар: диний, диний-фалсафий, ижтимоий-сиёсий атама ва иборалар, антик ва Шарқ табобатида шухрат қозонган шахслар ва уларнинг асарлари номлари асосий атамалар билан аралаш берилаверган (аслида шахслар ва асарларнинг номлари алоҳида кўрсаткичлар сифатида китоб охирида берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди); 2) бир қатор арабча сўзлар форсча, жуда кўп форсча сўзлар арабча, айрим юононча сўзлар арабча деб тақдим этилган; бир қанча арабча кўплик сондаги сўзнинг бирлик шакли ёки, аксинча, бирлик сондаги сўзнинг кўплик шакли хато кўрсатилган; 3) атамаларни бе-

¹ Усмонхўжаев А., Маҳмуд М., Тўрахонова М., Ҳамроев М. Ўзбек халқ табобати атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2005. – 308 бет.

ришда ва уларни изоҳлашда кўплаб имловий ва услубий ҳатолар учрайди (агар таҳрир ҳайъатидан ўрин олган муҳтарам филолог профессор ва академикларимиз луғат кўлёзмасини дикқат билан ўқиб чиққанларида эди, мазкур камчиликларнинг асосий қисми бартараф этилган бўлар эди). Юқоридаги камчиликларига қарамай, ушбу луғатни халқ табобати атамаларини ўрганишда фойдали кўлланма бўлиб қолади, деб ўйлаймиз.

Тиббиётга доир сўнгги йилларда нашр қилинган луғатларга икки жилдли «*Tibbiy terminlar ensiklopedik lug‘ati*¹», «*Katta tibbiyot o‘quv lug‘ati*²» ва «Тиббий атамалар луғати»³ни мисол қилиб келтириш мумкин.

«*Tibbiy terminlar ensiklopedik lug‘ati*» ҳозирги тиббиётда кўлланадиган 20 000 дан ортиқ асосий терминлар ва тушунчаларни, улар иштирок этган терминологияни бирикмаларни қамраб олган. Луғатдан асосий терминлар, тиббий тушунчалар билан бир қаторда анатомия, физиология, хирургия, тиббий психология, психотерапия, стоматология, биокимё, фармакология, психиатрия, ҳамширалик иши ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари соҳаларида кенг кўлланаётган янги терминлар ҳам ўрин олган. Ҳамширалик ишига оид термин ва тушунчалар ҳам биринчи марта берилиб, батафсил изоҳланган. Луғатдаги русча ва байналмилал тиббий терминлар, аввалги шундай луғатлардан фарқли равища, биринчи марта икки ёзувда – ўзбек-кирилл ва ўзбек-лотин ёзувларида изоҳланган. Бу ҳолат, айниқса, ўрта ва олий тиббиёт ўкув юртларида лотин ёзувида таҳсил олувчи талабаларга катта ёрдам беради.

Луғат мақоласи қўйидагича шакллантирилган: 1-устунда русча-байналмилал термин катта қора ҳарфларда, кейин унинг лотин тилидаги шакли оддий катта ҳарфларда, сўнг ушбу терминнинг ўзбекча муқобили берилади ва у ўзбек кирилл ёзувида

¹ Usmonxo‘jayev A. H., Bositxonova E. I., Nazirov P. H., To‘raxonova M. S. *Tibbiy terminlar ensiklopedik lug‘ati*. 2 jildli. – Toshkent: Sug‘diyona, 2010 (1-jild – 948 bet; 2-jild – 1134 bet).

² Usmonxo‘jayev A. H., Bositxonova E. I., Avakov V. E., To‘raxonova M. S. *Katta tibbiyot o‘quv lug‘ati* (ruscha-o‘zbekcha). – Toshkent: Noshir, 2011. – 584 bet.

³ Курбонов Т., Курбонов Қ. Тиббий атамалар луғати. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – 396 бет.

изоҳланган; 2-устунда эса муқобил терминнинг лотин ёзувидағи шакли ва изоҳи берилган. Терминлар изоҳланган матнларда айрим имловий хатолар ва услубий нуқсонлар учрайди. Шунга қарамай, ушбу луғат амалиёт врачлари, фармацевтлар, тиббиёт муассасалари ходимлари, тиббиёт ўкув юртлари ўқитувчилари ва талабалари ҳамда таржимонлар учун тиббий терминлар мохиятини ўзлаштиришда катта ёрдам беради.

«Katta tibbiyot o'quv lug'ati», айтиш мумкинки, юқорида кўрсатилган «Tibbiy terminlar ensiklopedik lug'ati»нинг қисқартирилган шакли бўлиб, у 10 000 га яқин клиник терминлар ва тиббий тушунчаларни қамраб олган. Уларнинг кўзга кўриниб турадиган фарқи шундаки, ўкув луғатида терминлар 2 устунда эмас, 3 устунда берилган: 1-устунда русча-байнамилал тиббий термин, унинг лотин тилидаги шакли ва рус тилидаги изоҳи, 2-ва 3-устунларда эса шу терминнинг ўзбекча муқобили ва изоҳи ўзбек кирил ва ўзбек лотин ёзувларда келтирилган.

Тўлабой ва Қаҳрамон Қурбоновларнинг «Тиббий атамалар лугати»да рус тиббиёт терминологиясида кўлланувчи 3500 тадан ортиқ термин ва терминологик бирикмалар берилган. Бунда аввал русча терминлар, уларнинг лотин тилидаги шакли келтирилиб, сўнг қавс ичида шу терминнинг қайси тилга мансублиги, ўша тилдаги ёзилиши ва маъноси – этимологияси кўрсатилган. Шундан кейин муайян терминнинг ўзбек тилидаги муқобили ва изоҳи берилган. Луғат психиатр ва невропатологлар учун мўлжалланиб, унда асосан психиатрия, невропатология ва тиббиёт психологияси терминлари, қисман уларга ёндош соҳаларга оид ҳамда умумтиббий терминлар ҳам берилган.

Луғат муаллифлари аксар русча-байнамилал терминларни ўзбекчага мос муқобиллар топиб, таржима қилганлар; имкон борича жонлантириши, заҳм, зотилжсан, истисқо, чиллашир, шабкўрлик, шилтиқ, қоқшол каби умумкўлланишда бўлган анъанавий терминларни қўллашга ҳаракат қилганлар; янгидан ясалган ақлзайфлик (деменция), хосбелги (феномен), хотирасустлик (гипомнезия) каби бир қанча терминларни тўғри тавсия этгандар. Лекин улар томонидан янгидан ясалган ва қўллашга тавсия этилган асаббўшанглик (неврастения), асабмуҳимлик (невризм),

асабпарвар шифокор (невропатолог), *асабтугён* (невроз), *бадан туриши* (эрекция), *идрокалгии / мудроқалгии / нигоҳчалгии / ҳисчалгии* (галлюцинация), *идрокалгишилик* (иллюзия), *нүқсоншунос* (логопед), *огуниҳоллик* (токсикоз), *руҳпарвар шифокор* (психиатр), *руҳтиббиёт* (психиатрия), *руҳтугён* (психоз), *тебамойиллик* (помешательство), *хулқбурдсизлик* (психопатия), *хосжарроҳлик* (нейрохирургия), *хостаҳлил* (анализ) каби ва яна билан қанча терминларни ҳаммага тушунарли, маънони тўғри англатувчи терминлар сифатида маъқуллаб бўлмайди.

Юқорида қисқача таҳлил қилинган терминологик луғатлар билан бир қаторда сўнгги йилларда тиббиётнинг хусусий бўлимлари – анатомия, физиология, офтальмология, акушерлик, беморлар парвариши каби соҳалар бўйича, шунингдек, тиббиётга ёндош фармацевтика, кимё, микробиология, биология, ботаника соҳалари бўйича ҳам турли ҳажмдаги терминологик луғатлар нашр этилганини таъкидлаб ўтиш жоиз¹. Ушбу луғатлар умумтиббий терминологиянинг ривожланишига ва шу соҳада тузилажак луғатларнинг сифатини оширишга хизмат қиласди.

Барча фан соҳаларининг терминологик луғатлари каби тиббиёт терминологияси бўйича яратилган бир тилли ёки икки тилли маҳсус луғатлар ҳам ўзбек тили изоҳли луғатларини яратишда муҳим манбалардан бири саналади. Тиббиёт соҳасида яратилган ва 560 тадан тортиб 20 000 тагача терминологик бирликни қамраб олган турли ҳажмдаги маҳсус луғатлардан, хилма-хил тиббий адабиётлардан изоҳли луғатга термин танлаб олиш, уларнинг микдорий чегарасини белгилаш, маъно ёки маъноларини изоҳлаш, этимологиясини аниқлаш ва керакли белги (помета)лар билан таъминлаш мураккаб жараён ҳисобланади.

Ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғатига 410 та тиббий термин танлаб олиниб изоҳланган бўлса, беш жилдли изоҳли луғатга 448 та термин киритилиб, ўзлашма терминларнинг этимологияси белгиланиб, уларга тегишли изоҳлар берилган, зарур ўринларда иллюстратив материаллар билан таъминланган.

¹ Ушбу луғатлар бўйича библиографик маълумот ҳақида қаранг: Мадвалиев А. Термин – терминологик луғат – изоҳли луғат // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 6-сон. – Б. 54–67.

Агар икки жилдликда берилган терминлардан 15 таси кейинги луғатга киритилмагани ҳисобга олинса, беш жилдли изоҳли луғатда жами 843 та тиббий термин изоҳланган. Луғатга асосан содда (бир сўздан иборат) терминлар танлаб олинган бўлиб, 843 та терминологик бирлиқдан атиги 32 таси бирикма термин, холос.

Айни пайтда, тиббиётга оид терминологик луғатларда содда терминлар ичида ўзбекча сўзларнинг (ўзбек тилига аввалдан ўзлашган арабча, форсча, ҳиндийча сўзлар ҳам шу жумлага киради) умумий микдори жуда озчиликни ташкил этади (10% дан ошмайди). Лекин изоҳли луғатга тиббий терминларни танлаб олишда муаллифлар халқ табобатида, халқ тилида ишлатиладиган касалликлар ва доривор моддаларнинг номларини тўлароқ қамраб олишга ҳаракат қилгандилклари сабабли мазкур нисбат изоҳли луғатда бошиқачароқ кўринишда бўлган: беш жилдли изоҳли луғатда берилган 843 та тиббий терминнинг 340 таси ўзбекча бўлиб, бу микдор луғатда берилган барча тиббий терминларнинг 32,6 % ини ташкил этади. Булар *асорат* (асорат II нинг 2-маъноси), *бавосир*, *безгак*, *бепуштлик*, *битов*, *бод*, *буқоқ*, *бўжама*, *бўгма*, *вабо*, *газак*, *говмижжса*, *дабба*, *дамлама*, *дамқисма*, *дардисак*, *ёргоқ*, *жарроҳ*, *зангила*, *зотилжсам*, *иситма*, *истисқо*, *ичкетар*, *ичқотиши*, *камқонлик*, *караш*, *куйдирги*, *кўйкўтал*, *маймоқлик*, *мафосил*, *маъжун*, *мечал*, *милқак*, *мохов*, *назла*, *нафасқисма*, *ништар*, *оқма*, *пилла* II, *ришта* (2-маъноси), *савдо*, *сакта*, *сарамас*, *саратон* (3-маъноси), *сариқ* (4-маъноси), *ташхис*, *темиратки*, *тепки*, *тошма*, *тутқаноқ*, *учук*, *фалаж*, *хасмол*, *хафақон*, *чечак*, *ширинча*, *шол*, *қабзият*, *қизамик*, *қизилча*, *қилтомоқ*, *қорасон*, *қокшиол*, *қуёнчиқ*, *ҳайз*, *ҳуқна*, *ҳўппоз* каби терминлардир.

Шу билан бирга, луғат тузувчилар кейинги даврларда қўлланиши фаоллашиб, матбуот ва бадиий адабиёт саҳифаларида ҳам ишлатилаётган ўзлашма тиббий терминларнинг, хусусан, *анестезия*, *анемия*, *асфиксия*, *бальнеотерапия*, *гайморит*, *гелиотерапия*, *геронтология*, *диатез*, *дисплазия*, *иммунология*, *катаракта*, *климакс*, *лейкоз*, *лимфоденит*, *мастит*, *метеоризм*, *микроинсульт*, *микрохирургия*, *морфинизм*, *наркомания*, *нар-*

котиклар, нейрохирургия, пальпация, перкуссия, полиартрит, радиотерапия, реанимация, ревмокардит, ринит, репродуктив саломатлик, сколиоз, солярий, стоматит, фимоз, фитотерапия, фототерапия, холецистит, цирроз, цистит, эвтаназия, эксгумация, электротерапия каби янги тиббий терминларнинг ҳам луғатдан ўрин олишига ҳаракат қилганлар.

Биз ушбу мақолада тиббий терминларнинг изоҳли луғатда берилиши, маъноларининг изоҳланиши, этимологияси, уларни турли хил грамматик ва услубий белгилар, шунингдек, иллюстратив материаллар билан таъминлаш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтирмадиқ, чунки изоҳли луғат тузишдаги бу босқичлар ҳақида бундан олдинги мақолаларимизда¹ умумий тарзда фикр билдирган эдик. Ушбу мақолалардаги изоҳли луғатда терминларнинг лексикографик талқинига доир фикрлар тўла равища тиббий терминлар учун ҳам мос келади.

¹ Мадвалиев А. Ўзбек тилида кимё терминлари ва уларнинг изоҳли луғатда берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 5-сон. – Б. 53–62; Мадвалиев А. Изоҳли луғатда терминларнинг лексикографик талқинига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, 1-сон. – Б. 56–66.

ЛЕКСИКОГРАФИК ИШЛАРГА ТАҚРИЗЛАР

ЎЗБЕК ДИАЛЕКТАЛ ЛЕКСИКОГРАФИЯСИГА ҚЎШИЛГАН МУНОСИБ ҲИССА

Ўзбек адабий тили доимий ривожланишда, тараққиётда. Унинг ривожланишида асосий манба вазифасини халқ сўзлашув нутқи ўтайди. Халқ нутқида бир нарсанинг, белгининг, ҳолатнинг, ҳаракатнинг номи турлича бўлиши мумкин. Бу табиий ҳол. Зеро, ўзбек тилининг лаҳжа ва шевалари нафақат фонетик ва морфологик жиҳатдан, балки лексик жиҳатдан ҳам фарқланади. Шеваларора ва адабий тил лексикасидаги фарқли бирликлар тил тараққиёти учун бирламчи аҳамиятга эга. Лексик фарқлар асосида сўзлашув нутқининг, халқ шеваларининг лугатини яратиш қийин ва мураккаб, катта амалий аҳамиятли вазифалардан бири саналади. Лекин ўзбек тилшунослиги, шу жумладан, ўзбек лексикографияси эришган ва эришаётган ютуқларни инобатга оладиган бўлсак, бу вазифани бажариш лексикограф олимларимиз учун унчалик қийин иш саналмаслигини ҳис этамиз. 1971 йилда яратилган «Ўзбек халқ шевалари лугати» бунинг ёрқин исботидир.

Маълумки, жамиятда юз берәётган сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий ўзгаришларнинг барчаси тилда ўз аксини топади. Бу жараёнлар тилнинг бойиши учун замин яратади. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги туб ўзгаришлар, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли халқ жонли тили ҳам тубдан ўзгарди. Халқ нутқида сиёsat, иқтисодиёт, маданият ва маърифат, техника, саноат, спорт соҳаларига оид янгидан-янги сўзлар пайдо бўлди. Умрини ўтаб бўлганлари эса истеъмолдан чиқиб ҳам кетди. Халқ жонли тилидаги бу жараёнларни янги яратилажак халқ сўзлари лугатида акс эттириш шу куннинг энг муҳим вазифалари сирасига киради. Бу – масаланинг бир томони. Иккинчидан, республикамизнинг ҳар бир худуди (вилоят, туман, шаҳар, қишлоқлар) ўзига хос, бир-биридан

мальум даражада фарқ қилувчи сўзлашув анъанасига ва шеваларга эга. Шунинг учун ҳам бундан қирқ йил олдин соф илмий мақсадда яратилган шева лугатида республикамиз худудларидағи сўзлар тўла қамраб олинган, деб айтиш қийин. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир вилоятнинг халқ сўzlари лугатини яратиш масаласи ўз-ўзидан кун тартибига чиқди, деб айтиш мумкин.

Шу каби масалаларни инобатга олган тилшунос Тўра Нафасов «Қашқадарё ўзбек халқ сўzlари лугати»ни (Тошкент, «Муҳаррир», 2011. – 468 бет) нашрдан чиқарди. Ушбу лугат муҳтасар «Сўзбоши» билан бошланган. Муаллиф халқ жонли нутқининг тез ўзгарувчан, доимо янгиланиб турадиган фаол жараён эканлигини аниқ мисоллар билан асослаб беришга ҳаракат қилган. Бундан ташқари, «Сўзбоши»да лугат материаллари қарийб яrim аср мобайнида Қашқадарё вилоятининг шаҳар ва туманлари, қишлоқ ва маҳаллаларидан тўпланганини таъкидлаган. Муаллиф лугат материалларини узоқ йиллар мобайнида вилоятнинг Дехқонобод, Касби, Китоб, Косон, Миришкор, Муборак, Нишон, Чирокчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қарши, Гузор туманларидағи аҳоли яшаш манзилларида истиқомат қилаётган турли касб ва қатламга мансуб қишилардан биттама-битта ёзиб олган. Вилоят ҳудудида ҳозирда 12 та шаҳар ва 118 та шаҳарча мақомидаги аҳоли яшаш масканлари, 1200 тадан ортиқ қишлоқ мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу иш накадар машаққатли кечганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Айтиш керакки, профессор Т. Нафасов шу машаққатли ишни бажариш натижасида вилоят халқ сўzlарининг тўнгич лугатини яратди.

«Қашқадарё ўзбек халқ сўzlари лугати» ўзининг бундан қирқ йил олдин яратилган ўтмишдоши – «Ўзбек халқ шевалари луғати»дан жиддий, тубдан фарқ қиласи. «Ўзбек халқ шевалари луғати»да сўзлар транскрипция билан берилган, ўқилиш шакли кўрсатилган, бир сўз билан айтганда, диалектал луғатларнинг талаблари асосида тузилган. Янги луғатда эса сўзлар транскрипцияда берилмаган. Бу ҳолни муаллиф қуидагича изохлайди:»Тўғрисини айтиш керакки, халқ сўzlари дастлаб шевавий луғат тузиш мақсадида транскрипция билан ёзиб олинган эди. Дастребни муддао ҳам Қашқадарё вилояти ўзбек халқ шевалари

лугатини тузишдан иборат эди» (5). Шундан келиб чиқиб, лугат номи ҳам шевалар лугати сифатида эмас, балки халқ сўзлари лугати сифатида танлангани ва шундай номланганини маъқул деб ўйлаймиз.

Лугат «Сўзбоши»сида *халқ сўзлари* атамасига изоҳ берилган, мисоллар асосида далилланган: «*Халқ сўзлари* атамаси – халқ нутқида қўлланиладиган бирикма. Ўзбек тилшунослигида *халқ сўзлари* атамаси йўқ. Ўзбек тилшунослиги терминлари лугатига бу атама киритилмаган ва шу боис изоҳланмаган. *Халқ сўзлари* атамаси кўп маъноли:

1. Маълум бир худудда (шаҳар, шаҳарча, бир неча қишлоқ ва маҳаллада) яшовчи аҳоли нутқига хос, адабий тилимизда бўлмаган сўзлар. **Қалоқ, тошлоқ** сўзлари вилоятнинг тоғли худудлари аҳолиси нутқига хос сўз. Текислик, чўл худуддаги аҳоли масканларида яшаётган халқ нутқида бу сўзлар йўқ. Чунки бу сўзлар англатган тушунча, моддий нарсанинг ўзи йўқ. 2. Маълум бир касб-хунар, ишлаб чиқариш, фаолият соҳибларининг нутқида қўлланиладиган, кўпчиликка тушунарли, таниш, лекин адабий тилдан фарқ қиласидиган сўз ва иборалар тўплами. 3. Вилоятнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси нутқигагина мансуб сўзлар ва иборалар йигиндиси. 4. Адабий тилда бўлса ҳам, вилоят аҳолиси нутқида янгича, ўзгача, фарқли маъноли сўзлар. 5. Халқ нутқида ясалган ясама сўзлар ва уларга боғли иборалар. 6. Адабий тилдаги шаклидан фонетик қиёфаси ўзгариб кетган сўзлар» (5–6).

Лугатда ана шу принципларга қатъий амал қилинган. Ушбу лугат сўзлиги ва уларга берилган изоҳлардан ёки адабий тил изоҳли луғатидаги сўзлар қиёсидан шу нарса маълум бўладиди, тақризланаётган лугатга киритилган сўзларнинг катта қисми Қашқадарё вилояти худуди аҳолисининг нутқига хос бўлганлиги сабабли, уларда шевавийлик, халқ нутқида фаол-нофаол қўллашиб, маълум бир худудга хослик яққол сезилади. Уларнинг қайси бири ҳам кипчоқ, ҳам қарлук шеваларига ёки факат қарлук ёки қипчоқ шеваларига мансублигини аниқлаш қийин. Лугатхонни ана шу мураккаб ҳолатдан чиқариш ва сўз изоҳига ишонтириш учун муаллиф белгиси (*) билан исботловчи жумлалар берган.

Аммо ҳамма сўзларга мисоллар берилмаган. Айримларига ҳалқ мақоллари илова қилинган: *Ёримаганинг боласи ёлчимаганга тушиади*. Эси кетган одамга эшак озончи. Беэга мол бўлмас, барги йўқ тол бўлмас. Эшмачи эшиб олар, тешмачи тешиб олар. *Ҳезанги бўлсанг ҳам, безанги бўлма. Беот яшаб бўлади, орсиз яшаб бўлмайди*. *Ўрозлининг ўргоги икки ўрилади. Ўрозлининг меҳмони қўши келади. Орқали орқасини мақтар, орқасиз марқасини мақтар* каби.

Республикамиз вилоятлари орасида Қашқадарё вилояти шевалари етарлича ўрганилган дейиш мумкин. Шуни айтиш ўринлики, ҳалқ тилида, шунингдек, шевашунослар нутқида Юқори Қашқадарё, Ўрта Қашқадарё, Куйи Қашқадарё номлари кенг кўлланиб келинади. Ана шу уч худудий бўлакка бўлинган вилоятнинг ҳалқ шевалари А. Шерматов, Б. Жўраев, Д. Абдурахмонов, Т. Кудратов, Н. Шоимова ва бошقا қашқадарёлик шевашунослар томонидан яхши ўрганилган. Т. Нафасов ўзи тузган луғатда мазкур олимлар томонидан тўпланган материаллардан далиллар, намуналар ҳам мавжудлигини қайд этган (8–9).

«Луғатнинг тузилиши» қисмида ушбу луғат қандай шакл-шамойилга эга эканлиги, сўз танлаш ва изоҳлаш тамойиллари хусусида кенг маълумот олиш мумкин. Муаллифнинг таъкидлашича, тўплаган далилларининг маълум бир қисми луғатга киритилган. Муаллиф луғатда вилоят аҳолиси нутқида қўлланишда бўлган маънодош сўзлар, шаклдош сўзлар, кўп маъноли сўзлар, вариантдош сўзлар, кўчма маънога эга бўлган сўзларни беришга ҳаракат қиласан ва бу ишни уddaлаган. Уларга изоҳ бераётганда ўзбек лексикографияси анъаналарига суюнган. Айрим ўринларда эса ўзига хос йўлдан боришга ҳаракат қиласан.

Маънодошлик хусусиятига эга бўлган сўзларнинг ҳар бир маъноси лингвистик луғатларда берилгани каби алифбо тартибида, ҳар қайсиси алоҳида, маҳсус изоҳланган. Бири бирига ҳавола қилинмаган. Масалан: *арвой(i)тир – арвойихотир* (22), *билағон-билиғир* (41), *буғдоийзор – буғдоийпоя* (57), *гумона* (74) – *оғироёқ* (219), *гурунгбоз – гурунгкаш – гурунгчи* (75), *олашақшақ – олаҳакка* (204–205), *ориятчи – орталошиб, оркаш – орчи* (209) ва х.

Шаклдош сўзлар ҳам вилоят аҳолисининг жонли нутқида анчагина эканлиги луғат материаллари орқали маълум бўлади: *аҷчиқчи* (25), *бесон* (37), *бурчоқ* (56), *босма* (51), *ботин* (51), *бувдоқ* (53), *бурма* (56), *бўз* (58), *бўла* (60), *бўчаламоқ* (62), *гади* (65), *газар* (66), *газанда* (66) каби. Шаклдошлик ҳосил бўлишининг бир қатор усуллари луғатда инобатга олинган. Масалан, адабий тилда қўлланиб келаётган кўча сўзи билан вилоят аҳолиси нутқида қўлланишда бўлган, таомнинг бир тури маъносини билдирган кўча сўзи шаклдошлик мақомига эга. Муаллиф сўзни қўйидагича изоҳлайди:

КЎЧА (Чирокчи) 1. Буғдойни туйиб, уни сувда пишириб тайёрланадиган ва қатик кўшиб ичиладиган таом, гўжа.* Кўча пиширдим. 2. Гўжа пишириш учун келида туйиладиган буғдой.* Кўча туйишни биламан (162).

Луғатда вилоят аҳолиси нутқида қўлланаётган қўп маъноли сўзларнинг ҳар бир маъноси араб рақами билан рақамланиб, кетма-кетликда берилган. Бу билан муаллиф ўзбек лексикографиясида амалда бўлган анъянани сақлаб қолган. Шу билан бирга, луғатда бир фонетик шаклга эга бўлган сўзларни турли ўринларда берилиш ҳолатларига ҳам дуч келиш мумкин. *Таппом* сўзи кўп маъноли сўз сифатида 1, 2, 3 рақамлар билан тегишли маънолари изоҳланган (274), бошқа бир ўринда *топпом* шаклида берилиб, сўзнинг 3-маъноси деярли қайта такрорланган (292).

Маълумки, халқ нутқида сўзлар кўпинча фонетик, морфологик, морфемик жиҳатдан кўп вариантили бўлади. Муаллиф вариантдош сўз ва ибораларнинг адабий тилга яқинроқ шаклини танлаб, саралаб олиб луғатга киритгани ва изоҳлагани сезилиб турибди. Аммо бу мураккаб жараёнга у тўла амал қилган ва эришган деб бўлмайди: *бача* (29) ва *бачча* (30), *белбувма* ва *белбўгар* (34), *бидирдоқ* ва *бидирлоқ* (40–41), *базирқурт* (30) ва *бовриқурт* (46), *биткўз* (44) ва *питкўз* (229), *била* ва *билла* (41), *барра* (29) ва *марра* (176) сингари сўзларнинг изоҳи бир-бирига яқин бўлиб қолган. *Үйурмоқ* (315) ва *уюрмоқ* II (320) феълларининг 1 рақами билан берилган маънолари ва изоҳи қарийб бир хил, 2 рақами билан берилган маъноси эса бир-биридан тубдан

фарқ қиласи. Бу ҳолатни изоҳлашда илмий ва амалий жиҳатдан кулай усул топиш зарур эди. *Үйутқи* (314) ва *уютқи* (320) каби вариандош сўзларнинг изоҳига ҳам аниқлик киритиш лозимга ўхшайди.

Луғат сўзлигининг, шубҳасиз, катта қисмини ўзбек адабий тилида бўлмаган, вилоят аҳолисининг нутқидагина учрайдиган сўз ва иборалар ташкил этади. *Оққува, сўлима, мича* сингари қатор сўзлар шулар жумласидандир. Шунингдек, луғат сўзлиги ичida ўзбек адабий тилидаги маъноси вилоят аҳолиси нутқидаги маъносидан кескин фарқ қиласидаги сўзлар ҳам анчагина. *Оёқланмоқ, белбог, белгили, бешбармоқ, бирда, бирдан, бикмоқ, кўчирмоқ, ваҳмак* сингари қатор сўзлар шундай хусусиятга эгадир.

Республикамизнинг кўпгина вилоят, туман, қишлоқлари аҳолиси узоқ замонлардан буён чорвачилик билан шугулланиб келади. Қишлоқ ҳалқи ҳаётида ит, от ва бошқа ҳайвонлар билан боғлиқ сўзлар, иборалар кўп. Бу азалий, ҳаётий ҳолат ҳалқ сўзларида ўз аксини топган. Ушбу луғатда *итазоб, итамал, итбалиқ, итбурун, итдум, итётиши, итёқа, иtingак, итирқин, итиқилиши, иткучала, иткўз, иткўйлак, итмижоз, иторқа, итталаш, иттирасак, иттумишуқ, итфеъл, итхона, итчивин, итчил, итчилик, итқараши* (125–128) каби ҳалқона сўзлар берилган ва изоҳланган, уларга матний парчалар илова қилинган. Шунингдек, *отбоз, отбозор, отёгоч, отжас, отичак, откофир, откўмар, отмўрча, отпашиша, оттепти, оттери, оттўрва, отчи, отчивин, отчилик, отчумоли, отюрак, отўйин, отқорин, отқудуқ, отқумурсча* (211–213) каби ҳалқона сўзлар факат отбозларнинггина эмас, воҳа аҳолисининг барчаси учун фаол тил бирликлари бўлгани сабабли луғатга киритилган. Мол сўзи билан ясалган сўзлар кўлами ҳам анча ранг-баранг: *молбозор, молбош, молбоши, молбоқар, молгўшт, молдастур, молётмоқ, молёяр, молжаллоб, молийгар, молкелар, молламоқ, моллик, молсиз, молтом, молтопар, молфаҳм, молхўр, молчивин, молқайтар, молқура, молқўтон* (182–183). *Молёяр, молийгар* сўзлари ҳудуд аҳолиси нутқида пайт маъноси билан муқимлашган. Зикр этилган сўзларнинг барчаси тўлиқ маънода ҳалқ сўзлари мақомига эга. Уларнинг маънолари ҳам турлича.

Қашқадарёнинг кўпгина туманларида қипчоқ лаҳжасида сўзлайдиган аҳоли яшайди. Шу боис луғатда қипчоқ лаҳжасига мансуб сўзлар микдори кўп. Сўз бошида [ж]-[й] товушларининг қўлланишида қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчилар нутқининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Қашқадарёда, жумладан, бошқа вилоятларда ҳам қипчоқларнинг қарлуқча талаффузда сўз қўллашга, гап шаклини тузишга ва танлашга ўтиб бораётганига анча вақт бўлди. Бу ҳолат ушбу луғатда ҳам ўз аксини топган. Шунга қарамасдан, луғатда [ж] ундоши билан бошланадиган 250 га яқин сўз изоҳланган (98 – 111). Изоҳланган сўзларнинг адабий талаффуздаги мавқеи ва мақоми турлича. Айримларининг қарлуқ лаҳжасида талаффуз шакли йўқ.

Т. Нафасов томонидан тузилган ушбу луғатнинг муҳим, ижобий фазилатлари сифатида қўйидагиларни алоҳида таъкидлаш зарур: 1) вилоят аҳолиси нутқидан ўзбек адабий тили лексикасидан тубдан фарқ қиласидиган 8 мингдан ортиқ сўз ва ибораларнинг ёзиб олиниши, аниқланиши ва изоҳланиши; 2) ҳар бир сўз ва ибора ёзиб олинган манзилнинг берилиши; 3) луғат илмий-оммабоп нашр мақомида тузилганлиги; 4) луғатда изоҳланган сўзлар катта илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эгалиги, бошқа тур луғатларга далил, манба бўлиши, ундан ОАВ ходимлари, таржимонлар, ижодкорлар, ноширлар ва сухандонлар, этнологларнинг фойдаланиши; 5) вилоят аҳолисининг ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи, ишлаб чиқариши, табиатга муносабатини билдирувчи қадимий ва замонавий, маҳаллий сўзларнинг микдоран кўплиги; 6) қадимги ва эски туркий тилга, ҳалқ шеваларига хос сўз ясалиш тизимини кўрсатувчи сўзларнинг мавжудлиги; 7) вилоят ҳудудида қадимда яшаган ва ҳозир ҳам яшаётган эроний тилли аҳолининг тилига хос сўзларнинг, ўзбек ва тожик тилининг ўзаро таъсири ва муносабатини акс эттирувчи лисоний бирликларнинг луғатда акс этганлиги; 8) луғатда изоҳланган сўзларда сўз маъноларидағи, сўзнинг товуш тузилиши, морфем ва морфологик таркибидағи ўзгаришлар акс этганлиги; 9) ҳалқ нутқининг шаклдош, маънодош, зид ва кўп маъноли сўзларга, паронимларга бойлигини намоён этиши; 10) янгича йўналишдаги изоҳли луғат эканлиги ва ҳоказо.

Мұхими – луғатнинг оммабоп қилиб тузилғанлиги ва луғавий бирликларнинг мақсадға мувофиқ изоҳланғанлигидир. Истиқлол йилларыда ижодкорларнинг халқ нутқида қўлланадиган сўз ва ибораларга, идиомаларга фаол мурожаат қилаётганлиги, шу тарика адабий тил лексикасини бойитиш сари дадил фаоллик кўрсатаётганлиги ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётдаги қонуний жараёндир. Ушбу луғат ҳам халқ нутқи, шева ва лаҳжалар адабий тилни бойитадиган мұхим манбага айланғанлигини исботлайдиган тадқиқотдир. Шу турдаги луғатлар барча вилоятлар, катта шаҳарлар, ҳудудлар бўйича тузилса, сўз ва ибораларнинг қўлланниш даражаси, адабий тилга мослиги ёки мос эмаслиги, мулоқот учун қулайлиги аникланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, луғат нашрида бир катор жузъий техник нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Изоҳли мақола сифатида берилган ингаламоқ сўзи ингалоқ (123) шаклида ёзилиши лозим эди. *Беадип* сўзи изоҳидан сўнг берилган иллюстратив мисол курсив билан ёзилмаган (31). *Оқ тушибоқ* (Қалқама) (216) иборасига берилган изоҳ мос эмас. Бўз сўзининг шаклдош сўз сифатида уч маъноси изоҳланган. Унинг I маъносига иллюстратив мисол келтирилган, холос, II, III, шаклларига иллюстратив мисол берилиши керакка ўхшайди. *Даққи* (83) сўзининг кўп маъноли сўз сифатида икки маънода қўлланиши қайд этилган. Ҳолбуки, Қашқадарё вилоятининг чорвачиликка ихтисослашган тоғли ҳудудларида бу сўзнинг луғатда берилган маъноларидан тубдан фарқ қиласидиган бошқа маънода қўлланиши ҳам кузатилади, яъни қўй, эчки, қорамолларнинг ишлатишга яроқсиз, патак ҳолга келиб қолган жуни ҳам *даққи* деб номланади. Бундай камчиликларни бошқа баъзи кўп маъноли сўзларда ҳам кузатиш мумкин. Муаллиф халқ сўзларининг барча маъноларини беришни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, албатта. Бу нарса луғатнинг «Сўзбоши» қисмида ҳам таъкидланган.

Профессор Тўра Нафасов Қашқадарё вилояти топонимларини ўргангандан шу соҳа тараққиётига ўзининг самарали улушкини кўшиб келаётган олимлардан биридир. Айни пайтда, Т. Нафасовнинг ўзбек лексикографиясини ривожлантиришда ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Муаллифнинг «Ўзбекистон топонимлари луғати»,

«Ўзбек тили паронимларининг ўкув-изоҳли луғати», «Қашқадарё қишлоқномаси», «Чироқчинома» сингари луғатларини мутахассислар ва кенг китобхонлар оммаси яхши билади. Бу луғатлар сафига муаллифнинг «Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари луғати» қўшилгани муаллифнингтина эмас, балки ўзбек диалектал лексикографиясининг ҳам катта ютуғи саналади.

Мақола Э. Жабборов билан ҳамкорликда ёзилган.

ДЕҲҚОНЧИЛИК СЎЗЛАРИ ЛУҒАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонида «турли мавзу ва йўналишлар бўйича луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар яратиш» масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Дунёдаги энг бой ва қудратли тиллардан бири сифатида ўзбек тили ўзининг луғат жамғармасида минглаб нодир сўзларни сақлаб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридан бошлиниб, Мустақиллик шарофати билан ўзининг янги сифат босқичига кўтарилилган ўзбек луғатшунослиги янгидан-янги марраларни қўлга киритиб бормоқда. Тилимизнинг «колтин сандиги»да сақланаётган беҳисоб сўзлар устида жиддий лексикографик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Истиклолдан кейинги йилларда тил соҳасида амалга оширилган ишлар кўлами нечоғли самарали эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Хусусан, ўзбек лексикографияси том маънода катта ютуқларни қўлга киритди. Ватанимизнинг миллий қомуси янгича тафаккур тарзи ва дунёқараш асосида тамоман янгидан яратилди. Ўзбек тилининг беш жилдли изоҳли луғати ва соҳалар бўйича яратилган ўнлаб луғатлар халқимиз онгу тафаккурида бўлаётган янгиланишлар, ўзгаришлар самараси сифатида баҳоланмоғи даркор.

Ўзбек лексикографияси эришган ва эришаётган ютуқлардан яна бири сифатида соҳавий сўз ва терминларнинг тўпланаётгани ва янги номдаги луғатлар яратилаётганида кўзга ташланади. Соҳавий луғатларни яратиш эса осон иш эмаслигини яхши биламиз. Бунинг учун шу соҳага оид бой илмий, адабий, тарихий манбаларни кўриб чиқиш, халқ орасида бўлиб, улар тилидан сўз олиш ва танлаш, уларнинг изоҳини яратиш каби машаққатли меҳнат ётибди. Ана шу қийинчилклардан чўчимай, соҳа терминлари ва сўзларини тўплаб луғат тузган ҳар қандай илм аҳли меҳнати муносиб тарзда баҳоланиши, қадрланиши керак.

Яқинда соҳа терминологияси ва лексикасига оид луғатлар сони яна биттага ортди. Қарши давлат университети доценти Хўжамурод Жабборовнинг «Деҳқончилик сўзларининг қисқачи изоҳли луғати» нашрдан чиқди (Қарши: Насаф, 2016. – 296 бет). Луғат муҳтасар сўзбоши билан бошланган. Унда деҳқончилик соҳаси тарихи, тараққиёти, истиқлолдан сўнг соҳада амалга оширилган туб ислоҳотлар ва бу жараённинг ижобий натижаси, самараси ўлароқ халқимиз онгу тафаккурида янги лисоний бирликларнинг шаклланиши хусусида сўз юритилади.

Иқтисодий-ижтимоий соҳадаги улуғвор вазифаларнинг ҳаммаси негизида, замирида янги тушунчалар, уларнинг тилдаги ифодаси – сўз ва терминлар ётади. Ўзгариш ва тараққиётлар асосида янги сўз ва терминлар пайдо бўлади. Уларни тўплаш ва луғат сифатида шакллантириш, илмий тадқиқотлар олиб бориши тилшуносларимиз чекига тушадиган ўта масъулиятли ва айни ҷоғда шарафли вазифадир. Шундай экан, X. Жабборовнинг мазкур луғатига илмий, амалий, маърифий аҳамиятга молик иш сифатида баҳо бериш тўғри бўлади.

«Деҳқончилик сўзларининг қисқачи изоҳли луғати»дан уч мингдан ортиқ сўз ва термин ўрин олган. Муаллиф эътироф этганидек, луғатдан деҳқончиликка бевосита алоқадор бўлган йигирмага яқин мавзуй гурухга кирувчи сўз ва терминлар жой олган ва уларнинг ҳар бирига ишончли изоҳлар берилган, мисоллар орқали далилланган. Масалан, луғатда берилган сўз ва терминларни ўндан ортиқ мавзуй гурухга ажратиш мумкинлиги ҳақидаги муаллиф фикрлари ҳам асослидир. Луғат мақолала-

ри кузатилганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Луғатдаги сўз ва терминларнинг катта қисмини **пахтачилик** (*чиғит, пахта, ягана, чеканка каби*), **полизчилик** (*тарвуз, ҳайитқора, тилик, чинни; қовун, ҳандалак, бўрикалла, амири; қовоқ, ошқовоқ, бодринг, помидор каби*), **дончилик** (*буғдоӣ, арпа, макка, маккажўхори, соя, зигур, тарик, шоли, гуруч, бошоқ, сўта каби*), **сабзавотчилик** (*карам, редиска, турп, шолгом, петрушка, укроп, картошка, қалампир, бақлажон, ловия, нўҳат, лавлаги каби*), **мевачилик** (*кишиши, тойипи, сурхак, анор, олма, жавапазак, олмақоқи, ўрик, зардоли, туршак, голос, олча, олволи, қароли, шафтоли, анжир, бодом каби*), **кўчаччилик** (*кўчач, қаламча, кўчачзор каби*) сингари дехқончилик соҳалари бирликлари ташкил этади. Бундан ташқари, луғатдан дехқончилик тарихи билан боғлиқ бўлган *омоч, қўши, тиркиши, мола*; экин экиласдиган майдонни ифодаловчи *шудгор, текислаш, молалаш, бороналаш, буғдоӣпоя, арпапоя, пайкал* каби сўз ва терминлар; дехқончиликда ишлатиладиган турли курол-асбоб ва техника номларини билдирувчи *трактор, культиватор, кетмон, бел, мола, сихмола* каби бирликлар; суғориш (ирригация) ва мелиорацияга оид *ирригатор, сувчи, мироб, зовур, дренаж* каби сўз ва атамалар ҳам муносиб ўрин олган.

Луғатнинг фойдали томонларидан бири истиқлол туфайли дехқончилик илмида пайдо бўлган янги терминлар ҳамда ҳалқимиз жонли тилида яралган сўзларнинг луғатга киритилгани ва изоҳланганидир. Муаллиф кейинги йигирма йил ичida тилимиздан мустаҳкам ўрин олган *ширкатчилик, пайчилик, пудратчилик, фермерлик* сингари янги мулкчилик шаклларига оид сўзларни тўплаган ва ўз луғатида изоҳлашга ҳаракат қилган.

«Луғатнинг тузилиш тартиби»да сўзларнинг луғатда берилиш тартиби, бош сўзларнинг ажратилиши ва изоҳланиши, ҳалқ жонли тилида мавжуд бўлган айрим сўзларнинг луғатдан ўрин олиш сабаблари, кўшма, бирикмали терминларнинг берилиши ва уларнинг имлоси билан боғлиқ ҳолатлар, дехқончилик лексикасида мавжуд бўлган кўпмаънолилик, шаклдошлик, маънодошлик, вариантдошлик сингари ҳодисаларни ифодаловчи бирликларнинг

лугатда берилиш тартиби масалаларига қисқача изоҳ ва тушунтиришлар берилган.

Лугатда беш жилдли изоҳли лугатга кирмай қолган бир қатор дехқончиликка оид сўз ва терминларнинг берилиши унинг илмий ва амалий қимматини янада оширган. Масалан, *нончи, арпачак, атан, ахмана, банжисда, бешак, бироёқ, боғчи, дапсан, етимча, жойтана, калгав* ва бошқа сўзларга берилган изоҳлар хусусида шундай фикрларни билдириш мумкин. Маълумки, «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да нон ва у билан боғлиқ ўнга яқин сўзлар киритилган ва изоҳланган. Масалан, *нон, нонвой, нондон, нонкўр, нонкўрлик, нон-намак, нон-насиба, нонпаз, нонтепки, нонтепкилик, нонтопар, нонушига, нонхўр, нонхўрак, нон-қатиқ* сингари сўзлар изоҳлангани ҳолда *нончи* сўзи лугатга кирмай қолган. X. Жабборовнинг мазкур лугатида бу сўзга қуидагича изоҳ берилган:

НОНЧИ (Қр) эск. Узоқ масофадан оқар сув олиб келиш учун кетган дехқонларнинг орқасидан нон ва бошқа егуликлар олиб борувчи, таъминотчи. Ўн ишл *нончи бўй(л)ганман, Хонободда юрганман* (151-бет).

Арпачак, банжисда сўзлари маълум ҳудуд аҳолиси нутқида кўлланадиган шевага оид сўз бўлгани боис изоҳли лугатдан ўрин олмаган дейиш мумкин. Буни X. Жабборов лугатида берилган изоҳ ҳам исботлайди.

Лугат муаллифи эътироф этганидек, «дехқончилик илми ва амалиёти бўйича нолисоний манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳали ўзбек тилида дехқончилик сўзлари тўла тўпланиб, мукаммал лугат яратилмаган» эди. Бу ишни қисман X. Жабборов уddyлади, дейиш мумкин. Муаллиф узоқ йиллар Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг шаҳар ва қишлоқларида кезиб юриб, ҳалқ тилидан ўта ноёб сўзларни битталаб йиғиб чиққан. Лугатга киритилган сўзлар ўзбек дехқончилигининг узоқ ўтмисидан, ҳалқимиз тафаккури ва дунёқарашининг кенглигидан далолат бериб турибди. Фикримизнинг исботи сифатида экини, ҳосили йиғиб олинган ер номини ифодалаш учун берилган қуидаги лексик бирликларни келтириб ўтайлик:

АНГИЗ 1. Фалла ва ем-хашак экинлари ўриб-йигиб олинган ер, майдон. 2. Муайян экин ўриб олингандан кейин унинг далада тиккайиб колган пояси (31-бет).

АДИЗ (Китоб) Бутдойи ёки арпаси ўриб олинган майдон (24-бет).

АНГОР/АНГАР (Чироқчи) Ҳосили йифиштириб олинган экин майдони (29-бет).

Бу каби лексик бирликлар луғатда кўплаб топилади. Масалан, луғатда *арик* сўзига куйидагича изоҳ берилган:

АРИҚ 1. Суғориш шоҳобчаларининг Туркистонда ишлатиладиган маҳаллий номи. Одатда, одамлар томонидан аҳоли ва экин майдонларини сув билан таъминлаш мақсадида қазилган бўлади: доимий ариқ, вақтингча ариқ (мувакқат ариқ). Сунъий равишда ҳосил қилинган сув йўли, ўзани ва ундаги сув. 2. Экин экиш ва суғориш учун экин майдонида тортилган маҳсус сув йўли, жўяк. Экин майдонида жўякларга сув тарқатиши учун олинган марказий ариқ. Эътиборлиси, мазкур сўз қамровида *арик* бузии, *арик* ковлаш, *арик* тозалаш, *арикбоши*, *арикдоши*, *арикоқсоқол*, *арикча*, *арикчи*, *арик қазгич*, *арик қазииш*, *арик ҳайров* каби ўнлаб оригинал сўзлар келтирилган. Уларнинг ҳар бири халқ тили, урф-одатлари билан боғлиқ ҳолатда ўзига хос оҳангда жаранглайди. Масалан, **АРИҚ ҲАЙРОВ** (Касби) Оммавий равишда ариқ тозалаш учун ташкил этиладиган халқ ҳашари. (33-бет).

Х. Жабборов тилимизда нофаол ишлатиладиган, халқ тилида яшаётган узум, қовун, олма, анор, ҳандалак ва бошқа меваларнинг номларини батафсил йифишга уринган. Буни *анзоб*, *атир* узум, *бабара*, *бедона*, *бижиши*, *бурмак*, *гўзал қора*, *дилкаптар*, *китоб сурхаги*, *каттақўргони*, *тош буваки*, *қора жсанжсал*, *қора калтак* каби узум; *босволди*, *бўрикалла*, *гуврак*, *гурскетти*, *жўрақанд*, *калҳасан*, *кўктурна*, *хўқизкалла*, *томоша қовун*, *эскичопон* каби қовун: *баҳри карам нусха ошқовоқ*, *гул ошқовоқ*, *бузоқ ошқовоқ*, *бобоқовоқ*, *чилимқовоқ*, *тўнка ошқовоқ*, *дастор ошқовоқ*, *сандал ошқовоқ* сингари ошқовоқ номларига берилган изоҳларда кузатиш мумкин. Бу каби изоҳлардан Х. Жабборовнинг дехқончилик билан боғлиқ сўзларни йифишда ва изоҳлашда ўта синчков олим эканлиги кўриниб турибди.

Лугатнинг ютуқларидан яна бири шундаки, унда айрим сўзларнинг семантик тармоқланиши ҳам эътиборга олинган. Жумладан, *сув* сўзининг 29 та маъноси келтирилган ва шу асосда ҳосил қилинган *сув bargi*, *сув босма*, *сувлоқ*, *сувтарош*, *сувўлчагич*, *сувмирчи*, *сувманба*, *сувхўрда* каби 100 га яқин номлар изоҳланган. Бу сўзларнинг ҳар бири тилимиз учун қадрлидир. Масалан: *Сувхўрда – меъёрдан ортиқ сугориши натижасида ёки серсувликдан говлаб кетган, ҳосил бермайдиган палак.* (202-бет)

Муаллиф лугатга киритилган сўзларни далиллаш мақсадида Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Faфур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод, Улугбек Ҳамдам сингари шоир ва ёзувчиларнинг асраларидан парчалар келтирган.

Ушбу лугатнинг яратилиши ва муомалага киритилиши таҳсинга сазовордир. Лугатдан шу соҳадаги мутахассислар, талабалар, ўқувчилар кенг фойдаланишлари мумкин.

Ҳар бир янги бошланган иш маълум камчиликлардан холи бўлмаслиги аниқ. X. Жабборовнинг мазкур лугатидаги айрим сўзларнинг изоҳларини ойдинлаштириш зарур. Бир деҳқончилик маҳсулоти икки мавзуй гуруҳга киритилган ўринлар бор. Масалан, лугатнинг сўзбошисида *помидор* экини номи полизчилик мавзуй гуруҳининг қовоқчилик кичик тури таркибида келтирилган. Кейинги ўринда эса сабзавотчилик мавзу гуруҳининг томатгулдошлар кичик гуруҳи таркибида берилган. Бундай жузъий камчиликлардан қатъи назар, мазкур лугат катта амалий ва илмий қимматга эга деб айтиш мумкин.

*Мақола A. Собиров ва Э. Жабборовлар
билин ҳамкорликда ёзилган.*

Олтинчи бўлим
**УСТОЗЛАР ҲАҚИДА ХОТИРА
ВА ҚУТЛОВ МАҶОЛАЛАРИ**

ЖОНКУЯР ОЛИМ

Етук тилшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, республика Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти терминология бўлимининг мудири Олим Усмон етмиш ёшга тўлди. Ана шу давр ичida у машаққатли ва сермазмун ҳаёт ва меҳнат йўлини босиб ўтди.

Олим Усмон турли даврларда Тошкент давлат педагогика институтида, Ўрта Осиё (хозирги ТошДУ) давлат университетида ўзбек тили тарихи курси бўйича дарс беради.

Олим Усмоннинг асосий меҳнат фаолияти XX асрнинг 30-йиллари ўрталаридан бошлаб то шу кунларгача Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида давом этмоқда. Олим aka шу илмий даргоҳнинг фахрли меҳнат ветерани, тиниб-тинчи мас фидойи ходимиdir.

У Алишер Навоий тили ва Навоий давридаги ўзбек тили тарихини биринчилардан бўлиб ўрганди. 1947 йилда Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул лугатайн» асари бўйича ёзилган илмий ишини ҳимоя қилди. Олимнинг бу соҳадаги самарали меҳнатлари «Муҳокаматул лугатайн» ва Навоийнинг лингвистик қарашлари», «Алишер Навоийнинг лингвистик рисоласи ҳақида», «Алишер Навоийнинг ўзбек тили ва адабиёти учун кураши», «Ўзбек адабий тилининг буюк ҳимоячиси», «Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул лугатайн» асари» каби бир неча илмий мақола ва алоҳида йирик монография ҳолида илмий жамоатчиликка ҳавола қилинди.

Олим Усмон ўзбек тили морфологиясининг бир қатор масалаларини илмий асосда ўрганишга ҳам киришди. Бунинг учун у ўзбек тили тараққиёти тарихининг барча давларини синчковлик билан ўрганди, ўзбек тили грамматикасининг долзарб масалала-рига бағишлиланган «Ўзбек тили морфологияси» дарслиги ҳақида», «Ўрта мактаблар учун она тили программаси», «Ўзбек тили

грамматикаси», «Ўзбек адабий тилининг тараққиёти ҳақида» каби қатор илмий мақолалар, дарслик ва қўлланмалар ёзди.

Лексиколог олим сифатида у XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги ўзбек тили лексикаси мавзууда жуда салмоқли илмий ишни якунлади. Бу ишнинг биринчи жилди «Ўзбек тили лексикаси тарихидан материаллар» номи билан нашр этилди.

Олим Усмон илмий фаолиятида ўзбек ҳамда рус тиллари ва маданиятларининг ўзаро алоқалари муаммоси ҳам алоҳида ўрин эгаллади. Унинг рус тилининг ўзбек тилига таъсири, уни бойитишдаги роли ва рус маданияти, илм-фанини маҳаллий халқ орасида тарғиб қилган Ўрта Осиё ва ўзбекистонлик маърифат-парварларнинг фаолиятини ўрганишга бағишиланган кўплаб тадқиқотлари мавжуд.

Олим Усмон илмий фаолиятининг яна бир соҳасини имло, алифбо ва орфоэпия масалалари ташкил этади. XX асрнинг 30-йиллари охирлари ва 40-йилларнинг бошларидан бери у ўзбек ёзуви, имло ва адабий талаффуз масалалари билан мунтазам равишда шуғулланиб келади.

Олим Усмон лугатчилик илми билан ҳам кўп йиллар шуғулланди. У беш томли «Русча-ўзбекча лугат»нинг ҳам тузувчиси, ҳам муҳарриридир. «Имло лугати», «Интернационал сўзлар лугати», «Русча-интернационал ўзлаштирма сўзлар изоҳли лугати», «Ижтимоий-сиёсий терминлар лугати» каби қайта-қайта нашр этилган муҳим ва зарурӣ асарлар Олим Усмон қаламига мансубдир. У кейинги йилларда ўзбек тили ва терминологиясида фаоллашган сўз ясовчи аффикслар ҳақида туркум мақолалар эълон қилди.

Олим Усмон маҳсулдор тадқиқотчи, унинг нашр этилган илмий асарлари сони 100 дан зиёд бўлиб, умумий ҳажми 500 босма табоқни ташкил этади.

Хукуматимиз заҳматкаш илмий ходим Олим Усмоннинг фан ва маданият соҳаларидаги хизматини муносиб тақдирлади. У давлатимизнинг бир қанча орден ва медаллари, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фаҳрий унвони билан тақдирланган.

*Мақола Олим Усмон таваллудининг
70 йиллигига бағишилаб М. Сафаров
билан ҳамкорликда ёзилган.*

ОЛИМ УСМОН ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ

Агар муҳтарам устоз ва таниқли тилшунос Олим Усмонов ҳаёт бўлғанларида шу кунларда 90 ёшни қаршилаган бўлар эдилар. Заҳматкаш аллома, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби Олим Усмоновнинг ўзбек тилшунослигида алоҳида ўрни бор. Унинг бутун фаолияти ўзбек тили илмини чуқур таҳлил этиш, мавжуд сўз бойликларини тўплаб, халқقا етказишга бағишиланган.

Олим Усмонов 1912 йилда Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятида таваллуд топган. Унинг илмий фаолияти 1935 йилда ЎзР Фанлар комитети аспирантурасида ўқиши ва сўнгра шу ерда илмий ходим бўлиб ишлашдан бошланган. 1940 йилда у Тошкент давлат педагогика институтини тезкор (экстерн) усулда тугатгач, Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтида илмий ходим ҳамда Ўқувпеддавнашрда бўлим бошлиғи вазифасида ишлайди. 1942–1943 йилларда Ўзбекистон ФА нашриётини бошқарди. Унинг ташкилотчилик қобилияти шу 30-йилларда кенг намоён бўлди. Республика Ҳукуматининг топшириғи билан у 1943–1944 йилларда ўша давринг зарбдор курилиши бўлган Фарҳод ГЭС курилишида, сўнгра Министрлар Кенгаши қошидаги Радиокомитетда фаолият қўрсатди.

Олим Усмонов илмий фаолиятининг асосий даври – 1958–1985 йиллар ЎзФА Тил ва адабиёт институти билан алоқадор. 1946 йилда Ҳукумат қарори билан О. Усмонов Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтига ишга юборилади. У 1952 йилгacha луғат бўлими бошлиғи ва катта илмий ходим вазифаларида ишлайди. Айни вақтда, Тошкент давлат педагогика институтида ўзбек тили тарихи бўйича ўқитувчилик ҳам қилди. Олим Усмон ўзбек мұмтоз адабиётининг буюк намояндаси Алишер Навоийнинг ижоди ва асарларининг тили билан чуқур шуғулланди, 1947 йилда мазкур илмий изланишлар самараси сифатида Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асари бўйича номзодлик илмий ишини ҳимоя қилди.

Ўтган асрнинг 50-йилларидаги «шўролар қатағонлиги» Олим Усмоновни ҳам четлаб ўтмаган. Унинг ўзбек тилини чуқур тарғи-

бот қилиш ва ундаги сўз бойлигини кенг қўллашга интилиши ўша вақтда «миллатчилик» тарзида ҳам баҳоланган эди. Бироқ метин иродали ва миллатсевар инсон, ўзбек тилининг жонкуяр тадқиқотчиси бундай ноҳақликлар олдида чекинмади. У ўзбек тили сўз бойлигини луғатларда тўплаш, унинг имло ва талаффуз қоидаларини илмий асослашга бутун мазмунли ҳаётини бағишлади.

Шўро тузуми даврида ўз мавқенини анча йўқотган, оддий муомала тилига айланиб бораётган ўзбек тилини юксак мақомда кўриш, фан ва техника атамаларини бошқариб турувчи алоҳида ташкилот – Атамалар қўмитасини ташкил этиш О. Усмоновнинг энг юксак орзуси эди. Унинг бу орзуларига Республикализ мустақиллиги туфайлигина эришдик. Афсуски, улуғ устоз ва аллома бу дамларни кўролмади – 1989 йил 19 сентябрда, республиканинг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинишидан ропна-роса бир ой олдин вафот этди.

Устоз Олим Усмонов ҳозирги ўзбек тилшунослигининг таникли намояндалари саналмиш X. Ғозиев, Сафо Зуфаров, Аюб Фуломов, Зокир Маъруфов, Сайдфозил Акобиров, Собиржон Иброҳимов, Фахри Камол ва Фаттоҳ Абдуллаев кабилар билан замондош ва илмий сафдош бўлиб фаолият кўрсатди. О. Усмоннинг ўзбек тилшунослиги бўйича олиб борган илмий ва педагогик фаолиятини, ёзган асарларини шартли равишда бўлса ҳам қуидагича гурухлантириш мумкин: 1. Ўзбек тили грамматикаси бўйича ёзилган асарлар. 2. Имло, талаффуз ва алифбо бўйича ёзилган асарлар. 3. Ўзбек тили тарихига доир илмий ишлар. 4. Лексикология, лексикография ва терминологияга доир асарлар. 5. Рус ва ўзбек тиллари ва маданиятларининг ўзаро алоқасига бағишлиланган илмий ишлар. Жами 100 дан ортиқ номдан иборат бўлган бу илмий асарларнинг умумий ҳажми 500 босма табоқдан ортиқдир. У ана шундай юки залворли аллома эди.

Маълумки, ўтган асрнинг 30-йилларида мактаб ва маориф соҳасида жуда муҳим вазифалар турган эди. Хусусан, етти йиллик таълимни тўла амалга ошириш, ўрта таълимни ҳар томонлама ривожлантириш, ўрта ва катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизлик ва чаласаводликни тугатиш, бунинг учун эса шу

мактаблар ва ҳар хил курсларга мос дастур, дарслик, қўлланмана ва адабий мажмуалар тузиш ҳамда буларни ёзадиган, тузатадиган муаллифлар жамоасини танлаш, бундай дарслик ва қўлланмаларни сифатли қилиб нашр этиш каби қатор масалалар ўша давр учун жуда долзарб эди. Мактабларда ва курсларда нисбатан эски дарсликлардан, ҳар хил қўлланмалардан ҳам фойдаланилар, булар эса баъзан илмий жиҳатдан анча саёз бўлиб, хато ва чалкашликлардан ҳам холи эмас эди. Таълим-тарбия, ўкув-ўқитув ишларидаги бундай камчиликлар Республика ҳукуматининг ўша йиллардаги қатор қарорларида танқид қилинди. Ана шундай даврда Олим Усмон шахсий кузатишлари асосида бир неча илмий мақолалар эълон қилди: «Ўзбек тили грамматикасидаги формализм ва илмий бузуқликлар ҳакида» («Маданий инқилоб», 1937, 27-сон), «Ўзбек тили морфологияси» дарслиги ҳақида» («Маданий инқилоб», 1937, 36-сон), «Ўзбек тили дарслигига феълларнинг классификациясидаги бузуқликлар» («Маданий инқилоб», 1937, 47-сон), «Ўрта мактабларнинг ўзбек тили программаси ҳақида» (Ўша газета, 1937, 107-сон) каби илмий мақолаларида мактабларда ўзбек тили курсини ўқитишида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳамда мавжуд дастур, дарслик ва қўлланмаларда учраб турадиган назарий хатолар, чалкашликларни танқид қиласди. Булар билан кифояланмай, ўзбек тилини чуқурроқ таҳлил қилиш, уни рус тили грамматикасининг қонун-коидалари билан киёсий ўрганиш асосида тўлиқиз ва ўрта мактаблар учун ўзбек тили бўйича ўша вақтда энг яхши деб топилган дастурлар ҳамда дарсликлар яратади. Ўзбек тили грамматикаси (фонетика ва морфология) бўйича Олим Усмонов ва Барот Авезовлар томонидан ўрта мактаблар учун тузилган дарслик 1938–1941 йиллар мобайнида қайта ишланиб, тўлдирилиб, тўрт марта нашр этилди.

Хозиргача ўзбек тилшунослигига кенг қўлланиб келаётган *ундоши*, *сифатдоши*, *равишдоши*, *аслий сифатлар*, *нисбий сифатлар* каби атамалар ҳамда ўзбек тилида асосий сўз туркумларини от, сифат, сон, равиш, олмош, феълга ажратиб тасниф этиш О. Усмоновнинг ўзбек тили грамматикаси илмига ана шу дарслик туфайли кўшган янгиликларидир. Ҳеч муболагасиз айтиш мум-

кинки, бу дарслик етти йиллик ва ўрта мактаблар учун ўзбек тили морфологияси бўйича барқарор дарсликлар яратишдаги дастлабки погона бўлди.

О. Усмонов кейинчалик ҳам ўзбек тили грамматикаси юзасидан кузатишларини давом эттириди. Бу соҳадаги ишлардан, айниқса, айрим морфологик шаклларнинг, хусусан, **-дор**, **-кор**, **но-**, **-ий**, **-вий** каби бир қатор сўз ясовчи қўшимчаларнинг қўлланиси ва маъноларида юз берган ўзгаришлар, уларнинг сўзларга қўшилишидаги янгиликларни ёритишга бағишлиланган мақолалари диққатга сазовордир. Масалан, «**-кор** аффикси ҳақида» (ЎТА, 1975, 1-сон), «**-дор** аффикси ҳақида» (ЎТА, 1976, 1-сон), «Русча **не-** префиксли сўз-терминларнинг ўзбек тилида ифодаланишида **но-** префиксининг роли» (ЎТА, 1979, 2-сон) сингари мақолалар шулар жумласидандир.

О. Усмонов ўзбек тили тарихи билан ҳам узок йиллардан бўён ижодий равишда шуғулланиб келади. Айниқса, ўзбек халқининг ва ўзбек тилининг ташкил топиши ҳамда шаклланишида иштирок этган этнолингвистик жараёнларни жуда тўғри тушуниб, уларни холисона илмий баён қиласиди. Жуда кўп туркий ва туркий бўлмаган уруғ-қабилалардан ташкил топган ўзбек халқи ва тилининг умумтуркий тил тизимидан ажралиб чиқиши ва мустақил халқ ва тил сифатида ташкил топиши, шаклланиши ҳамда худудий тарқалишини бой тарихий-археологик, этнографик ва антропологик материалларга суюнган ҳолда изохлади. Бу соҳадаги айрим ғайрилмий ва чалкаш қарашларни танқид қиласиди. Ўзбек тили тарихини даврлаштириш бўйича ўзининг янги таснифини илм аҳли муҳокамасига ҳавола этади (қаранг: «Ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласига доир» / Ўрта Осиё давлат университети илмий асарлари. СIV чиқиши, II китоб. –Тошкент, 1957, 186–205-бетлар). Бу асарда ўзбек халқи ва унинг тили тарихининг жуда қадимги (VI аср – турк хоқонлиги) даврларидан бошлаб то Алишер Навоий давригача бўлган тараққиёт йўли ҳақида фикр баён қилган бўлса, вакт жиҳатдан аввалроқ ёзилган бир қатор асарларини эса Алишер Навоий давридаги эски ўзбек адабий тилини ўрганишга бағишлиайди. Бу масалалар ёритилган бир монография ва саккизта илмий мақолада буюк Алишер Навоий даври тарихини даврлаштириш масаласига доир» / Ўрта Осиё давлат университети илмий асарлари. СIV чиқиши, II китоб. –Тошкент, 1957, 186–205-бетлар). Бу асарда ўзбек халқи ва унинг тили тарихининг жуда қадимги (VI аср – турк хоқонлиги) даврларидан бошлаб то Алишер Навоий давригача бўлган тараққиёт йўли ҳақида фикр баён қилган бўлса, вакт жиҳатдан аввалроқ ёзилган бир қатор асарларини эса Алишер Навоий давридаги эски ўзбек адабий тилини ўрганишга бағишлиайди. Бу масалалар ёритилган бир монография ва саккизта илмий мақолада буюк Алишер Навоий даври тарихини даврлаштириш масаласига доир» / Ўрта Осиё давлат университети илмий асарлари. СIV чиқиши, II китоб. –Тошкент, 1957, 186–205-бетлар).

воййнинг ўзбек тили учун олиб борган кураши, илмий, амалий ва бадиий хизматлари, унинг лисоний қарашлари, ўзбек адабий тилини ривожлантиришдаги ўрни, бу даврдаги эски ўзбек тили ва унинг асосий хусусиятлари каби қатор муаммолар ёритилади. Навоийнинг «Мұхомматул луғатайн» асари эса маҳсус монографик тарзда тадқиқ қилинган.

Кўринадики, ўзбек тили тарихининг бу даврини ҳам олим ўз тенгдошлари, умуман, ўзбек тилшунослари орасида биринчилардан бўлиб илмий асосда текширади. Бу асарларда ҳам О. Усмоновга хос бўлган иш усули – ўзбек тили тарихини бевосита ўзбек халқи тарихи билан боғлаб тадқиқ қилиш кўзга яққол ташланиб туради.

70-йилларда О. Усмонов «XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек тили лексикаси» деган мавзу юзасидан кенг миқёсли илмий тадқиқот олиб борди. Икки қисмдан иборат бўлган бу илмий иш муваффақиятли якунланди. Унинг 26 босма табоқдан иборат биринчи луғат қисми (Ш. Ҳамидов билан биргаликда) «Ўзбек тили лексикаси тарихидан материаллар (XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошлари)» номи билан нашр этилди (Тошкент, 1981). Асарни ёзишда фойдаланилган манбалар рўйхатидан ҳам аниқ кўринадики, у ниҳоят даражада машаққатли ва унумли меҳнатнинг самарасидир. Бугина эмас. У ўзбек адабий тили тараққиётининг кейинги йигирма асрлик даврини ҳам синчковлик билан кузатади. Ўзбек тили тарихи мутахассиси сифатида ўзбек тилининг барча тарихий тараққиёт даврларида рўй берган етакчи тамойилларни белгилаш, уларнинг қонуниятларини аниқлаш билан қизиқади. Ана шундай мукаммал ва кенг миқёсдаги илмий йўналиши билан олимнинг илмий-тадқиқот фаолияти бошқа ўзбек тилшунослари ишларидан алоҳида ажраблиб туради.

Олим рус ва ўзбек тиллари ва маданиятларининг ўзаро алоқалари масаласи билан жуда жиддий шуғулланади. Унинг бу мавзуга бағишлиланган йигирмадан ортиқ мақола ва монографияларини кенг илмий жамоатчилик яхши билади. Ўтган асрнинг 50–80-йилларида эълон қилинган бу асарларда рус тилининг турли даврларда ўзбек тилига таъсирини ҳамда бу жараёнда-

ги хусусий ва умумий қонуниятларнинг илмий умумлашмалари берилганлигидан ташқари, рус тили ва рус маданиятини ўзбеклар орасида тарқатиш борасида ўта жонбозлик кўрсатган Сатторхон, Исҳоқхон (Ибрат) каби ўзбек маърифатпарварларининг фаолиятлари ҳам кенг жамоатчиликка таниширилади. Олимнинг бу борадаги илмий фаолияти ҳам ўзбек тилшунослиги фани тарихида алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, О. Усмонов илмий хизматларининг ўзига хослигини кўрсатади. Шу маънода, у ўтмишда Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда яшаган маҳаллий ва миллий маърифатпарвар кишиларнинг жонкуяр илмий тарғиботчисидир.

Маълумки, ўзбек тили ниҳоятда кўп шевага эга бўлган тил. Бундай ҳолатда адабий тилнинг ёзув ва талаффуз меъёрларини белгилаш ва тўғри илмий-назарий асосга суюнган ҳолда унинг қоидаларини ишлаб чиқиши мушкул иш эди. 1939–1940 йилларда ўзбек ёзувининг лотин графикасидан рус графикаси асосидаги янги алифбога ўтиши эса ўзбек тилида бу масалани (ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан) тезда ҳал қилиш ишини яна қийинлаштируди. Шундай шароитда О. Усмонов бу масала билан ҳам астойдил шуғулланишга киришди ва умрининг охиригача – қарийб 50 йил мобайнида шуғулланиб келди.

О. Усмонов имло, талаффуз ва алифбо масалаларига бағишлиган 16 та илмий мақола ёзди, луғатлар тузди. У 30-йилларнинг охирлари ва 40-йилларнинг бошларида мактаблар учун «Орфографик машқлар тўплами»ни (ҳамкорликда) тузган эди. У рус графикаси асосидаги янги ёзувда ҳам имло қоидалари ва луғатлар тузди. Унинг «Темирқонунчилар»нинг реакцион назарияларига қарши» («Маданий инқилоб», 1937, 111-сон), «Орфографиямизнинг икки проблемаси ҳақида» («Маданий инқилоб», 1938, 17-сон) «Орфографиямизни ислоҳ қилиш ҳақида» (1938), «Янги ўзбек алфавити» (1938, ҳамкорликда), «Стабил орфографияни яратайлик» (1939), «Янги ўзбек алфавити ҳақида» (1939) каби кўплаб мақолаларида мазкур масалалар чуқур илмий таҳлил қилинган.

Ўзбек адабий тили имлоси, талаффуз қоидалари ҳамда алифбоси, унинг назарий ва амалий масалаларини, уларнинг ишла-

ниш ва такомил тарихини О. Усмоновнинг эзгу меҳнати ҳамда иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. У амалдаги имло қоидала-римизнинг тузувчиларидан бири ҳамdir.

Халқимизнинг саводхонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган адабий тилимизнинг бу соҳасини Олим Усмон домла ҳамиша долзарб масала деб билган ва уни юзаки, шошмашошарлик билан, чуқур илмий-назарий асосга таянмай туриб ҳал қилишга қарши турган.

Ниҳоят, О. Усмоновнинг илмий фаолияти ўзбек тили терминологияси, лексикологияси ва лексикографияси билан ҳам мустаҳкам боғлиқ. Олим ўзбек терминологиясининг назарий асослари билан эса астойдил шуғулланган ва унга бағишлиб бир қанча асарлар ёзган. «Ўзбек илмий терминологиясининг тараққиёти масалалари тўғрисида» («Ўз ФА ахборотлари», 1948, 5-сон), «Ўзбек адабий тилининг тараққиёти хақида» («Звезда Востока», 1949, № 2), «Ўзбек илмий терминологияси масалалари» («Ўрга Осиё ва Қозоғистон халқлари тилларини ўрганиш масалалари» тўплами, Тошкент, 1953), «Ўзбек тилида илмий терминологиянинг тараққиёти тарихи масалаларига доир» (ЎТА, 1972, 2-сон, ҳамкорликда) каби мақолалар ана шундай асарларданdir.

О. Усмонов туркийшунослик илмида ҳамда Ўзбекистон жамоатчилигига машҳур бўлган йирик луғатшунос олим. У катта ҳажмдаги беш жилдли русча-ўзбекча луғат (1950–1955 йиллар) нинг тузувчиларидан ва муҳаррирларидан бири; 1956, 1961, 1964 йилларда мактаблар учун ва оммабоп қилиб чиқарилган русча-ўзбекча луғатлар ҳам у кишининг иштирокида юзага келган. Айниқса, «Интернационал сўзлар луғати» (Тошкент, 1959, 1962), «Русча-интернацонал ўзлашма сўзлар изоҳли луғати» (Тошкент, 1965, 1972, ҳаммуаллиф), «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати» (Тошкент, 1976; муҳаррир ва ҳаммуаллиф) каби йирик-йирик луғатлар ўзларининг илмий-амалий қимматига кўра алоҳида қайд қилиниши зарур бўлган ишларданdir. Устоз тузган ва унинг раҳбарлиги ҳамда иштирокида тузилган бу луғатлар айни чоғда жуда бой тил фактлари йиғиндиси ҳам хисобланиб, келажакда йирик-йирик илмий-тадқикот ишларининг юзага келишига асос сифатида хизмат қилиши шубҳасизdir.

О. Усмоновнинг илмий-педагогик, ноширлик ва, умуман, меҳнат фаолияти Ҳукуматимиз томонидан бир неча фахрий ёрликлар, орден ва медаллар билан тақдирланган. 1973 йилда эса Олим Усмоновга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак унвон берилган.

Катта тажриба ва фундаментал билимга эга бўлган О. Усмоновнинг илмий иш услуби ёш олимларга намуна бўларлидир. Айниқса, олимнинг иш услубидаги ниҳоятда ҳалоллик ва поклик, синчковлик ва янги гап айтиш, ўзига нисбатан ўта талабчанлик ва қаттиқўйлик, камтарлик ва хокисорлик каби фазилатларни алоҳида қайд этиб ўтишни истаймиз. Домланинг илмий раҳбарлигига ўндан ортиқ киши илмий даражага эга бўлди. Ҳозирги ўрта ва катта ёшдаги кўплаб тилщунос олимлар, журналистлар, ноширлар О. Усмоновнинг шогирдлариридир. Уларнинг кўпчилиги янги авлодга ўз билим ва тажрибаларини сингдириш билан машғулдирлар.

*Мақола Олим Усмон таваллудининг
90 йиллигига бағишилаб Н. Қосимов ва
Н. Маҳкамовлар билан ҳамкорликда ёзилган.*

УЛКАН САЛОХИЯТЛИ, ЗАКИЙ ЛУҒАТШУНОС

Устоз луғатшунос Сайдфозил Акобиров ҳаёт бўлганларида бу йил юз ёшга тўлган бўлар эдилар. Ёшлиқдаги ғайрат, техникага қизиқиши туфайли бўлғуси олим 30-йилларда камдан-кам ўзбек ёшларига насиб қиласидан бахтга – Москвада билим олишдек бахтга мұяссар бўлиб, аввал Москва Автотранспорт институтида (1931 – 1932), сўнгра Қизил Армияни моторлаштириш ва механизациялаш ҳарбий академиясида (1932 – 1936) ўқиб, олий ҳарбий маълумотга эга бўлди. Тошкентга қайтгач, ҳаёт тақозоси билан Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги («Ташсельмаш») заводида муҳандис бўлиб ишлаш билан бирга машинасозлик техникумидаги дарс берди. 1939 йилдан 1943 йилгача Тўқимачилик институти талabalariiga маъруза ўқиди, автомактабда устоз-

лик қилди. Ўрта Осиё Индустрисал институти аспирантурасида ўқиди. 1943 – 1945 йилларда армия сафида хизмат қилди. 1945 – 1949 йиллар орасида қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумida ва мактабида ўқитувчи ҳамда директор лавозимларида ишлади. 1949 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг луғат сектори (кейинчалик лексикология ва лексикография бўлимида фаолият олиб борди. Бу давр унинг ҳаётида муҳим йиллар бўлди: фан номзоди, моҳир луғатшунос сифатида элга танилди.

Айтиш керакки, луғатчилик олим ҳаётида салмоқли ўринни эгаллади. Сайдфозил ака тузган луғатлар халқимиз маънавий хазинасидан мустаҳкам ўрин олди. Чунки уларда ихчам, лўнда шаклда халқимизнинг тарихи, фалсафаси, адабиёти, этнографиясига оид маълумотлар акс этган.

С. Акобиров луғатчилик ишига ўтган асрнинг 50-йилларида кириб келди. Аввал у 1950 – 1955 йилларда нашр қилинган беш жилдли «Русча-ўзбекча луғат»да кичик илмий ходим сифатида иштирок этди. Биринчи жилдда техникага оид сўзларни изоҳлаган бўлса, иккинчи ва учинчи жилларда муҳаррир сифатида иштирок этди. Тўртинчи жилдда П ҳарфи билан бошланувчи русча сўзларни ўзбек тилига таржима қилди. Бешинчи жилдда ҳақиқий луғатшунос сифатида С ҳарфи (**снимок** сўзидан охиригача) бўйича луғат тузди. Кўриниб турибдики, С. Акобиров даставвал ўрганувчи луғатшунос сифатида маҳсус терминларни изоҳлаган бўлса, кейинги жилларда ҳақиқий луғатшунослар сафидан жой олди. Оз вакт ичиде бундай муваффакиятга эришви олимнинг изланувчанлиги, меҳнатсеварлиги туфайли бўлди. Сайдфозил ака йирик туркийшунос-луғатшунослар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг иш услубини ўрганди, тажриба ортириди, сўзлар маъносини очишда кўпроқ нимага эътибор бериш кераклигини англади. Энг муҳими, ўзи тузган луғатга ижодий ёндашиб, ютуқ ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқара олди. Биринчи луғатда тўпланган тажриба унинг ҳаётидаги иккинчи катта луғат – бир жилдли «Ўзбекча-русча луғат»ни (Москва, 1959) яратишида асқатди. Кўпчилик туркийшунос олимларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлган ушбу луғатда олим **О, К, Ў**

ҳарфларини тузишда қатнашди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ҳарфлар билан бошланувчи сўзларнинг аксарияти соф туркий (ўзбекча) бўлиб, ўзбек тили луғат бойлигида салмоқли ўринни эгаллайди. Шунингдек, олим ушбу луғатда ҳамкаслари томонидан тузилган ўнга яқин ҳарфлар билан бошланувчи луғат мақолаларини таҳрир қилди, тузатди, тўлдирди.

1960 йили Ўзбекистон Фанлар академияси «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни тузиш ҳақида қарор қабул қилгач, олим бутун вужуди, бутун ғайрати билан изоҳли луғат яратиш ишларига киришиб кетди. Дастлаб у луғатнинг назарий масалалири билан шуғулланиб, турли илмий журнал ва тўпламларда «Ўзбек тили луғатининг баъзи бир масалалари» (1960), «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзлар» (1965), «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида фразеология» (1966), «Некоторые вопросы разработки толкового словаря узбекского языка» (1964), «О границах и источниках толкового словаря узбекского языка» (1971) каби мақолалар эълон қилди, ҳаммуалифликда «Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма» (1964) ҳамда «Қўлланма»да тавсия этилган қоидаларнинг амалда қандай қўлланишини кўрсатиш мақсадида «Ўзбек тилининг луғати макети»ни (1970) яратди. «Макет»га унинг рус тилида ёзган «О составе и построении словаря» мақоласи иловава қилинган эди. Олим икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га салмоқли ҳисса қўшиди: **Б**, **Ж**, **С**, **Т** (қисман) ҳарфлари билан бошланувчи сўзлар луғатини тузди (54 босма табоқ), ҳар иккала жилдда бошқа муаллифлар томонидан тузилган 174 босма табоқ ҳажмидаги луғат мақолаларини дастлабки таҳрирдан чиқарди. 1981 йилда Москвада нашр қилинган ушбу луғат халқимиз саводхонлигини оширишда ва умуман маданиятимиз тарихида муҳим роль ўйнади, айни пайтда тилшуносликнинг нутқ маданияти, услубшунослик соҳаларининг ривожланишига самарали таъсир кўрсатди. Луғат билан танишган ҳар бир киши ўзбекча сўзларни ўзбек тилида изоҳлаш қанчалик машақкатли иш эканлигини англайди. Оддий, кундалик турмушда кенг қўлланувчи **англишвона, бўғирсоқ, нон, ош, чой, элак** каби сўзларнинг изоҳи луғатшуносдан жуда кўп билим ва меҳнат талаб килганлигини тушунади.

Рус тилини мукаммал билган С. Акобиров 1983 – 1984 йилларда республикамиз маданий ҳәётида муҳим роль ўйнаган катта ҳажмли икки жилдли «Русча-ўзбекча луғат» тузишда иштирок этиб, унинг биринчи жилдига муҳаррирлик қилди. Ушбу икки жилдли луғат ўзидан ўттиз йил илгари тузилган беш жилдли русча-ўзбекча луғатдан сўзлар микдори жиҳатидан ҳам, сўз маъноларини изоҳлаш жиҳатидан ҳам тубдан фарқ қиласди. Ушбу луғатда ўтган асрнинг 80-йилларда рус адабий тилида муомалада бўлган деярли барча сўзлар қамраб олинган. Лексикология ва лексикография илмининг охирги ютуқлари асосида тузилган ушбу луғат кенг жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди. Олим ушбу луғатда туркий халқлар ичидаги биринчи бўлиб академик Л. В. Шчерба ғояларини амалга оширди. Л. В. Шчерба ҳеч бир тил иккинчи тилга ўхшамайди, шу сабабли сўз ва тушунчаларни иккинчи тилга изоҳ йўли билан таржима қилиш лозим, шу йўл билан бир тилнинг иккинчи тилдаги изоҳли луғатини яратиш мумкин, деб таъкидлаган эди. Сайдфозил ака рус олимдининг бу ғоясини ушбу «Русча-ўзбекча луғат»да амалга оширди. Бунда унга луғатлар тузиш пайтида тўплаган бой тажрибаси ёрдам берди. Гап шундаки, рус тили ўзига хос мураккаб тил бўлиб, рус халқига хос реалиялардан ташқари, турли хил префиксли (олд кўшимчали) сўзларга бой. Масалан, **бегать** феълини чопмоқ сўзи билан таржима қилиш мумкин. Аммо у **в-**, **до-**, **под-**, **при-**, **про-**, **раз-**, **с-**, **у-** олд кўшимчалари билан турли хил нозик маъноларни ифодалайди. Уларни оддий бир сўз билан таржима қилиш мушкул, фақат изоҳ йўли билан таржима қилиш зарур. Олим туркий луғатчиликда ҳали ҳеч ким қилмаган иш – олд кўшимчали русча сўзларни, жумладан рус тилига хос реалиялар номларини изоҳ йўли билан таржима қилиб, луғатчилик амалиёти ва назариясига муҳим хисса кўшди. Тўғри, бу хил изоҳлаш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Бунга рус тилини мукаммал билишдан ташқари меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат керак. Бахтимизга ана шундай фазилатлар олимда мавжуд бўлгани учун бу иш муваффақиятли якунланди.

XVI асрда яшаган француз филологи ва тарихчиси Скалигер дунёда луғат тузишдан қийинроқ иш йўқ, деганда минг марта ҳақ

эканлигини фақат луғат тузган кишигина тұғри англайди. Француз олимі кишиларни жазоламоқчы бўлсанг, унга луғат туздир, деб қуидаги сатрларни ёзган экан:

Кимики зўр жазоға маҳкум эрса,
Шунинг-чун чекса қайғу, ғам ҳар онда,
Темирчи бўл дема, қийнаб уни сен,
Кўмир қаздирма-ю, ишлатма конда.
Жазо берма, луғат туздиргил унга, –
Бунингдек мушкул иш йўқ ҳеч жаҳонда.

Атоқли рус тилшуноси Л. В. Шчерба ҳам луғат ишининг нихоятда қийин ва мураккаблигини таъкидлаб, Скалигернинг мазкур сатрларини ўзининг «Русча-французча луғат»ига ёзган сўзбошисида XVIII аср рус диний арбоби Феофан Прокопович таржимасида келтиради. Шеърни ўзбек тилига таниқли шоири-миз Набиҳон Чустий аруз вазнига солиб, қойилмақом тарзда таржима қилган.

Сайдфозил ака луғатлар тузиш жараёнида муттасил ўқиб, бошқа луғатшунослар тажрибасини ўрганиб, ўз билимини ошириб борди. Луғат бўйича тўпланган билимларини илмий жиҳатдан тартиблаштириб, 1969 йилда «Русча-миллий луғатларда терминологиянинг лексикографик талқини» мавзууда номзодлик диссертациясини ёқлади. Шу билан бирга, у «Тил ва терминология» (1968), «Луғат – сўз хазинаси» (1977), «Нутқ маданияти ва норматив луғат» (1977) каби рисолаларни нашр эттириди. Бир-бирини тўлдирувчи ушбу рисолаларда олим тил ва терминология, сўз ва термин муносабатлари, терминларнинг ясалиши, терминологик луғатлар тузиш ва терминологияни тартибга солиш йўллари, луғатларнинг турлари ва уларнинг кишилар турмуши ва жамият ҳаётида тутган ўрни, меъёрий луғат, луғат ва нутқ маданияти муштараклиги, ўзбек лексикографияси муаммолари ва истиқболлари масалаларини таҳлил қилиб, ўзининг холисона мулоҳазаларини баён қиласди.

Юқоридагилардан ташқари, С. Акобиров институтдан ташқаридаги нашрларда ҳам синчков муҳаррир ва мохир таржимон си-

фатида иштироқ этган. У «Ҳисоблаш техникасига доир русча-ўзбекча луғат», «Русча-интернашонал сўзларнинг изоҳли луғати», «Математикадан русча-ўзбекча луғат» каби луғатларга ва техникикага оид кўплаб дарсликларга муҳаррирлик қилиб, уларнинг сифатли чиқишига ўз ҳиссасини қўшган, таржимон сифатида эса фан ва техникага оид ўндан ортиқ китобларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Устоз ўз ишини пухта билган, луғатчилик соҳасида ўта синчков ва талабчан, ҳар бир сўз, унинг маънолари ҳакида соатлаб баҳс, мунозаралар қилишдан чарчамайдиган, ўз фикрини исботлашда бир қадар қизиққон олим эди. Бироқ кундалик турмушда у ўз яқинларига, ҳамкаслари ва шогирдларига ниҳоятда меҳрибон, бағрикенг инсон бўлган. Айниқса, эндиғина илм йўлига кириб келаётган ёш шогирдларга оталарча меҳрибонлик қилган пайтлари кўп бўлган. Биргина мисол: Сайдфозил ака ушбу мақола муаллифларидан бири – А. Мадвалиевнинг Тошкентда муқим яшаб қолишига, ҳозирги кунда таниқли луғатчи бўлиб етишишига бевосита сабабчи бўлган. Тошкент шаҳрига рўйхатдан ўтиш қийин бўлган бир даврда оддий лаборант шогирд билан идорама-идора бирга юриб, уни ўз уйига рўйхатдан ўтказдирди, боз устига маҳалласидан бир уйни ижарага олиб берди. Шундан бошлаб А. Мадвалиев узоқ йиллар устознинг луғатчилик фаолиятидаги яқин ҳамкорига айланди. С. Акобиров икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ва икки жилдли «Русча-ўзбекча луғат» материаллари устида ишлаш жараёнида у ёки бу сўзнинг луғатлардаги талқини ҳакида ёш шогирди билан маслаҳатлашар, унинг фикрини билишга қизиқар, шу йўл билан унинг луғатчиликка бўлган иштиёқини кучайтирас эди. Сайдфозил ака Козогистон, Татаристон ва Туркманистандан Тошкентга илмий сафарга келган таниқли луғатчилар билан ўз уйидага уюштирган дўстона мусоҳабаларга А. Мадвалиевни ҳам таклиф этиб, уни бу сұхбатлардан баҳраманд қилиб, луғатчилик сир-синоатларини пухта эгаллашига катта ёрдам берган эди.

Машхур француз файласуфи ва математиги Рене Декарт (XVIII аср) луғатларнинг аҳамияти ҳакида шундай ёзган экан: «Сўзларнинг маъноларини тушунтириб беринг, шунда сиз инсо-

ният оламини англашилмовчиликларнинг ярмидан халос қилган бўласиз!» Ҳақ гап. Сайдфозил ака иштирокида тузилган луғатларни ўқиган ҳар қандай киши бир умр англашилмовчиликлардан халос бўлади, десак муболага бўлмайди.

XX аср ўзбек лексикографиясининг дарғаларидан бири, филология фанлари номзоди, ажойиб инсон, меҳрибон устоз Сайдфозил Акобиров ўзининг луғатчилик ва луғатшунослик соҳаларидаги бетакрор ишлари билан уни таниган ёш ҳамкаслари ва шогирдлари қалбида яна узоқ йиллар яшаб қолади.

*Мақола С. Акобиров таваллудининг
100 йиллигига бағишилаб Э. Умаров билан
ҳамкорликда ёзилган.*

СЕРҚИРРА ТИЛШУНОС

Ўзбек тилшунослигининг ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли олим, тиниб-тинчимас тадқиқотчи, моҳир педагог, талабчан ва меҳрибон устоз, филология фанлари доктори, профессор Фаттоҳ Абдуллаев таваллудига яқинда юз йил тўлади.

Инсоннинг қадр-қиммати унинг неча йил умргузаронлик қилгани билан эмас, балки қандай умр кўргани, жамиятга қанчалик наф келтиргани, эзгу амалларининг салмофи билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ф. Абдуллаевнинг умр дафтари ранг-баранг саҳифаларга бой, илмий фаолияти ниҳоятда сермаҳсул, мashaққатли ва сермазмун.

Олим ўзбек тилшунослигининг деярли барча соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб бориб, замондошлиари ва келгуси авлод учун бекиёс аҳамиятга молик, қимматли илмий-маънавий мерос қолдирди.

Маълумки, домланинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида унинг ҳамкаслари ва шогирдлари томонидан қатор мақолалар, хотира китоблари битилган. Лекин Ф. Абдуллаевнинг ўзбек тилшунослигининг ривожи учун қўшган ҳиссаси, чеккан заҳматлари, қолдирган илмий мероси шу қадар залворли ва аҳамиятлики,

уни келгуси авлодга етказиш учун ҳар қанча ташвиқ ва тарғиб қылсак, оз.

Фаттоҳ Абдуллаев 1914 йилнинг 16 январида Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида туғилган. 1920 – 1924 йилларда бошланғич диний мактабда ўқиб, сўнг янги йўналишдаги мактабга борган. 1929 йилда етти йиллик мактабни, 1933 йилда Каттақўргон шаҳридаги педагогика техникумини битирган. 1933 – 1934 йилларда «Каттақўргон ҳақиқати» газетасида адабий ходим бўлиб ишлаган.

Бўлғуси олим 1934 – 1939 йилларда Ленинград университетида ўқиб, у ерда машҳур шарқшунослар: И. Ю. Крачковский, А. Н. Самойлович, И. И. Мешчанинов, Е. Э. Бертельс каби таниқли олимларнинг таълимини олиб, тил илми бўйича фундаментал билимга эга бўлгач, Ўзбекистонга қайтади. У 1939 – 1944 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Айни йилларда (1941 – 1944) шу институтнинг аспиранти ҳам бўлган. Ўша даврда республикада олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёж катта эди. Шу туфайли Ф. Абдуллаевни 1944 йилда Ўзбекистон Маориф вазирлигининг буйруғи билан Наманган ўқитувчилар институтига юборишидади. Домла бу ерда педагогик фаолиятини қизгин давом эттириш билан бирга ўзбек тили луғат таркибидаги араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлар устида илмий изланиш олиб бориб, 1946 йилда «Ўзбек тилида арабизмлар» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қиласиди. Бу иши билан у ўзбек тилининг луғат таркиби тараққиётida рўй берган ўзгаришларнинг тарихий илдизларини илмий асосда ёритиб беради.

1947 йилда олимни Ўзбекистон ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига ишга чақирадилар ва у ерда ҳозирги ўзбек тили секторининг мудири вазифасида ишлайди. 1950 йилда у яна ўқитувчилик ишига жалб қилиниб, 1950 – 1951 йилларда Белинский номидаги Тошкент кечки педагогика институтида ишлайди.

1956–1957 йилларда яна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида фаолият олиб борди. 1957 йилда Ўзбекистон ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига ишга қайтади ва то умрининг охиригача катта илмий ходим, хо-

зирги ўзбек тили ҳамда туркий тилларни қиёсий ўрганиш секторлари мудири лавозимларида ишлайди.

Олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти билан танишар эканмиз, у педагогик фаолиятини илмий-тадқиқот ишлари билан уйғунликда олиб борганлигини кўрамиз. У қаерда ишламасин, ўша ернинг турмуш тарзи, урф-одати ва маданияти, халқ оғзаки ижоди, шевасининг ўзига хос хусусиятларини синчковлик билан ўрганади ва илмий жиҳатдан таҳлил қиласди.

Маълумки, ўтган асрнинг ўрталарида тилшунослик масалалари бўйича қизгин мунозаралар бошланиб кетади. Инсонлар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситаси бўлган «Тил синфийми ёки синфий эмасми?» деган баҳс-мунозарада академик Н. Я. Маррни ёқлаб чиққанлиги учун Фаттоҳ Абдуллаевни Хоразм давлат педагогика институтига ишга юборадилар. Халқ ибораси билан айтганда, «йиқилган еридан бир сиқим тупроқ олиш»га одатланган домла 1951 – 1956 йиллар давомида Хоразм педагогика институтида ишлаб, талабаларга тил илмидан дарс бериш билан бирга, бу қадимий ўлка халқининг тарихи, маданияти ва шеваларини чуқур ўрганишга бел боғлади. Чунки Хоразм шевалари олим учун «очилмаган кўриқ» эди. У ўзбек тилининг ўғуз ва қипчоқ лаҳжаларига оид шевалар бўйича материал тўплаш мақсадида Хоразм воҳаси, кўшни Қорақалпоғистон ва Туркманистон ҳудудларида жойлашган 300 дан ортиқ қишлоқни гоҳ пиёда, гоҳ от-аравада, гоҳ велосипедда кезиб, турли тоифадаги ва турли ёшдаги кишилар билан дилдан сухбатлашиб, уларнинг оғзидан ҳикоя, мақол, матал, кўшиқ ва эртакларни ёзиб олиб, нихоятда бой материал тўплайди. Тўпланган материалларни ҳам ҳудудий жиҳатдан, ҳам тил хусусиятларига кўра тасниф қиласди, уларни қиёсий-тарихий жиҳатдан чуқур таҳлил этиб, ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларини аниклади, шеваларни ўзаро, шунингдек, адабий тил билан чоғиштириб, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини мисоллар асосида тавсифлаб беради. Тинимсиз изланишлар натижаси ўлароқ олимнинг шевашуносликка оид бир қатор мақолалари ва монографиялари эълон қилинди. Чунончи, «Урганч шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари» (1957), «Жанубий Хоразм шевалари тарихига доир» (1958), «Ўзбек тили

Хоразм шеваларининг таснифи масаласи» (1961), «Қипчоқ-ўғуз шеваларида п, б, в мослиги ҳақида» мақолалари, «Хоразм шевалари» (1961), «Хоразм шевалари фонетикаси» (1967) монографиялари ва бошқалар чоп этилади. Бу ишларнинг пировардида олим 1961 йилда «Ўзбек тили Хоразм шеваларининг фонетикаси» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва 1965 йилда унга филология фанлари доктори илмий даражаси, 1969 йилда эса профессор илмий унвони берилди.

Ф. Абдуллаевнинг Хоразм шеваларига оид фундаментал асарлари, таъбир жоиз бўлса, рус шарқшунос олими С. П. Толстовнинг «Древний Хорезм», биринчи ўзбек археолог олими Яхё Ғуломовнинг «Хоразмнинг сугорилиш тарихи», М. Йўлдошевнинг «Хива хонлигига ер-сув солиғи ва давлат тузилиши» асарлари билан бир қаторда турганлигини эътироф этиш ўринлидир. Зоро, домланинг юқорида қайд этилган асарларисиз Истиқлол шарофатидан юзага келган кенг тармоқли «Хоразмшунослик» фани кемтиқ бўлиб қолган бўлар эди.

Табиийки, домла Хоразмда яшаб ижод этган давр мобайнида тадқиқот учун материал тўплаш жараёнида факат ўзигина меҳнат қилиб, заҳмат чекиб қолмай, илмга қизиқувчи кўпчилик ёшларни, талабаларни ҳам бу хайрли ишга жалб қилдики, бу уларнинг қалбида ўз юргита, ўз она тилига муҳаббат, илмга ҳавас туйғуларини уйғотди, Хоразмда бўлғуси шевашунос олимлар авлодининг етишиб чиқиши учун замин яратди.

Олим шевашунослик бўйича изланишларини давом эттириб, «шимолий ўзбек шевалари» деб ҳисобланган, Чимкент вилояти худудида жойлашган Иқон, Қарноқ, Қорабулоқ каби қишлоқларда яшовчи ўзбекларнинг шеваларини ҳам ўрганди. Бу шеваларни ўғуз лаҗжасига мансуб бошқа шевалар билан қиёслаб, уларнинг ўзига хос фонетик, лексик, морфологик ва синтактик хусусиятларини таҳлил этди. Бу тадқиқотларининг натижаси сифатида 1978 йилда «Ўзбек тилининг ўғуз лаҗжаси» номли монографиясини нашр эттириди.

Ф. Абдуллаев ўзининг илмий фаолиятида факат шевашунослик билан чегараланиб қолмай, ўзини ўзбек тилшунослигининг барча соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб борган кўп қиррали, заҳматкаш тадқиқотчи сифатида намоён этди. У кўп йил-

лар давомида ўзбек тилининг тарихий тараққиёти масалалари билан шуғулланиб, ушбу масалага оид талайгина илмий мақолалар ёзди. Масалан: «Ўзбек тили тарихидаги бир фонетик мослик ҳақида» (1958), «Алишер Навоий асарларида унли товушлар уйғунлиги масаласига доир» (1966), «XV аср ўзбек адабий тилида ўғуз традицияси» (1968), «Туркий тиллар тарихида *у/а* мослиги» (1970), «Эски ўзбек тилида форс-тожик ва арабча изофалар қўлланишининг баъзи хусусиятлари» (1984) ва бошкалар.

Олим ўзбек миллий тилининг шаклланиши ва ривожланиши, бу жараёнда умумий ва хусусий ҳолатлар, миллий адабий тил ва жонли тил – шевалар ўртасидаги муносабат, адабий тилнинг структур ва функционал ўзгаришлари ва бу ўзгаришларни юзага келтирувчи ички ва ташки омиллар каби масалалар билан қизиқиб, бу мавзуга оид «Адабий тилнинг функционал ривожланиши масалалари» (1974), «Миллий тилларнинг ривожланишида умумий ва хусусий моментлар» (1972) каби мақолалар, «Тил қандай ривожланади?» (Тошкент: Фан, 1979) номли рисола эълон қилди. Бу ишларда кейинги йилларда ўзбек тилининг фонетикаси, лексикаси ва грамматикасида рўй берган ўзгаришлар таҳлил этилади; тил тараққиёти жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлиқлиги, миллатлар ҳаётида юз берган ҳар қандай ўзгариш миллий тилларда ўз аксини топиши, шунингдек, миллий тилнинг ривожланишига таъсир қилувчи ички омиллар ҳам мавжудлиги айтилади. Тилда рўй берган ўзгаришлар ва янгиликларни аниқлаш, уларни юзага келтирган сабаб ва қонуниятларни очиш учун бу ҳодисаларни алоҳида ўрганиш, текшириш зарурлиги таъкидланади.

Домла ўзбек тилининг синтактик қурилишида юз берган ўзгаришларга алоҳида аҳамият бериб, сўз бирикмалари синтаксиси масалалари билан ҳам жиддий шуғулланди. «Сўз бирикмалари синтаксисидаги янгиликлар ҳажм эътибори билан ҳам, лексик-семантик нагруззканинг ғоят кенг ва мураккаблиги нуқтаи назаридан ҳам маҳсус текширишни талаб этадиган синтактик ҳодисалар», – деб таъкидлайди домла ўзининг «Тил қандай ривожланади?» номли рисоласида.

Олим ўзбек тилининг лексикасида, морфологияси ва синтаксисида рўй берган ўзгаришлар ҳақида фикр юритар экан, бу ўз-

гаришлар, биринчидан, тилнинг ўз ички имкониятлари асосида ривожланишининг ҳосиласи бўлса, иккинчидан, ўзбек тилига рус тилининг таъсири натижасида юзага келган янгиликлардир, деган холосага келади.

Дарҳақиқат, рус тилининг ўзбек тилига таъсири натижасида сўз бирикмалари қурилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди: кўмакчили конструкцияларнинг қўлланиш доираси анча кенгайганлигини қўришимиз мумкин: *китоб устида ишламоқ, тинчлик учун кураш, айёмлари билан, тугилган кунингиз билан* каби. Шунингдек, битишув ва бошқарув йўли билан юзага келган сўз бирикмаларининг ҳажми ва қўлланиш доираси анча кенгайиб, ривожланиб бораётганлиги ҳам рисолада мисоллар билан асослаб берилган.

Дарвоқе, домла сўз бирикмалари синтаксиси устида жиддий ишлади ва бу соҳадаги изланишларининг натижасида «Сўзлар ўзаро қандай боғланади?» номли рисола (Тошкент: Фан, 1974) эълон қилди. Мазкур рисолада сўз бирикмаси нима?, у бошқа сўз қўшилмаларидан қай жиҳатлари билан фарқ қиласи?, сўзларнинг ўзаро боғланishiда қандай усуллар ва воситалар мавжуд?, синтактик алоқа нима?, синтактик муносабат нима?, синтактик алоқа ва синтактик муносабатларнинг қандай турлари мавжуд? каби саволларга атрофлича жавоб берилади. Рисолада сўз бирикмалари компонентлари боғланishi усулига кўра турларга ажратилади ва атрофлича таҳлил этилади: битишувли бирикмалар, бошқарув йўли билан юзага келган бирикмалар каби.

Битишувли бирикмалар, ўз навбатида, эргаш ва бош сўзларнинг қайси туркумга оидлигига кўра турларга ажратилиб, уларнинг ҳар бирида қандай синтактик муносабатлар ифодаланиши мисоллар билан изоҳлаб берилади. Масалан: *мовут чопон, чилвир белбог* каби бирикмаларда предмет ва унинг нимадан ясалганлиги ифодаланади ва шу кабилар.

Бошқарув йўли билан ҳосил қилинган сўз бирикмалари ҳам бош сўзларнинг қайси сўз туркумига оидлигига кўра (отли, сифатли, феълли каби) турларга ажратиб таҳлил этилган Масалан: *ватанга муҳаббат, денгиздан қатра, меҳнатда фидокор, ёшликтан таниш, ота-онани ҳурмат қилиши* кабилар.

Ушбу мақола муаллифларидан ҳамда Ф. Абдуллаевнинг истеъ-додли шогирдларидан бири (Ф. Иброҳимова) шундай хотирлайди: «Домла сўз бирикмалари синтаксиси билан фақат ўзларигина шуғулланиб қолмай, бу масалани тадқиқ этишга шогирдларини ҳам жалб этдилар. Маълумки, профессор Ф. Абдуллаев ҳаёти ва илмий фаолияти давомида кўплаб шогирдлар этиштирган. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида у кишининг шогирдлари бор. Камина ҳам домланинг шогирдларидан бириман. Мен устоздан номзодлик диссертацияси учун қайси мавзуни танласам экан, деб маслаҳат сўраганимда, у киши ҳеч иккilanмай, «Сўзлар орасидаги синтактик муносабатларнинг ифодаланиши» деган мавзууда реферат ёзиб келишни тавсия этдилар. Мен айтилган муддатда рефератни тайёрлаб бордим. Домла ишм билан танишиб чикиб маъқулладилар ва шу заҳотиёқ камчиликларимни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Натижада номзодлик диссертацияси мавзуси «Ҳозирги ўзбек адабий тилида от бошқаруви» бўлади деган тўхтамга келдик. Дастрраб мен бироз чўчидим, чунки мавзу тордек кўринди менга. Лекин мавзуга оид адабиётларни ўрганиш, материал тўплаш, уларни таснифлаш ва таҳлил қилиш жараёнида шунга амин бўлдимки, устоз менга бу мавзуни тадқиқ этишни тавсия этиб, жуда тўғри иш қилган эканлар.

Устоз ўта талабчан, камчиликларга муросасиз, лекин жуда меҳрибон, соғдил инсон эдилар. У киши менга сўз бирикмалари бўйича изланишни давом эттиришимни, от бошқарувли бирикмалар билан бирга феъл бошқарувли бирикмаларни ҳам тадқиқ этишни маслаҳат бердилар. Натижада устоз билан ҳамкорликда «Ўзбек тилида бошқарув» номли монография тайёрладик ва 1982 йилда нашр эттиридик. Домланинг сўз бирикмалари синтаксиси бўйича ёзган ишлари 1976 йилда «Фан» нашриётида чоп этилган «Ўзбек тили грамматикаси»нинг 2-жилдida алоҳида боб сифатида берилган. Ушбу бобдан бошқарувли бирикмалар ҳам ўрин олган. Мен профессор Ф. Абдуллаевнинг шогирди бўлганимдан фахрланаマン. Мени илм оламига етаклаб кирган домланинг маслаҳатлари, насиҳатлари ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди: «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин. Ҳеч қачон одамийликни йўқотманглар» деган ўйтлари ҳамон қулоғим остида жаранглаб тургандек бўлади».

Ўзбек тили шевашунослиги, фонетикаси, грамматикаси ва унинг тарихи бўйича амалга оширган асосли илмий тадқиқотлари билан нафақат республикамиз, балки қўплаб хорижий мамлакатларда забардаст тилшунос сифатида ном қозонган Фаттоҳ Абдуллаев айни пайтда моҳир таржимон ҳам бўлган. У ўтган асрнинг 50 – 60-йилларида Умар Хайём рубоийлари ҳамда туркман шоири Камина шеърларидан намуналарни, туркман адаби Б. Кербобоевнинг «Дадил қадам» ва «Небитдоғ» романларини, Жек Лондоннинг бир қанча ҳикояларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган.

Фаттоҳ Абдуллаев республикада филолог илмий кадрлар тайёрлаш ишига ҳам салмоқли ҳисса қўшган олимлардандир. У бевосита 4 та докторлик диссертациясига илмий маслаҳатчи ва 14 та номзодлик диссертациясига илмий раҳбар бўлган. Шунингдек, 10 та докторлик ва 30 дан ортиқ номзодлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилган.

Ф. Абдуллаевнинг ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослик соҳасида олиб борган фундаментал тадқиқотлари юксак баҳоланиб, 1984 йилда унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилган. Туркий тиллар соҳасида олиб борган изланишлари учун эса 1978 йилда «Turk dil qurumî»нинг (Туркия) мухбир-аъзолигига сайланган.

Фаттоҳ Абдуллаев 1985 йил 9 сентябрда Тошкент шаҳрида дунёдан ўтди. Халқимизда «Яхшидан боғ қолади» деган нақл бор. Домла ҳозирда жисман орамизда бўлмасалар-да, у кишидан ҳеч қачон ўз қимматини, аҳамиятини йўқотмайдиган, ўзбек тилшунослигининг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган илмий мақолалар, монографиялар, рисолалар, дарслер ва қўлланмалар биз учун, келгуси авлод учун бебаҳо илмий мерос бўлиб қолди. Устознинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳам илм йўлида риёзат чекишни ўзига мақсад қилиб қўйган ёшлар учун намуна, ибрат бўларлидир.

Заҳматкаш олим, қалби дарё инсон, профессор Ф. Абдуллаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланади.

*Мақола Ф. Абдуллаев тавалудининг
100 йиллигига багишлаб Ф. Иброҳимова
билан ҳамкорликда ёзилган.*

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИ ДУНЁГА ТАНИТГАН ОЛИМ

Ўзбек тилшунослиги ва туркийшуносликнинг равнақига салмокли ва самарали ҳисса қўшган йирик олим, моҳир педагог ва истеъдодли тадқиқотчи, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фанарбоби, филология фанлари доктори, профессор Фанижон Абдураҳмоновнинг туғилганига 90 йил, илмий-педагогик фаолиятига карийб 70 йил тўлди.

Фанижон Абдураҳмонов 1925 йил 3 декабрда Фарғона шахрида хизматчи оиласида туғилди. У 1942 йилда Фарғона шаҳридаги 1-ўрта мактабни аъло баҳолар билан битириб, Улугбек номидаги Фарғона давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишига киради. Уни 1946 йилда имтиёзли диплом билан тутагатгач, шу институтда (1946–1950) ўқитувчи бўлиб ишлади. Ана шу даврдан бошлаб бўлажак олимнинг ижоди камол топа бошлади.

Тилшунослик фанига дадил кириб келган F. Абдураҳмонов ўз педагогик фаолиятини илмий иш билан боғлиқ ҳолда олиб бориб, 1950 йилда Самарқанд давлат университетида профессор Улуг Турсунов раҳбарлигига «Хозирги ўзбек тилида сифатларнинг отлашуви» мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди.

Истеъдодли олим 1950–1958 йилларда Фарғона давлат педагогика институтида ўзбек тили кафедраси мудири, проректор ҳамда ректор вазифасини бажарувчи лавозимларида хизмат қилди. 1958–1966 йиллар мобайнида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида аввал ўзбек тили тарихи, сўнг ўзбек тилини тарихий-киёсий ўрганиш сектори мудири, 1967–1971 йилларда Улугбек номидаги Фарғона давлат педагогика институти ректори сифатида фаолият кўрсатди. 1971–1978 йилларда Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири лавозимида ишлади. 1978–1983 йилларда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти ректори, 1983–1988 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректори, 1989–1991

йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитасининг раиси, 1991–1997 йилларда ЎзРФА Тилшунослик институтининг бош илмий ходими, 1997–2014 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институти туркиёт кафедраси профессори лавозимларида хизмат қилди.

Ғ. Абдураҳмоновнинг илмий ишлари фонетика, морфология, синтаксис, тил тарихи, тарихий фонетика, қиёсий грамматика, қадимги ёдгорликлар тили, миллый тиллар тараққиёти, нутқ маданияти ва услубшунослик, олий, ўрта маҳсус ҳамда ўрта таълимда она тилини ўқитиш каби қатор соҳаларни қамраб олган бўлиб, улар илмий принципиаллиги, фактларга бойлиги ва тадқиқот усулининг пухталиги билан умумтуркийшшунослик аҳамиятига эгадир. Хусусан, забардаст олимнинг ўзбек тилидаги «Ажратилган иккинчи даражали бўлаклар», «Бир составли гапнинг типлари ҳақида», «Қўшма гап синтаксиси асослари», «Эргаш гапли қўшма гаплар масаласи», «Миллый тилларнинг тараққиёти масаласи», «Ўзбек тили синтаксисидаги мураккаб гаплар масаласига доир», «Ўзбек тили фонетикаси тарихидан», «Ўзбек тилшунослигининг актуал проблемалари», «Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида», «Стилистик нормалар ҳақида», «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» (ҳаммуаллифликда), «Ҳозирги ўзбек адабий тили. II қисм. Синтаксис» (ҳаммуаллифликда), «Ўзбек тилидан қўлланма», «Қўшма гап», «Пунктуациядан таблицалар», «Пунктуация ўқитиш методикаси», «Девону луготит турк» (Индекс-луғат, ҳаммуаллифликда), «Ўрхун ёдномалари тилида қўшма гап конструкциялари», «Қадимги туркий тил» (ҳаммуаллифликда), «Навоий тилининг грамматик хусусиятлари» (ҳаммуаллифликда), «Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиш тарихи», «Ўзбек тили ва адабиёти» (ҳаммуаллифликда), «Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис» (ҳаммуаллифликда), «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (ҳаммуаллифликда); рус тилидаги «За дальнейшие успехи узбекской филологии» (ҳаммуаллифликда), «Грамматический очерк старотюркского языка» (ҳаммуаллифликда), «Исследование по старотюркскому синтаксису», «К вопросу развития сложных предложений», «К изучению синтаксиса тюркских языков», «Некоторые вопросы сравнительно-типологических ис-

следований» каби асарлари ва мақолалари, дарслклари ва бошқа кўплаб қўлланмалари ўзининг назарий жиҳатдан чуқурлиги, баён этилган фикрларнинг ҳаққонийлиги, бой фактик материалнинг тӯғри ёритилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Фанижон Абдураҳмонов энг сермаҳсул ўзбек тилшуносларидан биридир. Ҳозирги вақтгача олимнинг қаламига мансуб бўлган ва нашр этилган ишларнинг рўйхати 200 га яқин бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 380 га яқин босма табоқни ташкил этади.

Ҳар қандай олимнинг фан олдидағи хизмати яратган асарларининг микдори билан эмас, балки қандай ғоялар берганлиги, фанга қандай янгилик киритганлиги билан белгиланади. Фанижон Абдураҳмоновнинг илмий меросига ана шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, у ўзбек тилшунослигига бир қатор янги ғоялар олиб кирганигининг гувоҳи бўламиз.

Гарчи тиллар бажарадиган вазифаси, онтологик табиати нуқтаи назаридан умумийлик касб этса ҳам, лекин ички тузилиш хусусиятлари жиҳатидан ўзига хосликка эга. Ана шундан келиб чиқкан ҳолда, F. Абдураҳмонов ўзининг қўшма гапларга бағишланган монографиясида ўзбек тили қўшма гаплари ҳинд-европа тиллари қўшма гаплари тузилишидан бирмунча фарқ қилиши, шунинг учун уларни ўрганишда Европа тилшунослиги анъана-ларидан воз кечиши лозим деб ҳисоблайди.

Олимнинг ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксиси ва тарихий синтаксисига доир илмий тадқиқотларида туркийшуносликда биринчилар қаторида энг мураккаб синтактик муаммолар тилга олиниб, улар назарий ва амалий жиҳатлардан тӯғри ҳал этиб берилди. Қўшма гап синтаксиси масаласида қўшма гапга унинг барча белгиларини ўзида мужассамлаштирувчи оригинал, аниқ таъриф беради, қўшма гап объектини белгилаш орқали эса унинг тузилишидаги нозик синтактик ҳолатларни синчковлик билан аниқлайди.

Системавий тадқиқ усули ўзбек тилшунослигига XX асрнинг 70–80-йилларидан кириб келган бўлса ҳам, лекин унинг айрим белгилари F. Абдураҳмонов изланишларида 60-йиллардаёқ на-моён бўлганини кузатамиз. Хусусан, олим қўшма гапларни икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг ўзаро мазмуний, грамматик ва

интонацион муносабатидан ташкил топған бутунлик эканлигини таъкидлайди.

Объектга система сифатида ёндашувчи ҳар қандай фан унинг таркибий қисмлардан ташкил топишини тан олиш билан бирга, таркибий қисмлар ҳамда улар билан бутун ўртасидаги муносабатларни ўрганишга асосий эътиборни қаратади. Бутунлик таркибий қисмларнинг оддий йигиндисидан ташкил топмаслиги, қисмлар бутунлик таркибида ўзига хос хусусиятга эга бўлиши, бутунлик эса алоҳида-алоҳида қисмларида мавжуд бўлмаган янги сифатга эга бўлишини эътироф этади. F. Абдураҳмонов ҳам кўшма гапларга бир бутунлик сифатида ёндашар экан, унинг таркибий қисмлари бўлган содда гаплар бутун таркибида мазмуний, грамматик ва интонацион мустақиллигини йўқотишини баён қиласди. Шу билан биргаликда, кўшма гапларнинг моҳиятини ёритиш учун бутунлик таркибидаги қисмларнинг ўзаро муносабатига таянади.

Ганижон Абдураҳмоновнинг новаторлиги айрим лисоний тушунчаларнинг таснифида ҳам кўзга ташланади. Формал мантиқ тушунчалар таснифида учинчиси истисно қонунига амал қиласди. Формал мантиқ андозалари асосида шаклланган анъанавий тилшуносликда бу нарса ўз таъсирини кўрсатиб келди. Ҳатто структур тилшуносликда ҳам лисоний тушунчалар таснифида бинар тамойил устунлик қилди. F. Абдураҳмонов ўзбек тилшунослиги тарихида илк марта кўшма гапларни бинар тамойил асосида эмас, балки тринар тамойил асосида тасниф этди. Шу билан бирга, кўшма гапларнинг учала турига ҳам кирмайдиган, уларнинг ҳар бирининг белгисини ўзида намоён қилган алоҳида типдаги кўшма гапларнинг ҳам мавжудлигини, бундай гаплар кўшма гапларнинг ўткинчи тури эканлигини баён қилди.

F. Абдураҳмонов кейинчалик кўшма гаплар таснифига қўллаган юқоридаги тамойилни гапларнинг тузилишига кўра таснифига ҳам татбиқ этди: гапларни одатдагидек содда ва қўшма гапларга эмас, балки содда, мураккаблашган ва қўшма гапларга ажратди. Шу билан биргаликда, содда ва қўшма гаплар оралиғидаги уларнинг ҳар иккисига хос белгиларни ўзида мужассам этган мураккаблашган гаплар ва мураккаблаштирувчи воситаларни

ўрганишга алоҳида эътибор қаратди. Олим содда гап қисмлари таснифида ҳам ана шу бош тамойилга содик қолди: у гапни бўлакларга ажратишда бош ва иккинчи даражали бўлакларга ажратип етарли эмаслиги, гапнинг учинчи даражали бўлакларини ҳам ажратиш мумкинлигини қайд этди. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда F. Абдураҳмоновни ўзбек тилшунослигига лисоний тушунчалар таснифининг бинар тамойили ёнига тринар тамойилни олиб кирган тилшунос деб эътироф этишимиз мумкин.

Ғанижон Абдураҳмонов гапларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги хусусиятларини ўрганиш билан бирга, унинг тарихий тараққиётини ўрганишга ҳам астойдил киришди. Туркий тиллардаги қўшма гаплар тарихий тараққиётини ўрганиш баробарида тилларнинг тарихий тараққиёти ҳақидаги умумий тилшуносликка дахлдор қонуниятларни ўрганиш баробарида тиллуносликка бағишлиланган тадқиқоти туркий тилшуносликка катта муваффақият қозонди ва Москвада рус тилида нашр этилди. Бу билан F. Абдураҳмонов ўзбек тилшунослигига диахрон синтаксисга асос солди. Диахрон синтаксисда орттирган тажрибасини тилнинг бошқа сатҳ бирликларини ўрганишга ҳам татбиқ эта бошлади.

F. Абдураҳмонов ўзбек тили синтактик бирликлари рус тилшунослиги андозалари асосида тадқиқ этилган илмий изланишларни танқидий баҳолади ва уларга объектив талқин берди. Ана шундай синтактик ҳодисалардан бири сифатдош ва ҳаракат номи ўрамларидир. Бу ҳодисалар бир қатор рус туркий тилшунослари томонидан қўшма гап таркибидаги бир содда гап деб баҳоланган эди. F. Абдураҳмонов уларни қайси ҳолатда қўшма гап таркибидаги содда гап, қайси ҳолатда эса содда гапнинг кенгайган бўлаги бўлиши мумкинлигини илмий асосслаб берди.

Етук олим F. Абдураҳмонов ўзбек тили тарихини ўрганишни замонавий фан талаби даражасига кўтаришда жуда катта ишларни амалга оширди: унинг қўшма гапларнинг тарихий тараққиёти, Ўрхун ёдгорликлари тилида қўшма гап конструкциялари, қадимги туркий тил синтаксиси бўйича тадқиқотлари, шунингдек, тарихий фонетикага, тарихий синтаксисга, қиёсий-тарихий тилшуносликка доир илмий тадқиқотлари дикқатга сазовордир. Ўз даврида ўзбек адабий тилини даврлаштириш, ўзбек тилшунос-

лиги олдида турган мұхим масалалар ҳам олимнинг назаридан четда қолмади.

Ганижон Абдурахмонов олий ўкув юртлари, академик лицей ва ўрта мактабларда тил ўқитиши сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича ҳам баракали меҳнат қилиб келди. Унинг юқорида тилга олинган, олий ўкув юртларининг филология факультетлари талабалари учун ёзган «Ҳозирги ўзбек адабий тили. II қисм. Синтаксис», «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси», «Ўзбек тили грамматикаси (синтаксис)», «Қадимги туркий тил», ноғилологик олий ўкув юртлари талабалари учун ёзган «Ўзбек тили ва адабиёти», академик лицейлар учун ёзган «Ҳозирги ўзбек адабий тили», ўрта мактабларнинг X-XI синфлари учун яратган «Она тили» дарслклари бир неча йиллар мобайнида қайта-қайта нашр қилиниб, ҳозиргача ҳам ёшларни тил таълимига ошно этишга хизмат қилиб келмоқда.

Ганижон Абдурахмонов тарихий манбаларни тадқиқ этиши ва уларни нашр қилишда ҳам жонбозлик кўрсатди. Жумладан, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарининг нашрга тайёрланиши ва индекс-луғатининг тузилиши (1960 – 1967), Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» асарининг нашр этилишида (1971) унинг ҳаммуаллиф, муҳаррир, тақризчи сифатида хизматлари катта. Кейинчалик ҳам F. Абдурахмонов бу манбалар устида ишлашни давом эттириди ва 2010 – 2011 йилларда ҳамкорликда «Қутадғу билиг» асарини қўзлётзмалари асосида унинг 5 жилдли илмий-танқидий матнини тайёрлаб, русча таржимаси билан эълон қилди.

Ганижон Абдурахмонов халқаро миқёсда ўтказилган илмий анжуманларда фаол иштирок этиб келди. У собиқ иттифоқдаги йирик илмий марказлар (Москва, Ленинград, Тошкент, Боку, Қозон, Олмаота ва б.)дан ташқари яна 1966 йил сентябрь ва 1973 йил октябрда Туркияning Анқара ва Истанбул шаҳарларида, 1976 йил июнда Хельсинкида бўлиб ўтган туркийшуносарнинг халқаро йиғилишларида илмий маъruzalар қилди.

Ганижон Абдурахмонов юқори малакали тилшунос илмий кадрлар тайёрлаш борасида ҳам самарали фаолият кўрсатиб келди. Шу кунгача унинг раҳбарлигига 6 та фан доктори ва 38 та фан номзоди этишиб чиқди. Шунингдек, у 50 дан ортиқ ном-

зодлик ва докторлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилиб, уларга холисона баҳо берган.

Фанижон Абдураҳмонов йирик олимгина эмас, балки таниқли жамоат арбоби ҳамдир. У ўн йилга яқин Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири, қатор йиллар мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлари (Фарғона давлат педагогика институти, Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти, Тошкент давлат педагогика институти) ректори ва бошқа вазифаларда фаолият кўрсатди. F. Абдураҳмонов қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, ўзини самимий ва ҳалол инсон, истеъододли ва сермаҳсул олим, моҳир педагог, ишчан ва қатъиятли раҳбар сифатида намоён этди. Шунинг учун ҳам устознинг илм-фан, эл-юрт олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди: у ҳукуматнинг бир қанча орден ва медалларига, фахрий ёрлиқларига сазовор бўлди, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг «Шуҳрат» медали билан мукофотланди, ЎзР Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонларига эга бўлди.

Хуллас, Фанижон Абдураҳмонов ўзбек тилшунослиги ютуқла-рини бутун туркий оламга танитишда баракали хизмат қилди.

Академик Фанижон Абдураҳмонов бугун қутлуғ 90 ёшини қаршилаётган экан, биз, шогирдлар ва ҳамкаслар, муҳтарам устозни табаррук ёшлиари билан чин дилдан муборакбод этамиз ва устозимизга Оллоҳдан узоқ умр, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, оиласиб бахт-саодат тилаб қоламиз.

*Мақола F. Абдураҳманов таваллудининг
90 йиллигига бағишилаб Н. Маҳмудов А. Мамажоновлар
билин ҳамкорликда ёзилган.*

ЧИН ИНСОН ВА ЗУККО ОЛИМ ҲАҚИДА ЁДНОМА

Инсон ҳаёти давомида, иш фаолияти даврида узоқ йиллар бирга ҳамсуҳбат, ҳамкор бўлган, бирга ишлаган, кейинчалик фоний дунёдан боқий оламга кўчган яқинларини гоҳ бирон сабаб билан, гоҳ беихтиёр бот-бот эслаб, хотирлаб туради. Бундай хотиралар сабабчисининг баъзилари нохуш кайфият уйғотса, баъзилари

кайфиятингизни чоғ қиласи, бундай ёрқин хотиралар сизни шодон, баҳтиёр ўтмиш кунларга етаклайди. Мен 1972 йилдан ҳозиргача қарийб 45 йил Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги (Республикамиз мустақилликка эришгунга қадар замон тақозоси билан А. С. Пушкин номида бўлган) Тил ва адабиёт институти даргоҳида ўзбек филологиясининг не-не даҳолари, машҳури замон олимлари, ўз соҳасининг етук билимдонлари билан бир сафда ишлаб, улар билан ҳамсухбат бўлиб, улардан илм-фан сирларини ўргандим ва шу орқали ўз соҳамда муайян бир даражага эришдим десам, хато айтмаган бўламан.

Булар бевосита бирга ишлаганим мархум Иззат Султонов, Собиржон Иброҳимов, Ҳомил Ёқубов, Мансур Афзалов, Жуманиёз Шарипов, Матёқуб Кўшжонов, Ғани Абдураҳмонов, Шоназар Шоабдураҳмонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Музайяна Алавия, Олим Усмонов, Зокир Маъруфов, Сайдфозил Акобиров, Фаттоҳ Абдуллаев, Солиҳ Қосимов, Насимхон Маматов, Набиҳон Хўжаев (Чустий), Салоҳиддин Мамажонов, Содир Эркинов, Азим Ҳожиев, Эрнест Бегматов, Эрик Каримов, Шамсиддин Шукуров, Қозоқбай Маҳмудов, Қаюм Каримов, Исройл Исмоилов, Гель Николаевич Михайлов, Степан Сен-Дюнович Ким, Ренат Дониёров, Аҳмад Ишаев, Тешабой Аликулов, Шукур Носиров, Мақсуд Абдураҳимов ва бошқалар; ҳозирда ҳам институтда бирга ишлаётган Наим Каримов, Тўра Мирзаев, Баҳтиёр Назаров, Эргаш Умаровлар; бошқа ташкилот ва муассасаларда ишлаётган ёки нафақада бўлган Суюн Қораев, Ёқубжон Исҳоқов, Суюма Фаниева, Сорахон Отамирзаева, шунингдек, бир қанча тенгқурларим – уларнинг ҳар бири ҳаётдаги ва илмдаги ўрнимни топишда менга у ёки бу даражада устоз ва ўрнак бўлдилар.

Ушбу мақола ва эсдаликларим сабабчиси бўлган Аҳмад aka Ишаев ҳам юқорида санаб ўтган устозларимнинг бири сифатида хотирамда ёрқин ва теран из қолдириган ажойиб инсондир. У ўз даврида институтда ишлаган ҳар бир ёш ходим каби менга ҳам яқин дўст, дилкаш ҳамсухбат ва улфат, меҳрибон устоз, ҳаётда ва илмда тўғри йўл кўрсатган жонкуяр мураббий бўлган. Аҳмад aka (бაъзилар унга Аҳмад оға, Аҳмад валий, Аҳмад Валиуллаевиҷ,

тенгдошлари эса соддагина қилиб Аҳмад ёки Ишаев деб мурожаат қилғанлар) ўта содда ва ишонувчан, камтар ва хокисор, кийим ва овқат танламайдиган, шунинг учун бўлса керак, кийимлари бир қадар ўзига ярашмай-ёпишмай турадиган, соддалигидан бироз дарвешнамо, афандинамо кўринадиган, доимо қўзойнак тақиб юрадиган киши эди. У ён-атрофдагилар билан бетакал-луфрок, расмийроқ муомалада бўлар, ўзидан катталарни ҳисобга олмаганда, ўзидан кичик ёшдагилар ва тенгдошларининг бирор-тасига сизлаб гапирмас, уларни ўзига яқин тутиб, доимо сенлаб гаплашар эди. Улфатчиликни ҳам жойига қўяр, бунда улфатини сен катта, сен кичик деб ажратиб ўтирмас, лекин улфатчилик харажатлари тенг даражада тақсимланиши тарафдори бўлар эди. Шундай бўлса-да, айрим қув улфатлари унинг ўзини кўпроқ харажатга туширишар эди. Аҳмад ака буни кейинчалик билиб қолса ҳам, кўпам хафа бўлавермас эди.

Аҳмад ака ўтган асрнинг 80-йилларида институтда йўлга қўйилган ёш олимлар семинарининг ташаббускори ва ташкилотчи-ларидан бири бўлган ва ўзи биринчи бўлиб семинарнинг дастлабки машғулотини ўtkazgan. У илк семинар машғулотида ёш илмий ходимларга илмий иш техникаси ва илмий иш аппарати тушунчалари ҳақида маълумот бериб, илмий тадқиқотга қандай киришини, уни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида, ёш ходимларга ўзи танлаган мавзу бўйича материалларни қандай танлаш ва тўплаш, уларни қандай саралаш ва жой-жойига қўйиш, илмий муомалага киритиш, ёш тилишунослар учун карточка билан ишлаш усулининг аҳамияти, илмий тадқиқот (диссертация)нинг структураси, унда бўлим (боб)ларнинг жойланиш тартиби, қайси бобда нималарга эътибор қаратиш ва бошқа жиҳатлар ҳақида эринмай, биттама-битта маслаҳатлар берган. Бундай маслаҳатлар, бевосита амалий ёрдам кўрсатишлар нафақат семинар машғулотларида, балки кундалик мулоқотларда ҳам Аҳмад аканинг доимий ишига айланган.

Биз юқорида Аҳмад акани ўта содда, ҳар қандай гапга ишонаверадиган одам эди, дедик. Ҳақиқатдан ҳам ғоятда соддалик, ишонувчанлик, бироз ҳадиксираш, хавотирлик ҳолатлари учун унинг ҳаётидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Улардан айримларини эслаб, эслатиб ўтиш айтган фикрларимга далил бўлади деб ўйлайман:

1. Ўтган асрнинг 70-йилларида Тил ва адабиёт институти Гоголь (хозирги Яхё Фуломов) кўчасидаги 70-йиннинг биринчи қаватида жойлашган эди. Бир йили бино ҳовлисида институт ходимлари учун фуқаро мудофааси бўйича амалий машғулот олиб борилаётганда А. Ишаев химиклар гуруҳига бошлиқ этиб тайинланади. Аҳмад aka ўз вазифасини нимадан иборатлигини унча тушунмай, бу ҳақда ёнидагилардан сўраганда, ҳазилкаш дўстларидан Ёқубжон (Музaffer) Исҳоқов: «Мабодо уруш бўлиб, бомба тушадиган бўлса, сизнинг гуруҳингиз бомбапанадан ташқарига чиқиб, атроф-муҳитнинг кимёвий курол таъсиридан заҳарланган ёки заҳарланмаганлигини аниқлаб қайтиши керак, биз эса бомбапанада кутиб турамиз. Агар сизлар қайтиб келсангиз, биз ҳам хотиржам ташқарига чиқамиз; аксинча, қайтиб келмасангиз, демак, ҳалок бўлган деб дуойи фотиҳангизни ўқиймиз ва то бошка кутқарувчилар етиб келмагунча шу ерда ўтириб турамиз», – дейди ярми ҳазил, ярми чин маънода. Бу гапга чиппа-чин ишонган Аҳмад aka соддалик билан, бироз бесаранжом ва хавотир ҳолатда: «Мен бу гурухга аъзо ҳам, бошлиқ ҳам бўлмайман», – дейди. Ўз эътирозини машғулот бошлигига айтгунча бўлмай, газниқоб (противогаз) тақиши машиқи бошланади. Шунда унинг яна бир ҳазилкаш улфати Қосим Муҳаммаджонов ва Ё. Исҳоқов биргалашиб, сездирмасдан Аҳмад аканинг газниқобидаги ҳаво ўтказувчи шланг қопқоғини қўл билан беркитиб қўйишади. Аҳмад аканинг бўз ранги янада бўзариб, нафас ололмай бўғилиб қолади. Бундан ҳазилкашларнинг ўзлари ҳам хавотирга тушиб, қопқоғни очиб юборишади-да: «Бир дақиқага ҳам чидамадингиз-ку, яна биз сизга ишониб ўтирибмиз-а», – деб мазах қилиб кулишади. Аҳмад aka эса қўл силтаб, «Эх, аҳмақлар!» – деб қўя қолади.

2. Шўро даврида пахта йиғим-терими айни авжига чиққан паллада ходимларнинг ёшига, соғ-касаллигига, эркак-аёллиги га қарамай, барча йиғим-теримга сафарбар қилинар эди. Аҳмад aka ҳам соғлиги яхши бўлмаса-да, бошқа тенгдошлари қатори 60 ёшни қоралаб қолгунча, пахта йиғим-теримига қатнашиб турди. Ўтган асрнинг 70-йиллар охиридаги йиғим-терим пайтида кунлардан бир кун Аҳмад aka шамоллаб қолиб, ихраб-сихраб, ётиб олади. Ичимизда анча қувроқ ва шўхроқ бўлган Баҳодир Сарим-

соқов (мархұм филология фанлари доктори, таникли адабиётшүнөс-фольклоршунос) Аҳмад Ишаевга синчилаб қараб: «Сизға қаттиқ кинна кирган. Мен сизға яхшилаб кинна солиб қўйсан, тузалиб қоласиз», – деди. Аҳмад ака бу гапга ишониб-ишонмаса-да, барибир, рози бўлди. Баҳодир ака бу пайтларда ўзбек ма-росим фольклори билан ҳам шуғулланар ва анча-мунча дуоларни билар эди. Шундай бўлса-да, у овоз чиқармай, пичирлаб, анча ду-оларни ўқиган бўлди ва: «Ана энди тузалиб кетасиз, устоз. Лекин кинна ҳақини ўз вақтида бермасангиз, кинна солишининг фойдаси бўлмайди, унинг кучи йўқолади», – дейди. Аҳмад ака оғринибги-на 3 сўм пул чиқариб беради. Орадан бироз ўтиб, Баҳодир ака пе-шонасига ургандай бўлиб, Аҳмад акага қараб: «Мени кечиринг, устоз! Мен хомкалла сизға кинна соламан деб адашиб, жанозада ўқиладиган дуоларни ўқиб юборибман. Буни тезлик билан қай-тариш керак. Бўлмаса, охири ёмон бўлади», – деб бошқаларга кўз қисиб қўяди. Бемор бу гапга ҳам ишониб: «Ҳеч аҳмақлигинг қол-мади-да, Баҳодир. Мени ўлдирмоқчимисан?! Тез бўл, қайтарма дуоларингни ўқи», – дейди. Баҳодир ака аввалги жараённи яна такрорлайди ва қайтарма дуолари учун ҳам хизмат ҳақи сўрай-ди. Албатта, Аҳмад ака норозилик билдиради ва кинначининг хатоси учун иккинчи марта пул тўламаслигини айтади. Баҳо-дир ака ҳам бўш келмайди ва қайтарма дуолар учун ҳақ тўла-масликнинг оқибати ёмон бўлишлигини яна бир бор эслатиб ўтади. Шунда Аҳмад ака бир ёнга ўгирилиб, шимининг ичидан тикилган яширин чўнтакчасидаги захира пулларидан яна 3 сўм олиб беради. Баҳодир ака ҳам, бу ҳангоманинг томошабинла-ри ҳам хурсанд: кечки овқатга келтириладиган ичкилиқ учун пул тайёр! Кечки пайт ичкилиқ келтирилиб, Аҳмад акани ҳам таклиф қилишади ва кейин уни ётқизиб, яхшилаб ўраб қўйиша-ди. Аҳмад акадаги дуоларга ишончми ёки ичкилиқ таъсирими, ҳарқалай, у эрталаб, соппа-соғ ўрнидан туриб, соддалик билан: «Баҳодир, кейинги дуоларинг анча ўткир экан. Мен тузалиб қолдим», – дейди.

3. Аҳмад Ишаев бевосита ўзи илмий раҳбар бўлган ёки расмий оппонентлик қилган шогирдларига ва, умуман, барча ёш тадқиқот-чиларга астойдил ва беғараз ёрдам берар, ишнинг яхшиланишига,

сифатини оширишга доир қимматли маслаҳатлар берар эди. Ана шундай ишлардан бири М. Садриддинованинг 1985 йилда ҳимоя қилинган «Ўзбек мақоллари ва маталлари лексикаси» («Лексика узбекских пословиц и поговорок») мавзуидаги номзодлик диссертациясидир. Бу ишга Аҳмад ака иккинчи расмий оппонент этиб тайинланган ва ишни ўкиш жараёнида бир қадар таҳрир қилган ҳамда диссертантга керакли маслаҳатлар берган эди. Диссертация ҳимояси бўладиган кун эрталаб институт директори М. Кўшжонов столида бир «юмалоқ хат» пайдо бўлади. Хатда М. Садриддинованинг диссертациясини Аҳмад Ишаев ёзib берган деган мазмундаги хабар бор эди. Бундан хабардор қилинган А. Ишаевнинг ўша пайтдаги аҳволини тасвирлаб бериш кийин: goҳ хонага кирап, goҳ коридорга чиқар, коридор бўйлаб юрар, ўзича мингирлар, хуллас, ўта ҳаяжонда ва хавотирда эди. Ҳол сўраганларга эса, бу қип-қизил тухмат эканлигини, диссертацияни у ёзмаганлигини, бор-йўти оппонент этиб тайинланганини, шунинг учун баъзи маслаҳатлар берганини айтарди, холос. Диссертация ҳимоясини қолдириш учун ҳам, уни ўтказиш учун ҳам жиддий, ишонарли далиллар керак эди. Вақт эса ўтиб борарди. Шунда директор М. Кўшжонов оқилона йўл тутиб, маъмурият, партком ва касабақўм вакилларидан учлик комиссия тузиб, унга зудлик билан ҳақиқатни аниқлашни топширади. Комиссия ҳам адолатли иш олиб боради: М. Садриддинованинг диссертация бўйича барча қораламаларини, тўплаган карточкаларию эълон қилган мақолаларини холисона синчилаб ўрганади ва хатда келтирилган даъволар асоссиз, тухмат эканини аниқлайди. Диссертация ҳимояси ўша куннинг ўзида, белгиланган вақтда бўлиб ўтади. Шундай бўлса-да, тухматдан гарангсиган Аҳмад ака ўзининг расмий оппонент сифатида ёзган тақризини ўқиб бераётганда, уни анчагина ҳаяжон босгани сезилиб турарди. Қарангки, каттаю кичик – барчага ўз ёрдамини аямай келган, оққўнгил ва самимий, «қўй оғзидан чўп олмаган» Аҳмад акадек инсонга ҳам ғаламислар тухматуюштириб, уни анча безовта қилган эдилар.

Аҳмад ака ҳаётида юкоридаги каби баъзан кулгили, баъзан нохуш ҳангомалар турли ҳолатларда: диссертация муҳокамалари ва ҳимояларида, турли-туман йигин ва ўлтиришларда, диалекто-

логик экспедицияларда ва бошқа маросимларда анчагина содир бўлган. Менимча, мазкур уч ҳолатнинг ўзи Аҳмад аканинг нақадар содда, ишонувчан бўлганлигини, шу билан бирга нақадар беғараз, беғубор ва самимий инсон бўлганлигини кўрсатади.

Аҳмад Ишаев китобга ниҳоятда ўч одам бўлган. У мунтазам китоб сотиб олар ва муттасил китоб мутолааси билан машғул эди. «Аҳмад кийимга ва овқатга унчалик кўп пул сарфламаса ҳам, китоб сотиб олишга пулни ҳеч қизғанмайди», – дейишарди тенгдошлари. Ҳақиқатан ҳам Аҳмад ака ўзи китоб сотиб олиш баробарида вилоятларда ва бошқа республикаларда чоп этилган ва ўзига керакли деб ҳисоблаган китобларни танишлари ёки шогирдлари орқали сўраттириб оларди. У истиқомат қиласидиган 2 хонали квартирада сон-саноқсиз китоблар тартиб билан териб қўйилган эди. Баъзан улфатлари, дўстлари «Билса – ҳазил, билмаса – чин» қабилида сездирмасдан биронта китобини олиб кетиб қолса (бу ҳолат тез-тез содир бўлиб турарди), у катта бойлигини йўқотган кишидай, қаттиқ хафа бўлар эди.

Хуллас, Аҳмад ака умумий ва ўзбек тилшунослиги, туркий-шунослик, шевашибунослик, этнография ва бошқа соҳалар бўйича бой шахсий кутубхонага эга эди. Умрининг охирий йилларида тез-тез касалланиб, куч-куватдан қолаётгани сабабли дўстлари ва шогирдларига ўзидан кейин меросхўри бўлмаганлигидан шахсий кутубхонасини тўлиқ ҳолда жонажон институтига ҳадя сифатида қолдиришини бир неча бор эслатган. Шундай бўлди ҳам: 1991 йил ёзда вафот қилгач ва институт ҳодимлари томонидан дағн маросими ва эҳсон оши ўтказилгач, Аҳмад аканинг китоблари институтда алоҳида ажратилган хонага ташиб келтирилди. Лекин, кейин аниқланишича, келтирилган китоблар тўлиқ эмас экан. Аввало, дағн маросимида чопон кийиб, белбоғ боғлаб, «ука» ёки «ўғил» мақомида турган хўжандлик шогирди «устоздан эсадалик» деб анча-мунча сара, аҳамиятли китобларини олиб кетибди. Бунинг устига, китобларни институтга ташиётган ўзимизнинг шоввоз йигитларимиз ҳам «бизга-да устоздан эсадалик бўлсин» дея, ўзларига ёқкан китоблардан ўзларини бенасиб қолдирмаган эканлар.

Ҳали китоблар жойлаштирилиб бўлмасдан туриб, менинг хонамга (ўша йиллари мен ЎзР ФА Тилшунослик институтининг илмий котиби эдим) Аҳмад аканинг туғишган опаси – Ҳаёт опа кириб келиб: «Укам Аҳмад ўз китобларини институтга беришини васият қилган экан, мен ҳам розиман, чунки қариган чоғимда бу илмий китобларнинг менга ҳам кераги йўқ. Лекин бу ерда яна бир неча кун яшашим ва кейин юртимга етиб олишим учун бир миқдор пул топиб берсанглар, сизлардан миннатдор бўлар эдим», – деди. Мен Аҳмад аканинг китоблари туфайли институт катта бойликка эга бўлганини, шунинг учун унинг илтимосини бажаришга ҳаракат қилишимни айтиб, ундан харажатлари учун қанча пул кераклигини сўрадим. Ҳаёт опа бироз тортиниброк 1500 сўм пул сўради. Мен ёнимда бўлган бор пулимни – 1600 сўмни унга тутқаздим ва, розимисиз деб сўрадим. У рози бўлиб, дуолар ўқиб, хайрлашиб кетди.

Аҳмад ака кутубхонасининг кейинги тақдири ҳақида ҳам бир-икки оғиз гапириб ўтиш керак бўлади. Ўша вақтдаги «Тил тарихи ва тилларни қиёсий ўрганиш» бўлимининг мудири Ш. Шукровнинг талаби билан ушбу кутубхонани шу бўлим ихтиёрига беришга тўғри келди. Китобларни сақлаш учун масъул қилиб шу бўлим ходими М. Рустамов, сўнг А. Халилов тайнинланди. Кейинчалик, мазкур бўлим мудири ва аксар ходимлари ҳар ёққа тарқаб кетгач, мен ёш илмий ходим Н. Чинникуловни кутубхона учун масъул қилиб қўйдим. Н. Чинникулов ишдан бўшаб кетгач эса, кутубхонани вақтинчалик муҳрлаб қўйдим. Чунки юқоридаги ҳар учала шахс масъуллиги даврида уларнинг шахсий манфатлари ва бепарволиклари туфайли кутубхонанинг яна 200 тага яқин китоби талон-торож бўлган экан (Оллоҳга шукрки, асосий ноёб китоблар сақланиб қолибди). Менинг кутубхонани муҳрлаб қўйганим баъзиларга ёқмай, институтнинг 2012 йилдаги умумий йиғилишларидан бирида норозилик билдириб, менинг бундай қилишга ҳаққим йўқлигини исботламоқчи бўлганларида, мен бунга ҳаққим борлигини билдириш учун Ҳаёт опа билан бўлган воеани айтиб бердим. Лекин ўша пайтгacha мен китоблар учун Ҳаёт опага пул бериб, уни рози қилиб юборганимни бирон марта миннат қилмаган эдим.

Хуллас, Аҳмад Ишаев кутубхонаси, йўқолган китобларни ҳисобга олмаганда, кейинги 3–4 йил ичида бус-бутун сақланмоқда, йўқотишлир бўлмади, аксинча, авваллари институтда ишлаган, ҳозирда марҳум устозларимиз Олим Усмонов ва Қосим Муҳаммаджоновларнинг фарзандлари ҳадя қилиб олиб келиб берган китоблар, алоҳида совға қилинган нашрлар билан бойитилди. Ушбу китоблардан фойдаланиш истагида бўлгандар учун кутубхона эшиги доимо очиқ. Институтдаги тишлиносликка ихтисослашган, асосий қисми Аҳмад Ишаев китоблари бўлмиш мўъжазгина кутубхонанинг ташкил топиш тарихи шундан иборат.

Модомики, гап А. Ишаевнинг кутубхонаси устида борар экан, Аҳмад аканинг шу билан боғлиқ яна бир хайрли иши ҳақида айтиб ўтиш керак бўлади. А. Ишаев кутубхонасининг маълум қисмини «Ўзбек тили ва адабиёти», «Советская тюркология» журналларининг жамламалари, турли йилларга мансуб авторефератлар ташкил этади. Аҳмад ака мазкур журналларнинг ташкил топган йилидан то 1991 йилгача бўлган барча сонларини тўплаб, ҳар йилгисини алоҳида-алоҳида муқовалатиб, китоб ҳолига келтириб қўйган экан. Бу иши билан нафақат ўзига, балки ушбу журналлардан фойдаланувчи келгуси авлодга ҳам қулайлик яратиб кетганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Аҳмад Ишаев гоят синчков, дақиқ ва иқтидорли олим эди. Бунга қўплаб китоблар кўриш, мутгасил мутолаа қилиш, ўқиганларини чуқур, атрофлича таҳлил қилиш орқали эришгани шубҳасиз. У 40 йилдан ортиқроқ илмий-ижодий фаолияти давомида 300 га яқин номдаги катта-кичик илмий, илмий-оммабоп, ҳаммабоп асарлар эълон қилди. У эълон қилинган ишларининг микдори ва ҳажми бўйича ўша йиллари нафақат диалектология бўлимининг, балки институтнинг ҳам пешқадами ҳисобланган. Аҳмад аканинг асарлари илмийлиги, ўз даври учун долзарблиги, фактларга бойлиги ва уларнинг ишонарлилиги билан ажралиб турарди. Илмийлик бобида у ўзига ҳам, шогирдларига ҳам ниҳоятда талабчан бўлган.

Аҳмад Ишаев ниҳоятда ишchan, меҳнатсевар олим бўлган. Унинг учун ишнинг катта-кичиги бўлмас эди: у хизмат вазифа-

си ва олимлик бурчи тақозо этган ҳар қандай ишни, топширилган вазифани астойдил, сидқидилдан бажаарди. Чунончи, ўз вақтида Қомуслар бош редакцияси Ўзбекистондаги дастлабки 14 жилдли Ўзбек энциклопедияси учун мақолалар ёзиб бериш таклифи билан барча соҳалар мутахассислари, жумладан, тилшунослар ва адабиётшуносларга ҳам мурожаат қилган эди. Лекин бу таклифни ҳамма ҳам бирдай бажонудил қабул қилгани йўқ. Баъзилар энциклопедияга мақола ёзишни майда, арзимас иш деб ўйлаганидан, баъзилар эса бу ишнинг анчагина қийинлигини тушунганидан унга бош қўшмади. Албатта, энциклопедия учун мақола ёзиш осон иш эмас. Бир, икки ёки уч саҳифали, лекин талаб даражасида мазмунли кичик бир мақола тайёрлаш муаллифдан бир неча, ҳатто кўплаб манбаларни кўриб чиқишини, уларни қиёслашни, улардаги энг асосий фикрларни саралаб, қисқа, лўнда баён қилишни тақозо этардики, бу нарса ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермасди. Лекин Аҳмад ака авваллари ҳам ўз соҳасига оид жажжи мақолалар ёзиб юргани учун, бу ишга астойдил киришди ва муваффакият билан бу ишнинг уддасидан чиқди – энциклопедия учун тилшуносликдаги турли термин, тушунча ва ҳодисаларни тавсифловчи 100 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар ёзиб берди ва бу билан ўзининг ҳам қомусий билимларга эга олим эканлигини кўрсатди.

Аҳмад Ишаевнинг илмий фаолиятдаги қизиқишлар доираси жуда кенг бўлган. У ўзбек шевалари ҳамда қардош туркий тиллар шевалари фонетикаси, ўзбек шевалари лексикаси ва қиёсий лексикология, умумий лексикография ва диалектал лексикография (диалектография), этимология, ономастика, этнография каби кўплаб соҳаларда қалам тебратиб, кўплаб илмий-фактик жиҳатдан бақувват мақолалар, фундаментал монографиялар ёзди, оригинал лугатлар яратди. У яратган ва эълон қилган барча асарлар ўзбек шеваларини ўрганиш, бу шеваларни фонетик, лексик ва бошқа жиҳатлардан қардош туркий тиллар (асосан қипчоқ ва қисман ўғуз гурухига мансуб тиллар) ва улардаги шевалар билан қиёслашга бағищланган (А. Ишаевнинг асосий илмий асарлари ҳақида маълумотга эга бўлиш учун «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 2013 йил 6-сонидаги Э. Шералиев ва Д. Абдуллаеваларнинг мақоласига қаранг).

Биз қуида Аҳмад Ишаевнинг сон-саноқсиз мақолалари ҳақида эмас, балки унинг 4 фундаментал асари ҳақида қисқача түхтагиб ўтамиз:

1. «Ўзбек халқ шевалари луғати» (Тошкент: Фан, 1971. – 408 бет) жамоавий иш бўлиб, у Ш. Шоабдураҳмонов, А. Ишаев, Ш. Носиров, Д. Абдураҳмонов ва Ҳ. Узоқовлар томонидан тайёрланган. Ушбу китоб Ўзбекистонда, шунингдек, Қозоғистон, Қиргизистоннинг жанубий туманлари ҳамда Қорақалпоғистонда яшовчи ўзбекларнинг қарлук, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларига мансуб шевалар материаллари асосида тузилган бўлиб, ушбу материаллар диалектологик экспедицияларда тўплланган ҳамда ўзбек шевалари бўйича ҳимоя қилинган диссертациялар ва эълон қилинган мақолалардан саралаб олинган лугавий бирликлардан иборат. Луғат «Сўзбоши»сида таъкидланганидек, унга ҳозирги ўзбек тили шеваларида учрайдиган сўзларнинг энг муҳимларигига киритилган. Лугатдаги сўзларнинг маънолари ўқувчига яхши тушунарли бўлиши учун бу сўзлар изоҳидан сўнг сўз бирикмаси ёки гап шаклидаги иллюстратив мисоллар ҳам келтирилган, лекин зарурати бўлмаган ҳолда, луғат мақолаларининг русча таржимаси ҳам берилган. Ўзбек лексикографияси тарихидаги дастлабки соф диалектал луғатда 4800 дан ортиқ сўз берилган бўлиб, улардан 2405 тасини Ш. Носиров, 1700 тасини А. Ишаев, 525 тасини Д. Абдураҳмонов, 205 тасини Ҳ. Узоқов изоҳлаган. Аҳмад aka луғат тузиш билан бирга унинг маҳсус муҳаррири сифатида луғат мақолаларининг умумий ва илмий савияси талаб даражасида бўлиши учун ҳам жавобгар бўлган. Устознинг ушбу китобдаги ҳиссаси бу билан чекланмайди. У ўзбек шевашунослигига оид адабиётлардан саралаб олган ва ўзи 120 та саволдан иборат анкета асосида тўплаган материалларни – ўзбек шеваларидаги қариндошлиқ терминларини луғат ҳолига келтиради. 720 га яқин (вариантлари билан 800 дан ортиқ) сўздан иборат ушбу материал китобнинг 320 – 385-бетларида «Ўзбек шеваларидаги қариндошлиқ терминлари» номи билан илова қилиб берилади. Демак, Аҳмад акани «Ўзбек халқ шевалари луғати» нинг энг асосий муаллифи дейиш мумкин.

2. «Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари» (Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларининг қипчоқ группасидаги тур-

кий тилларга муносабати. Луғат). – Тошкент: Фан, 1977. – 176 бет. Ушбу китобда Аҳмад Ишаев, биринчидан, Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари бўйича олиб борган изланишларини умумлаштириб, муайян тартибга келтирган бўлса, иккинчидан шу худуддаги ўзбек тили қипчоқ ва қисман ўғуз шеваларини айрим фонетик, морфологик ва лексик хусусиятларини туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига мансуб қозоқ, қорақалпок, нўғой татар, бошқирд, қорачой-болқор, қўмиқ, қараим, қримтатар тилларига қиёслаб ўрганган ва ишонарли, оригинал хulosалар чиқарган. Илмий журнал ва тўпламларда эълон қилинган бир қанча мақолаларда китобнинг тадқиқот қисми ва муаллифнинг хulosалари ҳақида анча гаплар айтилган. Шунинг учун бу ҳақда яна тафсилотларга берилмай, китобнинг энг муҳим ва асосий иккинчи қисми – «Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларини лугати» ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Ушбу луғат аҳамияти жиҳатидан юқорида тавсифланган «Ўзбек халқ шевалари лугати» дан қолишмайди. Аҳамият беринг: 5 та муаллиф томонидан яратилган «Ўзбек халқ шевалари лугати» Ўзбекистон ва унга ёндош худудлардаги деярли барча ўзбек шеваларини қамраб олгани ҳолда 4835 сўздан иборат бўлса, А. Ишаевнинг биргина Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари материаллари асосида тузилган лугатида 3700 га якин, сўз варианtlари ва иллюстратив сўз бирикмаларини қўшиб ҳисоблаганда 4000 дан ортик луғавий бирлик мавжуд. Луғатда бош сўздан кейин шу бош сўз учрайдиган обьектлар (худудлар) номи қисқартирилган ҳолда қавс ичida берилган. Шеваларнинг кўпчилигига ёки барчасига оид бўлган бош сўзларнинг қайси худудларда учраши кўрса-тилмаган. Луғат материалларини ҳозирги ўзбек адабий тилидаги айни шундай материаллар билан таққослаган киши улар ўртасида нақадар жиддий фонетик-морфологик, маъновий та-фовутлар борлигига гувоҳ бўлади. Ушбу китоб ҳақида эълон қилинган тақризларда бу луғат ўзбек диалектал лексикографи-яси соҳасидаги навбатдаги улкан ютуқлардан бири сифатида баҳоланади.

3. «Ўзбек шевалари лексикасидан материаллар тўплашма учун сўроқлик» (Тошкент: Фан, 1989. – 212 бет). Ушбу «Сўроқ-

лик», номидан ҳам кўриниб турибдики, муайян бир ўзбек шеваси ёки лаҳжасини кўзда тутиб эмас, балки ўзбек тилининг қарлук, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларига оид барча шеваларни назарда тутган ҳолда лексик материал тўнлаш учун қўлланма сифатида тузилган бўлиб, унда 50 дан ортиқ соҳа бўйича 2520 савол, жавоб талаб қилувчи дарак гаплар 5 та гурухга ажратиб берилган. Респондентларнинг жавоб беришини осонлаштириш учун ҳар бир саволдан кейин жавоб тариқасида айтилиши мумкин бўлган бир ёки бир неча сўз келтирилган ва уларнинг умумий маъноси рус тилига таржима қилиб берилган. Ўз вақтида, ушбу сўроқлик қўлёзмасининг муҳокамаси арафасида Аҳмад aka мени ўз хонасига чақириб: «Сен ҳам кандидат бўлиб биз билан бараварлашдинг, ҳадеб терминология билан машғул бўлмай, бошқа соҳаларга ҳам аралашшиб тур. Яқинда мен тузган шева сўроқлиги муҳокама қилинади. Сен ҳам уни бир кўздан кечириб, ўз фикрларингни айтарсан», – дея қўлимга салмоқлигина бир папка тутқазди. Мен Аҳмад аканинг бу илтифотидан хурсанд бўлиб, 2 – 3 кун қўлёзмани кўриб чиқиб, баҳоли қудрат мўъжазгина (2 бет) тақриз ёздим ва муҳокамада ўз мулоҳазаларим билан ўртоқлашдим. Аҳмад aka бошқалар қатори менинг ҳам айрим таклифларим ва танқидий мулоҳазаларимни бажонудил қабул қилди, уларни инобатга олишини айтиб, миннатдорчилик билдириди. Ўзбекистон ва ундан ташқаридаги ўзбек шева ва лаҳжаларини тадқиқ этиш ва уларнинг луғатларини тузиш учун зарур бўладиган лексик материаллар тўплашни қулагаштирувчи, амалий жиҳатдан ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган ушбу «Сўроқлик» ҳали-ҳануз шева материалларини тўпловчи тадқиқотчилар, талабалар учун ўзига хос дастур вазифасини ўтаб келмоқда. Айтиш мумкинки, «Сўроқлик» ни қайта нашр этиш фойдадан холи бўлмайди.

4. «Ўзбек диалектал лексикографияси» (Тошкент: Фан, 1990. – 140 бет). Ушбу китоб Аҳмад аканинг йирик ва энг муҳим асарларининг сўнгиси бўлиб, унда муаллиф ўзбек диалектал лексикографиясининг 1988 йилгача бўлган умумий манзарасини тасвиirlаб беради, ютуқ ва камчиликларини батафсил ёритади, бу соҳада келгусида нималар қилиш, нималарга эътибор бериш кераклиги ҳакида дастuriй йўл-йўриклар белгилайди. Бунда Аҳ-

мад ака 200 га яқин илмий адабиётдан фойдаланган ҳолда ўзбек диалектал лексикографиясида яратилган, нашр қилинган ёки докторлик ва номзодлик диссертацияларига илова қилиниб, нашр этилмай қолган 20 дан ортиқ луғатларни бирма-бир таҳлил қилиб, уларнинг салбий ва ижобий томонларини очиб беради (ҳатто бўлимда бирга ишлайдиган Т. Содиқов, Ш. Носировларнинг ишларидаги камчиликларни ҳам аямасдан жиддий танқид қилади). Таҳлил қилинган мавжуд диалектал луғатларнинг савияси турли даражада бўлиб, улар 200 тадан 5000 тагача сўзни қамраб олган эди. Аҳмад ака луғатларни танқид қилиш баробарида уларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш йўлларини ҳам кўрсатиб ўтади. Ишда диалектал лексикография ва диалектал луғат тушунчалари батафсил тавсифланади, диалектал луғат турлари мисоллар ёрдамида тушунтирилади, умумўзбек диалектал луғатини яратиш зарурати, унга сўз танлаш тамойиллари, ундаги луғат мақоласининг тузилиши ва бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Ўзбек шевашунослигига диалектал лексикография атрофича ўрганилган ушбу ягона асар ҳакида яна бир ёрқин хотира қолган менда. Аҳмад ака бу китобини менга совға қилас экан, унга шундай дастхат ёзиб берган эди: «Бўлгуси атамашуносларнинг пирларидан бири Абдуваҳобга. Тезроқ доктор бўлишингни тилаб, муаллиф А. Ишаев. 9. 9. 90». Афсуски, Аҳмад аканинг менга билдирган мазкур тилакларини турли сабабларга кўра тўлиқ амалга оширишнинг имкони бўлмади. Яна бир афсус шундан иборатки, Аҳмад ака ва унинг сафдошлари бўлажак ёш шевашунослар учун барча қулайликларни яратиб кетдилар, уларнинг тадқиқотлари ва луғатлари, сўроқлиги ва йўл-йўриклари ёш шевашунослар учун тайёр дастур ҳамда тадқиқот манбаи бўла олади. Аммо ҳозирги кунда тадқиқотлар ва луғатлар яратувчи шевашуноснинг ўзи йўқ.

Аҳмад ака Ишаев ҳакида хотира-мақола ёзиш баҳонасида унинг илмий меросига яна бир бор назар солиши натижасида шунга амин бўлдимки, ўзбек шевашунослигига унчалик сермаҳсул, кўп ва хўб ёзган олим бўлмаган экан. Бироқ у ҳеч қачон ўз меҳнатларини пеш қилмас, хамиша ўзи ишлаган бўлимнинг ва, умуман, институтнинг обрў-эътибори учун беминнат, ҳормай-толмай

хизмат қиласар эди. Аксар ҳолларда ўз меҳнатларининг унча қадрланмаслигидан хафа бўлмасди. Дўстлари, улфатларининг баъзан енгил, баъзан кулги-мазах даражасидаги қўпол ҳазилларига ҳам унча парво қиласди. Аҳмад ака ана шундай чин инсон, ҳақиқий зўр олим бўлган.

Гарчи Аҳмад Ишаев оила, бола-чақа қилмай, ўзидан зурриёд қолдирмаган бўлса-да, ҳозир орамизда бўлмаса ҳам, бу зўр истеъ-дод эгаси ўз ҳамкасларига, дўстларига, шогирдлари ва ҳамюртларига ибрат бўларли самимий инсон, меҳрибон устоз, иқтидорли олим умрини яшаб ўтди. Ишонаманки, унинг порлоқ хотираси ҳамкаслари, дўстлари, шогирдлари ва уни таниган, билган азиз инсонлар ёдида умрбод сақланажак!

*Мақола А. Ишаев таваллудининг
85 йиллиги олдидан ёзилди.*

ДАҚИҚ ОЛИМ ВА МЕХРИБОН УСТОЗ

Акбар ака Матғозиевдек ажойиб ва камтарин инсон, меҳрибон мураббийни эслаш мени талабалик йиллари, ёшлик хотидалари сари етаклади. Маълумки, ёшлик хотидалари киши қалбида бир умрга муҳрланиб қолади, барельеф, горельеф янглиғ бўртма ёки чуқур из қолдиради. Улардан бирини эсласанг, бошқалари ҳам турналар қатори каби кўз олдингдан бирин-кетин ўтаверади...

Мен 1966–1970 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги Фарғона давлат университети)да кечган талабалик давримни хотирласам, ҳар доим нафақат Акбар ака, балки ўша йиллар сермазмун, қизиқарли, ҳатто бир қадар мунозара-тортишувлар билан ўтадиган, савол-жавобларга бой маъruzалар ўқиган, ўз касбига меҳр қўйган олим мударрисларимиз – Исмоил Фармонов, Ҳасанали Рустамов, Карим Юсупов, Фани Абдураҳмонов, Яхё Зулфиев, Тўйчи Турғунов, Иқбол Назаров каби тилшунос; Ўринбой Холматов, Акрам Иброҳимов, Маҳмудали Юнусов, Муҳаммаджон Мадғозиев, Хатибаҳон Ҳакимова, Эътибор Иброҳимова, Азим Раҳи-

мов, Йўлдош Солижонов, Асқарали Шаропов сингари адабиёт-шунос устозларим, яна бошқа кўплаб домлаларимнинг ёрқин сиймолари кўз олдимда намоён бўлади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос шахс, алоҳида инсон, алоҳида олам бўлган. Бундай устозларни қанча эсласак, қанча хотирга олсак, улар ҳақида қанча хотиралар, эсдаликлар ёёсак ҳам, биз, шогирдлар, устозларнинг бизга берган таълими, сабоқлари, ўгитлари олдида ҳамиша қарздор бўлиб қолаверамиз.

Менинг ҳозирги кунда республикамиз филологлари орасида танилишимда, фан ташкилотчиси сифатида шаклланишимда юқорида номлари зикр этилган устозларимнинг, айниқса, Ҳасанали Рустамов, Акбар Матғозиев, Яхё Зулфиевларнинг (албатта, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтидаги бир қанча улуғ устозларимнинг ҳам) йўл-йўриқлари, маслаҳатлари муҳим роль ўйнади ва мен улардан умрбод миннатдорман. Хусусан, Ҳасанали Рустамов ва Муҳаммаджон Мадғозиевлар мен ўқиган Марғilon шаҳридаги 14-ўрта мактабнинг юқори синфларида (1964–1965 йиллар) она тили ва адабиётдан дарс бериб, маъruzалар ўқиб, шеърхонлик кечалари уюштириб, иншолар танлови ўтказиб, менинг (умуман, ўқувчиларнинг) она тили ва адабиётга бўлган қизиқишимни янада кучайтирган бўлсалар, Акбар Матғозиев ва Яхё Зулфиевлар менга талабаликнинг иккинчи ва учинчи йилларида илмий тадқиқот олиб бориш техникаси, унинг сир-синоатию усул ва йўлларини ўргата бошлаганлар.

Акбар ака билан танишувимиз 1967–1968 ўкув йилининг иккинчи ярмида, у киши бизга ўзбек тили морфологиясидан дарсга кирганларидан бошланган. Бу пайтда устоз Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги аспирантурани тугатиб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, ўзи ўқиган ва ишланган жонажон институтига ишга қайтган, кўзлари чақноқ, юзидан нур ёғилиб турган ўқтам йигит бўлганлар. Домла ҳар бир дарсга (маъruzaga) пухта тайёргарлик кўрар, тегишли мавзуга доир барча фактлар, тафсилотларни назардан қочирмас, бўлажак савол-жавобларни ҳам хисобга олар эдилар. Маъruzаларни бирон-бир нуқтага қараб эмас, балки у ёки бу талабанинг кўзига

нимтабассум билан боққан ҳолда жўшқинлик ва ҳаяжон билан ўқир эдилар. Баъзан кўрсаткич бармоқларини тик қўтарган ҳолда «а-а-а» дея тўхтаб қолардилар. Бу – бирон талабанинг дабдурустдан берган саволига жавоб қайтариш, унинг саволи тўғри ёки нотўғри эканлигини тушунтириш ёки бирор лисоний фактни талабага қандай қилиб тўлиқ ва тушунарли қилиб етказиш учун қилинган пауза бўлиб, домла бироз ички мулоҳазадан сўнг бу ҳолатдан осонгина чиқиб кетар эдилар.

Маъруза пайтларида домланинг юқоридагидек бироз тин олишларию бош ва кўрсаткич бармоқлари билан лабларининг четини силаб қўйишдан бошқа кўзга ташланадиган одатлари йўқ эди. Баъзи домлалар сингари дарс пайтида папирос чекиши, қурут шимиш, бирон талаба ёки ўқитувчини калака қилиб, унга ўҳшовсиз ном (лақаб) бериш каби ҳолатлар у кишига мутлақо бегона эди. Бундай ҳолатлар ҳақида эшитганларида, «оббо», «курмағур-ей», «шундай дедими» каби жумлалар билан ўз ҳайратларини билдирадилар. Домла бизга нафақат илм бердилар, балки ташки қиёфа, муомала маданияти, ўз касбига меҳр, ўзи масъул бўлган ишни ҳалоллик билан адо этиш билан, умуман, одатий, кундалик турмуш тарзи билан намуна, ибрат бўлдилар.

Юқорида А. Матғозиев ва Я. Зулфиевлар мени илмий излашишлар олиб боришга қизиқтирганлари, илмий-тадқиқот техникасини эгаллашга даъват этганликларини айтган эдим. Акбар ака бизга маъруза ўқиши давомида Б. Саримсоқов ва бошқа бир неча курсдошларимга, менга дарслардаги фаоллигимиз сабабли алоҳида эътибор бериб, бизга ўзбек тили бўйича курс иши ёзиш учун бир қанча мавзуларни таклиф этадилар (адабиётшунослик ёки тилшунослик бўйича ёзиладиган бундай курс ишлари қарийб ҳозирги бакалаврларнинг битирув-малакавий ишларига тенг бўлган, баъзи ҳолларда савияси ундан-да юқори бўлган, масалан, кейинча бутун республикага танилган курсдошим, филол. ф. д., проф. Б. Саримсоқовнинг ўша даврда ёзган, «Ўзбек адабиётида сажъ» деб номланган курс иши унинг номзодлик диссертациясига асос бўлган). Мен бу таклифни бажонудил қабул қилдим ва мавзу танладим. Худди шу пайтларда домламиз Я. Зулфиев ҳам ўз йўналишлари бўйича курс иши ёзишни таклиф қилдилар. Ҳар

иккала устозимни ҳам ўта хурмат қилганим сабабли у ёки бу таклифни рад эта олмадим. Шундай қилиб, А. Матғозиев раҳбарлигидаги «Пошишохўжа асарларининг айрим тил хусусиятлари ҳақида (лексика ва морфология)», Я. Зулфиев раҳбарлигидаги эса «Ўзбек тилида араб тили элементлари» мавзуларида курс ишлари ёзишга киришдим.

Бир қанча муддатдан сўнг ҳар иккала курс ишини ёзиб тугаллаб, устозлар ҳукмига ҳавола қилдим. Ҳар иккала устозим ҳам менинг илмга бўлган рағбатимни кучайтириш учунми ёки кўнглимни кўтариш учунми, ҳар ҳолда, ишларимнинг нуқсонларидан кўз юмиб, уларга юқори баҳо бердилар ва намунавий курс ишлари сифатида она тили кабинетидаги ойнаванд жавонга жойлаб қўйдилар. Бу ишлар узоқ вақт кўргазмада туриб, 25–30 йиллардан кейин устозларим томонидан менга эсадалик сифатида қайтариб берилди. Бу курс ишлари ҳозирги тадқиқотларим, мақолаларим билан таққослаганда анчайин содда, жўн туюлса-да, устозларим менга мазкур мавзуларни тавсия килиш орқали мени илмий изланишлар томон етакладилар. Бундай ғамхўрлик ва жонкуярлик нинг хайрли, ижобий натижалари ҳозирги кунда илмий жамоатчиликка маълум бўлса керак.

Акбар ака Матғозиев мамлакатимизда ва қардош туркийзабон республикаларда ўзбек тилининг тарихий ва замонавий грамматикиси (морфологияси), лексикаси бўйича таниқли мутахассислардан бири эди. У 1966 йили проф. Ф. Абдураҳмонов раҳбарлигидаги «Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчиларнинг тараққиёт тарихи» мавзуидаги номзодлик диссертациясини, 1980 йилда эса «Эски ўзбек тили морфологияси бўйича тадқиқот» мавзуидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Докторлик диссертацияси учун асос бўлган «XIX аср ўзбек тилининг морфологияси» номли монографиясини (Тошкент, 1977), республика ва хориждаги нуфузли журналларда ва тўпламларда 20 дан ортиқ мақолаларни чоп эттирди ва бу ишлари билан ўзбек тилининг тарихий морфологиясини янги маълумотлар, янги назарий фикрлар билан бойитди.

Устознинг докторлик диссертацияси ўзбек тили тарихидаги кам ўрганилган, тил ривожининг турли босқичларида грамма-

тик тизимда рўй берган ўзгаришлар яхши ёритилмаган ўта мураккаб даврга – XVIII аср охири ва XIX асрнинг 70-йилларигача бўлган ўзбек тили морфологик тизимиға бағишлиланган эди. Бу даврнинг мураккаблиги, биринчидан, янги адабий-лисоний марказларнинг пайдо бўлиши; иккинчидан, лаҳжа ва шеваларнинг қайта гурӯҳланиши ва «тентглашиш» жараёнининг кучайиши; учинчидан, жанр ва мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлган, тегишли лаҳжа хусусиятлари яққол сезилиб турган кўплаб бадиий ва илмий асарларнинг яратилиши, форс, араб, рус тилларидан янги таржималарнинг пайдо бўлиши; тўртингидан, ўзбек тилининг расмий-идоравий вазифалари кенгайиши билан ажralиб туради. Домла ана шу мураккаб давр ўзбек тили морфологик тузилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва тавсифлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, бу мақсадни тўлиқ амалга оширади ва докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қиласди. Устознинг расмий оппонентлари: Озарбайжон ФА академиги, филол. ф. д., проф. М. Ш. Шералиев, филол. ф. д., проф. К. М. Мусаев, ЎзФА мухбир аъзоси, кейинчалик академик, филол. ф. д., проф. Э. И. Фозиловлар диссертацияни атрофлича таҳлил қилиб, айрим жузъий камчиликларини кўрсатган бўлсалар-да, унга асосан юқори баҳо бердилар. Биз, ўша пайтда Тошкентда, ЎзФА Тил ва адабиёт институтида ишлаётган шогирдлари – мен, Б. Саримсоқов, Ҳ. Шамсиддинов ҳамда Фарғона давлат педагогика институтидаги ҳамкаслари ва шогирдлари ушбу диссертация ҳимоясида ва унинг «бадиий қисми»да – ҳимоядан кейинги зиёфатда ҳам мезбон, ҳам меҳмон сифатида иштирок этиб, устозимизнинг муваффақиятларидан ғоят қувонган эдик.

Мен талабалик йилларимдан то Акбар aka вафот этганларига қадар у киши билан самимий, беғараз, энг яқин устоз-шогирдлик муносабатида бўлиб келдим. У киши илмий сафар ёки бирор сабаб билан Тошкентга келганларида, худди шундай сабаблар билан мен Марғилон, Фарғонага борганимда, албатта, турли мавзуларда мириқиб сұхбатлашардик. Бундай яқинликнинг яна-да мустаҳкамланиши учун яна бошқа сабаблар ҳам бўлган. Масалан, домланинг расмий шогирди (аспирант), ҳозирги кунда фан доктори, шоир ва публицист Сиддиқжон Мўминов номзод-

лик диссертациясини якунлаб ҳимояга чиқаётганида, домла мен-га Сиддиқонга оппонент бўлишни таклиф этдилар ва мен бу таклифни ҳурсанд бўлиб қабул қилдим ҳамда С. Мўминовнинг 1990 йилда ҳимоя қилган «Окказионал-нутқий номлашларда мотивациянинг ўрни» мавзуидаги ишига 2-расмий оппонент бўлдим. Шундай қилиб, устоз-шогирдлик муносабатимизга яна бир ҳалқа қўшилди: Сиддиқон билан ҳозирги кунгача устоз-шогирд, яқин дўст сифатида тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турамиз. Яна бир сабаб: бундан 10–12 йил олдин Ақбар aka билан Фарғонада учрашганимизда, набиралари ҳам филология мутахассиси бўлаётганини, унга илмий раҳбар ва бирор мақбул мавзу белгилаш заруратини айтиб ўтдилар. Кейин билсам, набиралари Сурайёхон Фофурова проф. Э. А. Умаров раҳбарлигига «Салоҳиддин Тошкандий «Луготи салос» асарининг лексикографик жиҳатлари» мавзууда илмий тадқиқот олиб бораётган экан. Домланинг бу соҳада олдиндан қўриш, мавзу танлаш қобилиятига қойил қолиш керак, чунки мазкур «Луготи салос» («Уч тилли луғат») ҳар томонлама қизиқарли ва диссертациябоп асар бўлиб, тиллараро (арабий, форсий ва туркий сўзлардаги) синонимларни қамраб олган шеърий луғатдир. Ҳозирги кунгача Сурайёхон ушбу мавзу бўйича 10 дан ортиқ мақола эълон қилиб, ўз тадқиқотини деярли якунламоқда. Баъзан маслаҳат сўраб мурожаат қилганида, мен ҳам баҳоли қудрат йўл-йўриқ, маслаҳат бериб тураман. Демак, устоз-шогирдлик муносабатлари устоз вафотларидан кейин ҳам давом этмоқда.

Бундай ўйлаб қарасам, Ақбар аканинг атрофида бутун бир филологлар давраси, силсиласи пайдо бўлган экан. Бирга ишлаган ҳамкаслари (аксарияти юқорида зикр этилди), бевосита ва билвосита шогирдлари қаторида устознинг қизлари Шоҳистахон Фофурова – рус тили ва адабиёти ўқитувчиси; Шоҳистахоннинг қизлари Сурайёхон Ақбар аканинг ҳамкасби, филол. ф. н., доцент Маҳфузулло Раҳмонов ва менинг курсдошим Мавлудаҳон Исоқовалар оиласига келин бўлиб тушган. Мен эса, курсдошим Мавлудаҳоннинг синглиси Ҳулкарой (у киши ҳам филолог) билан қуда бўлиб, қизимни у кишига келин қилиб берганман. Демак, охир-оқибат, мен Ақбар акага шогирд бўлиш билан бирга, у

кишининг оиласарида кандайдир даражада қариндош ҳам бўлиб қолдим.

Хуллас, ажойиб ва камтарин инсон, синчков олим, меҳрибон устоз Акбар ака Матғозиев ўз яқинларига, ҳамкасларига, шоғирдларига ибрат бўларли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Устоз табаруқ 70 ёшни қоралаб қолганда, 2004 йил аввалида ўзининг муқаддас ниятига етди – Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварани зиёрат қилиб, ҳожилик мартабасига эришди, Акбар ҳожи бўлди; ўз исмидан келиб чиқиб мажозан айтсак, «ҳожи акбар» бўлди.

Устозим Акбар ака ҳақидаги хотираларимдан айримлариниги на эслаб ўтдим. Улар талайгина ва мен уларни доимо қалбимда сақлаган ҳолда дуо қиласманки, у кишининг охиратлари обод бўлсин, оллоҳ у кишига жаннатдан жой ато этсин!

*Мақола А. Матғозиев таваллудининг
80 йиллигига бағишилаб ёзилган.*

КЕНГ ҚАМРОВЛИ, ИЖОДКОР ОЛИМ ЭДИ

Ўзбек тили ва тилшунослигининг етук билимдони, хусусан, ўзбек тили лексикологияси, ономастикаси, имлоси ва услубшунослиги соҳаларидаги таниқли мутахассис, филология фанлари доктори, профессор Эрнест Азимович Бегматов ҳаёт бўлганида, бугунги кунда 80 ёшга кирап эди.

Эрнест Бегматов 1936 йил 7 июнда Наманган вилоятининг Тўракўргон туманида ўқитувчи оиласида туғилган, ёшлиқ йиллари эса Қозоғистоннинг Чимкент вилояти Туркистон туманида ги Қарноқ қишлоғида ўтган. У 1955 йилда ўрта мактабни аъло баҳолар билан битириб, 1955 – 1959 йилларда Ўзбекистон давлат университети (ҳозирги Самарқанд давлат университети) нинг филология факультетида таҳсил олди.

1961 йилдан Эрнест Бегматовнинг бутун ҳаёти ЎзРФА Тил ва адабиёт институти билан боғлик бўлиб, умрининг охиригача 54 йил давомида шу институтда кичик илмий ходим (1961–1967), катта илмий ходим (1967–1974), бўлим мудири (1975–1986),

етакчи илмий ходим (1986–1989), бош илмий ходим (1990–1991), директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари (1991–1998), бўлим мудири (1998 йилдан) лавозимларида сидқидилдан хизмат қилиб келди.

Мен устоз Эрнст ака билан 1972 йилдан бошлаб 44 йил бирга ишлаб, бирга илмий-ижодий ҳамкорлик қилиб, у кишидан илмий тадқиқот сир-асрорларини ўргандим, устозни ҳориб-чарчамас, серқирра тадқиқотчи, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан олим сифатида танидим. Унинг одамийлик, самимийлик, бегаразлик, оиласпарварлик каби жуда кўплаб ижобий хислатларидан ўrnак олдим. Бугунги кунда таваллудининг 80 йиллиги нишонланаётган ажойиб инсон, забардаст олим ижодининг айрим қирралари ҳақида бир-икки оғиз фикр билдиришга жазм этдим.

Эрнст Бегматов 1962–1965 йиллар давомида ўзбек ономастикаси муаммолари билан шуғуллана бошлади, ўзбек исмлари, лақаб ва тахаллуслари, фамилия ва ота исмлари билан боғлиқ бой материалларни синчковлик билан тўплади, ўзбек антропонимларининг тарихи, луғавий-маъновий ҳамда грамматик хусусиятларини тадқиқ этди. Бу изланишларининг натижаси сифатида 1965 йилда таникли тилшунос Фахри Камолов раҳбарлигига «Ўзбек тили антропонимикаси» мавзууда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Ана шу йиллардан бошлаб унинг асосий тадқиқот обьекти ўзбек ономастикаси, хусусан, антропонимикаси бўлиб қолди – 1965–1991 йилларда киши исмлари тадқиқи бўйича бир неча ўнлаб мақолалар, ўнга яқин рисола ва луғатлар эълон қилди. Ҳатто умрининг охирги йилларида нашр эттирган «Ўзбек тили антропонимикаси» (2013), «Исларнинг сирли олами» (2014) монографиялари ҳам айни шу соҳани ўрганишга бағишиланган эди.

1966 йилда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида янги – Нутқ маданияти бўлими ташкил қилиниб, унга проф. С. Иброҳимов мудир этиб тайинланади. Э. Бегматов С. Иброҳимов билан биргаликда янги бўлимнинг илмий ва ташкилий ишларига астойдил киришади. Ушбу илмий йўналишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот обьекти ҳам деярли аниқ эмаслиги сабабли янги бўлим дастлаб осонроқ йўлни танлади: «Ўзбек тилининг имло луғати»-

ни тузишга ва нутқ маданияти соҳасининг моҳияти ва вазифаларини аниқлашга, уни илмий жамоатчилик орасида тарғиб қилишга киришди. Бу ишларда Э. Бегматов ҳам фаол иштирок этди. Бунинг самараси сифатида унинг ўзбек адабий тили, унинг меъёр ва услубарини талқин ва тарғиб қилишга бағишиланган рисолалари юзага келди. «Нутқ маданияти ва адабий норма» (1973), «Нотиклиқ маҳорати» (1979), «Ўзбек имлоси» (1979), «Нотикнинг нодир бойлиги» (1980), «Адабий талаффуз маданияти» (1982), «Нутқ гавҳари» (1984) рисолалари ва ўнлаб мақолалари шулар жумласидандир. Ушбу рисола ва мақолаларда нутқ маданияти тушунчасининг, таъсирчан, маҳоратли нутқнинг адабий тил ва адабий меъёр билан боғлиқлиги, тил ва унинг меъёрлари нотиқнинг асосий қуроли эканлиги, нутқий маҳорат ва нотиклиқ сирлари, бунда тилнинг луғавий бойлиги, адабий талаффуз, имло ва саводхонлик мухим, ҳал қилувчи ўрин тутиши ихчам ва содда тилда илмий баён қилинган.

Нутқ маданияти муаммоларига бағишилаб ёзилган ишлар орасида Э. Бегматовнинг «Ўзбек тили ва адабиёти» журналиниңг 1980 йил 4-сонида босилган «Ўзбек нутқ маданияти масалалари» мақоласи алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу мақола муаммовий-назарий ва илмий-дастурий хусусиятга эга бўлиб, унда ўзбек нутқи маданияти соҳасининг ўрганилиши лозим бўлган долзарб масалалари, чунончи, нутқ маданиятининг умумназарий масалалари 14 бандда, ёзма ва оғзаки нутқ маданияти масалалари, нутқ маданиятининг илмий-амалий масалалари 27 бандда бирма-бир таъкидланган ва аниқ санаб кўрсатилган. Э. Бегматовнинг нутқ маданияти бўйича олиб борган тадқиқотлари кейинчалик ушбу соҳа учун ўкув қўлланма сифатида ҳаммуаллифликда яратилган «Ўзбек нутқи маданияти асослари» (1992), «Нутқ маданияти ва услубият асослари» (1992) китобларида ўз ифодасини топган.

С. Иброҳимов вафоти туфайли қўлёзма ҳамда чала қолган «Ўзбек тилининг имло лугати», «Ўзбек адабий талаффузи луғати» каби жамоавий ишлар Э. Бегматов томонидан тўлиқ таҳrir этилди, такомиллаштирилди ҳамда 1976 ва 1984 йилларда нашр қилинди. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, олим умрининг охиригача ўзбек тили имлоси ва адабий меъёр масалалари би-

лан шуғулланиб келди. Унинг 2013 йилда А. Мадвалиев билан ҳамкорликда кирилл ва лотин ёзувларида алоҳида-алоҳида нашр эттирган, 85000 дан ортиқ сўз ва сўзшаклларни қамраб олган «Ўзбек тилининг имло луғати»/ O'zbek tilining imlo lug'ati ушбу фикрнинг яққол исботидир.

Нутқ маданияти бўлими Э. Бегматов мудирлик қилган даврда асосий эътиборни нутқ маданиятининг назарий муаммоларини ўрганишга қаратди. Натижада «Адабий норма ва нутқ маданияти» (1983), «Ўзбек нутқ маданияти очерклари» (1988) каби жамоавий тадқиқотлар нашрдан чиқарилди. Э. Бегматовнинг адабий меъёрга оид қарашлари кейинчалик «Адабий норма назарияси» деб номланган, уч қисмдан иборат фундаментал тадқиқотнинг (А. Маматов билан ҳамкорликда; 1997, 1999 ва 2000 йиллар) яратилишига асос бўлди.

Э. Бегматов 1966 йилда нашр этилган икки жилдан иборат «Хозирги ўзбек адабий тили» тадқиқотининг биринчи жилди учун «Ундов» ва «Тасвирий сўзлар», 1981 йилда нашр этилган «Ўзбек тили лексикологияси» жамоавий тадқиқоти учун «Ўзбек тили лексикасининг ижтимоий-тариҳий асослари» ва «Ўзбек тили лексикасининг тариҳий-функционал хусусиятлари» бўлимларини ёзиб берди. У лексикани ўрганиш бўйича бошланган ишларини давом эттирги ва ўзбек тили лексикасининг луғавий қатламларини назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилишга киришди. Бу улкан меҳнатнинг самараси сифатида «Хозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари» (1985) номли фундаментал тадқиқот юзага келди. Ушбу тадқиқот кейинчалик – 1988 йилда ҳимоя қилган «Хозирги ўзбек адабий тили лексикасининг ўз қатлами» мавзуидаги докторлик диссертацияси учун асос бўлди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши кўпчилик олимлар қатори Э. Бегматовни ҳам янги-янги изланишларга, амалий ишларга ундади ва илҳомлантириди. У ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунини амалга ошириш бўйича республика комиссияси таркибидаги топонимия комиссияси раисининг ўринbosари (1991 йилдан), Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга машҳур кишиларнинг номини бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг аъзоси (1994 йилдан), Ўзбек имлосининг янги қоидаларини

ишлаб чиқиши амалга оширувчи ишчи гурух раисининг ўринбосари (1993 йилдан), Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича Тошкент шаҳар комиссияси раисининг ўринбосари (1993 йилдан), Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги топонимия комиссиясининг аъзоси (1994 йилдан) сифатида «Давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга ошириш, лотин ёзуви асосидаги янги алифбога ўтиш, ўзбек тилининг янги имло қоидаларини яратиш, республика ҳудудидаги жой номларини тартибида солишининг илмий тамойиллари ва тавсияларини ишлаб чиқиш ишларида фаол иштирок этди.

Олим ўзининг 1989–2003 йилларда ёзган 10 дан ортиқ мақоласини «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш ҳамда бундан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаш, лотин ёзувига ўтишнинг аҳамияти, янги ўзбек алифбосининг афзаллик томонларини кўрсатишга бағищлади ва янги имло қоидаларининг «Бош ҳарфлар имлоси», «Кўчириш қодалиги» бўлимларини ёзди. Э. Бегматовнинг республика мустақиллиги шароитида топонимик тизимни меъёрлашга доир илмий қарашлари «Жой номлари – маънавият кўзгуси» (1998) рисоласида мукаммал тарзда умумлаштирилди.

Э. Бегматов кейинги йилларда ҳам ўзбек антропонимикаси бўйича тадқиқотларни изчил давом эттириди. Унинг ўзбек антропонимикаси тизимининг лисоний хусусиятлари бўйича кўп йиллик кузатишлари кейинчалик «Ислам чироий» (1993) рисоласида, «Ўзбек исмлари маъноси» (1998, 2007, 2010), юқорида зикр этилган «Ўзбек тили антропонимикаси» (2013), «Исларнинг сирли олами» (2014) деб номланган йирик тадқиқотларида ўз аксини топган. Хусусан, 3 марта нашр этилган «Ўзбек исмлари маъноси» луғат-тадқиқоти ўзбек исмшунослигига қўшилган бебаҳо хиссадир. Унда 14 мингдан ортиқ ўзбек исмларининг мотиватив маънолари изоҳланган.

Э. Бегматовни ҳақли равища ўзбек ономастикаси ва нутқ маданияти соҳаларининг асосчиларидан бири деб айтиш мумкин. У нафақат республикамизда, балки барча туркйзабон давлатларда ҳам танилган. Ўз соҳасининг жаҳон афкор оммаси, хусусан, филологлари олдида оташин тарғиботчиси сифатида Лейпциг (1984), Хельсинки (1990), Измир (1994) шаҳарларида бўлиб ўтган

халқаро конгресс ва йиғинларда, шунингдек, МДХ мамлакатлари ва республика миқёсидаги юздан ортиқ анжуманларда иштирок этган ва маърузалар қилган. Унинг ўзбек тилининг лисоний хусусиятлари тадқиқига бағишлиланган теран илмий мақолалари Москва, Волгоград, Боку, Олмаота, Фрунзе, Уфа, Лейпциг, Хельсинки, Сеул, Чимкент, Нукус шаҳарлари ҳамда республикамизнинг деярли барча вилоят марказларидаги нашрларда босилган. Сермаҳсул олимнинг умри давомида эълон килган ишларининг умумий миқдори 400 дан ортиқ бўлиб, уларнинг 30 га яқини ўз муаллифлигидаги ёки жамоавий монография ва луғатлар, 10 дан ортиғи илмий ва илмий-оммабоп рисолалардир.

Шу билан бирга, Э. Бегматов 20 йилдан ортиқроқ давр мобайнида ЎзРФА Тил ва адабиёт институти қошидаги докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгаш аъзоси, раиси, раис ўринbosари сифатида ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги айни шундай кенгашнинг аъзоси сифатида республика учун малакали тилшунос кадрлар тайёрлаш соҳасида самарали фаолият кўрсатиб келди. Унинг илмий раҳбарлигига 30 дан ортиқ тадқиқотчи докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Шунингдек, у 46 та докторлик ва номзодлик диссертацияларига оппонентлик қилган.

Э. Бегматовнинг самарали илмий фаолияти, кенг кўламли ташкилотчилик ишлари Ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди: 2001 йили у «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Э. Бегматов қанчалик синчков, заҳматкаш тадқиқотчи бўлса, шунчалик камтар, камсуқум, ғамхўр мураббий ҳам эди. У ана шундай фазилатлари туфайли ўзи хизмат қилган илмий жамоада, ҳамкаслари, шогирдлари орасида катта ҳурматга сазовор эди. Эрнст Бегматов ўз ҳамкаслари, шогирдлари ва фарзандларига ибрат бўларли умр йўлини босиб ўтди. Ўзининг бутун онгли ҳаётини ўзбек тилини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилишга, ўзбек тилшунослигини ривожлантиришга бағишлиланган фидойи олим, меҳрибон инсон Эрнст Бегматовнинг порлоқ хотираси доимо қалбимиздадир.

*Мақола Э. Бегматов таваллудининг
80 йиллигига бағишилаб ёзилган.*

ЎЗБЕК ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ ВА СУЮН ҚОРАЕВ

«Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деганларидек, бирор яқин кишинг билан доимо юзма-юз учрашиб ёки бирор-бир восита орқали алоқа қилиб, вақти-вақти билан унинг иш фаолиятидан хабардор бўлиб турганингда, у ҳақда яхлит бир тасаввур ҳосил қила олмайсан. Лекин муайян бир саналарда, масалан, таваллуди нишонланадиган кунларда у ҳақда эълон қилинадиган биобиблиографияларда, мақолаларда, эсдаликларда, юбилей муносабати билан уюштириладиган тантаналарда ана шу инсоннинг бир бутун ҳаёти, меҳнат фаолияти яққол намоён бўлади. Айни шу фикрларни мен 1972 йилдан бери таниган, ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида 15 йил бирга ишлаган, бугунги кунда ўз таваллудининг муборак 90 йиллигини нишонлаётган ажойиб инсон, таниқли тилшунос-топонимшунос, филология фанлари номзоди, география фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Халқаро Айтматов академиясининг академиги Суюн Қораев ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Суюн Қораев республикамиздагина эмас, балки барча туркӣзабон давлатларда ҳам танилган, жой номларини, географик терминларни ўрганишнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатлари чуқур таҳлил этилган ўнлаб монография, луғат, рисола ва қўлланмалар, юзлаб илмий ва илмий-оммабоп мақолалар эълон қилган тиниб-тинчимас, ҳориб-чарчамас, ўта ишchan олимдир. У ўзининг асосий илмий йўналиши – жой номларини ҳар томонлама ўрганишдан ташқари ўзбек тилининг ривожи, ўзбек тилшунослигининг таракқиёти учун жонбозлик кўрсатиб келган истеъоддли тилшунос ҳамдир. Дарвоҷе, у ўз вақтида 1981 йилда Москвада нашр этилган 2 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ҳақида ўз танқидий ёки тавсия маъносидаги холисона мулоҳазаларини қофозга тушириб қўйган экан (бироқ бу мулоҳазалар негадир ўз вақтида эълон қилинмаган).

Модомики, гаи изоҳли луғатга бориб тақалган экан, умуман луғатчилик, хусусан кейинги, 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг тузилиш сабаблари, унинг асосий хусусиятлари ва янгиликлари ҳақида бир-икки оғиз гапириб ўтишни лозим топдик.

Адабиётларда ҳар кандай миллий тилнинг асосий сўз бойлигини, шу тилнинг тарихан ривожланиши ҳамда муайян луғатни яратиш чоғидаги турғун ҳолатини ифода этувчи катта ҳажмли филологик луғатлар улкан маданий аҳамиятга молик ишлар сифатида баҳоланади.

Маълумки, яқин йилларгача фойдаланиб келганимиз икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (Москва, 1981) ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти луғатчи олимларининг жуда катта меҳнати эвазига юзага чиққан. Лекин бу луғат маълум сабабларга кўра, хусусан, луғатга сўз танлашдан тортиб, сўз маъноларини белгилаш, қайд этиш, изоҳлаш масалаларида бир қатор камчиликларга эгалиги, энг асосийси – бугунги давримизга, республиканинг мустақиллик ҳолатига мос, муовфикар келмайдиган сиёсий, мафкуравий қарашларни маълум дарражада ифодалаганлиги туфайли ҳозирги кун талабларига жавоб беролмай қолган эди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви билан тил сиёсатида жиддий ўзгариш юз бериб, ўзбек тилининг тараққиёт йўлида янги давр бошланди. Республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган катта ўзгаришлар, ривожланган жуда кўп мамлакатлар билан алоқаларнинг тобора кучайиб бораётганлиги қисқа вақт ичида ўзбек тили, хусусан, унинг лексикаси ривожига сезиларли ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, бозор иқтисодиёти, янгича иқтисодий сиёсат тизимидағи **авизо**, **аудит**, **аудитор**, **брокер**, **депозит**, **дилер**, **консалтинг**, **лизинг**, **менежер**, **менежмент**, **мониторинг**, **ноу-хау**, **санация**, **холдинг** каби; фан ва техникага оид янги тушунчаларни ифодаловчи **дисплей**, **интернет**, **монитор**, **принтер**, **сайт**, **сканер**, **файл** сингари бир қанча янги сўзларнинг кенг кўллана бошлаши; **вазир**, **домла**, **миршаб**, **посбон**, **ҳоким** каби сўзларнинг янгича маънолар касб этиши, ўзбек спортининг ривожланиши туфайли **кураш**, **ёнбош**, **чала**, **ҳалол** каби сўзларнинг янги маъноларга эга бўлиши, юзлаб диний-тасаввуфий ва фалсафий атамаларнинг истеъмолга кириб келиши айни шу ижобий таъсир натижасидир.

Юқорида зикр этилган омиллар таъсирида ўзбек тили луғат таркибида юз берган жиддий ўзгаришлар муносабати билан янги

давр талабига жавоб берадиган изоҳли луғат яратиш заруратидан келиб чиқиб, ўзбек тилининг янги қўп жилдли изоҳли луғатини тузиш ва чоп этиш Республика ҳукуматининг маҳсус қарори билан Давлат дастурига киритилди ва уни амалга ошириш ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти зиммасига юклатилди (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли қарори ва унга илова қилинган Давлат дастури). Академик А. Ҳожиев раҳбарлигидаги институт луғатшуносла-рининг қарийб 10 йиллик жиддий меҳнати туфайли янги, беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» яратилди ва у 2006 – 2008 йилларда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат ил-мий нашриётида чоп этилди.

Беш жилдан иборат «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» мав-жуд икки жилдли изоҳли луғат материалларидан танқидий фойдаланган холда, ўзбек ва жаҳон луғатчилигининг янги, ижобий ютуқларини, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида ҳаётимиизда рўй берган туб ўзгаришлар ва шу муносабат билан ўзбек тили лексикасида содир бўлган янгиликларни эътиборга олиб яратилган янги луғатдир. Р. А. Будаговнинг таъкидлашича, бирор на-зария, усул, борингки, луғатнинг эскисига нисбатан янгилиги жиддий асосланмас экан, янгилик фақат терминбозлиқдан ибо-рат бўлар экан, бундай янгилик фанни олға ривожлантиrmайди, балки унинг тараққиётига тўсқинлик қилади.

Ушбу фикрга жавобан куйидагиларни айтиш мумкин: луғатнинг янгилиги, мавжуд икки жилдликдан фарқли томонлари шун-даки, у, энг аввало, мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий ва маънавий-маданий ҳа-ётида рўй берган янгиликларни акс эттирувчи луғавий бирликлар (сўз-терминлар, сўз бирикмалари), иллюстратив материаллар билан бойитилди; шўро мафкураси билан боғлиқ сўзлар, терминлар, сўз бирикмаларидан холи қилинди, «тозаланди» (зарур ҳолларда улар «эскирган», «тарихий» белгилари билан берилди) ёки, ак-синча, аввалги луғатда «эскирган», «тарихий», «диний» каби бел-гилар билан берилиб, маъноси ўша давр мафкураси нуқтаи назаридан бир томонлама изоҳланган қўплаб сўз-терминлар ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб қайта изоҳланди. Шу билан бирга,

деярли барча ўзлашма сўзларнинг этимологияси, яъни уларнинг аслида қайси тилга мансублиги, ўша тилдаги ёзилиши ва дастлабки, асл маъноси кўрсатилди. Сўзларнинг келиб чиқишини белгилашда ўтган асрнинг иккинчи ярмидан то ҳозирги кунгача нашр этилган икки тилли луғатлардан, хорижий сўзлар луғатларидан, бир қанча тилларнинг изоҳли ва этимологик луғатларидан, зарур ҳолларда эса эски ўзбек адабий тили бўйича турли даврларда тузилган луғатлардан фойдаланилди ва ўзлашма сўзларга имкон қадар этимологик маълумот берилди. Бу этимологик маълумотларда манба тилдаги сўзларнинг кишини ҳайратга соларли даражада маъно ўзгаришларига учраганини кузатиш мумкин. Масалан, **басир** сўзи манба тилда, яъни араб тилида «кўриш қобилияти яхши, нарсаларни яхши фарқловчи, ўткир зеҳнли» каби маъноларни ифодаласа (ҳозирги кунда хам айрим ота-оналарнинг ўз фарзандларига «Басир», «Басира» деб ном қўйишлари уларнинг араб тилидан, шу сўзнинг маъносидан яхши хабардорлигини кўрсатади), ҳозирги ўзбек тилида умумистеъмолда «яхши кўра олмайдиган, кўр» маъноларини ифодалайди. Қисқа муддатда бундай луғатнинг яратилиши мустакиллик туфайли юзага келган кенг имкониятлар натижаси бўлиб, ўзбек халқи маънавияти, маданияти соҳасидаги муҳим янгилик бўлди дейиш мумкин.

Луғатчилик сўзларни алифбо тартибига солиб, наридан-бери изоҳлаб ёки бирон тилга таржима қилиб қўйишдан иборат осон иш эмас. Аксинча, у қийин ва сермехнат жараёндир. Айниқса, изоҳли луғат яратиш мураккаб ва қийин фаолият ҳисобланади, шунинг учун ҳам машҳур немис филологи Готфрид Германн: «Дунёда иккита қийин иш бўлса, бири – луғат тузиш, бири – грамматика ёзиш», – деган эди.

Испан лексикографи Х. Касарес луғатчиликнинг мураккаблиги ва қийинлиги ҳақида: «Гап шундай бир сермашаққат, мураккаб ва оғир иш устида борадики, бу ишда лаззат топа билмаган, унга майл кўя олмаган киши уни тезда ташлаб кетади, чунки кўпгина луғат мақолаларини тузиш учун керак бўладиган вақт ичida муаллиф унга шухрат келтира оладиган монографиялар ёзиши мумкин», – дейди.

Луғат ишининг ниҳоятда қийин ва мураккаблигини XVI асрда яшаган француз филологи ва тарихчиси Скалигер ғоят чиройли,

образли тасвирлаб берган (Бу ҳақда ушбу китобдаги «Улкан салоҳиятли, закий луғатшунос» мақоласига қарант).

Луғат тузишнинг оғир иш эканлигини жиддий луғатлар яратган кишигина тўлиқ ҳис қиласи. Лекин луғат яратилиб, нашр этилгандан сўнг луғат тузиш машаққатини билмаган кишилар оппонент мақомида ундан камчилик қидира бошлайдилар. Ўзбек тилининг 5 жилдли изоҳли луғати нашр этилганидан кейин ҳам ана шундай ахвол содир бўлди. Ушбу луғат ҳақида матбуотда 30 га яқин ижобий тақриз эълон қилиниши билан бир қаторда луғат ҳақида танқидий фикрлар ҳам айтилди. Танқидий фикрларнинг қай бири холис, беғараз, маслаҳат тарзида бўлса, айримлари ғаразли, носамимий бўлди. Масалан, севимли шоиримиз Э. Воҳидов луғат нашр этилишидан олдин ҳам, у нашр этилганидан кейин ҳам ўз мақолалари ва «Сўз латофати» китобида луғатнинг нашр этилганини қўллаб-қувватлаш билан бирга, унинг янада камровли бўлишини, мумтоз адабиётимизда қўлланган сўзлар ҳисобига ўзбек тилининг кўп жилдли янада мукаммал изоҳли луғатини яратиш зарурлигини айтиб, жўяли, мақбул таклиф ва тавсиялар берган бўлса, ўзбек филологларига яхши таниш бўлган иккита фан доқтори ва бир академик луғат нашр этилганидан кейин ундан фақат кир қидириш билан машғул бўлдилар. Бу ўткинчи, ғаразли танқидларга қарамай, луғат тўлиқ нашр этилган 2008 йилдан буён яшаб келмоқда, халқимизга, ўзбек тили мухлисларига хизмат қилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, луғат сифатини оширишга хизмат қиладиган маслаҳат, таклиф ва тавсиялар берган, у нашр этилганидан сўнг у ҳақда илиқ сўзлар айтган кишилар қўпчиликни ташкил этади. Ана шундай инсонлардан бири Суюн Кораев-дир. Юқорида Суюн Кораев 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг сифатини оширишга ўз ҳиссасини қўшганлиги ҳақида айтиб ўтган эдим. Луғатнинг 1- ва 2-жилдлари нашр этилиш арафасида Суюн ака менга қўнғироқ қилиб: «Сизлар янгидан изоҳли луғат тузяпсизлар экан ва сиз луғатнинг муҳаррири экансиз. Менда аввалги 2 жилдли изоҳли луғат ҳақида ёзилган ва анчадан бери сақлаб юрган бир мақола бор. Ундан фойдалансангиз, фойдадан холи бўлмайди», – деб менга 23 бетли мақолани лутфан тақдим этди.

Ҳақиқатан ҳам бу мақола «фойдадан холи бўлмаган» материал бўлиб, Суюн ака 2 жилди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни синчилаб ва рақлаб, унинг хоҳ жузъий, хоҳ жиддий камчиликларини одилона ва самимий кўрсатиб ўтган ва бу камчиликларни нималар ҳисобига камайтириб ёки бартараф этиб, луғат сифатини ошириш йўлларини бирма-бир тушунтирган. Мақола ўтган асрнинг 80-йилларида ёзилган бўлса ҳам, С. Қораев уни қандайдир андиша билан – балки мўътабар луғатчи олимларимизнинг чеккан заҳматлари хурматиданми ёки узоқ йиллар кутилган дастлабки изоҳли луғатимиз ҳақида танқидийроқ материал бўлгани учунми, ҳар ҳолда, нашр эттирмаган экан. Албатта, бу андиша охир-оқибат яхшилик учун хизмат қилди – мен луғатнинг муҳаррири сифатида Суюн аканинг мақоласидаги аксар таклиф ва тавсиялардан унумли фойдаландим ва уларни луғатга сингдириб юбордим. Луғат сўзбошисида Ўзбекистон ҳалқ шоири Э. Воҳидов билан бир қаторда география фанлари доктори Суюн Қораевга ҳам таклиф-тавсиялари учун алоҳида миннатдорчилик билдирилди.

Суюн Қораев изоҳли луғат яратиш бевосита ўзининг фаолият соҳасига алоқадор бўлмагани сабабли мазкур мақолани эълон қилмаган бўлса-да, ўзининг севимли соҳаси бўлмиш жой номларини ўрганишда – жой номларининг таркибий тузилиши, келиб чиқиши ва этимологиясини белгилашда ҳар қандай киши билан соатлаб баҳслашадиган, ўз фикрини қатъий туриб ҳимоя қила оладиган ўта талабчан ва принципиал олимдир. Унинг «Географик номлар маъносини биласизми?», «Географик терминлар ва тушунчалар изоҳи луғати», «Тошкент топонимлари», «Географик номлар маъноси», «Этнонимика», «Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиласидиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати», «Ўзбекистон вилоятлари топонимлари», «Топонимика» (бакалаврлар учун дастур), «Тороніміка» (ўқув қўлланмаси), «Топонимия Узбекистана», «Топонимия Узбекистана с топонимическим словарём» (2015, 500 бет) каби бир неча ўнлаб фундаментал асарлари, юзлаб мақолалари устоз олимнинг ишчанлиги, ўзига талабчанлиги ҳақидаги фикрларимизнинг ёрқин далилидир. У ўзининг монография ва мақолаларида атоқли отлар топонимларнинг олий шакли эканлиги, уларни каталогглаштириш, асрабавайлаш, конунлаштириш зарурлиги, жойларга енгил-елли ном-

лар қўймаслик, топонимларнинг имкон қадар кам компонентли бўлишига эришиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратади. Унинг номзодлик («Ўзбекистон топонимиясини ўрганиш тажрибаси», 1969) ва докторлик («Ўзбекистон ойконимияси», 1998) ҳам айни шу масалаларга бағишиланган.

Юқорида С. Қораев фақат республикамиздагина эмас, балки бошқа давлатларда ҳам танилган олим дедик. Ҳақиқатан ҳам унинг бир неча ўнлаб мақолалари Москва, Волгоград, Уфа, Қозон, Олмаота, Боку, Фрунзе (Бишкек), Шимкент, Анқара, Хельсинки ва бошқа шаҳарларда чоп этилиб, бу мақолалар Ўзбекистонда топонимика бўйича амалга ошириладиган ишларни тарғиб этишга хизмат қилди.

С. Қораев нафақат истеъдодли олим ва илм соҳасидаги янгиликларнинг, ютуқларнинг тарғиботчиси, балки моҳир таржимон ҳамдир. У туркийларнинг атоқли ёзувчиси Чингиз Айтматов билан юзма-юз мулоқотлар ва ўзаро ёзишмалар натижасида Ч. Айтматов ижодининг шайдосига айланди. С. Қораев ана шу мулоқот ва ёзишмалар чоғида атоқли ёзувчидан баъзи асарларини ўзбек тилига таржима қилиш учун розилик олган ва ёзувчининг бир қанча ҳикоялари ва қиссаларини, «Тавро Кассандры» романини «Охир замон нишоналари» номи билан, «Когда падают горы» («Вечная невеста») романини «Тоғлар қулаётган замон» («Абадий қаллик») номи билан ўзбек тилига таржима қилган.

Суюн Қораев кўплаб ижобий инсоний фазилатларга эга: мен у киши билан 15 беш йил ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида ишлаган пайтимда уни барчага тенг муомала қиласидиган бағрикенг инсон, дилкаш ҳамсухбат, яқин улфат, энг асосийси, ҳориб-чарчамас тадқиқотчи сифатида таниганман. У ўзининг ушбу фазилатлари туфайли ҳам узоқ умр кечириб, бугунги кунда 90 ёш билан қаршилашиб турибди.

Мен устоз Суюн Қораевга юксак инсоний фазилатлар бундан кейин ҳам уни тарқ этмаслигини, узоқ умр кўриб, соғ-саломат юришини, янгидан-янги илмий асарлар яратишини тилаб қоламан!

*Мақола С. Қораев таваллудининг
90 йиллигига бағишилаб ёзилган.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АСОСИЙ КУТУБХОНАСИ



АБДУВАҲОБ МАДВАЛИЕВ

70

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИМЛАРИНИНГ БИОБИБЛИОГРАФИЯСИГА
ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**

Масъул мұхаррир

Т. Мирзаев,

*Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби,
филология фанлари доктори, профессор*

Тузувчи

Ғ. Исмоилов,

филология фанлари номзоди

Мұхаррир - библиограф лар:

С. Жўраева, Б. Мирзаева

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

АБДУВАҲОБ МАДВАЛИЕВ БИОБИБЛИОГРАФИЯСИ

ЎЗБЕК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИЯСИНинг ЗУККО ТАДҶИҚОТЧИСИ

Таниқли терминшунос ва лексикограф, ўзбек лотин графикаси ҳамда расмий услуб тилининг янгидан шаклланишига муносаб ҳисса қўшган олим, филология фанлари номзоди Абдуваҳоб Мадвалиев 70 ёшга тўлди.

1947 йилнинг 15 апрелида Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида хунарманд-косиб оиласида туғилган Абдуваҳоб Мадвалиев 1966 йилда мазкур шаҳардаги 14-ўрта мактабни тугатгач, Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги Фарғона давлат университети)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишига кирди. Унинг филология йўналишини танлашига кўп жиҳатдан ўша йиллари мактабда она тили ва адабиётдан дарс берган филология фанлари номзоди, доцент Ҳасанали Рустамовнинг сабоқлари катта туртки бўлди. Институтда таҳсил олган йиллари Абдуваҳоб таниқли тилшунос ва адабиётшунослар – F. Абдураҳмоиров, А. Матғозиев, И. Фармонов, X. Рустамов, К. Юсупов, Я. Зулфиев, Т. Турғунов, А. Иброхимов, Ў. Холматов, X. Ҳакимова, И. Назаров, А. Раҳимов, А. Шаропов, Й. Солижонов ва бошқалардан педагоглик маҳорати, илмий изланиш сирларини ўрганди. Устозлари А. Матғозиев ва Я. Зулфиевларнинг сабоқларидан илҳомланиб, уларнинг маслаҳатлари асосида «Пошшоҳўжа асарларининг лисоний хусусиятлари» ҳамда «Арабча кўплик шаклларининг ўзбек тилида ифодаланиши» мавзуларида илмий маъruzалар тайёрлади. Ўқиш ва жамоат ишларидаги фаоллиги туфайли Навоий стипендиясини олишга сазовор бўлди. Институтни имтиёзли диплом билан тугатган А. Мадвалиев 1970 – 1972 йилларда Фарғона вилояти Охунбобоев (ҳозирги Ёзёвон) туманидаги таълим икки тилда олиб бориладиган

10-ўрта мактабда она (ўзбек) тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлади. Институтда ўқиб юрган кезларида бошланган илмга чанқоқлик уни Тошкентга – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига етаклади ва 1972 йил ноябрь ойидан Институтнинг Олим Усмон раҳбарлик қилаётган Терминология бўлимида лаборант сифатида иш бошлади. Институтдаги қарийб 45 йиллик фаолияти даврида лаборант, катта лаборант, кичик илмий ходим, катта ва етакчи илмий ходим (1972–1990), ЎзРФА Тилшунослик институтининг илмий котиби (1991–1998) бўлиб ишлади, 1998 йил июль ойидан то 2016 йилнинг июлигача, яъни 18 йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари сифатида фаол меҳнат қилиб келди. 2016 йил август ойидан шу институтнинг бўлим мудири, етакчи илмий ходими бўлиб ишламоқда.

Институтдаги бегараз, лекин талабчан илмий муҳит, республикамиизда ва ундан ташқарида ҳам маълум ва машхур бўлган тилшунослар (С. Иброҳимов, О. Усмонов, З. Маъруфов, С. Акобиров, Ф. Абдуллаев, Ш. Шоабдураҳмонов, Ф. Абдураҳмонов, А. Ҳожиев, Ш. Шукуров, Э. Бегматов, А. Ишаев, Р. Дониёров, С. С. Ким ва б.) давраси А. Мадвалиевга одамийлик ва олимликнинг янги-янги қирраларини ўрганиш, ўзлаштиришга катта ёрдам берди. У 1986 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари – доцент Олим Усмонов ва академик Ҳамдам Усмоновлар раҳбарлигида «Ўзбек кимё терминологияси ва уни тартибга солиши масалалари» мавзуидаги номзодлик диссертацияси ни муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўз иш фаолияти даврида ўзбек тилшунослигининг терминология, лексикология ва лексикография, расмий услугуб ва графика каби соҳаларида изланишлар олиб борди. Шу давргача эълон қилинган 500 га яқин илмий ва илмий-оммабоп ишлари, тезис ва хабарлари унинг серқирра олим эканлигига яққол далолат бўла олади.

А. Мадвалиев энг аввало терминшунос олим сифатида танила бошлади. Ҳали лаборантлик давридаёқ терминология бўлими ходимлари яратा�ётган «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати»ни тузиш ва нашрга тайёрлашда фаол иштирок этиб, шу луғатнинг

ҳаммуаллифлари қаторидан жой олди. Кейинчалик бўлимнинг режали ишлари асосида нашр этилган «Ўзбек тилида лексик вариантлар» (1986), «Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси ва уни тартибга солиш принциплари» (1991) каби жамоавий монографияларниң асосий муаллифларидан бири сифатида салмоқли мақолалари билан иштирок этди, «Ўзбек терминологияси бўйича библиографик кўрсаткич» (1981) ҳам унинг фаол иштирокида яратилди. Терминология соҳасидаги ишларни ЎзР ФА ҳузуридаги Республика муассасалараро терминология комиссияси (РМТК)да жамоатчилик асосида, шунингдек, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитасида етакчи мутахассис лавозимида (1985–2001) давом эттириб, бу муассасалар ўтказган илмий-амалий анжуманларнинг ташкилотчи ва иштирокчиларидан бири, ана шундай анжуманлар материалларини, РМТК бюллетенлари ҳамда Атамақўм ахборотномаларининг масъул муҳаррирларидан бири ва таҳрир ҳайъатининг масъул котиби сифатида катта илмий-амалий ишларни амалга ошириди. Унинг ўзбек тили терминологияси ва уни тартибга солиш масалаларига бағишлиланган кўплаб мақолалари, бир қатор олимлар билан ҳаммуаллифликда яратган «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати» (1976), «Қисқача русча-ўзбекча ҳарбий терминлар луғати» (1989), «Иш юритиш атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати» (1994), «Қисқача русча-ўзбекча-инглизча иш юритиш луғати» (1995), «Иш юритиш. Русча-ўзбекча-инглизча луғат» (2005), «Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик луғат-минимум» (2005), «Иш юритиш бўйича электрон луғат» (2006; ЎзР Давлат патент идорасининг DGU 01122 рақамли муаллифлик гувоҳномаси) кабилар ўзбек тили терминологияси ривожига қўшган хиссасини аниқ кўрсатиб турибди.

Республика ҳукуматининг маҳсус қарори асосида Тил ва адабиёт институтида ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини тузиш ишларининг бошланиши ва унга масъул муҳаррир этиб тайинланиши А. Мадвалиевнинг ҳақиқий луғатшунос сифатидаги хислатларини очиб берди. У янгидан яратилаётган кўп жилдли изоҳли луғатнинг Б, Д, Г, Ё, Ж, З, П, Р, С, Ц, Э ҳарфларини ҳам-

муаллифликда тузиш билан бирга, луғатнинг масъул мухаррири сифатида барча ҳарфлардаги байналмилал, арабча, форсча ва бошқа чет тиллардан ўзлашган сўзларнинг биринчи манба тилда қандай ёзилиши, шу сўзларнинг ўша тилдаги асл ёки луғавий маъносини аниқлаб, улар ҳақида мумкин қадар тўлиқроқ эти-мологик маълумот беришга ҳаракат қилди ва бунинг уддасидан чиқди. Шу билан бирга луғатнинг барча қисмларини бозор иқти-садиёти, ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда ўзбек тилига янгидан кириб келаётган сўз ва терминлар билан бойитди; луғатга танлаб киритилаётган терминлар таърифини ҳам ил-мий, ҳам ўқувчига тушунарли бўлишини таъминлади. Умуман, ҳам масъул мухаррир, ҳам тузувчи мақомида луғатнинг янада мукаммал, янада сифатли бўлишига муносиб ҳисса қўшиди.

Республикада расмий иш услуби тилини шакллантиришда ҳам А. Мадвалиевнинг ўз ўрни бор. Бу соҳада, XX асрнинг 30-йил-ларида эълон қилинган баъзи луғатларни ҳисобга олмаганда, бирон-бир жиддий изланиш олиб борилмаган, бирон-бир омма-боп қўлланма яратилмаган эди. 1989 йили ўзбек тилига давлат тили мақомини берувчи «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қи-лингач, Тил ва адабиёт институтининг ўша даврдаги директори, проф. Б. Назаровнинг тавсияси ҳамда А. Мадвалиев ва Н. Маҳка-мовларнинг ташаббуси билан Н. Маҳмудов ва А. Аминовлар – 4 киши ҳаммуаллифлигида республикамиизда биринчи марта «Ўзбек тилида иш юритиши» деб номланган оммабоп қўлланма яратилди (1990). Бу қўлланма «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг асосий талабларидан бири – барча идоравий-расмий ҳужжатлар ва ўзаро ёзишмаларнинг ўзбек тилида расмийлаштирилиши за-рурлиги ҳақидаги талабни амалга оширишга ёрдам бериш билан бирга, шунга ўхшаш ўқув ва оммабоп қўлланмаларнинг ярати-лишига туртки бўлди. Мазкур қўлланмага бўлган катта эҳтиёж туфайли 2000, 2003, 2009, 2010, 2012, 2014, 2015, 2016 йилларда у қайта ишланган ва тўлдирилган ҳолда «Иш юритиши. Амалий қўлланма» номи билан 8 марта нашр этилди. Ушбу қўлланмалар-нинг нашр этилишида, иш юритиши терминлари бўйича мазкур 4 та луғатнинг яратилишида, бинобарин, ўзбек тили расмий ус-

лубини шакллантириш ва ривожлантиришда А. Мадвалиевнинг хизматлари эътиборга лойикдир.

А. Мадвалиев илмий тадқиқотчилик ишларини педагогик фаолият билан қўшиб олиб бораётган олимларимиздандир. У 1991–2007 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг ўзбек тили кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб, ушбу даргоҳда талабалар дунёқараши ва билим савиясини юқсалтириш, талаба ва ёш ўқитувчиларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, умуман, таълим сифатини ошириш каби ишларни амалга ошириш билан бирга Ў. Лафасов ва А. Исмоиловлар билан ҳамкорликда русийзабон гурухлар учун «Ўзбек тили» дарслиги ва ўқув дастурини нашр эттириди.

А. Мадвалиевнинг меҳнат фаолиятида муҳаррирлик ҳам муҳим ўрин тутади. 1995–2004 йиллар мобайнида ЎзР Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказида етакчи мутахассис лавозимида ишлаб, ДТМнинг шу йилларда ўзбек тилида нашр этилган барча «Ахборотнома»ларини (100 тадан ортиқ), ўтказилган тест синовлари таҳлилига бағишлиланган 10 га яқин китобларни (жами 400 б. т. дан ортиқ) таҳрирдан ўтказди. Шунингдек, у А. Исмоилов ва Л. Рауфоваларнинг «Ўзбек лотин ёзуви», А. Исмоилов ва Ў. Лафасовнинг «Ўзбек тили (машқлар тўплами)», А. Ҳожиевнинг «Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати» (2002), З. Мираҳмедованинг «Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари» (2010) монографияси, «Фаттоҳ Абдуллаев замондошлари хотирасида» (2013) китоби, Н. Маҳмудов ва Ё. Одиловларнинг «Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли лугати» (2014) китоби, Э. Умаров нашрга тайёрлаган «XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек тилида яратилган мунозаралар» (2015) рисоласи, Н. Маҳмудовнинг «So‘z sandiqchasi. O‘zbek tilining izohli lug‘atchasi», Ш. Бўтаев ва М. Ирисқуловларнинг 2006–2013 йилларда турли ҳажмда ўзбек-лотин ёзувида нашр этилган бешта инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча луғатларини таҳрир килган, шунингдек, 1986–2004 йиллар мобайнида ЎзР Фанлар академияси хузуридаги Республика муассасалараро терминология комиссиясининг «Бюллетен»лари ҳамда ЎзР Вазир-

лар Махкамаси хузуридаги Республика атамашунослик қўмитаси «Ахборотнома»ларининг деярли барча сонларида, яна бошқа бир қанча тўпламларда муҳаррир ёки таҳрир ҳайъатининг аъзоси сифатида иштирок этган. Илмий ва илмий-оммабоп таҳрир соҳасида орттирилган бой тажриба А. Мадвалиевга «Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси» давлат илмий нашриётидаги фаолиятида катта ёрдам берди. 2003–2008 йилларда мазкур нашриётнинг Тил ва адабиёт илмий таҳририятининг мудири лавозимида ўриндошлиқ асосида фаолият кўрсатиб келган Абдуваҳоб Мадвалиев ушбу улкан ва бекиёс нашрнинг 5–12-жилдларида тил, адабиёт, фольклор ва журналистикага доир барча мақолаларни (жами 70 б. т. дан ортиқ) таҳрирдан ўтказди ҳамда уларни мукаммал ва сифатли нашр этилишига муносиб ҳисса кўшди. Ниҳоят, кўп жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»га масъул муҳаррир этиб тайинланиши ва бу соҳада олиб борган машаққатли ишлари А. Мадвалиев муҳаррирлик фаолиятининг юқори чўққиси деса бўлади. Узоқ ва оғир меҳнат эвазига дунёга келган 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» 2006–2008 йилларда А. Мадвалиев таҳрири остида «Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси» давлат илмий нашриётида тўлиқ нашр этилди. Ушбу лугат ҳозирги кунда филологлар, турли соҳа мутахассислари ва ўзбек тили мухлисларининг кундалиқ иш китобига айланган. Яқинда мазкур лугатнинг тузатилган 2-нашри ҳам чоп этилади.

Абдуваҳоб Мадвалиев кейинги йилларда ҳам луғатчилик билан астойдил шуғулланиб келмоқда. Айниқса, 2013 йил Абдуваҳоб учун ғоят баракали бўлди дейиш мумкин: у муҳаррир ва ҳаммуаллиф сифатида 2 жилдли «Русча-ўзбекча луғат» ҳамда катта ҳажмли имло луғатларини чоп эттирди. 1983 – 1984 йилларда Тил ва адабиёт институтининг таникли лексикографлари томонидан тузилган икки жилдли «Русча-ўзбекча луғат»ни бошидан охиригача замонавий талабларга мос равишда таҳрир қилиш билан бирга А. Мадвалиев уни 3500 та янги сўз ва 7000 тага яқин далилловчи мисоллар билан бойитди. Таникли тилшунос, проф. Э. А. Бегматов билан ҳамкорликда алоҳида-алоҳида ўзбек-кирилл ва ўзбек-лотин ёзувларида тайёрланган «Ўзбек тилининг имло луғати», «O'zbek tilining imlo lug'ati» китоблари Ўз-

бекистонда ҳозиргача нашр этилган имло луғатларидан ҳажман энг катталари бўлиб, уларнинг ҳар иккиси ҳам 85 000 дан ортиқ сўзни қамраб олади. А. Мадвалиев, шунингдек, филология фанлари доктори, проф. Н. М. Маҳмудов ташабbusи ва раҳбарлиги асосида ҳар иккала ёзувда тайёрланган ва 2015 йилда чоп этилган «Ўзбек тили пунктуациясининг асосий қоидалари» – «Ozbek tili punktuatsiyasining asosiy qoidalari» рисоласининг ҳам ҳамму-аллифи ҳисобланади.

А. Мадвалиев дунё тиллари ва таниқли тилшуносларни жамоатчиликка танишириш, уларнинг илмий фаолиятини тарғиб қилишга ҳам катта хисса қўшиб келган. У «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» саҳифаларида 180 дан ортиқ тил ҳамда тиллар гурухи, 60 га яқин қадимги Шарқ, Фарб ва ўзбек тилшунослари ҳақидаги маълумотларни акс эттирувчи мақола ва хабарларни эълон қилган.

А. Мадвалиев фаол жамоатчи ва мохир фан ташкилотчиси ҳамdir. У ЎзР ФА Тилшунослик институтининг илмий котиби, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тилшунослик бўйича докторлик ва номзодлик диссертациялари муҳокамаси кенгашининг раиси, тилшунослик бўйича илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи кенгащ раиси лавозимларида фаолият кўрсатиб, тилшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали таҳrir ҳайъатининг аъзоси, бош муҳаррир ўринбосари сифатида журнал саҳифаларида эълон қилинаётган мақолаларнинг мукаммал бўлишига, илмий жиҳатдан етук кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор бериб келмоқда. Шунингдек, республика хукумати ва Биринчи Президентининг ўзбек тилининг давлат тили мақомини мустаҳкамлаш, уни ривожлантириш борасидаги фармон ва қарорларини ҳаётга татбик этишда, хусусан, «Давлат тили ҳақида»ги ва «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунларнинг республика Фанлар академияси ва институт миқёсида амалга оширилишида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Унинг илмий раҳбарлигига 1 аспирант (F. M. Исмоилов) номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. А. Мадвалиев 10 дан ортиқ ба-

калавр ва магистрга ташқи илмий раҳбарлик ёки оппонентлик қилган.

Шунингдек, у илм-фан, ноширлик ва ташкилотчилик соҳалидаги хизматлари учун ЎзР Фанлар академияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган. А. Мадвалиев муаллифлар жамоаси томонидан электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган «Иш юритиш бўйича электрон луғат» (2006 йил, DGU 01122 рақами гувоҳнома), «Ўзбек тилининг имлосини текшириш тизими» дастурий таъминоти» (2007 йил, DGU 01348 рақами гувоҳнома) дастурлари учун ЎзР Давлат патент идорасининг патентларини олган.

А. Мадвалиевнинг кўп йиллик самарали меҳнати муносиб баҳоланди. У 2002 йилда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

Заҳматкаш ва зукко олим, таниқли терминшунос ва луғатшунос Абдуваҳоб Мадвалиевни етмиш ёшлиқ қутлуғ сана билан барча касбдошлари ва дўстлари, кенг тилшунослар жамоаси номидан самимий муборакбод этар эканмиз, унга ўзбек тилшунослигини ривожлантаришда битмас-туганмас куч-ғайрат, узоқ умр, соғ-саломатлик, оиласиий ҳаётида тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!

Тўра Мирзаев,

*ЎзР Фан арбоби, Беруний номидаги
Республика давлат мукофоти лауреати,
филология фанлари доктори, профессор,*

*Низомиддин Маҳмудов,
филология фанлари доктори, профессор,*

*Неъмат Маҳкамов,
филология фанлари номзоди,
етакчи илмий ходим.*

ИЛМ ВА ИБРАТ

Инсон умри шамолга қиёсланиши бежиз эмас. Буни ҳамма ҳам ўз вақтида билавермайди ёки билишни истамайди. Болалик, ёшлиқ ғув этиб ўтиб кетгач, умр чини билан елдан фарқланмаслигини фаҳмлайсан, англайсан, ҳар турли мулоҳаза ва мушоҳада гирдобига тушгандай бўласан... Ҳа, шамолни ортга кайтариб бўлмаганидек. умрни ҳам кейинга буриш мумкин эмас. Шамол этагини ушлаб бўлмагани каби умр ҳам барини тутқазмайди. Ҳаётнинг шафқатсиз бир ҳақиқати мана шу! Одамга, хайриятки, хотира ато этилган. Нима ўтди, нима қолди, нима таскин ва тасалли бағишлайди, нималар армон қўли ила дилни эзади, эришганларинг нимаю йўқотганларинг нима – ҳамма-ҳаммасини хотира гоҳ эслатади, гоҳ қайта жонлантириб боради. Шу боисдан ҳам инсон балки ўтмишдан ажralишни истамайди. Эслаш, қўйноқларига чидаб, ўтган кунларини хаёлан яшашдан унинг ўзини чекламаслигига бир сабаб балки шудир.

Бухоронинг чексиз-чегарасиз саҳро этагидаги бир қишлоқдан келиб Тошкентда қўним топганимдан бери қанча воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтди. Сувларга қўшилиб қанча қувонч ва қайгу, ҳасрат ва армонлар оқиб кетди. Лекин мен Тошкентдан бир умр миннатдорман. Чунки айни шу азим шаҳарда бири-биридан зукко, меҳру оқибатли кўп дўст топдим. Шулардан бири улкан тилшунос олим, филология фанлари номзоди Абдуваҳоб Мадвалиевдир. Абдуваҳоб Марғilonда туғилган. Мен ундан иккийил кейин Шоғирконда туғилганман. У ўрта мактабни тугатиб, Фарғона давлат педагогика институтида таҳсил олган. Худди шундай олий ўкув юртини мен Бухорода тутатганман. Аммо иккаламиз ҳам бир пайтда Тошкентга келганимиз ва айни бир кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига ишга қабул қилинганмиз. У фаолиятини институтнинг

машхур тилшунос Олим Усмон раҳбарлик қилган Терминология бўлимида бошлаган. Абдуваҳобнинг илмдаги илк одимлари, билимга чанқоқлиги, тунни тонгга улаб китоб варақлашлари, жамомиз орасида жуда тез эътибор топишига фақат ҳавас қилганимиз. Бунаقا заҳматкаш, синчи ва сергайрат тадқиқотчини мен жуда кам учратганман.

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол газалларидан бирин шундай сатрлар билан бошланади:

Кўкчада мўъжаз эшикли боғу бўстон ҳовлича,

Ҳовлича саҳнида бир жуфт олма, бир жуфт олуча...

Кунчиқарга қарайдиган, мўъжаз эшикли, ҳақиқатда ҳам эрта баҳорда олмаю оличаси қийгос гуллайдиган Кўкчадаги ана шу ҳовличада Жамол ака, Абдуваҳоб, раҳматли фольклоршунос дўстимиз Фармон Райхонов ва мен анча муддат ижарада турганмиз. У кунларни эслаганди, кўнгил энди орзиқиб кетади. Китобпрастликда бир-биримиздан қолишмасак-да, сабр-қаноат, тамкинлик, билимдонликда ҳаммамиз Абдуваҳобга тан берганмиз. Илм унинг учун қисмат ишига айланажаги, тилшунослик равнаки ўйлида у ҳам кўп тадқиқотлар яратса олишига сира-сира шубҳаланмаганмиз. Бугун буларни ўйлаш мароқли, албаттга. Чунки Абдуваҳоб Мадвалиев «Ўзбек кимё терминологияси ва уни тартибга солиши масалалари» мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгандан сўнг терминологияга доир кўплаб қимматли тадқиқотларини эълон қилди. Бир қатор олимлар билан лугат кетидан луғатлар тузди.

Одатда, баъзи олимлар амалга етишса, илмдан йироқлашиб қолишади. Абдуваҳоб саккиз йил мобайнида (1991 – 1998) ЎзРФА Тилшунослик институтида илмий котиб бўлиб ишлади. 1998 – 2016 йилларда эса Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди, бироқ у ўзининг севган меҳнатидан чарчамайдиган, чарчаш ва толикишни ҳам иш билан бартараф айладиган олим. Унинг ҳузурига кирган киши, директор ўринбосари билан эмас, балки она тилимизнинг бир хазинабони, чинакам сўз дехқони билан учрашгандай бўлади. Маълумки, 2006 – 2008 йилларда нашр этилган 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳ-

ли луғати» ўзбек халқи маданий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди. Луғат тузишнинг масъулияти ва қийинчиликлари ҳакида гапиришга ҳожат бўлмаса керак. Лекин она тилимизнинг сўз бойлиги ва ифода имкониятларини намойиш этадиган шундай луғатга масъул муҳаррирлик қилиш, ундаги бир неча ҳарфларга мансуб сўзларни изоҳлаш учун илм билан фидойилик, тил севгиси билан сабру бардош албатта уйғунлашган бўлиши керак. Шу маънода Абдуваҳобнинг тажриба ва изланувчанлиги ёшларга ибрат мактабидир.

Тилшунослар Абдуваҳоб тўғрисида гапирганда, уни атамашунослик, лексикология, лексикография, расмий услуб ва графика каби соҳаларга муносиб улуш кўшган талантли ва таниқли олим ўлароқ таърифлайдилар. Абдуваҳоб Мадвалиев чини билан кенг қамровли олим. Тошкентга келиб, у билан бир илм даргоҳида ишлаётганимизга ҳам қарийб қирқ беш йил бўлибди. Ҳаётининг шунча қисмини у илмга бағишилади. Ҳавас қилса арзигулик ютуқ ва муваффақиятларга эришди. Кечагина у шогирд эди. Бугун эса ўзи устоз. Абдуваҳоб ҳар жиҳатдан устозлиқ, раҳбарлик мартабасига муносиб инсон. Унинг илм-фанга садоқати – тил ва миллатга садоқатининг тимсоли эрур. Мен қадрдон дўстимни қутлуғ етмиш ёшга одим ташлаши билан чин юракдан қутлайман. Ва ўзбек тилшунослиги, оиласи, дўстлари баҳтига яна узоқ йиллар хормай-толмай ишлайди, деб умид қиласман.

*Иброҳим Ҳаққұл,
филология фанлари доктори*

АБДУВАҲОБ МАДВАЛИЕВ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

1947 йил 15 апрель	Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида тугилди.
1966 йил	Марғилон шаҳридаги 14-ўрта мактабни битирди.
1970 йил	Мирзо Улубек номидаги Фарғона давлат педагогика институтининг ўзбек тилини ва адабиёти факультетини имтиёзли диплом билан тутатди.
1970–1972 йиллар	Фарғона вилояти Охунбоев туманиндағи 10-ўрта мактабнинг ўзбек тилини ва адабиёти ўқитувчиси.
1972 йил 1 ноябрь	Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига лаборант бўлиб ишга кирди.
1974–1976 йиллар	Катта лаборант бўлиб ишлади.
1976–1987 йиллар	Кичик илмий ходим бўлиб ишлади.
1985–2001 йиллар	ЎзР ВМ ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитасида ўриндошлик асосида етакчи мутахассис бўлиб ишлади.
1986 йил 8 октябрь	«Ўзбек кимё терминологияси ва уни тартибга солиш масалалари» мавзудаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.
1987–1988 йиллар	Илмий ходим бўлиб ишлади.

1988–1990 йиллар	Катта илмий ходим бўлиб ишлади.
1991–1998 йиллар	ЎзР ФА Тилшунослик институтининг илмий котиби.
1991–2007 йиллар	Тошкент давлат шарқшунослик институти ўзбек тили кафедрасида ўриндошлиқ асосида катта ўқитувчи.
1995–2004 йиллар	ЎзР Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказида ўриндошлиқ асосида етакчи мутахассис бўлиб ишлади.
1998 йил июлдан 2016 йил июлгача	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директориининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.
1999 йилдан ҳозиргacha	«Ўзбек тили ва адабиёти» журнали таҳxир xайъатининг аъзоси.
2000 йил январдан 2008 йилгача	ЎзР ФА ТАИда тилшунослик бўйича докторлик ва номзодлик диссертациялари муҳокамаси кенгаши раиси.
2002 йил август	«Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланди.
2002–2008 йиллар	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётида ўриндошлиқ асосида Тил ва адабиёт таҳxириятининг мудири.
2007 йилдан ҳозиргacha	Лексикология ва лексикография бўлими мудири.
2007–2012 йиллар	ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти хузуридаги Тилшунослик бўйича муовфикалаштирувчи кенгаши раиси.
2008–2012 йиллар	Ихтисослашган кенгаш хузуридаги Илмий семинар раиси ўринбосари.

2009–2014 йиллар	Республика ахборот-ресурс марказининг «Kutubxona UZ» журналида ўриндошлик асосида мухаррир бўлиб ишлади.
2000–2016 йиллар	3 марта фундаментал тадқиқот лойиҳаларига раҳбарлик қилди.
2006–2008 йиллар	5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни тузишда ҳаммуаллиф ва масъул мухаррир сифатида иштирок этди.
2010 йил 27 май	ЎзР Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан катта илмий ходим унвони берилди.
2013 йил	2 жилдли ўзбекча-русча луғатни қайта ишлаб тўлдириб, ҳаммуаллиф ва масъул мухаррир сифатида нашр эттириди; 85000 сўздан иборат ўзбек тилининг имло луғатини ҳаммуаллиф бўлиб, кирилл ва лотин ёзувларида нашр эттириди.

АБДУВАҲОБ МАДВАЛИЕВНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАРИ РЎЙХАТИ

1976

1. Ижтимоий-сиёсий терминлар лугати (Олим Усмон таҳрири остида). – Тошкент: Фан. – 350 бет (О. Усмон, Ш. Ҳамидов, Э. Шоаҳмедов, В. Валиев, Н. Ҳабибуллаевлар билан ҳамкорликда).

1977

2. О фамильных терминах в узбекской химической терминологии // Исследования по литературоведению и языкознанию. – Ташкент: Фан. – С. 82–92.

1978

3. Ўзбек кимё терминологиясининг ривожланишида русча-интернационал сўзларнинг роли // Тилшунослик масалалари. – Тошкент: Фан. – Б. 146–153.

4. Ўзбек кимё адабиётидаги гибрид терминлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – №5. – Б. 49–52.

1981

5. Ўзбек терминологияси бўйича библиографик кўрсаткич. – Тошкент: Фан. – 42 бет (Н. Маҳкамов, Ҳ. Шамсиддинов, Н. Қосимовлар билан ҳамкорликда).

1982

6. Ўзбек терминологиясида дублетлик масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – №3. – Б. 20–24.

1983

7. Ўзбек химия терминологиясининг илк ривожланиш даври ҳақида (20 – 30-йиллар) // Ўзбек тили ва адабиёти. – № 3. – Б. 15–19.
8. Жонкуяр олим (О. Усмонов 70 йиллигига) // Ёш ленинчи. – 14 январь (М. Сафаров билан ҳамкорликда).

1984

9. Алим Усманович Усманов. Биобиблиография (рус ва ўзбек тилларида), – Тошкент: Фан. – 20 бет (Д. Абдурахмонов билан ҳамкорликда).

10. Некоторые вопросы упорядочения узбекской химической терминологии // Вопросы тюркского языкоznания. Материалы I межреспубликанской конференции молодых лингвистов–турковологов. – Алма-Ата: Наука. – С. 80–86

1986

11. Препозитив интернационал терминэлементлар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши // Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан. – Б. 7–19.

12. Русча-интернационал терминларни ўзбек тилида фонетик жиҳатдан ўзлаштиришнинг айрим хусусиятлари // Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан. – Б. 29–41.

13. Ўзбек химия терминологиясида дублетлик ва уни минимумга келтириш масаласи // Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан. – Б. 80–102.

14. Ўзбек химия терминологиясидаги нуқсонлар ва уларни тартибга солиш ҳақида // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. I Республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан. – Б. 68–70.

15. Лексик-семантик усул билан термин ясалишига доир // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. I Республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан. – Б. 105–107 (Х. Шамсиддинов билан ҳамкорликда).

16. Химия терминларининг семантик усул билан ясалиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – №3. – Б. 52–56.

17. Узбекская химическая терминология и вопросы её нормализации: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 23 стр.

1987

18. Ўзбек тили терминология системаларида ҳар хил қўлланаётган терминлар. Химия терминлари // Ўзбек тили терминологияси. РМТК бюллетени. 1-чиқарув. – Тошкент: Фан. – Б. 23–30.

19. Место имён собственных в формировании химической терминологии // Ономастика Узбекистана. – Ташкент: Ўқитувчи. – С. 54–55.

1989

20. Русча-ўзбекча ҳарбий терминлар лугати. – Тошкент: Фан. – 63 бет (Э. Панасенко билан ҳамкорликда).

21. Кимёга оид баъзи атамалар // Тошкент ҳақиқати. – 15 декабрь.

22. Кимё атамалари // Совет мактаби. – №5. – Б. 41–42.

23. Ўзбек тилида иш юритиш. – Тошкент: ЎзСЭ Бош редакцияси. – 224 бет (Н. Маҳмудов, Н. Маҳкамов, М. Аминовлар билан ҳамкорликда).

1991

24. Атамашунослик муаммолари (давра сухбати) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 8 март.

25. «Политехника лугати» (такриз) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 27 июль (А. Ҳожиев ва Ҳ. Шамсиддинов билан ҳамкорликда).

26. Кўшма терминлар ва уларни тартибга солиш масалалари // Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси ва уни тартибга солиш принциплари. – Тошкент: Фан. – Б. 47–66.

1992

27. Ўзбек тилида иш юритиш атамаларини тартибга солиш ҳақида // Ўзбек тили атамашунослиги. Ахборот. 5 – 6-чиқарув. – Тошкент: Фан. – Б. 40–43 (Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).

28. Ўзбек тилида иш юритиш (курс программаси). – Тошкент. – 12 бет.

29. Лугатлар лисоний етукликни ифодалайди // Халқ сўзи. – 3 ноябрь (С. С. Ким ва Э. Умаров билан ҳамкорликда).

1993

30. Тилимиз жозибасининг тилсими (янги алифбо ҳакида) // Халқ сўзи. – 28 июль (И. Кўчқортоев, А. Ҳожиев, О. Ёқубов, Н. Маҳмудов, Э. Бегматов, А. Жабборов, А. Рафиевлар билан ҳамкорликда).

1994

31. Иш юритиш атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати. – Тошкент: Фан. – 64 бет (Н. Маҳкамов, Э. Панасенко, И. Панасенко, Д. Жумабоевлар билан ҳамкорликда).

1995

32. Терминларни тартибга солишда терминэлементларнинг аҳамияти // Ўзбек шарқшунослигига илмий тил муаммолари. Илмий анжуман материаллари. – Тошкент: ТошДШИ нашр. – Б. 22–23 (Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).

33. Қисқача русча-ўзбекча-инглизча иш юритиш луғати. – Тошкент: Ўзбекистон. – 118 бет (Э. Д. Панасенко, М. А. Холл, Н. Маҳкамов, И. Ю. Панасенколар билан ҳамкорликда).

2000

34. Иш юритиш. Амалий кўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 444 бет (М. Аминов, Н. Маҳкамов, Н. Маҳмудовлар билан ҳамкорликда).

2001

35. Гани Абдураҳмонов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. – Б. 88–90 (А. Нурмонов, А. Мамажонов, Н. Маҳкамовлар билан ҳамкорликда).

36. Баҳром Бафоев // Ўзбек тили ва адабиёти, – №3. – Б. 90–91 (Б. Йўлдошев ва Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).

2002

37. Навоий гулшанига саёҳат (тест саволлари тўплами). – Тошкент: ДТМ нашр. – 84 бет (Н. Маҳкамов ва Р. Баракаев билан ҳамкорликда).

38. Тест. Абитуриент. Адолат // Ҳуррият. – 17 апрель (Б. Аминов билан ҳамкорликда).

39. Абдулҳамид Нурмонов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №3. – Б. 94–96 (Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).
40. Олим Усмон ва ўзбек тилшунослиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – Б. 90–94 (Н. Қосимов ва Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда)
41. Информацион тиллар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 4-жилд. – Б. 192.
42. Мен нафақаҳўр эмасман («нафақаҳўр» сўзининг кўлланиши юзасидан давра сұхбати) // Даракчи. – 21 ноябрь.

2003

43. Иш юритиш. Амалий кўлланма. 2-нашр. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 448 бет (М. Аминов, Н. Маҳкамов, Н. Маҳмудовлар билан ҳамкорликда).
44. Кошгариј Махмуд // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 77–78.
45. Крачковский Игнатий Юлианович // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 84.
46. Курд тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 143.
47. Кушит тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 157.
48. Кхмер тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 160.
49. Кўчма маъно // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 198.
50. Лаос тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 226.
51. Лаҳжа // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 240–241.
52. Лексикография // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 249.
53. Лингвистик атласлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 278–279.
54. Лингвистик география // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 279.
55. Лотин алифбоси // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 315.
56. Лотин тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 316.

57. Лугат // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 328–329.
58. Маарий Абулало // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 340.
59. Майя ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 398.
60. Македон тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 400.
61. Малагаси тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 416.
62. Малайзия тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 419.
63. Малаялам (тил) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 420–421.
64. Малинке (тил) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 426.
65. Манипур тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 447.
66. Маратхий (тил) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 460.
67. Марий тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 468–469.
68. Математик лингвистика // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 509–510.
69. Меланез тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 580.
70. Мелиоранский Платон Михайлович // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 582.
71. Метатеза // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 609.
72. Микронез тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 651.
73. Мирзаев Тўра // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд. – Б. 695.
74. Миср ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 25.
75. Миср тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 25.
76. Миххат // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 31.

77. Молдаван тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 53.
78. Монгол (мўғул) тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 68.
79. Мон-кхмер тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 74–75.
80. Мордва тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 85.
81. Мунда тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 127–128.
82. Мусаммат // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 144.
83. Мухаммад Ёқуб Чингий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 188.
84. Мя-яо тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 210.
85. Мўғул ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 216.
86. Мўғул тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 216.
87. Назализация // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 242.
88. Назаров Бахтиёр // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 243.
89. Нанай тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 263.
90. Насиров Дўсжон // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 274.
91. Нах-доғистон тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 288–289.
92. Невар тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 297.
93. Немис тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 307–308.
94. Ненец тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 308.
95. Нигер-конго тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 339.
96. Нигер-кордофан тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 339–340.

97. Нидерланд тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 341
98. Нилот тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 357.
99. Нил-Саҳрои кабир тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 357–358.
100. Нома // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 382 (Р. Тожибоев билан ҳамкорликда).
101. Номинация // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 383–384.
102. Норвег тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 389.
103. Ностратик тиллар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 401 (И. Пўлатов билан ҳамкорликда).
104. Нубий тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 407.
105. Нутқ // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 424–425.
106. Нутқ маданияти // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 425–426 (Й. Солижонов билан ҳамкорликда).
107. Нуқта // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 426.
108. Нуқтали вергул // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 426–427.
109. Нўғай тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 434.
110. Ожегов Сергей Иванович // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 462.
111. Озарбайжон тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 466–467.
112. Океания тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 490.
113. Окситан тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 494.
114. Олтой тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 532.
115. Олтой тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 532.
116. Омонимлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. – Б. 539 (Б. Ўринбоев билан ҳамкорликда).

117. Омот тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд.
– Б. 540.
118. Ономастика // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд.
– Б. 544.
119. Ория тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. –
Б. 567.
120. Оромий ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд.
– Б. 571–572.
121. Оromo тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд.
– Б. 572.
122. Орфоэпия // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. –
Б. 574–575.
123. Осетин тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд.
– Б. 576.
124. Палеография // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд.
– Б. 651–652.
125. Палеосиё тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –
6-жилд. – Б. 656.
126. Пали (тил) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд. –
Б. 657.
127. Панжоби (тил) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –
6-жилд. – Б. 667.
128. Папуас тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –
6-жилд. – Б. 672 (И. Пўлатов билан ҳамкорликда).
129. Паремиология // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд.
– Б. 686.
130. Паронимлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд.
– Б. 695.
131. Парфия тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 6-жилд.
– Б. 699.
132. «Фан ва турмуш» лугати («Ўзбек тилининг изоҳли лугати»дан
«А» ҳарфи бўйича танланма парчалар) // Фан ва турмуш. – №4. – Б. 31.

2004

133. Ўзбек тилшунослиги: ютуклар ва муаммолар (давра сухбати) //
Филология масалалари. – №1. – Б. 31–32.
134. «Фан ва турмуш» лугати («Ўзбек тилининг изоҳли лугати»дан «В»
ҳарфи бўйича танланма парчалар) // Фан ва турмуш. – №1. – Б. 12.

135. «Фан ва турмуш» луғати («Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан «Б» ҳарфи бўйича танланма парчалар) // Фан ва турмуш. – №2 – 3. – Б. 46.
136. «Фан ва турмуш» луғати («Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан «Г» ҳарфи бўйича танланма парчалар) // Фан ва турмуш. – №6. – Б. 30.
137. Айюб Ғуломов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №5. – Б. 95–97 (А. Нурмонов ва Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).
138. Перифраза // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 43–44.
139. Пермъ тиллари // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 46.
140. Печенег тили // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 60.
141. Пиктография // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 68–69 (А. Исмоилов билан ҳамкорликда).
142. Полинез тиллари // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 127 (А. Исмоилов билан ҳамкорликда).
143. Полисинтетик тиллар // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 129 (И. Пўлатов билан ҳамкорликда).
144. Поляк тили // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 137 (И. Пўлатов билан ҳамкорликда).
145. Помир тиллари // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 141 (И. Пўлатов билан ҳамкорликда).
146. Португал тили // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 153.
147. Прагматика // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 164–165 (Й. Солижонов билан ҳамкорликда).
148. Предикат. Предикативлик // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 166.
149. Префикс // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 168.
150. Протеза // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 180.
151. Прус тили // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 186.
152. Психолингвистика // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 189.
153. Пунктуация // Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 200–201 (Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).

154. Радлов Василий Васильевич // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 237 (Э. Умаров билан ҳамкорликда).
155. Ретороман тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 316 (И. Пўлатов билан ҳамкорликда).
156. Роман тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 351–352 (И. Пўлатов билан ҳамкорликда).
157. Руҳн // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 384.
158. Румин тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 386.
159. Руник ёзув // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 391.
160. Рус алифбоси // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 391.
161. Рус тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 391–392.
162. Саам тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 403.
163. Салор тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 450.
164. Самоа (тил) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 480.
165. Самойлович Александр Николаевич // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 481 (Э. Умаров билан ҳамкорликда).
166. Сард тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 513.
167. Сариқ уйғур тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 521.
168. Саха тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 542.
169. Семантика // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 574.
170. Семасиология // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 574.
171. Семиотика // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 576–577 (И. Мирзаев билан ҳамкорликда).
172. Серб-хорват тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 592.
173. Сибoий Юсуф // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 602.

174. Силлабик ёзув // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 614.
175. Синай ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 625.
176. Сингармонизм // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 628 (Э. Умаров билан ҳамкорликда).
177. Синекдоха // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 630.
178. Синтагма // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 632–633 (И. Мирзаев билан ҳамкорликда).
179. Синтаксис // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 633 (И. Мирзаев билан ҳамкорликда).
180. Синтаксика // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 633.
181. Синтетик тиллар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 634 (И. Пўлатов билан ҳамкорликда).
182. Синхрония // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 636 (И. Мирзаев билан ҳамкорликда).
183. Скандинавия тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 662–663.
184. Скиф тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 667.
185. Славян тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 673.
186. Словак тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 674.
187. Словен тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 677.
188. Содда гап // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 693 (А. Ҳожиев билан ҳамкорликда).
189. Соиб Табризий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд. – Б. 696.
190. Сом тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 9.
191. Сомали тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 12.
192. Сом-ҳом тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 15–16.
193. Сон // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 16–17.

194. Сонор ундош // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд.
– Б. 18.
195. Соссюр Фердинанд де // Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
– 8-жилд. – Б. 23 (И. Мирзаев билан ҳамкорликда).
196. Социолингвистика // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –
8-жилд. – Б. 26 (И. Мирзаев билан ҳамкорликда).
197. Стенография // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд.
– Б. 63.
198. Стилистика // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд.
– Б. 66–67.
199. Структуравий тилшунослик // Ўзбекистон миллий эн-
циклопедияси. – 8-жилд. – Б. 78.
200. Структурализм // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –
8-жилд. – Б. 79.
201. Суахили (тил) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд.
– Б. 79–80.
202. Субстрат // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б.
81–82 (И. Мирзаев билан ҳамкорликда).
203. Субъект // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б.
83 (И. Мирзаев билан ҳамкорликда).
204. Судан тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –
8-жилд. – Б. 114.
205. Султон Валад // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд.
– Б. 124.
206. Сундан тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд.
– Б. 138.
207. Сунъий тиллар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –
8-жилд. – Б. 141.
208. Супплетивизм // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд.
– Б. 143.
209. Сурёний ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –
8-жилд. – Б. 146.
210. Суффикс // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б.
169.
211. Суғд ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. –
Б. 177.
212. Суғд тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. –
Б. 177–178.
213. Сўз // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 195
(А. Ҳожиев билан ҳамкорликда).

214. Сўз тартиби // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 196.
215. Сўзлашув тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 198.
216. Сўзнинг лексик маъноси // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 199.
217. Сўроқ белгиси // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 201.
218. Сўроқ гап // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 201.
219. Табасаран тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 206.
220. Табу // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 218 (О. Бўриев билан ҳамкорликда).
221. Тагал тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 221–222.
222. Тадриж // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 224.
223. Тажоҳули орифона // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 225.
224. Тай тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 230.
225. Такт (тилшуносликда) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 237.
226. Татар тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 294.
227. Тахаллус // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 300–301.
228. Тахмис // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 302.
229. Таъриф (дефиниция) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 311.
230. Тақлид (тақлидчилик) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 314.
231. Тезаурус // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 329.
232. Тибет тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 421.
233. Тибет-бирма тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 422.

234. Тиграй (тил) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 425.
235. Тигре (тил) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 425.
236. Тил // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 428–429.
237. Тиллар оиласи // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 432.
238. Тиллар таснифи // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 433.
239. Тилларнинг генеалогик таснифи // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 433.
240. Тилларнинг чатишуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 434.
241. Тилшунослик // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 435–437 (И. Мирзаев билан ҳамкорликда).
242. Тиниш белгилари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 439 (Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).
243. Типология // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 445.
244. Тире // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 447.
245. Товуш // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 461.
246. Тожик тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 468 (А. Исмоилов билан ҳамкорликда).
247. Толиш тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 487.
248. Тонал тиллар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 494.
249. Тохар тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 508–509 (А. Исмоилов билан ҳамкорликда).
250. Транслитерация // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 584.
251. Туарег тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 607.
252. Тува тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд.: – Б. 608 (И. Пўлатов билан ҳамкорликда).
253. Тунгус-манжур тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 619 (И. Пўлатов билан ҳамкорликда).

254. Тупи–гуарани тиллари. // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 625.
255. Турк тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 641.
256. Туркий тиллар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 644–645 (И. Носиров билан ҳамкорликда).
257. Туркийшунослик // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 645–647.
258. Туркман тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 663–664.
259. Турсунов Улуг // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 8-жилд. – Б. 677.

2005

260. Ўзбек терминологиясининг таниқли тадқиқотчиси // Профессор Улуг Турсунов ва ўзбек тилшунослиги. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2005. – Б. 37–43 (Э. Бегматов билан ҳамкорликда).
261. Иш юритишдан луғат (русча-ўзбекча-инглизча). – Тошкент: Зарқалам. – 152 бет (Э. Д. Панасенко ва Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).
262. Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик луғат-минимум. – Тошкент: ДТМ нашри. – 136 бет (Э. Ураева, Н. Маҳкамов, Б. Кувонов, А. Олимов ва А. Солижоновлар билан ҳамкорликда).
263. Фанижон Абдураҳмонов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – Б. 120–122 (А. Нурмонов, Н. Маҳмудов ва Н. Маҳкамовлар билан ҳамкорликда).
264. Фанимиз заҳматкаши (акад. F. Абдураҳмонов таваллудининг 80 йиллигига) // Академик Фанижон Абдураҳмонов. – Тошкент: ТошДШИ нашри (Ш. Шоабдураҳмонов, А. Нурмонов, А. Мамажонов ва Н. Маҳкамовлар билан ҳамкорликда).
265. «Фан ва турмуш» луғати («Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан «Д» ҳарфи бўйича танланма парчалар) // Фан ва турмуш. – №2–3. – Б. 31.
266. «Фан ва турмуш» луғати («Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан «Ж», «З» ҳарфлари бўйича танланма парчалар) // Фан ва турмуш. – №2 – 3. – Б. 41.
267. «Фан ва турмуш» луғати («Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан «И» ҳарфи бўйича танланма парчалар) // Фан ва турмуш. – №4 – 5. – Б. 39–40.

268. Угарит ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
- Б. 38.
269. Угарит тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
- Б. 38.
270. Удмурт тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
- Б. 43.
271. Уйғур ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
- Б. 62.
272. Уйғур тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
- Б. 62–63.
273. Украин тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
- Б. 64–65.
274. Умлаут // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 93.
275. Ундов белгиси // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
- Б. 102–103.
276. Урал тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
- Б. 111.
277. Урарт тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 113–114.
278. Усома ибн Мунқиз // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 141.
279. Фарер тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
- Б. 188.
280. Фахрия (адабий жанр) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
- 9-жилд. – Б. 211.
281. Фижи тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
- Б. 231.
282. Филиппин тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 245–246.
283. Филология // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 247–249 (Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).
284. Фин тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 250–251.
285. Финикий ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 252.
286. Финикий тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
- Б. 252.
287. Фламанд тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
- Б. 266.

288. Флексия // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 267.
289. Флектив тиллар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 268.
290. Фонема // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 282 (И. Мирзаев билан ҳамкорликда).
291. Фонографик ёзув // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 284.
292. Фракий тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 310.
293. Француз тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 325 (И. Мирзаев билан ҳамкорликда).
294. Фригий тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 328–329.
295. Фриз тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 330.
296. Фула тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 337.
297. Функция (тилда) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 339.
298. Хазар тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 356.
299. Хакас тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 359.
300. Халаж тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 361.
301. Халил Мардамбек // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 361.
302. Халқаро тиллар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 381–382.
303. Ханти тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 389.
304. Хауса (тил) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 404.
305. Хетт тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 411.
306. Хитой-тибет тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 440.
307. Хоксор (Мұхаммад Ризо) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 452.

308. Хуррит тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
– Б. 518.
309. Чад тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
– Б. 563.
310. Чех тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 596.
311. Чечен тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
– Б. 602.
312. Чибча тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 605.
313. Чизиқли ёзув // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
– Б. 608.
314. Чуваш тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
– Б. 654–655.
315. Чукча тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
– Б. 658.
316. Чулум тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд.
– Б. 658.
317. Шан тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 9-жилд. – Б. 690.
318. Шахс (тилда) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 15–16 (А. Ҳожиев билан ҳамкорлиқда).
319. Швед тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 30.
320. Шева // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 39.
321. Шерматов Аъзам // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 45.
322. Шоабдураҳмонов Шоназар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 88.
323. Шор тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 100.
324. Шумер тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 129 (А. Исмоилов билан ҳамкорлиқда).
325. Эве тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 142.
326. Эвен тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 142.
327. Эвенк тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 142.

328. Элам тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 173.
329. Эски ўзбек ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 265–266 (Э. Умаров билан ҳамкорликда).
330. Эски ўзбек тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 266–267 (Э. Умаров билан ҳамкорликда).
331. Эскимос тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 267.
332. Эсперанто // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 268.
333. Эстон тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 270–271.
334. Этруск тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 286.
335. Эфиоп ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 287–288.
336. Эфиоп тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 288.
337. Юкагир тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 311.
338. Юнон ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 319–320.
339. Юнон тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 320.
340. Юсуф Саккокий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 347 (Н. Рамазонов билан ҳамкорликда).
341. Юсуфий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 349.
342. Юшманов Николай Владимирович // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 349.
343. Ява ёзуви. Ява тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 352–353.
344. Яғноб тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 424.
345. Яҳудий ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 424.
346. Яҳудий тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 425.
347. Ўзбек лотин алифбоси // Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
– 10-жилд. – Б. 429–430.

348. Ўзбек тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 432–433.
349. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» (журнал ҳақида) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 486.
350. Ўғуз тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 564.
351. Ўғуз тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 564.
352. Қавс (тиниш белгиси) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
– 10-жилд. – Б. 567.
353. Қадимги туркӣ тиллар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
– 10-жилд. – Б. 568–569.
354. Қадимги уйғур тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 569.
355. Қадимги форс ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 369–370.
356. Қадимги ҳинҷ тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 570.
357. Қалмоқ тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 584.
358. Қараим тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд.
– Б. 601 (И. Пўлатов билан ҳамкорликда).
359. Қиёсий–тарихий метод (тилшуносликда) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 637 (Г. Тўхлиева билан ҳамкорликда).
360. Қиёсий–тарихий тилшунослик // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 10-жилд. – Б. 638–639 (Г. Тўхлиева билан ҳамкорликда).

2006

361. Ренат Дониёров // Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. – Б. 94–97 (А. Ҳожиев ва Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).
362. Ўзбек тили. Университет ва институтларнинг русийзабон гуруҳлари учун дарслик, 1-қисм. – Тошкент, ТошДШИ нашри. – 180 бет (Ў. П. Лафасов ва А. Қ. Исмоилов билан ҳамкорликда).
363. Ўзбек тили. Университет ва институтларнинг русийзабон гуруҳлари учун дастур. – Тошкент, ТошДШИ нашри. – 16 бет (Ў. П. Лафасов ва А. Қ. Исмоилов билан ҳамкорликда).
364. Янги луғатлар яратиш – давр тақозоси // Ўзбек тили ва адабиёти. – №4. – Б. 16–21.

365. Изоҳли лугат нашр арафасида // Соглом авлод. – 5–11 октябрь (газета мухбири X. Абдиев билан сұхбат).
366. «Фан ва турмуш» лугати («Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан «Қ» ҳарфи бўйича танланма парчалар) // Фан ва турмуш. – №4. – Б. 35.
367. Қипчоқ тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 9–10.
368. Қипчоқ тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 10.
369. Қирғиз тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 14–15.
370. Қозоқ тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 45 (И. Пўлатов билан ҳамкорликда).
371. Қорачой-болқор тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 86.
372. Қорақалпоқ тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 90–91.
373. Қримтатар тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 125.
374. Қўумик тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 183.
375. Қўшма гап // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 202–203.
376. Қўштириноқ // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 205.
377. Ҳамидов Ҳусниддин // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 296.
378. Ҳарф // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 317.
379. Ҳарф-тovуш ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 317.
380. Ҳасан Дехлавий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 318.
381. Ҳимолай тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 333.
382. Ҳинд ёзуви // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 334–336.
383. Ҳинд-европа тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 339–341 (И. Мадраҳимов ва Ў. Лафасов билан ҳамкорликда).

384. Ҳинд-эроний тиллар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 341–342.
385. Ҳиндистоний (ҳиндавий) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 354.
386. Ҳожиев Азим // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 369.
387. Африкаанс (бур тили) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 415.
388. Башибар ибн Бурд // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 416.
389. Бўронов Жамолиддин // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 419–420.
390. Графика (тилшуносликда) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 422–423.
391. Дифтонг // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 423.
392. Долган тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 423–424.
393. Дравид тиллари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 424.
394. Қараштҳи (ёзув тури) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 11-жилд. – Б. 432.
395. Ўзбек тили // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 12-жилд. – Б. 60–65 (А. Нурмонов билан ҳамкорликда).
396. Ўзбек тилшунослиги // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 12-жилд. – Б. 494–501 (А. Нурмонов билан ҳамкорликда).
397. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд («Б», «Г», «Д» ҳарфлари). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 680 бет (Э. Бегматов ва Э. Умаров билан ҳамкорликда):
398. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд («Ё», «Ж», «З» ҳарфлари). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 672 бет (Э. Умаров билан ҳамкорликда).

2007

399. Янги изоҳли луғат // Ўзбекистон матбуоти. – № 1. – Б. 13 (журнал мухбари билан сұхбат).
400. Янгича тадқиқот (такриз) // Маърифат – 21 апрель (М. Ҳакимов билан ҳамкорликда).

401. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. («П», «С» ҳарфлари). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 688 бет (З. Мираҳмедова ва Д. Худойберганова билан ҳамкорликда).

402. Зиёдулла Ҳамидов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – Б. 124–125 (Х. Дадабоев ва З. Холмanova билан ҳамкорликда).

2008

403. Луғат ва луғат турлари хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. – Б. 60–64.

404. Ўзбек лексикографияси тарихидан (қўлёзма луғатлар) // Ўзбек тили ва адабиёти. – №2. – Б. 37–41.

405. Турсунали Мирзакулов. // Ўзбек тили ва адабиёти. – №2. – Б. 109–111 (Д. Лутфуллаева ва Ф. Жумаев билан ҳамкорликда).

406. Ўзбек лексикографияси тарихидан (босма луғатлар) // Ўзбек тили ва адабиёти. – №3. – Б. 31–36.

407. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд («Ц» ҳарфи). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 608 бет.

408. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд («Э» ҳарфи). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 592 бет (А. Ҳожиев билан ҳамкорликда).

409. Сўз ясовчи ва шакл ясовчи қўшимчаларнинг изоҳли-иллюстратив кўрсаткичи // Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5-жилд. – Б. 572–591 (Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).

410. Исҳоқхон Ибратнинг олти тилли луғати // Ўзбек тили ва адабиёти. – №4. – Б. 53–56.

411. Ўзбек тилида кимё терминлари ва уларнинг изоҳли луғатда берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – №5. – Б. 53–62.

412. Ўзбек лексикографиясининг улкан ютуғи. // Ўзбек тилшунослиги XXI асрда: Номшунос олим профессор Тўра Нафасов таваллудининг 70 йиллигига бағишлиланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Қарши, 2008. – Б. 75–78.

413. Термин – терминологик луғат – изоҳли луғат // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – Б. 54–67.

414. Сўз мулкига саёҳат // Соғлом авлод учун. – №12. – Б. 12–13.

2009

415. Изоҳли луғатда терминларнинг лексикографик талқинига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. – Б. 56–66.

416. Бердақ Юсуф // Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. – Б. 116–117 (А. Ҳожиев ва Н. Чиниқулов билан ҳамкорликда).

417. Изоҳли луғатда ҳалқаро терминларга сўз ва терминларга муносабат масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – №2. – Б. 38–43.

418. Иш юритиш. Амалий қўлланма. З-нашр. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 440 бет (М. Аминов, Н. Маҳкамов, Н. Маҳмудовлар билан ҳамкорликда)

419. Ўзбек тили изоҳли луғатларида сўзларга этимологик маълумот бериш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – №3. – Б. 35–43.

420. Ўзбек тиббиёт терминологиясининг соҳавий ва изоҳли луғатларда берилишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – №4. – Б. 46–58.

2010

421. Этимологик маълумот – луғат мақоласининг таркибий қисми // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон. 2010. – Б. 42–43.

422. Форсча-ўзбекча ва ўзбекча-форсча луғатлар тузиш тарихи ва бу соҳадаги муаммоларга доир // Эроний тилларнинг лексикологияси. Мақолалар тўплами. – ТашДШИ, 2010. – Б. 97–110.

423. Неъмат Турниёзов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. – Б. 112–113 (А. Нурмонов, Б. Йўлдошев, Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда)

424. Эргаш Қиличев // Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. – Б. 116–117 (Н. Маҳкамов, А. Ахмедов билан ҳамкорликда).

425. Ёрмат Тожиев // Ўзбек тили ва адабиёти. – №3. – Б. 113–114 (Н. Маҳмудов, Ҳ. Шамсиддинов, Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).

426. Азимjon Қосимов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №4. – Б. 136–137 (А. Ҳожиев, Н. Маҳкамов, З. Мираҳмедова билан ҳамкорликда).

427. Целлюлоза ва қоғоз технологияси: қисқача русча-ўзбекча изоҳли терминологик луғат. – Тошкент: Фан ва технология. – 92 бет (М. Пиримқулов ва F. Раҳмонбердиев билан ҳамкорликда).

428. Иш юритиш. Амалий қўлланма. 4-нашр. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 440 бет (М. Аминов, Н. Маҳкамов, Н. Маҳмудов билан ҳамкорликда).

2011

429. Низомиддин Маҳмудов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. – Б. 132–134 (А. Ҳожиев, Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).

430. XX аср бошларидаги баъзи таълимий-дидактик луғатлар ҳақида // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2011. – Б. 40–42.
431. Мустақилик даврида ўзбек тилшунослиги тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. – №3. – Б. 3–11 (А. Нурмонов, Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).
432. Терминларнинг турли тип луғатларда берилишига доир // Хорижий сўз ва терминлардан фойдаланишда меъёр ва миллий-ассоциатив фикрлаш муаммолари. – Тошкент, 2011. – Б. 41–46.
433. Неъмат Маҳкамов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №5. – Б. 118–119 (Н. Маҳмудов билан ҳамкорликда).
434. Язык (узбекский) // Узбеки. Серия «Народы и культуры». – М.: Наука. 2011. – С. 24–29.
435. Ўзбек диалектал лексикографиясига қўшилган муносаб ҳисса // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – Б. 120–124 (Э. Жабборов билан ҳамкорликда).

2012

436. Термин ва терминография хусусида / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 42–46
437. Усмон Санақулов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №3. – Б. 104–106 (Б. Йўлдошев билан ҳамкорликда).
438. Ўзлигимиз кўзгуси // Моҳият. – 19 октябрь (журналист Илҳом Каромов билан сұхбат).
439. Она тили – миллат руҳидир // Жамият. – 19 октябрь (журналист И. Каромовнинг А. Мадвалиев, Д. Худойберганова, Н. Маҳкамовлар иштирокидаги давра сұхбати).
440. Миллат бойлиги // Халқ сўзи. – 20 октябрь.
441. Зухра Мираҳмедова // Ўзбек тили ва адабиёти. – №5. – Б. 107–108 (Н. Маҳкамов билан ҳамкорликда).
442. Сайдфозил Акобиров // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – Б. 82–84 (Э. Умаров билан ҳамкорликда).
443. Русча-ўзбекча луғатлар тузиш тарихидан // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – №6. – Тошкент, 2012. – Б. 32–37.
444. Иш юритиши. Амалий қўлланма. Тузатилган ва тўлдирилган 5-нашри. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 456 бет (М. Аминов, Н. Маҳкамов, Н. Маҳмудовлар билан ҳамкорликда).

2013

445. Ўзбек тилининг имло луғати. 85000 дан ортиқ сўз. – Тошкент: Akademnashr. – 520 бет. (Э. Бегматов билан ҳамкорликда).
446. O‘zbek tilining imlo lug‘ati. 85000 dan ortiq so‘z. – Toshkent: Akademnashr. – 528 bet. (E. Begmatov bilan hamkorlikda).
447. Сорахон Отамирзаева // Ўзбек тили ва адабиёти. – №4. – Б. 104–108 (Х. Йўлдошева билан ҳамкорликда).
448. Русча-ўзбекча луғат. 2 жилдли. I жилд (тузувчилардан бири ва масъул муҳаррир). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – 896 бет.
449. Русча-ўзбекча луғат. 2 жилдли. II жилд (тузувчилардан бири ва масъул муҳаррир). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – 888 бет.
450. Предисловие – Сўзбоши // Русча-ўзбекча луғат. 2 жилдли. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б. 5–12.
451. Лексикография ва терминография: ўхшаш ва фарқли жиҳатлари // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – №7. – Тошкент, 2013. – Б. 34–38.
452. Серқирра тилшунос (Ф. Абдуллаев ҳакида) // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – Б. 7–11 (Ф. Иброҳимова билан ҳамкорликда).
453. Машхура Туропова // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – Б. 113–114 (З. Мираҳмедова, Д. Худойбергановалар билан ҳамкорликда).

2014

454. Языки становятся понятнее (беседа с корреспондентом газеты) // Uzbekistan Today, 24 апреля 2014 года.
455. Languages Get Easier to Comprehend (Interview with Uzbekistan Today Correspondent) // Uzbekistan Today, April 24. 2014.
456. Етук олим ва меҳрибон устоз / Камтарлик тимсоли. Профессор Акбаржон Матғозиев замондошлари хотирасида. – Фарғона, 2014. – Б. 81–86.
457. Ўзаро илмий ҳамкорлик йўлида // Ўзбек тили ва адабиёти. – №3. – Б. 117–118.
458. Нишонбой Ҳусанов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №4. – Б. 118–120 (Э. Умаров ва Б. Юсуф билан ҳамкорликда).

459. Иш юритиш. Амалий қўлланма. 6-нашр. – Тошкент: Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 456 бет (М. Аминов, Н. Маҳкамов, Н. Маҳмудовлар билан ҳамкорликда).

460. Мазлума Аскарова // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – Б. 103–106 (Н. Маҳмудов, М. Сапарниёзовалар билан ҳамкорликда).

461. Жамолиддин Бўронов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – Б. 111–113 (М. Расулова, М. Нишоновлар билан ҳамкорликда).

462. Гулшод Муҳаммаджонова // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – Б. 113–114 (Э. Умаров, Д. Худойбергановалар билан ҳамкорликда).

2015

463. Пунктуация – фикрни ёзма мукаммал ифодалаш воситаси. «Ўзбек тили пунктуациясининг асосий қоидалари» лойиҳаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. – Б. 57–79 (Н. Маҳмудов ва Н. Маҳкамовлар билан ҳамкорликда).

464. Ўзбек тили синтаксиси ва услубшунослигининг моҳир тадқиқотчиси (И. Тошлиев ҳақида) // Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. – Б. 114–117 (Б. Йўлдошев билан ҳамкорликда).

465. Иқтидорли олим эди (А. Раҳимов ҳақида) // Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. – Б. 117–119 (Б. Йўлдошев билан ҳамкорликда).

466. Ўзбек тили пунктуациясининг асосий қоидалари. Лойиҳа // Маърифат, 2015 йил 1 апрель; 2015 йил 4 апрель; 2015 йил 8 апрель; 2015 йил 11 апрель (Н. Маҳмудов ва Н. Маҳкамовлар билан ҳамкорликда).

467. Ўзбекча-русча луғатчилик: тарихи ва ҳозирги муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – №2. – Б. 23–34. (Ф. Мусаева билан ҳамкорликда).

468. Иномжон Расулов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №3. – Б. 116–118 (Н. Маҳмудов ва Н. Охуновлар билан ҳамкорликда).

469. Ҳасанбой Жамолхонов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №4. – Б. 116–118 (Н. Маҳмудов ва И. Азимовлар билан ҳамкорликда).

470. Иш юритиш. Амалий қўлланма. 7-нашр. – Тошкент: Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – 456 бет (М. Аминов, Н. Маҳкамов, Н. Маҳмудовлар билан ҳамкорликда).

471. Ўзбек тили пунктуациясининг асосий қоидалари. – O'zbek tili punktuatsiyasining asosiy qoidalari (тузувчилар: Н. Маҳмудов, А. Мадвалиев, Н. Маҳкамов). – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 88 бет.

472. Истиқлол ва она тили // Pedagog (ТДПУ газетаси), 2015 йил октябрь. № 8 (957) (Ё. Одилов билан ҳамкорликда).

473. Ўзбек тилшунослигини дунёга танитган олим / Муруватли устоз (академик Фанижон Абдураҳмонов). – Тошкент: ТДШИ, 2015. – Б. 45–51 (Н. Маҳмудов ва А. Мамажонов билан ҳамкорликда).

474. Фанижон Абдураҳмонов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – Б. 101–105 (Н. Маҳмудов ва А. Мамажоновлар билан ҳамкорликда).

475. Ўзбек лексикографияси ва Суюн Қораев / Профессор Суюн Қораев – замондошлари нигоҳида. Проф. С. Қораевнинг 90 йиллигига бағишиланган илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2015. – Б. 17–22.

476. Ўзбекча-русча луғатчилик тарихидан / «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзуидаги VIII республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент: ТДПУ, 2015. – Б. 43–49.

2016

477. Суюн Қораев // Ўзбек тили ва адабиёти. – №2. – Б. 108–112 (Т. Мирзаев билан ҳамкорликда).

478. Ренат Дониёров // Ўзбек тили ва адабиёти. – №2. – Б. 118–120 (Н. Маҳкамов ва З. Мираҳмедовалар билан ҳамкорликда).

479. Кенг қамровли, ижодкор олим эди / Тил ва адабиёт масалалари. №3 (Филол. ф. д., проф. Э. А. Бегматов таваллудининг 80 йиллигига бағишиланган илмий мақолалар тўплами). – Наманган, 2016. – Б. 4–9.

480. Сиддиқжон Мўминов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №3. – Б. 104–105 (Ш. Исқандарова, М. Ҳакимовлар билан ҳамкорликда).

481. Эрнест Бегматов // Ўзбек тили ва адабиёти. – №3. – Б. 106–109 (Т. Мирзаев билан ҳамкорликда).

482. Ўзбек тилшунослиги мустақиллик йилларида // Ўзбек тили ва адабиёти. – №4. – Б. 47–52 (Ё. Одилов билан ҳамкорликда).

483. Бозорбой Ўринбоев // Ўзбек тили ва адабиёти. – №4. – Б. 118–121 (А. Мусаев ва Т. Қўчқоровлар билан ҳамкорликда).

484. Клара Шарипова // Ўзбек тили ва адабиёти. – №5. – Б. 121–123 (М. Сафаров билан ҳамкорликда).

485. Ўзбек тили ва тилшунослиги: кеча ва бугун. // Pedagog (ТДНУ газетаси), 2016 йил октябрь. № 8 (967) (Ё. Одилов билан ҳамкорликда).

486. Дехқончилик сўзлари луғати // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – Б. 124–127 (А. Собиров ва Э. Жабборовлар билан ҳамкорликда).

487. Серкирра олим ва самимий инсон / Сиддиқлик саодати. Сиддиқ Мўмин замондошлари нигоҳида. – Фарғона, 2016. – Б. 32–35.
488. Серкирра олим ва самимий инсон // Farg‘ona ta’limi xabarlari, 2016-yil 16-poyabr. – 21 (13–16) - son.
489. Иш юритиш. Амалий қўлланма. 8-нашр. – Тошкент: Ўзбекистон милллий энциклопедияси. – 456 бет (М. Аминов, Н. Маҳкамов, Н. Маҳмудовлар билан ҳамкорликда).

Юқоридагилардан ташқари, бир қатор Нобель мукофотини олган шоир ва ёзувчилар ҳамда илм-фан ва маданият соҳасида танилган шахслар таржимаи ҳолига, «Л»дан «Ҳ»гача бўлган ҳарф-товушлар тавсифига, айрим матбуот органлари фаолиятига бағишлиланган ва «Ўзбекистон милллий энциклопедияси»да нашр этилган 60 дан ортиқ кичик ҳажмли мақолалар мазкур рўйхатга киритилмади.

АБДУВАҲОБ МАДВАЛИЕВНИНГ МУҲАРРИРЛИК ФАОЛИЯТИ

1. Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. I Республика терминология конференцияси материаллари / Масъул муҳаррирлар: Р. Дониёров, А. Мадвалиев. – Тошкент: Фан, 1986. – 112 бет.
2. Ўзбек тили атамашунослиги. Ахборот. 1–2-чиқарув / Тахрир ҳайъати: А. Мадвалиев (масъул котиб). – Тошкент; Фан, 1990. – 92 бет.
3. Ўзбек тили атамашунослиги. Ахборот. 3–4-чиқарув / Тахрир ҳайъати: А. Мадвалиев (масъул котиб). – Тошкент: Фан, 1990. – 100 бет.
4. Ўзбек тили атамашунослиги. Ахборот. 5–6-чиқарув / Тахрир ҳайъати: А. Мадвалиев (масъул котиб). – Тошкент: Фан, 1992. – 48 бет.
5. Ўзбек тили атамашунослиги. Ахборот. 7–8-чиқарув / Тахрир ҳайъати: А. Мадвалиев (масъул котиб). – Тошкент: Фан, 1992. – 56 бет.
6. Ўзбек тили атамашунослиги. Ахборот. 9–10-чиқарув / Тахрир ҳайъати: А. Мадвалиев (масъул котиб). – Тошкент: Фан, 1993. – 32 бет.
7. Ўзбек тилшунослигига оид тадқиқотлар. Жумҳурият ёш тилшунослярининг анъанавий илмий конференцияси материаллари (IV чиқиш) / Тахрир ҳайъати: А. Мадвалиев ва бошқ. – Тошкент, 1992. – 138 бет.
8. Ўзбек тилшунослигига оид тадқиқотлар. Жумҳурият ёш тилшунослярининг анъанавий илмий конференцияси материаллари (V чиқиш) / Тахрир ҳайъати: А. Мадвалиев ва бошқ. – Тошкент, 1993. – 148 бет.
9. Ўзбек тилшунослигига оид тадқиқотлар. Жумҳурият ёш тилшунослярининг анъанавий илмий конференцияси материаллари (VI чиқиш) / Тахрир ҳайъати: А. Мадвалиев ва бошқ. – Тошкент, 1994. – 161 бет.
10. Республика ёш тилшунослярининг анъанавий илмий конференцияси тезислари тўплами (VII чиқиш) / Масъул муҳаррирлар: Х. Шамсиддинов, Н. Маҳкамов, А. Мадвалиев. – Тошкент, 1995. – 160 бет.
11. Исломилов А. Қ., Лафасов Ў. П. Ўзбек тили. Машқлар тўплами. Олий ўкув юртларининг русийзабон гурухлари талабалари учун ўкув

кўлланма / Масъул мұҳаррір: А. Мадвалиев. – Тошкент: ТошДШИ нашри, 2000. – 95 бет.

12. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати / Масъул мұҳаррір: А. Мадвалиев. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 168 бет.

13. 1998 йилги тест яқунларининг дидактик аспектлари / Мұхаррірлар: А. Мадвалиев, Д. Валиева. – Тошкент: Давлат тест маркази, 1999. – 216 бет.

14. 2001 йилги тест яқунларининг дидактик аспектлари / Мұхаррірлар: А. Мадвалиев, Э. Ураева. – Тошкент: Давлат тест маркази, 2002. – 205 бет.

15. Мұхитдинов М. М., Набишев Д. П. 1997 йил тест яқунлари (аналитик материал) /Мұхаррір: А. П. Мадвалиев. – Тошкент: Давлат тест маркази, 1997. – 368 бет.

16. Мұхитдинов М. М., Набишев Д. П. 1998 йил тест яқунлари (тахлий материал) /Мұхаррір: А. П. Мадвалиев. – Тошкент: Давлат тест маркази, 1998. – 310 бет.

17. Мұхитдинов М. М. 1999 йил тест яқунлари (аналитик материал) / Мұхаррір: А. П. Мадвалиев. – Тошкент: Давлат тест маркази, 1999. – 318 бет.

18. Мұхитдинов М. М. 2000 йил тест яқунлари (аналитик материал) /Мұхаррір: А. П. Мадвалиев. – Тошкент: Давлат тест маркази, 2000. – 384 бет.

19. Мұхитдинов М. М. 2001 йил тест яқунлари (аналитик материал) / Мұхаррір: А. П. Мадвалиев. – Тошкент: Давлат тест маркази, 2001. – 360 бет.

20. Мұхитдинов М. М. 2002 йил тест яқунлари (аналитик материал) / Мұхаррір: А. П. Мадвалиев. – Тошкент: Давлат тест маркази, 2002. – 367 бет.

21. Исмоилов А., Раупова Л. Янги ўзбек имлоси (ўқув қўлланма) / Масъул мұхаррір: А. Мадвалиев. – Тошкент, 2003. – 88 бет.

22. Butayev Sh., Irisqulov A. Inglizcha-o'zbekcha lug'at / Muhammardilar: A. Madvaliyev, N. Mahkamov. – Toshkent: Zarqalam, 2006. – 720 bet.

23. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Беш жилдли. 1-жилд / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 680 бет.

24. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Беш жилдли. 2-жилд / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 672 бет.

25. Butayev Sh. Inglizcha-o‘zbekcha rasmli lug‘at / Muharrirlar: A. Irisqulov, A. Madvaliyev. – Toshkent: Fan, 2007. – 18 bet.
26. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдли. 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12-жиллар / Тил ва адабиёт таҳририяти мудири А. Мадвалиев, – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003 – 2006 (тил, адабиёт ва журналистикага доир 70 босма табоқдан (1700 бетдан) ортиқ материал; Ҳ. Абдиев билан ҳамкорликда).
27. XX аср ўзбек шеърияти антологияси / Масъул муҳаррир: А. Мадвалиев. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 496 бет.
28. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 3-жилд. / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 688 бет.
29. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 4-жилд. / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2008. – 608 бет.
30. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 5-жилд. / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2008. – 592 бет.
31. Butayev Sh., Irisqulov A. Inglizcha-o‘zbekcha, o‘zbekcha-inglizcha lug‘at / Mas’ul muharrirlar: G. Boqiyeva, O. Mo‘minov, A. Madvaliyev, N. Mahkamov. – Toshkent: Fan, 2008. – 848 bet.
32. Butayev Sh., Irisqulov A. Inglizcha-o‘zbekcha, o‘zbekcha-inglizcha lug‘at / Mas’ul muharrirlar: G. Boqiyeva, O. Mo‘minov, A. Madvaliyev, N. Mahkamov. – Toshkent: Fan, 2009. – 848 bet.
33. XX аср ўзбек ҳикояси антологияси / Масъул муҳаррир: А. Мадвалиев. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009. – 624 бет.
34. Butayev Sh. Inglizcha-o‘zbekcha lug‘at / Mas’ul muharrirlar: A. Irisqulov, A. Madvaliyev, N. Mahkamov. – Toshkent: Tafakkur bo‘stoni, 2009. – 1040 bet.
35. Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомия терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Тошкент: Фан. 2010. – 128 бет.
36. Хорижий сўз ва терминлардан фойдаланишда меъёр ва миллий-ассоциатив фикрлаш муаммолари // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари / Масъул муҳаррирлар: Н. Маҳкамов, А. Мадвалиев. – Тошкент, 2011. – 109 бет.
37. Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари (Республика илмий-назарий анжумани материаллари) №6 / Таҳрир ҳайъати: А. Мадвалиев ва бошқ. – Тошкент, 2012. – 210 бет.

38. Фаттоҳ Абдуллаев замондошлари хотирасида / Масъул мұхаррир: А. Мадвалиев. – Тошкент: Мұхаррир, 2013. – 176 бет.
39. Русча-ўзбекча луғат. 2 жилдли. I жилд (масъул мұхаррир: А. Мадвалиев) – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2013. – 896 бет.
40. Русча-ўзбекча луғат. 2 жилдли. II жилд (масъул мұхаррир: А. Мадвалиев) – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2013. – 888 бет.
41. Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). №7 / Масъул мұхаррирлар: Н. Маҳмудов, А. Мадвалиев. – Тошкент, 2013. – 248 бет.
42. Butayev Sh. Inglizcha-o'zbekcha, o'zbekcha-inglizcha lug'at / Mas'ul muhartirlar: A. Irisqulov, A. Madvaliyev, N. Mahkamov. – Toshkent: O'qituvchi, 2013. – 880 bet.
43. Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – 288 бет.
44. XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек тилида яратилган мунозаралар (нашрга тайёрловчи: Э. Умаров; масъул мұхаррир А. Мадвалиев). – Тошкент, 2015. – 36 бет.
45. Изланиш самаралари. Республика ёш тилшунослари ва адабиётшуносларининг илмий-назарий анжумани материаллари. – №3. – Тошкент, 2016. – 224 бет (Тахрир ҳайъати: А. Мадвалиев ва бошқалар).
46. Mahmudov N. So'z sandiqchasi: O'zbek tilining izohli lug'atchasi (boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun). – Toshkent: G'. G'ulom nomidagi NMU, 2016. – 216 bet (mas'ul muharrir: A. Madvaliyev).
47. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқики. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – 170 бет (масъул мұхаррир: А. Мадвалиев).

АБДУВАҲОБ МАДВАЛИЕВ ВА УНИНГ ҲАМКОРЛИКДА ЭЪЛОН ҚИЛГАН ИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАҶОЛА, ХАБАР ВА ТАҚРИЗЛАР

1. Номозов О. Навоий стипендиати // Педагог (Фарғона ДПИ газетаси), 1968 йил 1 май.
2. Умаров М. Олим уфқлари // Марғилон ҳақиқати, 1987 йил 19 март.
3. Абдуназар Ҳ., Аминов М. Заҳматкаш ва зукко олим // Маърифат, 2007 йил 14 апрель.
4. Ҳожиев А., Мирзаев Т., Маҳкамов Н. Сўзшунос зукко олим // Марғилон ҳақиқати, 2007 йил 23 апрель.
5. Абдуваҳоб Мадвалиев (Биобиблиография). – Тошкент, 2007. – 27 бет. (Тузувчилар Р. Баракаев, Н. Маҳкамов).
6. Ҳожиев А., Мирзаев Т., Маҳкамов Н. Абдуваҳоб Мадвалиев // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. – № 2. – Б. 96–99.
7. Мўмин С., Расулов Қ. Олим, муҳаррир, устоз // Фарғона ҳақиқати, 2007 йил 1 май.
8. Мўмин С., Ҳакимов М., Расулов Қ. Устоз, олим, муҳаррир // Фарғона университети, 2007 йил май (5-)сони.
9. Очилов Э. Заҳматкаш тилшуноснинг 60 йиллиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007, 3-сон. – Б. 111.
10. Фозилов Т. «Маориф» гулшани. – Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2008. – Б. 39.
11. Абдуваҳоб Мадвалиев / Фарғона филология мактаби. – Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2015. – Б. 119–121.
12. Изоҳли луғатнинг янги нашри // Қишлоқ ҳақиқати, 2001 йил 19 октябрь.
13. Абдуназар Ҳ. Изоҳли луғат напр арафасида // Соглом авлод, 2006 йил 5–11 октябрь.
14. Янги изоҳли луғат // Ўзбекистон матбуоти, 2007. – №1. – Б. 13.
15. Иброҳимов А., Рихсиева Г. Янги изоҳли луғат // Маърифат. – 2007 йил 2 май.
16. Маҳмудов Н. «Асос ул-балоға»дан бошланган заҳмат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2007 йил 11 май.
17. Олим С. Халқнинг буюк бойлиги // Моҳият. – 2007 йил 6 июль.

18. Маҳмудов Н. Алифбо тартибидаги олам // Тил ва адабиёт таълими, 2008. – №2. – Б. 79–85.
19. Умарова Н. Вышел в свет новый толковый словарь // Uzbekistan today. – 7 августа 2008 года.
20. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» // Халқ сўзи. – 2008 йил 14 август.
21. Олим С. Хазина // Маърифат. – 2008 йил 15 октябрь.
22. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2008 йил 17 октябрь.
23. Шуҳрат Ризо мутолаа қиласи // Тафаккур, 2002. – №4. – Б. 76–78.
24. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» тақдимоти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. – №6. – Б. 129–130.
25. Нурмонов А., Собиров А. Ўзбек тилининг янги изоҳли луғати // Ўзбекистон овози. – 2009 йил 16 апрель.
26. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиги / Муаллифнинг айни шу номдаги китоби. – Тошкент: F. Фулом номидаги НМИУ, 2012. – Б. 37–42.
27. «Ўзбек тилининг имло луғати» // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2013 йил 20 сентябрь.
28. Азимов И., Сапарниёзова М. Саводхонлигимиз кўзгуси // Маърифат. – 2013 йил 14 декабрь.
29. Жомонов Р. Тилнинг миллий таровати // Маърифат. – 2014 йил 22 январь.
30. Йўлдошев Б., Маҳмадиев Ш. Янги имло луғати // Samarqand. – 2014 йил 26 июнь.
31. Янги «Русча-ўзбекча луғат» // Маърифат. – 2013 йил 11 декабрь.
32. «Русча-ўзбекча луғат» // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2013 йил 19 декабрь.

АБДУВАҲОБ МАДВАЛИЕВ ОППОНЕНТЛИК ҚИЛГАН НОМЗОДЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ

1. Усманов С. Гиппологическая терминология современного узбекского языка. – Ташкент, 1988.
2. Муминов С. М. Роль мотивации в окказионально-речевых номинациях (на материале узбекского языка). – Ташкент, 1990
3. Абдураимова Ш. К. Сўз ўзлаштириш назарияси ва ўзлаштирмаларнинг вақтли матбуот тилида тадрижий ўзгара бориши (1936 – 90-йиллар Сурхондарё вилояти матбуотидаги русча сўз ва иборалар мисолида). – Тошкент, 1995.
4. Эшонкулов Б. Х. Ҳозирги ўзбек адабий тилида арабча луғавий ўзлашмаларнинг парадигматик асимметрияга муносабати. – Тошкент, 1996.
5. Қиличев Б. Э. Ўзбек тилида партонимия. – Тошкент, 1997.
6. Ҳожалиев И. Т. Тасвир нутқ типининг лингвистик хусусиятлари. – Тошкент, 1998.
7. Раҳмонкулов А. Ўзбек тилида морфологик факультативлик. – Тошкент, 2000.
8. Каҳарова М. М. Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи. – Тошкент, 2009.
9. Примов А. И. Ўзбек тили космонимларининг лисоний хусусиятлари. – Тошкент, 2009.
10. Убайдуллаев А. А. «Луғати туркий»нинг лексикографик тадқиқи. – Тошкент, 2011.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
---------------	---

Биринчи бўлим

Ўзбек тилшунослиги тараққиёти масалаларига доир

Мустақиллик даврида ўзбек тилшунослиги тараққиёти.....	6
Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги	19

Иккинчи бўлим

Терминология масалалари

Термин ва терминография хусусида	28
Халкаро препозитив терминэлементлар	
ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши	34
Кўшма терминларнинг хусусиятлари	
ва уларни тартибга солиш масалалари	54
Ўзбек кимё терминологиясининг илк ривожланиш	
даври ҳақида (XX асрнинг 20-йиллари)	77
Кимёга оид баъзи атамалар ҳақида	85
Ўзбек кимё терминологиясида дублетлик	
ва уни минимумга келтириш масаласи.....	88
Кимё терминларининг семантик усул билан ясалиши.....	117
Ўзбек тили иш юритиш атамаларини тартибга солиш ҳақида.....	124

Учинчи бўлим

Луғатлар ва луғатчилик тарихи

Луғат ва луғат турлари ҳақида.....	128
Ўзбек лексикографияси тарихидан	134

Исҳоқхон ибратнинг олти тијли лугати	149
Форсча-ўзбекча ва ўзбекча-форсча луғатлар	
тузиш тарихи ва ҳозирги муаммолари.....	153
Русча-ўзбекча лугатлар тузини тарихидан.....	166
Ўзбекча-русча луғатчилик тарихи	175

Тўртинчи бўлим

Сўз ва терминларнинг лексикографик талқини

Изоҳли луғатда терминларнинг	
лексикографик талқинига доир	188
Ўзбек тили изоҳли луғатларида сўзларга	
этимологик маълумот бериш масаласи	203
Кимё терминлари ва уларнинг изоҳли луғатда берилиши	216
Тиббиёт терминологиясининг соҳавий ва	
изоҳли луғатларда берилишига доир	229

Бешинчи бўлим

Лексикографик ишларга тақризлар

Ўзбек диалектал лексикографиясига	
кўшилган муносиб ҳисса	250
Деҳқончилик сўзлари луғати	258

Олтинчи бўлим

Устозлар ҳақида хотира ва қутлов мақолалари

Жонкуяр олим	264
Олим Усмон ва ўзбек тилшунослиги	266
Улкан салоҳиятли, закий луғатшунос	273
Серқирра тилшунос	279
Ўзбек тилшунослигини дунёга танитган олим	287
Чин инсон ва зукко олим ҳақида ёднома	293
Дакиқ олим ва меҳрибон устоз	307
Кенг қамровли, ижодкор олим эди	313
Ўзбек лексикографияси ва Суюн Кораев	319

Абдуваҳоб Мадвалиев биобиблиографияси

Ўзбек терминологияси ва лексикографиясининг зукко тадқиқотчиси (<i>Тўра Мирзаев, Низомиддин Маҳмудов, Неъмат Маҳкамов</i>).....	329
Илм ва ибрат (<i>Иброҳим Ҳаққул</i>)	337
Абдуваҳоб Мадвалиев ҳаёти ва илмий фаолиятининг асосий саналари	340
Абдуваҳоб Мадвалиевнинг эълон килинган ишлари рўйхати.....	343
Абдуваҳоб Мадвалиевнинг муҳаррирлик фаолияти.....	373
Абдуваҳоб Мадвалиев ва унинг ҳамкорлика эълон қилган ишлари тўғрисида мақола, хабар ва тақризлар	377
Абдуваҳоб Мадвалиев оппонентлик қилган номзодлик диссертациялари	379

УЎК: 811.512.133'373.46+811.512.133'374

КБК: 81.2 ўзб-4

М-14

Мадвалиев, Абдуваҳоб

М-14

Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалири. Тўплам. / Масъул муҳаррир Низомиддин Маҳмудов; тўпламни нашрга тайёрловчи Ғулом Исмоилов; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. – 384 бет.

ISBN: 978-9943-07-472-9

Илмий-оммабон нашр

Абдуваҳоб Мадвалиев
ЎЗБЕК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ВА
ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент–2017

Муҳаррир *Жаҳонгир Қўнишев*
Бадиий муҳаррир *Асқар Ёқубжонов*
Саҳифаловчилар: *Жаҳонгир Бадалов,*
Ақбар Қўнишев

Нашриёт лицензияси AI № 160, 14.08.2009 и.
Босишга руҳсат этилди 17.04.2017. Бичими 60 × 90 ¼.
Офсет қоғозига босилди. «Times New Roman» гарнитураси.
Шартли босма таборги 24,0. Нашр ҳисоб-таборги 23,5.
Адади 500 нусха. Буюртма № 3.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-йй.

«AVTO-NASHR» MCHJ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, 8-кўчаси, 57-йй.



Абдуваҳоб Мадвалиев 1947 йил 15 апрелда Марғилон шаҳрида туғилган. Филология фанлари номзоди (1986), катта илмий ходим (2010). Фарғона ДПИни тугатган (1970). Ёзёвон туманинаги 10-ўрта мактабда ишлаган (1970–72). ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтида фаолият кўрсатган (1972–2017). Ҳозирги кунда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг бўлим мудири.

500 га яқин илмий ва илмий-оммабол асарлар муаллифи. Хусусан, “Ўзбек терминологиясида лексик вариянтлар” (1976), “Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси ва унитартибга солиш принциплари” (1991) тўпламлари, “Ўзбек тилида иш юритиш” (1990), “Иш юритиш. Амалий қўлланма” (2000–16 йилларда 8 марта нашр этилган) китоблари, 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (2006–08), 2 жилдли “Русча-ўзбекча луғат” (2013), “Ўзбек тилининг имло луғати” (2013), “O’zbek tilining imlo lug’ati” (2013), “Ўзбек тили пунктуациясининг асосий қоидалари” (2015) қўлланмаси, 10 дан ортиқ терминалогик луғатлар унинг ҳаммуаллифлиги ва масъул муҳаррирлигига нашр этилган.

“Мехнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган (2002).



ISBN 978-9943-07-472-9



9 789943 074729

